ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МИЛЛИЙ ГВАРДИЯСИ
ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИ УНИВЕРСИТЕТИ

Ушбу монография устозимиз Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори, ю.ф.д., профессор ***Ф. Тахиров*** *хотирасига бағишланган ва унинг маслаҳатлари асосида тайёрланиб, шогирдлар томонидан оҳирига етказилган.*

АНОРБОЕВ А.У.

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛУВЧИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Монография

Тошкент – 2025

КБК – 67.408.135
А - 69

Ушбу монография Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети Кенгашининг 2025 йил 26 сентябрдаги 2-сон баённомасига асосан нашр қилишга тавсия этилган.

Анорбоев А.У. Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларга қарши курашиш истиқболлари. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2025. – 527 бет.

“Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларга қарши курашиш истиқболлари” мавзусидаги монография муаллиф А. Анорбоев томонидан олиб борилаётган илмий ишларнинг мантиқий давоми ҳисобланади.

Ушбу монографияда муаллиф жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари, жиноят қонунчилигида жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жиноий жавобгарликни белгилаш зарурияти, асосий, қўшимча ва факультатив бевосита объекти “жамоат хавфсизлиги” бўлган кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий таҳлили, хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатлари, халқаро ҳужжатларда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатлари, Ўзбекистон Республикасида рақамли назоратни амалга ошириш зарурияти ва тартиби ҳамда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг вужудга келиш сабабларини аниқлаш ва уларга қўлланилган жазоларни ижро этиш техникасини тушунтириб беради.

Мазкур монографиядан Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Бош прокуратура, Рақамли технологиялар вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Марказий банк ва бошқа қонун чиқарувчи, ижро этувчи, назорат ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар мутахассислари ва ходимлари, судьялар, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари, “Acharya”, Амити, Тошкент шаҳридаги “Амити”, “Cyber university”, Тошкент давлат юридик университетлари, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти, Бухоро вилоятининг Қоракўл туманида IT-кластер, Тошкент давлат юридик университети, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси ҳамда бошқа олий ва ўрта махсус ўқув муассасаларининг ўқитувчилари, ўқувчилари, илмий ходимлари ва талабалари, ҳуқуқшунослар, ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси мутахассислари, ходимлари, шунингдек, ушбу соҳа бўйича илмий иш қилаётган мутахассис олимлар фойдаланиши мумкин.

Тақризчилар:

Закурлаев А. Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, ю.ф.д., профессор;

Исмоилов Б. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти шўъба мудири, ю.ф.д., профессор

© А.Анорбоев, 2025
© Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети, 2025

МУНДАРИЖА

КИРИШ **4**
I БОБ. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛУВЧИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ **8**
1.1-§. Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг назарий-ҳуқуқий мазмун-моҳияти ва классификацияси 8
1.2-§. Жиноят қонунчилигида жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жавобгарликни белгилашнинг ижтимоий зарурияти 27
1-боб бўйича хулосалар 43
II БОБ. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛУВЧИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАВСИФИ **44**
2.1-§. Асосий бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий таҳлили 44
2.2-§. Қўшимча бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий таҳлили 67
2.3-§. Факультатив бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий таҳлили 85
2-боб бўйича хулосалар 89
III БОБ. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛУВЧИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ХОРИЖИЙ ВА ХАЛҚАРО ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ **90**
3.1-§. Хорижий давлатларда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатлари 90
3.2-§. Халқаро ҳужжатларда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатлари 116
3-боб бўйича хулосалар 126
IV БОБ. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛУВЧИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ АНИҚЛАШДА РАҚАМЛИ НАЗОРАТНИНГ РОЛИ **127**
4.1-§. Ўзбекистон Республикасида рақамли назоратни амалга ошириш зарурияти ва тартиби 127
4.2-§. Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг вужудга келиш сабабларини аниқлаш ва уларга қўлланилган жазоларни ижро этиш техникаси 145
4-боб бўйича хулосалар 161
ХУЛОСА **162**
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати **175**
I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар 175
II. Монография, илмий мақола, патент, илмий тўпламлар 183
III. Интернет-ресурслар 186

КИРИШ

Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб нафақат давлатлар иқтисодиёти юксалмоқда, балки бу технология туфайли дунё бугунги кунда уларнинг таҳдиди остида қолган. Дунёдаги барча соҳалар ва тармоқларни рақамлаштириш, ахборот тизимлари ва ресурслари, муҳим ахборот инфратузилмалари, телекоммуникация, шу жумладан, бутун жаҳон интернет тармоғи, шахсга доир маълумотлар базалари, ахборотлаштириш ва телекоммуникация инфратузилмаси, ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, сунъий интеллект, кибер-, ноно-, био- ва бошқа технологиялар ҳамда техник воситаларнинг кейинги ривожига кибержиноятлар катта хавф солмоқда ва бунинг оқибатида жамоат хавфсизлиги таҳдид остида қолмоқда. Ҳозирда, 2023 йилда ҳар 39 сонияда, ҳозирда эса, **ҳар 14 сонияда битта киберҳужум** содир этилиб[1], бошқа манбаларда эса, **ҳар сонияда** киберҳужум амалга оширилиб[2], бунинг оқибатида 2023 йилда дунёдаги 71 фоиз ташкилотлар товламачилик дастурлари қурбони бўлишган бўлса, ҳозирда барча киберхавфсизлик ҳодисаларининг 80 фоиз қисми жиноий гуруҳлар билан боғлиқ[3]. Жаҳон иқтисодиётига етказилган зарар миқдори эса, 2018 йилда 3 трлн. доллар, 2019 йилда 3,5 трлн. доллар, 2020 йилда 4,2 трлн. доллар, 2021 йилда 6 трлн. доллар, 2022 йилда 7 трлн. доллар, 2023 йилда 8,4 трлн. доллар, 2024 йилда 9,5 трлн. долларни ташкил этган[4] бўлса, 2025 йилда **10,5 трлн. доллар**[5], 2026 йилда **20 трлн. доллар**, 2027 йилда 22 трлн. доллар, 2028 йилда 24 трлн. доллар, 2029 йилда 26 трлн. долларни ташкил этиши таҳмин қилинмоқда[6]. Кўриб ўтилганидек, кибержиноятларнинг келтираётган зарар миқдори 2026 йилга келиб икки баробарга кўпаймоқда ва бу эса, зудлик билан барча дунё давлатлари ҳамжиҳатликда халқаро трансчегаравий жиноят бўлган кибержиноятларга қарши биргаликда курашиш ва бу соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга ошириш зарурлигини тақозо этмоқда.

Жаҳонда кибержиноятлар туфайли рўй берадиган иқтисодий инқирозларнинг олдини олиш ва унинг салбий оқибатларини бартараф этиш, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жамоат хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш юзасидан дунё давлатлари халқаро ҳужжатлар асосида ушбу кибертрансчегеравий жиноятларга қарши ялпи курашиш бўйича кенг кўламли ишларни амалга оширишмоқда, ушбу кибержиноятларга қарши курашиш учун таълим тизимида кескин ислоҳотлар ўтказилиб, киберхавфсизликка ихтисослаштирилган мутахассислар етиштирилмоқда, махсус лабаратория, олий таълим ва илмий тадқиқот ташкилотларини ташкил қилишмоқда, киберҳодисаларни олдиндан прогноз ва таҳлил қилиш учун сунъий

[1] https://www.datensicherheit.de/2024-2025-cyber-attack-companies-14-seconds.
[2] https://cybermap.kaspersky.com/ru/stats.
[3] https://www.websiterating.com/ru/blog/research/cybersecurity-statistics-facts/#sources.
[4] https://newsletter.radensa.ru/archives/4840.
[5] https://www.cenlanow.com/business/press-releases/ein-presswire/674883055/cybercrime-damages-to-cost-the-world-9-5-trillion-usd-in-2024/.
[6] https://www.statista.com/forecasts/1280009/cost-cybercrime-worldwide#:~:text=The%20global%20cost%20of%20cybercrime,trillion%20U.S.%20dollars%20in%202022.

интеллект ва автоматлаштирилган «*ақлли тизим*»лардан фойдаланишмоқда, киберхавфсизликни таъминлаш бўйича хайрия, грант ва бюджет маблағларини ажратишмоқда, трансчегаравий муносабатларда қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш ва ўзаро бирхиллаштириш орқали уларни тизимлаштириш, техник ва технологик жараёнлардан тортиб, юридик масалаларгача ягона ҳуқуқий-техник амалиётни йўлга қўйиш чораларини кўришмоқда. Бу эса, ўз навбатида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг илмий-назарий ва амалий ечимини топиш долзарб аҳамият касб этиб бормоқда.

Республикамизда норма ижодкорлиги ва рақамлаштириш орқали жамоат хавфсизлиги, киберхавфсизлик ва қонун устуворлигини таъминлаш бўйича кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда хавфсиз кибермухит, шу жумладан, кибермаконни яратиш мақсадида 2017-2025 йиллар давомида 150 га яқин қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниб, 500 га яқин кенг кўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Бироқ рақамли технологияларнинг кейинги ривожи, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жавобгарликнинг етарли даражада жиноят қонунчилигимизда аниқ белгиланмаганлиги ва бу борада ҳали ҳамон "*ҳуқуқий бўшлиқлар*"нинг мавжудлиги "*латент*" кибержиноятларнинг вужудга келиб, уларнинг сони, тури, келтирилган зарар кўлами кундан-кунга ошиб кетишига, ҳуқуқни қўллаш жараёнида "*коллизион ҳолатлар*" кўпайишига сабаб бўлмоқда. Биргина, Ўзбекистон Республикасида 2020 йилда 863 та, 2021 йилда 785 та, 2022 йилда 7570 та, 2023 йилда 6 450 та, 2024 йилда 58 800 та қилмиш ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилганлиги рўйхатга олинган бўлса, бу борада кибержиноятлар сони 2020 йилга қараганда 2024 йилда таҳминан **68,13** баробарга кўтарилган[1]. Шунга кўра, кибержиноятлар кундан кунга жамоат хавфсизлигига таҳдиди ошиб бораётганлиги сабабли ушбу соҳани етарлича ҳуқуқий тартибга солиш заруриятини келтириб чиқармоқда.

Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси (1994 йил), Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги (2003 йил), «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги (2015 йил), «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида»ги (2019 йил), «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги (2022 йил), «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги (2024 йил) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2021 йил), «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида"ги (2023 йил), «Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2025 йил) фармонлари, «Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2018 йил), «Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча

[1] А. Анорбоев. Рақамли изларни логлаш, сақлаш ва ҳисобини юритиш – киберкоррупция ва кибержиноятларни фош этиш ва киберҳимояни таъминлаш усулидир. – Т.: "Ustozlar uchun" журнали. 2025 й., 77 сон, 1 тўплам. – Б. 119.

чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2023 йил), «Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» (2024 йил), «Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида»ги (2025 йил) қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг «Идоралараро электрон ҳамкорлик тизими ва маълумотларнинг ахборот алмашинувини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги (2022 йил), «Шахсга доир маълумотларга ишлов бериш соҳасидаги айрим норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида»ги (2022 йил) қарорлари, Марказий банк бошқарувининг «Тўлов тизими операторларининг ва тўлов ташкилотларининг фаолиятини назорат қилиш ва кузатувни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (15.05.2023 й., рўй.: 3434), «Тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчиларнинг тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларни олдини олиш чораларини кўриш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (21.05.2024 й., рўй.: 3513) қарорлари, Давлат хавфсизлик хизмати раисининг «Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (22.09.2023 й., рўй.: 3458), «Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини тоифалаш ва уларнинг ягона реестрини шакллантириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (11.11.2024 й., рўй.: 3570), «Киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (14.11.2024 й., рўй.: 3573), «Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги (14.11.2024 й., рўй.: 3574) буйруқлари, адлия вазирининг «Шахсга доир маълумотларга ишлов беришнинг намунавий тартибини тасдиқлаш ҳақида»ги (15.11.2023 й., рўй.: 3478) ва соҳага оид бошқа қонунчилик ҳужжатларида белгиланган устувор вазифаларнинг амалга оширилиши орқали жамоат хавфсизлигини таъминлаш бугунги кундаги дозларб масала саналади.

Шу сабабли ушбу монография бугунги кундаги муҳим масалаларга бағишланган. Ушбу монографияда муаллиф жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг назарий-ҳуқуқий жиҳатлари, жиноят қонунчилигида жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жиноий жавобгарликни белгилаш зарурияти, асосий, қўшимча ва факультатив бевосита объекти “жамоат хавфсизлиги” бўлган кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий таҳлили, хорижий давлатларнинг жиноят қонунчилигида жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатлари, халқаро ҳужжатларда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатлари, Ўзбекистон Республикасида рақамли назоратни амалга ошириш зарурияти ва тартиби ҳамда жамоат

хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг вужудга келиш сабабларини аниқлаш ва уларга қўлланилган жазоларни ижро этиш техникасини тушунтириб берган.

Мазкур монография Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети бошлиғи, ю.ф.д., профессор М. Рустамбоев, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Қонунчилик ва ҳуқуқий сиёсат институти илмий котиби, ю.ф.д., профессор А. Расулев, марҳум Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети профессори, ю.ф.д., профессор Ф. Таҳиров маслаҳатлари асосида тайёрланган.

I БОБ. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛУВЧИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ НАЗАРИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

1.1-§. Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг назарий-ҳуқуқий мазмун-моҳияти ва классификацияси

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг назарий-ҳуқуқий мазмунини чуқур англаш учун «жамият», «жамоат», «жиноят», «кибержиноят», «ижтимоий хавфлилик», «жамоат хавфсизлиги», «объект», «таҳдид», «ҳужум», «шахс», «давлат» тушунчалари ҳақида аниқ тушунчага эга бўлиш талаб қилинади. «Жамият»[1] ва «жамоат»[2] сўзлари араб тилидан олинган бўлиб, «жамоат» сўзи «жамият» сўзига қараганда торроқ тушунчага эга бўлиб, «жамият» катта миқёсдаги одамлар гуруҳи бўлган миллат, давлат, халқни назарда тутса, «жамоат» кичик ёки ўрта ҳажмли гуруҳни назарда тутади, қамров даражасига кўра, «жамият» кенг маънога эга бўлиб, ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тизимларни қамраб олса, «жамоат» нисбатан анча кичик бўлган торроқ доирани, муайян жой, мақсад билан боғлиқ бўлган кишилар гуруҳини қамраб олади, «жамият» тарихан шаклланиб борса, «жамоат» одатда маълум бир мақсад учун бирлашган шахслар доирасини қамраб олади, «жамият» доимий ва узоқ муддатли тузилмаса саналса, «жамоат» вақтинчалик, маълум бир вазифа ва мақсадни амалга ошириш учун тузилган бўлади, «жамият» давлат томонидан тан олинган ижтимоий тизим бўлса, «жамоат» бу шахсларнинг ихтиёрий гуруҳи ҳисобланади, «жамият» аъзолари учун тенглик муҳим мезон саналмайди, «жамоат» учун эса, бу муҳим мезон саналади, «жамоат» муайян маконда ва маълум бир мақсад учун биргаликда фаолият юритувчи, яшовчи икки ёки ундан ортиқ шахслар доирасини назарда тутса, «жамият» эса, «жамоат» сўзига қараганда кенгроқ тушунчага эга бўлиб, маълум бир тоифа, синф, йўналиш, соҳа[3], тузум, ҳокимият, таълимот учун бирлашган одамлар гуруҳи саналади, бироқ улар учун ҳудуд қатъий мезон саналмайди, ўзаро бирлашган шахслар гуруҳи бўлган «жамият» фикри ҳар хил бўлиши мумкин, аммо «жамоат» фикри бир хил ёки ўхшаш бўлади.

Маълумки, давлат органлари ва улар мансабдор шахсларининг фуқаролар ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини, жамият манфаатларини ҳимоя қилиш соҳасидаги қонунчилик талабларининг ижро этилишини таъминлашга доир фаолияти жамоатчилик назоратининг объекти саналади[4], яъни жамоат жамият, фуқаролар, юридик шахслар ва давлатга оид муносабатлар билан боғлиқ бўлади. Шунга кўра, жамоат жамиятга қараганда фақат бир йўналишда эмас, балки тарихий тараққиётнинг муайян босқичида аниқ ҳудудда мақсад ва ўй-фикрлари ўзаро ўхшаш ва бир хил ҳолатда вужудга келган

[1] https://izoh.uz/uz/word/jamiyat.
[2] https://izoh.uz/uz/word/jamoat.
[3] Ш. Сайдуллаев. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – Т.: ТДЮУ. 19-б.
[4] Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида” 2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ–474-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ижтимоий муносабатлар маҳсули саналади[1] ва унинг зарурий иккита белгиси мақжуд, яъни маълум бир аниқ ҳудудда яшовчи ёки фаолият юритувчи субъектларнинг ўзаро ўхшаш ва бир хил бўлган мақсади ҳамда маълум бир аниқ ҳудудда яшовчи ёки фаолият юритувчи субъектлар саналади. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси (кейинги ўринларда Ўз.Рес. ЖК деб юритилади)да ушбу Кодекснинг «ҳудуд» бўйича амал қилиш доираси аниқ белгиланганлиги боис, мазкур Кодексда «жамият» сўзидан эмас, «жамоат» сўзидан унумли фойдаланилган. Буни янада аниқроқ тушунтирадиган бўлса, ўзбек халқидан иборат шахслар гуруҳи ўзга давлат ҳудудида, ўзга давлат қонунчилигини қасддан бузадиган бўлишса, уларнинг жавобгарлиги Ўзбекистон қонунчилиги билан эмас, балки ўша давлат қонунчилиги билан ҳал қилинади, бироқ улар ўзбек халқига кирувчи жамият аъзолари саналади. Шунга кўра, дунёдаги одамларнинг яшашга нисбатан хоҳиш ва иродаси мавжудлигининг ўзи уларнинг жамият аъзоси эканлигини ифодаласа, жамоат учун бу шахсларнинг маълум бир маконда яшаётганлиги аҳамиятли ҳисобланади. Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноят жамият манфаатларига зид бўлиб, унинг амалга оширилиши нафақат шахсга, балки шахслар гуруҳи ёки давлат манфаатларига ҳам путур етказиши мумкинлиги билан шахс ва давлат билан жамоат ўзаро боғлиқдир. *Мисол учун*, кибербуллинг жиноятларида телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилар экан кибержиноятчи бир вақтнинг ўзида бир шахсга ёки икки ва ундан ортиқ маълум бир маконда яшовчи ёки фикр ва ўйлари ўхшаш ёки бир хил бўлган шахсга нисбатан киберҳужумни амалга ошириши мумкин. Мазкур ҳолатда уни фақатгина шахснинг ҳаёти ёки соғлиғига қарши қаратилган жиноят деб атаб бўлмайди, сабаби у бир вақтнинг ўзида факультатив бевосита объектга ҳам ўз таъсирини кўрсатиши мумкин, яъни кибербуллинг орқали бир шахс эмас, балки кибермуҳитга боғлиқ бўлган икки ёки ундан ортиқ шахслар ҳам жабр чекиши мумкин. Ёки яна бир мисол, Ўз.Рес. ЖК 167-моддасининг иккинчи қисми «г» банди, 168-моддасининг учинчи қисми «в» банди, 192[9] ва 192[10], 205, 209-214-моддалари, 243-моддасида назарда тутилган жиноятларни мансаб мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этиш ҳамда 301-моддасида кўрсатилган жиноятлар коррупциявий жиноятлар[2] бўлиб, уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари орқали кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда содир этилиши коррупцияга оид жиноятлардан ташқари кибержиноятларни ҳам вужудга келтиради ҳамда у бугунги кунда «рақамли коррупция», «киберкоррупция» ёки «кибермуҳит» ёки «кибермаконда» содир этилаётган коррупцияга оид жиноятлар» деб таъкидланмоқда ва ушбу вазиятда бевосита объектга қасд қилиниши оқибатида факультатив бевосита объект ҳам таҳдид остида қолмоқда. Шу билан бирга, бунинг тескариси бўлган Ўз.Рес. ЖК.нинг **168-моддасидаги қилмиш** ахборот фирибгарлиги (киберфирибгарлик ёки

[1] Ш. Сайдуллаев. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. – Т.: ТДЮУ. 19-б.

[2] Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

компьютер фирибгарлиги), **175-моддасидаги** қилмиш блокчейн технологияларидан фойдаланиб коррупцион схемалар тузиш, жиноий даромадларни яшириш ёки тендер жараёнларини сохталаштириш, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар орқали коррупциявий келишувлар тузиш, **192-моддасидаги қилмиш** рақамли платформалар орқали давлат буюртмалари ва бозорни манипуляция қилиш, **210-212-моддаларидаги қилмиш** электрон молиявий платформалар, электрон тўлов тизимлари, ижтимоий тармоқлар ва блокчейн тизимлари орқали криптовалюта ва бошқа рақамли активлар, шу билан бирга, электрон тўловлар орқали пора олиш, бериш ва ваоситачилик қилиш, **228-ва 230[1]-моддаларидаги қилмиш** электрон (рақамли) ҳужжатларни сохталаштириш ва ундан фойдаланиш, рақамли идентификация воситаларини (электрон имзо, биометрия, NFT ҳужжатлар) қалбакилаштириш ёки сохта ҳужжат сифатида ишлатиш, **243-моддасидаги қилмиш** криптовалюта, NFT, блокчейн ва рақамли активлар орқали жиноий даромадларни легаллаштириш (пул ювиш), **244[1]-моддасидаги қилмиш** рақамли манипуляция ва кибер-пропаганда орқали коррупциявий ҳаракатлар қилиш, **278-моддасидаги қилмиш** қўшимча равишда Dark Web, Dark Net ва бошқа ноқонуний интернет платформалар, шунингдек, сунъий интеллект орқали коррупцион фаолият, коррупциявий келишувлар, ижтимоий муҳандислик усуллари орқали мансабдор шахсларга таъсир ўтказиш шаклида ҳам содир этилиши мумкин. Шу жиҳати билан у кибержиноят бўлиши билан бир қаторда коррупцияга оид жиноят ҳам бўлишини инобатга олсак, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар коррупциявий кўринишда содир этилган тақдирда асосий бевосита объект қўшимча бевосита объект ёки факультатив бевосита объект билан ўзаро алмашган ҳолда таҳдид остида қолиши мумкинлигини кузатишимиз мумкин.

Жиноят эса, ҳар бир давлатнинг амалдаги жиноят қонунчилиги билан тегишли ҳуқуқбузарлик учун жавобгарлик белгиланган, амалдаги қонунчилик билан тақиқланган, жазо қўллаш таҳдиди билан айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ссаналади. Шу жиҳатдан ҳам, Ўз.Рес. ЖК.нинг 4- ва 14-моддаларида содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари фақат Жиноят кодекси билан белгиланиши, ушбу Кодекс билан тақиқланган, айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) жазо қўллаш таҳдиди билан жиноят деб топилиши ҳақидаги қоидалар назарда тутилган[1]. Кибержиноят эса, виртуал муҳитда ахборот-коммуникация технологиялари ёки уларнинг воситалари орқали содир этилаётган жиноятлар тушунилади. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларациясида ҳамма одамлар ўз қадр-қиммати ҳамда ҳуқуқларида эркин ва тенг бўлиб туғилиши, уларга ақл ва виждон ато қилинганлиги, бинобарин бир-бирларига нисбатан биродарлик руҳида муносабатда бўлишлари кераклиги, ҳар бир инсон ирқи, тана ранги, жинси, тили, дини, сиёсий ёки бошқа эътиқодларидан, миллий ёки ижтимоий келиб чиқиши, мол-мулки, табақаси ёки

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бошқа ҳолатидан қатъи назар ушбу Декларацияда эълон қилинган барча ҳуқуқ ва барча эркинликка эга бўлиши зарурлиги назарда тутилган бўлиб[1], унда белгиланган ҳуқуқ ва эркинликларни бузилиши жамият, яъни ушбу Декларацияга аъзо бўлган дунё давлатлари вакиллари манфаатларига зид эканлиги ва ижтимоий хавфли эканлиги сабабли уларни дунё давлатлари жиноят деб эътироф этишади. Зеро, ҳар бир инсон жамият олдида бурчлидир, фақат шу ҳолатдагина унинг шахси эркин ва тўлиқ камол топиши мумкин[2].

Ўз.Рес. ЖК.нинг 14-моддаси талаби[3]дан келиб чиқиб, айтадиган бўлсак, фақатгина қилмиш жиноят бўлиши мумкин, жиноят содир қилиш тўғрисидаги фикр, ўй, ҳаёл жиноят сифатида қабул қилинмайди. Кибержиноятлар эҳтиётсизликдан содир этилмайди, улар доимо ҳаракат орқали қасддан содир этилади. Қилмишнинг ижтимоий хавфлилиги, қилмишнинг ҳуқуққа хилофлилиги, қилмишда айбнинг мавжудлиги, қилмишнинг жазога сазоворлиги жиноят белгилари саналади[4]. Мазкур вазиятда амалдаги Ўз.Рес. ЖК. билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиш ёки шундай зарар етказиш реал хавфини туғдириш мумкинлиги қилмишнинг ижтимоий хавфлилигини англатса, Ўз.Рес. ЖК. билан тақиқланган қилмишнинг содир қилиниши ҳуқуққа хилофлилик саналади, сабаби Ўз.Рес. ЖК.ҳам ҳуқуқ манбасидир. Ўз.Рес. ЖК.нинг Махсус қисмидаги моддалари диспозициясида назарда тутилган ҳаракат ёки ҳаракатсизликни содир этиш қилмишда айбнинг мавжудлигини ифодаласа, ушбу моддаларнинг санкцияси қилмишнинг жазога сазоворлигини кўрсатади. Демак, ижтимоий хавфлилик бу муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказиш ёки шундай зарар етказиш реал хавфини вужудга келтириш саналади. Ўз.Рес. ЖКнинг Махсус қисмининг 97-302-моддаларида назарда тутилган барча қилмиш ижтимоий хавфли саналади ва Ўз.Рес. ЖК. билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларга зарар етказади ёки шундай зарар етказишнинг реал хавфини вужудга келтиради. Объект эса, айнан мана шу Ўз.Рес. ЖК. билан қўриқланадиган ижтимоий муносабатларнинг ўзи саналади[5]. Жиноят эса, таҳдид ёки ҳужум кўринишида содир этилади, таҳдид шахс, жамият ва давлат манфаатларига хавф солувчи шарт-шароитлар ва омиллар мажмуи, мисол учун қўрқитиш, таъсир кўрсатиш, хавф остида қолдириш, ҳаракатсизлик ва х.к. Ҳужум эса, амалга оширилган ғайриқонуний хатти-ҳаракатдир. Таҳдид ва ҳужум шахс, жамият ва давлат манфаатларига зид саналади ва Ўз.Рес. ЖК. билан қўриқланадиган шахс, жамият ва давлат манфаатларига зид бўлган ҳаракатни амалга ошириш ёки ҳаракатсизлик қилиш, яъни қилмишни содир этиш ушбу Кодексда назарда тутилган айбни вужудга келтиради ва бу эса, ўз навбатида

[1] Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // https://constitution.uz/uz/pages/humanrights.
[2] Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси // https://constitution.uz/uz/pages/humanrights.
[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[4] Х. Очилов, Ш. Хайдаров, Ш. Шамсидинов. “Жиноят ҳуқуқи” (Умумий қисм). Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ нашриёти, 2021 й., 20-б.
[5] М. Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “Ilm ziyo” нашриёти. 2006 й., 129-б.

жазога сазоворликни ифодалайди. Шахс ҳуқуқ ва мажбуриятга эга бўлган индивид ва ташкилот саналади. Шахс жисмоний ёки юридик тусда бўлади, жисмоний шахсларга бирон бир давлат фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ва чет эл фуқаролари кирса, юридик шахслар тижоратчи ёки тижоратчи бўлмаган шаклда бўлиши мумкин бўлган барча ташкилотларни қамраб олади ва уларнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли ҳар хил бўлиши мумкин. Мисол учун, масъулияти чекланган жамият, оилавий корхона ва х.к. Давлат эса, муаян ҳудудда олий ҳокимиятни амалга оширадиган, умуммажбурий нормалар ўрнатадиган ва суверенитетга эга бўлган ташкилот саналади. Давлат фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатларда уларнинг бошқа иштирокчилари билан баравар асосларда иштирок этади. Фуқаролик қонунчилиги билан тартибга солинадиган муносабатларда давлат номидан давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ҳамда улар махсус вакил қилган бошқа органлар иштирок этадилар[1]. Шунга кўра, жамоат шахс, жамият ва давлатнинг бир қисмига айланади. Уларнинг барчаси учун ҳудуднинг бўлиши аҳамиятга эга эканлиги сабабли жамоат ва жамият билан улар узвий боғлиқ саналади. Ушбу ўзаро боғлиқнинг мавжудлиги туфайли шахс, жамият ва давлатдан бирига қилинган хавф-хатар ўз навбатида бошқасига таъсир кўрсатади ва шу орқали жамоат хавфсизлигига оид муносабатларга путур етади ёки путур етишининг реал хавфи вужудга келади.

«Жамият» ва «жамоат» тушунчалари хусусида олимларнинг доктринал фикрлари ҳар хил бўлиб, хусусан, М. Рустамбоев «жамоат хавфсизлиги – бу жамият ҳаётининг хавфсиз шароитлари»[2], Л. Попов «жамоат хавфсизлиги деганда, одамлар ва умуман жамият учун ортиб бораётган хавф-хатарни келтириб чиқарадиган объектлар ва объектлардан фойдаланишда, алоҳида шароитлар, табиий офат ёки ижтимоий ёки техноген хусусиятдаги бошқа фавқулодда вазиятлар юзага келганда, ҳуқуқий, техник ва бошқа турдаги нормаларга мувофиқ юзага келадиган жамоат муносабатлари тизими»[3], С. Степашин «жамоат хавфсизлиги – бу ижтимоий муносабатларнинг сифат ҳолатини, жамиятнинг муайян тарихий ва табиий шароитларда изчил ривожланишини таъминлаш, турли омиллар таъсирида мазмуни ва йўналишини ўзгартирадиган ички ва ташқи келишмовчиликлардан келиб чиқадиган хавф-хатарлардан ҳимоя қилишдир»[4], К. Белский «жамоат хавфсизлиги деганда, жамоат осойишталиги ва фуқароларнинг уларни ҳар қандай таҳдид ва шу каби хатти-ҳаракатлардан ҳимоя қилишга ишончи ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизими, биринчи навбатда, полиция тизими томонидан таъминланадиган давлат”[5], А. Жолдасов «жамоат хавфсизлиги деганда шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[2] М. Рустамбоев. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига шарҳ. Махсус қисм. – Т.: Адолат. 2016 й. – 960-б.
[3] Попов Л. Административное право. – М.: Юрист, 2002 г. 699 с.
[4] Степашин С. Теоретико-правовые аспекты обеспечения безопасности в Российской Федерации: дис. … докт. юрид. наук. СПб., 1994. 246 с.
[5] Бельский К. Полицейское право/под ред. А. В. Куракина. М.: Изд-во «Дело и Сервис», 2004. 816 с.

манфаатларини тўсқинликсиз рўёбга чиқаришни таъминлашга, потенциал ёки реал хавф туғдирувчи шарт-шароитлар ва омилларнинг олдини олишга, маҳаллийлаштиришга ва бартараф этишга қаратилган ижтимоий муносабатларни етарли даражада ҳимоя қилиш ҳолати»[1], Б. Кондрашов «жамоат хавфсизлиги – бу нормаларга риоя қилиш ва амалга ошириш натижасида шаклланадиган ижтимоий-ҳуқуқий категория, дахлсизлиги давлат, жамият томонидан кафолатланган ижтимоий муносабатлари тизими»[2], Д. Коротченков «жамоат хавфсизлиги деганда жамият ва шунга мос равишда қонун чиқарувчи орган фақат ижтимоий тараққиётнинг маълум бир босқичида ҳаётий аҳамиятга эга деб эътироф этилган шахс манфаатларини ҳимоя қилиш ҳолати”[3], П. Шагилов «жамоат хавфсизлиги – бу шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, моддий ва маънавий қадриятларини, шу жумладан шаъни ва қадр-қиммати, ҳаёти ва соғлиғини ҳар хил жиноятлар, ижтимоий ва этник низолар, шунингдек, табиий ва техноген хусусиятли фавқулодда вазиятлар, маъмурий ва бошқа турдаги ижтимоий хавфли қилмишлардан, ҳуқуқбузарлик ва жиноятлардан ҳимоя қилинганлик ҳолати[4], А. Норов «жамоат хавфсизлиги – бу шахс, жамият ва давлатнинг ҳаётий манфаатларини тўсқинликсиз рўёбга чиқаришни таъминлашга, потенциал ёки реал хавф туғдирувчи шарт-шароитлар ва омилларнинг олдини олишга, маҳаллийлаштиришга ва бартараф этишга қаратилган ижтимоий муносабатларни етарли даражада ҳимоя қилиш ҳолати»[5] тушунилишини таъкидлаб ўтишган. Жамоат хавфсизлиги тушунчасининг таърифини бериш борасида етарлича доктринал фикрларнинг мавжуд эмаслиги оқибатида Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясида ҳам жамоат хавфсизлиги тушунчаси жуда тор маънода қўлланилган бўлиб, унга кўра:

“жамоат хавфсизлиги – жамиятнинг қонунга хилоф тажовузлар, ижтимоий ва миллатлараро низолар, фавқулодда вазиятлар ва бошқа таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати[6]. Қисқаси қилиб айтганда у жамият ва жамоат хавфсизлигини бир мазмунда эканлигини назарда тутган.

Фикримизча, юқоридаги олимларнинг фикрларига қисман қўшилсак бўлади, бироқ жамоат хавфсизлиги тушунчасини беришда М. Рустамбоев, С. Степашин, Б. Кондрашов, Д. Коротченков «жамият» ва «жамоат»

---

[1] А. Жолдасов. Жамоат хавфсизлиги: тушунчаси, таърифи ва ўзига хос хусусиятлари. – Т.: Academic research in educational sciences. 2021. №12. – 1173-б.

[2] Кондрашов Б. Общественная безопасность и административно-правовые средства её обеспечения: дис. ... докт. юрид. наук. М., 1998. 302 с.

[3] Коротченков Д. Организация административно-правовой охраны общественного порядка и обеспечения общественной безопасности при проведении массовых мероприятий: дисс. … канд. юрид. наук. – Хабаровск, 2006 г. 25-26 с.

[4] П. Шагилов. Жамоат хавфсизлиги тушунчаси ва ўзига хос хусусиятлари. –Т.: Academic research in educational sciences. 2021. №12. – 1203-б.

[5] А. Норов. Жамоат хавфсизлиги тушунчаси, таърифи ҳамда концепциянинг моҳияти. – Т.: Central asian journal of education and innovation. Volume 2, Issue 6, Part 5. 2023 й. – 178 б.

[6] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тушунчалари ўзаро фарқ қилишига етарлича аҳамият беришмаган, шу жумладан, ушбу камчилик юқоридаги Фармонда ҳам кўзга ташланади, бироқ «жамоат хавфсизлиги» билан «жамият хавфсизлиги» ўзаро фарқ қилувчи тушунчалар саналади, «жамоат хавфсизлиги» учун «*ҳудуд»,* «*макон*», «*мақсад*» ва «*манфаатлар*» аҳамиятли бўлса, «жамият» учун булар доимо аҳамиятга эга бўлмаслиги мумкин. Шу билан бирга, «жамият хавфсизлиги» фақат жамият иштирокчиларидан иборат бўлса, «жамоат хавфсизлиги» маълум бир мақсад учун бирлашган ёки маълум бир ҳудуддаги давлат ва ҳуқуқ ҳодисалари жамият тараққиётининг муайян боскичидаги маҳсули ҳисобланади. Давлат ва хукуқ жамият ичида юзага келади ва ривожланади[1]. Унинг асосини эса, жамоат ташкил этади. Л. Попов ва К. Белский эса, «жамоат хавфсизлиги» деганда, фақатгина фуқаролар ва улар билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатларни назарда тутишган, бироқ фуқаролар жисмоний шахсларнинг бир тури саналади ва ушбу вазиятда фуқаролиги бўлмаган шахслар, чет давлат фуқаролари, юридик шахслар ва давлатга оид ижтимоий муносабатларни инобатга олишмаган. К. Белский жамоат хавфсизлигини давлат билан қиёслаган, бироқ жамоат хавфсизлиги тушунчасини беришда шахс ва жамиятнинг роли муҳим эканлигига аҳамият қаратмаган. Наздимизча, П. Шагилов ва А. Норовнинг фикрлари юқоридаги олимларга қараганда ўринли бўлиб, маълум бир ҳудудда яшовчи, фаолият юритувчи, аниқ мақсад ва вазифаларга эга бўлган субъектлар гуруҳи ва уларнинг шахс, жамият ва давлат билан ўзаро боғлиқ ижтимоий муносабатларига путур етказиш ёки шундай путур етказишнинг реал хавфи бўлган хатти-ҳаракатлардан ҳимояланганлик ҳолати жамоат хавфсизлиги саналади. Жамоат субъектларига фақатгина жамият эмас, балки шахс, жамият ва давлат ҳам кириши мумкин. Бироқ, у миллий хавфсизлик саналмайди, балки миллий хавфсизлик ичидаги хавфизлик тури саналади. Жамоат хавфсизлиги шахс, жамият ва давлат билан ўзаро узвий боғлиқ бўлиши билан бир қаторда уларга нисбатан амалга оширилган ҳар қандай қилмиш жамоат хавфсизлигига ҳам таҳдид солиши мумкин.

Таъкидлаб ўтиш керакки, БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йилги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пакт (International Covenant on Civil and Political Rights, ICCPR) инсон ҳуқуқлари соҳасидаги асосий халқаро ҳужжатлардан бири ҳисобланади[2]. Ушбу ҳужжат фуқароларнинг ҳаёт, эркинлик, дин ва сўз эркинлиги, адолатли суд, сайлов ҳуқуқлари ва бошқа кўплаб ҳуқуқларини ҳимоя қилишни мақсад қилган бўлиб, унинг 18-моддасида «*жамоат хавфсизлиги*», 21-22-моддаларида «*жамият хавфсизлиги*» ҳақида сўз юритилган ва шунга кўра, уларнинг ўзаро фарқли тушунчалар эканлигини англашимиз мумкин ҳамда ушбу ҳужжатга Ўзбекистон 1995 йилда қўшилган[3].

[1] Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик / Р. Юсувалиева, М. Ахмедшаева, М. Нажимов ва бошқалар. Масъул муҳаррир Р. Юсувалиева. –- Т.: ЖИДУ, 2019 й., 20-б.

[2] БМТ Бош Ассамблеясининг 1966 йилги «Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида»ги халқаро пакт (International Covenant on Civil and Political Rights, ICCPR) // https://www.ohchr.org/en/instruments-mechanisms/instruments/international-covenant-civil-and-political-rights.

[3] https://lex.uz/docs/2640479.

Шунингдек, «жамият», «жамоат», «жамият хавфсизлиги», «жамоат хавфсизлиги» тушунчалари ўзаро фарқ қилинишига эътибор қаратилмаган ҳолда, Ўз.Рес. ЖК.нинг олтинчи бўлими «**Жамият** хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар», XVII боб «**Жамият** хавфсизлигига қарши жиноятлар», XX боб «**Жамият** тартибига қарши жиноятлар» деб баён этилмасдан, ушбу тушунчалар битта тушунча сифатида кўрилиб, Ўз.Рес. ЖК.нинг олтинчи бўлими рус тилида ҳам «Преступления против общественной безопасности и общественного порядка», XVII боби «Преступления против общественной безопасности», XX боби «Преступления против общественного порядка» деб таржима қилинган. Оқибатда, Ўз.Рес. ЖК.нинг олтинчи бўлими ҳали хануз «**Жамоат** хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар», XVII боб «**Жамоат** хавфсизлигига қарши жиноятлар», XX боб. «**Жамоат** тартибига қарши жиноятлар», – деб номланиб келинмоқда. Ўз.Рес. ЖК.нинг 2-моддасида **ушбу Кодекснинг вазифалари** белгиланган бўлиб, унга кўра, Жиноят кодексининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, **жамият** ва давлат **манфаатларини**, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини **жиноий тажовузлардан қўриқлаш**, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялаш**дан иборатдир**. Демак, ушбу Кодекснинг асосий вазифаси «***жамоат манфаатлари***»га эмас, балки «***жамият манфаатлари***»га қаратилган. Ушбу Кодекснинг 4-моддасига асосан, **содир этилган қилмишнинг жиноийлиги**, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари **фақат Жиноят кодекси билан белгиланади**. Демак, мазкур Кодекс билан ҳали «**жамият хавфсизлиги**»га оид муносабатлар учун жавобгарлик белгиланмаган ҳолда, ўзбек тилида назарда тутилган юқоридаги таржимага оид ҳолат билан келишиб бўлмайди. Шунингдек, **Жиноят кодексининг 54-моддасига асосан, суд** ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада **Умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди**. Демак, **суд жазо тайинлашда аввало Умумий қисмнинг қоидаларига мувофиқ ҳаракат қилиши зарур** ва Умумий қисмда эса, ушбу Кодекс «жамоат хавфсизли»ги билан боғлиқ муносабатларни қамраб олмаган, балки «**жамият манфаатлари» билан боғлиқ муносабатлар бўйича жавобгарлик бўлишини назарда тутган.**

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонуннинг 33-моддасига асосан, давлат тилидаги норматив-ҳуқуқий ҳужжат матни билан унинг бошқа тилдаги матни ўртасида тафовут бўлган тақдирда, норматив-ҳуқуқий ҳужжатнинг давлат тилидаги матни қўлланилади[1]. Мазкур вазиятда, агарда давлат тилида қабул қилинган Ўз.Рес. ЖК.нинг олтинчи бўлими ва унга оид XVII боб ва XX боб номига суянган ҳолда, ушбу бўлим ва моддаларда жамият эмас, балки жамоат манфаатларига бевосита зид бўлган жиноятлар баён этилган деган фикр берсак, у мантиқан ва тарихий метод нуқтаи назаридан хато бўлади. Сабаби ўз вақтида қонунчилик ҳужжатлари лойиҳалари рус тилида ишлаб чиқилган ва

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қабул қилиниши таъминланган ҳолда, параллел ёки кейинчалик давлат тилига таржима қилиш амалиёти бўлганлигига таянадиган бўлсак, ўз вақтида таржима билан боғлиқ хатолик туфайли «***жамоат***» эмас, «**жамият**»га қарши қаратилган жиноятларни шу пайтга қадар биз «**жамоат хавфсизлиги** ва **тартибига қарши қаратилган** деган фикрда юрганмиз. XX бобнинг дастлабки моддаси саналган Ўз.Рес. ЖК.нинг 277-моддасида ҳам жамиятда юридиш туриш қоидалари ҳақида сўз юритилган, **жамоатда юриш туриш қоидалари ҳақида сўз юритилмаган. Бобнинг номи эса, унга қарама қарши равишда «жамоат тартибига қарши жиноятлар»** деб номланган. Шунга кўра, юқоридаги олимларнинг фикрлари ва ўзаро таржима билан боғлиқ ҳолатдан келиб чиқиб, «**жамият**» ва «**жамоат**» тушунчалари ўзаро фарқ қилишини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясини қайта кўриб чиқиш ва жамоат хавфсизлиги тушунчасини аниқ белгилаб қўйиш зарурдир, шу билан бирга, Ўз.Рес. ЖК.нинг олтинчи бўлими ва XVII боби номлари ва унга кирувчи моддаларни қайта кўриб чиқиш керак. Жамоат хавфсизлиги дея, аслида жамият хавфсизлигига оид муносабатлар билан чегараланиб, шахс ва давлатга оид жамоат хавфсизлигини назарда тутувчи муосабатларни четлаб ўтилган мазкур нормаларни қайта кўриб чиқиш зарур. Шу билан бирга, жамоат хавфсизлигига оид кибержиноятларнинг назарий-ҳуқуқий таҳлилини тўғри амалга ошириш учун амалдаги Ўз.Рес. ЖК.нинг Махсус қисмидаги моддалар объектга нисбатан шакллантирилганлиги сабабли жамоат хавфсизлигига оид кибержиноятларнинг бевосита объекти нимага қаратилганига қараб, уларни ўрганиш мумкин. Маълумот учун, айтиш керакки, Жиноят ҳуқуқи назариясига асосан, бевосита объект деганда ижтимоий хавфли тажавуз бевосита қаратилган ижтимоий муносабатлар тушунилади ва жиноят содир этилаётганида бирданига бир неча бевосита объектларга зарар етказилиши мумкин, айрим ҳолларда бу жиноятни квалификация қилишга таъсир этса, бошқа ҳолларда таъсир этмайди. Мисол учун, Ўз.Рес. ЖКнинг XVII боби жамоат хавфсизлигига қарши жиноятларга бағишланган бўлиб, ушбу бобда назарда тутилган жиноятларнинг асосий бевосита объекти жамоат хавфсизлиги бўлса, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи бошқа жиноятларда ушбу жиноятларнинг асосий бевосита объекти бошқа объект бўлади, бироқ ушбу вазиятда қўшимча ва факультатив объект сифатида жамоат хавфсизлиги ҳам мавжуд бўлади. Шу билан бирга, мазкур бобда фақатгина жамоат хавфсизлигига оид қоидалар эмас, балки жамият хавфсизлигига оид қоидалар назарда тутилган. Шунга кўра, Жиноят ҳуқуқи назариясида бевосита объектни 3 турга бўлиниб ўрганилиши[1] жиҳатидан жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятларни ҳам асосий, қўшимча факультатив бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган жиноятларга ажратсак бўлади. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Ўз.Рес. ЖК.нинг олтинчи бўлими «Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар», деб номланган бўлса-да, унинг таркибий қисмида «XVII боб. Жамоат

[1] М. Рустамбоев. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Олий ўқув юртлари учун дарслик. – Т.: “Ilm ziyo” нашриёти. 2006 й., 133-б.

хавфсизлигига қарши жиноятлар» ва «XX боб. Жамоат тартибига қарши жиноятлар»дан ташқари қуйидаги «XVIII боб. Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар», «XIX боб. Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар» ва «XX[1] боб. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар» каби боблар ҳам мавжуд. Ушбу учта бобдаги моддаларнинг асосий бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги»га эмас, балки бошқа муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатларга қаратилган. Мисол учун, Ўз.Рес. ЖКнинг XX[1] боби «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар», – деб номланиб, уларнинг асосий бевосита объекти муҳофаза қилинадиган ахборот технологиялари соҳаси бўлса, қўшимча бевосита объекти жамоат хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар саналади. Агарда уларни яна чуқурроқ ўрганмоқчи бўлсак, Ўз.Рес. ЖКнинг 278[1]-моддасида назарда тутилган қилмишнинг асосий бевосита объекти ахборотлаштириш қоидалари, ахборотлаштириш соҳасидаги қонунчилик саналса, қўшимча бевосита объекти ахборот-коммуникация технологиялари ёки ахборотлаштириш соҳаси, факультатив бевосита объекти эса, жамоат хавфсизлиги саналади.

Ўз.Рес.ЖКнинг 103-моддасининг иккинчи қисми «г»-банди, 103[1]-моддасининг иккинчи қисми «в»-банди, 130-130[1]-моддалари, 139 ва 140-моддаларининг иккинчи қисми, 141[3]-моддаси, 158-моддасининг учинчи қисми, 188[1]-моддаси, 273-моддасининг учинчи қисми «д»-банди, 274-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган қилмиш телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали содир этилиши зарурий белги сифатида олиниши оқибатида муҳофаза қилинадиган ахборот технологиялари соҳасидан ташқари жамоат хавфсизлигига таҳдид солиши, бироқ асосий бевосита объекти бошқа объект бўлиши билан ўзаро ажралиб туради. Мазкур вазиятда, мисол учун, Ўз.Рес. ЖКнинг 103-моддасининг иккинчи қисми «г»-банди, 103[1]-моддасининг иккинчи қисми «в»-бандида назарда тутилган қилмиш учун асосий бевосита объекти инсоннинг ҳаёти бўлса, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик қўшимча бевосита объект, ушбу қилмишнинг телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб, жиноят усули сифатида содир этилиши натижасида муҳофаза қилинадиган ахборот технологиялари соҳаси зарар кўриши ёки шундай зарар кўришининг реал ҳолати вужудга келиши мумкин ва ушбу зарар кўрган ёки зарар кўришининг реал хавфи вужудга келган объект жиноятнинг факультатив бевосита объектини ташкил этади, ушбу қилмишлар эса, икки ёки ундан ортиқ шахсларга нисбатан содир этилиши оқибатида эса, жамоат манфаатларига тажавуз вужудга келади ва шу жиҳатдан уларнинг факультатив бевосита объектидани кейин уларни ёндош бевосита объекти жамоат хавфсизлиги саналади. Демак, қилмиш бир ижтимоий муносабатларга нисбатан амалга оширилиши мумкин, бироқ унинг бошқа ижтимоий муносабатларга таъсир этиши натижасида уларга оид муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар ҳам хавф остида қолади. Таъкидлаш керакки, амалдаги қонунчиликка асосан, фойдаланувчи телекомммуникация тармоғи орқали Ўзбекистон

Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этишга, уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек, диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек, порнографияни тарғиб қилишга қаратилган ахборотни ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмаслик, телекоммуникация тармоғи ёрдамида фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатмаслик, қонунчилик ҳужжатларига асосан телекоммуникация тармоғи орқали тарқатилиши тақиқланган ахборотлардан тижорат ёки нотижорат мақсадларда тарқатиш учун фойдаланмаслик, телекоммуникация тармоқлари иш сифатининг пасайишига ёки телекоммуникация тармоқларининг шикастланишига олиб келадиган ҳаракатларни бажармаслик, маълумотлар базаларидан рухсатсиз фойдаланмаслик ва операторнинг (провайдернинг) дастурий воситаларини ўзгартирмаслик, таркибида компьютер вируслари ёки тармоқ учун зарар етказиши мумкин бўлган ахборотни ёки дастурий таъминотни эълон қилмаслик ёки узатмаслик, компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланмаслик, телекоммуникация тармоғида тақдим этилган ахборот ва интеллектуал мулк объекти учун муаллифлик ҳуқуқларини бузмаслик мажбуриятларини бажариши шарт[1], деган қоидадан бирининг бузилиши оқибатида жиноят вужудга келиши мумкинлиги сабабли ахборот технологиялари соҳаси бошқа ижтимоий муносабатларга таъсир кўрсатади ва асосий бевосита объектдан ташқари қўшимча, факультатив ва ёндош бевосита объектларга таъсир кўрсатади.

Юқоридагилар келиб чиқиб, «жамоат», «жамият», «жамоат хавфсизлиги» ва «жамият хавфсизлиги»га монография 20-иловасида назарда тутилган тартибда таъриф бериш мумкин. Бунда, жамоат хавфсизлигига бўлаётган таҳдид индивидуал, жамоавий ва миллий (институционал) хавф даражаси билан миллий хавфсизлик билан ўзаро боғлиқ бўлади ва жамоат иштирокчилари жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат саналади ва улар аралаш ёки бир турдаги субъектлардан иборат шаклда тузилган бўлиши мумкин.

Жамоат хавфсизлигига бугунги кунда таҳдид солувчи энг катта хуружлардан бири кибержиноятлар саналади. «Кибержиноят» сўзидаги «кибер» сўзи юнон тилидан олинган бўлиб, луғавий маъноси «бошқариш», «ҳайдовчи» деган маънони англатади ва «кибер» сўзи орқали 1948 йилда америкалик олим Н. Винер «Cybernetics: Or Control and Communication in the Animal and the Machine» бошқариш ва алоқа тизимларига оид китоби билан кибернетика фанига асос солган[2]. Кибержиноят атамаси эса, 1986 йилда АҚШда қабул қилинган

[1] Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2020 йил 30 июндаги 208-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3275, 2020 йил 30 июнь) билан тасдиқланган Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] https://kr-labs.com.ua/books/norbert-viner-kibernetyka.pdf.

«Computer Fraud and Abuse Act (CFAA)» қонуни билан ҳуқуқий жиҳатдан кенг оммалашган[1]. Кибержиноятлар ҳар бир ҳудуд ва вақтдаги ахборот-коммуникация технологиялари ва воситаларининг мавжуд ҳолатига боғлиқ бўлганлиги сабабли унга олимлар турлича таъриф беришга ҳаракат қилишган. Мисол учун, К.Е.Зинченко, Л.Ю.Исмаилова, А.Н.Караханьян, Б.В.Киселев, В.В.Крылов, Я.М.Мастинский. Н.С.Полевой, Ю.Н.Соловьев, В.В.Хургин, С.И.Цветков бу каби жиноятларни электрон ҳисоблаш машиналари орқали содир этилган жиноят[2], Н.Салаев ва Р.Рўзиев «кибержиноят ахборот хавфсизлигига таҳдид солувчи, бевосита компьютер воситалари орқали ёки ахборот технологиялари воситасида содир этиладиган қонунга хилоф ижтимоий хавфли қилмиш»[3], А. Федоров «компьютерлар томонидан моделлаштирилган, инсонлар, объектлар, ҳодисалар, ҳолатлар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотларни ўз ичига олган, математик, рамзий ёки бошқа ҳар қандай маънода ифодаланган, маҳаллий ва глобал компьютер тармоқларида ҳаракат қиладиган ёки ҳар қандай жисмоний ёҳуд виртуал қурилма хотирасида сақланадиган маълумотлар, шунингдек, уларни сақлаш, қайта ишлаш ва узатиш учун махсус ишлаб чиқилган дастурлар орқали содир этиладиган ҳар қандай жиноят»[4], И.Г.Чекунов «у компьютер ва мобил (уяли) алоқа воситаларига қилинган жиноятдир»[5], Т. Тропина «кибержиноятчилик – бу кибермаконда компьютер тизимлари ёки компьютер тармоқлари, шунингдек, кибермаконга кириш воситалари орқали ёки улар ёрдамида содир этиладиган жиноятлар мажмуаси ҳисобланади. Бу жиноятлар компьютер тизимлари, компьютер тармоқлари ва компьютер маълумотларига қарши ҳам содир этилиши мумкин.»[6], – деб ҳисоблайди.

Ахборот-коммуникация технологиялари ва уларнинг воситалари 1990 йилларда электрон ҳисоблаш машиналари бўлган бўлса, кейин улар ўз ўрнини компьютерларга бўшатиб берган, улар эса, ўз навбатини ўз ўрнини ахборот тизимлари ва бошқа ахборот технологиялари, шу жумладан, сунъий интеллект технологияларига бўшатиб берган. Шу сабабли ҳам олимларнинг бу борадаги фикрлари тарқоқ бўлиб, барчасининг фикри улар фаолият кўрсатган вақтдаги ва улар билган ахборот-коммуникация технологиялари ва уларнинг воситаларидан келиб чиқиб, мавжуд инфратузилма орқали «кибержиноят» тушунчасига таъриф беришга ҳаракат қилишган, шу сабабли уларнинг фикрларини тўлиқ хато деб бўлмайди. Бироқ, ҳар бир тушунчага таъриф беришда ижтимоий муносабатларнинг мавжуд ҳолати, берилаётган

[1] https://www.congress.gov/bill/99th-congress/house-bill/4718.

[2] Зинченко К.Е., Исмаилова Л.Ю., Караханьян А.Н., Киселев Б.В., Крылов В.В., Мастинский Я.М., Полевой Н.С., Соловьев Ю.Н., Хургин В.В., Цветков С.И.. Компьютерные технологии в юридической деятельности. Учебное и практическое пособие. –М.: издательство “БЕК”. 1994 г., –с. 304.

[3] Н. Салаев, Р. Рўзиев. Кибержиноятчиликка қарши курашишга оид миллий ва халқаро стандартлар. Монография., – Т.: ТДЮУ, 2018 й, 139-б.

[4] Федоров А. Информационная безопасность в мировом политическом процессе. – М.: МГИМОУниверситет, 2006 г. – 11 с.

[5] Чекунов И. Киберпреступность: понятие и классификация // Российский следователь. 2012. № 2. – 37-44 с.

[6] Т. Тропина. Киберпреступность: понятие, состояние, уголовно-правовые меры борьбы тема диссертации и автореферата по ВАК РФ 12.00.08, кандидат юридических наук. – М.: 2005 г. – С.: 16. file:///C:/Users/%D0%B37/Downloads/autoref-kiberprestupnost-ponyatie-sostoyanie-ugolovno-pravovye-mery-borby.pdf.

тушунчанинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш ва ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланиш тенденциясини ҳисобга олиш даркор. Шу сабабли К.Е.Зинченко, Л.Ю.Исмаилова, А.Н.Караханьян, Б.В.Киселев, В.В.Крылов, Я.М.Мастинский. Н.С.Полевой, Ю.Н.Соловьев, В.В.Хургин, С.И.Цветковнинг фикрларига тўлиқ қўшилиб бўлмайди, сабаби бу жиноятлар нафақат электрон ҳисоблаш машиналари орқали содир этилади, хатто мобил илова, электрон почта, сунъий интеллект ва бошқа ахборот технологиялари орқали ҳам содир этилиши ва электрон ҳисоблаш машиналарининг ўзига ҳам киберҳужум амалга оширилиши мумкин. Н.Салаев ва Р.Рўзиев ушбу жиноятларни ахборот хавфсизлигига таҳдид солишини таъкидлаб ўтган, бироқ ахборот хавфсизлиги киберхавфсизликдан кенгроқ маънога эга эканлигини ва киберхавфсизлик ахборот хавфсизлигининг бир қисми эканлигини унутмаслигимиз ва кибержиноятлар аввало киберхавфсизликка таҳдид солишини даставвал инобатга олиш даркор, қолаверса, компьютер воситалари ахборот технологиялари воситасининг таркибий қисми саналади, бироқ улардан ташқари бошқа ҳолатларда ҳам кибержиноятлар содир этилиши мумкин. Шу жиҳатдан ҳам Ўз.Рес. ЖК.нинг 168-моддасининг учинчи қисми «г»-бандидаги «*қилмишини қонун чиқарувчи ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилишига оид умумий нормаларни қонунда кўрсатиб ўтган ва бу билан ахборот технологиялари воситаси саналган ахборот тизимидан ташқари ахборот технологияларининг бошқа усуллари орқали ахборот технологиялари воситаси бўлмаган йўллар орқали ҳам жиноят содир этилиши мумкинлиги*»ни назарда тутиб, бунга оид ижтимоий муносабатлар қўриқланиб, муҳофаза қилинишини таъминлашга ҳаракат қилган. А. Федоров ва И. Чекунов эса, «*кибержиноятларнинг содир этилишининг усулларини*» таъкидлаб, «*уларни умумий қилиб кибержиноят*», – деб айтган ва ушбу ҳолатда кибержиноятларнинг бугунги кунда аниқ содир этилиши усулига қараб сонини билиш имконсиз эканлиги орқали айтишимиз керакки, бир-иккита усул орқали бу жиноятлар ҳақида умумий хулоса бериш нотўғри бўлади. Т. Тропинанинг «*ушбу жиноятлар кибермаконда содир этилиши мумкин*»лиги ҳақидаги фикрларида ҳам жон бор, лекин «муҳит» ва «макон» тушунчаларини қўллашда техник томондан кибермакон кибермуҳитни ҳам ифодалаши мумкинлиги бўйича зиддиятлар мавжуд. Хусусан, кибермакон виртуал муҳитдаги аниқ жой ва ҳудудга боғлиқ тушунча бўлса[1], техник томондан кибермуҳит ушбу макондаги шарт-шароитлар ва муносабатларни ўз ичига олган муҳит тушунилади[2]. Луғавий томондан «*макон*» сўзи араб тилидаги “мақан” сўзидан олинган бўлиб, физик мавжуд бўлган жой, ҳудуд, қандайдир ҳодиса ёки фаолият юз берадиган аниқ жойни ифодаласа[3], муҳит сўзи ҳам араб тилидаги «мухит» сўзидан олинган бўлиб у атроф-муҳит, инсон ёки нарсанинг ўраб турган табиий, ижтимоий,

[1] https://csrc.nist.gov/glossary/term/cyberspace.
[2] Ф. Крамер, С. Старр, Л. Венц. Киберсила и национальная безопасность. Издательство Университета Небраски, Potomac Books. 2009 г., – С. 664. https://doi.org/10.2307/j.ctt1djmhj1. // https://www.jstor.org/stable/j.ctt1djmhj1.
[3] https://izoh.uz/uz/word/makon.

психологик шароит, фаолият юритиш ёки ривожланиш учун мавжуд бўлган шарт-шароитлар тўпламини назарда тутади[1]. Амалдаги қонунчилигимизда кибермакон деганда, ахборот технологиялари ёрдамида яратилган виртуал муҳит[2]ни назарда тутади ва бу эса, ўз навбатида юқоридагиларга кўра, ушбу тушунчанинг қонунда етарлича тўғри назарда тутилмаганлигини кўришимиз мумкин. Кибермуҳит кибермаконга қараганда кенгроқ тушунча бўлиб, кибермуҳит ичида кибермакон вужудга келади. Айтайлик, киберҳақорат ёки кибертуҳмат жиноятлари телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали содир этилганида қайси ҳавола орқали жиноятнинг қайси кибермаконда содир этилганлигини техник томондан аниқ билиш мумкин, бироқ MAC-манзил ва IP-манзилни ўзгартириш орқали масофадан туриб содир этилган кибержиноятларнинг содир этилиш ҳудудини аниқлашнинг техник имконияти мавжуд эмаслиги сабабли уни ноаниқ мазмундаги кибермакон дея номлаш мақсадга мувофиқ эмас, унинг ўрнига кибермуҳит деб таъкидланса, кибержиноятларни тушуниш ва шарҳлаш осонроқ бўлади. Шунга кўра, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар, шу жумладан, бошқа кибержиноятлар учун хос бўлган ўзига хосликлар 2-иловада назарда тутилган бўлиб, айнан улар ушбу жиноятларнинг бошқа қилмишлардан ўзига хос ажралиб туришини билдиради.

Таъкидлаш керакки, амалдаги жиноят қонунчилигимизда кибержиноят тушунчаси белгиланмаган. Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонунининг 3-моддасида «кибержиноятчилик» тушунчаси белгиланган бўлиб, унга кўра, «**кибержиноятчилик** – ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йиғиндиси»[3]. Бироқ, юридик ва техник томондан миллий ва халқаро тажриба нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, ушбу тушунча тор маънода нотўғри қўлланилган. Хусусан, Ўз.Рес.МЖтКнинг 151-моддасида абонентлик қурилмасини рўйхатдан ўтказмай ёки рухсатсиз электр алоқа тармоқларига улаш учун маъмурий жавобгарлик белгиланган, агарда бугунги кунда мобил алоқа операторлари томонидан жорий этилган VoWi-Fi хизматлари[4], яъни овозли қўнғироқларни Wi-Fi тармоғи орқали амалга ошириш технологияси бўлган мобил оператор тармоғидан эмас, балки Wi-Fi алоқасидан фойдаланган ҳолда, сигнал заиф бўлган жойларда (подвал, бинолар ичи, қишлоқ ҳудудлари) ҳам қўнғироқ қилиш имкониятига эга бўлиш, Wi-Fi бор жойда халқаро қўнғироқларни арзонроқ амалга ошириш, қўшимча иловаларсиз

[1] https://izoh.uz/uz/word/muhit.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[4] https://www.mobi.uz/ru/uslugi/other/88066/?utm_source=google&utm_medium=CPC&utm_campaign=search_traffic_vowife_ru&gad_source=1&gbraid=0AAAAAqUwlP9NrYMKDIy2YHo3I01590Fhx&gclid=Cj0KCQjw_JzABhC2ARIsAPe3ynqCgweDLePqsYtxtxx0ZONvxq2Dlv80GRm1H-VJIe3T9ZfXV9cuf34aAu34EALw_wcB.

– телефоннинг ўзидаги стандарт қўнғироқ функцияси орқали кибермухитдан, шу жумладан, кибермакондан фойдаланиб ноқонуний хизмат кўрсатилса ёки шундай хизмат мобил алоқа операторларидан бошқа субъектлар томонидан ғайриқонуний равишда киберҳужумни амалга ошириш йўли билан содир этилса, ушбу қилмишни телекоммуникация тармоғи, воситаси ёки бошқа инфратузилмасидан фойдаланиб содир этилганлиги сабабли уни исталган мутахассис бу қилмишни киберҳужум деб таъкидлайди. Бироқ, «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Қонунга суянадиган бўлсак, бу қилмиш кибержиноят саналмайди, яъни бирон бир хусусий шахс ўзининг Wi-Fi қурилмаси орқали пуллик ноқонуний тадбиркорликни йўлга қўйган бўлса, айбдор шахснинг қилмишини Ўз.Рес. ЖК.нинг 2787-моддасида назарда тутилган қилмиш, яъни телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш ҳолати бўйича квалификация қилиш мумкин бўлмай қолади.

Хорижий ва халқаро тажриба ҳамда технологик ечимлар шуни кўрсатмоқдаки, кибержиноятлар фақатгина «*ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш*» мақсадини кўзламайди ва «*кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга оширилмайди*», балки унинг мақсади ва амалга оширилиш усуллари, воситалари (қуроллари) турлича бўлиши мумкин. Мисол учун, БМТ Бош Ассамблеясининг 2024 йил 24 декабрдаги 79/243-сон резолюцияси билан тасдиқланган Кибержиноятчиликка қарши конвенциясига асосан, *«ахборот-коммуникация тизимига ноқонуний кириш», «ахборот-коммуникация тизимига ноқонуний уланиш», «электрон маълумотларга зарар етказиш», «ўчириш, ўзгартириш ёки блокировка қилиш», «ахборот-коммуникация тизимига рухсат билан кириш орқали ушбу тизимга кириш, узатиш, зарар етказиш, йўқ қилиш, ўзгартириш йўли билан боғлиқ жиддий тўсиқ вужудга келтириш», «ахборот-коммуникация тизими ёки унинг қисмларига уланган қурилмалардан ноқонуний фойдаланиш», «ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланган ҳолда қалбакилаштириш», «ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланган ҳолда ўғирлик ёки фирибгарлик қилиш», «болаларга нисбатан жинсий зўравонлик ёки уларни жинсий эксплуатация қилиш саҳналари бўлган материалларни интернетга жойлаштириш», «болага нисбатан жинсий ҳуқуқбузарлик қилиш мақсадида таъқиб қилиш ёки ишончли муносабатларни яратиш», «интим тасвирларни розиликсиз тарқатиш», «жиноятлардан олинган даромадларни легаллаштириш»* каби жиноятлар ҳам кибержиноятлар саналади[1].

Маълумки, Ўз.Рес. ЖК.нинг 4-моддасига асосан, «*содир этилган **қилмишнинг жиноийлиги**, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари **фақат Жиноят кодекси билан белгиланади***»[2]. Демак, қачонки бошқа

[1] https://docs.un.org/en/A/RES/79/243.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ижтимоий хавфли қилмишлар Ўз.Рес. ЖК.да белгилансагина биз уни жиноят деб атай оламиз. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонунининг 3-моддасидаги «*кибержиноятчилик*» тушунчасини қайта кўриб чиқиб, унинг таърифини кенгроқ ва аниқроқ бериш зарурдир.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар жиноят ҳуқуқи назариясига асосан, вертикал ва горизонтал кўринишига қараб таснифланади[1].

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар вертикалига кўра:

умумий объекти жамоат хавфсизлиги бўлган кибержиноятлар;

Маълумот учун: *Ўз.Рес. ЖК.нинг 2-моддасида «Жиноят кодексининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборат»[2]лиги белгиланган. Шунга кўра, Ўз.Рес. ЖК.нинг Махсус қисмидаги жамоат хавфсизлиги билан боғлиқ барча кибержиноятлар ушбу турга киради.*

турдош объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятлар;

Маълумот учун: *Ўз.Рес. ЖК.нинг олтинчи бўлимидаги кибержиноятлар ушбу гуруҳга киради.*

махсус объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятлар;

Маълумот учун*, Ўз.Рес. ЖК.нинг XVII бобидаги кибержиноятлар ушбу турга мансуб.*

бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятлар.

Маълумот учун, *Ўз.Рес. ЖК.нинг Махсус қисмидаги жамоат хавфсизлиги билан бевосита, қўшимча ва факультатив жиҳатдан боғлиқ барча моддалардаги кибержиноялар ушбу гуруҳга мансуб бўлади ва ушбу гуруҳга қуйидаги 3 турга бўлиниб, бу кибержиноятларнинг юридик таҳлили монографиянинг 7, 10, 12 ва 14-иловаларда қайд этилган:*

Ўз навбатида бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятлар **асосий, қўшимча ва факультатив бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги»** бўлган кибержиноятларга бўлинади.

Шунга кўра, монографиянинг 7-, 10-, 12- ва 14-иловаларида назарда тутилган кибержиноятларнинг тавсифини беришда уларнинг Ўз.Рес. ЖКдаги ҳолати ҳам қайд этилган. Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларни таснифлаш ва квалификация қилишда бу тоифадаги жиноятлар ҳар доим ҳам битта шахсга қаратилмаган ҳолда бўлиши, қаратилган тақдирда ҳам бу шахс орқали жамият манфаатлари зарар кўриши мумкинлигини кибержиноятчи олдиндан билишини, бу тоифадаги кибержиноятларнинг асосий мақсади фойда олишни эмас, балки безорилик характерини амалга ошириш ёки ўзини кўрсатиб қўйишга ҳам оид бўлиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак. Мисол учун, ЖКнинг 247-моддасида назарда тутилган «*ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш*»[3], яъни тармоқ орқали масофадан бошқарувни қўлга киритиб,

[1] Кочои С.М. Уголовное право. Общая и Особенная части: Учебник. Краткий курс. — М., 2009. — с.51-52.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бу қуроллардан учинчи шахс сифатида ўзаро низолашаётган тарафлардан бирига кўмаклашиш ёки ўч олиш мақсадида ҳам содир этилиши мумкин ва бунда жиноятчининг асосий мақсадида бу қуролларни эгаллаш эмас, балки бу қуроллардан фойдаланиб бошқа субъектларга таҳдид қилишга қаратилган бўлади ва шу сабабли ҳам бу тоифадаги жиноятларни квалификация қилишда мақсад ва мотив масаласига аниқлик киритиш керак.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг зарурий белгилари, яъни ўзининг аҳамиятига кўра, жиноят таркибининг маълум бир элементида сўзсиз иштирок этадиган белгилар[1] **5** та, махсус белгилар эса, **3** тани ташкил этади ва улар монографиянинг 24-иловасида назарда тутилган.

Юқоридагиларга кўра, хулоса қиладиган бўлсак, фикримизча, **жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноят** – Жиноят Кодекси билан жазо қўллаш таҳдиди билан тақиқланган, кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланиб ахборот-коммуникация технологияларидан орқали ёки уларга нисбатан жамоат хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатларга киберҳимоя мавжудлигидан қатъий назар содир этиладиган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик). Бунда, кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда амалга оширилиши кутилаётган «*шахс, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид солувчи шарт-шароитлар ва омиллардан бири*» ёки «*уларнинг мажмуи*» **кибертаҳдид** бўлса, **киберҳужум** ушбу таҳдиднинг амалга оширилишига оид харакат саналади. Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар барча ҳолатларда субъектив томондан **қасддан** содир этилади, ушбу жиноятларнинг субъекти ҳар бир давлатнинг жиноят қонунчилиги билан **белгиланган ёшга тўлган ақли расо шахсдир**, объектив томондан ҳар бир давлатларнинг жиноят қонунчилигида назарда тутилган кибержиноятнинг қай тариқа содир этилиши англашилса, улар объекти асосий, қўшимча ва факультатив бевосита объектига кўра фарқ қилади. Бунда, **асосий бевосита объект** «*жамоат хавфсизлиги*» бўлса, **қўшимча бевосита объект** «*ахборот-коммуникация технологияларининг муҳофаза қилинадиган соҳаси ва жамоат хавфсизлиги*», **факультатив бевосита объект** «*шахснинг ҳаёти, соғлиғи, конституциявий ҳуқуқлари ва эркинлиги, ахлоқи, озодлиги, шаъни ва қадр-қиммати, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартиби, ҳарбий хизматни ўташ тартиби, шахс, жамият, шу жумладан, оила, ёшлар, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари манфаатлари, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлиги, муҳофаза қилинадиган иқтисодиёт соҳаси ва асослари, мулк дахлсизлиги, хўжалик фаолияти, экология соҳаси, шу билан бирга ахборот-коммуникация технологияларининг муҳофаза қилинадиган соҳаси ва жамоат хавфсизлиги*» кабилар саналади.

Киберхавфсизлик таъминланиши натижасида жамоат хавфсизлиги таъминланади. Киберхавфсизлик қонун талабига асосан, «*кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ички ва*

[1] Очилов Х.Р., Хайдаров Ш.Д., Шамсидинов З.З. “Жиноят ҳуқуқи” (Умумий қисм). Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ нашриёти. 2021 й., 25-б.

ташқи таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати»[1] саналади. Кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда жамоат хавфсизлиги киберхавфсизликнинг таркибий қисми сифатида муҳим ўрин тутади. Ўз.Рес. ЖК.нинг олтинчи бўлими «Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар», деб номланган ҳолда, унинг таркибий қисмида «XVII боб. Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар» ва «XX боб. Жамоат тартибига қарши жиноятлар»дан ташқари «XVIII боб. Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар», «XIX боб. Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар», «XX[1] боб. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар» киритилганлигини инобатга олсак, бироқ мазкур учта бобдаги жиноятларнинг асосий бевосита объекти жамоат хавфсизлиги эмас, балки бошқа ижтимоий муносабатлар эканлигини ҳисобга олсак, бу турдаги кибержиноятлар ҳақида аниқроқ ва тўғри тушунчага эга бўлиш учун Ўз.Рес. ЖК.нинг олтинчи бўлимининг номини қайта кўриб чиқиш зарур бўлади.

Концепцияга асосан, «*Жиноят кодексида қўлланиладиган атама ва тушунчаларни уларнинг мазмунига аниқ таъриф бериш ва ягона шаклда қўллаш орқали такомиллаштириш ва технологик тараққиёт, жумладан кибержиноят билан боғлиқ жиноят турларининг кенгайганлигини ҳисобга олган ҳолда ахборот технологиялари соҳасида жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш*» белгиланган[2].

Шунга кўра, таклиф сифатида Ўз.Рес. ЖК.нинг олтинчи бўлимини қуйидагича баён этиш таклиф қилинади:

«Олтинчи бўлим. Жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятлар».

Ушбу бўлимда таклиф сифатида Ўз.Рес. ЖК.нинг XVII бобидаги «Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар», XVIII бобидаги «Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар», XIX бобидаги «Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар», XX бобидаги «Жамоат тартибига қарши жиноятлар»ни улар жамоат хавфсизлига таҳдид солувчи жиноятларнинг асосий, қўшимча, факультатив бевосита объекти жамоат хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар эканлигидан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқиш ва XX[1] бобидаги «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар» бир вақтнинг ўзида асосий бевосита объекти ахборот технологиялари соҳаси эканлигидан келиб чиқиб, ахборот технологиялари ўз навбатида фақатгина жамоат хавфсизлигига оид тушунча эмас, балки шахс ва давлатга боғлиқ бўлган тушунча эканлигидан келиб чиқиб, алоҳида олтинчи кичик бўлим сифатида қуйидагича шакллантирилиши таклиф қилинади:

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясига асосан // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

«**Олтинчи кичик бўлим. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид жиноятлар**».

Ушбу бўлимга эса, «XX[1] боб. Алоқа соҳасига оид жиноятлар» ва «XX[2] боб. Ахборотлаштириш соҳасидаги жиноятлар» деб номланувчи ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид жиноятларни бир бўлимда мужассам этиш мақсадга мувофиқ.

Нима учун иккита бобга ажратиш керак?! Сабаби техник томондан ахборот-коммуникация технологиялари иккита йўналишдан, яъни алоқа (телекоммуникация) ва ахборотлаштириш йўналишларидан иборат. Бунда, алоқа телекоммуникация, радиочастота ва почта алоқасидан иборат бўлиб, қонунчиликка кўра, «*ахборотнинг белгилар, матнлар, тасвирлар, товушлар, видео тарзидаги ёки бошқа турдаги сигналларини ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланган ҳолда узатиш, қабул қилиш ва уларга ишлов бериш телекоммуникациялар*»[1], «*радиочастоталар белгилар, сигналларни, ёзма матнни, тасвирлар ва товушларни узатиш ёки қабул қилиш мақсадида фазода сунъий тўлқин ўтказгичсиз тарқатиладиган, шартли равишда уч минг гигагерцдан камроқ қилиб қабул қилинган частотали электромагнит тўлқинлар*»[2], «*почта алоқаси почта алоқаси воситалари ва объектларининг ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуидан иборат бўлган, почта алоқаси хизматлари кўрсатилишини таъминлайдиган алоқа тури*»[3] саналса, «*юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни ахборотлаштириш*»[4] ҳисобланади. Шунга кўра, ушбу бобни техник томондан иккита муҳим йўналишга ажратиш тўғри бўлганлиги ва улар ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини ўзида тўлиқ қамраб олганлиги сабабли бу таклифларни қабул қилиш мақсадга мувофиқ, деб ўйлаймиз. Мазкур қоиданинг қабул қилиниши Ўз.Рес. ЖК.да назарда тутилган қилмишларнинг фақатгина телекоммуникация ва Интернет тармоғи орқали содир этилишини назарда тутувчи «*лоббизим*»га айланиб бораётган салбий ҳолатларнинг бартараф этилишига, соҳага оид жиноятларнинг тизимлаштирилган кўриниши вужудга келишига, жазо ва жавобгарлик масаласида ягона ҳуқуқий ва технологик ёндашув шаклланиши ва ривожланишига хизмат қилади.

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Радиочастота спектри тўғрисида” 1998 йил 25 декабрдаги 725-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикасининг “Почта алоқаси тўғрисида” 2022 йил 9 июндаги ЎРҚ–777-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[4] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

1.2-§. Жиноят қонунчилигида жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жавобгарликни белгилашнинг ижтимоий зарурияти

Жиноят қонунчилигида жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жавобгарликни белгилашнинг ижтимоий зарурияти қуйидагилардир:

биринчидан, кибержиноятларнинг қарийб 90 фоизи латент жиноят саналади[1] ва бу эса, аниқ жавобгарликни белгиламасдан туриб, қайси кибержиноятлар билан курашиш кераклиги юзасидан муаммоларни вужудга келтирмоқда. Ҳозирда **Ўзбекистон қонунчилигида кибермаъмурий ҳуқуқбузарликлар, кибержиноятлар ҳамда киберхавфсизлик ҳодисаларининг аниқ чек чегаралари ҳали белгиланмаган** ва бу эса, ваколатли давлат органлари ва ташкилотлари ҳамда уларнинг ходимлари томонидан қайси киберхавфсизлик ҳодисаси вужудга келганда уни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс талабига асосан, ваколатли давлат органлари ёки судга, Ўз.Рес. ЖК. талабига асосан, қайси тергов органларига юбориш ва уларнинг маъмурий ҳуқуқбузарлик ёки жиноят эканлигига аниқлик киритиш кераклигини ва содир этилган ёки содир этилаётган киберхавфсизлик ҳодисасидан қайси бирига нисбатан чекланган ресурс орқали кўпроқ эътибор қаратиш жоизлигини олдиндан билолмаслигига сабаб бўлмоқда.

Ўз.Рес. ЖК.нинг 4-моддасига асосан, «содир этилган қилмишнинг жиноийлиги, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари **фақат Жиноят кодекси билан белгиланади»**[2]. Бироқ, бу кодекснинг ўзида «кибержиноят», «жамоат хавфсизлиги» тушунчаларининг таърифи Жиноят кодексининг VIII бўлимда назарда тутилмаган ва бу эса, ўз навбатида содир этилаётган киберхавф-хатарлар ва ҳодисаларнинг аниқ чегарасини қонунчилигимизда аниқ жавобгарликни белгилаш орқали аниқлаш заруриятини вужудга келтирмоқда.

иккинчидан, Ўзбекистон Республикасида 2024 йилда 29 млн. 52 мингта Интернет фойдаланувчиси бўлган бўлса[3], бугунги кунда бу рақамлар 35 798 804 тани ташкил этмоқда, шундан 5 млн. 350 мингдан ортиқ киши ижтимоий тармоқларда ўзининг шахсга доир маълумотлари билан ижтимоий тармоқларда рўйхатдан ўтган, **1275** та ахборот тизими ва ресурсларида, **11 мингдан ортиқ шахсга доир маълумотлар базаси**да уларнинг шахсга доир маълумотлари ишлов берилмоқда. Ушбу маълумотларнинг учинчи шахсга киберҳужум орқали қонунга хилоф эгаллаб олиниши натижасида, нафақат жабрланувчиларнинг шахсга доир маълумотлари ўғирланиши мумкин, балки мулкий ва номулкий томондан кибержиноятчилар жабрланувчи ва уларнинг яқинларига ноқонуний таъсир ўтказиши, уларнинг мулклари ва мулкий ҳуқуқларига ғайриқонуний равишда эга бўлиши, маънавий азоб бериши, жабрланувчиларни руҳий тазйиқ ва зўравонликлар қурбонига айлантириши,

---

[1] Ф. Джураев. Кибержиноятлар тушунчаси, белгилари ва шахсий изкуварлик маҳорати орқали уларни олдини олиш ва фош этилишининг аҳамияти ҳақида айрим мулоҳазалар. – Т.: CARJIS. 2022. №3. – 228 б.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] https://datareportal.com/reports/digital-2024-uzbekistan.

хатто шундай шарт-шароитлар вужудга келишига сабабчи бўлишлари мумкин ва бунинг оқибатида эса, жамоат хавфсизлиги таҳдид остида қолади. 2022 йилда кибержиноятлардан азият чекиб 20 мингдан зиёд Ўзбекистон фуқароси расман ваколатли органларга мурожаат қилган бўлса, 2023 йили уларнинг сони 30 минг нафардан ошган. Ачинарлиси, кейинги тўрт йилда электрон тўлов воситалари орқали содир этилган ўғрилик ва фирибгарлик жиноятлари **17 бараварга ортган**[1]. 2022 йилда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган кибержиноятлар сони 105 215 тани, 2023 йилда бу кўрсатгич 104 096 тани ташкил этган. Тошкент шаҳрида эса, бу кўрсатгич 2022 йилда 22 791 тани, 2023 йилда 21 728 тани ташкил этган[2]. 2024 йилда 3 290 860 та Ўзбекистонга киберҳужум амалга оширилганлиги рўйхатга олиниб[3], 58 800 та кибержиноят Ўзбекистон Республикасида расман қайд этилган бўлса, шундан **97,7 фоиз кибержиноятлар киберфирибгарлик жиноятлари саналади**[4], 2023 йилда эса, бу рақамлар 5 500 тани ташкил этиб, шундан 70 фоизи киберфирибгарлик ва киберўғрилик жиноятларига алоқадор бўлган[5], демак, ушбу рақамларга суянадиган бўлсак, рўйхатга олинган кибержиноятларнинг статистикаси таҳминан Ўзбекистонда 10,6 баробарга ошган ва биргина 2022 йилда пойтахтда қайд этилган кибержиноятларнинг сони жами кибержиноятларнинг 19 фоиздан ошиқроқ қисмини ташкил этмоқда. Агарда рақамлаштириш жадаллашаётганлигини ҳисобга олак, бу рақамлар тез орада бир неча баробарга ошганлигини кузатишимиз мумкин ва айнан жавобгарликнинг белгиланиб қўйилиши эса, ҳеч бўлмаганда профилактик томондан жиноятлар содир этилишидан шахслар тийилиши ёки ихтиёрий қайтиш ҳолатлари кўпайишига сабабчи бўлиши мумкин.

учинчидан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданияти ҳамда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш ва тармоқда одоб-ахлоқ қоидалари ва амалдаги телекоммуникация хизматларини кўрсатиш ва фойдаланишни назарда тутувчи қонунчиликка риоя қилиш даражаси **Республикамизда жуда паст даражага эга.** Жиноят ишлари бўйича судлар томонидан интернет тармоғида эълон қилинган ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган Интернет тармоғида эълон қилинган маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги суд қарорлари сони **4 491 761** та бўлса, жиноят ишлари бўйича суд қарорлари сони **381 830** тани ташкил этади ҳамда уларнинг тўлиқроқ таҳлилий статистикаси 3-4-иловаларда назарда тутилган[6]. Мазкур ҳуқуқбузарликлар Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2020 йил 30 июндаги 208-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3275, 2020 йил

[1] Г. Одашбоева. Кибер фирибгарлардан қандай ҳимояланиш мумкин? – Т.: https://ishonch.uz/news/kiber-firibgarlardan-anda-imolanis-m.

[2] https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_800.pdf.

[3] https://kun.uz/en/news/2024/04/06/uzbekistan-reports-over-3-million-cyberattacks-for-q1-2024.

[4] https://kun.uz/en/news/2025/02/27/crime-rate-in-uzbekistan-mia-reports-nearly-200-offenses-per-100000-people-for-2024.

[5] https://www.uzdaily.uz/en/over-11-months-5500-cybercrimes-were-committed-in-uzbekistan/.

[6] https://public.sud.uz/report/CONFLICT.

30 июнь) билан тасдиқланган Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидаларининг 319-банди[1] талабларини фойдаланувчилар бузишганлиги оқибатида вужудга келган ва уларнинг жами ҳуқуқбузарликларга нисбатан улуши **16 фоиздан кўпроқ**ни ташқил этмоқда. Демак, киберҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, кибержиноятлар бўйича интернет тармоғида эълон қилинган ишлар сони жами ишларнинг деярли таҳминан **1/7 қисмини ташкил этмоқда** ва бу рақамлар кўпайиб бормоқда.

Бундан ташқари, биргина, **маҳаллий ижроия ҳокимияти, банклар ва Республикамиздаги йирик корхоналар** ўртасида 2025 йилда ўтказилган расмий сўровномаларимиз натижаси бўйича шу нарса аниқ бўлдики, **улар киберхавфсизлик бўйича қонунчилик борлигидан қисман хабардор**, лекин **қонунчиликда назарда тутилган нормаларни улар етарлича билишмайди,** ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чегаралари, шахсга доир маълумотлар хавфсизлиги доирасини етарлича тушунтириб бера олишмайди ва улар ушбу масалалар бўйича ваколатли давлат органи сифатида **Рақамли технологиялар вазирлиги, «Киберхавфсизлик маркази» ДУК, ички ишлар органлари деб билишади** ва **ушбу жараён билан улар бевосита етарлича шуғулланишмайди**. Хатто банклар ичида АТ «Алоқабанк» алоқа соҳасидаги ташкилотлардан бўлса-да, берилган саволномадаги масалалар бўйича ўзининг муносабатини ҳам билдира олмади.

Бу эса, мавжуд бўлаётган киберхавф-хатарлар билан қандай курашиш зарурлигини ҳал қилиш учун **бу соҳада қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниши, улар тизимлаштирилиши ҳамда улар ижрочилар ва жамоатчилик томонидан хабардор қилиниши зарурлигини кўрсатмоқда.**

тўртинчидан, статистик маълумотларга кўра, 2023 йилда ҳар 39 сонияда, ҳозирда эса, ҳар 14 сонияда битта киберҳужум содир этилиб[2], бунинг оқибатида жаҳон иқтисодиётига етказилган зарар миқдори 2023 йилда тахминан 8 трлн. долларни ташкил этиб[3], бу рақам 2024 йилда 9.5 трлн. долларга етган ҳолда[4], 2025 йилда эса 10.5 трлн. долларга етиши кутилмоқда[5]. Демак, айнан мазкур кенг кўламли зарарнинг олдини олиш учун ҳам етарлича жиноий-ҳуқуқий томондан қонунчиликда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини белгилаш ва уларнинг ижросини тўла-тўкис бажариш учун зарур ҳаракатлар амалга оширилмоғи даркор;

бешинчидан, Ўзбекистонда рақамлаштириш жадал суратлар билан ривожланмоқда, 2023-2024 йилларда рақамлаштириш соҳасида ислоҳотларни

[1] Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2020 йил 30 июндаги 208-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3275, 2020 йил 30 июнь) билан тасдиқланган Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] https://www.datensicherheit.de/2024-2025-cyber-attack-companies-14-seconds.

[3] https://www.yeoandyeo.com/resource/cybercrime-to-cost-the-world-8-trillion-in-2023.

[4] https://www.cenlanow.com/business/press-releases/ein-presswire/674883055/cybercrime-damages-to-cost-the-world-9-5-trillion-usd-in-2024/.

[5] https://www.firstcolumn.com/blog/the-global-annual-cost-of-cybercrime-will-break-10-trillion-by-2025.

чуқурлаштириш ва тизим фаолиятини трансформация қилиш бўйича 82 та[1], «Рақамли ҳукумат» ва «Рақамли ҳудуд» дастурлари доирасида 300 та устувор лойиҳалар[2] амалга оширилди, натижада, кенг полосали уланишни ташкил этиш мақсадида ўрнатиладиган умумий сиғими 700 минг портли қурилма ва ускуналар монтаж қилинди, замонавий юқори тезликда ишловчи қурилмаларни ўрнатилиб, ишга туширилган ҳолда алоқа қамрови 88 фоизга етказилди, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида 680 та электрон давлат хизмати жорий этилди[3]. Бугунги кунда мобил алоқа фойдаланувчи (абонент)лар сони 2020 йилда 26 566 759 та, 2021 йилда 26 953 435 та, 2022 йилда 31 981 910 та, 2023 йилда 34 217 491 та, 2024 йилда 35 798 804 та бўлса, Speedtest Global Index рейтингига кўра, мобил интернетнинг ўртача тезлиги 2020 йилда 6,6 мбит/с, 2021 йилда 12,1 мбит/с, 2022 йилда 13,7 мбит/с, 2023 йилда 21,3 мбит/с, 2024 йилда 38,96 мбит/с.га ошган, мазкур вазиятда Ўзбекистон Республикаси дунё рейтингида мобил алоқа тезлиги бўйича **74-ўрин**, симли алоқа бўйича эса, **72-ўрин**да турибди[4]. Аҳоли сони эса, Миллий статистика қўмитаси маълумотларига кўра, 2025 йилнинг 28 август куни соат 9:35 ҳолатига Ўзбекистон Республикасининг доимий аҳолиси сони 38 000 000 кишига етди[5]. Ўзбекистон Республикаси аҳолисининг 95,5 фоизи тўлиқ мобил алоқадан фойдаланишади. Бу эса, ўз навбатида Ўзбекистон аҳолисининг 95,5 фоизининг шахсий маълумотларидан тортиб, тўлов тизимларигача бўлган маълумотлари ва улардаги ресурслар, энг муҳим яратилган барча инфратузилмаларнинг кейинги тақдири кибержиноятлар туфайли хавф остида қолаётганлигини кўрсатмоқда. Айнан **мана шу хавф-хатарларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш ва оқибатларини бартараф этиш, энг муҳими яратилган имкониятлар йўқ бўлиб кетмаслиги ҳамда Ўзбекистоннинг рақамлаштириш ва киберхавфсизлик соҳасида халқаро майдонда ўз ўрнини сақлаб қолиш ва уни юқори пағонага олиб чиқиш** учун қонунчилигимизда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жавобгарликни белгилаб қўйиш зарур бўлади.

олтинчидан, ўтган вақт давомида бир қатор қонунчилик ҳужжатлари қабул қилинди, хусусан норма ижодкорлигидаги иштирокимиз асосида:

Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни қабул қилинди ва ушбу Қонун билан киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб қўйилди[6]. Мазкур таклифнинг қабул қилиниши киберхавфсизлик соҳасидаги муносабатлар бевосита қонун билан тўғридан-тўғри тартибга солиб қўйилишига хизмат қилди.

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислоҳотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 майдаги ПФ–76-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 майдаги ПҚ–162-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] https://my.gov.uz/uz.

[4] https://www.speedtest.net/global-index.

[5] https://t.me/statistika_rasmiy/6256.

[6] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ўзбекистон Республикасининг 2024 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ–964-сон Қонуни билан эса, «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки фаолиятини тартибга солувчи, банклар, нобанк кредит ташкилотлари, тўлов тизимлари операторлари, электрон ҳукумат фаолиятида ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизликни таъминлаш, шунингдек автоматлаштирилган банк тизимида ахборотни муҳофаза қилиш ва банк сири соҳасидаги муносабатларни тартибга солиб қўйилди, ушбу Қонун билан тўлов тизимларининг қоидаларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига риоя этиш тартиби белгиланиши кераклиги, тўлов тизими операторининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларига, шунингдек тўлов тизимининг узлуксиз ишлаш чораларига риоя қилинишини таъминлаши белгиланди, тўлов хизматларини етказиб берувчи тўлов хизматларини кўрсатишда ахборот хавфсизлигини ва киберхавфсизликни таъминлашга таъсир кўрсатувчи қоидабузарликларни Марказий банкнинг биринчи кўрсатмаси юборилган кундан эътиборан уч ой ичида бартараф этишга оид махсус қоида киритилди, Марказий банкга унинг банклараро тўлов ва клиринг тизимлари билан ҳамкорликни таъминловчи дастурий воситаларга, шу жумладан автоматлаштирилган банк тизимларига, шунингдек тўлов тизимларида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик чораларини таъминлашга нисбатан қўйиладиган талабларни белгилаш ваколатлари берилди, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик соҳасида тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар устидан назорат қилишга оид махсус оидалар белгиланди»[1]. Бу эса, тўлов тизимлари ва воситаларига нисбатан содир этилиши мумкин бўлган киберхавф-хатарларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва оқибатларини бартараф этишга хизмат қилди.

Муҳим ахборот инфратузилмалари объектларида киберхавфсизликни таъминлашга масъул бўлган ходимларнинг лавозимга тайинланиши ва лавозимидан озод этилиши юзасидан ваколатли давлат органини ўз вақтида хабардор этиш ҳамда ушбу ходимларни ҳар уч йилда бир марта ваколатли давлат органи томонидан аттестациядан ўтказиш амалиёти жорий этилди, муҳим ахборот инфратузилмасининг киберхавфсизлиги, яъни муҳим ахборот инфратузилмаси объектида киберхавфсизлик ҳодисасини келтириб чиқариши мумкин бўлган бузилишдан муҳим ахборот инфратузилмаси объекти барқарор ишлашини таъминловчи ҳимояланганлик ҳолатини таъминлаш тартиби белгиланди[2]. Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигига оид талаблар белгиланиб, ваколатли идораларнинг вазифа ва функциялари аниқ белгиланишига хизмат қилди.

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2024 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ–964-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ–167-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 56^2-моддасида «гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни» ва 56^4-моддасида «гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш», 155^1-моддасида «конфиденциал ахборот мавжуд бўлган компьютер тизимидан фойдаланиш вақтида ушбу компьютер тизимидан фойдаланишга рухсати бўлган шахснинг ушбу тизимдан фойдаланишнинг белгиланган қоидаларини бузиши компьютер ахборотининг йўқ қилиб юборилишига, тўсиб қўйилишига, модификациялаштирилишига, компьютер ускунаси ишлашининг бузилишига сабаб бўлганлик», 155^3-моддасида «мобиль қурилманинг халқаро ўзига хос идентификация кодини ёки абонент қурилмасининг идентификациялаш модулини қонунга хилоф равишда ўзгартириш», 155^4-моддасида «крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш», 155^5-моддасида «майнинг фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга ошириш», 201^1-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатлари талабларини жамоат тартибига ва жамоат хавфсизлигига таҳдид соладиган тарзда бажармасликка ёки бузишга оммавий ахборот воситаларидан, телекоммуникация тармоқларидан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан, шунингдек матнни кўпайтиришнинг босма ёки бошқа усулларидан фойдаланган ҳолда омма олдида даъват қилиш», 202^2-моддасида «шахснинг қадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёлғон ахборотни оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборотни оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш»[1] учун маъмурий жавобгарлик белгиланди. Кибербуллинг ва ижтимоий, сиёсий, рақамли технологиялар соҳасига оид айрим киберҳуқуқбузарликлар учун жавобгарлик белгиланишига хизмат қилди.

Ўз.Рес. ЖК.нинг 130^1-моддасида «*тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш*», 141^2-моддасида «*шахсга доир маълумотларни ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов берилаётганда жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларни йиғишга, тизимлаштиришга ва сақлашга оид талабларга риоя этмаслик*», 141^3-моддасида «*шахс танасининг ва (ёки) жинсий*

[1] Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото- ва (ёки) видеотасвирини ўз ичига олган ахборотни унинг розилигисиз оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ёхуд бундай ахборотни тарқатиш билан қўрқитиш», 158-моддасида «*Ўзбекистон Республикаси Президентини телекоммуникация тармоқларидан ёки Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда уни ҳақоратлаш ёки унга туҳмат қилиш*», 244-моддасида «*оммавий ахборот воситаларидан, телекоммуникациялар тармоқларидан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан, шунингдек матнни кўпайтиришнинг босма ёки бошқа усулларидан фойдаланган ҳолда оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш*», 251[1]-моддасида «*гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш*», 273-моддасида «*телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказиш*», 274-моддасида «*гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш*», 278[8]-моддасида «*крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш*», 278[9]-моддасида «*майнинг фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга ошириш*» учун жиноий жавобгарлик белгиланди[1]. Ушбу таклифларнинг қабул қилиниши жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи айрим кибержиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилди. Мазкур вазиятда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг кейинги ривожини таъминлаш учун рақамли назоратни тўлиқ ўрнатган ҳолда, **жамоат хавфизлигини кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда** ва шу сабабли яратилаётган ислоҳотларнинг кейинги ривожи тўла-тўкис бўлиши учун қонунчиликни тизимлаштириш ва **жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун етарли бўлган жавобгарликни белгилаш орқали кибержиноятларнинг хавф-хатарларини камайтириш мақсадга мувофиқ**.

Еттинчидан, киберҳуқуқбузарликлар, шу жумладан, кибержиноятларнинг кейинги жиноий-ҳуқуқий таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, мамлакатимизда яратилаётган телекоммуникация инфратузилмалари кўпайиши билан бирга унинг хавфсизлиги масаласига ҳам алоҳида аҳамият бериш керак. Сабаби у **инфратузилманинг вужудга келишига шахс, жамият ва**

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

давлатнинг вақти ва маблағи сарфланган. *Мисол учун,* биргина, стратегия билан сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш бўйича эришиш лозим бўлган мақсадли кўрсаткичлар сифатида сунъий интеллект асосида яратилган дастурий маҳсулотлар ва кўрсатиладиган хизматлар ҳажмини 1,5 миллиард АҚШ долларига етказиш, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида сунъий интеллект асосида кўрсатилаётган хизматлар улушини 10 фоизга етказиш, сунъий интеллект йўналишида фаолият юритувчи илмий лабораториялар сонини 10 тага етказиш ҳамда юқори қувватли ҳисоблаш серверларини ишга тушириш, Ҳукуматнинг сунъий интеллектга тайёрлик индексида (Government AI Readiness Index) Ўзбекистон Республикасининг биринчи 50 та ўриндаги давлатлар қаторига киришига эришиш белгиланган[1]. Бироқ, ушбу мақсадга эришиш учун телекоммуникацияларнинг хавфсизлиги, айниқса, телекоммуникация тармоғи ҳимояси ва ундан фойдаланган ҳолда, амалга ошириладиган бошқа тизимлар ва техник воситаларнинг хавфсизлигини таъминлаш муҳимдир. Чунки уларга нисбатан амалга оширилган ижтимоий хавфли қилмиш туфайли шахс, жамият ва давлат манфаатлари путур етиши ёки улардан фойдаланган ҳолда, бошқа қилмишларни амалга ошириш тўла-тўкис шахс, жамият ва давлат манфаатларини барбод қилиши мумкин. Шу сабабли мазкур қарор билан банк-молия соҳасида – фирибгарликларнинг олдини олиш, фойдаланувчиларнинг тўлов қобилиятини баҳолаш, бозор тенденцияларини прогноз қилишга асосланган сунъий интеллект технологияларини яратишга ва жорий этишга алоҳида аҳамият берилмоқда[2].

Саккизинчидан, маълумотларга кўра, «дунёда ҳар йили **500 миллиондан ортиқ** кибер ҳужумлар уюштирилади. **Ҳар сонияда 12 нафар инсондан бири кибермаконда содир этилган ҳужумлар қурбонига айланади**. АҚШ, Франция, Буюк Британия, Германия, Бельгия, Люксембург каби ривожланган давлатларда жиноятларнинг 60-65 фоизи киберҳужумлар орқали содир этилмоқда. Ўзбекистонда ҳам сўнгги уч йилда бу турдаги жиноятлар **8,3 бараварга кўпайиб**, **ҳозирда умумий жиноятчиликнинг қарийб 5 фоизига етган»**[3]. Россия Федерациясининг биргина Москва шаҳрида 2021 йилда 102 060 та, 2022 йилда 105 360 та, Тошкент шаҳрида эса, 2021 йилда 2281 та, 2022 йилда 4332 та кибержиноят содир этилган[4] бўлса, ушбу жиноятларнинг ҳаддан ташқари кўпайиб кетиши натижасида ҳозирда расмий равишда ушбу жиноятларнинг статистикаси ички ишлар органлари томонидан тўлиқ ва етарлича очиқланмаяпти. Баъзи манбаларга кўра, 2023 йилнинг ўтган олти ойи давомида ушбу турдаги жиноятлар 2022 йилнинг шу даврига нисбатан

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида» 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ–358-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ–358-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ф. Худойкулов. Бир йилда 500 миллиондан ортиқ кибер ҳужумлар уюштирилади. https://yuz.uz/news/bir-yilda-500-milliondan-ortiq-kiber-hujumlar-uyushtiriladi.

[4] https://www.gazeta.uz/oz/2023/02/21/cyber/.

қарийб 4 баробарга ошган[1]. 2022 йилда Ўзбекистон Республикасида рўйхатга олинган жиноят сони 105 215 тани, 2023 йилда бу кўрсатгич 104 096 тани ташкил этган. Тошкент шаҳрида эса, бу кўрсатгич 2022 йилда 22 791 тани, 2023 йилда 21 728 тани ташкил этган[2]. Демак, биргина 2022 йилда пойтахтда қайд этилган кибержиноятларнинг 19 фоиздан ошиқроқ қисмини кибержиноятлар ташкил этмоқда. Агарда рақамлаштириш жадаллашаётганлигини ҳисобга олак, бу рақамлар тез орада бир неча баробарга ошганлигини кузатишимиз мумкин. Аслида эса, бу рақамлар бутун жиноятларга қараганда бир неча баробар кўп бўлиб, айнан ушбу қилмиш учун аниқ жавобгарликнинг мавжуд эмаслиги туфайли кўплаб киберхавфсизлик ҳодисалари расман рўйхатга олинмаяпти **ва уларни жиноят деб эътироф этиш учун жиноят қонунчилигимизда аниқ жиноий жавобгарлик белгиланмаган.**

Айнан жабрланувчи, кибержиноятчиларнинг аниқ сонини билиш учун ҳам жиноят қонунчилигимизда аниқ жавобгарликни белгилаш зарур бўлади. Ана шундагина, Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 31 октябрдаги ПФ–5566-сон Фармонига асосан, **«Жиноий-ҳуқуқий статистика» ахборот тизими**[3]да кибержиноятлар бўйича аниқ рақамлар вужудга келади.

Тўққизинчидан, «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг 96-позициясига асосан, «*Интернет жаҳон ахборот тармоғидан тўсиқларсиз фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, миллий интернет маконида киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фуқароларнинг интернетдан фойдаланиш борасидаги саводхонлигини ошириш 2030 йилгача эришиладиган мақсадларнинг самарадорлик кўрсаткичлари саналади ва ушбу позицияга мувофиқ барча аҳоли пунктларини интернет билан тўлиқ қамраб олиш ва унинг тезлигини 10 баробар ошириш, халқаро интернетга уланиш тезлигини 5000 Гбит/с.га етказиш, оптик толали алоқа линиялари ва кенг полосали маълумот узатиш тармоқларининг қамровини 100 фоизга етказиш, IT хизматлар ва дастурий маҳсулотлар экспорти ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш, БМТнинг Электрон ҳукумат рейтингида топ-30 таликка киришга эришиш, IT-парк резидентлари сонини 10 баробар ошириш, улар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажмининг ялпи ички маҳсулотдаги улушини 2,2 фоизга етказиш ва уларда яратилган иш ўринлари сонини 100 мингтага етказиш, IT-паркда хорижий компаниялар учун «Рақамли технологиялар халқаро маркази»ни ташкил қилиш орқали хорижий компаниялар ваколатхоналари сонини 1000 тага етказиш, Стартап лойиҳаларни IT-паркнинг акселерация (ривожлантириш)*

[1] О. Дадабаев. Киберхавфсизликни таъминлаш давр талаби. – Т.: https://uza.uz/uz/posts/kiberxavfsizlikni-taminlash-davr-talabi_498076.

[2] https://api.siat.stat.uz/media/uploads/sdmx/sdmx_data_800.pdf.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида" 2018 йил 31 октябрдаги ПФ–5566-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

дастури орқали қўллаб-қувватлаш йўли билан миллий бозор капиталлашувини 1 миллиард долларга тенг биринчи (Unicorn) стартап лойиҳасини чиқариш, «Рақамли ҳукумат» дастури доирасида 300 та устувор лойиҳаларни ишга тушириш, Тошкент шаҳри, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятлар марказларини бешинчи авлод алоқа тармоғи билан қамраб олиш, Халқаро аҳамиятга эга автомагистраль йўлларни тўлиқ мобиль интернет билан таъминлаш орқали Рақамли технологияларни ривожлантирган ҳолда мамлакатни минтақавий «IT-HUB»га айлантириш асосий мақсадлардан биридир»[1]. Ушбу кўратгичга эришиш учун амалдаги қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиш, уларни такомиллаштириш, тизимлаштириш, «ҳуқуқий бўшлиқлар»ни тўлдириш ва аҳолининг саводхонлигини ошириш, шунингдек, самарали техник ва технологик ислоҳотларни амалга ошириш зарурдир. Зеро, қонунчилик ҳужжатлари мавжудлигининг ўзи республикамизда жамоат хавфсизлигини таъминлаб қолмайди ва бунинг учун уларнинг ижросини самарали таъминлаш керак бўлади ҳамда ижро самарали бўлиши учун барчага жамоат хавфсизлиги, шу жумладан, унга таҳдид солувчи кибержиноятларга оид муносабатлар аниқ ва тушунарли бўлиши керак.

Ўнинчидан, Республикамизда содир этилаётган кибержиноятлар асосан **19-35 ёшли шахслар бўлиб**, мазкур жиноятларни содир этилиши оқибатида фуқароларга етказилган зарарнинг миқдори ҳам 2,4 баробарга ортиб, 1 млрд. сўмга яқин пуллар талон-тарож қилинган[2]. Бошқа бир манбага кўра, Республикамизда виртуал оламдаги қонунбузилишларнинг аксарияти **16-23 ёш оралиғидаги ўсмир-ёшлар** томонидан содир қилинмоқда[3].

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. Мирзиёев «ёш авлодни турли зарарли таъсирлардан асраш, уларга ахборот маконида фойдали, мазмунли маълумотларни етказиш ва тарғиб қилиш доим эътиборимиз марказида бўлиши зарур»[4], деган юксак маънодаги сўзларининг ижросини таъминлаш орқали ёшларни киберхавф-хатарлардан асраш жуда муҳимдир ва уларни бу турдаги жиноятлар содир этмаслиги учун зарур ҳаракатлар амалга оширилиши учун ҳам аниқ жавобгарлик белгилаб қўйиш зарур бўлади, ана шундагина ёшлар томонидан содир қилинаётган кибержиноятлар сони камайиши ва расмий статистика юритилиши оқибатида ёшларни босқичма-босқич бу балодан қутқариш имкониятлари пайдо бўлиши мумкин.

Ўн биринчидан, кибержиноятларнинг содир этиш усуллари ҳам кўпаймоқда, мисол учун, киберфирибгарлик жиноятларининг сони ошишидан ташқари унинг турлича усулларда содир этилиш ҳолатлари ҳам кўпайган. *Мисол*

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] О. Дадабаев. Киберхавфсизликни таъминлаш давр талаби. – Т.: https://uza.uz/uz/posts/kiberxavfsizlikni-taminlash-davr-talabi_498076.

[3] М. Хайдарова, Ш. Ғуломов, А. Носиров. Компьютер жиноятчилиги. – Т.: “Talqin va tadqiqotlar” илмий-услубий журнали. №1, 2022 й. – 65-б.

[4] https://t.me/Press_Secretary_Uz/5926.

учун, Face ID[1], арзон нархдаги товарларни сотиб олиш[2], пулларни бир неча баробарга кўпайтириш[3], видеотасвирга махсус дастур ёрдамида қайта ишлов бериш[4], киберромантика[5], трейдерлик фаолияти билан шуғулланиш[6], фишинг, кардинг, фарминг, скимминг, нигерия хатлари, вишинг, смишинг ва бошқа турлари бугунги кунда кўп содир этилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига асосан, «*инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади*»[7]. «*Янги таҳрирдаги Конституция олий юридик кучга эга эканлигидан келиб чиқиб, давлат органлари ва ташкилотлари, шу жумладан, суд ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар фаолиятида тўғридан-тўғри ва сўзсиз қўлланилади*[8]. Шунга кўра, **содир этилган кибержиноятнинг жиноийлигини белгилаш ҳамда айбдор жавобгарликдан қочиб қутилиб кетмаслиги учун** Ўз.Рес. ЖК.ни қайта кўриб чиқишимиз ва кибержиноятлар учун жавобгарликни аниқ, тўғри ва тўлиқ белгилаш зарур.

Маълумот ўрнида айтиш зарурки, Ўз.Рес. ЖК.нинг 168-моддасининг учинчи қисми «г»-бандига асосан, «*ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб фирибгарлик жиноятларини содир этганлик*»[9] учун жавобгарлик белгиланган. Бироқ, ушбу модданинг мазкур қисми ва бандида иккита муҳим қоида четда қолиб кетган, хусусан, одатдаги шароитда айбдор кўп миқдоргача фирибгарлик жиноятини содир этса, унга қўлланилаётган жазо билан, Ўз.Рес. ЖК.нинг 168-моддасининг учинчи қисми **«г»-бандида назарда тутилган қилмишни содир этган шахсга нисбатан қўлланилаётган жазо** ўртасида **номутаносиблик** мавжуд. Ўзбекистон Республикаси Конституцияснинг 20-моддаси талабига асосан, «*давлат органлари томонидан инсонга нисбатан қўлланиладиган ҳуқуқий таъсир чоралари* ***мутаносиблик принципига асосланиши*** *ва қонунларда назарда тутилган мақсадларга эришиш учун етарли бўлиши* ***керак»***[10]. Ўз.Рес. ЖК.нинг 8-моддасига асосан, «***жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо*** *ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси* ***одилона бўлиши****, яъни* ***жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг*** *ва* ***шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши керак»***[11]**.** Шунингдек, **сунъий интеллект**

[1] https://t.me/cyber_102/6350.
[2] https://www.youtube.com/watch?v=SxMtReDG3Lw.
[3] https://t.me/cyber_102/6286.
[4] https://t.me/cyber_102/6329.
[5] https://t.me/cyber_102/6269.
[6] https://t.me/cyber_102/6111.
[7] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[8] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 8 майдаги ПФ–67-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[9] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[10] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[11] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

технологияси, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи билан ахборот технологияси ўзаро фарқ қилади. Бунда, қонунчиликка кўра, **сунъий интеллект технологияси** «*сунъий интеллектдан фойдаланишга асосланган технологиялар, шу жумладан, интеллектуал видеотаҳлил, нутқни таниб олиш ва синтезлаш, қабул қилинган қарорларни интеллектуал қўллаб-қувватлашнинг истиқболли усуллари*»[1] саналса, **ахборот технологияси** «*ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар*»[2], **телекоммуникация тармоғи**, «*алоқа линиялари ёки алоқа каналлари орқали ўзаро боғланган, телекоммуникацияларни амалга оширадиган ускуналар мажмуи*»[3] бўлса, **интернет тармоғи** «*ягона адрес ва номлар маконидан фойдаланиладиган, шлюзлар ёрдамида бирлаштирилган, ягона TCP/IP протоколига мувофиқ ишлайдиган кўплаб тармоқлардан иборат глобал халқаро тармоқ*» [4] саналади.

Ҳозирда **Дипфейклар**, яъни компьютер дастурларидаги алгоритмлар ёрдамида машҳур шахслар, хатто Президентлар, депутатлар, сенаторлар, актёрлар ва бошқа шахсларнинг **фотосурати, видеоси ёки овозини ўзгартириш ёки яратиш**[5] орқали телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи ёки сунъий интеллект технологияси орқали киберфирибгарлик жинояти содир этилса, биз уни тўлиқ ахборот технологияси орқали содир этилган киберфирибгарлик деб атай олмаймиз. Мазкур вазиятда, жамоат хавфсизлигига, шу жумладан, унга таҳдид солувчи кибержиноятларнинг аниқ чек-чегараси, мазмун-моҳияти англашилиб, унга оид муносабатлар қонунчиликда аниқ ўз аксини топиши керак ва шу орқалигина амалиётда “ягона ҳуқуқий амалиёт”ни йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлади, шахсга нисбатан қўлланилаётган жазо қонуний ва одилона бўлиши учун даставвал у қонунчиликда етарлича тўлиқ ва тўғри киритилиши керак.

Ўн иккинчидан, «Uz» доменида жойлашган ахборот тизимини бузиб киришга, уларга зарар етказишга бўлган уринишлар сони 148 фоизга ошиб, 2022 йилда Ўзбекисон ичидаги ресурсларга 4,5 млнга яқин, 2023 йилда 11 млн.дан зиёд тажовуз амалга оширилган. Рақамлар кибертажовузлар 2,4 баробарга ошганини кўрсатмоқда[6]. 2023 йилда давлат органлари ва ташкилотларининг веб-сайтларида 316 та турли хавф тоифаларига оид киберхавфсизлик заифликлари ва киберҳимоядаги давлат ташкилотлари веб-

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ–358-сон қарори билан тасдиқланган Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ-1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[4] Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2020 йил 30 июндаги 208-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3275, 2020 йил 30 июнь) билан тасдиқланган Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[5] https://t.me/cyber_102/1218.

[6] https://kun.uz/kr/news/2024/03/29/ozbekistondagi-axborot-resurslariga-kiberhujumlar-24-barobarga-oshdi.

ресурсларига жами 17 мингга яқин ҳолатда тармоқ ҳужумлари амалга оширилганлигини «Киберхавфсизлик маркази» ДУК аниқлаган[1]. Ушбу ислоҳотларнинг кейинги ривожида эса, «Киберхавфсизлик маркази» ДУК томонидан аниқланаётган киберхавфсизлик ҳодисалари бўйича миллий жиноят қонунчилигимизда алоҳида махсус жавобгарлик турларини белгилаш орқали шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини тўғри ва тўлиқ кўриш мақсадга мувофиқдир.

Ўн учинчидан, Концепцияга асосан, «*технологик тараққиёт, жумладан кибержиноят билан боғлиқ жиноят турларининг кенгайганлигини ҳисобга олган ҳолда ахборот технологиялари соҳасида жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш топширилган*»[2]. Айнан мазкур топшириқни тўлиқ ва самарали бажариш учун кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда содир этилаётган жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг аниқ тури ва хусусиятига аниқлик киритиб, жиноят қонунчилигимизда аниқ жавобгарликни белгилаш зарур бўлади.

Ўн тўртинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 январдаги ПФ–10-сон Фармони билан «*Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунларида ва Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясида белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш бўйича фаолиятни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда жиноятларнинг омилларини ўз вақтида бартараф этиш орқали уларни барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари белгиланган*»[3]. Айнан унинг асосий вазифалари самарали ва тўла-тўкис амалга оширилиши учун жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг аниқ чек-чегараларини белгилаш зарурияти мавжуд бўлиб, унинг амалга оширилиши оқибатида Институтга қўйилган вазифаларни тўғри ва тўлиқ амалга ошириш имкониятларини яратиш мумкин бўлади.

Ўн бешинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги ПФ–6196-сон Фармони билан «*ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш юзасидан белгиланган Ички ишлар органлари*

[1] https://csec.uz/uz/news/maqolalar/internet-tarmo-i-milliy-segmentida-2023-yil-1-yarim-yilligida-ani-langan-olatlar-/.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 15 январдаги ПФ–10-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари[1] ўзини тўлиқ оқлаши учун уларга айнан қайси тоифадаги жиноятлар жамоат хавфсизлигига тааллуқли эканлигини аниқ чегаралаб бериш ва бунинг учун эса, қонунчиликда аниқ жиноий ва бошқа ҳуқуқий таъсирчан чораларни белгилаш зарур бўлади.

Ўн олтинчидан, Концепция билан «*жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган*»[2] бўлиб, ушбу йўналишларнинг ижроси тўлиқ бажарилиши учун жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятлар, шу жумладан, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун ҳам аниқ жавобгарликни белгилаб қўйиш зарур бўлади.

Ўн еттинчидан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 30 апрелдаги ПҚ–153-сон қарори билан «*Ички ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикасида кибержиноятларга қарши курашиш йўналишида ягона ишлаш амалиётини йўлга қўйиш, бу борада барча масъул давлат органлари ва муассасалари фаолиятини мувофиқлаштириш ҳамда манзилли ҳамкорлигини ташкил этиш бўйича ваколатли орган этиб белгиланиб, масъул давлат органлари, ташкилотлар, банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг ҳар бирига кибержиноятларнинг олдини олиш ҳамда аҳолининг кибермаданиятини юксалтиришга қаратилган барча зарур чораларни кўриш бўйича қатъий жавобгарлик юклатилди, банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари учун ўз кундалик фаолиятини ташкил этишда мижозларининг манфаати ва молиявий хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланди*»[3]. Шунга кўра, ушбу масъулиятли вазифа тўлиқ ва самарали, тизимли ва кенг қамровли амалга оширилиши учун жиноят қонунчилигимизда нафақат кибержиноятлар учун, балки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун ҳам аниқ жиноий жавобгарликни белгилаб қўйиш зарур бўлади.

Ўн саккизинчидан, кибержиноятлар халқаро трансчегаравий жиноятлар саналади, уларга оид жавобгарликни белгилаш учун халқаро ҳужжатлар ва дунё давлатларининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги ҳамда бошқа нормативлари билан ўзаро муносабатга кириши заруриятини вужудга келтирмоқда. Дунё давлатларида, хусусан, Германия, АҚШ, Миср, Саудия Арабистони, Сингапур, Хитой, Япония, Грузия, Қозоғистон, Албания, Конго, Канада, Мексика, Испания, Португалия, Греция, Қирғизистон, Россия, Ж. Корея, Индонезия, Малайзия, Австарлия, Кипр, Буюк Британия, Франция ва бошқа давлатларда кибержиноятлар учун аллақачон етарлича жиноий жавобгарлик

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 мартдаги ПФ–6196-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 30 апрелдаги ПҚ–153-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

белгиланган, хатто жиноят қонунчилигад алоҳида бўлим ва бобларда махсус моддалар мавжуд.Бундан ташқари, халқаро ҳужжатларда, шу жумладан, БМТнинг кибержиноятчиликка қарши Конвенцияси, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциялари, Европа Кенгашининг кибержиноятчиликка оид конвенцияси, Европа Иттифоқининг жалб этиш ва жавобгарлик Дастури, Шанхай Ҳамкорлик Ташкилотининг (ШҲТ) Ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги келишуви, Халқаро даражадаги киберхавфсизлик соҳасидаги стандартлар ва техник ҳужжатлар ҳамда бошқа халқаро ҳужжатлар, икки ва кўп томонлама шартнома ва келишувларда кибержиноятлар учун алоҳида жиноий жавобгарлик миллий қонунчиликда назарда тутилиши белгиланган. Шунга кўра, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларга оид хорижий ва халқаро муносабатларда Ўзбекистоннинг мустаҳкам ўрнини белгилаш ва ўзаро халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш орқали шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш учун зарур даражада ҳаракат қилиш учун ҳам халқаро ва илғор хорижий тажриба асосида жиноят қонунчилигимизда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун аниқ жавобгарликни белгилаб қўйиш зарур бўлади.

Ўн тўққизинчидан, Ўз.Рес. ЖК.да кибержиноят деб тўғридан-тўғри кўрсатилмаса-да, аммо уни ифодаловчи жавобгарлик назарда тутилган моддалар мавжуд. Ушбу моддаларда назарда тутилган ахборот-коммуникация технологияларига оид бир қатор тушунчалар ўзининг техник имкониятлари бўйича бугунги кун талабларига тўла-тўкис жавоб бермаслиги оқибатида латент жиноятчилик сони кўпаймоқда. Хусусан, «компьютер техникаси», «компьютер тизими» каби тушунчалар жуда эскирган тушунчалар бўлиб, Ўз.Рес. ЖК.нинг 167-моддасининг учинчи қисми «г»-банди ва 278^3-моддасида назарда тутилган қилмишларни ушбу воситалар орқали содир этиш ҳолатлар бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари ривожи сабабли анча илгарилиб кетган ва улар бугунги кунда бошқа усуллар билан ҳам содир этилмоқда. Шу сабабли жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлаш учун ҳам жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жиноий жавобгарлик тушунчаси ва унга оид қилмишларни, шу билан бирга, бошқа кибержиноятлар учун ҳам жавобгарликни бугунги кун талабларига мувофиқлаштириш зарур бўлади.

Йигирманчидан, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига асосан, «*давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар*»[1]. Айнан мана шу масъулият тўлиқ таъминланиши натижасида жамоат хавфсизлиги таъминланиши мумкин ва бунинг учун эса, жамиятда қонун устуворлиги, жиноят учун жазо муқаррарлиги таъминланиши даркор. Шу сабабдан ҳам жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жиноий жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш учун ушбу соҳада алоҳида жавобгарликни белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир.

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Йигирма биринчидан, Ўз.Рес. ЖК.нинг 7-моддасига асосан, «*жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши керак*»[1]. Бироқ, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун қўлланаётган жазо Ўз.Рес. ЖК.нинг олтинчи бўлими XX[1]-бобида ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган моддалардаги санкцияларга қараганда анча енгилроқ жазо назарда тутилган. Ўз.Рес. ЖК.нинг 59-моддасига асосан, «*агар жиноятлар мажмуини фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этса, унда тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади. Бунда узил-кесил тайинланган жазо содир этилган жиноятлардан энг оғири учун назарда тутилган энг кўп жазо муддатидан ёки меъёридан ортиқ бўлмаслиги лозим. Агар жиноятлар мажмуини ташкил этувчи жиноятлардан лоақал биттаси оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, ушбу Кодекснинг Умумий қисмида шу жазо тури учун белгиланган доирада тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазо узил-кесил тайинланади*»[2]. Шунга кўра, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун қўлланиладиган жазо билан асосий қўшилиши ва оғири енгили билан қопланиши натижасида жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятни содир этган шахсларга нисбатан қўлланилаётган жазолар Ўз.Рес. ЖК.нинг 7-моддасидаги инсонпарварлик принципи талабига зид бўлиб қолмоқда. Маълумки, Ўз.Рес. ЖК.нинг Умумий қисми ушбу Кодекс Махсус қисмининг асосини ташкил этади ва иккаласи гўёки «қулф ва калит» каби чамбарчас бир-бирини тўлдириши зарур, бироқ инсонпарварлик принципи бузилишини назарда тутувчи санкциялар туфайли ҳам кибержиноятлар сони ошмоқда, ҳам жамоат хавфсизлиги, балки бошқа соҳа ва йўналишларга таҳдид солувчи кибержиноятларнинг сони ортмоқда. Шу сабабли инсонпарварлик принципи нуқтаи назаридан адолатли жазо қўлланилиши учун бу турдаги қилмишлар учун адолатли жиноий жавобгарликни белгилаш зарурдир.

Йигирма иккинчидан, ҳозирда сунъий интеллект технологияларига бўлган талаб ортмоқда, хусусан, Ўзбекистон ҳам Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаб[3], бу соҳани ривожлантиришга эътибор бермоқда. Бироқ, сунъий интеллект орқали давлат, касб, хизмат сирлари, махфий ахборотлар, шахсга доир маълумотлар, шахсий, оилавий сирлар бу технология орқали учинчи шахсга етказилмоқда ва бу билан жамоат хавфсизлиги таҳдид остида қолмоқда. АИ-агентлар сезиларсиз, доимий равишда ва ишончли воситалар ичида махфий маълумотларни ошкор

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ–358-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қилмоқда[1]. Шу сабабли бу соҳада киберхавфсизлик тўлиқ таъминланиши орқали жамоат хавфсизлиги мустаҳкамланиши учун ҳам бу борада алоҳида жавобгарликка оид қоидалар бўлиши зарур.

Йигирма учинчидан, ҳозирги кунда деярли барча фуқаролар Telegram[2], ВКонтакте[3], YouTube[4], Facebook[5], Instagram[6] ва бошқа ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлардан фойдаланишади ҳамда улардан фойдаланиш тартиби бўйича ягона ва тўлиқ амалда аниқ қонун-қоидалар, регламентлар мавжуд эмас ва мавжуд қонунчилик эса, етарлича тўоиқ ишламайди. Бу эса, улардан фойдаланиш этикасига ёвуз мақсадларни кўзлаган шахслар риоя қилмаслигига, шахсий ва оилавий сирларнинг тармоқда кенг тарқалишига, шахсга доир маълумотлар ноқонуний эгаллаб олиниб, бундан номақбул йўлларда фойдаланиш ҳолатлари кўпайишига олиб келмоқда. Ҳозирда биргина телефон рақамни ижтимоий тармоқ ёки мессенжердан билиш орқали кибержиноятчилар SIP-технология билан телефон рақам эгаси номидан қўнғироқ қилинаётгандек кўрсатиб, бошқа одамларни алдашпти[7]. **Тайван давлати** эса, «*RedNote*», «*TikTok*», «*WeChat*» ва бошқа иловалар шахсларнинг маълумотларини, шу жумладан, юз сканери ва контактлар орқали олиб Хитойга юбораётганлиги, Хитой қонунига кўра, компаниялар бу маълумотларни ҳукуматга тақдим этиши шартлиги бўйича зарур огоҳлантириш билан чиқмоқда ва бу билан фуқароларнинг шахсга доир маълумотлари хавфсизлиги путур етаётганлигини асослаб бермоқда[8]. Шу сабабли бу турдаги салбий ҳолатлар вужудга келмаслиги учун ҳам алоҳида жавобгарлик белгилаш зарурдир.

Шу билан бирга, бу соҳада зарур ислоҳотларни имкон қадар тез ва самарали амалга ошириш даркор, сабаби бу тоифадаги жиноятлар содир этилиш усули ва оқибатлари бўйича ўзига хосликка эга эканлиги туфайли улар одатдаги жиноятларга қараганда бир неча марта кенг кўламлилиги, оғир оқибатларга олиб келиши билан алоҳида ўзига хос жиҳатга эгадир. Мисол учун, биргина кибербуллинг жиноятлари мисолида кўрадиган бўлсак, ушбу жиноятларнинг қуйида

Кўриниб турибдики, ҳар томонлама жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятлар учун жавобгарликнинг муқаррарлигини таъминлаш бугунги кун талабидир.

1-боб бўйича хулосалар

Илмий-назарий томондан 1-боб якуни бўйича 6-иловага мувофиқ хулосалар қилинади.

[1] https://t.me/cyber_102/8152.
[2] https://web.telegram.org/a/.
[3] https://m.vk.com/.
[4] https://www.youtube.com/?app=desktop&hl=ru.
[5] https://www.facebook.com/.
[6] https://www.instagram.com/.
[7] https://t.me/cyber_102/8153.
[8] https://t.me/cyber_102/8157.

II БОБ. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛУВЧИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЮРИДИК ТАВСИФИ

2.1-§. Асосий бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий таҳлили

Асосий бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятларга Ўз.Рес. ЖК.нинг XVII бобида акс этган монография 10 ва 14-иловаларида назарда тутилган жиноятларнинг кибермуҳитда, шу жумладан кибермаконда ахборот-коммуникация технологиялари ёки унинг воситалари орқали содир этилишига оид қилмишлар киради. Бу турдаги жиноятлар сони яна кенгайиши мумкин ва уларнинг асосий бевосита объекти нимага қаратилганлигига қараб уни яна давом эттириш мумкин. Ушбу жиноятларнинг барчаси **субъектив томондан** қасддан содир этилса, **субъекти** Ўз.Рес. ЖК.нинг 4 ва 17-моддасининг талабига асосан, **14 ёки 16 ёш**га тўлган ақли расо жисмоний шахслар саналади[1]. Ўз.Рес. ЖК.нинг 247-моддасида назарда тутилган «*ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш*» ва Ўз.Рес. ЖК.нинг 252-моддасида назарда тутилган «*радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш*» жиноятлари[2] ахборот-коммуникация технологиялари орқали кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланган ҳолда, одатдаги шароит билан аралаш вазиятда содир этилса ушбу қилмиш учун жавобгарлик ёши **14 ёшни** ташкил этади. Ўз.Рес. ЖК.нинг XVII бобида назарда тутилган Ўз.Рес. ЖК.нинг 242-244[1]-, 244[3]-244[6], 248-251[2], 253-258-моддаларида назарда тутилган қилмиш ахборот-коммуникация технологиялари орқали кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланган ҳолда, одатдаги шароит билан аралаш вазиятда содир этилса, мазкур ҳолатда жавобгарлик ёши Ўз.Рес. ЖК.нинг 4- ва 17-моддасининг талабига асосан, **16 ёш**ни ташкил этади. Ушбу кибержиноятларнинг юридик таҳлили 10- ва 14-иловада назарда тутилган бўлиб, объектив томондан мазкур қилмишлар турлича содир этилади ва ушбу қилмишларнинг тамомланиш вақти ҳам турлича саналади. Бу тоифадаги жиноятларнинг бевосита объекти ҳам турлича, бироқ уларни ягона қамраб олувчи объект жамоат ва хавфсизлиги, шу жумладан, киберхавфсизлик саналади.

Ўз.Рес. ЖК.нинг 244-моддасининг иккинчи қисми «*телекоммуникациялар тармоқларидан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда, оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш*», 244[1]-моддаси учинчи қисми «г»-банди «*телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид*

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш», 244[6]-моддаси «*телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёлғон ахборот тарқатиш*», 251[1]-моддаси биринчи қисми «*гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш»* ҳаракатларини жиноят[1] деб, бунинг учун жиноий жавобгарликни назарда тутган бўлса, **қолган моддалар ва уларнинг қисмларида зарурий белги сифатида ахборот-коммуникация технологиялари назарда тутилмаган**. Бироқ, ***мазкур қилмишлар телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан ташқари*** **бошқа ахборот-коммуникация технологиялари орқали ҳам содир этилиши мумкин**. Хусусан, Жиноят кодексининг 244[6]-моддасида назарда тутилган «телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида ёлғон **ахборот тарқатиш»**[2] қилмишини жабрланувчининг ахборот тизимига ноқонуний кириш йўли билан ҳам амалга ошириш мумкин. Ахборот тизими қонунчиликка кўра, телекоммуникация тармоғи саналмайди ва «ахборот тизими»[3] ва «телекоммуникация тармоғи»[4] ўзаро фарқ қилади. Ушбу жиноятларнинг зарурий белгилари монография 1-боби 1.1-§-параграфида назарда тутилган.

Бугунги кунда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи энг катта кибержиноятлар гуруҳи «**кибербуллинг**» ва «**даркнет**»га оид бўлиб, бу жиноятлар учун жавобгарлик Ўз.Рес. ЖК.нинг Махсус қисмидаги бўлим, боб ва моддалар асосий бевосита объектга нисбатан шакллантирилганлиги сабабли Жиноят кодексида тарқоқ шаклда мавжуд. Жиноят қонунчилгимиз объектга нисбатан жиноятлар учун жавобгарлик назарда тутилганлиги боис, ушбу параграфда кибербуллингга оид жиноятларнинг юридик таҳлилини, 2.3-§.-параграфда эса, даркнетга оид жиноятларнинг юридик таҳлилини ҳам кўриб ўтамиз.

Кибербуллинг ҳам кибержиноят бўлиб, ушбу тушунча илк бора 1997 йилда тадқиқотчи Билл Белси томонидан берилган бўлиб, у «безорилик» таърифига асосланиб, «кибербуллинг» тушунчасини ишлатган. Кибербуллингни у шахс ва (ёки) гуруҳнинг бошқа одамларни ҳақорат қилиш ва камситишга қаратилган онгли, тизимли, тажовузкор хатти-ҳаракатлари учун ахборот-коммуникация технологияларидан (электрон почта, смартфонлар, Internet, гаджетлар) фойдаланишидир, деб тушунтирган ва у биринчилардан бўлиб «*кибербуллингни*

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[3] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[4] Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

безориликдан асосий ўртасидаги фарқ сифатида кибербуллингда замонавий рақамли алоқа технологияларидан фойдаланиш орқали бу жиноят амалга оширилади», деб таъкидлаган[1].

Умуман олганда кибербуллинг ҳақида олимлар ва халқаро ташкилотлар турлича фикр беришган, хусусан, Е. Ефимованинг фикрича, «кибербуллинг интернет хизматлар орқали жабрланувчининг электрон манзилига ҳар хил таҳдидли, ҳақоратомуз ва бўҳтон хабарларни юбориш орқали қўрқитиш жиноятидир»[2]. Фикримизча, кибербуллингни фақатгина қўрқитиш деб баҳолаш нотўғридир, сабаби у наздимизда «*кибертаҳдид, киберзўравонлик, кибершафқатсизлик, кибертазйиқ, киберфирибгарлик, киберсуицид, кибербезорилик, шу жумладан, телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб, турли хил безорилик, ўзини ўзи ўлдиришга ундаш ёки бошқа усуллар»* билан ҳам содир этилиши мумкин. А. Черкасенко фикрича эса, «кибербуллинг замонавий электрон ресурслардан фойдаланган ҳолда мунтазам равишда содир бўладиган жабрланувчига қарши онгли, қасддан душманлик ҳаракатлари сифатида белгиланган виртуал террор, ўйин-кулги учун психологик босим, ҳазиллар ва бошқалар ва унинг оқибатида жабралувчининг ўз жонига қасд қилишига олиб келишдир»[3]. Фикримизча, бу фикрлар ҳам нотўлиқ сабаби кибербуллинг фақатгина шахсни ўзини ўзи ўлдиришга олиб келмайди, балки у кибертовламачилик, кибершонтажлик ва бошқа кўринишларда ҳам содир этилиши мумкин. Т. Волчецкая, М. Авакиан ва Е. Осипованинг фикрича, «кибербуллинг девиант хулқ-атворнинг янги шакли бўлиб, бу киберфазодаги тенгдошларидан бирининг маълум бир гуруҳ ёшлари томонидан тизимли ва мақсадли таъқиб қилинишидир»[4]. Ушбу фикрлар ҳам нотўлиқ бўлиб, кибербуллингнинг бугунги кунда **44** та тури аниқланган[5]лигини инобатга олсак, унинг яна ҳам кенг жиноят эканлигини билишимиз мумкин бўлади.

2024 йил январ ойидаги маълумотларга кўра, Ўзбекистон аҳолисининг 29,52 миллиони 35,4 миллиони интернетдан фаол фойдаланади. А. Боровикова фикрича, ҳозирда қонунчилигимизда расман белгиланган «безорилик» ва «кибербуллинг» атамаси мавжуд емас[6]. Бу фикрларга қисман қўшилган ҳолда, Ўз.Рес. ЖК.нинг 277-моддасида безориликка бағишланган алоҳида модда борлигини, бироқ у кибербуллинг билан ўзаро боғланмаганлигини таъкидлаб ўтиш жоиздир. 1946 йил 11 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси қарори билан болаларга, шу жумладан, Иккинчи жаҳон урушидан азият чекканларга ёрдам

---

[1] Бобровникова Н.С. Кибербуллинг: виды и особенности проявления // – Тула: Международный научно-исследовательский журнал. 2022. №11 (125).– С.1.

[2] Ефимова Е.С. Кибербуллинг как проблема психопедагогики виртуальных сред / Е.С. Ефимова // Успехи в химии и химической технологии. — 2014. — № 7. — С. 65–66.

[3] Черкасенко О.С. Феномен кибербуллинга в подростковом возрасте / О.С. Черкасенко // Личность, семья и общество: вопросы педагогики и психологии. – 2015. – № 6(52). – С. 91–94

[4] Волчецкая Т.С., Авакьян М.В., Осипова Е.В. Криминологическая характеристика и профилактика скулшутинга и кибербуллинга в России и зарубежных странах // Всероссийский криминологический журнал. 2021. №5. С. 578-591.

[5] Е. Дозорцева, Д. Кирюхина. Кибербуллинг и склонность к девиантному поведению у подростков // Прикладная юридическая психология. 2020. №1. – С.4.

[6] А. Боровикова. Кибербуллинг: цифровая тень современного мира. – Т.: “Правда Востока” газетаси. https://yuz.uz/ru/news/kiberbulling-tsifrovaya-ten-sovremennogo-mira.

бериш мақсадида ташкил этилган БМТнинг Халқаро болаларни ҳимоя қилиш жамғармаси – ЮНИСЕФ[1] фикрича, «кибербуллинг – бу рақамли технологиялар ёрдамида, жумладан, ижтимоий тармоқларда, хабар алмашиш платформаларида, ўйин платформаларида ва mobil телефонларда содир бўлиши мумкин бўлган, таъқиб қилинаётганларни қўрқитиш, ғазаблантириш ёки шарманда қилишга қаратилган такрорланадиган хатти-ҳаракатларга оид кибержиноятдир ва у ижтимоий тармоқларда кимнингдир шармандали фотосуратлари билан ёлғон маълумотлар ёки постларни тарқатиш, хабар алмашиш платформалари орқали зарарли хабарлар ёки таҳдидлар юбориш, кимнидир тақлид қилиш ва уларнинг номидан бошқаларга яширин хабарлар юбориш кўринишларида содир этилиши мумкин. Очиқ безорилик ва кибербуллинг кўпинча бир вақтнинг ўзида содир бўлиши мумкин. Аммо кибербуллингда жиноятчи рақамли изни қолдиради-бу фойдали бўлиши мумкин бўлган рекорд ва безориликни тўхтатишга ёрдам берадиган далилларни тақдим етади. Кибербуллинг жабрланувчига ҳамма жойда, ҳатто уйда ҳам ҳужум қилинаётгандек туюлиши мумкин. Ҳеч қандай қочиш йўқдек туюлиши ҳам мумкин. Бунинг оқибатлари узоқ давом етиши ва жабрланувчи(лар)га турли йўллар билан таъсир қилиши мумкин»[2]. Ҳақиқатан ҳам ЮНИСЕФ фикрларида жон бор, кибербуллингнинг бугунги кунда 44 та тури аниқланган ва технология ривожланиши туфайли янги воситалар ва қурилмалар яратилиши билан кибербуллингнинг қамрови кенгайиб боради.

А. Бабкина ва И. Брушлинский фикрига кўра, «кибербуллинг бу рақамли маконда безорилик харакатини содир этишдир ва уни кибермоббинг ва кибертравля билан аралаштириб юбормаслик зарур ҳамда кибербуллинг иккала тушунчанинг умумий қисми саналади, яъни кибербуллинг кенгроқ тушунчадир. **Кибермоббинг** – рақамли муҳитда электрон хабарлар, матнлар, шарҳлар (коментарий) орқали содир этиладиган киберҳужум саналса, **кибертравля** эса, Интернет маконидаги узоқ муддатли босим туфайли жабрланувчини таъқиб қилиш, миш-мишлар тарқатиш, қўрқитиш орқали унга зарар етказиш ҳисобланади, **кибербуллинг** бу аррессиядир.»[3]. Фикримизча, А. Бабкина ва И. Брушлинскийнинг фикрларида жон бор, сабаби кибермоббинг ва кибертравля кибербуллингнинг тури саналади.

Юқоридагиларга асосан айтиш керакки, фикримизча, «**кибербуллинг** – *шахс, жамият ва давлат манфаатларига қарши қаратилган, жамоат хавфсизлигига ахборот орқали турли усуллар билан таҳдид солувчи, безорилик, фирибгарлик ва бошқа ноқонуний ҳаракатларни ўзида намоён қилувчи кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланиб ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этиладиган, Жиноят кодекси билан тақиқланган, жазо қўллаш таҳдиди бўлган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)*» саналади.

[1] https://www.unicef.org/uzbekistan/uz/biz-haqimizda.

[2] https://www.unicef.org/uzbekistan/%D0%BE%D1%81%D1%82%D0%B0%D0%BD%D0%BE%D0%B2%D0%B8%D1%82%D1%8C-%D0%BD%D0%B0%D1%81%D0%B8%D0%BB%D0%B8%D0%B5-%D0%BA%D0%B8%D0%B1%D0%B5%D1%80%D0%B1%D1%83%D0%BB%D0%BB%D0%B8%D0%BD%D0%B3.

[3] https://hi-tech.mail.ru/review/60449-cyberbullying-2022/#anchor640828.

Бугунги кунда кибербуллингнинг сони ошиб бормоқда, тадқиқотларга кўра, дунёдаги 40 фоиз вояга етган аҳоли кибербуллингга учраган, 52% жабрланувчиларни одатда ҳеч қачон Интернет тармоғида ҳеч ким ҳимоя қилмаган, 65% жабрланувчилар жамоат қўллаб-қувватлашини маъносиз деб ҳисоблайди, 13% жабрланувчилар уларга нисбатан содир этиладиган кибербуллингдан қўрқишади, 20% жабрланувчилар ўзларини кучсиз деб ҳисоблашади ва киберҳужум қурбонини қўллаб-қувватлаш учун ҳеч нарса қила олмайдилар[1].

Айрим кибербуллинг жиноятларининг жиноий-ҳуқуқий жиҳатлари монографияга 8-илова қилинган ва улар ҳақида қисман тўхталиб ўтсак, **киберсекстинг** (sexting) миллий қонунчилигимизда бир сўз билан «*шахснинг шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилиш*», – деб номланади ва бунинг учун Ўз.Рес. ЖК.нинг 141[3]-моддасида алоҳида жавобгарлик белгиланган[2]. Бунга оид жиноят ишлари сони ҳам ортмоқда, масалан, жиноят иши материалларига кўра, *Қашқадарё вилоятида яшовчи (аёл) К.Г. мурожаат қилиб, ўзининг расмлари номаълум шахс томонидан телеграм мессенжерида тарқатиб юборганлигини маълум қилган. Тезкор-қидирув хизмати Киберхавфсизлик бўлинмалари ходимлари томонидан ўтказилган тезкор-қидирув тадбирлари натижасида, мазкур жиноятни Навоий вилоятида яшовчи А.З. содир этганлиги аниқланган. Гумонланувчи сифатида тергов органларига жалб этилган А.З., телеграм мессенжерида жабрланувчи (аёл) К.Г.нинг профилидан у жойлаштирган фотосуратларини юклаб олган ва уларга махсус дастурлардан фойдаланиб ишлов бергандан сўнг телеграм мессенжери ва одноклассники ижтимоий тармоғида унинг номидан сохта профиллар яратиб, интернет фойдаланувчиларига интим хизмат кўрсатишини айтган ҳолда алдов йўли билан банк карталаридаги пулларини ўзлаштириб, қинғир йўллар билан бойлик орттириб келаётганлиги маълум бўлган ва мазкур ҳолат юзасидан А.З.га нисбатан ЖКнинг 141[3]-моддаси биринчи қисми билан жиноят иши қўзғатилган*[3].

Бироқ, миллий жиноят қонунчилигимизда бу жиноят учун жавобгарликни белгилаётганида битта ҳолат инобатга олинмаган, яъни **киберсекстингда фақатгина жабрланувчи**нинг «*шаънини ва қадр-қимматини камситувчи ҳамда инсон ҳаётининг сир тутиладиган томонларини акс эттирувчи маълумотларни ошкор қилган учинчи шахс эмас, балки ушбу маълумотларнинг эгаси ҳам ўзини кўрсатиб қўйиш, бошқаларнинг эътиборини қаратиш учун қилган ҳаракатлари туфайли жабрланувчи сифатида акс этган шахснинг ўзи ҳам айбдор бўлиши мумкин*». *Мисол учун*, бугунги кунда **Bigo live, TikTok, Telegram, Instagram** ва бошқа ижтимоий тармоқлардаги гуруҳ ва каналларда ҳамда улардаги видеочатларда очиқдан очиқ ўзини реклама қилиб ўзга шахсларнинг жинсий

[1] https://trends.rbc.ru/trends/innovation/5faab6719a7947858256b569?from=copy.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
[3] https://t.me/cyber_102/5896.

эҳтиёжларини пул эвазига қондириш учун қилинаётган харакатлар жуда кўп, хатто бу ҳаракатлар **Bigo live, TikTokда очиқдан очиқ амалга оширилаётган бўлса-да, бунга ҳуқуқни муҳофаза қилувчи ва назорат қилувчи органлар етарлич аэътибор қаратишмаётган ҳоллар жуда кўп.**

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, одатда кун давомида Ўзбекистон фуқаролари бўлган фойдаланувчиларнинг 20 фоиз қисми айнан жинсий қарамлик ва тобелик туфайли азият чекадилар, **улардан 90 фоиз қисми эса, унинг харакатлари тиббий ва физиологик нуқтаи назардан нотўғри эканлигини англашмайди**[1].

Кибербуллингнинг кейинги тури бўлган **киберҳеппислепинг** давлат органлари ва ташкилотларининг турли хил давра суҳбатлари, конференциялар, семинарлар, йиғилишлар ва бошқа тадбирлардаги нуқтлари ёки улар томонидан амалга оширилаётган ишларни назарда тутувчи ҳужжатлардан иқтибос келтирилган ҳолда, ҳақиқий ва том маънодаги нутқ мазмуни ёки ахборот моҳиятини англамаган ҳолда, фойдаланувчилар томонидан давлат органлари ва ташкилотлари ва уларнинг ходимларининг фаолиятини нотўғри ва асоссиз танқид остига олинади. Бундан ташқари, тажовузкор жабрланувчини калтаклаган ёки уни масхара қилган видеоларни суратга олиб, ўзбошимчалик билан суд қилганлигини жабрланувчининг розилигисиз видеога олиб телекоммуникация ёки Интернет тармоғига жойлаштириш орқали жабрланувчига нисбатан фойдаланувчилар муносабат билдириш учун ноқонуний харакат қилади[2]. Масалан, жиноят ишлари материалларига кўра, *«Telegram» мессенжеридаги «Man baxtlimaaannn» номли профилда, шунингдек, «Инстаграм» ижтимоий тармоғидаги «allohim_0101» аккаунти орқали (аёл) Р.Д.ни турли сўзлар билан ҳақоратлаб, камситган ва ушбу аккаунтда унинг фотосуратларини ҳақоратли ёзувлар билан жойлаштирган. Мазкур ҳолат юзасидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси 2-қисми билан жиноят иши қўзғатилиб, (аёл) Х.Ф.нинг содир этилиб фош этилмай қолган бошқа шу турдаги жиноятларга алоқадорлиги юзасидан тезкор-суриштирув ишлари олиб борилган*[3].

Киберфрейпинг (cyberfraping) – бу бошқа одамнинг онлайн аккаунтига унинг рухсатисиз кириб, унинг номидан ёлғон маълумотлар жойлаштириш, билдиришлар ёзиш, расмлар қўйиш, унинг паспорт маълумотларидан ноқонуний фойдаланиш ёки обрўсига путур етказувчи ҳаракатлар қилиш демакдир. Жиноят иши материалларига кўра, *«Телеграм» мессенжеридаги «uzimei group» номли гуруҳда Ўзбекистон ҳудудига ноқонуний олиб кирилган мобил қурилмаларни қонунга зид равишда «UZIMEI» базасидан рўйхатдан ўтказиб келинаётганлиги аниқланиб, ҳолат юзасидан ИИВ Киберхавфсизлик маркази томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар натижасида, 2000 й.т. Х.Х. қўлга олинган ва у «Телеграм»да «uzimei group» номли гуруҳ очиб, унда 2001 й.т. Э.А. ва 1999 й.т.*

[1] Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекциясининг мониторинги давомида аниқланган маълумотлар.
[2] http://popkovapsiholog.myskimou7.edusite.ru/p98aa1.html.
[3] https://t.me/kiberjinoyatuz/36.

Т.А. томонидан «UZIMEI»дан рўйхатдан ўтмаган телефонларнинг IMEI рақамларини, гуруҳ аъзолари 1999 й.т. Э.Д. ва 2000 й.т. М.Д.лардан чет элга чиқиб келган фуқароларнинг паспорт нусхаларини тўплаб, улардан фойдаланган ҳолда, мамлакатимизга, ноқонуний равишда олиб кирилган мобил қурилмаларни «UZIMEI» базасидан рўйхатдан ўтказиб келаётганлиги фош этилган ва ҳолат бўйича ушбу жиноий гуруҳнинг барча аъзолари қўлга олиниб, уларга нисбатан ИИВ ТД томонидан Ўз.Рес. ЖК.нинг 141[2]-моддасига асосан, жиноят иши қўзғатилган[1].

Кибersталкинг шахсий ҳаёт дахлсизлигини телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб бузиш жинояти бўлиб, бунинг учун Ўз.Рес. ЖК.нинг 141[1]-моддасида қисман жиноий жавобгарлик белгиланган, бироқ мазкур моддада ушбу қилмишни тармоқ орқали содир этиш оғирлаштирувчи ҳолат эканлиги назарда тутувчи алоҳида қисм ёки боб мавжуд эмас, шу сабабли бунинг учун алоҳида жиноий жавобгарликни белгилаш мақсадида Ўз.Рес. ЖК.нинг 141[1]-моддасининг иккинчи қисмини монография 21-иловасига мувофиқ таҳрирдаги банд билан тўлдириш таклиф қилинади. Ушбу таклифнинг қабул қилиниши ўзининг тезкорлиги ва оқибатлари бўйича кенг кўламдорлиги билан ажралиб турувчи шахсий ҳаёт дахлсизлигини телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб бузиш учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади.

Кибердиссинг тармоқда туҳмат қилмишини амалга оширишни назарда тутувчи жиноят саналади ва Ўз.Рес. ЖК.нинг 139-моддасининг иккинчи қисмида бунинг учун жиноий жавобгарлик белгиланган[2]. Gazeta.uz сайтининг маълумотига кўра, «*Мактабгача ва мактаб таълими вазири Ҳилола Умарованинг ўринбосари Фарҳод Боқиев собиқ депутат ва блогер Кобул Дусовнинг ҳақоратомуз постлари устидан судга ариза берган ва биринчи инстанция суди Суд блогерни Ўз.Рес. ЖК.нинг 140-моддаси 3-қисми «а» бандида «Жабрланувчини ўз хизмат ёки фуқаролик бурчини бажариши муносабати билан боғлиқ ҳолда ҳақорат қилиш» назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топди, унга 1 йил муддатга озодликни чеклаш жазоси тайинланган»*[3].

Кибераутинг ўз севгисига ета олмаган шахслар ёки моддий, маънавий мақсадларига эриша олмаган субъектларнинг жабрланувчига оид фото ва видеоматериалларни[4] Интернет ёки телекоммуникация тармоғидан фойдаланиб, ўзга шахсларга бошқа мазмунда узатишга қаратилган бугунги кунда кўпайиб бораётган жиноятдир. Бунинг учун умумий қилиб, шахсга доир маълумотларга оид қонунчиликни бузишни назарда тутувчи Ўз.Рес. ЖК.нинг 141[2]-моддасида алоҳида жавобгарлик назарда тутилган.

Киберфлейминг (cyberflaming) – телекоммуникация тармоғи, шу жумладан, интернет, ижтимоий тармоқ, форум, мессенжер, канал, гуруҳ ёки

[1] https://t.me/cyber_102/198.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
[3] https://www.gazeta.uz/uz/2024/11/22/dusov-boqiyev-sudi/.
[4] https://externat.foxford.ru/polezno-znat/kiberbulling-detej-i-podrostkov.

чатда жабрланувчини ҳақорат қилиш, у билан урушиш ёки қасддан провокация қилиш мақсадида агрессив, ғазабли, ҳақоратли ёзувлар ёзишга оид қилмиш саналади. Айнан ушбу қилмиш туфайли бугунги кунда TokTok, Bigo live ва бошқа ижтимоий тармоқларда нафақат ёшларнинг, балки бошқа шахсларнинг ҳам онги ва шуури заҳарлаётган, уларга психологик босим қилатёган «**гангстер**» деб ном олган субъектлар тоифаси вужудга келмоқда. Кибербуллингнинг бугунги кунда ёрқин мисоли квадробикалар билан боғлиқ салбий ҳолат бўлиб, монографиянинг 25-иловасида бу ҳақида қисқача маълумот берилган.

Кибербуллинг жиноятлари телекоммуникация ёки Интернет тармоғи ёҳуд ахборот тизими ёинки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб, кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда жамоат жавфсизлигига, шахс ёки (ва) шахсларнинг ҳаёти ва соғлиғига, оиласига, яқинларига, конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларига, шаъни ва қадр-қимматига, Ўзбекистон Республикасига, ўзгалар мулкига, хўжалик фаолияти соҳасига ҳамда ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид муҳофаза қилинадиган **ижтимоий муносабатларга таҳдид тарзида амалга оширилади.** Бу таҳдид эса, турлича кўринишларда бўлиши мумкин, мисол учун, Ўз.Рес. ЖК.нинг **103-моддаси**даги назарда тутилган кибербуллинг объектив томондан «*шахсни қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш даражасига етказиш*»[1] орқали содир этилади. Ўз.Рес. ЖК.нинг **103[1]-моддасида** назарда тутилган кибербуллинг объектив томондан «*ўзини ўзи ўлдиришга ундаш, яъни кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш*»[2] орқали содир этилади ва бунда ушбу жиноят тўлиқ тамомланиши учун шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган бўлиши керак. Ўз.Рес. ЖК.нинг **110-моддасида** назарда тутилган кибербуллинг объектив томондан «*муттасил равишда руҳий тазйиқ ёки психологик босим орқали қийнаш*»[3] йўли билан содир этилади. Бироқ, миллий жиноят қонунчилигимизда унинг кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда содир этилиши мумкинлиги тўғридан-тўғри кўрсатилмаган бўлса ҳам бу қилмиш телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб содир эттилиши ҳамда бу бориб бориб ЖКнинг 103-моддаси ёки 103[1]-моддасида назарда тутилган қилмишни вужудга келтириши мумкинлигини унутмаслик керак. Ўз.Рес. ЖК.нинг **112-моддасида** назарда тутилган кибербуллинг «*ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш*»[4] йўли билан содир этилади ҳамда бу жиноятнинг зарурий белгиси бу ҳаракат амалга оширилишидан хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлишидир ва бу

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
[4] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

юқоридаги ЖКнинг 103-, 103[1], 110-моддаларида назарда тутилган қилмишнинг енгилроқ шакли ҳисобланади ва ҳам телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилиши мумкин. Ўз.Рес. ЖК.нинг 115[1]-моддасида назарда тутилган жиноят объектив томондан «*инсонни ундан аъзоларини ва (ёки) тўқималарини трансплантация учун олишга розилик беришга руҳий томондан ёки психологик босим остида кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда мажбурлаш, зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш ёки ўша ҳаракатлар ожиз аҳволда эканлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан ёхуд шахсий, оилавий сирлари, махфий маълумотлари бўйича психологик жиҳатдан айбдорга қарам бўлган шахсга нисбатан содир этилади*»[1]. Кибербуллинг амалга оширилаётганида гувоҳларни Ўз.Рес. ЖК.нинг 117-моддаси билан жиноий жавобгарликка тортиб бўлмайди, сабаби бу жиноят бўлиши учун жабрланувчи ўртача оғир ёки оғир шикаст кўрган бўлиши керак ва ушбу шикаст эса, психологик эмас, балки жисмоний амалга оширилади.

Ўз.Рес. ЖК.нинг 119-моддасида назарда тутилган жиноят объектив томондан «*зўрлик ишлатиб, қўрқитиб ёки жабрланувчининг ожизлигидан фойдаланиб, жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш*»[2] жиноятини киберзўравоннинг жабрланувчини руҳий томондан психологик босим ўтказиш ёки руҳий зўравонлик қилишга қаратилган харакатлар билан аралаштириб юбормаслик керак, сабаби Жиноят кодексининг 119-моддасида назарда тутилган қилмиш амалга оширилиши учун жуфтликлар ўзаро жинсий алоқа қилишга қасд қилган бўлиши ёки жуфтликлардан бири шундай харакатни хоҳлаб иккинчи томонни жисмонан мажбур қилиши керак, агарда у кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда психологик босим ёки руҳий зўравонлик билан амалга оширилаётган бўлса, бу тоифадаги жиноятларни Ўз.Рес. ЖК.нинг 110-, 112-, 121-, 129- ёки 141[3]-моддаси билан квалификация қилиш зарур. Ўз.Рес. ЖК.нинг 121-моддасида назарда тутилган жиноят объектив томондан «*шахсий, оилавий сирлари ёки бошқа махфий маълумотлари айбдорга маълум бўлиб, бу маълумотларни ошкор қилиш*»[3] жиҳатидан қарам бўлган шахсни жинсий алоқа қилишга ёки жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда, виртуал ҳолатда қондиришга руҳан ёки психологик босим остида ёхуд шонтажлик орқали мажбур этиш йўли билан содир этилади, шу билан бирга, бу тоифадаги жиноятлар оғир оқибатларга олиб келиши ҳам мумкин ҳамда ўша ҳаракат жинсий эҳтиёжни ғайритабиий усулда қондириш билан боғлиқ ҳолда содир этилган бўлса, мазкур модданинг учинчи қисми билан квалификация қилинади. Бироқ, жиноят қонунчилигимизда бу тоифадаги жиноятни телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда содир этилиши жиноятни квалификация қилишда ҳозирча жиноятнинг зарурий белгиси сифатида белгилаб қўйилмаган. Лекин бу дегани бу тоифадаги

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

жиноятлар жамиятда бўлмаяпти дегани эмас. *Мисол учун*, ижтимоий тармоқларда бугунги кунда турли хил гуруҳлар томонидан *аёллар томонидан руҳий босим ёки психологик зўравонлик ўтказиш ёҳуд жинсий тобеликка олиб келиш мақсадида турли хил фохишалик ҳолатлари учрайди ва улар ўзларининг таъналарини бугунги кунда кўпроқ жисман эмас, балки виртуал жиҳатдан сотишга мойиллиги ошиб бормоқда ва эркаклар ҳам бу қилмиш амалга оширилишига ўзлари билиб-билмай йўл қўйиб беришмоқда, оқибатда тобелик ёки қарамлик ортидан ёҳуд ўзини кўрсатиб қўйиш ёинки ўзининг устидан кулмасликлари ва масхара қилмасликлари учун жабрланувчилар ўзлари билмаган ҳолда, жинсий зўравонликка ёки мойилликка тобе бўлишмоқда*. Ҳозирги кунда республикамизда виртуал маконда содир этилаётган бу тоифадаги жиноятларнинг **99 фоиз** қисми аёллар томонидан ўзларининг фоҳишалигини амалга ошириш орқали содир этилмоқда.

Ўз.Рес. ЖК.нинг 125-моддасида назарда тутилган «*фарзандликка олиш сирини ошкор қилиш*»[1] жинояти объектив томондан кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда ўч олиш, нафрат, шонтажлик ўхшамаган ҳолатларда, касбий ёки хизмат мавқеига кўра, фарзандликка олиш сирини қонунчилик билан сақлаши шарт бўлган ёки ғаразгўйлик ёки бошқа паст ниятларда содир этилади. Бу тоифадаги жиноятлар учун ҳам миллий жиноят қонунчилигимизда кибермухит, шу жумладан, кибермакон, интернет ёки телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ҳолатлари зарурий белги ҳисобланиши назарда тутилмаган бўлса ҳам, бу тоифадаги жиноятларни квалификация қилишда унинг оғир оқибатларга олиб келиши деганда унинг кибермухит, шу жумладан, кибермакон орқали кенг аудиторияга тарқатилиши ҳолати ҳам кириши мумкинлигини унутмаслик зарур. Ўз.Рес. ЖК.нинг 127[1]-моддасида назарда тутилган жиноят объектив томондан «*вояга етмаган шахсларни, кекса ёшдаги шахсларни, руҳий ҳолати бузилган, ногиронлиги бўлган шахсларни ва бошқа шахсларни тиланчилик қилишга жалб этиш, шунингдек шахсларга алкоголли ичимликларни ёҳуд гиёҳвандлик моддалари ёки психотроп моддалар бўлмаган, лекин шахснинг ақл-идрокига таъсир кўрсатувчи моддаларни мажбуран истеъмол қилдирган ҳолда уларни тиланчилик қилишга жалб этиш*»[2] ҳолати деярли барча ҳолатда кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда содир этилса, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб ёки бошқа шахсни гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни истеъмол қилишга руҳан мажбурлаган ҳолда содир этилади. Ўз.Рес. ЖК.нинг 129-моддасида назарда тутилган жиноят объектив томондан «*ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этиш*»[3], кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда телекоммуникация ёки Интернет тармоғи орқали киберзўрлик ишлатмай ёки киберзўрлик ишлатиб ёҳуд қўрқитиб содир этилиши мумкин. Бу тоифадаги

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

жиноятлар одатда ижтимоий тармоқларда ҳар хил ўйинлар ўйнаш, ўзаро виртуал мулоқот қилиш жараёнида амалга ошади, шу сабабли тармоқдан фойдаланишда албатта иккинчи томоннинг ўн олти ёшга тўлган ёки тўлмаганлиги жиноятни квалификация қилишда муҳим аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик керак. Миллий жиноят қонунчилигимизда мазкур жиноятни квалификация қилишда унинг кибермуҳитда содир этилганлиги аҳамиятга эга эканлигини билдирувчи алоҳида қоида бўлмаса ҳам бу тоифадаги жиноятларни суриштириш ва тергов қилишда албатта гумонланувчи, айбланувчи вва судланувчининг жабрланувчига бўлган кибертаъсирини аниқлаш талаб этилади.

Ўз.Рес. ЖК.нинг 130-моддасида назарда тутилган жиноятни объектив томондан квалификация қилишда қуйидаги зарурий белгиларга аҳамият қаратмоқ даркор, хусусан, ушбу модданинг биринчи қисмига асосан «*жиноят порнографик маҳсулотни оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш»*[1] жиноятининг дастлабки зарурий белгиси шундай ҳаракатлар учун шахс бир йил ичида маъмурий жазо қўлланилганидан кейин ушбу жиноятни содир этиши даркор. Иккинчи зарурий белги мазкур қилмиш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёинки бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, шахснинг маъмурий жавобгарликка тортилиши ҳолати аҳамиятга эга эмас ва шундай ҳолат бўлса, жиноят Жиноят кодексининг 130-моддасининг иккинчи қисми билан квалификация қилинмоғи даркор. Учинчи зарурий белги, жиноятнинг вояга етмаган шахс тавсифланган ёки тасвирланган порнографик маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, худди шунингдек уни тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёхуд вояга етмаган шахсни порнографик хусусиятга эга ҳаракатларнинг ижрочиси сифатида оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жалб этиш ҳолатини квалификация қилишда ушбу харакат оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали амалга оширилганлиги муҳим белги саналмайди ва у квалификацияга таъсир этмайди. Таъкидлаб ўтиш керакки, Ўз.Рес. ЖК.да порнографик маҳсулотларни кўрганлик учун жавобгарлик белгиланмаган, бироқ БААда уни кўрганлик учун ҳам жавобгарлик белгиланиши билан биргаликда, техник томондан барча порнографик маҳсулотларни техник томондан чеклаш (блокировка) қилишда энг юқори натижага эришган. Барча сайтлар блокланган[2]. Хатто, VPN дан фойдаланиш тақиқланган, рақамли макон зарарли хуружлардан тозаланган[3]. Маълумки, Ўз.Рес. ЖК.нинг 130[1]-моддасида назарда тутилган жиноят объектив томондан «*тазйиқни, зўравонликни ёки шафқатсизликни тарғиб қилувчи маҳсулотни оммавий ахборот воситаларида,*

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
[2] Просмотр порнографических сайтов в ОАЭ карается тюремным заключением.
[3] Статья 34 Федерального указа-закона № 34 от 2021 года о борьбе с киберпреступностью - Хоссам Закария.

телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида реклама қилиш, намойиш этиш, тарқатиш»[1] йўли билан содир этилади ва унинг иккита зарурий белгиси бор, биринчиси бу тоифадаги қилмиш такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёҳуд бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, қилмиш Ўз.Рес. ЖК.нинг 130[1]-моддасининг иккинчи қисми билан квалификация қилинади, қолган ҳолатларда шундай ҳаракатлар учун айбдор маъмурий жазо қўлланилганидан кейин мазкур қилмишини содир этган бўлиши керак, ана ўшандагина Жиноят кодексининг 130[1]-моддасининг биринчи қисмида назарда тутилган жиноят сифатида ушбу қилмиш квалификация қилинади. Ўз.Рес. ЖК.нинг 131-моддасида назарда тутилган қилмиш объектив томондан «*ғаразли ёки бошқа паст ниятларда қўшмачилик қилиш»*[2] харакати виртуалмаконда содир этилиши икки томонлама буллинг бўлиши мумкин, яъни биринчи жабрланувчи фохишага мойиллиги бўлаётган шахс бўлса, иккинчиси фоҳишадир. Бироқ, бу тоифадаги жиноятни Ўз.Рес. ЖК.нинг 130-моддасида назарда тутилган қилмиш билан аралаштириб юбормаслик керак, сабаби порнографик маҳсулот Ўз.Рес. ЖК.да порнографик асар, шунингдек бадиий қимматга эга бўлмаган ва илмий, тиббий ёки ўқув мақсадлари учун мўлжалланмаган, одам жинсий аъзоларининг ёки одам томонидан ҳақиқатда содир этилаётган ёки шунга ўхшатилган ёхуд компьютер технологиялари ёрдамида яратилган жинсий алоқанинг тавсифини ёки фото-, видео тасвирини ёки бошқа тасвирини ўз ичига олган материаллар ва нарсалар, деб тавсифланган бўлса, Ўз.Рес. ЖК.нинг 131-моддасида назарда тутилган предмет нарса эмас, балки шахсдир.

Веб-сайт ёки ижтимоий тармоқлардаги каналлар, гуруҳлар орқали ёинки ижтимоий тармоқларнинг ўзи орқали фоҳишахона ташкил этиш ёки сақлаш харакати бугунги кунда кўпайиб кетган, мисол учун, Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш чекланган TikTok платформасида ёки Bigo Live платформасида содир бўлаётган мазкур харакатлар бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас ёки Telegram мессенжерида алоҳида канал ва гуруҳларнинг мавжудлиги, хатто ушбу канал ва гуруҳларда алоҳида виртуал чатлар орқали фоҳишаликнинг кенг реклама қилиш ҳолатлари мавжуд.

Telegramнинг серверлари жисман Ўзбекистон Республикасида жойлашмаганлиги эса, бу каби қилмишларнинг оммабоп ҳолатга тушиб бораётганлигини кўрсатади. Хатто, «*тунги чат*», «*тунги капалак*», «*танишув*»ларга оид чатларнинг мавжудлиги сабабли платформа орқали содир этилаётган харакатлар сони кўпайиб бормоқда. Шу сабабли бу жиноятларнинг олдини олиш учун «*сирли мижоз*» тадбирларини кенг амалга ошириш, реклама қилинаётган карталар орқали ҳам маъмурий ҳуқуқбузарлик, ҳам жиноятни содир этаётган шахсларни аниқлаш ва уларни жавобгарликка тортиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ, миллий жиноят қонунчилигимизда мазкур жиноятнинг

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда содир этилиши мумкинлиги тўғридан-тўғри кўрсатилмаган. Шундай бўлса-да, бу қилмиш қасд ва жиноятни содир этишда ушбу жиноятнинг телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб содир эттилиши мумкинлигини унутмаслик керак. Ўз.Рес. ЖК.нинг 136-моддасида назарда тутилган жиноят объектив томондан аёлни эрга тегишга ёки никоҳда яшашни давом эттиришга мажбур қилиш ёхуд аёлнинг эркига хилоф равишда у билан никоҳда бўлиш учун аёлнинг эрга тегишига тўсқинлик қилиш орқали кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда бир шахснинг ёки бир гуруҳ шахснинг битта шахсга нисбатан содир этилади. Тўсқинлик қилиш тўлиқ кибермаконда ёки қисман одатдаги шароитда ва қисман кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда содир этиш йўли билан амалга оширилиши мумкин. Жабрланувчи жиноятчидан қутила олмайди ва ҳар доим таҳликада юради. Ўз.Рес. ЖК.нинг 139-моддасида назарда тутилган жиноят объектив томондан телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали туҳмат қилиш йўли билан содир этилади, Ўз.Рес. ЖК.нинг 140-моддасида назарда тутилган ҳақорат қилиш жинояти ҳам шундай усулда содир этилади. Бироқ амалиётда жиноятни квалификация қилишда шахснинг маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ҳолатини зарурий белги сифатида нотўғри квалификация қилаётган ҳолатлар жуда кўпдир. Қонун чиқарувчи бекорга алоҳида қисмда зарурий белги сифатида кибертуҳмат ва киберҳақоратни кўрсатмаган, яъни бу қилмишлар амалга оширилаётганида шахс оммавий тартибда ўзининг шаъни ва қадр-қимматини йўқотади, ҳуқуқлари ва манфаатлари бузилади, поймол этилади. Бироқ, амалиётда судлар бу тоифадаги қилмишларни квалификация қилишда айбдор ижтимоий тармоқ орқали тегишли ахборотни матн, видео, аудио ва ўзгача усулда жойлаштириш йўли билан бошқа шахс ёки шахслар гуруҳини ҳақоратласа ҳам, туҳмат қилса ҳам бир томонлама ҳаракат қилиб, инсонпарварлик принципи асосида қонунийлик принципини бузаётган ҳолатлар жуда кўпдир. *Мисол учун,* «*2024-йилда вилоятликларни Instagram мессенжери орқали ҳақорат қилган қиз жиноят ишлари бўйича Миробод туман судининг қарори билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41-моддасига асосан, жарима жазосига тортилди*[1]*, бошқа биттасига нисбатан эса, жиноят ишлари бўйича Яккасарой туман суди томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддаси тартибида 15 суткага қамоқ жазоси қўлланилди*»[2]. Мазкур вазиятда суд қуйидагиларни инобатга олиши зарур эди, фикримизча, хусусан:

Маълумки, қонунчиликка асосан, «***мессенжер*** *–* ***фойдаланувчиларнинг онлайн режимда Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали*** *матн, аудио, аудиовизуал ва бошқа* ***хабарлар*** *ва материаллар, бошқа маълумотлар орқали дарҳол алмашиш,* ***тарқатиш ва узатиш, шунингдек улар ўртасидаги масофадан мулоқот учун мўлжалланган дастур, мобил илова ёки веб-хизмат*** *бўлса,* ***веб-сайт ва (ёки) мессенжернинг саҳифаси*** *– веб-сайт ва (ёки)* ***мессенжернинг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги бир қисми*** *(гуруҳлар,*

[1] https://qalampir.uz/news/viloyatliklarni-%D2%B3ak-orat-k-ilgan-k-iz-zhavobgarlikka-tortildi-video-103998.
[2] https://qalampir.uz/news/viloyatliklarni-%D2%B3ak-orat-k-ilgan-k-iz-15-sutkaga-k-amaldi-102355.

каналлар ва бошқалар), унга кириш домен номи ва белгиларидан ташкил топган кўрсаткич бўйича, шунингдек номи орқали амалга оширилади.»[1]. Мисол учун, Instagram – Kevin Systrom ва Mike Krieger томонидан яратилган ҳамда расм ва видеоларни тарқатиш учун мўлжалланган ижтимоий тармоқдир ҳамда у App Store ва Play Market орқали Интернетдан фойдаланган ҳолда бепул тарқатилади[2]. «***Интернет тармоғи*** *– ягона адрес ва номлар маконидан фойдаланиладиган, шлюзлар ёрдамида бирлаштирилган, ягона TCP/IP протоколига мувофиқ ишлайдиган кўплаб тармоқлардан иборат глобал халқаро тармоқ,* ***телекоммуникациялар тармоғи*** *эса, овоз, маълумот, расм, видео ва бошқа шаклдаги сигналларни узатиш ва қабул қилишни таъминловчи телекоммуникация воситаларининг мажмуидир*»[3].

Демак, мазкур вазиятда иккита қилмиш ҳам Интернет тармоғи орқали амалга оширилганлигини ҳамда Ўз.Рес. ЖК.нинг 139- ёки 140-моддасининг иккинчи қисмига асосан, қилмиш квалификация қилиниши керак эди. Зеро, қонунчилик билан фойдаланувчи «*телекомммуникация тармоғи орқали этник адоват қўзғатувчи ахборотни ва тарқатилиши қонунчилик ҳужжатлари билан тақиқланган бошқа ахборотни тарқатмаслик ҳамда телекоммуникация тармоғи ёрдамида фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатмаслик»*[4] мажбуриятини бузган.

Бироқ амалиётда судлар ва ички ишлар органлари бундай ҳужжат борлигини билишмаслиги ачинарли ҳолатдир.

Бундан ташқари, иккала ҳолатда ҳам қизлар ўзларининг қилмишларини айнан бир шахсга нисбатан қаратилганлигини таъкидлашган, демак мазкур вазиятда суд қилмишнинг мотив ва мақсадига аҳамият бериши зарур бўлган ҳамда иккала ҳолатда ҳам ушбу қилмишни Ўз.Рес. ЖК.нинг 140-моддасининг иккинчи қисмига асосан, квалиффикация қилиш мақсадга мувофиқ эди, фикримизча. Агарда уларнинг ҳаракатлари жамоатчиликка нисбатан бўлса, у ҳолда суриштирув ёки тергов йўли билан унинг ҳаракатларида Жиноят кодексининг 277-моддасида назарда тутилган ҳолатлар бор ёки йўқлигига аҳамият бериши керак эди. Иккинчи вазиятдаги қилмишни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 183-моддасида назарда тутилган қилмиш билан квалификация қилиниши ҳам хатодир, сабаби унинг қасди Ўзбекистон

[1] Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори билан тасдиқланган Веб-сайт, веб-сайт ва (ёки) мессенжер саҳифаси эгаси, шунингдек блогерга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотни олиб ташлаш тўғрисида хабарнома юбориш тартиби // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] https://uz.wikipedia.org/wiki/Instagram#:~:text=Instagram%20%E2%80%93%20Kevin%20Systrom%20va%20Mike, orqali%20ularni%20yuklash%20imkonini%20beradi..

[3] Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2020 йил 30 июндаги 208-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3275, 2020 йил 30 июнь) билан тасдиқланган Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[4] Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2020 йил 30 июндаги 208-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3275, 2020 йил 30 июнь) билан тасдиқланган Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2020 йил 30 июндаги 208-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3275, 2020 йил 30 июнь) билан тасдиқланган Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидаларига асосан абонент ёки фойдаланувчи 319-моддасида назарда тутилган мажбуриятларини бузишга қаратилгандир.

Мана шу ўринда Ўз.Рес. ЖК.нинг 158-моддаси, яъни объектив томондан Ўзбекистон Республикаси Президентини омма олдида ҳақоратлаш ёки унга туҳмат қилиш, шунингдек, матбуот ёки бошқа оммавий ахборот воситаларидан, телекоммуникация тармоқларидан ёки Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда уни ҳақоратлаш ёки унга туҳмат қилиш орқали содир этганида бу шахсни Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 41 ёки 183-моддалари тартибида жавобгарликка тортиш нотўғри эканлигини унутмаслик керак. Ўзбекистон Республикаси Президентига қаратиладими ёки фуқароларига қаратиладими энг муҳими жиноятнинг тармоқ орқали турли кўринишларда ахборотни жойлаштириш ҳаракати орқали содир этилиши оғирлаштирувчи ҳолат сифатида зарурий белги эканлигини унутмасдан ҳақорат ёки туҳмат тармоқ орқали содир этилса, уни жиноят деб баҳолаш керак. Сабаби бу ҳолатда қилмиш кенг омма, яъни кенг аудиторияда содир этилади ҳамда айбсиз шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари қўпол равишда ҳуқуқбузар томонидан бузилади, инсонпарварлик принципининг қўлланилиши туфайли тармоқда қонунийлик ва адолат принципининг бузилиши оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлигини унутмаслик даркор.

Ўз.Рес. ЖК.нинг 141-моддасида назарда тутилган жиноят объектив томондан «*жинси, ирқи, миллати, тили, дини, эътиқоди, ижтимоий келиб чиқиши, ижтимоий мавқеидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқларини кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда бевосита ёки билвосита бузиш ёки чеклаш ёхуд фуқароларга бевосита ёки билвосита афзалликлар бериш*»[1] руҳий зўрлик ишлатиш ёки зўрлик ишлатмаслик йўли билан содир этилади. Бу қилмишларни квалификация қилишда аккаунт эгаси ўзининг обуначиларини кўпайтириш учун қилган харакатига жавобан унга нисбатан уюштирилган кибербуллинг зўрлик ишлатиш йўли билан ёки унинг номидан сохта аккаунт очиб, унинг номидан фойдаланиб ноқонуний харакатларни аккаунт эгасига зўрлик ишлатмаган ҳолда, содир этилиши мумкин. Бироқ, умумий қасдни белгилашда жиноятчининг фақат фойдаланувчига нисбатан қасди бўлишини инобатга олмаслик керак, балки унинг қасди фойдаланувчидан ташқари бир вақтда ёки умумий қасд аккаунт эгасига нисбатан ҳам қаратилган бўлиши мумкинлигини унутмаслик керак. Агарда харакатлар зўрлик ишлатиш орқали содир этилган бўлса, бу киберзўрлик ҳолати оғирлаштирувчи ҳолат сифатида жиноятни квалификация қилишда зарурий белги саналади. Бироқ, бу тоифадаги жиноятларни квалификация қилишда миллий жиноят қонунчилигимизда жиноятнинг кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда содир этилганлиги ёки этилмаслиги ҳолатига эътибор қаратмаган. Шундай бўлса-да, жиноятни тўғри

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

квалификация қилиш учун жиноятнинг субъектив томонини ва кимга қаратилганлигини аниқлаш муҳим аҳамиятга эгадир.

Интернет тармоғидаги энг кўп кибербуллинг бугунги кунда шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш жинояти саналади. Бу жиноят объектив томондан Ўз.Рес. ЖК.нинг 141[1]-моддасига асосан, «*шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш*»[1] орқали содир этилади ва бу қилмишнинг биринчи белгиси бу қилмиш учун шахснинг шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида бу қилмишни қайта содир этиши тушунилади, ўша ҳаракатлар оғир оқибатларга олиб келган бўлса, ғаразли ниятларда содир этилган бўлса, хавфли рецидивист томонидан содир этилган бўлса, шахснинг маъмурий жавобгарликка тортилмаганлиги жиноятни квалификация қилишга таъсир қилмайди ва у ушбу модданинг иккинчи қисмига асосан квалификация қилинади. Ўз.Рес. ЖК.нинг 141[2]-моддасида назарда тутилган жиноят объектив томондан «*шахсга доир маълумотларни қонунга хилоф равишда йиғиш, тизимлаштириш, сақлаш, ўзгартириш, тўлдириш, улардан фойдаланиш, уларни бериш, тарқатиш, узатиш, эгасизлантириш ва йўқ қилиш, худди шунингдек ахборот технологияларидан фойдаланган ҳолда, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотларига ишлов берилаётганда жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган техник воситаларда ҳамда Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестрида белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган шахсга доир маълумотлар базаларида шахсга доир маълумотларни йиғишга, тизимлаштиришга ва сақлашга оид талабларга риоя этмаслик орқали содир этилади ва ўша ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир ичида шахснинг яна ушбу қилмишни содир этиши*»[2] мазкур қилмишни ушбу модданинг биринчи қисми билан квалификация қилиш учун аҳамиятга эгадир. Ўша ҳаракатлар бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, ғаразли ёки бошқа паст ниятларда, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, оғир оқибатларга сабаб бўлса мазкур ҳолатда ушбу қилмиш оғирлиштирувчи ҳолат сифатида қилмиш учун шахснинг маъмурий жавобгарликка тортилганлигини истисно қилиб, шахснирнг жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлади. Ушбу жиноят бўйича суд амалиёти шаклланган, хусусан, жиноят ишлари бўйича Музработ туман судининг 1-1909-2401/40-сон жиноят иши бўйича 2024 йил 31 май кунидаги ҳукмига кўра, «*Ф.Хидирбердиев ноқонуний йўллар билан мулкий наф кўриш мақсадида, Тошкент шаҳрида рўйҳатдан ўтказилган «Annur qomar» МЧЖ раҳбари Ф.Ташканбаева, Наманган шаҳрида рўйҳатдан ўтказилган «Panel line» МЧЖнинг таъсисчиси ва норасмий раҳбари Д.Назаров ҳамда «Panel line» МЧЖ расмий раҳбари Н.Джумабаевлар билан бир гуруҳ бўлиб, олдиндан жиноий*

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

тил бириктириб, 2018 йил 15 майда Навоий шаҳрида рўйҳатдан ўтказилган «Hamidov Family» МЧЖнинг раҳбари Т.Хамидовнинг хабардорлигисиз, шахсга доир маълумот ҳисобланувчи фуқаро Т.Хамидовнинг фуқаролик паспорти нусхасини ноқонуний йўллар билан қўлга киритиб, ушбу паспорт нусхасидан ғаразли ниятларида фойдаланиб, 2022 йил 9 февралда Термиз шаҳар адлия бўлими давлат хизматлари марказига гўёки ўзини Т.Хамидов сифатида кўрсатиб, унинг номига электрон рақамли имзо калитини олиш учун мурожаат қилиб, Термиз шаҳар адлия бўлими давлат хизматлари маркази бўлим бошлиғи А.Хазиратқуловнинг хизмат вазифасига масъулиятсизлик билан ёндашиб, Т.Хамидовнинг шахсига оид ҳужжатларини тўлиқ текширмасдан ва унинг ўзи мурожаат қилганлигини аниқламасдан, Т.Хамидовнинг номига электрон рақамли имзо калитини тақдим қилишига ва унинг паролини ўзининг фойдаланувидаги 99-652-85-56 рақамли мобиль телефонига смс-хабар шаклида ўтказишга эришиб, келгусида жиноий шериклари Д.Назаров ва бошқаларга тегишли «Panel line» МЧЖ томонидан тўланиши лозим бўлган солиқ ва бошқа мажбурий тўловларни тўлашдан қасддан бўйин товлаш мақсадида жиноий шериклари Ф.Ташканбаева, Д.Назаров ва Н.Джумабаев ёрдамида «Panel line» МЧЖ ва «Hamidov Family» МЧЖ ўртасида бирон-бир маҳсулот олди-сотдиси амалга оширилмаган бўлсада, «Hamidov Family» МЧЖ раҳбари Т.Хамидовнинг хабардорлигисиз, унинг номига олинган электрон рақамли имзо калитидан фойдаланиб, гўёки «Hamidov Family» МЧЖ ва «Panel line» МЧЖ ўртасида қиймати жами 17.506.197.000 сўмлик темир маҳсулотлари олди-сотдиси амалга оширилиши ҳақида 2022 йил 5 январь санаси билан 1 ва 2-сонли сохта шартнома расмийлаштириб, ушбу сохта шартномаларга асосан, гўёки «Hamidov Family» МЧЖ томонидан 2022 йил 9 февралдаги электрон ҳисоб фактура орқали 262,1 млн. сўмлик темир труба маҳсулотлари ва 2022 йил Ҳужжат имзоланган: Абраев Илхом Абдуллаевич, 15.03.2025 йил 9 февралдаги электрон ҳисоб фактура орқали 17.244.000.000 сўмлик арматура маҳсулотларини «Panel line» МЧЖга етказиб берилганлиги тўғрисида электрон рақамли имзо калити орқали сохта ҳисоб фактураларни расмийлаштириб, «Panel line» МЧЖнинг шахсий ҳисоб рақамида 2 млрд 283,3 млн сўмлик жуда кўп миқдордаги ҳисобга олинадиган (зачет) қўшилган қиймат солиғини вужудга келтиришган»[1]. Ўз.Рес. ЖК.нинг 141[3]-моддасида назарда тутилган қилмиш объектив томондан «*шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото- ва (ёки) видеотасвирини ўз ичига олган ахборотни унинг розилигисиз оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ёҳуд бундай ахборотни тарқатиш билан қўрқитиш»*[2] йўли билан содир этилади, агарда ўша ҳаракатлар такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, ўн саккиз ёшга тўлмаганлиги айбдорга аён бўлган шахсга нисбатан содир этилган бўлса, бу жиноятни оғирлиштирувчи белги

[1] https://public.sud.uz/report/CRIMINAL.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

сифатида инобатга олинади. Ўз.Рес. ЖК.нинг 143-моддасида назарда тутилган қилмиш бўлиши учун шахс ўша харакатлари учун маъмурий жавобгарликка тортилган бўлиши керак, ушбу жиноят объектив томондан «*хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини қасддан бузиш*»[1] орқали содир этилади. Бу жиноятни тўғри квалификация қилиш учун қасднинг аввало сирни очишга қаратилганини инобатга олиш даркор, агарда умумий қасд хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартибини бузишга эмас, балки шахснинг шаъни ва қадр-қимматига путур етказишга қаратилган ёки уни ўзини ўзи ўлдиришга ёндаш ёки ўлдиришга қаратилган ёхуд бошқа ҳолатлар бўлса, бу қилмишни Ўз.Рес. ЖК.нинг 143-моддасига нисбатан қўллаб бўлмайди. Миллий жиноят қонунчилигимизда бу жиноятнинг кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда содир этилиши мумкинлигига эътибор қаратмаган ва у жиноятни квалификация қилишда оғирлаштирувчи белги саналмайди. Виждон эркинлигини бузиш бугунги кунда телекоммуникация ёки Интернет тармоғида содир этиш ҳолатлари кўпаймоқда. Қонунчиликка асосан, «**виждон эркинлиги** — бу фуқароларнинг хоҳлаган динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қайси динга эътиқод қилмаслик бўйича кафолатланган конституциявий ҳуқуқидир. Фуқаро динга, динга эътиқод қилишга ёки эътиқод қилмасликка, ибодатларда, диний расм-русумлар ва маросимларда иштирок этишга ёки иштирок этмасликка, диний таълим олишга нисбатан ўз муносабатини белгилаётганда уни у ёки бу тарзда мажбурлашга йўл қўйилмайди. Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, унинг суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига путур етказиш, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини камситиш, урушни, миллий, ирқий, этник ёки диний адоватни тарғиб қилиш, фуқароларнинг соғлиғи ва ахлоқига тажовуз қилиш, фуқаролар тотувлигини бузиш, вазиятни беқарорлаштирувчи туҳматдан иборат уйдирмаларни тарқатиш, аҳоли ўртасида саросима уйғотиш ҳамда шахс, жамият ва давлатга қарши қаратилган бошқа ҳаракатлар содир этиш мақсадида диндан фойдаланишга йўл қўйилмайди»[2]. Бироқ, ушб нормаларнинг бузилиши Ўз.Рес.ЖК.нинг 145-моддаси ёки Ўз.Рес.ЖК.нинг 145-моддасида назарда тутилган қилмишни вужудга келтиради. Бугунги кунда телекоммуникация ёки интернет тармоғида виждон эркинлигининг бузилиши жамоат хавфсизлигига хавф туғдириши мумкин. Шу сабабли ҳам Ўз.Рес.ЖК.нинг 244[1]-моддасининг учинчи қисми «г»-бандида телекоммуникация ёки интернет тармоғидан фойдаланиб, «*диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини*

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” 2021 йил 5 июлдаги ЎРҚ–699-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида тайёрлаш, сақлаш ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида диндан фойдаланиш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш»[1] жиноятлари учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Бу модда бўйича суд амалиёти яхши ривожланган, хусусан, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Яккасарой туман судининг 2025 йил 12 февралдаги 1-1005-2505/1-сонли жиноят иши бўйича ҳукмига кўра, «*Д.Н, ўзининг ислом динига бўлган қизиқишлари замирида, бошланғич диний сабоқларни мустақил равишда интернет тармоғида мавжуд бўлган диний материаллардан ўрганиб, ўзига тегишли «Samsung M12» русумли уяли алоқа воситаси хотирасида диндорлар орасида ислом дини ақидаларига турлича ёндошувларнинг пайдо бўлишига, фикр ва фатволари юртимизда анъанавий бўлган ҳанафийлик мазҳаби ва мотрудийлик ақидасига зид бўлган, аҳоли орасида турли ихтилофларнинг юзага келишида иштирок этган, 1990 йилда Самарқанд вилоятида туғилган, интернет тармоқларида жиҳодий тарғиботлари билан кўриниш бераётган «Абдуллоҳ Зуфар» тахаллуси билан танилган Гаффоров Зофир Зокиржоновичнинг, жиҳодчилар диний экстремистик оқимнинг Туркиядаги йирик намояндаларидан бир ҳисобланган «Содиқ Самарқандий» тахаллуси билан танилган 1974 йилда туғилган Мухаммадиев Содиқжон Юсуповичнинг, жиҳодчилар диний экстремистик оқимининг Республика бўйича раҳнамоси ҳисобланган «Обид қори» тахаллуси билан танилган 1958 йилда Наманган вилоятида туғилган Н Обит Собитхоновичнинг, Фарғона водийсидаги радикал ислом ғояларини қўллаб-қувватловчилар орасида катта ҳурмат қозонган, Сурия Араб Республикасида фаолият олиб бораётган «Катибатул имом Албухорий» ташкилотининг ёлловчилари ўз сафларини кенгайтиришда унинг диний маърузаларидан кенг фойдаланишаётган, «Рафиқ қори» тахаллуси билан танилган 1953 йилда Қирғизистон Республикасида туғилган Камалов Муҳаммадрафуқ Юсуповичнинг ҳамда Доғистон Республикаси фуқаролари ҳисобланган Абу Умар Саситлинский тахаллуси билан танилган 1980 йилда туғилган Ахмеднабиев Исраил Сайидахмедовичнинг ва «Кавказ амирлиги» террорчилик ташкилотининг иккинчи амири ҳисобланган, Шимолий Кавказ террористи сифатида танилган ва «Абдуллоҳ Костекский» тахаллуси билан танилган 1972 йилда туғилган Кебеков Алиасхаб Плибулатовичларнинг, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2016 йил 26 сентябрдаги қарори билан Ўзбекистон ҳудудида фаолияти тақиқланган «Ироқ ва Шом ислом давлати» ИШИД террористик ташкилотига ва «Ўзбекистон ислом ҳаракати» ЎИҲ, «Туркистон ислом ҳаракати» ТИҲ террористик ташкилотларига тегишли бўлган материалларини сақлаб, ўрганиб келиш билан бир вақтнинг ўзида 2021 йил 1 май куни интернетнинг «Instagram» ижтимоий тармоғида мавжуд бўлган «guroba9999» номли профили орқали 63.600 нафар обуначиларига эга бўлган «abrormuxtoraliy_life» номли каналга 2021 йил 29 апрель куни жойланган «500 TA SAMARQANDIYNI KO'PAYTIRSA BITTA MUHAMMAD AYYUB DOMLA ChIQMAYDI» номли Ҳужжат имзоланган: Қличев Ориф Аллаёрович, 14.03.2025 1-1005-2505/1 3 видео постга «Senlar paypoqdan boshqa narsaga utmaysanlar, agar tavhiddan, kufrdan gapirsanglar uzlaring*

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

botil bub qolasanlar. Shu paytgacha hech kim demokratiyani halollab bermagan, faqat seni Abror domlang musiqaniyam kufr qonunlarniyam, riboniyam halollab beradi. Lkn tavhiddan, kufrdan gapira olmaydi. Shunaqa domlalaringni deb manqurt tik toker avlod chiqayapti» – деган ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган ўзининг фикрларини билдириб интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда тарқатган. Шунингдек, Д.Н жиноий хатти-ҳаракатларини давом эттириб, 2021 йил 4 июнь куни интернетнинг «Instagram» ижтимоий тармоғида мавжуд бўлган «guroba9999» номли профили орқали 2534 нафар обуначиларига эга бўлган «NAMOZ FARZ» номли каналга, 2021 йил 3 июнь куни жойланган «DEMOKRATIYA» номли видео постга 2021 йил 4 июнь куни – «uzr sizni gapiz sal boshqacha buldi shunga. Kim shu kufr tuzumi bilan xalqni boshqarsa va kim shunga xizmat qilsa kofir bo'ladi deyapti. Keyin profilizdagi gerb bu Allohning hukmiga hiyonat vallohu alam» – деган ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган ўзининг фикрларини билдириб интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда тарқатган.».

Ушбу қилмиш учун мазкур суд «*Д.Нга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244[1]-моддаси 3-қисми «г» банди билан, ЖКнинг 57-моддасини қўллаб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 159-моддаси 1-қисми билан 1 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 156-моддаси 2-қисми билан 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, ЖКнинг 59-моддаси тартибида 3 йил 6 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Жазони умумий тартибли колонияларда ўташ белгиланган»*[1]. Шунингдек, Жиноят кодексининг 145-моддасига асосан, «*фуқароларнинг ўз фуқаролик ҳуқуқларини амалга оширишларига ёки фуқаролик бурчларини бажаришларига тўсқинлик қилиш билан, диндорлардан мажбурий йиғим ундириш ва солиқ олиш билан ёхуд шахснинг шаъни ва обрўсини камситувчи чора-тадбирлар қўллаш билан ёки диний таълим олишда ҳамда фуқаро динга нисбатан, динга эътиқод қилиш ёки эътиқод қилмасликка нисбатан, ибодат қилишда, диний расм-русумлар ва маросимларда қатнашиш ёки қатнашмасликка нисбатан ўз муносабатини белгилаётган пайтда мажбурлаш билан боғлиқ диний фаолият юритиш»*[2] ҳолати телекоммуникация ёки интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилиши ва бу кенг аудиторияни вужудга келтириши туфайли жамоат хавфсизлигига бевосита таҳдид вужудга келтириши мумкин.

Таъкидлаш зарурки, кибербуллинг жиноятлари одатда яширин тарзда содир этилади ва жабрланувчи бу ҳақда қонуний вакилларига айтишга, жиноятни ошкор қилиш орқали шахс учинчи шахслар олдида уялиш, тортиниш ҳисси оқибатида жабрланувчига айланиш даражаси юқорилаб бораётган кенг тармоқли, мураккаб жиноят саналади. Масалан, олимларнинг фикрича, 14-17 ёшдаги болаларниинг 48 фоизи кибергрумминг жинояти қурбони бўлишади, шундан 46 фоизи киберагрессияга гувоҳ бўлишади, 44 фоизи эса, тажавузкорона хабарларни олишади, 17 фоиз ёшларгина ота-онасига тажавузкорнинг хатти-ҳаракатлари ҳақида хабар беришади, холос[3].

[1] https://public.sud.uz/report/CRIMINAL.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

[3] Н. Зорина. Характеристики кибербуллинга в подростковой среде и способы его профилактики // Закон и право. 2022. №7. – С.166.

Бугунги кунда кибербуллинг жиноятлари ичида 77 фоизи кибермасхаралаш кибербуллинги содир этилмоқда[1]. Кибербуллинг – бу одамга атайлаб ноқулайлик ва азоб-уқубатларни келтириб чиқаришга, унда қўрқувни келтириб чиқаришга ва унинг ёрдами билан уни бўйсундиришга қаратилган психологик зўравонликнинг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда содир этилиш ҳамдир. ЖССТ маълумотларига кўра, 2015 йилда дунёда содир этилган кибербуллинг сонининг 11 ёшдаги ўсмирларга таъсири Швеция 2%, Франция 3,2%, Германия 4%, Россияда 19% ни ташкил этган. Бундай зўравонлик узоқ муддатли ва тизимли бўлиб, 7 ёшдан 18 ёшгача бўлган болаларда асосан ёши ва етуклиги туфайли ўзини ҳимоя қила олмайдиган шахсларга қарши амалга оширилади[2].

Статистика маълумотларига кўра, дунёдаги 5 млрд. киши ижтимоий тармоқлардан фойдаланади, ёшлар ҳар куни 6 соат вақтини Интернет тармоғи ёки телекоммуникация тармоғига бағишлашмоқда[3], 4 ёшли болаларнинг 88 % ота-оналаридан кўра, ижтимоий тармоқларга тобе, ота-оналарнинг 7% дагина 14 ёшгача болаларига нисбатан тўлиқ назоратни сақлаб қолган, ўсмирларнинг 80% дан ортиғи ижтимоий тармоқларда профилга эга[4], кибертажавузкорлар ва жабрланувчиларнинг энг катта қисми 11-16 ёшдаги шахслардир[5]. Шунга кўра, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ёки улардан фойдаланган ҳолда, жабрланувчининг онгги, психологиясига, шуурига, ҳаёти ва тақдирига салбий таъсир кўрсатиш мақсадида қасддан моддий ёки маънавий фойда кўриш мақсадида ёхуд нафрат, ўч олиш, хазиллашиш, таъқиб, зўравонлик, безорилик қилиш мотивида кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда тизимли содир этиладиган ахборот билан боғлиқ кибертаҳдид сифатида кибербуллинг қилмишлари сони кенгайиб бормоқда.

Жаҳон Соғлиқни сақлаш ташкилотининг Европа бўйича минтақавий ваколатхонаси томонидан ўтказилган тадқиқотга кўра, ҳар олти ўсмирдан бири кибербуллингга дучор бўлганлиги ҳақида хабар беради. Мутахассислар Европа ва Марказий Осиёнинг 279 мамлакати ва минтақаларида тадқиқот натидасида ота-оналарнинг тахминан **90 фоизи** Интернет майдонини фарзандлари учун хавфли деб ҳисоблашган[6].

Кибербуллинг кўпроқ монографиянинг 26-иловасида назарда тутилган усулларда учрайди.

Кибербуллинг жинояти электрон почта, ижтимоий тармоқ, мессенжер ва уларнинг хат-хабар алмашишга ихтисослашган кўп функциялари, чатлар,

[1] Е. Дозорцева, Д. Кирюхина. Кибербуллинг и склонность к девиантному поведению у подростков // Прикладная юридическая психология. 2020. №1. – С.4.

[2] https://kids.kaspersky.ru/article/kiberbulling_kak_ne_dopustit_problem_iz-za_travli_v_internete.

[3] А. Боровикова. Кибербуллинг: цифровая тень современного мира. – Т.: “Правда Востока” газетаси. https://yuz.uz/ru/news/kiberbulling-tsifrovaya-ten-sovremennogo-mira.

[4] https://kidskey.org/blog/what-is-cyberbullying.

[5] А. Боровикова. Кибербуллинг: цифровая тень современного мира. – Т.: “Правда Востока” газетаси. https://yuz.uz/ru/news/kiberbulling-tsifrovaya-ten-sovremennogo-mira.

[6] А. Боровикова. Кибербуллинг: цифровая тень современного мира. – Т.: “Правда Востока” газетаси. https://yuz.uz/ru/news/kiberbulling-tsifrovaya-ten-sovremennogo-mira.

каналлар, гуруҳлар, веб-саҳифалар, алоқа воситалари[1] ва бошқа техник воситалардан бўлган жиноят воситалари орқали содир этилиши мумкин. Бугунги кунда Google Play[2] орқали кўчириб олинадиган, танишув, сўзлашувларга оид 1000 дан ортиқ мобил илова мавжуд бўлиб, бу мессенжерлар орқали **кибербуллинг амалга ошириш имконияти 100 фоиз мавжуд**, хусусан Ўзбекистон Республикасида энг оммабоп бўлган кибербуллинг амалга ошириладиган ижтимоий тармоқда фаолият кўрсатувчи монографияга 9-илова қилинган мобил иловалар мавжуд. **Бугунги кунда дунёда кибербуллингдан энг катта азият чекадиган давлат АҚШ**дир, ҳар йили мактаб битирувчиларининг 41 фоизи кибербуллингга учрайди ва ҳар учинчи ўқувчига нисбатан тўлиқ кибербуллинг содир этилади, кейинги ўринларни Польша, Эстония, Белгия эгаллайди[3]. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикаси ҳам таҳлил қилинганида мазкур жадвалда 11 та мобил илова орқали амалга ошириладиган кибербуллингда 1 млрд.дан кўпроқ дунё аҳолиси азият чекиши мумкин, 6 та мобил иловада эса, 500 млн.дан ортиқ, 10 та мобил иловада 100 млн.дан ортиқ, 6 та мобил иловада эса, 50 млн.дан ортиқ, 34 та мобил иловада эса, 10 млн.дан ортиқ, 21 та мобил иловада эса, 5 млн.дан ортиқ дунё аҳолиси азият чекади. Ачинарлиси шуки, бу фойдаланувчиларнинг деярли 90 фоизи ўзлари билмаган ҳолда, кибербуллинг қурбони бўлишаётганлигини билишмайди, мазкур вазиятда ўртача ҳисобда 482 329 545 та шахс бир кунда кибербуллинг қурбони бўлади. Ўзбекистоннинг доимий аҳолиси сони 2024 йил 1 июль ҳолатига кўра 37 миллион 134 минг 200 кишини ташкил этди[4]. Ўзбекистон аҳолисини ҳисобга олганда деярли 13 баробар кўп дунё аҳолиси кибербуллингдан азият чекмоқда. Алоҳида таъкидлаб ўтиш керакки, бу рақамлар google play.дан олинган маълумотлар бўлиб, аслида бу рақамлар реал ҳолатда бундан ҳам кўпни ташкил этади.

Шу ўринда асосли бир савол туғилади, агарда давлатлар мазкур мобил иловаларга ёки мессенжерларга нисбатан қатъий курашса нима бўлади, уни блокировка қилиб, чеклаб қўйса бўлмайдими?! Йўқ, сабаби фойдаланувчиларнинг деярли 99 фоиз қисми мазкур мобил илова ёки мессенжерларга кибербуллингни содир этиш учун киришмайди, балки бизнесни юритиш, хордиқ чиқариш, саёҳат, дунё билан мулоқот, ўзларини қийнаётган қатор масалаларни ҳал қилиш учун киришади. Бу бир сўз билан айтганда ҳамма тармоқдан ёмон мақсадда фойдаланмайди, балки эзгу мақсадда фойдаланадиганлар жуда кўп деганидир. Бу балодан қутилишнинг ягона йўли тармоқда профилактикадир. Бироқ, дунё давлатларининг давлат органлари ва ташкилотлари бу мобил илова ёки мессенжерга нисбатан ошиқча бюрократик тўсиқ қўйишга, сансалорликка йўл қўйишади. Оқибатда тенглик бўлмаганлиги, сансалорлик кўплиги ва ошиқча бюрократиялардан қочиш учун мобил илова ёки мессенжер эгаси дунё давлатларининг ваколатли давлат органлари ва

[1] https://pionerart.ru/content/files/schipanova.pdf.
[2] https://play.google.com/store/apps?hl=ru.
[3] Зинцова А.С. Социальная профилактика кибербуллинга // Вестник Нижегородского университета им. Н. И. Лобачевского. Серия: Социальные науки. 2014. №3 (35). – С.123.
[4] https://www.gazeta.uz/uz/2024/08/01/demography/.

ташкилотлари билан доимо зиддиятли ҳолатда мулоқот қилишмоқда. Оқибатда эса, фойдаланувчилар зарар кўришмоқда. Ачинарлиси эса, бу зарарларни тўлиқ ва лозим даражада аниқлаш имконсиздир.

Кибербуллингнинг кейинги ривожига бунга қарши алоҳида махсус қонунларнинг мавжуд эмасли ҳам сабаб бўлмоқда. Хусусан, Ўзбекистонда ҳали ҳамон **Интернетдан фойдаланиш қоидалари бўйича алоҳида махсус қонун мавжуд эмас**, фатгина Вазирлар Маҳкамасининг умумий қоидалардан иборат қарорида айрим қоидалар бор холос. Ўзбекистон Республикасининг «Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида» 2017-йил 8-сентябрдаги ЎРҚ–444-сон Қонунининг[1] давлат назорати эса, етарлича амалга оширилмайди, сабаби давлат назоратини амалга оширувчи органда бу бўйича етарлича ваколатлар берилмаган, таъсир қилувчи воситалар бошқа органларга боғлаб қўйилган ва бу эса, ўз навбатида айбдорга нисбатан ўз вақтида ва тезкорлик билан жазо қўллашда бир қатор тўсиқларни вужудга келтирмоқда.

АҚШнинг Флорида губернатори 14 ёшгача бўлган **болаларга ижтимоий тармоқларда аккаунтлар очишни тақиқловчи қонунни имзола,** 2025 йил 1 январдан болалар 14-15 ёшдан бошлаб фақат ота-онасининг розилиги билан очиши ва ушбу Қонунни бузганлик учун 50 минг долларгача жарима солиниши мумкинлигини ушбу Қонунда белгилаб қўйди[2]. **Янги Зеландияда** интернетда бошқа одамга зарар етказадиган хабарларни нашр етиш (ҳақорат, таҳдид ва бошқалар) уларнинг муаллифига икки йиллик қамоқ ва 50 000 dollar жарима, сайт ёки платформа эгаси эса, 200 000 долларгача жарима солиниши мумкин[3]. Европа Иттифоқида ёшни назорат қилиш ва кибер зўравонликни текширишни стандартлаштириш, ноқонуний ва зарарли таркибни тезкор баҳолашни қўллаб-қувватлаш ва 116 111 рақами безорилик қурбонларига ёрдам беришини таъминлаш учун ишлайдиган махсус БИК (болалар учун яхшироқ Интернет) дастури мавжуд[4].

Ўзбекистонда ҳам бу бўйича алоҳида платформа, яъни – «*республикадаги турли тузилмалар томонидан маълумотлар узатиш тармоқларида ташкил этилаётган таълим ва ёшларга мўлжалланган ахборот ресурсларини ягона «ZiyoNET» ахборот тармоғига бирлаштирилган ва тизимлаштирилган*»[5]. Бироқ, ушбу ахборот тармоғида маълумотларнинг бугунги кун талабига жавоб бермаслиги ҳамда фойдаланувчиларнинг талаб ва эҳтиёжларига мувофиқ бўлмаганлиги сабабли бу тармоқдан фойдаланувчиларнинг сони кескин камайиб бормоқда. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, «*ZiyoNET*» тармоғининг асосий

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида” 2017-йил 8-сентябрдаги ЎРҚ–444-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] https://aniq.uz/yangiliklar/florida-gubernatori-bolalarning-ijtimoiy-tarmoqlarda-akkauntga-ega-bulishini-taqiqlovchi-qonun-loyihasini-imzoladi.

[3] Harmful Digital Communications Act 2015 // The New Zealand Legislation website. URL: https://www.legislation.govt.nz/act/public/2015/0063/latest/whole.html#DLM5711856.

[4] https://www.lasteabi.ee/ru/pomosch-detyam-116-111.

[5] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида” 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ–191-сонли қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

вазифалари[1] қонунчилик ҳужжатлари билан аниқ белгиланган ҳолда, амалда унинг вазифаларини амалга ошириш механизмлари етарлича йўлга қўйилмаган.

Шундан келиб чиққан ҳолда, кибербуллингнинг олдини олиш учун бу тармоқда унумли фойдаланиш ҳамда ундан фойдаланиш самарадорлигини ошириш бўйича кенг кўламли зарур чора-тадбирларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ ҳамда бу бўйича алоҳида норматив-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилиб, унинг ижросини ташкил этиш таклиф қилинади. Бунинг учун Ахборот кодекси, Ахборот-коммуникация технологиялари кодекси, «Онлайн-платформалар ва веб-сайт фойдаланувиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Кибербуллинг тўғрисида»ги, «Киберагрессия тўғрисида»ги ёки «Кибербуллингга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Сунъий интеллект тўғрисида»ги Қонунлар қабул қилиниши мақсадга мувофиқдир.

Таъкидлаб ўтиш керакки, кибербуллингни аниқлаш, унга алоҳида бир шахс ёки шахслар гуруҳини бириктириш ҳар доим ҳам ўзини оқлайвермайди, сабаби фойдаланувчилар сонининг кўплиги туфайли бир вақтнинг ўзида кибербуллингни содир этаётган шахсни аниқлаш жуда қийин. Шу сабабли мессенжерларга автоматлаштирилган тизим ёки сунъий интеллектни жойлаштириш мақсадга мувофиқ. Бироқ, бу иккала усул ҳам баъзи ҳолатларда ўзини оқламаслиги мумкин, сабаби киберҳужумни ифодаловчи хабарлар аниқ ва равон бўлмаслиги мумкин, шу сабабли имкон қадар сунъий интеллект бир вақтнинг ўзида салбий сўзлашув ва муносабатларга ҳам тайёрланиши керак. **АҚШда** Microsoft компаниясига қарашли «Microsoft Security AI», «Microsoft AI for Anti-Terrorism», Interpolга қарашли «AI-Powered Government Systems», Google Jigsaw компаниясига қарашли «Google Jigsaw», **Хитойда** Alibaba компаниясига қарашли «Smart Policing AI», **Буюк Британияда** Google DeepMind компаниясига қарашли “Gato”, Moonshot CVE компаниясига қарашли «Moonshot CVE» каби сунъий интеллектлар айнан юқоридаги талаблар бажарилишига хизмат қилади. Шу билан бирга, **Хитойда** Alibaba компаниясига қарашли “AI-Powered Computing & Big Data Analysis», «Alibaba Cloud AI Speech & Image Recognition», «Smart Policing AI», Tencent AI компаниясига қарашли «Tencent YouTu AI” ва “Tencent Speech AI», **Ж. Кореяда** Samsung AI компаниясига қарашли «Face Recognition & Voice Control» каби сунъий интеллектлар орқали шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, жиноятларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва фош этиш мумкин.

2.2-§. Қўшимча бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий таҳлили

Ўз.Рес. ЖК.нинг олтинчи бўлими XX[1]-бобида акс этган ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар гуруҳига киритилган Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[1]-278[9]-моддаларида назарда тутилган қилмишлар, шу билан бирга, ахборот-коммуникация технологияларига бевосита қаратилган жиноятлар акс

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг жамоат таълим ахборот тармоғини ташкил этиш тўғрисида” 2005 йил 28 сентябрдаги ПҚ–191-сонли қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

эттирилиши мумкин бўлган жиноятларнинг асосий бевосита объектини бирлаштириб турувчи объект ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси саналади. Бироқ, ушбу бобдаги ҳар бир модданинг асосий бевосита объекти турлича бўлиб, ушбу қилмишлар амалга оширилиши оқибатида жамоат хавфсизлиги ҳам хавф остида қолиши мумкин. *Мисол учун*, Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[7]-моддасида назарда тутилган қилмишни содир этар экан, айбдорнинг ҳаракатлари оқибатида телекоммуникация операторлари зарар кўриши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 33-моддасида давлат Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланишни таъминлаш учун шарт-шароитлар яратади[1], деб ўзига мажбурият олган. Ушбу мажбуриятни амалга ошириш учун давлат телекоммуникация операторларига лицензия бериш орқали фойдаланувчиларнинг интернет тармоғидан фойдаланишга бўлган ҳуқуқ ва манфаатлари амалга ошиши учун шароит яратади, бироқ лицензия олмасдан, жисмоний ёки юридик шахс Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[7]-моддасида назарда тутилган қилмишни содир этиш орқали қонунчиликка бўйсуниб, ўз фаолият юритаётган юридик шахсларнинг ва шу билан бирга, уларнинг фойдаланувчилари бўлган жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатлари путур етиши орқали жамоат хавфсизлиги хавф остида қолади. Шунга кўра, ушбу вазиятда жамоат хавфсизлиги асосий бевосита объект эмас, балки қўшимча бевосита объект сифатида аҳамиятга эга бўлади.

Қўшимча бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятларнинг юридик таҳлили 10-иловада назарда тутилган бўлиб, ушбу жиноятларнинг барчаси **субъектив томондан** қасддан содир этилса, **субъекти** Жиноят кодексининг 4 ва 17-моддасининг талабига асосан, 16 ёшга тўлган ақли расо жисмоний шахслар саналади[2]. Ушбу жиноятларнинг **объекти** Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[1]-278[9]-моддаларида турлича кўрсатилган бўлса ҳам, уларни бирлаштирувчи бевосита объект ахборот-коммуникация технологиялари саналади ва у қўшимча бевосита бўлган жамоат хавфсизлигига бевосита ёки билвосита таъсир кўрсатади.

Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[1]-моддасининг асосий бевосита объекти ахборотлаштириш қоидалари ҳисобланган қонунчилик ҳужжатлари, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасида норматив ҳужжатлар ва улар асосида қабул қилинган бошқа ҳужжатлар бўлиб, айнан улардаги ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик ушбу қилмишнинг асосий бевосита объектини ташкил этади. Ушбу жиноятларнинг зарурий белгилари монография 1-боби 1.1-§-параграфида назарда тутилган. *«Қилмишнинг киберхавфсизлик объекти»*[3] қонунчилик талабига асосан, ***ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари*** *саналади. Белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни*

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[3] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлиши»[1] қилмишни жиноят деб эътироф этишининг минимал талаби саналади.

Қонун талабига асосан, «***ахборотлаштириш*** *– юридик ва жисмоний шахсларнинг ахборотга бўлган эҳтиёжларини қондириш учун ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ҳамда ахборот тизимларидан фойдаланган ҳолда шароит яратишнинг ташкилий ижтимоий-иқтисодий ва илмий-техникавий жараёни,* ***ахборот ресурси*** *– ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси, шу жумладан ахборот тизимларида очиқ шаклда жойлаштириладиган ёхуд эълон қилинадиган аудио-, видео-, график ва матнли ахборот,* ***ахборот ресурсларининг ёки ахборот тизимларининг мулкдори*** *– ахборот ресурсларига ёки ахборот тизимларига эгалик қилувчи, улардан фойдаланувчи ва уларни тасарруф этувчи юридик ёки жисмоний шахс,* ***ахборот технологияси*** *– ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар,* ***ахборот тизими*** *– ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари саналади.*».[2]

Демак, ахборот тизими ва ресурсининг мулкдори ёки унга масъул шахснинг юқоридаги ҳаракати орқали шахс, жамият ва давлат манфаатларига хилоф харакатларни амалга ошириши мазкур ижтимоий хавфли қилмишнинг таркибини вужудга келтиради. Бироқ, бугунги кунда ахборотлаштириш қоидаси мавжуд эмас.

«Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонунга асосан, «*норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қонунчилик ҳужжатлари бўлиб, улар Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигини ташкил этади.*»[3]. Концепцияда «*Жиноят кодексидаги фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликлари, жамият ва давлат манфаатларини самарали ҳимоя қилишга тўсқинлик қиладиган ҳуқуқий бўшлиқлар, қарама-қаршиликлар ва «оқ доғлар»ни бартараф этиш*»[4] мақсад қилинган. Шунга кўра, ахборотлаштириш тўғрисидаги қонунчиликни бузиш деб номланган ҳолда, амалдаги таҳрирни қайта кўриб чиқиш таклиф қилинади. Ушбу таклифнинг қабул қилиниши Ўз.Рес. ЖК.даги қонунийлик принципининг амалда

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикасининг “Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида” 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[4] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тўлиқ намоён бўлишига[1] ва Конституциянинг 20-моддасидаги «*инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади*»[2], деган норма бўйича бўилиш мумкин бўлган салбий ҳолатларнинг олдини олиш мумкин бўлади.

Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[1]-моддасининг иккинчи қисми унинг биринчи қисмида назарда тутилган ҳаракатларнинг жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда бўлишини талаб қилади. Ушбу зарарнинг жуда кўп миқдордан камлиги эса, унинг жиноят сифатида квалификация қилинишига имкон бермайди. Жиноят кодексининг 278[1]-моддаси бўйича **public.sud.uz** тизимида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан интернет тармоғида эълон қилинган суд қарорлари сони ҳозирда **15** тани ташкил этади ва ушбу қарорлар таҳлил қилинганида судлар бу турдаги қилмишларни асосан қўшимча модда сифатида квалификация қилаётганлиги ва квалификация қилиш учун ваколатли органларнинг мутахассислик фикри билан чекланаётганлиги ва ҳолатга аниқлик киритиш учун экспертиза умуман тайинланмаганлиги аниқланди[3].

Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[2]-моддасида назарда тутилган «*компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш*»[4] жиноятининг **киберхавфсизлик объекти** ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги **компьютер ахбороти** саналади. «*Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлса*»[5]гина ушбу қилмиш жиноят деб эътироф этилади.

Ўша ҳаракатнинг «*бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши*»[6] оғирлаштирувчи белги саналади. «*Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишнинг ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ахборотдан нусха кўчирилиши, ахборотнинг қўлга киритилиши, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари*

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[3] https://public.sud.uz/report/CRIMINAL.
[4] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[5] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[6] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилишига сабаб бўлиши»[1] каби салбий ҳолатлари вужудга келса, уни қонун чиқарувчи жиноят деб кўрсатган. Мазкур вазиятда, ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини модификациялаш (қайта ишлаш) – уларни адаптация деб ҳисобланмайдиган ва бошланғич матн ўзгаришига олиб келадиган ҳар қандай тарзда ўзгартириш ҳамда ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасидан нусха олиш – ЭҲМ учун яратилган дастур ёки маълумотлар базасини ҳар қандай моддий шаклда битта ёки кўпроқ нусхада тайёрлаш ҳамда уларни ЭҲМнинг хотирасига ёзиш ҳисобланишини инобатга олиш лозим[2]. Бу турдаги жиноятлар бўйича **public.sud.uz** тизимида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан интернет тармоғида эълон қилинган суд қарорлари сони ҳозирда **15** тани ташкил этади ва ушбу қарорлар таҳлил қилинганида судлар мазкур қилмиш амалга оширилиши учун зарур бўлган роутер, флешка, компьютер, телефон аппарати ва бошқа техник воситаларни жиноят қуроли сифатида топаётганлиги ва ушбу турдаги жиноятлар қурилмаларнинг техник имкониятларидан унумли фойдаланиш орқали товламачилик йўли билан ҳам содир этилаётганлиги аниқланди. Хусусан, Жиноят ишлари бўйича Марҳамат туман суди 2019 йил 2 декабрда 1-1713-1901/32-сонли, жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди 2020 йил 5 июнда 1-2001-2003/66-сонли жиноят иши бўйича судланувчини ЖКнинг 165-моддасининг иккинчи қисми «а»-банди ва 278[2]-моддасининг иккинчи қисми «б»-бандида назарда тутилган қилмишни содир этганликда айбли деб топиб, судланувчига озодликни чеклаш билан боғлиқ жазо қўллаган. Ушбу жиноят иши ўрганилганида «iPhone» русумли телефонларнинг IOS тизимида ишлаб, «iCloud» дастури орқали бошқарилиши, логинларнинг пароллари алмаштириб қўйилгандан сўнг фақатгина ушбу паролларни алмаштирган шахс томонидан қайта ишчи холатига тушириш имконияти борлигидан фойдаланиб, ушбу қурилманинг блокланиб, фойдаланиш учун чекланиши вужудга келишини синаб кўрган судланувчи томонидан такрорий бир неча жиноят содир этганлиги ва суд жабрланувчининг моддий-маънавий зарар кўрганлигини назарда тутувчи далиллар тергов органлари томонидан олинмаганлиги сабабли жабрланувчиларга фуқаролик судларига мурожаат қилиш ҳуқуқи борлигини тушунтириш билан чекланган. Шунингдек, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Мирзо Улуғбек туман суди 2022 йил 17 февралдаги 1-1001-2107/753-сонли жиноят ишини кўриб чиқилганида «*судланувчи Н.М. 2021 йил февраль ойидан Яшнобод туман қурилиш бўлими бошлиғи лавозимидан бўшаб, Тошкент шаҳар Қурилиш бош бошқармаси Бектемир туман қурилиш бўлими етакчи мутахассиси лавозимида ишлаб келиб, унинг собиқ лавозимига кирувчи вазифаларни бажарувчи шахснинг номидан Ягона интерактив Давлат хизматлари порталига рухсатсиз ноқонуний кириб, унинг номидан 30034719-сонли сохта рухсатнома расмийлаштирилганлиги ва ушбу ҳаракат бўйича*

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060-XII-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

компьютер ахборотининг модификация қилиниши Ўз.Рес. ЖК.нинг 228-моддасини тўлиқ ўзида қамраб олишини инобатга олиб, айбдорнинг ҳаракатларини фақатгина Ўз.Рес. ЖК.нинг 278²-модаси билан квалификация қилган ва Н.М.нинг айбловидан мазкур эпизод юзасидан ортича эълон қилинган қилинган Ўз.Рес. ЖК.нинг 228-моддаси 2-қисми «а» бандини чиқариб ташлашни лозим деб ҳисоблаган»[1]. Бироқ, Ўз.Рес. ЖК.нинг 278⁴-моддасида компьютер ахборотини модификациялаштириш, яъни **компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишда** ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб **унга ёлғон ахборотни киритиш** учун, Ўз.Рес. ЖК.нинг 278²-моддасида **компьютер ахборотидан**, яъни «**ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш**, агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, **модификациялаштирилиши**, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилиши»[2], Ўз.Рес. ЖК.нинг 228-моддасининг биринчи қисмига асосан, «**сохталаштирувчининг** ўзи ёки **бошқа шахс фойдаланиши мақсадида муайян ҳуқуқ берадиган** ёки муайян мажбуриятдан озод этадиган **расмий ҳужжатлар тайёрлаши»[3] учун** жиноий жавобгарлик назарда тутилган. Ушбу вазиятда, судланувчи Н.М.нинг ҳаракати Ўз.Рес. ЖК.нинг 278²-моддасининг компьютер ахборотининг **модификациялаштирилишига оид қисми** билан эмас, балки компьютер ахборотидан, яъни «ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборот»[4]лардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) **фойдаланиш унинг қўлга киритилишига**, яъни қонунга хилоф равишда ЯИДХП орқали сохта рухсатномани тайёрлагани билан квалификация қилиниши керак эди. Демак, ушбу вазиятда суд тўғри тўхтамга келган, бироқ ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида етарлича билимга эга бўлмаганлиги сабабли нотўғри хулосага келган.

Ўз.Рес. ЖК.нинг 278³-моддасининг асосий киберхавфсизлик объекти **компьютер тизимидан**, шунингдек **телекоммуникация тармоқлари**дан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишга ихтисослаштирилган **махсус воситалар** бўлиб, уни ўтказиш жиноят мақсади **ушбу жиноятнинг зарурий белгиси саналади.** Қилмишнинг «*бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши»*[5] жиноятни оғирлаштирувчи ҳолат саналади. «*Компьютер*

[1] https://public.sud.uz/report/CRIMINAL.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[4] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[5] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш жинояти ҳимояланган компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун махсус дастурий ёки аппарат воситаларини ўтказиш мақсадини кўзлаб тайёрлаш ёхуд ўтказиш ва тарқатиш»[1] орқали содир этилади.

Таъкидлаш керакки, миллий қонунчилигимизда компьютер тизими тушунчасининг таърифи берилмаган. «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги Қонун талабидан келиб чиқиб, турлича талқинларнинг олдини олиш ҳамда компьютер тизимлари бугунги кунда технологиянинг ривожи туфайли ахборот тизмига айланиб қолганлиги сабабли «Компьютер тизими» тушунчасини «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонун талабига кўра, «*ахборот тизими*»[2], деб қайд этиш мақсадга мувофиқ. Хусусан, мазкур харакатнинг амалга оширилиши оқибатида, киберўғрилк ёки киберфирибгарлик жиноятлари содир этилади ва миллий жиноят қонунчилигимизда ҳам ахборот тизими тушунчасига бу алмаштирилган.

Маълумки, «**ахборот** – *манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлардир*»[3]. Шу сабабли Қонун талабидан келиб чиқиб, жамоат хавфсизлигига таҳдид солиш учун кибержиноятчи жабрланувчининг сақланаётган ахборотига ҳужум қилади ва шу орқали жамоат хавфсизлигига ва тартибига таҳдид вужудга келади.

Бу турдаги жиноятлар бўйича **public.sud.uz** тизимида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан интернет тармоғида эълон қилинган суд қарорлари сони ҳозирда **15** тани ташкил этади ва ушбу қарорлар таҳлил қилинганида «*Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Шайхонтоҳур туман судининг 2022 йил 24 майдаги 1-1003-2205/386-сонли жиноят иши бўйича судланувчи Ш.Ё. дастлабки тергов ҳаракатлари давомида шахсини аниқлашнинг имконияти бўлмаган «Димитрий» исмли шахс билан олдиндан жиноий тил бириктириб, бир гуруҳ бўлиб, 2022 йилнинг 26 февраль куни соат 16:30ларда Шайхонтоҳур тумани, Лабзак кўчасида жойлашган «Наврўз» боғи атрофида ўтказилган тезкор тадбирда телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун мўлжалланган махсус алоқа қурилмалари ҳисобланган 2 дона 16 та 81М карта слотига эга бўлган «GolP» 68М шлюз қурилмаларини ҳар бирини 4.200.000 сўмдан, ушбу қурилма учун фойдаланиладиган антенналарни 2 донасини жами 8.400.000 сўмга, ушбу қурилма учун фойдаланиладиган антенна қурилмаларини 200.000 сўмга ҳисоблаб, тезкор тадбир иштирокчиси ҳисобланган шартли харидор*

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

С.Подлесньйга сотганлиги учун ЖК 278[3] -моддаси 2-қисмининг «а»-бандида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбдор деб топилганлиги ва жиноят воситаси бўлган шлюз қурилмаси ва унинг антеннеси тегишли тартибда йўқ қилиниши белгиланганлиги аниқланди»[1]. Ушбу қарор фикримизча тўғри қабул қилинган.

Жиноят кодексининг 278[4]-моддасида назарда тутилган компьютер ахборотини модификациялаштириш деганда, «*қонун чиқарувчи компьютер тизимида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишда ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, худди шунингдек била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши»*[2] тушунилишини назарда тутиб, буни жиноятнинг зарурий белгиси сифатида кўрсатиб ўтган.

Киберхавфсизлик объекти эса, **компьютер ахбороти** саналади. Қилмишнинг жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилиши оғирлаштирувчи белги ҳисобланади.

Бу турдаги жиноятлар бўйича **public.sud.uz** тизимида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан интернет тармоғида эълон қилинган суд қарорлари сони ҳозирда **133** тани ташкил этади ва ушбу қарорлар таҳлил қилинганида жиноят ишлари бўйича Гулистон шаҳар суди 2025 йил 28 майда 1-1201-2504/71-сонли жиноят иши бўйича «*судланувчи Х. жиноий шериги Й. билан ўзаро жиноий тил бириктирган ҳолда бир гуруҳга бирлашиб, Ўзбекистон Республикасининг «Муаллифлик ҳуқуқи ва турдош ҳуқуқлар тўғрисида»ги ЎРҚ–42-сонли Қонуни нормаларини бузиб, қонунда белгиланган ҳуқуқсиз, ахборотнинг мулкдори бўлган, қонуний эгасининг рухсатисиз солиқ тўловчи «Charity best trade» МЧЖга тегишли электрон калитдан қонунга хилоф равишда фойдаланиб, солиқ органларига юбориладиган ҳисобот даври маълумотларига «Charity best trade» МЧЖда фуқаро Х.нинг ишлаши ҳақидаги ёлғон ахборотни электрон тизимга киритиб, фуқароларнинг ҳуқуқларига, қонун билан қўриқланадиган манфаатларига, давлат ва жамоат манфаатларига жиддий зиён етказилишига сабаб бўлганлиги ва судланувчи Х доимий ишга эканлиги бўйича сохта маълумотларни тайёрлаб, унинг сохта эканлигини била туриб, Х. ўзининг номига онлайн тарзда «Бизнесни Ривожлантириш банки» АТБдан 02.07.2024 йилда 50.000.000 сўм миқдорида, «Авобанк» АЖдан 03.07.2024 йилда 1.700.000 сўм микроқарз ажратилишига эришиб, ажратилган микроқарз кредит маблағларини ўзларининг шахсий эҳтиёжларига сарфлаб юборганликларини аниқлаб, Х. Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 278[4]-моддаси 2-қисми «б»-банди ва 168-моддаси 3-қисмининг «г»-бандида назарда тутилган жиноятларни содир*

[1] https://public.sud.uz/report/CRIMINAL.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

этганликда айбли топилган[1]. Ушбу қилмиш бўйича қуйидаги ҳолатларни алоҳида эътибор қаратиш даркор, хусусан:

«Charity best trade» МЧЖ директори ёки бухгалтери Х.ни расмий ишга олмасдан туриб, электрон рақамли имзодан ноқонуний фойдаланиши натижасида бу қилмиш вужудга келганида ушбу ҳолатда уларнинг ҳаракатларида фирибгарлик жиноятини ушбу усулда содир этиш ҳолати ҳам бўлганида у ҳолда, улар ЖКнинг 28, 168-моддасининг учинчи қисми «г»-банди ва 278[4]-моддасининг иккинчи қисми «б»-банди;

«Charity best trade» МЧЖга Х. расман ишга қабул қилинмаган ҳолда, бироқ ишга кирган ёки кирмаганлигини банкларнинг мобил иловаси орқали билиш имкониятига эга бўлмаса, у ҳолда, унинг ҳаракатлари ЖКнинг 278[4]-моддаси 2-қисми «б»-банди ва 168-моддаси 3-қисмининг «г»-бандида назарда тутилган қилмишлар бўлмаслиги мумкин эди[2].

Шу сабабли бу турдаги жиноятларни кўриб чиқишда, прокурор назоратини ўрнатишда ушбу жиноятлар учун жазо миқдорлари турлича эканлигига алоҳида аҳамият беришлари, қилмиш умумий қасд билан қамраб олинган ёки олинмаганлигига алоҳида эътибор қаратишлари, суриштирувчи, терговчи ва прокурорнинг ҳаракатларида коррупциявий хатти-ҳаракатлар бўлиши мумкинлигини эътибордан четга чиқармаслик жуда муҳимдир.

Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[5]-моддасида назарда тутилган компьютер саботажи деганда, қонун чиқарувчи «*ўзганинг компьютер ускунасини ёки хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасини қасддан ишдан чиқариш, худди шунингдек компьютер тизимини бузиш*»[3] ҳисобланишини назарда тутиб, бу ҳолатни жиноят сифатида кўрсатган.

Киберхавфсизлик объекти эса, **ўзганинг компьютер ускунаси** ёки **хизматда фойдаланиладиган компьютер ускунасидир**. Қилмишни «*бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этиш*»[4] оғирлаштирувчи ҳолат саналади. Бу турдаги жиноятлар бўйича **public.sud.uz** тизимида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан интернет тармоғида эълон қилинган суд қарорлари сони ҳозирда **мавжуд эмаслиги аниқланди. Бу эса, башрти бу турдаги жиноятлар амалда умуман содир этилмаётган бўлса, уни Жиноят кодексидан чиқариш масаласини ўйлаб кўриш мақсадга мувофиқдир.**

Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[6]-моддасида назарда тутилган «*зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш*»[5] жиноятининг зарурий белгиси сифатида компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан

[1] https://public.sud.uz/report/CRIMINAL/
[2] https://public.sud.uz/report/CRIMINAL.
[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[4] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[5] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсади ва ушбу мақсадни кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш зарурлиги инобатга олинган.

Киберхавфсизлик объекти эса, **компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборот** ҳисобланади.

Қилмишнинг «*жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши*»[1] оғирлаштирувчи ҳолат саналади.

Маълумки, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2023 йил 23 июндаги 17-сон қарорида «*банклар ва бошқа кредит муассасаларидан онлайн шаклда кредит (микроқарз) маблағларини олиш мақсадида алдов ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли орқали ўзга шахсга тегишли бўлган махсус идентификация талаб қилувчи техник воситалар (компьютер, ноутбук, телефон, планшет ва ҳ.к)нинг махсус кодларидан ёки ўзга шахснинг «электрон рақамли имзо»ларидан фойдаланиб, пул маблағлари ажратилишига ва келгусида ушбу пул маблағларидан эркин фойдаланиш имкониятини берувчи ҳисоб-рақамларга ўтказилишига эришганлик ҳолатлари фирибгарлик сифатида баҳоланиши лозим. Ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб фирибгарлик содир этиш (ЖК 168-моддаси учинчи қисми «г» банди) деганда, молия, банк муассасалари, фондлар ва ш.к. ларда бўлган мулкни алдов йўли билан компьютер техникаси воситалари,* ***алоқа воситаси, планшет ёки бошқа шу каби техник қурилмалар ёрдамида манипуляция қилиш орқали амалга ошириладиган талон-торож тушунилади****. Бундай* ***фирибгарлик компьютер тизимида ишлов бериладиган, тегишли ахборот ташувчиларда сақланадиган ёки маълумотларни узатиш тармоқлари бўйича бериладиган ахборотни ўзгартириш йўли билан ҳам, компьютер тизимига ёлғон ахборот киритиш йўли билан ҳам содир этилиши мумкин****.*

Ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган фирибгарлик жиноятини қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимига кириб ёки ундан фойдаланиб содир этилган ўғирлик *жиноятидан* ***фарқлашда*** *шуни назарда тутиш лозимки, фирибгарликда жабрланувчи алдов ёки ишончи суиистеъмол қилиниши оқибатида мулкини ёки унга бўлган ҳуқуқни ахборот технологияларидан фойдаланиб айбдор эгалигига* ***ихтиёрий равишда ўтказади****, бунда* ***мулк ўз эгалигидан чиқиб кетаётганлигини жабрланувчи англаган бўлиши керак****.*

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Агар шахс компьютер техникаси ёрдамида қалбаки ҳужжат тайёрлаб, сўнгра ундан мулкни қўлга киритиш учун фойдаланган бўлса, қилмишни ЖК 168-моддаси учинчи қисми «г» банди билан квалификация қилиб бўлмайди.»[1].

Шунга кўра, бу турдаги жиноятлар бўйича **public.sud.uz** тизимида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан интернет тармоғида эълон қилинган **15** та суд қарорлари таҳлил қилинганида, жиноят ишлари бўйича Хива шаҳар суди 2024 йил 5 сентябрдаги 1-2212-2401/56-сонли жиноят иши бўйича ҳукм чиқарганлиги аниқланиб, унда «*дастлабки тергов органи томонидан судланувчи А.Р.нинг айби зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 278[6]-моддаси 1-қисми билан ортиқча квалификация қилинган деб, ахборот технологияларидан фойдаланиб ўзганинг мулкини фирибгарлик йўли билан қўлга киритишда ифодаланган жиноий ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 168-моддаси 3-қисмининг «г» банди билан нотўғри квалификация қилинган деб ҳисоблаб, зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш жиноятининг предмети – зарар келтирувчи компьютер дастурлари, шунингдек, махсус вирус дастурлари, яъни бошқа компьютерларга зарар келтирувчи дастурлар ҳисобланиб, ушбу модданинг диспозицияда айнан зарар келтирувчи компьютер дастури назарда тутилганлиги сабабли ушбу жиноятнинг объектив томони «**компьютер тизимида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек, махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатишда ифодаланади**», дея жиноят иши ҳужжатлари ва судда аниқланган ҳолатларга қараганда, судланувчи А.Р телеграм тармоғида ўзини саҳифасини «Все о Маэстро» деб номлаб очиб, ўзининг телефон аппаратида мавжуд ўзига нотаниш бўлган фуқарони «Переходник» деб номланган саҳифасига кириб, ушбу саҳифада ҳар хил турдаги силка-файллар орасида «Click Aksiya.**apk**» деб номланган силка орқали «Иловамизни юклаб олинг ва янги йил шарафига 200 000 УЗС олинг! Ундан фойдаланишга вақт ажратинг» деб номланган қизиқтирувчи маълумотларни «Click Aksiya.apk» деб номланган силкани бир нечта телеграм гуруҳларга тарқатганлиги, ушбу жиноят ишининг тергови давомида судланувчи А.Р.нинг компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб, ушбу жиноятни содир қилганлиги каби ўта муҳим ҳолатлар аниқланмаганлигини, шу каби, судланувчи А.Р дастлабки тергов ва судда, мазкур жиноятни ўзининг уяли телефонидаги ижтимоий тармоқ, яъни телеграмм ижтимоий тармоғидаги силкалар орқали содир қилганлигини билдириб кўрсатув берганлиги сабабли суд, судланувчи А.Рни айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 278[6]-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация белгисини чиқаришни, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси*

[1] Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2023 йил 23 июндаги 17-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ЖК 168-моддаси 3-қисми «г» банди билан эълон қилинган айбни, ЖКнинг 169- моддаси 1-қисмига қайта квалификация қилишни лозим деб топган ва айбдорга нисбатан шу модда билан иш ҳақининг 20 (йигирма) фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда, 1 (бир) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган.»[1].

Маълумки, Ўз.Рес. ЖК.нинг 276[6]-моддасига асосан, «**компьютер тизимида сақланаётган** ёки **узатилаётган ахборот**ни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки **уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурлари**ни яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, **улардан қасддан фойдаланиш** ёки **уларни қасддан тарқатиш»**[2] учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Қонун талабига асосан, *«**ахборотни ўз ичига олган** **ва тўловчига тўловни амалга ошириш**, шунингдек тўловчи билан электрон тўлов воситаларининг эмитенти ўртасида тузилган шартномада назарда тутилган бошқа операцияларни амалга ошириш имконини берадиган **банк картаси** ёки бошқа электрон жисм электрон тўлов воситаларидир. Фойдаланувчи электрон тўлов воситасидан фойдаланиш шартларига мувофиқ фойдаланиши шарт*[3].

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонунига асосан, «***ахборот тизими*** *– ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган **жами ахборот ресурслари**, ахборот технологиялари ва алоқа воситалари бўлса, **ахборот технологияси** ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар»*[4] саналади. Электрон тўлов картасида эса, ахборот ресурси сифатида пул маблағлари мавжуд. Фобулада зарарли .**apk** файл орқали пул ундириб олинганлигига судланувчи гувоҳ бўлганлигини ва кейин уни гуруҳларга қасддан тарқатганлигини қайд этиб ўтган. Демак, .**apk** файл зарарли хавола эканлигини, яъни жабрланувчининг рухсатисиз унинг фойдаланувидаги ахборот тизимига кириш имкониятини беришини ва шу орқали пул маблағлари қонунга хилоф равишда жабрланувчидан рухсатсиз ечиб олинишини судлануви олдиндан билган. Ушбу вазиятда судланувчининг дастлаб бошқа гуруҳларга зарарли ҳаволани қасддан тарқатганлиги ҳаракатларини ЖКнинг 278[6]-моддаси ва кейин жабрланувчининг мулкини яширин йўллар билан қонунга хилоф тўлов воситаси, яъни ахборот тизимига уланган воситадаги пул маблағларини эгаллаб олганлиги сабабли унинг ҳаракатларини ЖКнинг 169-моддасининг учинчи қисми «б»-

[1] https://public.sud.uz/report/CRIMINAL.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикасининг «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида» 2019 йил 1 ноябрдаги ЎРҚ–578-сон Қонун // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[4] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

банди билан квалификация қилиши зарур эди. Шу сабабли суднинг мазкур қарори фикримизча нотўғри қабул қилинган.

Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[7]-моддасига асосан, «*телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш*»[1] жиноятининг зарурий белгиси «*ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсади ва ушбу мақсадда телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш*»[2] инобатга олинган. Мазкур жиноят бир ва ундан ортиқ мақсадлар учун мўлжалланган жиноят эканлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Ахборот технологияси соҳасида турган телекоммуникация соҳасига оид мазкур телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш жинояти амалиётда **GSM-шлюз**, яъни «*мобил алоқа тармоқлари ва телекоммуникацияларнинг бошқа тармоқлари ўртасида трафикни ўтказиш учун мўлжалланган аппарат-дастурий восита*»[3] **орқали содир этиладиган жиноят сифатида кўрилади.**

Киберхавфсизлик объекти эса, **телекоммуникация тармоғи, махсус дастурий ёки аппарат воситалари** тушунилади. Қилмишнинг «*бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, хизмат мавқеидан фойдаланиб, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши*»[4] жиноятни оғирлиштирувчи белги саналади. Бу турдаги жиноятлар бўйича **public.sud.uz** тизимида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан интернет тармоғида эълон қилинган суд қарорлари сони ҳозирда **69** тани ташкил этади ва ушбу қарорлар таҳлил қилинганида судларда кўриб чиқилатёган барча ишлар GSM-шлюз аппарат-дастурий воситаси билан боғлиқ ишлар бўлиб, жиноят воситаси сифатида барчасида ушбу аппарат-дастурий восита ёки у билан бирга роутер, диск, сим-карта ва бошқа техник воситалар эканлиги ёки қонунчиликка кўра, тегишли лицензия, рухсатнома асосида тегишли қурилмалардан фойдаланиш зарур бўлган ҳолда, ушбу талабдан четга чиқилиши бўйича жиноятлар вужудга келганлиги аниқланди. Масалан, жиноят ишлари бўйича Сирғали туман судининг 2025 йил 12 мартдаги 1-1011-2501/33-сонли жиноят иши бўйича «*мутахассиснинг фикрича, вазифаси чекланмаган ва узлуксиз ҳолатда бўлган юқори тезликдаги алоқа ва интернет хизматини таъминлашдан иборат бўлган*

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[3] Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2020 йил 30 июндаги 208-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3275, 2020 йил 30 июнь) билан тасдиқланган Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[4] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

«Starlink UTP-232C/UTR232» русумли қурилмасини электр тармоғи бўлган тақдирда ҳар қандай жойда сунъий йўлдошга бевосита уланиш имкониятига эгалиги сабабли интернет тезлиги юқори даражада бўлиши, Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 22 декабрдаги 801-сонли қарорига асосан «Starlink UTP232C/UTR-232" русумли қурилмаси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланиш тақиқлаганлиги, «Starlink UTP-232C/UTR-232» русумли қурилма сунъий йўлдош тизимига тўғридан-тўғри уланганлиги ҳамда қурилма Ўзбекистон Республикаси ҳимоя алоқа воситалари тизимидан четлаб ўтган ҳолда ишлаганлиги учун уни назорат қилиш имконияти мавжуд эмаслиги, Ўзбекистон Республикасида фойдаланиш мумкин бўлган телекоммуникация тармоқлари рўйхати келтирилган бўлиб, ушбу рўйхатга киритилмаганлиги сабабли «Starlink» қурилмасидан мамлакатимиз ҳудудида фойдаланишга рухсат йўқлиги аниқланганлигини кўрсатиб, ушбу қурилмани сақлагани ва фойдаланганлиги учун судланувчи Р.Касимов ва А.Ўрозовга нисбатан ЖК 2787-моддаси 2-қисмининг «а» банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, жарима жазосини тайинлаган.»[1].

Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[8]- ва 278[9]-моддалари лицензия ёки рухсатнома олмаган ҳолда, кибермухит яратилиши туфайли кибержиноятлар вужудга келади. Ушбу қилмишларнинг кенг миқёсда амалга оширилиши жамоат хавфсизлигини таҳдид остида қолдиради. Шу сабабли қонун чиқарувчи ушбу моддаларда имтиёз сифатида тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмаслиги ҳақида махсус қоидани назарда тутган.

Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[8]-моддасида «*крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш»*[2] жинояти «*крипто-активларни қонунга хилоф равишда олиш, ўтказиш ёки айирбошлаш, белгиланган тартибда лицензия олмасдан крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш ёхуд крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари томонидан аноним крипто-активлар билан операцияларни амалга оширишни шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этиши»*[3] натижасида вужудга келади.

Ушбу турдаги жиноятлар учун **киберхавфсизлик объекти крипто-активлар, уларнинг айланмаси** ҳисобланади.

Қилмишнинг такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, кўп миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, жуда кўп миқдорда, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши жиноятни оғирлиштирувчи белги саналади. Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[9]-моддасидаги «**майнинг фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга ошириш**» *аноним крипто-активлар майнинги билан шуғулланиш ёки белгиланган тартибни бузган ҳолда майнинг фаолиятини*

[1] https://public.sud.uz/report/CRIMINAL.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

амалга ошириш ҳаракатларини маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этиш ёки яширин майнингни амалга ошириш»[1] орқали вужудга келади. Ушбу турдаги жиноятлар учун **киберхавфсизлик объекти майнинг** ҳисобланади. Қилмишнинг «*такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, жуда кўп миқдорда, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилиши*»[2] жиноятни оғирлиштирувчи белги саналади. Бу турдаги жиноятлар орқали электр энергиядан самарасиз фойдаланиш ва ноқонуний бойлик орттириш имконияти мавжуд. Амалиётда бу турдаги жиноятлар учун судлар томонидан кўриб чиқилган ишлар талайгина бўлиб, **public.sud.uz** тизимида жиноят ишлари бўйича судлар томонидан интернет тармоғида эълон қилинган суд қарорлари сони ҳозирда **22** тани ва крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузишга оид жиноят ишлари сони **66** тани ташкил этади. Бироқ, амалиётда Ўз.Рес. ЖК.нинг 278^8-278^9-моддаларида назарда тутилган «*тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди*»[3], деган қоида амалиётда ишламайди. Унинг ўрнига электр тармоқлари корхоналари томонидан берилаётган зарарни ифодаловчи уч йиллик зарарга оид «лоббизм»дан иборат **маълумот тақдим этиш орқали айбдорнинг давлатга келтирган зарарини ифодаловчи қонуний асосланмаган амалиёт шаклланган**. Бу амалиёт туфайли бу иккала турдаги жиноятлар учун электр тармоқлари корхоналари ҳақиқий ҳолатда қанча зарар кўрганлиги ҳолати аниқлаштирилмай қолинмоқда, шу сабабли бу иккала қилмиш туфайли **ҳақиқатда келтирилган зарарни ҳисоблашнинг аниқ методикаси ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ қилиниб**, **ушбу зарарни икки ҳисса миқдорда тўлаган судланувчиларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларни қўллашга оид қоидаларни Жиноят кодексининг 278^8-278^9-моддаларига киритиш мақсадга мувофиқ**. Бундан ташқари, Олий суд Пленуми қарорининг тушунтириши мавжуд эмаслиги сабабли судлар Ўз.Рес. ЖК.нинг 278^8-278^9-моддаларида назарда тутилган қилмишни амалиётда ёки ўғирлик жинояти билан боғлаб Ўз.Рес. ЖК.нинг 169-моддасининг тегишли қисми билан квалификация қилишади ёки бевосита асосий қасд Жиноят кодексининг 278^8-278^9-моддаларида назарда тутилган қилмишга қаратилган деб ушбу моддаларнинг ўзи билан чекланган ҳолда квалификация қилишади. *Мисол учун*, 2025 йил 14 май куни жиноят ишлари бўйича Иштихон туман суди 1-1407-2501/60-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, «*судланувчи Ё.Х. 2019 йил 4 ноябрь кунида Иштихон туман Давлат хизматлари марказидан рўйхатдан ўтган «MORNING GREAT MILK» оилавий корхонаси раҳбари сифатида бошқариб келиб, шунга кўра нодавлат*

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

*тижорат ташкилоти мансабдор шахси бўла туриб, бугунги кунда тадбиркорлик субъектларига яратиб берилган кенг имкониятлардан ўзининг ғараз мақсадлари йўлида фойдаланиб, ноқонуний бойлик орттириш мақсадида туманнинг «Қорақўйли» маҳалласи «Зарафшон» кўчаси, 59В -уйда жойлашган «MORNING GREAT MILK» оилавий корхонаси ҳудудидан бирор-бир ҳужжатларсиз қўшимча равишда бир қаватли бино қуриб, унинг ертўласини 2023 йил декабрь ойида рухсат берувчи ҳужжатларсиз майнинг ускуналари билан махсус жиҳозлаб, ушбу қурилмаларни ишга тушириш учун Вазирлар Маҳкамасининг 31.05.2024 йилдаги «Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 319-сонли қарори талабларига зид равишда, электр тармоқлари корхонаси билан майнинг фаолияти юзасидан шартнома расмийлаштирмасдан, умумий фойдаланишдаги электр энергияси тармоғига тижорат мақсадида ўзбошимчалик билан ҳисоблагичдан ташқари уланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 03.07.2018 йилдаги «Рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3832-сонли қарори талабларига зид равишда яширин майнингни амалга ошириб келиб, Иштихон туман электр тармоқлари корхонасининг **1.947.567.240 сўмлик** жуда кўп миқдордаги электр энергиясини яширин равишда, ўғирлик йўли билан талон-торож қилганлигини аниқлаб, уни Иштихон туман электр тармоқлари корхонасининг берган ёзма маълумотномаси асосида Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 169-моддаси 4-қисми «а» банди ва 278[9]-моддаси 3-қисми «б» банди билан айблаб, ЖКнинг 59-моддаси талабига асосан, жиноятлар мажмуи тариқасида тайинланган жазоларни қисман қўшиш йўли билан ўташлик учун узил-кесил 8 (саккиз) йил 6 (олти) ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлаган. Жиноят ишлари бўйича Нукус шаҳар суди эса, 2024 йил 12 ноябрь куни 1-2301-2404/555-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, худди шунга ўхшаш қилмишни Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[9]-моддаси билан чекланган ҳолда, айбдорга жазо тайинлаган.»*[1].

Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[2]-278[9]-моддаларидаги қилмишларнинг зарурий белгилари юқоридагилардан ташқари Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[1]-моддасида назарда тутилган белгилар ҳам ҳисобланади, бундан киберхавфсизлик объекти мустасно.

Технологиянинг ривожи крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш ва майнинг фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга ошириш орқали содир этиладиган жиноятлар вужудга келишига сабаб бўлган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3150-сон «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари ва улар асосида қабул қилинган қонунчиликка мувофиқ, ушбу соҳа тартибга солиб қўйилган. Хусусан, «***крипто-актив*** *– маълумотларнинг*

[1] https://public.sud.uz/report/CRIMINAL.

тақсимланган реестридаги рақамли ёзувлар йиғиндиси бўлган, қиймати ва эгасига эга мулкий ҳуқуқ бўлиб, ушбу фаолиятнинг крипто-биржа, майнинг-пул, крипто-депозитарий ва крипто-дўкон каби турлари мавжуд. Бунда, ***крипто-биржа*** *– крипто-активларни сотиб олиш, сотиш ва (ёки) айирбошлаш учун электрон платформани тақдим этувчи ташкилот*, ***майнинг-пул*** *– майнинг жараёнини таъминлаш мақсадида ҳисоблаш қувватларини бирлаштирувчи электрон платформани тақдим этувчи ташкилот*, ***крипто-депозитарий*** *– крипто-активларни чиқариш, уларни дастлабки жойлаштириш ва сақлаш бўйича хизматлар кўрсатиш бўйича электрон платформа ва (ёки) техник ва дастурий воситалар мажмуини тақдим этувчи ташкилот ва* ***крипто-дўкон*** *– крипто-активларни сотиб олиш ва (ёки) сотиш юзасидан хизматлар кўрсатиш бўйича электрон платформа ва (ёки) техник ва дастурий воситалар мажмуини тақдим этувчи ташкилот»*[1] саналади. Булар, «*крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари – жисмоний ва юридик шахсларга, шу жумладан уларнинг номидан крипто-активларни сотиб олиш, сотиш, айирбошлаш, сақлаш, чиқариш, жойлаштириш ва бошқариш бўйича хизматларни кўрсатувчи Ўзбекистон Республикасининг резидентлари бўлган юридик шахслар томонидан кўрсатилади ва крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолияти лицензияланади.»*[2].

Демак, «*крипто-активларни қонунга хилоф равишда олиш, ўтказиш ёки айирбошлаш, белгиланган тартибда лицензия олмасдан крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш ёхуд крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари томонидан аноним крипто-активлар билан операцияларни амалга ошириш»*[3] орқали ушбу жиноят содир этилади ва махсус зарур белгиси «*шундай ҳаракатлар учун шахс маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил ичида ушбу харакатни қайта содир этган бўлиши керак, ўша ҳаракатлар такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, кўп ёки жуда кўп миқдорда, хизмат мавқеидан фойдаланиш, бир гуруҳ шахслар томонидан ёки уюшган гуруҳ томонидан ёҳуд унинг манфаатларини олдиндан тил бириктириб содир этилиши»*[4] мазкур жиноятни оғирлаштирувчи белги саналади.

Майнинг фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга ошириш жинояти «*аноним крипто-активлар майнинги билан шуғулланиш ёки белгиланган*

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3150-сон «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ва 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорлари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 14 июлдаги 32-сон буйруғи (рўйхат рақами 3380, 2022 йил 15 август) билан тасдиқланган Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[4] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

тартибни бузган ҳолда майнинг фаолиятини амалга ошириш»[1] орқали содир этилади. Содда қилиб айтганда майннинг криптовалюта яратишга ва криптовалюта кўринишида мукофот олишга қаратилган фаолиятдир[2] ва у қонунчиликка хилоф равишда содир этилган бўлса, бу жиноят тугалланган бўлади. Аноним крипто-актив эса, анонимлик принципи асосида ишловчи (амалга оширилган операциялар ҳақидаги маълумот яширин бўлган) крипто-актив ҳисобланади, умуман олганда, «**майнинг фаолияти** – *ҳисоблаш операцияларини бажариш орқали маълумотларнинг тақсимланган реестрини юритиш, блокларнинг яхлитлигини яратиш ва тасдиқлаш фаолияти*»[3] саналади. Ушбу фаолият рухсатнома асосида амалга ошириладиган фаолият саналади, майнинг билан шуғулланиш мақсадида рухсатнома олган юридик шахс майнер, майнингни амалга оширишга имкон берувчи дастурий-аппарат ва (ёки) техник воситалар майнинг ускуналари саналади. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида яширин майнингни, аноним крипто-активлар майнингини, рўйхатга олинган пайтда кўрсатилган манзилга мос келмайдиган манзилда майнингни амалга ошириш ва майнингни рухсатномасиз амалга ошириш тақиқланади[4]. Шу сабабли ҳам бунинг учун алоҳида жавобгарлик белгиланган. Ушбу жиноятнинг зарурий белгиси ушбу харакат учун шахс маъмурий жазо қўлланилганидан кейин такроран ушбу қилмишни содир этган бўлиши керак. Яширин майнингни амалга ошириш учун шахснинг олдин маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ҳолати аҳамиятга эга эмас. Мазкур ҳаракатларнинг «*такроран ёки хавфли рецидивист томонидан, жуда кўп миқдорда, хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда, бир гуруҳ шахслар томонидан ёҳуд уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб олдиндан тил бириктириб содир этилиши*»[5] жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатлар саналади. Агарда тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди. Монографиянинг 11-иловасида асосий майнинг биткоинларининг статистикаси кўрсатилган.

Жиноят ишлари материалларига кўра, ИИВ Тезкор-қидирув департаменти Киберхавфсизлик маркази ва унинг ҳудудий бўлинмалари томонидан ўтказилган тезкор тадбирлар давомида, «*фуқаро Иштихон туманида «майнинг» фаолияти йўлга қўйиб, 28,9 млрд. сўм ёки 2,2 млн. АҚШ доллардан ортиқ электр энергиясини ўғирлаганлиги аниқланган ва мазкур тадбирлар давомида, ўзидан сохта тадбиркор ясаб олган шахс 186 дона "Antiminer" номли майнинг қурилмаларидан фойдаланиб, сўнгги 3 йил давомида умумий истеъмолдаги*

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Б. Матмуратов. Киберхавфсизлик ва кибержиноятларга қарши курашишда амалга оширилаётган ислохатлар. – Париж. Proceedings of International Conference on Modern Science and Scientific Studies. 2024 й., – P. 60.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[4] Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2023 йил 20 сентябрдаги 68-сон буйруғи билан тасдиқланган "Майнинг фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида"ги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[5] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

электр энергиясига ўзбошимчалик билан уланиб келганлиги маълум бўлган, ҳисоб-китоб натижаларига кўра, электр тармоқларидан ноқонуний фойдаланилиши оқибатида давлат бюджетига 28,9 млрд. сўм миқдорида зарар келтирилганлиги маълум бўлган. Таъкидлаш лозимки, ушбу ўғирланган электр энергияси эвазига 32 мингта хонадонни 1 ой давомида электр энергияси билан таъминлаш мумкин. Шу сабабли ушбу ҳолат бўйича жиноят иши қўзғатилган.»[1].

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи юқоридаги кибержиноятлар учун жазо муқаррарлигини таъминлашда жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар жуда муҳим ўрин тутади. Россия жиноят кодексининг 63-моддасининг 1-банди “т”-кичик бандида ҳам мазкур ҳолат оғирлаштирувчи ҳолат саналади[2]. Шу сабабли Жиноят кодексининг 56-моддасининг биринчи қисмини монография 21-иловасига мувофиқ таҳрирда «п»-банд билан тўлдириш таклиф қилинади. Бунда, бу оғирлаштирувчи ҳолат «*Кодекс Махсус қисмининг моддасида жиноят таркибининг зарурий белгиси сифатида назарда тутилган бўлса, жазо тайинлашда ҳисобга олинмаслигини унутмаслигимиз зарур*[3].

Шу билан бирга, кўриб чиққан суд амалиёти бўйича айтиш керакки, судларда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жавобгарлик ва жазо қўллаш амалиёти турлича, ваҳоланки қонун бир хил бўлса-да, жавобгарликнинг турлича эканлиги ушбу соҳада кескин ислоҳотлар ўтказиш зарурлигини тақозо этади ва ушбу камчиликларни бартараф этишнинг энг самарали йўли фикримизча Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида содир этилаётган жиноятлар бўйича алоҳида қарорини қабул қилиш бугунги кун талаби саналади ва биз ҳам алоҳида Пленум қарори қабул қилиниб, мавжуд амалиёт бирхиллаштирилиши зарур деб ҳисоблаймиз.

2.3-§. Факультатив бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий таҳлили

Факультатив бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятлар монография 12-иловасида назарда тутилган Ўз.Рес. ЖК.нинг тегишли моддаларида назарда тутилган қилмишларнинг, шу билан бирга, тегишли кибержиноят туфайли жамоат хавфсизлигига бевосита таҳдид ёки хавф бўлган кибержиноятларнинг кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ахборот-коммуникация технологиялари ва воситалари орқали содир этилганида вужудга келадиган қилмишлар тушунилади. Ушбу жиноятларнинг зарурий белгилари монография 1-боби 1.1-§-параграфида назарда тутилган. Ушбу бобга оид кибержиноятлар ичида Ўз.Рес. ЖК.нинг 97 ва 103-103[1]-моддаларида назарда тутилган қилмишларнинг асосий бевосита объекти шахснинг ҳаёти бўлса, ушбу қилмишни содир этишда жиноят воситаси

[1] https://t.me/cyber_102/6579.
[2] Россия жиноят кодекси // https://ivo.garant.ru/#/document/10108000/paragraph/464:0.
[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ёки қуроли сифатида шахснинг ахборот-коммуникация технологияларидан ёки унинг воситаларидан фойдаланиши оқибатида ушбу соҳага оид муҳофаза қилинадиган ёки қўриқланадиган объектларга путур етиши мумкин. Шу билан бирга, бу қилмишларнинг ахборот-коммуникация технологияларидан ёки унинг воситалари орқали кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланиб дсодир этилиши натижасида оғир оқибатлар вужудга келиши, хатто шахснинг ҳаётдан кўз юмиши бошқа шахсларнинг ҳам ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилиши орқали жамоат хавфсизлиги таҳлика остида қолади. Шу сабабли ушбу вазиятда жамоат хавфсизлиги асосий бевосита эмас, балки факультатив бевосита объект сифатида намаён бўлади. Ўз.Рес. ЖК.нинг 97- ва 103-103[1]-моддаларида назарда тутилган қилмишларнинг тамомланиш вақти ҳар доим жисмоний шахс биологик мавжудот бўлганлиги учун биологик ўлим одатдаги шароитда содир бўлади ва шахснинг вафот этишига қараб ушбу жиноятлар ўзаро фарқ қилади. Тўғридан-тўғри вафот этиши оқибатида киберқотиллик, суиқасд орқали киберсуицид, киберсуиқасдга уриниш орқали ўзини ўзи ўлдиришга ундаш жинояти вужудга келади. Шу жараёнда унутмаслик зарурки, шахснинг биологик ўлимини вужудга келтирувчи таъна аъзоларига етказилган тан жароҳати шахснинг ҳаётини ташкил этувчи муҳим таъна аъзолари бош, юрак ва бошқа қисмлари сунъий бўлиши мумкин, бироқ уларга етказилган шикаст ёки зарарнинг оқибатида шахс кибермуҳитда эмас, балки одатдаги шароитда вафот этганлиги сабабли ушбу қилмишларни тўлиқ кибермуҳитда содир бўлади, деб таъкидлай олмаймиз. Зеро, **юрак тўхтаганда мия ўлимигача бўлган вақт 4-6 дақиқани ташкил қилади**[1]. Шунингдек, роботга ўрнатилган сунъий интеллект орқали ёки роботга инсон ёки сунъий интеллект томонидан берилган буйруқ асосида инсон ўлдиришга қасд қилган бўлса ёки тиббий техник воситалар орқали беморнинг ҳаёти ва соғлиғи назорат қилинаётган бўлса, унга ташқи томондан ёки тиббий техник воситага ўрнатилган сунъий интеллект технологияси шахснинг биологик ўлимига сабабчи бўлса ёки унинг киберҳужуми оқибатида шахс биологик ўлган тақдирда ҳам жиноят кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда эмас, балки одатдаги шароитда тамом бўлади. Шунга кўра, киберқотиллик жинояти кибермуҳит ёки кибермаконда эмас, балки кибермуҳит ёки кибермакондан фойдаланиб киберҳужум амалга оширилганидан кейин одатдаги шароитда шахснинг вафот этиши билан жиноят тамомланишига алоҳида аҳамият бериш ва ушбу ўлим вужудга келган **сабабий боғланишга** эътибор қаратиш зарур. Шуни ҳам унутмаслик зарурки, роботлар ёки сунъий интеллект орқали кибержиноят содир этилса, миллий жиноят қонунчилигимизда жисмоний шахснинг жиноий жавобгарлиги белгилаб қўйилганлиги сабабли роботлар ёки сунъий интеллект жиноий жавобгарликка тортилмайди. Бироқ, сунъий интеллект мавжуд бўлган робот ўзини қайта дастурлаш орқали жиноят этилганлиги исботланса, шахс қилмишни айбсиз ҳолда содир этган деб топилади. Шахсга келтирилган зарар эса, сунъий интеллект мавжуд бўлган робот ҳисобидан ундирилишига оид муносабатлар фуқаролик қонунчилиги билан

[1] N. Paradis, H.Halperin, K. Kern, V.Wenzel, D. Chamberlain. The Science and Practice of Resuscitation Medicine. – Cambridge University Press, 2007 y. – P. 1338.

белгиланади. Шунингдек, шахсни телекоммуникация ва Интернет тармоғида намойишкорона кўрсатган ҳолда, қасддан одам ўлдириш жинояти жабрланувчининг яқинлари ва кенг жамоатчиликка оғир оқибатларга олиб келиши ва жамоат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин. Шу сабабли 97-, 104-, 105- ва 109-моддаларидаги ҳолатларни умумий қилиб, монографиянинг 20-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этиш орқали бу турдаги қилмишлар учун жавобгарликни белгилаб қўйиш мақсадга мувофиқ.

Ўз.Рес. ЖК.нинг 104-105, 109 ва 110-моддаларининг асосий бевосита объекти шахснинг соғлиғи бўлса, Ўз.Рес. ЖК.нинг 112 ва 115^{1}-моддаларининг асосий бевосита объекти шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, Ўз.Рес. ЖК.нинг 119-моддасининг асосий бевосита объекти шахснинг жинсий эркинлиги, Ўз.Рес. ЖК.нинг 125, 126^{1}, 127, 127^{1}, $129\text{-}130^{1}$, 131, $133\text{-}133^{2}$-моддаларининг асосий бевосита объекти оилага, ёшларга ва ахлоққа оид муҳофаза қилинадиган ижтимоий муносабатлар, Ўз.Рес. ЖК.нинг 135-136-, 139-140-моддаларидаги қилмишнинг асосий бевосита объекти шахснинг озодлиги, шаъни ва қадр-қиммати, Ўз.Рес. ЖК.нинг $141\text{-}141^{3}$, 143, 145-147, 149-моддаларидаги қилмишнинг асосий бевосита объекти фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликлари, Ўз.Рес. ЖК.нинг 150-151, 153-154, 155, 155^{2}, 156-моддаларидаги қилмишнинг асосий бевосита объекти тинчлик ва инсониятнинг хавфсизли, Ўз.Рес. ЖК.нинг 157-162-моддаларидаги қилмишнинг асосий бевосита объекти Ўзбекистон Республикаси манфаатлари, Ўз.Рес. ЖК.нинг 165-, 167-169-, 171 ва 173-моддаларидаги қилмишнинг асосий бевосита объекти ўзга шахснинг мол-мулки ва мулкий ҳуқуқлари, Ўз.Рес. ЖК.нинг 176-178, 185^{1}-моддаларидаги қилмишнинг асосий бевосита объекти иқтисодиёт асосларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар, Ўз.Рес. ЖК.нинг 186, 186^{3}, 188^{1}, 189, 191-192-моддаларидаги назарда тутилган қилмишнинг асосий бевосита объекти хўжалик фаолияти соҳасини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар, Жиноят кодексининг 192^{9}-192^{11}-моддаларида назарда тутилган қилмишнинг асосий бевосита объекти хўжалик юритувчи субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари, Ўз.Рес. ЖК.нинг 196 ва 197-моддаларидаги қилмишнинг асосий бевосита объекти муҳофазаланган атроф табиий муҳит, экология, ер ва ер ости бойликларининг муҳофазаси, Ўз.Рес. ЖК.нинг 205-207, 209-215, 216^{1}, 217, 220, 227^{1}-228, 229-моддаларида назарда тутилган қилмишнинг асосий бевосита объекти бошқарув тартиби, Ўз.Рес. ЖК.нинг 230^{1}-моддасидаги қилмишнинг асосий бевосита объекти одил судлов, Ўз.Рес. ЖК.нинг 263 ва 267-моддаларидаги қилмишнинг асосий бевосита объекти транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлиги, Ўз.Рес. ЖК.нинг 271, 273-274-моддаларидаги қилмишнинг асосий бевосита объекти гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддаларининг қонуний муомаласи, Ўз.Рес. ЖК.нинг 277-278-моддаларидаги қилмишнинг асосий бевосита объекти жамоат тартиби, Ўз.Рес. ЖК.нинг 296-297-моддаларида назарда тутилган қилмишларнинг асосий бевосита объекти ҳарбий мулк ва унинг фойдаланиш тартиби, Ўз.Рес. ЖК.нинг 301-моддасида назарда тутилган қилмишнинг асосий бевосита объекти ҳарбий бошқарув ёки ҳарбий хизматни ўташ тартибига оид ижтимоий муносабатларга нисбатан

киберҳужум кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ахборот-коммуникация технологиялари ва воситалари орқали содир этилганида вужудга келади. *Масалан*, Ўз.Рес. ЖК.нинг 127-моддасида назарда тутилган «*вояга етмаган шахсни спиртли ичимликлар истеъмол қилишга, гиёвандлик воситалари ва уларнинг аналоглари ёки психотроп ҳисобланмаган, лекин кишининг ақл-идрокига таъсир қиладиган восита ва моддаларни ёки гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар истеъмол этишга жалб қилиш»*[1] жинояти объектив томондан бугунги кунда кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда амалга ошириш, айниқса даркнетда амалга ошириш жуда қулай саналади, сабаби ушбу муҳит ёки маконда амалга оширилаётган вақтида жиноят изларини кибержиноятчи тезликда йўқ қилиши, вужудга келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни баҳолаб бориши, иқтисодий жиҳатдан самарали эканлиги, тезлик жиҳатдан тезкорлиги, энг муҳими аноним қолиш мумкинлигининг ўзи бу тоифадаги қилмишларнинг кўпроқ содир этилишига шарт-шароит яратиб беради. Мазкур ҳолатда, ушбу кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон ахборот-коммуникация технологиялари орқали вужудга келтирилади ва бу усул сифатида жиноятнинг зарурий белгиси ҳисобланади. Таъкидлаш керакки, миллий жиноят қонунчилигимизда бу тоифадаги жиноятларни квалификация қилишда унинг телекоммуникация ёки Интернет тармоғида содир этилиши жиноятнинг зарурий белгиси сифатида инобатга олинмаган бўлса ҳам Жиноят кодексининг 127-моддаси тўртинчи қисми «б»-бандига асосан, «*мазкур қилмишнинг икки ёки ундан ортиқ вояга етмаган шахсга нисбатан содир этилиши*»[2] ҳолати, виртуал муҳитда шахслар доираси деярли барча ҳолатда икки ёки ундан ортиқ бўлиши мумкинлиги сабабли жиноятнинг тармоқ орқали содир этилганлиги ҳолатига алоҳида аҳамият бериш даркор. Сабаби ушбу ҳолат жамоат хавфсизлигига оғир оқибатлар олиб келиши юзасидан мазкур тоифадаги жиноятларда жамоат хавфсизлиги асосий бевосита объект эмас, балки факультатив бевосита объект сифатида муҳим ўрин тутади.

Ўз.Рес. ЖК.нинг 133[1]-моддасида назарда тутилган «*инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарининг олди-сотдиси*»[3] жинояти бугунги кунгача фақат даркнетда содир этиларди, бироқ телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб амалга оширилган бу қилмишларнинг кўпайганлиги ва бунда бу технологиялар жиноятни кенг қамровли ва тезкорлик билан амалга оширишда самарали восита эканлиги сабабли бу тоифадаги жиноятларни квалификация қилишда қуйидагиларга аҳамият бериш керак, яъни кибержиноятчи бу тоифадаги жиноятларни амалга оширишда воситачи ролини ўйнайди, у жабрланувчига ҳам, инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималари зарур бўлган шахсга нисбатан ҳам кибертаҳдидни амалга ошириши ёки инсон аъзоларининг ва (ёки) тўқималарини буюртма қилган шахсларнинг буюртмалари асосида жабрланувчиларга ёки

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

уларнинг яқинларига киберҳужумни амалга ошириши мумкин. Бу турлича ҳолатда содир этилиши мумкин ва бу жиноятни амалга оширишда кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон жиноятни содир этиш жойи саналади. Шу сабабли ушбу муҳит, шу жумладан, макон бугунги кунда даркнет номи билан ҳам машҳур бўлиб, юқорида 2.1-§.-параграфда кибербуллинг ҳақида сўз юритилган бўлса, ушбу параграфда даркнет ҳақида ҳам тўхталиб ўтамиз. Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этиладиган бошқа жиноятларнинг бир қисми даркнет билан боғлиқ жиноятлар сифатида ҳам алоҳида ажралиб туради ва у ҳақида қисча маълумот монография 27-иловасида назарда тутилган.

2-боб бўйича хулосалар

2-боб бўйича 13-иловага мувофиқ хулоса қилинади.

III БОБ. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛУВЧИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ХОРИЖИЙ ВА ХАЛҚАРО ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛИ

3.1-§. Хорижий давлатларда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатлари

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жавобгарликнинг миллий ва хорижий тажрибаси ҳамда жиноятнинг тугалланганлик ҳолати ҳамда предмети бўйича таҳлил монографиянинг 14-иловасида кўрсатилган бўлиб, ушбу жадвал орқали мазкур жиноятларнинг хорижий тажрибасини билиш мумкин. Таъкидлаш керакки, ушбу таҳлил бугунги кун ҳолати бўйича бўлиб, ахборот-коммуникация технологияларининг ривожи туфайли миллий ва хорижий давлатлар қонунчилигига асосан у ўзгариши мумкин. Хорижий давлатлар ичида Албаниянинг тажрибаси ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлиб, ушбу давлат Жиноят кодексининг 156-моддасида қасддан электр, телеграф, телефон, радио телевизион тармоқ ёки бошқа ҳар қандай алоқа тармоғини қасддан вайрон қилиш ёки зарар етказганлик учун жарима ёки озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ жавобгарлик белгиланган. Ўз.Рес. ЖК.нинг 263-моддасида ҳам бу бўйича алоҳида жавобгарлик белгиланган, бироқ ушбу модда биринчи қисми диспозициясидаги «алоқа йўллари» ва «алоқа ускуналари»ги оид тушунчалар бугунги кунда эскирган тушунча ҳисобланади ва у Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида» 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонунидаги «алоқа линияси», «телекоммуникация воситалари»га оид тушунчаларнинг таърифига муҳтож бўлмоқда, қолаверса, «алоқа йўллари» тушунчаси амалдаги халқаро стадантлар ва ҳужжатларда, техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларда ҳам мавжуд эмас, у ушбу ҳужжатларда «алоқа линияси» дея, «алоқа ускунаси» эса, «телекоммуникация воситалари»нинг таркибий қисмига киритилган. Шунингдек, Ўз.Рес. ЖК.нинг 263-моддаси матнининг рус тили ва ўзбек тилидаги таҳрирлари ўртасида жиддий тафовут мавжуд, жумладан, рус тили матнидаги «***средств связи***» сўзлари ўзбек тилига «***алоқа йўллари***» сўзлари сифатида таржима қилинган, бироқ бундай тушунча ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид қонунчиликда мавжуд эмас. Солиқ кодекси ва янгитдан қабул қилинган Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида»ги Қонунда ҳам «***алоқа линияси***» тушунчаси назарда тутилган, бироқ «***алоқа йўллари***» назарда тутилмаган. Хитой Жиноят кодексининг 124-моддасида «*жамоат фойдаланишидаги телевизион ва радио узатиш ускуналари, почта ва телеграф ускуналарининг шикастланиши жамоат хавфсизлигига зарар етказганлиги*[1] учун жавобгарлик белгиланган. Айнан Ўз.Рес. ЖК.нинг 263-моддасидаги юқоридаги қоиданинг нотўғри қўлланилиши ва таҳрири туфайли ўтган вақт давомида бу модда бўйича айнан алоқа линиясига оид ҳолат бўйича бирорта ҳам жиноий иш юритилмаган. Шу сабабли Ўз.Рес.

[1] https://chinahelp.me/criminal/1599-2.

ЖК.нинг 263-моддасининг биринчи қисми диспозициясини монография 21-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ.

Албания Жиноят кодексининг 192/b-моддасида «*компьютер узатмалари ва дастурларига аралашганлик*» [1] учун жавобгарлик белгиланган ва бу билан исталган кибержиноятлар учун битта жавобгарлик белгиланган. Қоғозистон жиноят кодексининг 205-моддасида «*ахборотга, ахборот тизимига ёки телекоммуникация тармоғига рухсатсиз кириш*»[2] учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, унга кўра, «*фуқаролар ёки ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ёки жамият ёки давлатнинг қонун билан муҳофаза қилинадиган манфаатларини жиддий равишда бузилишига олиб келадиган электрон оммавий ахборот воситаларида, ахборот тизимига ёки телекоммуникация тармоғига қасддан ноқонуний кириш, худди шу ҳаракат ахборот-коммуникация инфратузилмасининг ўта муҳим объектларига нисбатан содир этиш*»[3] учун жавобгарлик белгиланган. Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[2]-моддасида бу бўйича алоҳида жавобгарлик мавжуд. Албания Жиноят кодексининг 275-моддасида «*учинчи шахснинг тинчлиги ва осойишталигини бузиш учун қасддан телефон қилганлик*» [4] учун жавобгарлик белгиланган. Бироқ, бунинг учун амалиётда муаммолар талайгина бўлса ҳам, миллий қонунчилигимизда ҳеч бўлмаса маъмурий жавобгарлик белгиланмаган ва исботловчи далиллар бўлсагина амалиётда бу бўйича умуман жиноий жавобгарлик масаласи безорилик жинояти бўйича кўтарилмаган. Бундан ташқари, ижтимоий тармоқлар ва мессенжерлар орқали бугунги кунда зиддиятлари ҳолатлар кўпаймоқда ва айнан уларда одоб-ахлоқ қоидалари, улардан фойдаланиш тартибига риоя қилмаслиги натижасида фойдаланувчилар ўртасида низолар кўпаймоқда. Шу сабабли Ўз.Рес. ЖК.нинг 277-моддаси биринчи қисми диспозициясини монография 21-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ.

Арманистон жиноят кодексининг 199-моддасида «*тижорат ёки банк сирини ташкил этувчи алоқаларни тинглаш, компютер ёки дастурий таъминот тизимларига ёки тармоққа ноқонуний кириш, махсус техник воситалардан фойдаланиш»* [5] учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Грузия жиноят кодексининг 158-моддасида «*компютер тизимидаги компютер маълумотларини ёки шахсий алоқа пайтида тизимдан узатиладиган компютер маълумотларини ёки электромагнит тўлқинлар – техник воситалардан фойдаланган ҳолда, бундай маълумотларни ташувчилар ёки шахсий алоқа ёзувларини ноқонуний сақлаш, техник воситалар ёки компютер ёрдамида олинган маълумотладан ноқонуний фойдаланиш»*[6] учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[3]-моддасида алоҳида бу бўйича жавобгарлик мавжуд. Қолаверса, Ўз.Рес. ЖК.нинг 167-169-моддаларида киберрастрата,

[1] https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/56.
[2] https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000226.
[3] https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000226.
[4] https://www.wipo.int/wipolex/ru/legislation/details/56.
[5] https://www.refworld.org/ru/legal/legislation/natlegbod/1999/ru/103652.
[6] https://www.refworld.org/ru/legal/legislation/natlegbod/1999/ru/103652.

киберфирибгарлик, киберўғрилик жиноятлари учун жавобгарлик белгиланган. Хусусан, норма ижодкорлигидаги таклифимиз асосида Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2022 йил 19 октябрдаги ЎРҚ–794-сон Қонуни билан Жиноят кодексининг 168-моддасининг учинчи қисми «г» бандида «*ахборот тизимидан, шу жумладан ахборот технологияларидан фойдаланиб фирибгарлик*» ва 169-модда учинчи қисмининг «б» бандида «*қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот тизимига кириб ёки ундан фойдаланиб ўғрилик жиноятини содир этганлик*» учун жиноий жавобгарлик белгилаб қўйилган[1]. Шу билан бирга, Ўз.Рес. ЖК.нинг 191-моддасида «*сир тутиладиган фан-техника, ишлаб чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан фойдаланиш мақсадида ҳар қандай усулда тўплаш*»[2] учун жиноий жавобгарлик белгиланган, бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларининг ривожланаётганлиги ва рақамли далилларнинг мақоми[3] норма ижодкорлигидаги таклифлар асосида белгиланганлиги сабабли ушбу моддани қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Жиноят ишлари материалларига кўра, *«Telegram» мессенжерида фарғоналик 16 ёшли Х.Й. сохта ҳавола жўнатиб, фуқароларни, шу жумладан, фарғоналик 48 ёшли М.Ф.ни қизиқтириб, банк карта маълумотларини қўлга киритиш орқали пулларни ўғирлаган. Мазкур ҳолат юзасидан ЖКнинг 169-моддаси учинчи қисми «а» ва «б» бандлари билан жиноят иши қўзғатилган*[4]. Шунингдек, *«Telegram» мессенжери орқали «Iphone 14pro» сотилади дея андижонлик*

27 ёшли аёл М.О. ёлғон эълон жойлаштирган ва эълонга ишонган жабрланувчи наманганлик А.Т. билан телефон орқали гаплашиб, олдиндан 1.900.000 сўм пулни ўтказиб олган ва ёзишмаларни ўчириб юбориб, унинг қўнғироқларига жавоб бермай, қора рўйхатга киргазиб қўйган. Мазкур ҳолат юзасидан ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми билан М.О.га нисбатан жиноят иши қўзғатилган[5]. Таъкидлаб ўтиш керакки, Озорбойжон Жиноят кодексининг 30-боби «*кибержиноятлар*» деб номланади ва унда 271-модда – «*компютер тизимига рухсатсиз кириш*», 272-модда – «*компютер маълумотларини ноқонуний олиш*», 273-модда – «*компютер тизимига ёки компютер маълумотларига ноқонуний аралашиш*», 273-1-модда – «*кибержиноятлар комиссияси учун ишлаб чиқарилган маблағлар айланмаси*», 273-2-модда –

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2022 йил 19 октябрдаги ЎРҚ–794-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ–1003-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[4] https://t.me/kiberjinoyatuz/35.

[5] https://t.me/kiberjinoyatuz/31.

«*компютер маълумотларини сохталаштириш*» учун жиноий жавобгарлик белгиланган[1]. Арманистон Жиноят кодексининг 23-боби «*жамоат жавфсизлиги*» ва 24-боби «*компьютер хавфсизлиги*»га бағишланган бўлиб, «*компютер ахборот тизимига рухсатсиз кириш (кириш), компютер маълумотларини ўзгартириш, компьютер саботажи, компютер маълумотларини ноқонуний олиш, компютер маълумотларига рухсатсиз кириш (кириш) учун махсус воситаларни ишлаб чиқариш ёки сотиш, зарарли дастурларни ишлаб чиқиш, ишлатиш ва тарқатиш, компютер тизими ёки тармоғининг ишлаш қоидаларини бузиш»* учун Арманистон жиноят кодексининг 257-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган[2]. Грузия жиноят кодексининг 35-боби Озорбойжон жиноят кодексига ўхшаб «*кибержиноятлар*» деб номланган бўлиб, ушбу бобда 284-модда – «*компютер тизимига рухсатсиз кириш*», 285-модда – «*компютер маълумотлари ёки (ва) компютер тизимларидан ноқонуний фойдаланиш*», 286-модда – «*компютер маълумотларига ёки (ва) компютер тизимига тажовуз қилиш*» учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган[3]. Белоруссия жиноят кодексининг 31-боби «*компьютер хавфсизлигига қарши кибержиноятлар*» деб номланган ҳолда, унда 349-модда – «*компютер маълумотларига рухсатсиз кириш*», 350-модда – «*компютер маълумотларини йўқ қилиш, блокировка қилиш ёки ўзгартириш»*, 352-модда – «*компютер маълумотларини ноқонуний олиш*», 354-модда – «*зарарли компютер дастурларини ёки махсус дастурий таъминотни ишлаб чиқиш, ишлатиш, тарқатиш ёки сотиш»*, 355-модда – «*компютер тизими ёки тармоғининг ишлаш қоидаларини бузиш»* учун жиноий жавобгарлик белгиланган[4]. Қозоғистон Жиноят кодексининг 7-боби эса, «*алоқа ва ахборотлаштириш соҳасидаги жиноятлар*»[5] деб номланган ва ушбу ном техник томондан олиб қаралса, тўғрироқдир. Сабаби ахборот технологиясига техник томондан алоқа соҳаси тўлиқ кирмайди. Мисол учун, Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[3]-моддасида «*телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш*» ва 278[7]-моддасида «*телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш*»[6] учун жиноий жавобгарлик белгиланган ва у техник томондан ахборот технологияси соҳасига кирмайди. Бироқ, миллий жиноят қонунчилигимизда ахборот технологиялари соҳасига оид жиноятлар алоҳида туркумланмаган ва Ўз.Рес. ЖК.нинг XX[1]-боби «*Ахборот технологияси соҳасидаги жиноятлар*»[7], деб номланади. Шунингдек, Ўз.Рес. ЖК.да XX[1]-бобнинг турган бўлими ҳам нотўғри жойда турибди, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар фақатгина Ўз.Рес. ЖК.нинг олтинчи бўлимидаги жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига

[1] https://www.migration.gov.az/content/pdf/7d878287d2a6aa187238b93c7df26ef3.pdf.
[2] http://www.parliament.am/legislation.php?ID=1349&lang=rus&sel=show.
[3] https://www.refworld.org/ru/legal/legislation/natlegbod/1999/ru/103652.
[4] https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275.
[5] https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000226.
[6] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[7] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қарши жиноятлар эмаслиги, балки бошқа бўлимларга оид кибержиноятлар ҳам жамоат хавфсизлигига тааллуқли эканлиги илмий-амалий томондан асослаб берилди. Шу билан бирга, ушбу бўлим фақатгина жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар, деб номланиб, ушбу бўлим дастлаб иккига бўлинган ҳолда, яъни «жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар» ва «жамоат тартибига қарши жиноятлар», – деб номланган ҳолда, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларни алоҳида бобда қайд этилганлиги мантиқан нотўғри эканлигини ифодалайди. Қирғизистон Жиноят кодексининг 40-боби «Киберхавфсизликка қарши жиноятлар» [1], Озорбойжон Жиноят кодексининг 30-боби «Кибержиноятлар»[2], Тожикистон Жиноят кодексининг XII бўлими «Ахборот хавфсизлигига қарши жиноятлар» [3], Туркманистон Жиноят кодексининг XIII бўлими «Компьютер ахбороти соҳасидаги жиноятлар»[4], Белоруссия Жиноят кодексининг XII бўлими «Компьютер хавфсизлигига қарши жиноятлар»[5], Арманистон Жиноят кодексининг 9-бўлими «Жамоат хавфсизлиги, компютер ахборот хавфсизлиги, жамоат тартиби, жамоат ахлоқи ва соғлиқни сақлашга қарши жиноятлар»[6], деб номланади. Шу сабабли Ўз.Рес. ЖК.нинг XX[1]-бобини дастлаб алоҳида бўлим олтинчи кичик бўлимга ажратиб, унга иккита қўшимча боб киритиш ва уни монография 21-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ. Шунингдек, ушбу бобдаги жиноятлар, шу билан бирга, монографиянинг 2-бобида назарда тутилган жиноятлар жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар ҳисобланади ва **уларни алоҳида бўлимга ажратиш мақсадга мувофиқ эмас.** Шу билан бирга, **жамоат хавфсизлигига оид муносабатлар миллий жиноят қонунчилигимизда тўлиқ қамраб олинмаган ва бу борада алоҳида соҳавий қонун қабул қилиш мақсадга мувофиқ**. Шу билан бирга, Арманистон жиноят кодексининг 263-моддасида, Белоруссия жиноят кодексининг 343[1]-моддасида[7] вояга етмаганларни компютер дастурлари, кино ва видео материаллар, порнографик тасвирлар ёки порнографик характердаги бошқа объектларни яратишда иштирок этишга мажбурлаш, шунингдек, компютер тизими орқали болалар порнографиясини тақдим этиш, Ўз.Рес. ЖК.нинг 130-моддасида эса, «телекоммуникация ёки интернет тармоғида шундай маҳсулотни жойлаштирганлик»[8] учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Арманистон жиноят кодексининг 307-моддасида «давлат сирларини ўз ичига олган ҳужжатлар ёки компютер маълумотлари билан ишлаш қоидаларини бузиш» учун жиноий жавобгарлик белгиланган[9]. Бироқ, Ўз.Рес. ЖК.нинг 162-моддасида

[1] https://mvd.gov.kg/rus/ministry/normative-bases/22.
[2] https://www.migration.gov.az/content/pdf/7d878287d2a6aa187238b93c7df26ef3.pdf.
[3] https://continent-online.com/Document/?doc_id=30397325.
[4] https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=31295286&pos=411;-44#pos=411;-44.
[5] https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275.
[6] http://www.parliament.am/legislation.php?ID=1349&lang=rus&sel=show.
[7] https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275.
[8] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[9] http://www.parliament.am/legislation.php?ID=1349&lang=rus&sel=show.

«давлат сирларини ошкор қилиш»[1] учун жиноий жавобгарлик белгиланган ҳолда, ахборот тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ёки бошқа ахборот технологиялари, рақамли технологиялар ёки сунъий интеллект технологияларидан фойдаланиб, давлат сирларини ошкор қилганлик оғирлаштирувчи ҳолат бўлса-да, бунинг учун алоҳида жавобгарлик назарда тутилмаган. Шу сабабли монография 21-иловасига мувофиқ таҳрирда бу бўйича алоҳида жавобгарликни белгилаш таклиф қилинади.

Арманистон Жиноят кодексининг 181-моддасида «комьпютер технологияларидан фойдаланган ҳолда бошқа одамларнинг мулкини ўғирлаганлик»[2] учун жиноий жавобгарлик белгиланган, бироқ Ўз.Рес. ЖК.нинг 169-моддасидаги таҳрир Арманистон Жиноят кодексининг 181-моддасига нисбатан анча яхшироқ ва тўликроқдир. Озорбойжон Жиноят кодексининг 147-148- ва 323-моддаларида, Белоруссия Жиноят кодексининг 367-моддасида[3] «интернет ахборот ресурсларида туҳмат ёки ҳақорат мазмунидаги ахборотни тарқатиш» учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ўз.Рес. ЖК.нинг 139-140- ва 158-моддаларида ҳам «телекоммуникация ёки интернет тармоғида туҳмат ва ҳақоратга оид ахборотни жойлаштириш»[4] учун жавобгарлик белгиланган ва бу билан тарқатмаса ҳам ахборотни жойлаштириш харакатининг амалга оширилиши жиноятнинг тамомланиши сифатида Ўзбекистонда инобатга олинади, Озорбойжонда эса, жойлаштирилган ахборот қачонки тарқатилсагина, жиноят тамомланган бўлади. Ушбу вазиятда, тарқатиш ҳаракати телекоммуникация тармоғида дастлаб жойлаштириш ҳаракати билан бошланганлиги сабабли ўзининг аҳамиятини йўқотганлиги сабабли миллий жиноят қонунчилигимизда бу бўйича ижобий ютуқ мавжуд. Бугунги кунда қилмиши бўйича жиноятчи ўзини тополмаслиги учун сохта профил, ном ёки ҳисоблар орқали шахсларга туҳмат қилиш ёки ҳақорат қилиш ҳолатлари кўпаймоқда, шу сабабли норма ижодкорлигидаги таклифлар асосида «*Ўзбекистон Республикаси Президентини омма олдида телекоммуникация тармоқларидан ёки Интернет бутунжаҳон ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда уни ҳақоратлаш ёки унга туҳмат қилиш*» учун Жиноят кодексининг 158-моддасининг учинчи қисмида ва «*телекоммуникациялар тармоқларидан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидан, шунингдек матнни кўпайтиришнинг босма ёки бошқа усулларидан фойдаланган ҳолда оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш»* учун Жиноят кодексининг 244-моддасининг иккинчи қисми «б»-банди билан жиноий жавобгарлик белгиланиб[5], Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 11 декабрда

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] http://www.parliament.am/legislation.php?ID=1349&lang=rus&sel=show.

[3] https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275.

[4] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[5] Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2021 йил 30 мартдаги ЎРҚ–679-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қабул қилинган «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги 560-II-сонли Қонунининг 3-моддаси учинчи хатбошисига «*ахборот ресурси — ахборот тизими таркибидаги электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси, шу жумладан ахборот тизимларида очиқ шаклда жойлаштириладиган ёхуд эълон қилинадиган аудио-, видео-, график ва матнли ахборот*»[1] деган тушунчаси киритилиб, 12[1]-моддаси янги таҳрирда баён этилди[2]. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш керакки, Озорбойжонда бунинг учун Жиноят кодексининг 148-1-моддасида «*сохта фойдаланувчи номлари, профиллари ёки ҳисоблари ёрдамида Интернет-ахборот ресурсида туҳмат ёки ҳақорат қилиш*»[3] орқали алоҳида жавобгарлик тури кўрсатилган ҳолда, бу тоифадаги қилмиш учун ҳам алоҳида жавобгарлик белгиланган. Шу сабабли бу тоифадаги жиноятларнинг содир этилиши нафақат шахс манфаатларига, балки жамият манфаатларига зид эканлиги сабабли тармоқдан ноқонуний фойдаланиш ёки тармоқда ноқонуний ахборот жойлаштириш, тарқатиш орқали жамоат хавфсизлиги ва тартибига зид харакатларни амалга оширганлик учун алоҳида жавобгарлик масаласини ҳал қилиш мақсадга мувофиқдир. Шу нуқтаи назардан Жиноят кодексининг амалдаги
278[7]-моддаси, таклиф қилинаётган 278[9]-моддасида телекоммуникация тармоғидан тарқатиш йўл қўйилмаслиги белгиланган жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи қонунга хилоф равишда ахборотни тарқатиш, тарқатишга йўл қўйиш, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлганлик учун монография 21-иловасига мувофиқ Ўз.Рес. ЖК.га ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқ.

Ўз.Рес. ЖК.нинг 110-моддасида «*муттасил равишда дўппослаш ёки бошқача ҳаракатлар билан қийнаш*»[4] учун жавобгарлик белгиланган, бироқ қийнаш руҳий босим ёки психологик зўравонлик кўринишида ҳам содир этилишига эътибор қаратилмаган. Шу сабабли норма ижодкорлигидаги таклифимиз асосида Ўз.Рес. ЖК.нинг 141[3]-моддасида «*шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото- ва (ёки) видеотасвирини ўз ичига олган ахборотни унинг розилигисиз тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ёхуд бундай ахборотни тарқатиш билан қўрқитиш*» *учун жиноий жавобгарлик белгиланиб, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ЎРҚ–561-сонли Қонунининг 3-моддаси ўн иккинчи*

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2021 йил 30 мартдаги ЎРҚ–679-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2021 йил 30 мартдаги ЎРҚ–679-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] https://www.migration.gov.az/content/pdf/7d878287d2a6aa187238b93c7df26ef3.pdf.

[4] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

хатбошисига ***таъқиб этиш*** *— жабрланувчининг хоҳиш-иродасига қарши, унинг икки ёки ундан ортиқ марта қаршилик кўрсатганлигига ёхуд огоҳлантирганлигига қарамай содир этиладиган, жабрланувчини қидиришда, у билан оғзаки, телекоммуникация тармоқлари воситасида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали ёки бошқа усулларни қўллаш йўли билан мулоқотга киришишда, унинг иш, ўқиш ва (ёки) яшаш жойига боришда ифодаланган ҳамда жабрланувчида ўз хавфсизлиги учун хавотирлик қўзғатадиган ҳаракатлар эканлиги»*[1] белгилаб қўйилди. Озорбойжон жиноят кодексининг 133-моддасида эса, «*руҳий қийноқлар*» масаласига ҳам алоҳида эътибор қаратилган[2]. Монографияда биз кибербуллингнинг психологик жиноят эканлигини алоҳида таъкидлаб ўтган эдик, сабаби кибербуллинг амалга ошиши оқибатида жабрланувчининг шахсиятида ва онгида руҳий ўзгаришлар бўлади, шу сабабли Ўз.Рес. ЖК.нинг 110-моддасига телекоммуникация ва Интиернет тармоғидан фойдаланиб, мазкур қилмишни содир этганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Грузия жиноят кодексининг 157-моддасида «*шахсий ёки оилавий сирларни, шахсий ҳаётни акс еттирувчи маълумотларни ёки шахсий маълумотларни Интернет орқали, шу жумладан ижтимоий тармоқлар, оммавий эшиттириш ёки бошқа оммавий нутқ орқали тарқатиш, улардан ноқонуний фойдаланиш»*[3] учун алоҳида жиноий жавобгарлик белгиланган. Бироқ, бугунги кунда кўпайиб бораётган Жиноят кодексининг 141-1-моддасидаги «*шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда йиғиш ёки тарқатиш*»[4] жинояти башарти телекоммуникация ёки Интернет тармоғи орқали тарқатиладиган бўлса, оғир ҳолатларга олиб келиши мумкинлиги етарлича эътибор қаратилмаган ва ушбу қилмишнинг тармоқ орқали содир этилиши мумкинлигини инобатга олиб, ЖКнинг 141-моддасига қўшимча равишда шахснинг шахсий ёки оилавий сирини ташкил этувчи шахсий ҳаёти тўғрисидаги маълумотларни унинг розилигисиз қонунга хилоф равишда телекоммуникация ёки Интернет тармоғига жойлаштирганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Грузия жиноят кодексининг 324[1]-моддасида «*кибертерроризм, яъни қонуний ҳимояланган компютер маълумотларини ноқонуний олиш, ундан фойдаланиш ёки фойдаланиш таҳдиди, аҳолини қўрқитиш ёки (ва) ҳокимиятга таъсир қилиш мақсадида содир етилган жиддий оқибатларга олиб келиши»*[5], Белоруссия жиноят кодексининг 289[1]-моддасида эса, «*Интернет тармоғида*

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2023 йил 11 апрелдаги ЎРҚ–829-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] https://www.migration.gov.az/content/pdf/7d878287d2a6aa187238b93c7df26ef3.pdf.

[3] https://www.refworld.org/ru/legal/legislation/natlegbod/1999/ru/103652.

[4] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[5] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

терроризмни тарғиб қилганлик»[1] учун жиноий жавобгарлик белгиланган ва бу тажрибадан унумли фойдаланиб, бугунги кунда терроризм технологиянинг ривожи туфайли ҳар хил усул ва шаклларда содир этилаётганлигини ва уларнинг оқибатлари ҳар хил бўлиши мумкинлигини инобатга олиб, Ўз.Рес. ЖК.нинг 155-моддасида кибертерроризмга оид нормаларни белгилаш ва жавобгарликни монография 21-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ.

Ўз.Рес. ЖК.нинг 153-моддасида «*геноцид, яъни миллий, этник, ирқий ёки диний мансублигига қараб, бир гуруҳ шахснинг жисмонан тўла ёки қисман қирилиб кетишига олиб келадиган турмуш шароитини қасддан яратиш, бундай шахсларни жисмонан тўла ёки қисман қириб юбориш, бола туғилишини зўрлик билан камайтириш ёхуд болаларни ана шу одамлар гуруҳидан олиб, бошқасига топшириш, шунингдек, бундай ҳаракатлар содир этиш тўғрисида буйруқ бериш»*[2] учун жавобгарлик белгиланган, бироқ тармоқ билан боғлиқ масалалар етарлича жиноят қонунчилимизда назарда тутилмаган, Белоруссия жиноят кодексининг 130[2]-моддасида «*Белорус халқининг геноцидини Интернет ёки бошқа тармоқ орқали рад этиш»*[3] учун ҳам жавобгарлик белгиланган.

«Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонуннинг 12[1]-моддасида назарда тутилган мажбуриятнинг бажарилмаслиги учун айбдор шахслар қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка тортилиши кўрсатилган ҳолда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексида қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ телекоммуникация ёки Интернет тармоғида қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган жавобгарликни келтириб чиқарувчи ахборотни тарқатганлик учун жавобгарлик етарлича кўзда тутилмаган, Белоруссия жиноят кодексининг 198[1]-моддасида эса, «*айнан қонун ҳужжатларига мувофиқ, Интернет-ресурсларда тарқатилиши тақиқланган ахборотни маъмурий жавобгарликка тортилганидан кейин тарқатганлиги»*[4] учун жиноий жавобгарлик белгиланган.

Белоруссия Жиноят кодексининг 341[1]-моддасида «*нацистик рамзлар ёки атрибутларни Интернет ёки бошқа ахборот тармоғидан фойдаланган ҳолда тарқатиш ёки тарғиб қилиш, шунингдек, бундай рамзлар ёки атрибутларни тайёрлаш, тарқатиш, сақлаш ёки тарқатиш мақсадида сотиб олиш»*[5] учун жиноий жавобгарлик белгиланган. Ўз.Рес. ЖК.нинг 244[1]-моддасида эса, «*фақат миллатчиларнинг харакати билан эмас, балки телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш»*[6] учун жавобгарлик белгиланган ва ушбу модда таҳрири Белоруссия жиноят кодексининг 341[1]-моддасига нисбатан тўлиқроқ таҳрирда баён этилганлигини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.

---

[1] https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[3] https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275.
[4] https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275.
[5] https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275.
[6] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Белоруссия жиноят кодексининг 289[1]- ва 361-моддаларида «*интернет тармоғидан фойдаланиб давлат ҳокимиятини эгаллаб олиш*» ёки «*Белорусия Республикасининг конституциявий тузумини мажбуран ўзгартириш ёки давлатга хиёнат қилиш ёки терроризм ёки саботаж қилиш*» ёҳуд «*Белорусия Республикасининг ҳудудий яхлитлигини бузишга қаратилган ҳаракатларни амалга ошириш ёки миллий хавфсизликка зарар етказишга қаратилган бошқа ҳаракатлар қилиш тўғрисида оммавий чақириқларни амалга ошириш*, *Белорусия Республикаси, шу жумладан Белорусия Республикасига, Белорусия Республикасининг жисмоний ва юридик шахсларига нисбатан чекловчи чораларни (санкцияларни) қўллаш ёки материалларни тарқатиш»* учун жиноий жавобгарлик белгиланган[1]. Бироқ, Ўз.Рес. ЖК.нинг 155-, 159- ва 161-моддаларида ушбу моддаларда назарда тутилган қилмиш Интернет тармоғидан фойдаланиб содир этилгани учун жиноий жавобгарлик ҳозирча белгиланмаган. Шу сабабли монография 21-иловасига мувофиқ таҳрирда илғор хорижий тажриба асосида бу бўйича жиноий жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқ саналади. Белоруссия жиноят кодексининг 369[1]-моддасида «*Интернет тармоғида ва бошқа тармоқда Белорус Республикасини обрўсизлантириш*» учун жиноий жавобгарлик белгиланган[2]. Бироқ, Ўз.Рес. ЖК. 244[6]-моддасида фақатгина «*шахснинг қадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёлғон ахборотни телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш*» учун жавобгарлик назарда тутилган. Хитой Жиноят кодексининг 217-моддасида, «*муаллифлик ҳуқуқини бузиш*» учун жавобгарлик мавжуд[3], бироқ телекоммуникация ёки Интернет тармоғида бу ҳаракатни амалга оширганлик учун алоҳида жавобгарлик мавжуд эмас. Ўз.Рес. ЖК.нинг 149[1]-моддасида эса, «*оммавий ахборот воситаларидан ёхуд телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб, муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузганлик*»[4] учун алоҳида жавобгарлик мавжуд. Тожикистон Жиноят кодексининг 12-қисми «*ахборот хавфсизлигига қарши жиноятлар*», – деб номланади ва унинг 298-моддасида «*компютер маълумотларига рухсатсиз кириш*», 299-моддасида «*компютер маълумотларини ўзгартириш*», 300-моддасида «*компьютер саботажи*», 301-моддасида «*компютер маълумотларини ноқонуний сақлаш*», 302-моддасида «*компютер тизими ёки тармоғига рухсатсиз кириш учун махсус воситаларни ишлаб чиқариш ва сотиш»*, 303-моддасида «*зарарли дастурларни ишлаб чиқиш, ишлатиш ва тарқатиш»*, 304-моддасида «*компютер тизими ёки тармоғининг ишлаш қоидаларини бузиш, интернет тармоғидан фойдаланиб 307-моддасида жамоатчиликни Тожикистон Республикаси конституциявий тузумини зўравонлик билан ўзгартиришга чақириш*, 307(1)-моддасида «*оммавий экстремистик фаолият ва экстремизмни жамоатчилик томонидан оқлашга*

[1] https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275.
[2] https://pravo.by/document/?guid=3871&p0=hk9900275.
[3] https://chinahelp.me/criminal/1599-2.
[4] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

даъват этиш, 307(3)-моддасида «*экстремистик ташкилотлар фаолиятини ташкил этиш»* учун жиноий жавобгарлик белгиланган[1]. Туркманистон жиноят кодексининг 13-бўлими «*компьютер ахборотига оид жиноятлар*», 33-боби «*информатик ва алоқа соҳасидаги жиноятлар»,* – деб номланади ва унга мувофиқ, 373-моддасида «*ахборотга, ахборот тизимига ёки ахборот-телекоммуникация тармоғига ноқонуний кириш*», 374-моддасида «*ахборотни узатиш учун мажбурлаш*», 375-моддасида «*ахборотни ноқонуний йўқ қилиш ёки унинг форматини ўзгартириш»*, 376-моддасида «*ахборот тизими ва ахборот-телекоммуникация тармоғининг нормал ишлашини бузиш*», 377-моддасида «*ахборотни ўзлаштириш*», 378-моддасида «*қасддан сохталаштирилган маълумотларни тарқатиш*», 379-моддасида «*зарарли дастурларни яратиш, ишлатиш ва тарқатиш»*, 380-моддасида «*чекланган рухсат билан электрон ахборот манбаларини ноқонуний тарқатиш*», 381-моддасида «*ноқонуний мақсадларни кўзлаган Интернет-ресурсларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш*», 382-моддасида «*уяли алоқа абонент қурилмасининг идентификация кодини, абонентни идентификация қилиш мосламасини ноқонуний ўзгартириш, шунингдек абонент қурилмасининг идентификация кодини ўзгартириш учун дастурларни яратиш, улардан фойдаланиш, тарқатиш»*, 383-моддасида «*учувчисиз учиш аппаратларининг техник ўлчовлари талабларини қасддан бузиш»* учун жиноий жавобгарлик белгиланган[2]. Қирғизистон Жиноят кодексининг 160-1-моддасида «*Интернет орқали фоҳишалик ва бузуқликни ташкил этиш ва тарғиб қилиш (веб-камера студиялари)*», 227-моддасида «*компютер тизимига ёки тармоғига ноқонуний кириб олиш ёки махсус техник воситалардан, шунингдек бошқа ноқонуний воситалардан фойдаланиб тижорат ёки бошқа сирларни йиғиш ва ноқонуний мақсадларда фойдаланиш»* учун жиноий жавобгарлик белгиланган[3]. Қирғизистон Жиноят кодексининг 40-боби «*киберхавфсизликка қарши жиноятлар»* деб номланади ва 319-моддасида «*компютер маълумотлари ва електрон ҳужжатларга, ахборот тизимига ёки телекоммуникация тармоғига рухсатсиз кириш»*, 320-моддасида «*комьпютер маълумотлари ва электрон ҳужжатларни рухсатсиз кириш ва нусхалаш, йўқ қилиш, блокировка қилиш, ўзгартириш ёки ахборот хавфсизлиги воситаларини зарарсизлантириш, ахборот тизимлари ёки телекоммуникация тармоқларини бузиш, шунингдек қасддан фойдаланиш учун мўлжалланган дастурий маҳсулотдан фойдаланиш ёки тарқатиш ёки мавжуд дастурий маҳсулотларга ўзгартиришлар киритиш мақсадида яратиш ва тарқатиш»*, 321-моддасида «*киберсаботаж»*, 322-моддасида «*электрон хабарларни оммавий тарқатиш қабул қилувчиларнинг олдиндан розилигисиз амалга оширилиши дастурий маҳсулотлар, телекоммуникация тизимлари, ускуналар ва абонент терминалларининг узилишига ёки тугатилишига олиб келганлик»*, 327-

[1] Уголовный кодекс Республики Таджикистан от 21 мая 1998 года № 574 // “Ахбори Маджлиси оли Республики Таджикистан” 1998 г., № 9, ст. 68-70.

[2] Уголовный кодекс Туркменистана от 12 июня 1997 года № 222-I // Ведомости Милли Генгеша Туркменистана, 2022 г., № 2, ст. 11; Ведомости Меджлиса Туркменистана, 2023 г., № 3, ст. 73.

[3] Уголовный Кодекс Кыргызской Республики от 28 октября 2021 года № 127 // газета “Эркин-Тоо” от 28 сентября 2021 года № 100.

моддасида «*ахборот-коммуникация тармоғи орқали жамоат ҳокимиятини зўравонлик билан тортиб олишга даъват этиш»*, 330-моддасида «*ирқий, этник, миллий, диний минтақалараро адоватни қўзғатиш (низо)*» учун жиноий жавобгарлик белгиланган[1].

Қозоғистон Жиноят кодексининг 105-моддасига асосан, «*телекоммуникация, шу жумладан, Интернет тармоғидан фойдаланиб ўз жонига қасд қилишга ундаш ёки ўз жонига қасд қилишга ёрдам бериш*», 121[1]-моддасига асосан, «*ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан жинсий характердаги номақбул хатти-ҳаракатлар қилиш, таклифларни жалб қилиш»*, 122-моддасида «*ўн олти ёшга тўлмаганлиги аниқ бўлган шахс билан жинсий алоқа ёки жинсий характердаги бошқа ҳаракатлар, шунингдек фоҳишалик хизматларини, таниқли вояга етмаган томонидан тақдим етиладиган жинсий характердаги бошқа хизматларни олиш»*, 122-моддасида «*ҳақорат қилиш*», 132-моддасида «*вояга етмаганни жиноий ҳуқуқбузарликларни содир етишга жалб қилиш»*, 134-моддасида «*вояга етмаганни фоҳишаликка жалб қилиш, бошқа жинсий хизматларни кўрсатиш»*, 147-моддасида «*шахсий ҳаёт дахлсизлигини бузиш ва шахсга доир маълумотларга оид қонунчиликни бузиш*», 161-моддасида «*агрессив уруш бошланишига ташвиқот ёки оммавий чақириқлар*», 174-моддасида «*ижтимоий, миллий, қабилавий, ирқий, синфий ёки диний келишмовчиликларни қўзғатиш»*, 179-моддасида «*ҳокимиятни тортиб олиш ёки ушлаб туриш, шунингдек ҳокимиятни тортиб олиш ёки ушлаб туриш ёки Қозоғистон Республикаси конституциявий тузумини зўравонлик билан ўзгартиришга қаратилган ташвиқот ёки оммавий чақириқларни амалга ошириш*», 180-моддасида «*Қозоғистон Республикасининг бирлиги ва яхлитлигини, унинг ҳудудининг дахлсизлиги ва ажралмас ҳуқуқларини бузиш ёки давлатнинг парчаланиши, шунингдек, бундай таркибдаги материалларни тарқатиш ёки тарқатиш мақсадида ишлаб чиқариш, сақлаш учун ташвиқот ёки оммавий чақириқларни амалга ошириш»*, 189-моддасида «*ўғрилик*», 195-моддасида «*алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш орқали мулкий зарар етказиш*», 148-моддасида «*ёзишмалар, телефон сўзлашувлари, почта, телеграф ва бошқа хабарларнинг сир тутилишини махфий равишда маълумот олиш учун мўлжалланган махсус техник воситалардан фойдаланган ҳолда ёки электрон ахборот ресурсларига, ахборот тизимига ноқонуний кириш ёки телекоммуникация тармоқлари орқали узатиладиган маълумотларни ноқонуний ушлаб қолиш орқали бузиш*», 217[1]-моддасида «*молиявий (инвестиция) пирамида схемасини реклама қилиш»*, 256-моддасида «*терроризмни тарғиб қилиш»*, 272-моддасида «*оммавий тартибсизликлар»*, 274-моддасида «*ёлғон ахборот тарқатиш»*, 299[1]-моддасида «*гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ёки уларнинг аналоглари, прекурсорларини тарғиб қилиш ёки ноқонуний реклама қилиш»*, 309-моддасида «*фоҳишахоналарни фоҳишалик учун ташкил этиш ёки сақлаш, бошқа жинсий хизматларни кўрсатиш ва қўшмачилик қилиш»*, 316-моддасида «*ҳайвонларга нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш*»,

[1] https://online.zakon.kz/Document/?doc_id=36675065&pos=3172;10#pos=3172;10.

375-моддасида «*Қозоғистон Республикаси Президентининг шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилиш ва унинг фаолиятига тўсқинлик қилиш*», 376-моддасида «*Қозоғистон Республикаси парламенти депутатининг шаъни ва қадр-қимматига тажовуз қилиш ва унинг фаолиятига тўсқинлик қилиш*, 378-моддасида «*ҳукумат вакилини ҳақорат қилиш*, 380-моддасида «*ҳукумат вакилига қарши таҳдид ёки зўравонлик ҳаракатларини амалга ошириш*», 402-моддасида «*суд томонидан ноқонуний деб топилган, жамоат жойларида ёки оммавий ахборот воситалари, телекоммуникация тармоқлари ёки онлайн платформалардан фойдаланган ҳолда иш ташлашда давом этишга чақириқлар, шунингдек шу мақсадда ходимларга пора бериш*», 409-моддасида «*Конституциявий иш юритиш, адолат ёки судгача терговни амалга ошириш билан боғлиқ таҳдид ёки зўравонлик ҳаракатларини амалга ошириш*», 206-моддасида «*электрон оммавий ахборот воситаларида сақланадиган, ахборот тизимида мавжуд бўлган ёки телекоммуникация тармоқлари орқали узатиладиган қонун билан ҳимояланган маълумотларни қасддан ноқонуний равишда йўқ қилиш ёки ўзгартириш*», 207-моддасида «*ахборот тизими ёки телекоммуникация тармоқларининг ишлашини бузишга қасддан харакатлар (ҳаракацизлик) қилиш, 208-моддасида ахборотни ноқонуний олиш*, 209-моддасида «*ахборотни узатиш учун мажбурлаш*», 210-моддасида «*зарарли комьпютер дастурлари ва дастурий маҳсулотларини яратиш, улардан фойдаланиш ёки тарқатиш*, 211-моддасида «*чекланган электрон ахборот ресурсларини ноқонуний тарқатиш*», 212-моддасила «*ноқонуний мақсадларни кўзлаган Интернет-ресурсларни жойлаштириш бўйича хизматлар кўрсатиш*», 213-моддасида «*уяли алоқа абонент қурилмасининг идентификация кодини, абонентни идентификация қилиш мосламасини ноқонуний ўзгартириш, шунингдек абонент қурилмасининг идентификация кодини ўзгартириш учун дастурларни яратиш, улардан фойдаланиш, тарқатиш*», учун жиноий жавобгарлик белгиланган[1].

Қилмишнинг телекоммуникация ёки Интернет тармоғида содир этилиши ёки ушбу тармоқлардан фойдаланиб содир этилиши жабрланувчига, айниқса, жамоат хавфсизлигига таҳдид эканлиги сабабли «*ўн олти ёшга тўлмаган шахсга нисбатан зўрлик ишлатмай уятсиз-бузуқ ҳаракатлар содир этиш*»[2] учун Ўз.Рес. ЖК.нинг 129-моддасининг иккинчи қисмига ва Ўз.Рес. ЖК.нинг 141^1-141^2-моддасида назарда тутилган жиноятлар телекоммуникация ёки Интернет тармоғида содир этилиши нафақат жабрланувчи, балки жамоат учун оғир оқибатларга олиб келиши мумкинлиги ва ғаразли ҳамда доимо қасддан содир этилиши мумкинлиги сабабли Ўз.Рес. ЖК.нинг 141^1- ва 141^2-моддасига монография 21-иловасига мувофиқ қўшимча банд қўшиш таклиф қилинади.

[1] Уголовный кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года // Ведомости Парламента Республики Казахстан, 2014 г., № 13-I, 13-II, ст. 83; № 21, ст. 122; 2015 г., № 16, ст. 79.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

«*Хат-ёзишмалар, телефонда сўзлашув, телеграф хабарлари ёки бошқа хабарларнинг сир сақланиши тартиби*[1]»ни қасддан ёки ғаразли мақсадда телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб бузилиши жамоат манфаатларига, ёшларнинг келажагига, халқ иродасига жуда катта кулфат келтириши мумкинлиги сабабли Ўз.Рес. ЖК.нинг 143-моддасини монография 21-иловасига мувофиқ таҳрирда баён этиш мақсадга мувофиқ.

Таъкидлаш керакки, Жиноят ишлари бўйича Жондор туман судининг 2024 йил 15 мартдаги 1-2007-2401/15-слон жиноят иши бўйича ҳукмига кўра, «*Ш.Хомидов 2023 йил 26 сентябрь куни соат 2130ларда, спиртли ичимлик истеъмол қилган ҳолда, Бухоро шаҳри 5-митти туманида жойлашган «Русалка» номли кафенинг олдига бориб, жинсий алоқа қилиш мақсадида ўзи билан «Назокат» исмли аёлни олиб, Бухоро шаҳри 5-митти тумандаги хонадонларни бирига боришиб, «Назокат» исмли аёлни яланғоч ҳолатидаги видеосини олиб, видеотасвирга олиш жараёнида у билан савол жавоб қилиб, унга «Сен қаердан, қаерликсан, Қашқадарёданми...? Қаердансан, Қашқадарёданми? Қаеридан Косонданми...? Ўртоғлар Бухорони, Бухорони, Қашқадарёни жа....лари босиб кетган, онасини фалон қилай, Tik-Tokни босинглар газини... Бухоро-Самарқандни босиб кетган Қашқадарёни жа...лари, онангни фалон қилай ҳароми Қашқадарё? Жа....ларингни йиғиб ол, кўробсанларми Қашқадарё, зўринг бўлса сўраб ол. Онангни фалон қиламан ҳаммангни» деган мазмундаги гапларни гапириб, видеотасвирни ушбу куни соат 2230да, Tik-Tok ижтимоий тармоғидаги ўзининг «бухарской бродяго» номли профилига жойлаштириб, нашр қилиш ёки бошқача усулда кўпайтирилган тарзда, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштириш орқали ҳақорат қилиш ҳамда миллий, ирқий этник ёки диний мансублигига қараб, аҳоли гуруҳларига нисбатан адоват, муросасизлик ёки нифоқ келтириб чиқариш мақсадида миллий шаън-шараф ва қадр-қимматни камситишга қаратилган ҳаракатлар билан миллий, ирқий этник ёки диний адоват қўзғатиш жиноятини содир қилган ва ушбу вазиятда айбдорга нисбатан суд томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 140-моддаси билан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда 2 йил ахлоқ тузатиш ишлари, ЖКнинг 156-моддаси 2-қисми билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш, ЖКнинг 59-моддаси тартибида, тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш йўли билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.»*[2]. Демак, ЖКнинг 156-моддасида назарда тутилган қилмиш телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдалаиб ҳам содир этилиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонунининг 12[1]-моддасида «*веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон*

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[2] https://public.sud.uz/report/CRIMINAL.

ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатувчи, шунингдек фуқароларнинг шаъни ва қадр-қимматига ёки ишчанлик обрўсига путур етказувчи, уларнинг шахсий ҳаётига аралашишга йўл қўювчи ахборотни тарқатиши»[1] қонунчиликка мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлиши мумкинлиги белгиланганлиги ҳамда телекоммуникация ёки Интернет тармоғида миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш жамоат манфаатларига тўғридан-тўғри таҳдид солиши ва оғир оқибатларга сабаб бўлиши мумкинлиги сабабли Ўз.Рес. ЖК.нинг 156-моддасининг учинчи қисми диспозицияси монография 21-иловасига мувофиқ таҳрирда «е»-банд билан тўлдириш таклиф қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонунининг 12[1]-моддасида «*веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш жавобгарликка сабаб бўлиши кўрсатилган»*[2]. Бироқ, қандай турдаги жавобгарлик эканлиги қонунчилигимизда етарлича назарда тутилмаган. Шу сабабли жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш ва жамоат хавфсизлигига бўлаётган таҳдидларнинг олдини олиш мақсадида Ўз.Рес. ЖК.нинг 159-моддасига монография 21-иловасига мувофиқ таҳрирда қўшимча банд қўшиш таклиф қилинади.

Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонунининг 12[1]-моддасида «*веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш жавобгарликка сабаб бўлиши мумкин»*[3]лиги белгиланган ва ушбу харакатлар жамоат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкинлиги сабабли Ўз.Рес. ЖК.нинг 244[1]-моддасида алоҳида жавобгарлик белгиланган. Ушбу Қонуннинг 12[1]-моддасида «*гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва прекурсорларни тарғиб қилиш*»[4] учун ҳам жавобгарлик борлиги назарда тутилган бўлиб, Ўз.Рес. ЖК.нинг 251-моддасида «*гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп*

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[2] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[3] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[4] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш», 273-моддасида «*телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек қонунга хилоф равишда ўтказиш»*, 274-моддасида «*гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш мақсадида телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш*» учун жиноий жавобгарлик белгиланган[1]. Мазкур Қонуннинг 12[1]-моддасида қонунга мувофиқ «*веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурсининг эгаси, шу жумладан блогер ҳамма эркин фойдаланиши мумкин бўлган ахборот жойлаштириладиган Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги ўз веб-сайтидан ва (ёки) веб-сайт саҳифасидан ёхуд бошқа ахборот ресурсидан жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш мақсадларида фойдаланилиши учун жавобгарликка тортилиши назарда тутилган»*[2].

Грузиянинг 222-моддасида «*радиоэшиттириш ёки алоқа воситаларини ёки стратегик объектларни ёки алоҳида аҳамиятга эга объектларни олиб қўйиш ёки блокировка қилиш»* учун алоҳида жавобгарлик белгиланган ва бу билан жамият хавфсизлиги ва тартиботига оид бўлиши мумкин бўлган энг катта хавф учун алоҳида жавобгарлик назарда тутилган[3].

Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонунида **«муҳим ахборот инфратузилмаси», «муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари», «муҳим ахборот инфратузилмаси субъектлари»**[4] тушунчаларининг жуда кенг таърифи назарда тутилган ва ушбу Қонунга кўра, «*Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли давлат органидир ва у муҳим ахборот инфратузилмаси объектларида киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш воситаларини жорий этишга доир ишларни ташкил қилиш, шунингдек киберхавфсизлик ҳодисаларига нисбатан чоралар кўриш ваколатига эга. Киберхавфсизлик тўғрисидаги қонунчиликни бузганликда айбдор бўлган шахслар белгиланган тартибда жавобгарликка тортилади.*»[5].

---

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] https://www.refworld.org/ru/legal/legislation/natlegbod/1999/ru/103652.

[4] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[5] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари қуйидаги мезонлар асосида тоифаларга бўлинади:

«*а) **юқори даражадаги МАИ объектлари** — киберхавфсизлик ҳодисаси натижасида ишдан чиқиши туфайли жуда кўп миқдорда зарар етиши, 20 дан ортиқ одамнинг соғлиғига зарар етиши, 500 дан ортиқ одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилиши ёки катта экин майдонига тенг бўлган ҳудудда атроф-муҳитга зарар етиши мумкин бўлган МАИ объектлари. Мазкур кичик бандниng биринчи хатбошисида кўрсатилган оқибатлар келиб чиқишидан қатъи назар давлат сирларига оид маълумотлар айланмаси мавжуд бўлган, шунингдек ёқилғи-энергетика, атом энергетикаси, соғлиқни сақлаш, телекоммуникация ва қўриқланадиган шахслар доимий ёки вақтинчалик турган жойлардаги МАИ объектлари юқори даражадаги МАИ объекти ҳисобланади;*

*б) **ўрта даражадаги МАИ объектлари** — киберхавфсизлик ҳодисаси натижасида ишдан чиқиши туфайли кўп миқдорда зарар етиши, 10 дан ортиқ, бироқ 20 дан кўп бўлмаган одамнинг соғлиғига зарар етиши, 100 дан ортиқ, бироқ 500 дан кўп бўлмаган одамнинг ҳаёт фаолияти шароитлари бузилиши, ўртача катталикдаги экин майдонига тенг бўлган ҳудудда атроф-муҳитга зарар етиши ёки давлатнинг нуфузи ва обрўсига зарар етиши мумкин бўлган МАИ объектлари.*

*в) **паст даражадаги МАИ объектлари** — юқори ва ўрта даражадаги МАИ объектлари тоифасига кирмайдиган МАИ объектлари.»*[1].

МАИ объектлари киберхавфсизлик тизимининг асосий вазифалари қуйидагилар ҳисобланади:

«*МАИ объектларида қайта ишланадиган маълумотдан ноқонуний фойдаланиш, уни ўчириб ташлаш, ўзгартириш, блоклаш (чеклаш), нусха олиш, тақдим қилиш, тарқатиш ва шу каби киберхавфсизликка таҳдид солувчи бошқа ноқонуний хатти-ҳаракатларнинг олдини олиш;*

маълумотни қайта ишлашнинг аппарат, дастурий ва аппарат-дастурий воситаларига МАИ объектлари ишининг бузилиши ва (ёки) тўхтаб қолишига олиб келиши мумкин бўлган таъсирга йўл қўймаслик;

МАИ объектлари фаолиятини телекоммуникация тармоқлари, ахборот ресурслари ва ҳаёт фаолияти тизимини захиралаш орқали тиклаш.»[2].

Қонунчиликка кўра, «*автоматлаштирилган ва ахборот тизимларида барча қайта ишланаётган маълумотлар, аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситалар, шу жумладан компьютерни сақлаш воситалари, иш станциялари, серверлар, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, график, видео ва нутқ маълумотларини қайта ишлаш воситалари, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ахборот тизимларининг*

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 24 октябрдаги 118-сон буйруғи (11.11.2024 й., рўйхат рақами 3570) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини тоифалаш ва уларнинг ягона реестрини шакллантириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПҚ–167-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади. Телекоммуникация тармоқларида алоқа линиялари орқали узатиладиган маълумотлар, телекоммуникация ускуналари, шу жумладан дастурий таъминот, бошқарув тизими, ўрнатилган ҳимоя воситалари, телекоммуникация тармоғи архитектураси ва конфигурациясининг яхлитлиги ҳимоя қилинади. Автоматлаштирилган бошқарув тизимларида бошқариладиган, кузатиладиган объект ёки жараённинг параметрлари ёхуд ҳолати тўғрисидаги маълумотлар, шу жумладан кириш-чиқиш маълумотлари, бошқарув маълумотлари, назорат ва ўлчов маълумотлари ҳамда бошқа муҳим маълумотлар, дастурий таъминот ва аппарат воситалари, шу жумладан иш станциялари, саноат серверлари, телекоммуникация ускуналари, алоқа линиялари, дастурланадиган мантиқий текширгичлар, ишлаб чиқариш, технологик ускуналар, аппарат-дастурий воситаларнинг дастурий таъминоти, ўрнатилган ҳимоя воситалари, автоматлаштирилган бошқарув тизимининг архитектураси ва конфигурацияси ҳимоя қилинади. Хавфсизлик чораларини амалга оширишда аппарат, тизим, дастур ва тармоқ даражаларида, шу жумладан виртуаллашган муҳитда киришнинг барча объектлари ва субъектларига нисбатан киберхавфсизлик таҳдидларининг ҳисобга олинганлиги мажбурий мезонлардан бири ҳисобланади. МАИ объектларидаги конфиденциал ва махфий маълумотларни қайта ишлайдиган қурилмаларда, киберхавфсизлик таҳдидларига қараб, кичик тизим ёки бошқа тизимларнинг элементларига кириш ҳуқуқи олинишининг ҳар бир босқичида идентификация ва аутентификация қилиш, файллар, тизимлар ва қурилмаларга кириш ҳуқуқини бошқариш, ахборот инфратузилмасини бошқариш ваколатига эга бўлмаган фойдаланувчи учун дастурий муҳитни чеклаш, конфиденциал ва махфий маълумотларни ташувчи воситаларни ҳимоя қилиш, тизимлар, дастурлар, шу жумладан дастурий ва дастурий-аппарат ресурсларининг киберхавфсизлик аудитини ўтказиш, МАИ объекти ахборот активларини бузғунчи дастурий таъминотларга қарши ҳимоя қилиш, киберҳужумларни аниқлаш, уларнинг олдини олиш ва бартараф этиш, қурилмалар орқали узатиладиган барча маълумотларни қўллаш мақсадларидан қатъи назар уларнинг яхлитлигини таъминлаш, фойдаланувчиларнинг МАИ объекти фаолиятидаги ўрнига қараб тизим фойдаланувчилари учун маълумотларга рухсат бериш ва ҳимоясини таъминлаш, ахборот техник ҳимоя воситаларининг хавфсизлигини таъминлаш, конфигурацияни бошқариш, дастурий таъминот янгиланишларини ўз вақтида бошқариш, киберхавфсизлик ҳодисаларига ўз вақтида чора кўриш, фавқулодда вазиятларда зарур ҳаракатларни бажариш, яхлитлиги, конфиденциаллиги ёки махфийлиги ҳамда мавжудлиги МАИ объектининг фаолияти ва хавфсизлиги билан боғлиқ бўлган муҳим маълумотларнинг захира нусхасини сақлаш, киберхавфсизликни таъминлаш ҳолатини, рухсатсиз кириш ва ахборотни ўзгартиришга уринишларни доимий назорат ҳамда таҳлил қилиш, маълумотларни тезкор тиклаш механизмларини амалга ошириш, объектни унинг киберхавфсизлик талабларига жавоб бериши юзасидан аттестациядан ўтказиш каби чоралар амалга оширилиши зарур. Ушбу талабларнинг

бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.»[1].

Мазкур қоидаларнинг бажарилмаслиги бўйича эса, аниқ ва етарлича жавобгарлик белгиланмаган, шу сабабли муҳим ахборот инфратузилмасининг киберхавфсизлигини таъминлаш ва ушбу соҳадаги жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш мақсадида монография 21-иловасига мувофиқ муҳим ахборот инфратузилмаси муҳофазаси билан боғлиқ алоҳида жиноий жавобгарликни белгилаш ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Муҳим инфратузилмалари тўғрисида»ги Қонун ва у асосида зарур қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниб, муҳим инфратузилмаларга кирувчи инфратузилмалар аниқлаштирилиши, уларга қўйилаган умумий ва махсус талаблар бажарилиши бўйича зарур тартиб-таомиллар амалга оширилиши зарур, зеро улар бевосита жамоат хавфсизлиги билан боғлиқдир.

Шунингдек, «*Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил телефонлар ҳамда мобил алоқа модулига эга қурилмаларни рўйхатга олиш тартибини белгиланган бўлиб, унинг бузилиши жавобгарликни келтириб чиқаради*[2]. Шу сабабли Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 155[3]-моддасида «*мобиль қурилманинг халқаро ўзига хос идентификация кодини қонуний ишлаб чиқарувчининг рухсатисиз ўзгартириш, худди шунингдек ушбу мақсадда махсус дастурларни ишлаб чиқиш, тарқатиш ёки улардан фойдаланиш ва абонент қурилмасининг идентификациялаш модулини қонуний ишлаб чиқарувчининг ёки унинг қонуний эгасининг рухсатисиз ўзгартириш ёки унинг нусхасини яратиш»* учун маъмурий жавобгарлик белгиланган[3]. Фойдаланувчининг қурилмаси фақатгина мобил қурилмадан иборат эмас, бу исталган гажетлар бўлиши мумкин, компютер, ноутбук ва бошқалар. Қозоғистон Республикаси Жиноят кодексининг 213-моддасида «*уяли алоқа абонент қурилмасининг идентификация кодини, абонентни идентификация қилиш мосламасини ноқонуний ўзгартириш, шунингдек абонент қурилмасининг идентификация кодини ўзгартириш учун дастурларни яратиш, улардан фойдаланиш, тарқатиш*» учун жиноий жавобгарлик белгиланган[4]. Демак, монографияда фойдаланувчи қурилмасининг физик манзилини аниқлаш орқали жисман қаерда турган қурилмадан фойдаланиб кибержиноят содир этилишини аниқлаш мақсадида миллий ва хорижий тажрибадан фойдаланиб, берилган MAC-манзил ҳақидаги таклифни

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПҚ–167-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича умумий талаблар // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 сентябрдаги 778-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[4] https://adilet.zan.kz/rus/docs/K1400000226.

назарда тутувчи монография 16-иловасига мувофиқ таҳрирда қонунчилик ҳужжатини қабул қилиш мақсадга мувофиқдир.

Кибержиноятларнинг бугунги кунда коррупциявий кўринишда, яъни кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда коррупцияга оид жиноятларнинг содир этилиши бу қилмишнинг янада салбий оқибатларга олиб келишига сабаб бўлмоқда, зеро ахборот хавфсизлигини таъминлашга масъул шахснинг ўзи ушбу қилмишни ичкаридан туриб содир этиши ёки унга шарт-шароит ёки имконият яратиб бериши жиноятни оғирлаштирувчи ҳолатда содир этилишини ифодаламоқда. Хорижий давлатларда бу борада кибержиноятлар учун етарлича жавобгарлик чоралари белгиланган, жумладан, **АҚШ** 18 Қонуни 201-параграфида[1] ва **Буюк Британия** «Порахўрлик тўғрисида"ги Қонуни[2], **Ж. Корея** Жиноят кодекси ва «Порахўрлик ва иқтисодий жиноятлар учун махсус ҳолатлар тўғрисида»ги қонуни (Act on the Aggravated Punishment of Specific Crimes)да давлат хизматчилари, шунингдек, гувоҳларнинг ва бошқа шахсларнинг **ҳар қандай усулда,** шу жумладан, электрон воситалар орқали пора олиши, пора бериши ёки воситачилик қилиши тақиқланган ва аниқ жавобгарлик белгиланган[3]. Хатто, **Ж. Корея** Жиноят кодексининг 131-моддасида «пора олгандан кейин ноқонуний ҳаракатлар ва кейинчалик яна порахўрлик қилганлиги, 132-моддасида кейинчалик яхши хизмат кўрсатиш ёки хизматлар тақдим этиш учун пора олганлик, 134-моддасида мулкни мусодара қилиб, кейинчалик уни қайтариб бериш ёки пул билан ҳақини тўлаб бериш, 355-моддасида ўзлаштириш ва ишончни суистеъмол қилиш, 356-моддасида хизмат вазифаларини бажаришда ўзлаштириш, расмий ишончни суиистеъмол қилиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган[4]. Ўзбекистон Республикасида эса, порахўрликка оид алоҳида махсус қонун мавжуд эмас, фақатгина «Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида»ги қонунлар ва улар асосида қабул қилинган қонунчилик ҳужжатлари ҳамда Олий суднинг «Порахўрлик ишлари бўйича суд амалиёти тўғрисида»ги қарори мавжуд. Бироқ, Жиноят кодексининг 167-моддаси бугунги кун талаблари ва амалдаги қонунчилик ҳужжатларига мувофиқлаштирилмаган. Жумладан, **Жиноят кодексининг 167-моддасининг учинчи қисми «г»-банди «компьютер техникаси воситаларидан** фойдаланиб айбдорга ишониб топширилган ёки унинг ихтиёрида бўлган ўзганинг мулкини **ўзлаштириш ёки растрата қилиш** йўли билан талон-торож қилиш»[5] учун жиноий жавобгалик белгиланган, бироқ ушбу қилмиш компьютер техникасидан ташқари бошқа ахборот технологиялари, сунъий интеллект технологиялари орқали содир этилиши мумкитлиги инобатга олинмаган. Шу сабабли ушбу модданининг учинчи қисми «г»-бандини монография 22-иловасига мувофиқ қайта таҳрирлаш зарур. **Германия** Жиноят кодексининг 202а-моддасида «*ўзи ёки бошқа шахс учун мўлжалланмаган ва*

[1] https://www.justice.gov/criminal/criminal-fraud/file/1292051/dl.
[2] https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2010/23/contents.
[3] https://elaw.klri.re.kr/eng_mobile/viewer.do?hseq=62179&type=sogan&key=9.
[4] https://www.law.go.kr/%EB%B2%95%EB%A0%B9/%ED%98%95%EB%B2%95.
[5] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

рухсатсиз киришдан махсус ҳимояланган маълумотларга рухсатсиз киришни қўлга киритганлик», 202b-моддасида «*техник воситалардан фойдаланган ҳолда ноқонуний ахборотни қўлга киритганлик*», 202c-моддасида «*маълумотларга киришни чеклайдиган пароллар ёки бошқа хавфсизлик кодларини бериш, олиш, шунга имконият яратиш, шу билан бирга, шундай мақсадда компютер дастурлари орқали шундай ҳаракатларни амалга ошириш, сотиб олиш, сотиш, бошқага бериш, тарқатиш ва бошқа йўллар билан хавфсизлик усулларини қўлга киритиш, компьютер фирибгарлиги»* учун жиноий жавобгарлик белгиланган[1]. **Франция** Жиноят кодексининг 323-1-моддасига асосан, «*маълумотларни қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизимига тўлиқ ёки қисман фирибгарлик йўли билан кириш, ахборот тизимидаги маълумотларни йўқ қилиш, ўзгартириш, ушбу тизимнинг ишлашига ўзгартириш киритиш, ушбу ҳаракталар шахсга доир маълумотлар бўлган базаларга нисбатан содир этилган тақдирда оғирлаштирувчи ҳолатда»* жавобгарлик белгиланган[2]. Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[1]-модадсида «*ахборотлаштириш қоидаларини бузиш*», 278[4]-моддасида «*компьютер ахборотини модификациялаштириш*», 278[5]-моддасида «*компьютер саботажи*», 278[6]-моддасида «*зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш хизмат фаолиятидан фойдаланган ҳолда, амалга оширганлик*» учун[3] жиноий жавобгарлик белгиланган ҳолда, **комьпютер фирибгарлиги учун алоҳида моддада жиноий жавобгарлик белгиланмаган**. **Япония** Жиноят кодексининг 96-6-моддасида «*аукционга тўсқинлик қилиш*», 161-2-моддасида «*электрон маълумотлар ва ҳужжатларни сохталаштириш, ўзагартириш киритиш*», 163-2-моддасида «*бошқа шахснинг тегишли рухсатисиз молиявий ишлари ва ҳужжатларини қайта ишлашда хатоликка йўл қўйиш, кредит картасида нотўғри кодланган ёки товарлар ёки хизматлар учун тўловларни тўлаш учун бошқа карталарни вужудга келтириш, авторизациясиз кириш имконига эга бўлиш*», 248-моддасида «*конструктив фирибгарлик*», 246-2-моддасида «*компьютер фирибгарлиги*», 250-моддасида «*мулкий тажовуз*», 254-моддасида «*йўқотилган мулкни ўғирлаш*», 256-моддасида «*ўғирланган мулкни қабул қилиб олиш*» учун жиноий жавобгарлик белгиланган[4]. Маълумот учун, Ўз.Рес. ЖК.да харидлар, шу жумладан, танлов, тендер, аукцион ўтказилиши учун тўсқинлик қилиш ёки Япония қонунчилигида назарда тутилган ҳолатлар бўйича тўғридан-тўғри жавобгарлик белгиламаган. **Канада** Жиноят кодексининг 322-моддасида «*ўғирлик*» жиноятидан ташқари, 335-моддасида «*ўғирликка ўхшаш жиноятлар*», 347-моддасида «*жиноий фоиз ставкаси*», 348-моддасида «*ноқунуний бузиш ва кириш*», 361-моддасида «*сохта баҳоланалар*», 402.1-моддасида «*шахсга доир маълумотларни ўғирлаш ва шахсга доир маълумотлардан фирибгарлик йўлида фойдаланиш*», 406-моддасида «*товар белгилари ва савдо тавсифларини қалбакилаштириш*», 437-моддасида «*мулкка аралашиш*», 460-моддасида «*қалбаки пуллар ва қалбаки қийматдаги нарсаларни*

[1] https://www.gesetze-im-internet.de/stgb/.
[2] https://www.legifrance.gouv.fr/codes/texte_lc/LEGITEXT000006070719/.
[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[4] https://www.japaneselawtranslation.go.jp/ja.

реклама қилиш ва сотиш» учун жиноий жавобгарлик белгиланган[1]. Бироқ, Канада Жиноят кодексида назарда тутилган қоидалар Ўз.Рес. ЖК.да етарлича назарда тутилмаган. **Австралия** Жиноят кодексининг 474.17-моддасига асосан, «таҳдид» учун жиноий жавобгарлик белгиланган[2]. «Ўлдириш ёки зўрлик ишлатиш билан қўрқитиш, агар бу ҳаракат амалга оширилишидан хавфсираш учун етарли асослар мавжуд бўлса»[3]гина Жиноят кодексининг **112-моддасида** назарда тутилган жавобгарлик келиб чиқади, бироқ **кибертаҳдид ўлдириш ёки зўрлик ишлатишдан ташқари бошқа мақсадда ҳам бўлиши мумкинлиги** ушбу моддада **назарда тутилмаган. Сингапурнинг** «Коррупция, гиёҳванд моддалар савдоси ва бошқа оғир жиноятлар (имтиёзларни мусодара қилиш) тўғрисида»ги Қонунида «*криптовалюта орқали амалга оширилган коррупция, гиёҳванд моддалар савдоси ва бошқа оғир жиноятлар учун қаттиқ жиноий жавобгарлик назарда тутилган*»[4]. Ўз.Рес. ЖКда ёки алоҳида қонунда тўғридан-тўғри коррупцияга оид жиноятлар рўйхати шакллантирилмаган ва криптовалютага оид масалалар қонун даражасида тартибга солинмаган. **Швейцариянинг** «Пул ювишга қарши кураш тўғрисида»ги Қонунда «*ҳар қандай коррупция, шу билан бирга, криптовалюта билан амалга оширилган пул ювиш ҳаракати тақиқланган ва қаттиқ жиноий жавобгарлик белгиланган*.»[5]. Ўз.Рес. ЖКнинг 243-моддасида «*жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштириш*»[6] учун жиноий жавобгарлик белгиланган, бироқ **криптовалютага оид қоидалар** ушбу моддада назарда тутилмаган, қолаверса, қонунчиликда «*крипто-активлар муомаласи соҳасидаги фаолиятини амалга оширувчи шахслар Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар рўйхатига киритилган*»[7], бироқ уларга оид муносабатлар етарлича ушбу Қонунда **назарда тутилмаган. Италия** Жиноят кодексининг 476-моддаси[8] ва **Испания** Жиноят кодексининг 390-моддасида[9] «*қалбакилаштириш, шу жумладан, расмий идентификацияни қалбакилаштириш*» учун жавобгарлик белгиланган. Ўз.Рес. ЖК.нинг 228-моддасида «*рақамли (электрон) ҳужжатлар*», 230-1-моддасида «*электрон (рақамли) далилларни сохталаштириш, шу жумладан, хизмат фаолиятидан фойдаланган ҳолда, содир этганлик*» учун жиноий жавобгарлик **белгиланмаган. Нидерландия** Жиноят кодексининг 350-моддасида «*бошқа шахсга тўлиқ ёки қисман тегишли бўлган ҳар қандай мулкни қасддан ва ноқонуний равишда йўқ*

[1] https://laws-lois.justice.gc.ca/eng/acts/c-46/.
[2] https://www.austlii.edu.au/cgi-bin/viewdoc/au/legis/cth/consol_act/cca1995115/sch1.html.
[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[4] https://sso.agc.gov.sg/Act/CDTOSCCBA1992.
[5] https://www.fedlex.admin.ch/eli/cc/1998/892_892_892/en.
[6] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[7] Ўзбекистон Республикасининг “Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга, терроризмни молиялаштиришга ва оммавий қирғин қуролини тарқатишни молиялаштиришга қарши курашиш тўғрисида” 2004 йил 26 августдаги 660-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[8] https://www.brocardi.it/codice-penale/.
[9] https://www.brocardi.it/codice-penale/.

қилганлик, зарар етказганлик, яроқсиз ҳолга келтирганлик ёки тортиб олганлик», 350а-моддасида «*автоматлаштирилган маҳсулот ёки телекоммуникация воситалари ёрдамида сақланадиган, қайта ишланадиган ёки узатиладиган ёки уларга бошқа маълумотларни қўшадиган маълумотларни қасддан ва ноқонуний равишда ўзгартириш, ўчириш, яроқсиз ёки мавжуд бўлмаган маълумотларни тақдим этиш, автоматлаштирилган ишга зарар етказиш учун мўлжалланган маълумотларни қасддан ва ноқонуний равишда тақдим этиш ёки тарқатиш»*, 350б-моддасида «*автоматлаштирилган маҳсулот ёки телекоммуникация воситалари орқали сақланган маълумотларни қайта ишлаш ёки узатишда, ноқонуний равишда ўзгартиришда, ўчиришда, яроқсиз ҳолга келтиришда ёки уларга бошқа маълумотларни қўшишга оид қилмишни содир этиш»*, 350с-моддасида «*ҳар қандай автоматлаштирилган ёки телекоммуникация ишларини қасддан йўқ қиладиган, шикастлайдиган ёки яроқсиз ҳолга келтирадиган, бундай ишларнинг ишлашини ёки фойдаланишини бузадиган ёки бундай ишларга нисбатан кўрилган хавфсизлик чораларини бузган ҳаракатларни содир этганлик, маълумотларни қайта ишлаш ёки узатиш ёки телекоммуникация тармоғининг ишлашида ёки телекоммуникация хизматини кўрсатишда носозликни вужудга келтирганлик*», 350д-моддасида «*автоматлаштирилган тизимнинг фаолиятига тўсқинлик қилувчи техник қурилмаларни ишлаб чиқариш, сотиш, фойдаланиш, импорт қилиш, экспорт қилиш, унга кириш имконини берувчи парол, кириш коди ва шунга ўхшаш маълумотларни ишлаб чиқариш, бериш, олиш, сотиш, сотиб олиш, импорт қилиш, тарқатиш, тақдим этиши»*, 359-моддасида «*ўз мансабидан фойдаланиб ёки ўз қўлидаги ҳужжатлардан фойдаланиб мансаб ваколатларини ўзлаштириб олиш, бошқа шахсларнинг ўзлаштириб олинишини таъминлаши*», 361-моддасида эса, «*ҳужжатлар ва реестрлардаги маълумотларни ўзгартириши»*, 363-моддасида «*коррупция билан шуғулланиши*», 365-моддасида «*ўз мансабини суистеъмол қилиш орқали бирон-бир қилмишни содир этишга шарт-шароит ёки имконият яратиш»*, 366-моддасида «*мансабдор шахснинг товламачилиги*», 364, 367-368-моддаларида «*терговчи, судья ва суд қарорларининг ижросига масъул орган мансабдор шахсларнинг коррупциявий жиноятлари*», 371-моддасида «*хат, ёзишма ва бошқа хабарларнинг мансабдор шахслар томонидан ошкор қилиниши ёки шундай қилишга йўл қўйилганлик»* учун жиноий жавобгалик белгиланган[1]. Ўз.Рес. ЖК.да мулкка зарар келтириш билан боғлиқ зарур қоидалар етарлича белгиланмаган, фуқаровий муносабат сифатида қаралади, **қилмишларнинг деярли бирontаси киберкоррупция билан боғланмаган**.

«Кибер-пропаганда ва рақамли манипуляция» учун **Германия** Жиноят кодексининг 130-моддасида[2], **Хитой** Интернет ахлоқий кодекси, Францияниng Loi contre la manipulation de l'information[3], **Буюк Британиянинг** «Malicious Communications Act 1988»[4] ва «Communications Act 2003[5]» қонунлари билан

[1] https://www.parlementairemonitor.nl/9353000/1/j9vvij5epmj1ey0/vi32nmht6cz9.
[2] https://www.gesetze-im-internet.de/stgb/.
[3] https://www.legifrance.gouv.fr/jorf/id/JORFTEXT000037847559/.
[4] https://www.legislation.gov.uk/ukpga/1988/27/section/1.
[5] https://www.legislation.gov.uk/ukpga/2003/21/contents.

жавобгарлик белгиланган. Ўз.Рес. ЖК.нинг 156-моддасида миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатиш ва 244[1]-моддасининг учинчи қисми «г»-бандида телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган[1], бироқ **бозорни манипулция қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилмаган.**

Жиноят-процессуал кодексининг 345-моддаси[2] талабига мувофиқ:

«*Жиноят кодекси* ***167-моддасининг иккинчи қисми «г»-банди ва 243-моддасига оид жиноятлар тўғрисидаги ишлар бўйича дастлабки тергов иш қўзғатган дастлабки тергов органи томонидан амалга оширилади****. Терговга қадар текширувни амалга ошираётган орган ёки суриштирув органи томонидан ушбу жиноятлар бўйича иш қўзғатилган тақдирда, иш бўйича терговни амалга оширувчи дастлабки тергов органи прокурор томонидан белгиланади*[3].

Жиноят кодекси 168-моддасининг учинчи қисми «в»-бандидаги *жиноятлар тўғрисидаги ишларнинг дастлабки тергови* ***ички ишлар органларининг терговчилари*** *томонидан амалга оширилади.*

Жиноят кодекси 192[9] ва 192[10], 205, 209-214-моддалари *жиноятларга доир ишлар бўйича* ***дастлабки тергов прокуратура*** *органларининг терговчилари томонидан амалга оширилади.*

Жиноят кодексининг 301-моддасида назарда тутилган жиноятларга доир ишлар бўйича **дастлабки тергов ҳарбий прокуратура терговчилари** томонидан олиб борилади.

Шу билан бирга, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликларни қайси давлат органи томонидан суриштирув ҳаракатлари амалга оширилиши Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг **245-моддасида** назарда тутилмаган, бироқ **суд бу тоифадаги ишларни кўриб чиқиши назарда тутилган холос.**

Хорижий давлатларда кибержиноятлар бўйича ҳудудий жиҳатдан терговга тегишлилик масаласи қуйидагича ҳал этилган:

Франция Жиноят-процессуал кодексининг 706-72-1-моддасига асосан, «*ушбу Кодекснинг 706-72-моддасида назарда тутилган қилмишлар, яъни ахборот тизимларига қарши жиноятлар (кибержиноятлар)ни Париждаги катта суд (Tribunal de grande instance de Paris) томонидан кўриб чиқилади.*»[4].

«*Франция кибержиноятларга қарши курашиш мақсадида Париждаги катта судга махсус ваколатлар берган бўлиб, улар кибержиноятларни тергов қилиш ва суд ишларини марказлаштириш учун махсус бўлимлар ёки судлардан иборат. Ушбу суд жиноий-қидирув, тергов, прокурор, суд тизими бўйича*

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[4] https://www.tribunal-de-paris.justice.fr/75.

алоҳида юрисдикцияга эга»[1]. **ушбу суд Франциянинг 2016 йил 3 июнда қабул қилинган** «Жиноий уюшмалар, терроризм ва уларнинг молиялаштирилишига қарши курашни кучайтириш ҳамда жиноят-процессуал қонунчилигининг самарадорлиги ва кафолатларини ошириш тўғрисида»ги **2016-731-сон Қонуни билан ташкил этилган**. Жинотя қаерда содир этилганлиги, айбдор ушланган жой ёки айбдор яшаши, юқоридаги катта белгилаган жой орқали терговда ҳудудийлик масаласи ҳал этилади[2].

Францияга ўхшаш тажриба **Таиландда** ҳам бор бўлиб, 2024 йил 18 март куни Таиланд Олий суди раиси ушбу суд таркибида Технология жиноятлари бўлими (Technology Crime Division)ни тузган ва у 2024 йил 1 апрелдан буюн фаолият юритиб келмоқда[3].

Мазкур бўлим «Компьютер билан боғлиқ жиноятлар тўғрисида»ги Қонун (Computer-Related Crime Act B.E. 2550 (2007))[4], «Шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонун (Personal Data Protection Act B.E. 2562 (2019))[5] ва «Киберхавфсизликни таъминлаш тўғрисида»ги Қонун (Cyber Security Maintenance Act B.E. 2562 (2019))[6]га оид кибержиноятлар ва технология билан боғлиқ жиноятларни кўриб чиқади.

Мазкур **бўлим** нафақат **кибержиноятларни**, балки **киберҳуқуқбузарликларни ҳам кўриб чиқиб**:

1) **суд буйруқларини** чиқаради (court orders) – Масалан, веб-сайтларни блоклаш, кибержиноятчиларга қарши процессуал ҳаракатларни амалга ошириш учун.

2) **қарор қабул қилади** (rulings/decisions) – Мурожаат қилинган иш юзасидан процессуал қарорлар чиқариши мумкин.

3) **ҳукм эълон қилади** (judgments/sentences) – Агар иш суд жараёнига етиб борса, айбдор деб топилган шахсларга нисбатан жиноий ҳукм чиқаради.

Ҳудудий бўйича жиноят содир этилган **ёки сунъий интеллект орқали башорат қилинган, айбланувчи қўлга олинган ҳудудда тергов амалга оширилади.**

Германияда тергов билан боғлиқ масала бошқачароқ йўлга қўйилган, яъни, кибержиноятларга қарши курашиш, уларни аниқлаш, кибержиноятларни фош этиш, кибержиноятларга қарши курашиш учун янги технологияларни жалб этиш, имконият ва ресурсларни бирлаштириш ва тақсимлаш, шунингдек, уларни ривожлантириш мақсадида 2020 йил 1 апрелда Германия Федерал Жиноят Полицияси идораси (BKA)[7]да Кибержиноятчилик бўлими (Cybercrime Division)[8] ташкил этилиб, унда қуйидаги бўлимлар ҳам мавжуд:

---

[1] https://www.legifrance.gouv.fr/codes/texte_lc/LEGITEXT000006071154/.
[2] https://www.legifrance.gouv.fr/loda/id/JORFTEXT000032627231.
[3] https://tel.directory.gov.hk/index_HKPF_ENG.html.
[4] https://www.icj.org/wp-content/uploads/2012/12/Thailand-Computer-Crime-Act-2007-eng.pdf.
[5] https://data.thailand.opendevelopmentmekong.net/en/laws_record/2562/resource/ec616be5-9fbf-4071-b4b5-cb1f3e46e826.
[6] https://data.opendevelopmentmekong.net/dataset/329b4f41-f309-4348-9015-23c6f62d5fb4/resource/ea9a61bc-fba9-41ae-9dd0-d31ca5f36ff5/download/843708_0001.pdf.
[7] https://www.bka.de/EN/Home/home_node.html.
[8] https://www.fbi.gov/investigate/cyber.

1) Кибержиноятлар бўйича марказий алоқа пункти (ZAC)[1];

***Маълумот учун**, ZAC хусусий сектор ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ўртасида ҳамкорликни таъминлайди.*

2) Кибержиноятларни оператив таҳлил қилиш бўлими[2].

***Маълумот учун**, ушбу бўлим кибержиноятлар бўйича маълумотларни таҳлил қилади ва халқаро ҳамкорликни мувофиқлаштиради. Жиноят содир этилган жой, айбланувчининг яшаш жойи, айбланувчининг қўлга олинган ёки ҳибсга олинган жой орқали терговга тааллуқлилик масаласи ҳал этилади.*

Англо-сакон ҳуқуқига асосланган **АҚШда** эса, мисол учун, Калифорния штатининг Санта-Клара округи прокуратурасида кибержиноятларга **ихтисослашган прокурорлар** фаолият юритади[3], Калифорния Бош прокурори идорасида эса, кибержиноятларни **тергов қилиш** ва **қонуний таъқиб қилиш** учун **махсус бўлим – Кибержиноятлар бўлими мавжуд**. Бу бўлим ахборот тизимларига ноқонуний кириш, интернет фирибгарлиги ва киберстолкинг каби жиноятларни **тергов қилади[4]**.

***Маълумот учун:** АҚШда ҳудудийлик масаласи федерал қонунлар қайси ҳудудда бузилган бўлса, ўша ҳудудда ёки ушбу қонун қайси федерал штатга тааллуқли бўлса, ўша жойда тергов амалга оширилади.*

Филиппинда кибержиноятларга қарши курашиш ва ноқонуний онлайн фаолиятларга қарши рейдлар ташкил этиш ва ўтказиш тартиби, бунда иштирок этувчи давлат органлари ва ташкилотларининг мажбуриятлари 2012 йилда қабул қилинган 10175-сонли Республика Акти — «Кибержиноятларнинг олдини олиш тўғрисида»ги қонунда белгиланган ва бу ерда рейдлар орқали бу жиноятларга қарши курашиш кенг йўлга қўйилган[5].

***Маълумот учун**: кибержиноят содир этилган жойдаги терговга тааллуқли бўлади.*

«Жамоат хавфсизлиги» билан «жамият хавфсизлиги» ҳамда «жамоат тартиби» ва «жамият тартиби» тушунчалари ўзаро фарқ қилади ҳамда унга оид ижтимоий муносабатлар Ўзбекистон Республикасида бевосита алоҳида махсус Қонун билан тартибга солинмаган. Бироқ, Хитой томонидан 2025 йил 27 июнь куни Хитой Халқ Республикасининг «Жамоат хавфсизлигини маъмурий жазолаш тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниб, 2026 йил 1 январдан кучга кириши белгиланди. Хусусан, унинг 33-моддасида қуйидаги хатти-ҳаракатлардан бирини содир этиб, зарар етказган ҳар қандай шахс беш суткагача муддатга қамоққа олиниши мумкинлиги ва агар ҳолат оғир бўлса, беш суткадан ўн беш суткагача қамоққа олиниши назарда тутилган:

«*давлат қоидаларини бузган ҳолда компьютер ахборот тизимига рухсатсиз кириш ёки бошқа техник воситалар орқали компьютер ахборот тизимида сақланаётган, қайта ишланаётган ёки узатилаётган маълумотларни қўлга киритиш, ёхуд компьютер ахборот тизими устидан ноқонуний назорат ўрнатиш;*

[1] https://www.polizei.de/Polizei/DE/Einrichtungen/ZAC/zac_node.html.
[2] https://nj.gov/njsp/division/investigations/cyber-crimes.shtml.
[3] https://da.santaclaracounty.gov/home.
[4] https://www.ca.gov/departments/223/.
[5] https://www.coe.int/en/web/octopus/country-wiki-ap/-/asset_publisher/CmDb7M4RGb4Z/content/philippines/pop_up.

миллий қоидаларни бузган ҳолда компьютер ахборот тизими функцияларини ўчириш, ўзгартириш, қўшимча киритиш ёки иш фаолиятига аралашиш;

миллий қоидаларни бузган ҳолда компьютер ахборот тизимларида сақланаётган, қайта ишланаётган ёки узатилаётган маълумотлар ёки иловаларни ўчириш, ўзгартириш ёки қўшимча киритиш;

қасддан компьютер вируслари ёки бошқа вайрон қилувчи дастурларни яратиш ёки тарқатиш;

комьпютер ахборот тизимларига ноқонуний кириш ёки улар устидан ноқонуний назорат қилиш учун махсус ишлатиладиган дастурлар ёки асбобларни тақдим этиш, ёхуд бундай дастур ёки асбобларни ноқонуний кириш ёки назорат билан шуғулланаётган шахсларга онгли равишда бериш.»[1].

3.2-§. Халқаро ҳужжатларда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий жиҳатлари

Бугунги кунда **ҳар ярим сонияда дунёда битта бола биринчи марта интернетга киради**. Дунёдаги 79 фоиз 15-24 ёшдаги ўспиринлар интернетдан фойдаланишади, 30 та мамлакатда ёшларнинг учдан биридан кўпроғи киберҳужумга дучор бўлганликлари сабабли уларнинг ҳар бешинчиси мактабни ташлаб кетган[2]. Дастлаб компьютер жиноятлари БМТнинг 9-конгрессида таъкидланган, Бош Ассамблеянинг 58/199-сон қарори ва 11-Конгресс ҳужжатларида кибержиноятчиликка қарши курашиш ва ахборот инфратузилмаларини ҳимоя қилишда анъанавий ёндашувларнинг самарасизлиги, шунингдек, ушбу соҳадаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш муҳокама қилинган[3] ва халқаро жиноий-ҳуқуқда кибержиноят тушунчасига таъриф берилмаган бўлса ҳам дунё давлатлари кибержиноят деганда, ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида содир этилган ва тармоқлар, тизимлар, маълумотлар, веб-сайтлар ва/ёки технологияларни мақсад қилган ёки жиноят содир етишга ҳисса қўшадиган қонунни бузадиган ҳаракатни тушунишади. Дунё давлатлари кибержиноят трансчегаравий муносабатлардан ҳам иборат бўлганлиги боис, ўзаро ҳамкорлик қилиш орқалигина бу жиноятлар билан етарлича курашишлари мумкин, деб ҳисоблашади.

Таъкидлаш керакки, Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизликни таъминлашда бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди, хусусан, ўтган вақт давомида «*киберхавфсизлик*» соҳасига оид Ўзбекистон Республикасининг **12** та Қонуни, Ўзбекистон Республикасининг **19** та Фармони, Ўзбекистон Республикаси Президентининг **28** та қарори, Вазирлар Маҳкамасининг **37** та қарори, **7** та идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжат, **жами 104** та қонунчилик ҳужжати қабул қилиниб, ижрога қаратилган. Ушбу қонунчилик ҳужжатлари билан ўтган вақт давомида 185 та топшириқ берилган ва шундан 152 та вазифа

[1] https://www.pkulaw.com/chl/4a0675f698316d0fbdfb.html?way=listView.
[2] https://www.unodc.org/e4j/ru/terrorism/module-5/key-issues/middle-east-and-gulf-region.html.
[3] А. Кузнецов. Международное сотрудничество в борьбе с киберпреступностью // Научный портал МВД России. 2023. №1 (61). – С.132.

ижро этилиб, 33 та вазифа тўлиқ ижро этилмаган ёки ижросини таъминлаш давом этмоқда. Ушбу қонунчилик ҳужжатлари ва топшириқлари асосида тўғридан-тўғри киберхавфсизликни таъминлашга оид алоҳида махсус Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди, Ўз.Рес. ЖК.даги **30** та, Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг **389** та моддаси қайта кўриб чиқилди ва кибержиноятларга нисбатан жавобгарлик белгиланди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1 та махсус Фармони ва 3 та қарори асосида киберхавфсизликни тартибга солувчи ваколатли орган – Давлат хавфсизлик хизмати ҳисобланиши белгиланиб, «Киберхавфсизлик маркази» ДУК ҳамда Марказий банк, Ички ишлар вазирлиги ва бошқа идораларда киберхавфсизликка оид алоҳида бўлинма ва марказлар ташкил этилди, «Киберхавфсизлик маркази» ДУК фаолиятини очиқ молиялаштириш тизими йўлга қўйилди, 4 та олим таълим ташкилотларида бакавалриат, магистратура босқичларида алоҳида йўналиш сифатида киберхавфсизлик бўйича **кадрлар тайёрлаш тизими** йўлга қўйилди, 3 та киберхавфсизлик бўйича мутахассислар етиштирувчи **олий таълим ташкилотлари** ташкил этилди. Киберҳуқуқбузарликлар бўйича хабардор қилиш тизими (https://csec.uz/uz/) ва ягона узел фаолияти йўлга қўйилиб, давлат органлари ва ташкилотларининг киберхавфсизлик бўйича ягона алоқа тармоғи ташкил этилди. «*Давлат ахборот тизимлари ва ресурсларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талаблари бўйича экспертизадан ўтказиш», «сертификатлаштириш ва аудитдан ўтказиш тизими», «рақамли криминалистика*» фаолияти йўлга қўйилиб, электрон (рақамли) далилларнинг ҳуқуқий мақоми белгиланди, шахсга доир маълумотларни ва интеллектуал мулк ҳуқуқини муҳофаза қилиш тартиб-таомиллари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди, Банк-молия тизимида ислоҳотлар ўтказилиб, банк ва тўлов ташкилотларининг киберхавфсизлигини таъминлаш механизмлари белгиланди. Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизлиги ҳисоботларини тузиш ва жамоатчиликка киберхавфсизликни очиқлаш йўлга қўйилди. Хавфсиз электрон идентификация қилиш тизими яратилди (https://id.egov.uz/), киберхавфсизликни таъминлаш бўйича Президент соврини бўйича танлов йўлга қўйилди (https://awards.gov.uz/). Киберхавфсизлик бўйича халқаро ҳамкорликка тамал тоши қўйилди. Бироқ, миллий ва халқаро майдонда Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизлигини таъминлашда қатор муаммолар бўлиб, унинг ечимлари ечилмаётганлиги, шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилишда киберхавфсизликнинг етарлича таъминланмаганлиги олиб борилаётган ислоҳотларнинг кейинги ривожига салбий таъсир этмоқда. Хусусан, ҳар йили Бирлашган Миллатлар ташкилоти Халқаро электр алоқа иттифоқи экспертлари киберхавфсизлик даражаси бўйича давлатлар рейтингида (Global kiberxavfsizlik indeksi – Global Cybersecurity Index) **Ўзбекистон Республикаси 64-ўринда** турган бўлса, National Cyber Security Indexда **40-ўринни** эгаллаган.

Унинг юқори ўринни эгалашига эса, монография 28-иловасида назарда тутилган **камчилик** сифатида кўрсатилган. Мазкур вазифаларнинг жуда кўп қисмини амалга ошириш давлат бюджетидан қўшимча маблағларни талаб

қилмайди, хусусан, қуйидаги йўналишлар бўйича давлат бюджетидан қўшимча маблағлар зарур бўлиши мумкин, бироқ қолган вазифаларни амалга ошириш бюджетдан қўшимча маблағлар талаб этмайди, масалан, бошланғич, ўрта ва ўрта-махсус таълимда киберхавфсизлик компетенциялари ўргатилмайди ва бу бўйича узлуксиз таълим мавжуд эмас, киберхавфсизлик бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш учун ягона алоқа нуқтаси белгиланмаган, халқаро киберинқироз машқларини бажариш жараёнларида иштирок этилмаган, миллий киберинқирозни бошқариш машқлари ишлаб чиқилмаган, Европа Кенгашининг кибержиноятчилик тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилмаган ёки қўшилмаган, халқаро кибержиноятлар учун 24/7 алоқа нуқтаси мавжуд эмас, ҳарбий кибермудофаа қобилияти мавжуд эмас, ҳарбий кибермудофаа машқлари бажарилмаяпти, деган камчиликларни бартараф этиш имконияти мавжуд ва уни амалга ошириш бугуги кундаги муҳим вазифадир. Зеро, кибержиноятлар халқаро трансчегаравий жиноятлар саналади ва у бевосита жамоат хавфсизлигига таҳдид солади. Мазкур рейтинглар бўйича қўйилган вазифаларнинг бажарилиши хавфсиз кибермухит, шу жумладан, кибермакон яратишнинг ташкилий-ҳуқуқий институционал асослари яратилишига хизмат қилади.

Бугунги кунда Ўзбекитон Республикасида 2025 йил 6 февраль куни ҳолати бўйича 134 809 та uz. домен маъмури, 1275 та ахборот тизими ва ресурси, 1634 та телекоммуникация лицензиати, 35 763 980 та мобил фойдаланувчи, 633 та Ягона интерактив давлат хизматларидаги хизматлар, 376 та банк ва унинг филиаллари, 9149 та банкомат, 2 та тўлов тизими оператори, 38 та банк пластик карталари ва уларга оид мижозларнинг ҳисоб рақамлари, 44 та тўлов ташкилоти, 99 та микрокредит ташкилоти, 2 440 786 та тадбиркорлик субъекти, 11 мингдан ортиқ шахсга доир маълумотлар базаси ва бошқалар кибержиноятчилар қурбони бўлиши мумкин ва бу эса, шахс, жамият ва давлат манфаатларига зиддир. Бу жиноятнинг кенг кўламлилиги, иқтисодий ва вақт нуқтаи назаридан бошқа жиноятларга қараганда тезкорлиги ва самарали эканлиги унинг трансчегаравий муносабатлар орқали кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини таъминлашда бир қатор муаммоларни вужудга келтирмоқда. Хусусан, маъмурий ислоҳотлар ўтказилмоқда, бироқ киберхавфизликни таъминлаш бўйича маъмурий ислоҳотлар етарлича ўтказилмаган, мисол учун, Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни билан киберхавфсизлик соҳасидаги ваколатли орган ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ–4452-сон қарорига асосан, киберхавфсизлик соҳасини тартибга солувчи давлат органи сифатида Давлат хавфсизлик хизмати белгиланган[1], бироқ ушбу соҳани назорат қилувчи орган,

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

шахс, жамият ва давлат манфаатларини кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда киберхавфсизлик соҳасида қайси давлат органи ҳимоя қилиши, киберхавфсизликка оид муносабатларни мувофиқлаштириши, бу соҳани назорат қилиши аниқ ва етарлича белгиланмаган. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон қарорида киберхавфсизлик соҳаси бўйича тартибга солувчи – регуляторнинг қатор вазифа ва функциялари қолиб кетган[1].

Киберхавфсизлик соҳаси бугунги кунда техник назарияга асосан, ахборот соҳаси билан ажратилган ҳолда, Ўзбекистон Республикасида ўрганилмоқда, кадрлар етиштирилмоқда, бироқ ҳам юридик, ҳам техник томондан ушбу соҳани мукаммал биладиган бирон бир малакали мутахассис мавжуд эмас. Ваҳоланки, халқаро ҳужжатлар бўлган монография 29-иловасидаги ҳужжатларда киберхавфсизлик ҳам техник ва юридик назарияга асосан, битта соҳа сифатида қаралиб, ахборот соҳаси билан киберхавфсизлик соҳасига оид киберҳуқуқбузарликлар битта йўналиш сифатида кўрсатилганлигини кўришимиз мумкин. Ўзбекистон ҳам ушбу халқаро ҳужжатларнинг бир қисмига аъзо бўлган, ратификация қилган, қўшилган, бироқ амалда ахборот соҳаси билан ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик соҳаси алоҳида соха сифатида кўриб келинмода. Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 15-моддасига асосан, «*Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган принцип ва нормалари билан бир қаторда Ўзбекистон Республикаси ҳуқуқий тизимининг таркибий қисмидир. Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қонунида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаси қоидалари қўлланилади*»[2]. Демак, мазкур нормага асосан, Ахборот кодекси лойиҳасининг қоидалари «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Қонуннинг қоидаларига мувофиқ келиши ва ушбу соҳа тизимлаштирилиши даркор.

Ўзбекистон Республикасининг миллий ва халқаро майдонда етарлича тажриба ва имкониятларга эга бўлишида унинг ташаббускорлиги муҳим аҳамиятга эгадир, хусусан, халқаро ҳужжатдаги қоидалар қайсидир давлат вакиллари томонидан ишлаб чиқилиши билан бир қаторда, даставвал ўша давлатнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиниши табиий ҳолатдир. Шу сабабли ривожланаётган давлат сифатида Ўзбекистоннинг БМТ аъзо бўлган давлатлар томонидан эътироф этилиб, ратификация қилинадиган халқаро Конвенцияни қабул қилиш ташаббуси билан чиқиши унинг дунё давлатлари қаторида, айниқса, унинг жойлашган жойи Марказий Осиёда марказдаги давлат сифатида барча давлатларнинг кибермухити, шу жумладан, кибермакони ягона

тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ–167-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[1] Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2018 йил 1 майдаги 318-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

марказлашган кибермухит, шу жумладан, кибермакон сифатида эътироф этиб, унинг хавфсизлигини таъминлашда Ўзбекистоннинг ролини ошириши табиий ҳолатдир. Бундан ташқари бу бўйича халқаро рейтинг индекслари ишлаб чиқилиб, унинг Ўзбекистон Республикаси томонидан юритилиши Россия, АҚШ, Хитой, Туркция, БАА, Саудия Арабистони, Ғарбий ва Шарқий Европа мамлакатлари, Ж. Корея, Япония, Сингапур, Малайзия, Индонезия, Эстония, шу билан бирга, Марказий Осиё давталари ичида Ўзбекистоннинг нуфузи янада кўтарилишига хизмат қилади.

Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизлик бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар тарқоқ бўлиб, бу соҳадаги ислоҳотлар ягона ўрта муддатга мўлжалланган стратегия асосида ривожланмаётганлиги тизимли асосда муаммоларнинг вужудга келишига сабаб бўлмоқда. Техник томондан шахсга доир маълумотлар базалари, муҳим ахборот инфрартузилмаси, булутли технологияларга киберхавфсизликдан келиб чиқиб, ягона махсус талаблар белгиланмаганлиги ва муҳим ахборот инфрартузилмасининг реестри шу кунга қадар тасдиқланмаганлиги олиб борилаётган ишларнинг самарасига салбий таъсир этмоқда, киберхавфсизлик субъектларининг объектларга нисбатан тоифаланган ҳолда, хавфсизликни таъминлашга бўлган эътиборининг сустлашишига сабаб бўлмоқда, натижада кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда содир этилган жами кибержиноятларнинг 1 фоизи тўлиқ бўлса ҳам фош этилмаслигига сабаб бўлмоқда. Кибержиноятлар учун эса, жазо муқаррарлигини таъминлаш учун Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида тизимли ҳуқуқбузарилк учун жавобгарлик муқаррарлиги принципининг ишламаслигига сабаб бўлмоқда. Мисол учун, Жиноят кодексининг XX[1]-боби ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар деб эътироф этилган ҳолда, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда бу соҳага оид маъмурий ҳуқуқбузарликларга оид алоҳида боб мавжуд эмас ва “алоқа” соҳасига оид ҳуқуқбузарликлар бўйича жавобгарликни назарда тутувчи моддаларга эса, ўтган вақт давомида бирон марта ҳам жавобгарлик нуқтаи назаридан ўзгартиш ва қўшимчалар киритилмаган, сунъий интеллект ривожланиб, амалда бу технологиядан фойдаланган ҳолда, ҳуқуқбузарликлар сони кўпайган ҳолда, ҳали хануз бу бўйича умуман жавобгарлик иккала жавобгарликка оид кодексда назарда тутилмаган. Кадрлар тайёрлаш тизимида ҳам босичма-босқич узлуксиз таълим ташкил этилиши ўрнига олий таълимда киберхавфсизлик бўйича мутахассисларни тайёрлаш тизими йўлга қўйилган ҳолда, ушбу соҳада кадрларнинг компетенциясини шакллантириш учун бошланғич (умумий), ўрта, ўрта-махсус таълимда киберхавфсизлик бўйича кадрлар етиштирувчи аниқ дастур, фан ишлаб чиқилиб амалиётга жорий этилмаган ва ягона ҳуқуқий ва технологик киберхавфсизлик етиштирувчи таълим тизими ҳали хануз йўлга қўйилмаган. Моддий-техник базаси ва молиявий қўллаб-қувватланиши бўйича киберхавфсизлик соҳасида етарлича ислоҳотлар амалга оширилмаган, хатто «Киберхавфсизлик маркази» ДУКнинг ўзини молиялаштириш давлат бюджетидан эмас, балки Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли

технологияларни ривожлантириш жамғармаси томонидан амалга оширилиши белгиланган. Бугунги кунда 1275 та давлат ахборот тизими ва ресурси ва 11 мингдан ортиқ шахсга доир маълумотлар базасининг деярли барчаси жисмоний ва юридик шахслар томонидан юритилади, уларнинг хавфизлигини техник ва юридик таъминлаш бўйича аниқ қоидалар деярли мавжуд эмас, шахсга доир маълумотлар ва ахборот ресурси хавф остида қолган. Айнан мазкур хавф-хатарларни бартараф этиш мақсадида юқорида саналган халқаро ҳужжатларнинг мазмун-моҳиятини яқиндан билиш мақсадга мувофиқ. Улар ичида Европа Кенгашининг «Кибержиноятчилик тўғрисида» 2001 йил 23 ноябрдаги Конвенция (Будапешт конвенцияси)[1] ва унинг иккита баённомаси энг муҳим халқаро ҳужжатлардан бўлиб, у кибержиноятларга *«Интернет ва бошқа компьютер тармоқлари орқали содир етилган жиноятлар», «муаллифлик ҳуқуқларининг бузилиши», «компьютер фирибгарлиги», «болалар порнографияси» ва «тармоқ хавфсизлигини бузиш»* билан боғлиқ жиноятларни қамраб олган ва ушбу жиноятларга қарши курашиш бўйича биринчи халқаро шартнома мазкур Конвенция саналади[2].

БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2017 йил 13 февралдаги 2341-сон резолюцияси[3] ҳам киберхавфсизликка қаратилган халқаро ҳужжат бўлиб, унда «муҳим ахборот инфратузилмалари ва (ёки) буюмлар интернети қурилмаларига киберҳужумлар», «Интернетда терроризмни тарғиб қилиш», «террорчилик онлайн алоқалари», «терроризмни молиялаштириш»[4] учун жавобгарликни белгилаш назарда тутилган.

БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 17 декабрда 74-сессиясида тасдиқланган «Ахборот-коммуникация технологияларидан жиноий мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш тўғрисида»ги 73/187-сонли қарори[5]да ахборот-коммуникация технологияларининг ривожи туфайли кибержиноятлар сони ошиб кетаётганлиги, жиноятлар ахборот-коммуникация технологиялари ёки сунъий интеллект технологиялари орқали содир этилиши натижасида жиноий мақсадлар тезроқ амалга ошаётганлиги сабабли рақамли дунёда ҳар бир давлат муҳим ахборот инфратузилмаларини яратиши ва уни ҳимоя қилиш чораларини кўриши ва ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида инсон ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши зарурлиги белгиланган[6]. ШҲТ билан боғлиқ бўлган халқаро ҳужжатлар ҳақидаги қисқача маълумот монография 30-иловасида назарда тутилган. Аъзо давлатларни шартнома қоидаларини амалга ошириш учун миллий қонунларни қабул қилишга ва кибержиноятчиликка қарши кураш соҳасидаги миллий қонунчиликни бирлаштиришга чақирган «Мустақил давлатлар Ҳамдўстлигига аъзо давлатлар томонидан 2001 йилда имзоланган компютер ахбороти соҳасидаги жиноятларга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида»ги битим ҳам ўзига хос халқаро ҳужжат бўлиб, унга Ўзбекистон ҳам

[1] https://rm.coe.int/1680081580.
[2] https://www.coe.int/ru/web/impact-convention-human-rights/convention-on-cybercrime#/.
[3] https://documents.un.org/doc/undoc/gen/n17/038/61/pdf/n1703861.pdf.
[4] https://www.un.org/counterterrorism/ru/cybersecurity.
[5] https://documents.un.org/doc/undoc/gen/n18/450/56/pdf/n1845056.pdf.
[6] https://docs.un.org/ru/A/RES/73/187.

аъзо давлат саналади ва унда Жиноят кодексимизнинг 278[1]-278[6]-моддасида назарда тутилган ***«зарарли дастур», «ахборот технологиялари», «ахборот тизими», «компютер тизими», «компютер маълумотлари», «ахборотга рухсатсиз кириш»*** каби тушунчаларнинг таърифлари назарда тутилган[1]. Ушбу шартномага мувофиқ, «*томонлар ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларнинг олдини олиш, аниқлаш, олдини олиш, очиш ва тергов қилишни таъминлаш мақсадида ҳамкорлик қиладилар ва томонлар миллий қонунчиликка мувофиқ, агар улар қасддан содир етилган бўлса, «ахборот технологиялари соҳасидаги ахборотни йўқ қилиш, блокировка қилиш, ўзгартириш ёки нусхалаш», «қонун билан ҳимояланган компютер маълумотларига рухсатсиз кириш орқали ахборот (компютер) тизимининг бузилиши», «зарарли дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш», «комьпютер тизимига кириш ҳуқуқига ега бўлган шахс томонидан ишлаш қоидаларини бузиш, натижада қонун билан ҳимояланган компютер маълумотларини йўқ қилиш, блокировка қилиш ёки ўзгартириш, агар ушбу ҳаракат жиддий зарар ёки оғир оқибатларга олиб келган бўлса», «комьпютер тизимида қайта ишланган, компютер оммавий ахборот воситаларида сақланадиган ёки маълумотларни узатиш тармоқлари орқали узатиладиган маълумотларни ўзгартириш ёки компютер тизимига нотўғри маълумотларни киритиш ёки қонуний ҳимояланган комьпютер маълумотларига рухсатсиз киришни ўз ичига олган ҳолда мулкни ўғирлаш», «Интернет-ахборот-телекоммуникация тармоғи ёки бошқа электр алоқа каналларидан фойдаланган ҳолда вояга етмаганнинг тасвири билан порнографик материаллар ёки порнографик табиат объектларини тарқатиш», «хавфсиз комьпютер тизими ёки тармоғига рухсатсиз кириш учун махсус дастурий таъминот ёки аппарат воситаларини ишлаб чиқариш ёки сотиш», «муаллифлик ҳуқуқи объекти бўлган компютер тизимлари ва маълумотлар базалари учун дастурлардан ноқонуний фойдаланиш», шунингдек «муаллифлик ҳуқуқи атрибути, агар ушбу ҳаракат катта зарар етказган бўлса, «Internet» ахборот-телекоммуникация тармоғидан ёки бошқа электр алоқа каналларидан фойдаланган ҳолда белгиланган тартибда экстремистик деб тан олинган ёки террористик фаолиятни амалга ошириш ёки терроризмни оқлаш чақириқларини ўз ичига олган материалларни тарқатиш»*[2] жиноий жавобгарликка тортиладиган қилмиш деб тан оладилар.

Ҳудудийлик бўйича иштирокчи давлатлар ўзаро миллий қонунчиликда кибержиноятчини жиноий жавобгарликка тортишни талаб қилиш, кибержиноятчилик ва киберхавфсизлик билан боғлиқ ҳолатларда жиноятчини аниқлаш, ҳамкорлик ва экстрадиция қилишга ўзаро ёрдам беришга оид Ғарбий Африка давлатлари иқтисодий ҳамжамиятининг кибержиноятчиликка қарши кураш бўйича 2011 йилдаги директиваси[3] ва Африка Иттифоқи давлатларига кибержиноятчиликка қарши самарали курашиш, миллий қонунчиликни бирлаштириш, ўзаро ҳуқуқий ёрдам шартномаларини тузиш учун миллий

[1] https://www.unodc.org/e4j/ru/cybercrime/module-3/key-issues/international-and-regional-instruments.html.
[2] https://lex.uz/docs/4748982.
[3] https://www.tit.comm.ecowas.int/wp-content/uploads/2015/11/SIGNED_Cybercrime_En.pdf.

қонунларни қабул қилиш ва/ёки мавжуд миллий қонунларга ўзгартириш киритиш тўғрисидаги қоидаларни ўз ичига олган Киберхавфсизлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича 2014 йилги Африка Иттифоқи Конвенцияси[1] Африка қитъасидаги давлатлар аъзо бўлган энг катта халқаро ҳужжат саналади. 2010 йилги Араб давлатлари Лигаси томонидан қабул қилинган Араб давлатлари Лигасининг ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши кураш тўғрисидаги Конвенцияси ҳудудийлик бўйича яна бир халқаро ҳужжат бўлиб, унинг асосий мақсади давлатлар ўртасида ўз мулклари, аҳолиси ва манфаатларини кибержиноятчиликдан ҳимоя қилишларини таъминлаш учун ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборатдир[2].

Юқоридаги халқаро ҳужжатларда иккита ўхшашлик бор, бири ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид бўлса, кейингиси ҳудудийликка асосланганлигидадир.

Халқаро жиноий-ҳуқуқий муносабатларда кибержиноятлар трансчегаравий жиноят эканлиги билан алоҳида ажралиб туради, А. Г. Волеводз фикрича, «**трансмиллий уюшган жиноятчилик** – бу миллий, диний, этник, қариндошлик асосида ташкил этилган бир ёки бир нечта жиноий гуруҳларнинг жиноий ҳаракатларининг (фаол ҳаракатларининг) изчил мақсадли тизими бўлган таркибий жиҳатдан мураккаб, ижтимоий, ҳуқуқий ҳодиса» саналади[3], фикримизча, ҳақиқатан ҳам кибержиноят трансмиллий уюшган жиноятларга киради. БМТнинг Трансмиллий уюшган жиноятчиликка қарши конвенцияси (Нью-Йорк, 2000 йил 15 ноябрь)га Ўзбекистон ҳам аъзо ҳисобланади ҳамда унга кўра, «***уюшган жиноий гуруҳ*** *– бу маълум бир вақт давомида мавжуд бўлган ва ушбу Конвенцияга мувофиқ тан олинган бир ёки бир нечта оғир жиноятлар ёки жиноятларни содир етиш мақсадида биргаликда ҳаракат қиладиган уч ёки ундан ортиқ шахслардан иборат тузилган гуруҳ. тўғридан-тўғри ёки билвосита молиявий ёки бошқа моддий фойда*.»[4].

Киберҳужумнинг ўзга давлат ҳудудидан туриб содир этилиши ва кибержиноят изларининг тезкорлик билан йўқ қилинишининг олдини олиш ва киберизларнинг бошқа давлатдан олиниши зарурлиги учун ҳам трансчегаравий муносабатлар муҳим аҳамиятга эга саналади. Тўғри бу борада давлатлар ўзаро кадрга оид, ташкилий, техник, иқтсодий, юридик томондан ҳамкорлик қилиши мумкин, аммо асосийси кибержиноятчини аниқлаш, уни топиш, унинг қилмишларини фош этиш ва жазога тортиш дунё давлатларининг асосий мақсади саналади. Трансчегаравий муносабатлар орқали инсон ҳуқуқлари билан бир вақтнинг ўзида жамият ва давлат манфаатлари ҳам тикланади, ҳимоя қилинади. Бугунги кунда ушбу соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларнинг энг катта камчилиги ва муаммо бу дунё давлатларининг **кибержиноятларга оид қонунчилигининг турлича эканлигидадир,** баъзи давлатларнинг жиноят

[1] https://au.int/sites/default/files/treaties/29560-treaty-0048_-_african_union_convention_on_cyber_security_and_personal_data_protection_e.pdf.
[2] https://itlaw.fandom.com/wiki/Arab_Convention_on_Combating_Information_Technology_Offences.
[3] Волеводз А. Г. Жиноий жараён соҳасидаги халқаро ҳамкорликнинг янги йўналишларининг ҳуқуқий асослари. Юридик. Фанлар докторининг диссертацияси . – Москва, 2002 й. – 68-бет.
[4] https://lex.uz/docs/1304112.

қонунчилигида кибержиноятларга бағишланган, баъзиларда ахборот технологиялари соҳасига оид жиноятлар деб кўрсатилган, баъзиларда улар турлича моддаларда назарда тутилган, баъзиларда аралаш ҳолатда мавжуд. Биргина, таҳлилларга кўра, Ўзбекисотонга нисбатан 2023 йилда амалга оширилган киберҳужумларнинг географик тааллуқлигига кўра, Нидерландия (759 502), АҚШ (696 671) ва Россия (100 549) етакчилик қилмоқда[1]:



Веб-ресурсларга бўлган киберҳужумлар давлатлар кесимида

Мониторинг тизимига уланган веб ресурсларга уюштирилган ҳужумларнинг турлари орасида энг кўп қўлланганлари SQL инекция, протоколларни мажбурий қўллаш ва чекланган файлга рухсат кириш бўлган ва у қуйидаги жадвалда баён этилган:

Фикримизча, кибержиноятларни аввало техник жиноят эканлигига аҳамият бериш керак, сабаби техник томондан ушбу жиноят содир этилади ва уни техник томондан фош этиш мумкин. Шу сабабли дунё давлатлари ўзаро ҳамкорлик қилиш ва ҳамкорлик ёки бошқа усуллар билан олинган ахборотдан ноқонуний мақсадда ҳамкори ёки учинчи давлатнинг манфаатларига зид мақсадда фойдаланмаслик бўйича қатъий келишиб олишлари лозим. Шундан кейин ўзаро улар жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини бирхиллаштириши керак, сабаби Ўзбекистонда содир этиладими, бошқа давлатда содир этиладими, ахборот-коммуникация технологияларига нисбатан ёки улардан фойдаланиб содир этилган жиноятлар кибермуҳитда содир этилар экан улар кибержиноят саналади. Шу сабабли дунё давлатларининг қонунчилигини киберхавфсизлик соҳасида бирхиллаштириш мақсадга мувофиқ. Бу ҳолат нима беради, фикримизча, кибержиноятларни аниқлаш, уларга қарши курашиш, уларни фош этиш, жиноят учун жазонинг муқаррарлигини таъминлаш имконини беради. Халқаро муносабатларда кибержиноятларни фош этишда телекоммуникация тармоғи мулкдорларининг ёрдами жуда муҳимдир.

[1] https://kun.uz/kr/news/2024/03/29/ozbekistondagi-axborot-resurslariga-kiberhujumlar-24-barobarga-oshdi.

Кибержиноятларнинг жуда катта қисми шахсга доир маълумотларнинг ишлаб берилиши орқали содир этилади, шу сабабли дунё давлатлари шахсга доир маълумотлар базаларини ўзларининг давлатларига жисман кўчириш ва уларни рўйхатдан ўтказишга алоҳида аҳамият беришмоқда. Шу сабабли Ўзбекистон ҳам «Шахсга доир маълумотлар тўғрисида» 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ–547-сон Қонуннинг 27[1]-моддасида зарур қоидалар белгилаб қўйилган[1] бироқ кибержиноятларга қарши курашиш учун мазкур харакат етарли эмас, фикримизча. Маълумки, юқоридаги Қонунга асосан, «субъектнинг розилигисиз ёки бошқа қонуний асос мавжуд бўлмагани ҳолда шахсга доир маълумотларни ошкор этиш ва тарқатишга йўл қўйилмаслиги тўғрисида мулкдор ва (ёки) оператор ёки шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат олган бошқа шахс томонидан риоя этилиши мажбурий бўлган талаб шахсга доир маълумотларнинг махфийлигидир. Мулкдор ва (ёки) оператор ҳамда шахсга доир маълумотлардан фойдаланишга рухсат олган бошқа шахслар субъектнинг розилигисиз шахсга доир маълумотларни учинчи шахсларга ошкор этмаслиги ва тарқатмаслиги шарт.»[2].

Шу ўринда кибержиноятлар бўйича трансчегаравий муносабатларда киберпрофилактикани амалга ошириш учун дастлаб нимани ҳимоя қилишимиз кераклигини билиб олишимиз керак, буларнинг қисқа бўлса ҳам Ўзбекистонда рўйхати берилган бўлиб, у монографиянинг 31-иловасида назарда тутилган ва улар махфик ахборот саналади. Демак, ушбу махфий ахборотларни учинчи шахслар ноқонуний йиғмаслиги, ишлов бермаслиги ва ноқонуний фойдаланмаслиги учун унинг хавфсизлиги таъминланиши керак ва бу борада Ўзбекистон техник томондан кибержиноятлар ўзга давлат ҳудудида туриб ҳам содир этилиши мумкинлиги сабабли халқаро муносабатларга киришишга мажбур. Зеро, Давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади. Давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъулдирлар[3].

Халқаро муносабатларда ШХТ ва МДҲ давлатларининг аъзоликка асосланган муносабатларда Ўзбекистон кибержиноятларга нисбатан қисман курашиши мумкин, бироқ кибержиноят ушбу аъзоликка кирмаган халқаро ҳужжатлардаги давлатларда кибержиноятлар содир этилса, уларни аниқлаш, фош этиш ва жавобгарлик масаласида Ўзбекистон олдида бир қатор муаммолар вужудга келиши мумкин. Шу сабабли юқоридаги 12 та халқаро ҳужжатга Ўзбекистон Республикаси махсус шартлар асосида қўшилган ҳолда, дунё давлатлари билан киберхавфсизликни таъминлаш бўйича ҳамкорликни яқиндан йўлга қўйиши мақсадга мувофиқ. Буни амалга ошириш учун монография 32-иловасида назарда тутилган халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикаси юқори пағоналарга кўтарилиши учун амалга оширилиши зарур бўлган бугунги

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ–547-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ–547-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

кундаги зарур вазифалар рўйхатидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳужжатини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш орқали мавжуд муаммоларни зудлик билан ҳал қилиш зарурлиги таклиф қилинади. Шу жиҳатдан юқорида саналган 12 та халқаро ҳужжатларни бирлаштириш ва кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда ягона халқаро ҳуқуқий Конвенцияни қабул қилиш ва у асосида зарур киберҳамкорликни амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Ушбу халқаро ҳужжатларнинг ягона ҳуқуқий ва технологик ечимлар орқали кибержиноятларни аниқлаш, фош этиш, уларга қарши курашиш ва киберхавфсизликни таъминлашга хизмат қилади.

3-боб бўйича хулосалар

3-боб якунлари бўйича 15-иловага мувофиқ хулоса қилинади.

IV БОБ. ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛУВЧИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРНИНГ ЖИНОИЙ-ҲУҚУҚИЙ ЖИҲАТЛАРИНИ АНИҚЛАШДА РАҚАМЛИ НАЗОРАТНИНГ РОЛИ

4.1-§. Ўзбекистон Республикасида рақамли назоратни амалга ошириш зарурияти ва тартиби

«Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг 96-мақсади «*фуқароларнинг ахборотни эркин излаш, олиш ва тарқатишга доир ҳуқуқларини амалга ошириш кафолатларини янада кучайтириш мақсадида Интернет жаҳон ахборот тармоғидан тўсиқларсиз фойдаланиш учун зарур шарт-шароитларни яратиш, миллий интернет маконида киберхавфсизликни таъминлаш ҳамда фуқароларнинг интернетдан фойдаланиш борасидаги саводхонлигини оширишдир.*»[1]. Ана шу мақсад амалга ошириш билан бир қаторда бу борада жамоат хавфсизлигини таъминлаш ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш керакки, бугунги кунда, бутун дунёда биргина 5G фойдаланувчилари сони 1,8 миллиарддан ошди[2], дунёда мобил телефонлар сони 2024 йилда тахминан 8 миллиардга етган, шундан, 2024 йил 1 январь ҳолатига кўра, Ўзбекистонда мобиль радиотелефон фойдаланувчилари сони 34,2 миллион нафарни ташкил этиб, 2022 йилга нисбатан бу кўрсаткич 7 фоизга ошган[3], 2024 йилда жаҳон бўйича амалий фойдаланиш учун ишлайдиган сателлитлар сони 8 мингдан ошган, БМТ статистик маълумотларига кўра, бугунги кунда дунёда 51 мингдан ортиқ радиостансиялар ва 2,4 миллиарддан ортиқ радио мавжуд. Ривожланган мамлакатларда барча уй хўжаликларининг камида 75 фоизи радиостанция дастурларини қабул қилиш имкониятига эга[4]. Бироқ, кибержиноятларнинг кун сайин тури ва сони ошиб бораётганлиги бу борада зарур ислоҳотлар ўтказиш зарурлигини тақозо этмоқда. Шу сабабли ўтган вақт давомида норма ижодкорлиги бўйича ҳам ташаббусимиз, ҳам вазирлик ва идоралар ташаббуси асосида зарур ишлар амалга оширилди, хусусан:

1) Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида» 2003-йил 11-декабрдаги 560-II-сон Қонунининг 12[1]-моддаси бизнинг таҳрирда янги таҳрирда баён этилди[5]. Бу эса, ўз навбатида «*Ўзбекистон Республикасининг мавжуд конституциявий тузумини, ҳудудий яхлитлигини зўрлик билан ўзгартиришга даъват этиш*» бўйича Жиноят кодексининг 158-159-моддаларида, «*оммавий тартибсизликларга, фуқароларга нисбатан*

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон — 2030” стратегияси тўғрисида” 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] http://m.xabar.uz/texnologiya/mwcs-2024-huawei-mobil-suniy-intellekt-asriga.

[3] https://plov.press/uz/news/tekhnologii/abonentlar_soni_a_oli_soniga_teng_zbekiston_mobil_alo_asi_anchalik_rivozhlanmo_da_va_rossiya_tazhrib/.

[4] https://adindex.ru/publication/analitics/channels/2016/08/31/136149.phtml.

[5] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003-йил 11-декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

зўравонлик қилишга, шунингдек белгиланган тартибни бузган ҳолда ўтказиладиган йиғилишлар, митингларда, кўча юришларида ва намойишларда иштирок этишга даъват қилиш, шунингдек мазкур ноқонуний ҳаракатларни мувофиқлаштириш» бўйича Жиноят кодексининг 130[1], 217-, 244-моддаларида, «*жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборот тарқатиш*» бўйича Жиноят кодексининг 244[6]-моддасида, «*уруш, зўравонлик ва терроризмни, шунингдек диний экстремизм, сепаратизм ва фундаментализм ғояларини тарғиб қилиш*» бўйича Жиноят кодексининг 130[1], 150-, 155-, 244[1]-моддаларида, «*давлат сирларини ёки қонун билан қўриқланадиган бошқа сирни ташкил этувчи маълумотларни ошкор этиш*» бўйича Жиноят кодексининг 162-моддасида, «*ўзга шахсларга тегишли бўлган интеллектуал мулк объектларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш*» бўйича Жиноят кодексининг 149[1]-моддасида, «*фуқароларни, шу жумладан вояга етмаган шахсларни уларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига ёхуд ўзга шахсларнинг ҳаётига ва (ёки) соғлиғига таҳдид солувчи ғайриҳуқуқий ҳаракатларни содир этишга ундашга ёки бошқа тарзда жалб қилишга қаратилган ахборотни тарқатиш*» бўйича Жиноят кодексининг 127-, 161-, 216[1]-, 278-моддаларида, «*гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва прекурсорларни тарғиб қилиш*» бўйича Жиноят кодексининг 127-, 251[1]-, 273-274-моддаларида, «*порнографияни, зўравонликни ва шафқатсизликни тарғиб қилиш, шунингдек ўз жонига қасд қилишга даъват этиш*» бўйича Жиноят кодексининг 103-103[1]-, 130-130[1]-моддаларида, «*қонунга мувофиқ жиноий ва бошқа жавобгарликка сабаб бўладиган ўзга ҳаракатларни содир этиш*» бўйича Жиноят кодексининг 139-140-, 141[1]-141[3], 156-, 158-, 165-, 168-169-, 188[1]-, 192-, 244[3], 244[5], 278-, 278[6]-моддаларида назарда тутилган жиноий жавобгарликнинг вужудга келиши учун зарур махсус қонунчилик вужудга келишига хизмат қилди;

2) Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг «Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2023 йил 4 сентябрдаги 91-сон (22.09.2023 й., рўй.: 3458), «Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини тоифалаш ва уларнинг ягона реестрини шакллантириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида» 2024 йил 24 октябрдаги 118-сон (11.11.2024 й., рўй.: 3570), «Киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2024 йил 15 октябрдаги 113-сон (14.11.2024 й., рўй.: 3573), «Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2024 йил 15 октябрдаги 114-сон (14.11.2024 й., рўй.: 3574) буйруқлари қабул қилинди. Ушбу норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши туфайли «*Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш даражасини баҳолаш*

тартиби, Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини тоифалаш ва уларнинг тоифасини қайта кўриб чиқиш, шунингдек муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг вақтинчалик ягона реестрини юритиш, киберхавфсизлик субъектларининг ахборот тизимлари ва ресурслари ҳамда муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари тоифасига киритилган ахборот тизимларини, шунингдек ахборот тизимлари ва ресурсларини яратиш бўйича техник топшириқ лойиҳаларини киберхавфсизлик талабларига мувофиқлиги юзасидан экспертизадан ўтказиш, давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари ва ресурслари, шунингдек муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ва дастурий воситаларни мажбурий сертификатлаштириш тартиби белгилаб қўйилди.»[1]. Ушбу таклифлар асосида қабул қилинган мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлашга хизмат қилди.

3) Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида»ги Низомга асосан, «*ахборот ресурсларини маълумотлар узатиш тармоғида тарқатиш шартнома асосида Ўзбекистон Республикасининг қонунчилигига мувофиқ амалга оширилади ва ахборот ресурсларини Интернет тармоғида тарқатиш Интернет тармоғининг провайдерлари орқали амалга оширилади*.»[2], деб белгилаб қўйилди. Бу эса, бу борадаги муносабатлар қай тариқа ўрнатилишида муҳим аҳамият касб этади.

4) «*Интернет тармоғининг провайдерлари орқали шартномасиз ахборот ресурсларини маълумотлар узатиш тармоғида тарқатиш агарда юқорида назарда тутилган жиноий ёки маъмурий жавобгарлик ҳолатлари таркиби бўлмаса, шунингдек, Жиноят кодексининг 278[7]-моддасида назарда тутилган жиноят таркиби бўлмаса»*, мазкур қилмиш Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 155[2]-моддасида назарда тутилган маъмурий жавобгарликни келтириб чиқаради[3].

---

[1] Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг “Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 4 сентябрдаги 91-сон (22.09.2023 й., рўй.: 3458), “Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини тоифалаш ва уларнинг ягона реестрини шакллантириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 24 октябрдаги 118-сон (11.11.2024 й., рўй.: 3570), “Киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 15 октябрдаги 113-сон (14.11.2024 й., рўй.: 3573), “Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 15 октябрдаги 114-сон (14.11.2024 й., рўй.: 3574) буйруқлари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Бироқ, шунча олиб борилган ислоҳотларга қарамай, кибержиноятлар сони янада кўпайиб бормоқда, шу сабабли бу қилмишларнинг амалиётда содир этиш сабаблари ва оқибатларини ўрганиш учун Наманган вилоятига ташриф бюрилди ва ўрганиш натижалари монографиянинг 33-иловасида назарда тутилган.

Шунга кўра, юқоридагиларга асосан ва Наманган вилоятида ўрганиш натижалари бўйича хулоса қиладиган бўлсак, **фақатгина қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш орқали масалани ечиб бўлмайди ва** шу сабабли юқоридаги жиноятлар аввало техник характерда эканлиги ҳисобга олиб, **техник томондан бу жиноятларга қарши курашиш ва асосий ресурсларни шунга йўналтириш мақсадга мувофиқ деган хулоса қилинди.** Шунга кўра, бу йўналишда фикримизча, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг содир этилишини рақамли технологиялар орқали бартараф этиш техникасини амалиётга жорий этиш мақсадга мувофиқдир. Таъкидлаш керакки, «**давлат фуқаролик ҳуқуқий муносабатларга киришиш»**[1] **ёки «Конституция бўйича халқ олдида олган масъуллигини бажариш»**[2] **учун ягона киберхавфсизлик оператори ва узели ташкил этилиб, унга давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари уланган ҳолда, киберхавфсизлик ҳодисаларини текшириш, мутахассисларни жалб этиш бўйича зарур ишлар қилинмоқда**. Ушбу вазифалар Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизликни таъминлаш соҳасида давлат сиёстини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, норматив-ҳуқуқий тартибга солиш бўйича ваколатли орган Давлат хавфсизлик хизмати томонидан амалга оширилмоқда[3]. Шунга кўра, юқоридаги таклифимизни амалга ошириш мақсадида Ўзбекистон Республикасидаги барча ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилишнинг давлат тизимини амалга ошириши **учун ягона узел ва оператор ташкил этилди**. Бироқ, ягона узел ва операторнинг мавжуд ресурслари киберхавфсизликни тўлиқ таъминлашга кучи етмаслиги, киберҳодисалар турли вақтда ва жойда амалга ошириши мумкинлиги ва уни ҳар доим ҳам аниқлаш имконсизлиги сабабли «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Қонунда киберхавфсизлик субъектлари ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг мажбуриятлари белгиланиб қўйилди[4]. Кейинги қадамда амалдаги Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексида **юқоридаги субъектларнинг мажбуриятларини бажармаганлик учун жавобгарликни белгилаш зарурдир.** Жиноят кодекси билан ўзаро мувофиқлиги таъминланмаган Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ахборотлаштиришга оид қонунчиликни бузиш, ахборот хавфсизлиги ва

[1] Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ–4452-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[4] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

киберхавфсизлик талабларини, шу билан бирга, унга оид қонунчиликни бузганлик учун алоҳида жавобгарликни белгилаш ва бунинг учун МЖтКнинг 151-155[2]-моддаларнинг таҳририни тўлиқ қайта кўриб чиқиш, телекоммуникация инфратузилмаларини, шу жумладан, ахборот тизимларини экспертизадан ўтказмасдан амалиётга жорий этилаётган ҳолатлар бўйича жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш учун МЖтКнинг 151-моддасига телекоммуникация инфратузилмаларини, шу жумладан, ахборот тизимларини лойиҳалаш, қуриш, ишга тушириш, қайта куриш, эксплуатация қилиш, фойдаланиш ва хизматлар кўрсатишга оид маъмурий жавобгарлик белгилаш, МЖтКнинг 155-155[2]-моддаларида ахборотлаштиришга оид қонунчиликни бузиш, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларини, шу билан бирга, унга оид қонунчиликни бузганлик, телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф ёки рухсатсиз фойдаланганлик ёҳуд шундай фойдаланишга йўл қўйиб берганлик учун алоҳида жавобгарликни қайд этиш **таклиф қилинади** ва ушбу таклифнинг қабул қилиниши киберхавфсизлик соҳасига оид масалалар бўйича жавобгарлик муқаррарлигини таъминлашга хизмат қилади. Шу орқали кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини яна бир самарали усул билан ҳимоя қилиш мумкин.

Киберхавфсизликни таъминлашнинг техник усулларидан бири бу рейтингдир, маълумки бугунги кунда халқаро рейтинг ва индекслар бўйича Ўзбекистон Республикасида ҳам бир қатор ижобий ишлар амалга оширилди, ушбу ишларнинг давоми сифатида киберхавфсизлик бўйича рейтинг очиқ рейтинг ва ҳисоботни юритиш мақсадга мувофиқ. *Мисол учун*, Бирлашган Араб Амирлигида шундай рейтинг юритилади ва уни БААнинг киберхавфсизлик бўйича Кенгаш амалга оширади. Унинг 2024 йилги ҳисоботига кўра, БААда **155 мингта заиф киберхавфизлик активи мавжуд**[1]. Шунга кўра, Ўзбекистон Республикасида «*оқ ҳакер*»лар ўз ишини бошлаб давлат ва хусусий секторда қонуний киберҳужумлар амалга оширилиши оқибатида **IT-аудит амалга оширилиши туфайли** давлат органлари ва идоралари ҳам, хусусий сектор вакиллари ҳам ўзларининг активлари қанчалик киберҳужумга бардошли эканлигини билиб олиши ва шунга қараб киберҳимояни амалга ошириш чораларини кўришлари, энг муҳими **киберинқирозларга нисбатан бардошлилик дажаси кўтарилиши мумкин**. Ҳисобот очиқ бўлиши ва шу орқали рақобат муҳити ривожланиши учун иккала сектор ҳам ўзининг киберҳимоясини таъминлашга ҳаракат қилиши мумкин, агарда у ёпиқ бўлса, коррупциявий омиллар киберҳужумчига фойда келтириши мумкин. Ушбу таклифнинг қабул қилиниши оқибатида киберхавфизлик бўйича ягона рейтинг ва унинг индекслари вужудга келади, ушбу индекслар орқали эса, ягона киберҳимоянинг технологик ечимлари ишлаб чиқилади ва амалиётга татбиқ этилади, киберҳимоя янги бир босқичга кўтарилади.

Кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларини якдиллик билан таъминлаш учун киберхавфсизликнинг кейинги

[1] Организации в ОАЭ остаются уязвимыми для кибератак.

босқичида **Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизлигини таъминлаш концепцияси, миллий стратегияси**, банк, тўлов ташкилотлари, тўлов агентлиги ва тўлов субагентларида киберфирибгарлик, киберўғрилик ва бошқа кибержиноятларнинг олдини олиш бўйича ягона республика платформасининг иши билан «Киберхавфсизлик маркази» ДУКнинг ўзаро фаолиятини мувофиқлаштириш, **тезкорлик билан маъмурий ва жиноий жавобгарликка оид масалаларни ҳал қилишга оид ягона техник ва ҳуқуқий тизимни яратиш мақсадга мувофиқдир**.

Ушбу мақсадларни амалга оширишда бир қатор ижтимоий-сиёсий тадбирларни ҳам амалга ошириш зарур, жумладан:

1) киберҳужум муаммоси кўплаб мактаб ўқувчиларининг ота-оналарига таниш, аммо ҳамма болалар ҳам синфдошлари ва бошқа танишларининг салбий муносабати фактларини катталар билан очиқ баҳам кўришмайди. Ушбу ҳодисанинг кўлами расмий сўровлар кўрсатганидан анча кенгроқ деб тахмин қилиш мумкин. Баъзи ота-оналар фарзандлари ҳеч қачон зўравонликни бошдан кечирмаганига аминлар, гарчи аслида улар ижтимоий ҳаёти қандай кетаётганини билишмайди. Бугунги кунда кўпчилик ота-оналар ўз фарзандининг аҳволини билиб туриш мақсадида фарзандларига телефон олиб беришган, бироқ уларнинг телефондан фойдаланиш қоидаларига қанчалик риоя қилишаётганлигини тўлиқ назорат қила олмайди, шу сабабли монография 34-иловасига мувофиқ техник ечимлар орқали мазкур масалани ижобий ҳал қилишга харакат қилиб кўрамиз. Ҳеч бўлмаса, ваколатли органлар монография 34-иловасидаги каби ёки шунга ўшаш техник ечимларни берган ҳолда, киберхавфсизликни таъминлаш усулларини аҳолига етказиш чораларини кўрса, ўз-ўзидан аҳолининг кенг қатлами ва жамоатчилик киберхавфсизликни таъминлаш чораларини кўриши, аҳолининг бу борадаги саводхонлиги ошиши мумкинлиги аниқланди. *Ҳозирда эса, барча ваколатли органлар бу кибержиноят, уни қилмаган, буни қилманг, кибержиноятлар кўпайиб бормоқда, фирибгарлардан эҳтиёт бўлинг ва бошқа аҳолини вахима ва саросимага соладиган хабарлар тарқатиши барчани «огоҳлантириш фони»да қўрқитишмоқда*, улар бу хабарлар кенг жамоатчиликни аслида огоҳликка йўналтиришни мақсад қилишган бўлса-да, аслида бу ҳолат аҳолига салбий таъсир кўрсатади, шу сабабли дунёнинг ривожланган давлатлари бу каби ташвиқотларни ўтказишмайди ва тизимли тарғибот орқали аҳолини манипульция қилишга ҳаракат қилишади. Ачинарлиси, Республикамиздаги ваколатли орган ходимлари **киберхавфсизликни таъминлашнинг самарали техник ечимларини етарлича беришмаяпти**. Берилган ҳолларда ҳам бу бўйича тизимли ва самарали тушунтириш ишларини амалга оширишмаяпти. **Тарғиботнинг энг катта камчилиги ҳам шунда бўлиб қолмоқда**. Шу сабабли **контент ва кенг аудитория жонланиши ва бу борада самарали иш йўлга қўйилиши учун техник характердаги ечимлардан иборат тарғибот материалларини кўпайтириш, уларни бепул тарқатиш, реклама қилиш мақсадга мувофиқ**.

2) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар

тўғрисида» 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ–4075-сон қарорининг 1-бандида «*Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар (шаҳарлар) ҳокимлари ҳар куни:*

тегишли ҳудуднинг сутка давомидаги криминоген вазияти билан шахсан танишади ва бунда ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларга алоҳида эътибор қаратади;

тегишли ҳудудда содир этилган, биринчи навбатда ижтимоий-маиший тусдаги жиноятларнинг сабаблари ва шароитларини ўрганиб, ҳуқуққа хилоф ҳаракатларни келтириб чиқарган омилларни аниқлаштиради ҳамда масъул ташкилотлар ва уларнинг мансабдор шахсларнинг ҳаракатсизлигига нисбатан чоралар кўради», – деб белгиланган[1]. Бироқ, ушбу норма бўйича **14** та маҳаллий ижроия ҳокимияти органларига юборилган сўровлар бўйича олинган жавоблар, уларнинг барчаси саволномани кўриб чиқиш ўрнига уларни ички ишлар органларига юборишганлиги, Наманган вилоятида реал ҳолатда ўрганилганида ҳам ушбу норма амалда ишламаслиги аниқланди.

Фикримизча, Наманган вилоятидаги мавжуд **39** та давлат ахборот тизимларининг ўзаро тўлиқ интеграция қилинмаганлиги, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлиги қўлида мавжуд ресурсларнинг аниқ сарҳисоби мавжуд эмаслиги бу борадаги ислоҳотларнинг тизимли амалга оширилмаслигига, ҳокимлар кибержиноятларга қарши қандай тизимли ишларни амалга оширишни билмаслигига сабаб бўлмоқда. Агарда ушбу тизимларнинг барчаси тўлиқ интеграция қилиниб, «рақамли ва ақлли» сунъий интеллектга асосланган ягона платформа яратилиб, унда барча соҳа ва тармоқларнинг ривожланиши, жиноятчилик ва криминоген вазият ҳақида ҳоким тўлиқ визуал хулосага келиши зарур.

3) кибержиноятларнинг олдини олиш, сабаб ва оқибатларини бартараф этиш, яъни кибержиноятларнинг профилактикасини таъминлашда шахсларнинг вояга етмаганлик ёки вояга етганлик ҳолатини инобатга олиб, профилатикани амалга ошириш муҳимдир. Хусусан, вояга етмаган назоратсиз, яъни ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар томонидан вояга етмаганни таъминлаш, тарбиялаш ва унга таълим бериш бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан бўйин товлаганлик ёки лозим даражада бажармаганлик оқибатида хулқ-атвори назоратсиз қолган вояга етмаган бўлган ўн саккиз ёшга тўлмаган шахс ёки қаровсиз ҳолатда бўлганида, яъни аниқ яшаш жойи бўлмаган назоратсиз қолган вояга етмаган бўлган ўн саккиз ёшга тўлмаган шахснинг кибержиноятларни содир этиши орқали ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар вужудга келмаслиги[2] учун таълим ва тарбия жараёнларида ўқитувчи педагоглар билан ота-оналарнинг ўзаро боғланган ҳолда ишлаши ҳам кўп фойда келтиради. Бироқ, жамоат хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашни назарда тутувчи ягона

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ–4075-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ–263-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

технологик ечимларнинг мавжуд эмаслиги сабабли бу масалада ҳам муаммолар талайгина. Шу сабабли жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятчиларнинг ёшидан келиб чиқиб, профилактика тадбирларни амалга оширишнинг техник ечимлари жорий қилиниши даркор;

4) молиявий томондан кибербуллингнинг олдини олиш учун интернет ва телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш учун кетаётган харажатлар айнан қайси масалалар учун йўналтирилганлигини назорат қилиш, болага нисбатан кўп ҳам, кам ҳам молиявий томондан эркинлик ёки тўсқинлик қилиш керак эмас. Бола ўзини назорат қилинаётганлигини билмаслиги зарур, акс ҳолда, у ўзи билмаган ҳолда, кибербуллингнинг салбий оқибатлари қурбони бўлиши ҳам мумкин. Шу сабабли ота-оналар техник томондан интернет трафигининг қайси сайтлар ёки маълумотлар базалари учун йўналтирилаётганлигини текшириб туриш бўйича зарур чоралар кўрилса, бу борада ҳам қатор салбий ҳолатлар бартараф этилиши мумкин.

5) Б. Улуғбеков фикрича, «агар ташкилотларнинг сайти ёки саҳифаси ҳақиқийлигига шубҳа уйғонса, ушбу ташкилот билан боғланиш ва маълумотларга аниқлик киритиш зарур. Имзоланадиган барча ҳужжатларни диққат билан ўқиш, кўрсатилган маълумотларнинг тўғрилигини қайта текшириб кўриш мақсадга мувофиқдир.»[1]. Бироқ, сайтлардаги маълумотларнинг эскириши мониторинг қилинмаслиги оқибатида бугунги кунда кераксиз маълумотлар сони кўпайиб бормоқда ва бу эса, маълумот алмашинвининг тезлигига салбий таъсир этмоқда. Шу сабабли расмий веб-сайтларга жойлаштирилган маълумотларнинг эскириши ҳолатини сунъий интеллект орқали мониторинг қилиш тартиботи қабул қилиниши ва амалиётга жорй этилиши мақсадга мувофиқ;

6) психологик томондан кибербуллингдан қутилиш учун инсоннинг ҳаётдаги ўрни ва шахс сифатида ролини англашга ёрдам бериш ва уни психологик томондан руҳан кучли шахс сифатида тарбиялаш керак. Мисол учун, ота-она болага тарбия беришларида телефондан фойдаланиш қоидаларини тушунтириб бориши, унинг ижтимоий тармоқлардан фойдаланишини назоорат қилиши, унинг қайси сайтларга ёки саҳифаларга кираётганлиги, гуруҳларга ва каналларга аъзолиги ҳамда улардаги ахборот ресурсининг қанчалик зарарли эканлигига аҳамият қаратиш керак.

7) Конституциянинг 77-моддасига асосан, «ота-оналар ва уларнинг ўрнини босувчи шахслар ўз фарзандларини вояга етгунига қадар боқиши, уларнинг тарбияси, таълим олиши, соғлом, тўлақонли ва ҳар томонлама камол топиши хусусида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар.»[2]. Шунингдек, Қонунга асосан, ота-она ёки ота-она ўрнини босувчи шахслар болаларини таъминлаш, тарбиялаш ва уларга таълим бериш бўйича мажбуриятларини бажара бориб, уларнинг хавфсизлигини, ҳаёти ва соғлиғи муҳофаза қилинишини, назоратсизлиги ва ҳуқуқбузарликларининг профилактикасини таъминлаш мақсадида вояга

[1] Б. Улуғбеков. Интернет фирибгарлигига оид жиноятлар ва уларга қарши курашиш. – Т.: Academic research in educational sciences. 2021 й., – Б. 226.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

етмаганларнинг ҳуқуқбузарликлар ёки бошқа ғайриижтимоий хатти-ҳаракатлар содир этишига йўл қўймаслик чора-тадбирларини кўради[1]. Конституциянинг 20-моддасига асосан, «инсон билан давлат органларининг ўзаро муносабатларида юзага келадиган қонунчиликдаги барча зиддиятлар ва ноаниқликлар инсон фойдасига талқин этилади.»[2]. Ўз.Рес.ЖК.нинг 278[2]-моддасига асосан, «компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига сабаб бўлиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган.»[3].

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 155[2]-моддасига асосан, «телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, жиноят аломатлари мавжуд бўлмаган тақдирда маъмурий жавобгарлик бўлиши назарда тутилган.»[4]. Бироқ, Конституциянинг 15-моддасига асосан, «Ўзбекистон Республикасида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларининг устунлиги сўзсиз тан олинади. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси мамлакатнинг бутун ҳудудида олий юридик кучга эга, тўғридан-тўғри амал қилади ва ягона ҳуқуқий маконнинг асосини ташкил этади. Давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритадилар.»[5].

Демак, ота-она ўз фарзандига ғамхўрлик қилиш учун унинг телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда фойдаланиши ёки унинг компьютер тизимига рухсатсиз кириши ҳолати аслида жиноят бўлса, ҳам улар ўзларининг конституциявий мажбуриятларини бажаришганлиги сабабли қонунчиликка асосан жавобгарликка тортилмасликлари зарур бўлади.

8) Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида» 2020 йил 18 ноябрдаги ЎРҚ–647-сон Қонунига асосан, «Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қўшинларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир айрим вазифаларга эга бўлган махсус туридир ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонун билан қўриқланадиган манфаатларини ҳимоя қилиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, шу жумладан мазкур ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ–263-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[4] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[5] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

этиш Миллий гвардиянинг асосий вазифаларидан бири саналади.»[1]. Шу сабабли наздимизча, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида» 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ–263-сон Қонунининг 8-моддасига юқоридаги Қонун талабидан келиб чиқиб, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи органлар ҳамда муассасалар тизими[2]га Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясини киритиш мақсадга мувофиқдир. Ушбу таклифнинг қабул қилиниши эса, вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси томонидан амалга оширилаётган тизимли ишларнинг қонунийлаштирилишига хизмат қилади. Ушбу таклифнинг қабул қилиниши учун Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида» 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ–263-сон Қонунининг 8-моддасига тўққизинчи хатбошини қўшиш, ушбу Қонун 17[2]-модда билан тўлдирилиши талаб қилинади.

Шу билан бирга, кибержиноятларнинг кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда содир этилишини, бугунги кунда ички ишлар органларида туман бўлинмаларида киберхавфсизликка масъул бўлинмаларнинг мавжуд эмаслиги ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси бугунги кунда кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича амалий чораларни кўра олмаётганлигини, Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида» 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ–263-сон Қонунида вояга етмаганларнинг киберҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш бўйича зарур қоидалар белгиланмаганлигини инобатга олиб, иккала ташкилотда ҳам тегишинча туман бўлинмалари ва Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардиясида тўлиқ киберхавфсизликни таъминлаш ва вояга етмаганлар ўртасида киберҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш бўйича зарур ваколатлар ва штат бирликларини бериш зарур бўлади.

Ушбу таклифнинг қабул қилиниши бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида» 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ–263-сон Қонунига тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш мақсадга мувофиқдир.

9) оммавий-ахборот воситаларида ёки маҳаллаларда ҳуқуқий тарғиботларнинг эскича услубда олиб бориш кибербуллингнинг кейинги ривожига фақат ва фақат ёрдам беради, ҳеч бўлмаганда кибербуллинг ўзи нима деб қизиқиб бунинг ортидан кибержиноятлар сони кўпайиб кетиши ачинарли ҳолатдир. Шу сабабли кибербуллингдан маҳаллама-маҳалла, кўчама-кўча, таълим ташкилотима-таълим ташкилоти олиб борилаётган ҳуқуқий тарғибот

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида” 2020 йил 18 ноябрдаги ЎРҚ–647-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ–263-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ишларини кибербуллингда қўллаш жуда катта хатолик саналади, ундан кўра, **ота-онанинг кибербуллингдан ҳимояланиши учун зарур чора-тадбирларни амалга ошириш ва уларга эслатма сифатида фарзандларининг психологик ва техник ҳимоясини таъминлашга зарур ечимлар бериш мақсадга мувофиқдир**. Фарзандни телефондан маҳрум қилиш билан кибербуллингдан ҳимояланиб бўлмайди, сабаби бола компьютердан фойдаланиши мумкин ва бу ўз навбатида Интернетдан фойдаланиш қоидаларини бошқа техник воситалар орқали билиш ва унга амал қилиш зарурлигини кўрсатади. Шу сабабли юқоридаги ҳолатлар бўлмаслиги учун шахслар ёки уларнинг фарзандлари мазкур моддаларнинг мазмунини ташкил этувчи харакатлардан тийилиши, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиши зарур бўлади.

10) Б. Турдилиевнинг фикрича, «кибержиноятларнинг олдини олиш учун шахслар ўзига тегишли бўлган электрон маълумотларни номаълум шахсларга бермаслиги, турли хил сайтлар ва программаларга электрон маълумотларни киритмаслик ҳамда қимор ва таваккалчиликка асосланган ҳар ҳил букмекерлик компанияларининг ўйинларидан фойдаланмаслик Жиноят қурбони бўлиб қолишнинг олдини олишга ёрдам беради.»[1]. Ушбу фикрларга қисман қўшилган ҳолда, ижтимоий тармоқлар, сервер ва бошқа сақловчилари чет давлатда бўлган қурилмалардан фойдаланган ҳолда, шахслар ўзлари ҳақидаги маълумотларни учинчи шахсларга беришлари, юборишлари мақсадга мувофиқ эмас. Шахсга доир маълумотларни эса, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишда тўғри қайд этиш ҳам жиноятларнинг тўлиқ содир этилишига шарт-шароит яратади, қизиқишларни кўрсатиш эса, унинг ҳақида учинчи шахслар етарлича ахборотга эга бўлиб олишга хизмат қилади. Юқоридагиларга кўра, хулоса қиладиган бўлсак, **кибержиноятлардан ҳимояланишнинг** бугунги кунда фақатгина битта **самарали ечими** бор, у ҳам бўлса, **рақамли назоратни тўлиқ ўрнатиш ва рақамли назоратда суистеъмолчилик ва коррупциявий ҳолатларнинг бўлмаслигини таъминлашдир**.

Қолган ечимлар ҳам бор, бироқ бу ечимларнинг барчаси рақамли назоратни таъминлашга кўмаклашувчи ечимлар саналади. Рақамли назорат ўрнатилсагина тармоқ хавфсизлиги таъминланиши мумкин.

Киберхавфчизликни таъминлаш усулларидан бири «*оқ хакер*»лардан фойдаланишдир ва улар бугунги кунда қуйидаги йўналишларда фаолият олиб боришмоқда, жумладан, **etik hackerlar** – Рақамли дунёнинг ўйин қоидаларини бузиб, ўнгловчилар бўлиб, улар тизимларга киришади, лекин зарар етказиш учун эмас, балки тизимнинг заиф жойларини топиб, ҳимоя қилиш учун киришади ва улар тизимларни бузиб, нима нотўғри эканлигини кўрсатади, шунда ҳақиқий ҳимоя қилинади, **хавфсизлик таҳлилчилари** – Кибер дунёнинг детективлари бўлиб, улар тармоқ ва тизимларни мторинг қилиб, бирор жиноят (хакерлик ҳужуми) содир бўлишидан олдинроқ буни сезиб қолишади, улар ҳар доим ҳар бир кичик деталларни таҳлил қилиб, таҳдидларнинг қаердан келаётганини ва қандай содир бўлишини аниқлашади, **penetratsion test o‘tkazuvchilar**

[1] Б.И. Турдиалиев. Профилактика инспекторининг кибержиноятчиликнинг барвақт олдини олиш фаолияти. – Т.: Journal of universal. Science research. – Б.: 1578.

(pentesterlar) – ҳужум синовчилари бўлиб, улар ҳақиқий «*жиноятчилар*» ролини ўйнаб, тизимларга ёвуз ният билан эмас, балки эзгу мақсадда ҳужум қилишади. Улар тизимларга кириш йўлларини излаб, заиф жойларни топадилар, шунда компаниялар ўз ҳимояларини мустаҳкамлашади. Ушбу жараён ҳақиқий ҳужумларни синовдан ўтказиш ва тизимни янада кучли қилиш учун амалга оширилади[1]. Ўзбекистон Республикаси ҳам ўз ҳудудида киберхавфсизликни таъминлаш учун қатор ислоҳотлар билан бирга «Киберхавфсизлик маркази» ДУК базасида бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва ахборот технологияларидан ноқонуний фойдаланиш, йўқ қилиш ва ўғирлашдан ҳимоя қилиш учун янги техник воситалар ва дастурий таъминотларни ишлаб чиқиш билан шуғулланадиган ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида резидентларни жойлаштирган ҳолда, экстратерриториаллик тамойили асосида ахборот технологиялари ва киберхавфсизлик соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини ривожлантириш, юқори технологияли маҳсулотлар ва хизматлар ишлаб чиқариш учун Кибернетика соҳасидаги инновациялар IT-паркини бутун Республика бўйлаб ташкил этилган.»[2]. Юқоридагиларга кўра, айтиш керакки, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар жуда кенг қамровли жиноятлар саналади, шу сабабли бу турдаги жиноятларнинг вужудга келишини башорат қилиш учун молия секторида рақамли операциялар барқарорлигини таъминлашга ихтисослаштирилган алоҳида қонунчилик ҳужжати, ахборот-коммуникация тизимлари ва веб-сайтларнинг рақамли изларининг ҳисоби юритилиши йўлга қўйилиши ҳамда улар орқали ҳар томонлама рақамли ва давлат назорати йўлга қўйилиши шарт. Хўш ушбу назоратни қай тариқа таъминласа бўлади, аслида унинг бирламчи қоидалари қонунчиликда назарда тутилган, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2023 йил 24 майдаги ПҚ–162-сон қарорининг 11-бандига асосан, «*Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекциясига давлат органлари ва ташкилотлари томонидан жорий этилган рақамли технологиялар бўйича лойиҳалар самарадорлиги, кўрсатиладиган рақамли хизмат ва сервислар техник фаолиятининг сифати ҳамда барқарорлиги устидан **рақамли назоратни** ўрнатиш топширилган.»*[3]. Рақамли назорат доирасида давлат органлари ва ташкилотларида рақамли технологиялар соҳасидаги лойиҳаларнинг мақсадлилиги, жорий этиш даражаси, фойдаланиш ҳолати, рақамли хизматлар ва сервислар ишидаги узилиш, тўхталиш ва техник-авариялар, алоқа марказлари (ишонч телефонлари, Call-марказлар, диспетчерлик алоқа) хизматларининг боғланиш ва самарали техник фаолият кўрсатиш каби сифат кўрсаткичлари баҳоланишини йўлга қўйиш мақсад қилинган. Демак, рақамли назорат рақамли хизматлар ва сервислар

[1] https://learn.csclub.uz/kiberxavfsizlikka-kirish/kiberxavfsizlikdagi-kasblar.
[2] https://cyberpark.uz/.
[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 майдаги ПҚ–162-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

устидан назоратни амалга ошириш усули бўлиб, рақамли хизматлар ва сервисларга «телекоммуникация инфратузилмалари», «телекоммуникация тармоқлари», «ахборотлаштириш инфратузилмалари», «почта алоқаси инфратузилмалари», «ахборот-коммуникация тизимлари», «ахборот-коммуникация технологиялари», «аэрокосмик технологиялар», «рақамли технологиялар», «сунъий интеллект технологиялар»и киради. Айнан улар ўртасидаги технологик муносабат устидан рақамли назоратнинг ўрнатилиши эса, тўлиқ миллий кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда бўлаётган технологик жараёнлар, шу жумладан, киберхавф-хатарлар ва таҳдидлар устидан давлат назорати вужудга келишига сабаб бўлади. Жамоат хавфсизлиги эса, рақамли назоратнинг тўлиқ ва етарлича ўрнатилиши туфайли қисман таъминланиши мумкин. Бироқ, амалда ушбу рақамли назорат Ўзкомназорат томонидан **нотўғри ўрнатилган**. Жумладан, Ўзкомназорат «**Рақамли назорат**» комплекс ахборот тизимига барча ахборот тизимларини босқичма-босқич улаб, шу йўл билан уларнинг ягона рақамли назоратини амалга оширишни мақсад қилган ва шу сабабли бугунги кунда 1,5 мингга яқин ахборот тизимларини унга улаган. Ушбу назорат «пинг»га асосланган бўлиб, ахборот тизимлари билан «Рақамли назорат» комплекс ахборот тизими ўртасида алоқанинг узилиши ушбу ахборот тизимларининг узлуксиз ва тўхтовсиз ишлаши зарурлиги ҳақидаги қонунчиликдаги талабнинг бузиши сифатида қабул қилинган. Шу билан бирга, «Рақамли назорат» комплекс ахборот тизимининг ўзига бошқа ахборот тизимларидаги ахборотдан фойдаланиш имконияти яратилмаган. Ушбу тизимнинг камчилиги шундаки, аввало у очиқ ахборот тизими саналади ва ундан фойдаланган ҳолда, бошқа ахборот тизимларига киришнинг техник имконияти мавжуд, бошқачароқ тушунтирадиган бўлсак, Марказий банкнинг бугунги кундаги банклар фаолиятига оид ягона автоматлаштирилган тизимидан фойдаланиб, унинг барча фойдаланувчиларига киберҳужумни амалга ошириш имкони бўлганидек, бу тизим орқали ҳам барча давлат органлари ва ташкилотларига «Рақамли назорат» комплекс ахборот тизимидаги бошқарувни қўлга киритиш орқали қолган тизимлар устидан тўлиқ бошқарувни қўлга олишнинг техник имкони мавжуд. Ушбу тизим жорий этилишида кибержиноятлар Республикамизда содир этилаётган барча кибержиноятларнинг катта қисми киберфирибгарлик ёки киберўғрилик кўринишида тўлов воситалари ва тизимлари орқали содир этилаётганлиги, фойдаланувчилар сони қанча кўп бўлса, киберҳужумларнинг содир этиш мумкин бўлган салмоғи ҳам шунча кўп бўлиши инобатга олинмаган. 2024 йил 9 ойи ҳолатига «Рақамли назорат» ахборот тизими орқали 133 та вазирлик ва идораларнинг 515 та ахборот тизимлари ва ресурслари мониторинг қилинган бўлиб, шундан 68 та вазирлик ва идораларнинг 238 та ахборот тизими ва ресурсларида жами 9 144 соатлик узилиш ва тўхталишлар содир бўлганлиги аниқланган. Демак, «Рақамли назорат» комплекс ахборот тизимидан фойдаланиб камида 238 та киберҳужум амалга оширилиши мумкинлиги фактга айланмоқда, шунингдек, юқоридаги ахборот-коммуникация инфратузилмалари айнан ушбу тизим орқали йўқ бўлиб кетиши, зарарланиши ёки таҳдид остида қолиши ҳам мумкин.

Тўғри, айнан ахборот тизими ва ресурслари устидан рақамли назоратнинг ўрнатилиши техник воситалар ўртасида бўлаётган реал жараёнлардан келиб чиқиб, киберхавфсизликни ва шу орқали жамоат хавфсизлигини таъминлаш имконияти пайдо бўлиши ҳам мумкин. Бироқ, ушбу рақамли назорат тўғри йўлга қўйилмас экан, юқорида саналган кўрсатгичларга киберҳужумлар аралашса ўз навбатида давлат иқтисодий таназзулга учраши аниқ.

Бугунги кунда рақамлаштириш соҳаси кириб бормаган соҳа, ҳудуд ёки тармоқ қолмади. Барча соҳаларда рақамлаштириш амалга оширилмоқда. Демак, киберҳужум ҳам рақамлаштириш амалга оширилган барча ҳудуд, соҳа ва тармоқларга таъсир кўрсатиши мумкин ва бунга қарши курашишнинг энг самарали усули бу **тўғри рақамли назоратдир**!

Умуман олганда, **рақамли назорат** (Digital Monitoring) – бу соҳа, тармоқ ва йўналиш ҳамда улар орқали амалга оширилаётган барча товар, иш, хизмат ва сервисларни рақамли технологиялардан фойдаланиб назорат қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мониторинг олиб бориш жараёнидир. Ушбу жараёнда маълумотлар йиғилади, таҳлил қилинади ва назорат қилинган объект ёки тизимлар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланади. Ушбу назоратда маълумотлар тезкорлик ва аниқликда тўпланади, таҳлил қилинади, реал вақт режимида уларни кузатиб бориш имконияти яратилади, хавфсизликни таъинланади. **Рақамли назорат инфратузилманинг имкониятларига боғлиқ бўлади**.

Рақамли назоратни амалга ошириш вазифасини қайси давлат органи бажариши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Қонунчилик билан «вазирлик», «қўмита», «агентлик» ва «инспекция» тушунчаларининг мазмуни белгилаб қўйилган[1]. Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари қўшинларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасида ҳуқуқни муҳофаза қилишга доир айрим вазифаларга эга бўлган махсус туридир[2]. Давлат хавфсизлик хизматининг асосий вазифалари Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини, суверенитетини, ҳудудий яхлитлигини ҳамда бошқа давлат манфаатларини ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимоя қилишдан, қонунийликни мустаҳкамлаш ва қонун устуворлигини таъминлашдан, шунингдек Давлат хавфсизлик хизматининг ваколатига киритилган ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларни аниқлаш ва уларга барҳам беришдан иборат[3]. Демак, юқоридаги 6 та турдаги идора бу масала билан шуғулланиш учун даъвогарлик қила олади. Бироқ, улар орасида Инспекция асосий вазифаси сифатида тегишли соҳа ва тармоқларда давлат назорати ва текширувни амалга оширувчи орган бўлганлиги

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида” 2020 йил 18 ноябрдаги ЎРҚ–647-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида” 2018 йил 5 апрелдаги ЎРҚ–471-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 280-моддаси талабига асосан, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги баённома тузишга ваколатли бўлганлиги ҳамда бугунги кунда давлат органлари ва ташкилотларининг рақамли хизматлар ва сервисларининг техник фаолияти устидан рақамли назорат ўрнатганлиги ва бу бўйича амалиёт шаклланганлиги сабабли Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 21 ноябрдаги ПҚ–4024-сон қарорига асосан, алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасини назорат қилувчи орган бўлганлиги сабабли у ваколатли орган бўлиши мумкин. Бироқ, Ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасида назорат инспекцияси бу фаолият билан тўлиқ шуғуллана олмайди. Сабаби қонунчилик билан телекоммуникациялар соҳасида юридик шахсларнинг фаолиятини лицензиялаш ва лицензиатлар томонидан лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини белгиланган тартибда назорат қилиш, тармоққа рухсатсиз уланишда ва трафикни ўтказишда ҳимоя чораларининг четлаб ўтилишини тегишли органлар билан биргаликда қонун талаблари бузилгани ҳолатлари бўйича маълумотларни аниқлаш ва олиш ишларини ташкил этиш, юридик ва жисмоний шахсларнинг телекоммуникациялар инфратузилмасига шикаст етказилишига, унга рухсатсиз уланишга, телекоммуникациялар тармоғидан халқаро трафикни ўтказиш мақсадида қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланишни тегишли органлар билан биргаликда назорат қилиш функциялари Ўзбекистон Республикаси Телекоммуникацияларни тартибга солиш агентлигига ўтказилди[1]. Шунингдек, инспекция ҳарбийлаштирилган тузилма ёки тезкор қидирув органимас ҳамда унинг тергов қилиш ваколати мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармонида ички ишлар органлари ва Миллий гвардия билан боғлиқ қисман зарур тартиб-таомиллар белгиланган, бироқ улар жамоат хавфсизлигини тўлиқ амалга оширишлари учун етарлича ресурсга эга эмас. Мисол учун, Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университетида жамоат хавфсизлигини таъминлаш бўйича зарур кадрлар тайёрланган ҳолда, давлат буюртмачилари асосан ички ишлар ва Миллий гвардия органлари саналади холос. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар академияси, Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти ҳам жамоат хавфсизлиги билан шуғулланиши мумкин бўлган кадрлар тайёрлаган ҳолда, учта таълим ташкилотининг ўқув дастурлари ўзаро бир бири билан тизимлаштирилмаган,

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Телекоммуникациялар тўғрисида» 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Телекоммуникацияларни тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 29 августдаги 550-сон ва «Телекоммуникация бозорини босқичма-босқич либераллаштириш ҳамда рақобат бозорини шакллантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 18 сентябрдаги 592-сон қарорлари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

қолаверса, уларда тайёрланган кадрлар жамоат хавфсизлигини тўлиқ таъминлаш учун зарур имконият ва ваколатларга эга эмас. Миллий гвардия ва Ички ишлар вазирлиги жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятида ҳам турли хил коллизион ҳолатлар мавжуд. Жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг аниқ ҳуқуқий, техник ва ташкилий тартиби яратилмаган. Шу сабабли кадрларни тайёрлаш борасида тизимлилик мавжуд эмас. Жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи ягона давлат органи, унинг ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг аниқ вазифа ва функциялари қонунчилик билан белгиланмаган. Бу борада давлат органлари ва ташкилотлари тизимлаштирилмаган ва тартибсиз ҳолатда фаолият кўрсатмоқда. Мисол учун, ички ишлар органлари бевосита жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи исталган ахборот тизимларидаги хавф-хатарларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш имкониятига эга эмас, Миллий гвардия эса, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларга қарши курашиш билан амалда бевосита шуғулланмайди, унинг вазифа ва функциялари бу борада етарлича назарда тутилмаган ва бу бўйича хатто кадрлар етишмовчилиги ва қўнимсизлигига эга. Бундан ташқари, ҳарбий тузилмалар орқали жамоат хавфсизлигини таъминлаш халқаро майдонда Ўзбекистон Республикасининг нуфузини ҳам тушириб юбориб, гўёки ҳарбийлар орқали мажбурий равишда жамоат хавфсизлиги таъминланмоқда, деган салбий фикрлар пайдо бўлиши мумкин. Шу билан бирга, ички ишлар ёки ДХХ органлари ҳам бу борадаги фаолиятини тўлиқ мувофиқлаштира олмайди. Шу сабабли бу борадаги вазифалар етарлича таъминланиши учун алоҳида масъул ташкилотни ташкил этиш, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси, Вазирлар Маҳкамаси, Олий Мажлис, тегишли вазирлик ва идораларда жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлинмаларни тузиш мақсадга мувофиқдир. Рақамли назоратни амалга ошириш масъул ташкилотлар томонидан, мисол учун, монография 17-иловасига мувофиқ, Ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасида назорат инспекцияси орқали амалга оширилиб, янги ташкил этиладиган ташкилот томонидан барча идоралар фаолияти мувофиқлаштирилиши мақсадга мувофиқ. Ҳар бир идора ўз вазифасини бажаради ва мувофиқлаштиришувчи органга бўйсунади ва унинг топшириқ ва кўрсатмаларини бажаради.

Маълумки, қонунчилик билан «ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари ва бошқа ташкилотларнинг устувор вазифаси этиб белгиланган.»[1]. Шу сабабли шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи хавфларнинг олдини олишда давлат органлари фаолиятининг муштараклигини таъминлаш учун уларнинг рақамли назоратни амалга оширишда вазифа ва функциялари аниқ белгилаб қўйилиши мақсадга мувофиқдир.

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Жамоат хавфсизлигини таъминлашга масъул бўлган давлат органлари ва ташкилотларининг, шунингдек, киберхавфсизлик субъектларининг фаолиятини рақамлаштириш эса, «**Жамоат хавфсизлигининг рақамли мониторинги**» комплекс ахборот тизимини амалиётга жорий этиш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Ушбу тизим ёпиқ тизим бўлиб, унга сунъий интеллектни сунъий интеллектда «**қора қути**» мавжудлиги сабабли ўрнатиш мумкин эмас, бироқ у сунъий интеллектга асосланган бир нечта қуйи тизимлардан иборат бўлади, хусусан, барча техник восита, қурилма, ускуна, тизимларнинг «**рақамли излари**» сақланиши, автоматик ҳисоби юритилишига оид «**Лог менежмент**», шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига путур етказувчи медиамакондаги ахборотга, яъни деструктив ахборотга тезкор жавоб қайтаришнинг стратегик тизими бўлган «**Рақамли жамоатчилик**» ахборот тизими, киберходисаларни автоматик рўйхатга олувчи, тизимлаштирувчи, кибержиноятчи ҳақида барча ахборот тизимларидаги маълумотларга автоматик ишлов берувчи, тезкорлик билан кибержиноят содир этилган жой, вақт ва субъектни аниқлаш, кибержиноятларни башорат қилиш имкониятини берувчи «**CYBER**», болаларни соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга оид давлат органлари ва бошқа ташкилотлар фаолияти, шунингдек, болаларни соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилишга оид чора-тадбирларни амалга ошириш имкониятини берувчи «**Болалар хавфсизлиги**», ёшларнинг камолоти учун зарар келтирувчи ахборотдан ҳимоя қилиш ҳамда бу борада давлат назоратини таъминлашга оид «**Келажак**», таълимнинг рақамлаштириш ва рақамли таълим имкониятлари, барча таълим платформаларини ягона платформада бирлаштирувчи «**Ақлли таълим**», киберҳуқуқбузарликлар, шу жумладан кибержиноятлар ва кибермаъмурий ҳуқуқбузарликларнинг расмий статистикасини юритиш, кибермаъмурий ҳуқуқбузарлик иши ва кибержиноятлар ишининг соддалаштирилган тартибини юритишга ихтисослаштирилган «**CYBERSTAT**», киберҳуқуқбузарликлар ва кибержиноятлар профилактикасини амалга оширишга ихтисослаштирилган «**CYBERPREVEN**», киберҳуқуқбузарликлар ва кибержиноятлар бўйича пробацияга оид масалаларни ҳал этилшга ихтисослаштирилган «**CYBERPROB**» комплекс ахборот тизимларидан иборат бўлади, ушбу қуйи тизимларнинг ишлаши ҳам очиқ ва ёпиқ шаклда амалга ошириладиган қисми бўлади, тизим фақатгина учта қобиқдан иборат муҳим ахборот инфратузилмаларидан фойдаланган ҳолда, тўлиқ ишлаш имконияти бўлади, тизим мураккаб алогоритмлардан иборат шаклда тайёрланади ва бир алгоритм иккинчисига мос келмаслиги керак. Ушбу тизимлар бўйича киберҳужумларни амалга ошириш нуқтаси турлича усуллар орқали аниқланиши мумкин. Мисол учун, **MAC адресс** (Media Access Control address), яъни ҳар бир тармоқ қурилмасига (компьютер, смартфон, принтер, ва бошқалар) уникал равишда бериладиган 48 битлик манзил орқали ҳам кибержиноят содир этиш нуқтаси аниқланиши мумкин. Бироқ, бу бўйича унинг **рақамли назорати** Ўзбекистонда амалга оширилмайди ва биз **MAC адресс**нинг имкониятларидан келиб чиқиб, норма ижодкорлигидаги таклифлар асосида 16-иловага мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг қарори лойиҳаси ишлаб чиқдик.

MAC адресс асосан Ethernet ва Wi-Fi тармоқларида қурилманинг манзилини аниқлаш ва тармоққа улашиш учун ишлатилади. MAC адресс 48 битдан иборат умумий сон бўлиб, бу 16 рақамли ёки ҳарфли ўлчамларда ифодаланади (масалан, 00:1A:2B:3C:4D:5E). 48 бит (6 байт) бўлиши сабабли, MAC адресларнинг умумий сони $\mathbf{2^{48}=281.474.976.710.656}$. Яъни, 281,474,976,710,656 (яъни 281 триллион) та MAC адресси мавжуд. Бу рақам глобал тармоқ қурилмалари учун жуда катта бўлиб, уларнинг сони аниқ саноққа кириладиган даражада бўлади.

MAC адресснинг ишлаш принципи қуйидагичадир:

уникаллик, яъни ҳар бир MAC адресс уникал бўлиб, фақат бир қурилмага тегишли бўлиши керак;

одатда таъминловчи:, яъни MAC адресс **фақат бир маротаба унутилмас манзил сифатида тайёрланади** ва қурилмага таъминловчи (масалан, ишлаб чиқарувчи компания) томонидан белгиланади.

MAC адресслар 16-лик форматда ёки 10-лик форматда ёзилиши мумкин. Масалан, 00:1A:2B:3C:4D:5E (16-лик формат) ёки 001A2B3C4D5E (10-лик формат). Ҳозирги кунда **MAC адресслари сони деярли чексиз тармоқ қурилмаларини қамраб олиш учун етарли**.

Демак, **қурилманинг физик манзили қаерда турганлиги билан кибержиноятчининг рақамли далиллари қаерда вужудга келганлиги, яъни кибержиноят қаерда содир этилганлигини аниқлаш мумкин**. Шу сабабли ҳам рақамли назоратни амалга ошириш учун барча телекоммуникация инфратузилмаларининг ҳисоби юритилиши ва улар паспортланиши мақсадга мувофиқдир.

Юқоридаги қуйи тизимларнинг иш фаолияти учун масъулият «**Лог менежмент**» комплекс ахборот тизими учун ДХХ, «**Рақамли жамоатчилик**» ахборот тизими учун Рақамли технологиялар вазирлиги, Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича марказ ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, «**CYBER**» комплекс ахборот тизими учун тегишча ДХХ, Бош прокуратура, Ички ишлар вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, Миллий гвардия, Ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасида назорат инспекцияси, Электрон технологияларни ривожлантириш маркази, «**Болалар хавфсизлиги**» комплекс ахборот тизими учун Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги, Болалар омбудсмани, Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича марказ, Ахборотлаштириш ва телекоммуникация соҳасида назорат инспекцияси, «**Келажак**» комплекс ахборот тизими учун Ёшлар ишлари агентлиги, Таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари, Рақамли технологиялар вазирлиги, «**Ақлли таълим**» комплекс ахборот тизими учун Таълим соҳасидаги ваколатли республика ижро этувчи ҳокимият органлари, Рақамли технологиялар вазирлиги, **«CYBERSTAT», «CYBERPREVEN» ва «CYBERPROB»** комплекс ахборот тизимлари учун Ички ишлар вазирлиги масъул этиб белгиланади ва унинг умумий назорати эса, янги ташкил этиладиган давлат органи зиммасида бўлади. У нафақат Ҳукуматни, балки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, назорат қилувчи органлар, Ҳукумат таркибига

кирган ёки кирмагани ва ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар барча давлат органларининг жамоат хавфсизлиги борасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб, фақатгина Ўзбекистон Республикаси Президентига ҳисобдор бўлган ташкилот бўлади. Ана ўшандагина бу борадаги фаолият ҳам тизимлаштирилади, ҳам рақамлаштирилади, кадрлар тайёрлашдан тортиб, ундан самарали фойдаланишнинг ягона ҳуқуқ ва технологик ечими вужудга келади. Ана ўшандагина англосаксон ҳуқуқидан фойдаланиб, мавжуд қонунчилигимизни такомиллаштириш орқали тезкор қидирув органи ходими кибержиноятларни аниқлаб, уларни ушлаб, уларга нисбатан бевосита суд орқали жазо муқаррарлигини таъминлашнинг самарали ечими вужудга келади. Башарти ҳозирги амалдаги тизим ўзгартирилмас экан, кибержиноятлар натижасида улар келтирган зарар миқдори ҳам кўпайиб бораверади, кўлами ҳам кенгаяверади, бу борадаги сансалорликлар, хатто жабрланувчиларнинг ҳақи бўлган пул маблағлари ҳам бошқалар қўлида қолиши оқибатида янги хавф-хатарлар вужудга келаверади.

4.2-§. Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг вужудга келиш сабабларини аниқлаш ва уларга қўлланилган жазоларни ижро этиш техникаси

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг вужудга келишига 18-иловадаги омиллар сабаб бўлиши мумкин. Хусусан, кибербуллинг вужудга келишига Интернетдан фойдаланиш қоидалари ва маданиятининг етарли эмаслиги, безорилик ҳақида ташвиш қилиш, депрессия ҳисси ва кайфият ўзгариши, ташвиш ҳисси ортиши, уйқусизлик, ўз жонига қасд қилиш ёки ўз жонига қасд қилишга уриниш, ўзини паст баҳолаш ёки ўз-ўзини ҳурмат қилиш ҳисси мавжуд эмаслиги, ижтимоий изоляция, дўстлар доирасини тарк етиш ёки кўп вақтни ёлғиз ўтказиш, илгари завқ бағишлайдиган нарсалардан ўзини олиб қочиш, мактабда, университетда ёмон академик кўрсаткичлар, оила аъзолари ва дўстлари билан муносабатлардаги муаммолар, травмадан кейинги стресс белгилари, ғазаб, асабийлашиш ёки ғазабланиш туйғуларининг кучайиши[1], психосаматик касалликлар, ишдан ноқонуний бўшатилиши, академик кўрсатгичларнинг пасайиши, мумкин бўлган нарсага эришиш учун мукаммалликка интилиш, ҳасад, ўч (қасос) олиш ҳисси, ўйин-кулгу, ҳазил, хулқ-атвор ёки эътиқоднинг ўзгариши, ҳаётий инқирозлар, миллий, ирқий, этник, маданий кўролмаслик, нафрат[2], кўролмаслик, ёқтирмаслик[3], бошқаларни масхаралаш, ёлғизлик, бахс-мунозарага кириша олмаслик ёки тезда асабийлашиш хисси, асабий зўриқиш, ижтимоий тармоқлардан фойдаланишга бўлган кучли мойиллик, жабрланувчини тўғридан-тўғри ҳақорат қилишдан ташқари, бу оммавий кўриш учун жойлаштирилган шахсий фотосуратлар, ёзишмалар парчалари, инсон қиёфаси асосида яратилган мемлар ва бошқалар сабаб бўлиши

[1] А. Дохоян, И. Маслова. Кибербуллинг в современном мире: психологические аспекты // Проблемы современного педагогического образования. 2022. №76-4. – С.371.
[2] https://dszn.ru/press-center/news/7615.
[3] https://gb.ru/blog/kiberbulling/.

мумкин. Ушбу «*ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши кураши учун ҳуқуқбузарликларнинг умумий, махсус, якка тартибдаги ва виктимологик профилактикаси амалга оширилмоқда*»[1].

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг умумий профилактикаси киберхавфсизлик субъектларининг киберҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, киберҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш бўйича фаолияти ҳисобланиб, ушбу профилактика чора-тадбирлари қуйидагилардан иборатдир:

1) киберҳуқуқбузарликлар профилактикасига доир давлат дастурларини ва бошқа дастурларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш;

2) аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот;

3) киберҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда ҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида тақдимномалар киритиш.

Бунда, киберхавфсизлик субъектлари Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонунига асосан, миллий ахборот ресурсларига эга бўлиш, улардан фойдаланиш ва уларни тасарруф этиш ҳамда улардан фойдаланиш бўйича электрон ахборот хизматлари кўрсатиш, ахборотни ҳимоя қилиш ҳамда киберхавфсизлик билан боғлиқ муайян ҳуқуқлар ва мажбуриятларга эга бўлган юридик шахс ва (ёки) якка тартибдаги тадбиркор, шу жумладан муҳим ахборот инфратузилмаси субъектларидир[2].

Киберҳуқуқбузарликлар эса, кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда ахборот-коммуникация технологияларига нисбатан ёки ушбу технологиялардан фойдаланиб содир этилганлиги учун маъмурий ёки жиноий жавобгарлик назарда тутилган айбли ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) ҳисобланади.

Ҳозирда кибержиноятларнинг умумий профилактикаси доирасида билан дастурлар тасдиқланиб[3], шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 30 апрелдаги ПҚ–153-сон қарорида белгиланган топшириқларнинг ижроси амалга ошириб келинмоқда.

Кибержиноятларнинг умумий профилактикаси доирасида эса, аҳоли ўртасидаги ҳуқуқий тарғибот бўйича ҳам кенг кўламли ишлар амалга

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ–371-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 15 июндаги «Ўзбекистон Республикаси ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилиш давлат тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ–6007-сон Фармони ва «Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–4751-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

оширилмоқда. Хусусан, Адлия вазирлиги[1], «Киберхавфсизлик маркази» ДУК[2], Ички ишлар вазирлиги[3] ва бошқа идоралар томонидан telegram, youtube, twitter, instagram ва бошқа ижтимоий тармоқлар орқали, Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси телевидения ва радио орқали ҳуқуқий тарғибот ишларини амалга оширишмоқда. Бироқ, бу борадаги тарғибот анъанавий усулларга асосланган бўлиб, «*йиғилишбозликнинг замонавий кўриниши*»га айланиб қолмоқда.

Шунингдек, МЖтКнинг 313-моддаси[4] ва Жиноят-процессуал кодексининг 296-297-моддаси[5] талабидан келиб чиқиб, киберҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни аниқлаш, бартараф этиш ҳамда киберҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этиш тўғрисида **тақдимномалар киритишда** суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд ушбу жиноятларнинг кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда содир этилишини инобатга олишлари зарур. Бироқ, амалиётда бу ҳолат умуман эътиборга олинмаяпти. Шу сабабли кибермухитда, шу жумладан, кибермакондаги киберҳодисаларнинг содир этиш сабабларини дастлаб суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд аниқлаштириши зарур, агарда тўлов тизимлари ва тўлов воситалари билан боғлиқ кибержиноят содир этилган бўлса ва бунда киберҳодисанинг жабрланувчи, банк, тўлов агенти, тўлов ташкилоти, тўлов субагентидан бири ёки барчасининг айби билан вужудга келганлигига аниқлик киритиш шарт. Агарда айб жабрланувчида бўлса, у ҳолда, унга тўлов воситаларидан ва тизимларидан фойдаланиш тартибини тушунтириши ва вужудга келган мазкур салбий ҳолат бошқа такрорланмаслик учун қилиши керак бўлган чора-тадбирлар амалга оширилиши лозим. Агарда айб банк, тўлов агенти, тўлов ташкилоти, тўлов субагенти томонидан вужудга келган бўлса, Ўзбекистон Республикасининг «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида» 2019 йил 1 ноябрдаги ЎРҚ–578-сон Қонун[6] ва у асосида қабул қилинган қонунчилик талабларига риоя қилмаган субъектга нисбатан чора кўриш ва вужудга келган кибертаҳдиднинг оқибатларини бартараф этишга қаратилган, техник ва ҳуқуқий чоралар кўрилиши бўйича аниқ топшириқ бериши шарт. *Мисол учун,* тўлов воситаси орқали бир ҳисоб рақамдан иккинчи ҳисоб рақамга пул кўчиришда киберҳодиса рўй берган бўлса, оқибатда жабрланувчига йўналтирилган пул маблағи ўз вақтида келмаган бўлса, жабрланувчининг ҳисоб рақами банк томонидан янги ҳисоб рақамга зудлик билан ўтказилиши, эски ҳисобрақам блокировка ҳолатига олиб келиниши, банкнинг қайси тўлов тизими тешилган ёки бошқа салбий ҳолат бўлган бўлса, у қайта ўз фаолиятига техник томондан

[1] https://t.me/huquqiyaxborot.
[2] https://csec.uz/uz/.
[3] https://t.me/cyber_102. https://t.me/iibbuz/34657.
[4] Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[5] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[6] Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида” 2019 йил 1 ноябрдаги ЎРҚ–578-сон Қонун // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

келтирилиши ва ахборот тизими қайта дастурланиши талаб этилади. Амалиётда баъзи ҳолатларда банк ўзининг эҳтиётсизлигини тан олмай, суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суднинг киберхавфсизлик соҳасини тушунмаслиги оқибатида тақдимнома аввало тўғри мазмунда баён этилмаяпти, қолаверса, унинг ижроси банк маъмурияти томонидан муҳокама қилинди, деган баён билан тақдимнома ижроси нотўғри бажарилмоқда. Шу сабабли кибержиноятларнинг профилактикасини амалга оширишда аниқ чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган тақдимноманинг ижросини таъминлаш жуда ҳам муҳимдир. Шунга кўра, бу ҳолат бўйича муаммоларнинг олдини олиш мақсадида қонунчиликка берилган таклиф асосида терговга қадар текширув ва дастлабки тергов давомида содир этилган кибержиноятлар юзасидан киберхавфсизлик талабларига риоя қилинганлиги бўйича хулосани «Киберхавфсизлик маркази» ДУК томонидан бериш тартиби жорий этилди[1].

Шунингдек, норма ижодкорлигидаги таклифлар билан қонунга киритилган ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик соҳасида тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар устидан назорат Марказий банк томонидан амалга оширилиши, ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик режими бузилган тақдирда, тўлов тизимлари операторлари ва тўлов хизматларини етказиб берувчилар қоидабузарлик аниқланганидан кейин бу ҳақда ҳамда унинг оқибатларини камайтириш учун кўрилаётган чоралар тўғрисида Марказий банкка тезкорлик билан хабар бериши шарт. Марказий банк тўлов тизимларининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик режими бузилганлиги тўғрисидаги маълумотлар базасини шакллантиришни ҳамда юритишни амалга ошириши[2] ҳақидаги қоидалар қонунчиликка киритилиб суриштирувчи, терговчи, прокурор ва суд тақдимномани Марказий банкка ёки унинг ҳудудий бошқармаларига юборишлари лозимлиги бўйича ягона амалиёт шаклланиши бўйича тамал тоши йўқилди.

Киберҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда киберхавфсизлик субъектлари айрим турдаги киберҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни бартараф этишга, айрим тоифадаги шахсларни аниқлаш ва уларга профилактик таъсир кўрсатишга қаратилган махсус тадбирларни ишлаб чиқиш ҳамда амалга оширишга доир фаолияти **киберҳуқуқбузарликларнинг махсус профилактикаси ҳисобланади.** Бунда, ушбу профилактикани амалга ошириш учун айрим турдаги ҳуқуқбузарликларнинг, шахслар тоифаларининг кўпайиши, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилувчи хатарлар ва таҳдидларнинг юзага келиши асос бўлади ва уни амалга оширишда кибержиноятчининг судланганлиги, гиёҳвандлик воситаларини, психотроп моддаларни ва ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 30 апрелдаги ПҚ–153-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида” 2019 йил 1 ноябрдаги ЎРҚ–578-сон Қонун // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бошқа моддаларни истеъмол қилиши, вояга етмаганлигини инобатга олиш керак эмас. Аксинча, ушбу жиноятлар жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига, шахс, жамият ва давлат манфаатларига тажовуз қилиши, таҳдидлар тажавузкор эканлигига аҳамият бериш керак. Бундан ташқари, бугунги кунда Жиноят кодексимизда жисмоний шахснинг жавобгарлиги ҳақида сўз юритилган, бироқ юридик шахсларнинг ёки давлатнинг жавобгарлиги ҳақида етарлича зарур қоидалар белгиланмаган. Конституцияга асосан, «*давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилиши, давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва фуқаролар олдида масъул эканлиги, давлат ва унинг органлари, бошқа ташкилотлар, мансабдор шахслар, фуқаролик жамияти институтлари ҳамда фуқаролар Конституция ва қонунларга мувофиқ иш юритиши ва ушбу Конституциянинг бирорта қоидаси Ўзбекистон Республикасининг ҳуқуқ ва манфаатларига, ушбу Конституциянинг биринчи бўлимида назарда тутилган асосий принцип ва нормаларга зарар етказадиган тарзда талқин этилиши мумкин эмаслиги, Ўзбекистон Республикасининг қонунлари ва бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси асосида ва уни ижро этиш юзасидан қабул қилиниши белгиланган. Бирорта қонун ёки бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжат Конституциянинг принцип ва нормаларига зид бўлиши мумкин эмас.*»[1]. Демак, мазкур ҳолатда, юридик шахслар, шунингдек, давлат ва унинг органларининг жавобгарлиги ҳақида ҳам зарур қоидаларни Жиноят кодексида кўрсатиш вақти етиб келди. Бундан ташқари, кибержиноятчиликка оид 3-бобда тилга олинган 12 та халқаро ҳужжатлардан 3 тасида юридик шахсларнинг жавобгарлигига оид махсус нормалар белгиланган. Шунингдек, **бугунги кунда сунъий интеллект орқали** киберфирибгарлик, киберўғрилик жиноятлари кўпаймоқда, робототехника орқали бошқа қилмишлар амалга оширилмоқда. Мазкур ҳолатда, сунъий интеллект технологиясининг яратувчиси қонун олдида жавоб бериши керакми ёки унинг мулкдори ёҳуд унинг фойдаланувчиси жавоб бериши керакми ёинки сунъий интеллектнинг ўзи жавоб бериши керакми, деган асосли саволларнинг жавоби берилишини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. Таъкидлаб ўтиш керакки, 2024 йилда Европа иттифоқи иттифоқдаги давлатлардаги киберхавфсизлик ҳолати ҳақидаги биринчи ҳисоботни тақдим этди[2]. Унга кўра, Интерпол икки ой ичида Африка бўйлаб 1006 та кибержиноятда гумонланувчини ҳибсга олган[3]. Шундан, АҚШлик Майкл Смит 2017 йилдан бери нейрон тармоқлардан фойдаланган ҳолда хаёлий гуруҳлардан треклар яратиб келган ва уларни «*Apple Music*», «*Spotify*» ва «*Youtube music*» платформаларига юклаган ва тинглаш ботларини яратган. У сунъий интеллект томонидан яратилган мусиқани трансляция қилиш учун бот аккаунтларидан фойдаланган ҳолда 10 млн. АҚШ долларидан кўпроқ пул ишлаб топгани тахмин қилинмоқда. «Стереогум»

[1] Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
[2] https://www.enisa.europa.eu/news/eus-first-ever-report-on-the-state-of-cybersecurity-in-the-union.
[3] https://www.africanews.com/2024/11/28/interpol-arrests-1006-cybercrime-suspects-across-africa-in-two-months/.

маълумотларига кўра, Смитга тахминан 60 йил қамоқ жазоси берилиши мумкин[1]. Дубайда сунъий интеллектга эга полиция роботи ишга туширилган. Қизил тугма босилса, полиция отряди зудлик билан ўша жойга етиб боради[2]. Икки йиллик мунозаралардан сўнг Европа Иттифоқи ниҳоят нейрон тармоқлар ва сунъий интеллект билан ишлайдиган компаниялар фаолиятини тартибга солувчи «Сунъий интеллект тўғрисида»ги Қонунни қабул қилди[3]. Мазкур ҳолатда, қонунни қабул қилувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар давлат номидан харакат қилади, уларнинг харакати ёки ҳаракатсизлиги оқибатида жиноятлар вужудга келса, ким сабабчи бўлади. Шу сабабдан ҳам юридик шахслар ва давлатнинг жавобгарлиги ҳақидаги махсус қоидаларни Жиноят кодексида белгилаш мақсадга мувофиқдир. Сабаби сунъий интеллект технологиялари орқали амалга оширилаётган жиноятлар жамоат хавфсизлигига таҳдид солиши техник томондан имкони бор. Шу сабабли «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги, «Электрон ҳукумат тўғрисида»ги, «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги қонун ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига бундан келиб чиқиб, зарур қоидаларни киритиш мақсадга мувофиқдир. Махсус профилактика амалга оширишда кибержиноятлар учун жавобгарлик ёшини белгилаш ва Жиноят кодексимизнинг 17-моддасини қайта кўриб чиқиш ҳамда жавобгарлик ёшини камайтириш мақсадга мувофиқдир.

Киберҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, киберҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган киберҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади ва уни қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори тўғрисида, унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги ёхуд у киберҳуқуқбузарлик содир этганлиги ҳақида далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади. Ушбу маъумотларни эса, техник томондан телекоммуникация инфратузилмасидан айбдор қай мақсадда фойдаланаётганлиги текшириб кўриш орқали аниқлаштирилиши мумкин. Киберҳуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади. Кибержиноятларнинг трансчегеравий жиноят эканлиги сабабли ҳар доим ҳам амалдаги қонунчилигимизда белгиланган одатдаги жиноятлар бўйича ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг тартиб-таомилларини амалга ошириш имконсиздир. Мазкур вазиятда халқаро ҳужжатлар ва хорижий давлатлар билан ўзаро келишув, битимлар муҳим ўрин тутади. Кибержиноятчи билан профилактика суҳбати ўташдан олдин ходимнинг ўзи малакаси етарли бўлиши керак. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 15 августдаги ПҚ–293-сон қарори билан тасдиқланган 2024-2025 йилларда Ўзбекистон Республикасида криптология соҳасида таълим ва илм-фанни

[1] https://www.nme.com/news/music/fbi-arrest-musician-for-streaming-fraud-and-allegedly-collecting-10million-from-ai-generated-songs-3790973.

[2] https://t.me/cyber_102/5927.

[3] https://www.ferra.ru/news/techlife/v-evrope-nakonec-to-prinyali-zakon-ob-ii-spustya-dva-goda-obsuzhdenii-15-07-2024.htm.

ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар режасига асосан, 7 та, Ўзбекистон Республикасида миллий криптология соҳасини ривожлантиришнинг долзарб йўналишлари бўйича 2024-2028 йилларга мўлжалланган илмий-тадқиқот ишлари дастурига кўра, жами **25 789 769 370** сўмлик 15 та лойиҳа амалга оширилмоқда[1]. «*Рақамли технологиялар соҳасида жиноятларнинг олдини олиш йўналишида профессионал кадрларни узлуксиз, босқичма-босқич тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини жорий этиш*», «*терговчига фойдаланувчилар ёки фойдаланувчи қурилмалари ўртасидаги боғланишлар тўғрисида ахборотни мустақил олиш ваколатини бериш*», «*электрон (рақамли) далил*» *тушунчаси*, «*уларни аниқлаш, тўплаш, текшириш, экспертизадан ўтказиш, баҳолаш, қайд этиш, сақлаш тартиблари*» *ва* «*бу жараёнда иштирокчиларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари*», «*ахборот технологияларидан фойдаланиб содир этилган жиноятлар бўйича кибермухитни, шу жумладан, кибермаконни холислар иштирокисиз, мажбурий видеоёзув ёрдамида кўздан кечириш, тинтув ўтказиш тартиби*», «*ахборот ресурсларида рақамли изларни сақлашда сақланаётган маълумотларга аниқ талабларни (маълумот турларини) белгилаш*», «*Рақамли криминалистика илмий-методик маркази негизида Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институтини ташкил этиш*»[2] ҳақидаги норма ижодкорлигидаги таклифларимиз асосида алоҳида Қонун қабул қилиниб, Жиноят-процессуал кодексининг 204[1]-моддасида «*электрон маълумотлар*», 204[2]-моддасида «*рақамли далиллар*», 205-моддасида «*ашёвий, ёзма ва рақамли далилларни олиш усуллари*», 208-моддасида «*ашёвий, ёзма ва рақамли далилларни сақлаш ҳамда бошқа жойга юбориш тартиби*» белгиланди[3], «*2024/2025 ўқув йилидан бошлаб камида бир нафар етакчи миллий ва хорижий мутахассисни, эксперт ва профессор-ўқитувчиларни рақамли технологиялар соҳасида жиноятларнинг олдини олишнинг ташкилий-техник ечимлари ва бунда сунъий интеллект технологияларини қўллаш бўйича киберхавфсизлик бўлинмалари ходимларини ўқитиш, уларнинг малакасини оширишда иштирок этиш учун жалб қилиш, Ички ишлар вазирлиги, Давлат хавфсизлик хизмати, Бош прокуратура ва Олий суд тасарруфидаги таълим муассасаларида жиноятларни аниқлаш, фош этиш ҳамда улар юзасидан тергов ва суд ҳаракатларини олиб бориш йўналишида хизмат қилувчи ходимларни кибержиноятчиликка қарши курашиш бўйича ҳар икки йилда бир марта, қисқа муддатли малака ошириш амалиёти йўлга қўйилди, «Рақамли криминалистика» йўналиши бўйича терговчилар ҳамда прокуратура органларининг тезкор-қидирув хизмати ходимлари учун доимий махсус ўқув*

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида криптология соҳасида таълим ва илм-фанни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 15 августдаги ПҚ–293-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 30 ноябрдаги ПҚ–381-сон қарори билан тасдиқланган «Рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашиш ва рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш бўйича «йўл харитаси» // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ–1003-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

курсларини ташкил этиш, шунингдек, «кибер ҳуқуқ» магистратура йўналишини очилди, Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар тизимидаги ўрта махсус таълим муассасаларида «Ахборот хавфсизлиги» таълим йўналишини ташкил этиш ва унда ахборот технологиялари соҳасида дастлабки билимга эга бўлган ўқувчи ёшларни саралаб олиб, ушбу йўналишда малакали таълим беришни йўлга қўйилди. Рақамли криминалистика илмий-методик маркази негизида Рақамли криминалистика илмий-тадқиқот институтини ташкил этилди, Институт фаолиятини тўлақонли йўлга қўйиш учун зарур моддий-техник база ҳамда қўшимча 10 та штат бирликларини ажратиш масаласини кўриб чиқилди, Институт таркибида «Ихтисослаштирилган рақамли тадқиқот маркази», «Рақамли терговга кўмаклашувчи гуруҳ», «Методик ёрдам кўрсатиш гуруҳи» ва «Рақамли криминалистика лабораторияси» (Дигитал форенсис лаб) фаолиятини йўлга қўйилди.»[1]. *«Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академиясига кибержиноятларга қарши курашиш бўйича қўшимча вазифалар юклатилди.»*[2].

Киберҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда расмий огоҳлантириш ҳам муҳим ўрин тутади. Маълумки, қонунчилик билан «*веб-сайт ва (ёки) веб-сайт саҳифасида жойлаштирилган ахборотга ушбу веб-сайт фойдаланувчилари томонидан қолдирилган шарҳлар матнида, шунингдек ижтимоий тармоқлар ёки мессенжерларда Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотлар аниқланган ҳолатда веб-сайт, веб-сайт ва (ёки) мессенжер саҳифаси эгаси, шунингдек блогерга ушбу ахборотларни олиб ташлаш тўғрисида хабарнома юбориш тартиби белгиланган ва унга кўра, Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази томонидан ахборот ресурсларида Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотлар аниқланганда Марказ томонидан* ***24 соатдан кечиктирмасдан ахборот ресурслари эгаси****, шунингдек блогерга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотларни олиб ташлаш тўғрисида хабарнома (кейинги ўринларда хабарнома деб аталади) юборилади. Хабарнома Марказнинг расмий ахборот ресурслари (электрон почта, ижтимоий тармоқлар ёки мессенжерлардаги расмий саҳифа) орқали электрон шаклда юборилади. Хабарномада Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот жойлаштирилган ахборот ресурсининг номи, ахборот жойлаштирилган сана кўрсатилади, тақиқланган ахборотга ҳавола ва унинг экрандаги тасвири нусхаси илова қилинади, шунингдек қўшимча равишда ушбу ахборотни тарқатиш учун қонунчиликда белгиланган жавобгарлик тўғрисида маълумотлар келтирилиши мумкин. Ахборот ресурси эгаси, шунингдек блогер хабарномани олган вақтдан*

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида” 2023 йил 30 ноябрдаги ПҚ–381-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли криминалистика соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 21 июндаги ПҚ–229-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

бошлаб 24 соатдан кечиктирмасдан Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотни олиб ташлаши, шунингдек бу тўғрида Марказни унинг расмий ахборот ресурслари орқали электрон шаклда ёки қоғоз шаклида хабардор қилиши лозим. Агар Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот 24 соатда ахборот ресурси эгаси, шунингдек блогер томонидан олиб ташланмаса, у ҳолда АОКА ёки Марказ томонидан ушбу ахборотни олиб ташлаш бўйича Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборот жойлаштирилган ижтимоий тармоқ ёки мессенжер маъмурига ёки даъво аризаси билан судга мурожаат қилиниши мумкин.»[1]. Бироқ, қонунчилик бўйича Марказ давлат божи тўлашдан озод этилмаган, қолаверса, суд процесси жуда узоқ давом этиши мумкин. Шу сабабли амалда ушбу жараён Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ–4452-сон қарорига асосан, «*Ўзкомназорат қонун ҳужжатлари талабларига риоя этилишини таъминлаш масалалари юзасидан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги билан ҳамкорлик қилади, Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тақдимномасига кўра Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари талабларини бузган ахборот соҳаси субъектларига нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўради»*[2], – деган қоида асосида ҳал этилган. Бироқ, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 14 июлдаги ПФ–111-сон Фармони билан ОАКА тугатилиб, унинг ахборот назоратига оид функциялари Ўзкомназоратга ўтказилди[3]. Шунга кўра, агарда жиноят аломатлари аниқланса, Ўзкомназорат Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 278-моддасига асосан, топшириди[4]. Бироқ, юқоридаги ҳолатлар асосан кибержиноятларни аниқлаш бўйича зарур нормалар бўлиб, уларнинг олдини олиш ва оқибатларини бартараф этиш учун юқоридаги хабарномани бажармаганлик учун алоҳида маъмурий чоралар кўрилиши бўйича МЖтКнинг 198-моддасига қўшимча прим моддани қўшиш таклиф қилинади. Ушбу таклифнинг қабул қилиниши расмий огоҳлантириш сифатида хабарноманинг давлат номидан юборилиши оқибатида қатор

[1] Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори билан тасдиқланган Веб-сайт, веб-сайт ва (ёки) мессенжер саҳифаси эгаси, шунингдек блогерга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотни олиб ташлаш тўғрисида хабарнома юбориш тартиби // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ–4452-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[3] Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 14 июлдаги ПФ–111-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[4] Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

киберҳуқуқбузарликларнинг олди олиниши ёки ҳеч бўлмаса, уларнинг қилмишлари аллақачон фош этилганлигини кибержиноятчи билиб, ўзининг давомли жиноятини тўхтатиши ва жиноятдан ихтиёрий қайтиш ҳолатлари кўпайиши мумкин.

Киберҳуқуқбузарликларнинг содир этилиши сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитлар тўғрисида хабардор қилиш бўйича ягона техник ечимларнинг мавжуд эмаслиги сабабли норма ижодкорлигидаги таклифлар асосида Вазирлар Маҳкамасининг «112» ягона диспетчерлик хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2024 йил 29 майдаги 304-сон қарори қабул қилиниб, бугунги кунда «112» ягона диспетчерлик хизмати фаолиятини ташкил этиш бўйича зарур ишлар амалга оширилмоқда[1]. Ушбу хизматнинг тўлиқ ишга туширилиши худди америка киноларидек «911» хизмати Ўзбекистонда «112» сифатида ишга туширилиши ва кибержиноятларни бевосита ваколатли органларга хабар беришнинг зарур техник имконияти яратилишига хизмат қилади.

Киберҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш ҳам муҳим ўрин тутади ва унга кўра, киберҳуқуқбузарликлардан жабрланувчиларга, киберҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, киберҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларга нисбатан ижтимоий реабилитация қилиш ва ижтимоий мослаштириш чора-тадбирлари қонунчиликда белгиланган тартибда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассаса томонидан қўлланилиши белгиланган. Бироқ, бу идораларнинг барчаси ҳали ҳамон анъанавий усуллардан фойдаланишади. **Ушбу жараёнда сунъий интеллект технологиялари орқали ушбу жиноятчининг бошқа яна жиноят содир этмаслигини аниқлашнинг техник ечимларини қўллаш мақсадга мувофиқдир**. Мисол учун, **Корея тадқиқотчилари жиноятларни башорат қилувчи нейрон тармоқни ишлаб чиққан**. «*Dejaview*» деб номланган ушбу технология кузатув камераларидан олинаётган маълумотларни сунъий интеллект ёрдамида таҳлил қилиб 82.8 % аниқликда жиноятларни башорат қилади. Синов тариқасида нейрон тармоқ Соучо-гу (Сеул) тумани реал вақтдаги жиноятлар таҳлилий харитасини ишлаб чиқилган. Бунинг учун унга 2018 йилдан буён кузатув камераларидан олинган 32 мингдан ортиқ маълумотлар керак бўлган[2].

Ҳозирда киберҳуқуқбузарликларни профилактик ҳисобга олиш Ўзбекистон Республикасининг «Пробация тўғрисида» 2024 йил 7 августдаги ЎРҚ–938-сон Қонунга асосан, амалга оширилмоқда. Ушбу Қонунга кўра, «*алоқа воситаларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш юзасидан суд белгилаган тақиққа (чекловга) пробация назоратидаги шахс томонидан риоя этилиши устидан назорат мазкур тақиққа (чекловга) риоя этилиши тўғрисида ушбу шахс билан профилактик суҳбатлар ёки текширувлар*

[1] Вазирлар Маҳкамасининг “112” ягона диспетчерлик хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2024 йил 29 майдаги 304-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] https://techxplore.com/news/2024-09-korean-ai-cctvs-criminal.html#:~:text=Electronics%20and%20Telecommunications%20Research%20Institute%20(ETRI)%20has%20recently%20announced%20that,potential%20crimes%20and%20predict%20the.

ўтказиш йўли билан амалга оширилади. Алоқа воситаларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш юзасидан суд белгилаган тақиққа (чекловга) пробация назоратидаги шахс томонидан риоя этилишини текшириш мутахассисларни жалб этган ҳолда, махсус техник воситалар ёрдамида амалга оширилади. ***Алоҳида ҳолларда, алоқа воситаларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиш юзасидан суд белгилаган тақиққа (чекловга) пробация назоратидаги шахс томонидан риоя этилиши туман (шаҳар) пробация бўлинмаси ходимининг сўровига кўра тезкор-қидирув тадбирлари доирасида текширилиши мумкин***[1]***. Етказилган зарарнинг ўрнини қоплаш юзасидан суд белгилаган мажбуриятнинг пробация назоратидаги шахс томонидан бажарилиши устидан назорат туман (шаҳар) пробация бўлинмаларининг Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Мажбурий ижро бюросининг ҳудудий бўлинмаси билан ахборот алмашиши воситасида амалга оширилади****. Пробация назоратидаги шахс муайян даромад манбаига эга бўлмаган тақдирда, меҳнат органлари кўмагида унинг бандлигини таъминлаш чоралари кўрилади. Пробация назоратидаги шахсларга ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларнинг таълим олишига, касб-ҳунар ўрганишига ва ишга жойлашишига кўмаклашиш воситасида жамиятнинг тўла ҳуқуқли аъзосига айланишига қаратилган фаолият ижтимоий мослаштиришдир. Кибержиноятларни содир этган шахсларга ҳам давлат ижтимоий, ҳуқуқий, тиббий, психологик ёрдам кўрсатиш, уларнинг таълим олишига, касб-ҳунар ўрганишига ва ишга жойлашишига кўмаклашиш орқали пробация назоратини амалга оширади. Пробация назоратидаги шахсларга нисбатан ижтимоий мослаштириш дастури асосида ижтимоий мослаштириш чоралари қўлланилади. Шахс пробация ҳисобига қўйилган кундан эътиборан ўн иш куни ичида туман (шаҳар) пробация бўлинмаси ходими ва мутахассис-психолог томонидан пробация назоратидаги шахснинг ўзига хос алоҳида белгиларини, руҳий хусусиятларини ҳамда хулқ-атворини баҳолаш натижалари асосида унинг индивидуал ижтимоий-психологик қиёфаси тузилади. Пробация назоратидаги шахснинг ижтимоий-психологик қиёфасида шахсга доир маълумотлар, шу жумладан шахсга доир махсус маълумотлар акс эттирилади. Пробация назоратидаги шахс мутахассис-психолог томонидан ҳар уч ойда бир марта суҳбатдан ўтказилиб, суҳбат натижаларига кўра пробация назоратидаги шахснинг ижтимоий-психологик қиёфасига тегишли ўзгартиришлар киритилади. Пробация назоратидаги шахснинг ижтимоий-психологик қиёфасидаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун туман (шаҳар) пробация бўлинмаси ходими ва мутахассис-психолог шахсан жавобгар бўлади. Пробация назоратидаги шахсни ижтимоий мослаштириш дастури туман (шаҳар) пробация бўлинмаси ходими томонидан мутахассис-психолог билан ҳамкорликда, шахснинг ижтимоий-психологик қиёфаси асосида ишлаб чиқилади. Пробация назоратидаги шахсни ижтимоий мослаштириш дастурида пробация назоратидаги шахсга нисбатан қўлланиладиган ижтимоий мослаштириш*

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Пробация тўғрисида” 2024 йил 7 августдаги ЎРҚ–938-сон Қонун // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

чоралари, уларни амалга ошириш механизмлари, бажариш муддатлари ва масъул ижрочилар кўрсатилади. Пробация назоратидаги шахсни ижтимоий мослаштириш дастури пробацияга оид ахборот тизимига киритилган пайтдан эътиборан тасдиқланган ҳисобланади. Пробация назоратидаги шахсни ижтимоий мослаштириш дастуридан кўчирма ушбу шахс пробация ҳисобига қўйилган кундан эътиборан ўн беш иш куни ичида туман (шаҳар) пробация бўлинмаси ходими томонидан масъул ижрочилар эътиборига етказилади ва бажариш учун юборилади. Пробация назоратидаги шахсни ижтимоий мослаштириш дастурига ижтимоий мослаштириш чораларининг бажарилиши, уларнинг натижалари тўғрисидаги ахборот киритилади, шунингдек шахснинг ижтимоий-психологик қиёфасидаги ижобий ёки салбий ўзгаришлар ҳақида мутахассис-психолог томонидан киритиладиган маълумотлар ҳисобга олинган ҳолда, ижтимоий мослаштириш дастурига ижтимоий мослаштириш чораларига қўшимчалар, ўзгартиришлар киритиш ёки уларни қисман бекор қилиш зарурлиги тўғрисидаги маълумотлар киритилади. Пробация назоратидаги шахсни ижтимоий мослаштириш дастуридаги ижтимоий мослаштириш чораларининг тўғри белгиланганлиги учун туман (шаҳар) пробация бўлинмасининг ходими шахсан жавобгар бўлади. Пробация назоратидаги шахсни ижтимоий мослаштириш дастуридаги тадбирлар узрли сабабларсиз белгиланган муддатларда бажарилмаганлиги фактлари бўйича хизмат текшируви ўтказилади ва уларни бартараф этиш чоралари кўрилади. Пробация назоратидаги шахсларга тарбиявий таъсир кўрсатиш уларда қонунга итоаткорлик хулқ-атворини ва жамиятда юриш-туриш қоидаларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни шакллантириш, шунингдек уларни ватанпарварлик, миллий ва умуминсоний қадриятларни ҳурмат қилиш руҳида тарбиялаш мақсадида амалга оширилади. Пробация назоратидаги шахсларга уларнинг ўзига хос индивидуал хусусиятлари ва улар содир этган ҳуқуқбузарликлар ҳисобга олинган ҳолда ижтимоий мослаштириш дастурларида назарда тутилган тарбиявий таъсир кўрсатиш чоралари қўлланилади. Тарбия жараёнини амалга ошириш чоғида босма нашрлардан, радио, телевидение, кинофильмлардан, ахборот-кутубхона ресурсларидан ва тарбиявий таъсир кўрсатишнинг бошқа воситаларидан фойдаланилади. Пробация назоратидаги шахсларга нисбатан жамоатчилик таъсирини кучайтириш мақсадида тарбиявий таъсир кўрсатиш билан боғлиқ фаолиятга маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, жамоат тарбиячилари ва оила аъзолари жалб этилиши мумкин. Пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атвори белгиланган мезонлар асосида ҳар уч ойда туман (шаҳар) пробация бўлинмаси ходими томонидан баҳоланади, баҳолаш натижалари эса мутахассис-психолог томонидан уларнинг ижтимоий-психологик қиёфаларида акс эттирилади. Пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атвори уларга нисбатан рағбатлантириш чоралари, интизомий жазо чораси ва ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилганлиги, шунингдек уларнинг ижтимоий мослаштириш дастурларидаги иштироки мезонларига кўра баҳоланади. Пробация хизмати ходими пробация назоратидаги шахсларнинг

хулқ-атворини баҳолаш асосида уларни пробация назоратидаги нейтрал, ижобий ва салбий хулқ-атворли шахс каби тоифалар бўйича таснифлайди.

Рағбатлантириш ва интизомий жазо чоралари қўлланилмаган, шунингдек ўзига нисбатан илгари қўлланилган интизомий жазо чорасининг амал қилиш муддати тугаган шахслар пробация назоратидаги нейтрал хулқ-атворли шахслар деб топилади. Камида бир марта рағбатлантирилган, амалдаги интизомий жазога эга бўлмаган, тарбиявий фаолиятда ва ижтимоий мослаштириш дастурларида виждонан иштирок этаётган шахслар пробация назоратидаги ижобий хулқ-атворли шахслар деб топилади. Олиб ташланмаган ва бекор қилинмаган интизомий жазога эга бўлган ёки тарбиявий тадбирларда ҳамда ижтимоий мослаштириш дастурларида узрли сабабларсиз иштирок этмаётган шахслар пробация назоратидаги салбий хулқ-атворли шахслар деб топилади. Пробация назоратидаги шахсларнинг хулқ-атворини баҳолаш натижалари пробация хизмати ходимининг қарори билан расмийлаштирилади. Қарорнинг кўчирма нусхаси қарор чиқарилган пайтдан эътиборан уч иш куни ичида пробация назоратидаги шахсга тақдим этилади. Пробация назоратидаги шахсларнинг такроран ҳуқуқбузарлик содир этиши хавфи аниқланган тақдирда ва ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш мақсадида туман (шаҳар) пробация бўлинмаси ички ишлар органларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмалари билан биргаликда пробация назоратидаги шахслар билан суҳбатлар ўтказиш, пробация назоратидаги шахсларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворини жамоат тарбиячиларининг имкониятларидан фойдаланиш ёрдамида ўзгартириш чораларини кўриш ва пробация назоратидаги шахслар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг сабабларини ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни ўрганиш, шунингдек уларни бартараф этишга қаратилган аниқ таклифлар ва тавсияларни ишлаб чиқиш, тегишли ташкилотларга тақдимномалар киритиш каби профилактика тадбирларини амалга оширади.

Психологик ёрдамга муҳтож бўлган пробация назоратидаги шахсларга пробация хизматининг мутахассис-психологлари психологик ёрдам кўрсатади. Туман (шаҳар) пробация бўлинмаси ходимининг сўровига асосан Ўзбекистон Республикаси Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг ҳудудий бўлинмалари умумий ўрта маълумотга эга бўлмаган, ўн саккиз ёшга тўлмаган пробация назоратидаги шахсларнинг таълим олишини мазкур шахсларнинг яшаш жойида жойлашган давлат умумий ўрта таълим муассасаларида ташкил этади. Туман (шаҳар) пробация бўлинмалари ўн саккиз ёшдан ошган, умумий ўрта таълим тўғрисидаги ҳужжатларга эга бўлмаган пробация назоратидаги шахсларга экстернат тартибида якуний аттестациядан ўтишида кўмаклашади. Туман (шаҳар) пробация бўлинмаларининг йўлланмаларига кўра меҳнат органлари, Ўзбекистон Республикаси Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари касб-ҳунарга эга бўлмаган пробация назоратидаги шахсларнинг касб-ҳунар ўрганишига доир тадбирларни амалга оширади. Туман (шаҳар) пробация бўлинмаларининг йўлланмаларига кўра меҳнат органлари, Оила ва хотин-қизлар қўмитаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари, шунингдек Ёшлар ишлари агентлиги ва унинг ҳудудий бўлинмалари пробация

назоратидаги шахсларни ишга жойлаштиришга кўмаклашиш, шу жумладан уларни ҳақ тўланадиган жамоат ишларига, қишлоқ хўжалигидаги мавсумий ишларга юбориш чораларини кўради. Пробация назоратидаги вояга етмаган шахсларни ижтимоий мослаштириш дастурларини ишлаб чиқиш чоғида улар билан якка ёки жамоавий тартибда суҳбатлар ўтказилганда ва ушбу шахсларга нисбатан ижтимоий мослаштириш чоралари қўлланилганда уларнинг ёши, ўзига хос индивидуал хусусиятлари ҳисобга олинган ҳолда, вояга етмаган шахслар оила аъзоларининг ёки қонуний вакилларининг ижтимоий мослаштиришда иштирок этиши учун шарт-шароитлар яратилади.

Вояга етмаган шахсга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ тадбирларга ушбу шахснинг ўзига хос индивидуал хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда педагог, психолог, васийлик ва ҳомийлик органи вакиллари жалб этилиши мумкин. Туман (шаҳар) пробация бўлинмасининг ходими томонидан васийлик ва ҳомийлик органи вакиллари билан биргаликда пробация назоратидаги вояга етмаган шахснинг яшаш шароитлари ҳар чоракда ўрганилиб, бу ҳақда далолатнома тузилади.

Пробация назоратидаги шахсларга нисбатан ташаккурнома эълон қилиш, ёрлиқ билан тақдирлаш, илгари қўлланилган интизомий жазо чорасини муддатидан олдин олиб ташлаш, суд томонидан белгиланган тақиқларни (чекловларни) ва мажбуриятларни тўлиқ ёки қисман бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритиш каби рағбатлантириш, огоҳлантириш тарзидаги интизомий жазо чораси ва қўшимча тақиқлар (чекловлар) ва мажбуриятлар белгилаш тўғрисида судга тақдимнома киритиш, шартли ҳукмни бекор қилиш ва ҳукм асосида тайинланган жазони ижро этиш тўғрисида судга тақдимнома киритиш, жазони ўташдан муддатидан илгари шартли озод қилинганликни бекор қилиш тўғрисида судга тақдимнома киритиш, мажбурий жамоат ишларининг ўталмаган муддатини озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо билан алмаштириш тўғрисида судга тақдимнома киритиш, ахлоқ тузатиш ишларининг ўталмаган муддатини худди шу муддатга озодликни чеклаш ёки озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазо билан алмаштириш тўғрисида судга тақдимнома киритиш, озодликни чеклаш тарзидаги жазонинг ўталмаган муддатини бошқа турдаги жазо билан алмаштириш тўғрисида судга тақдимнома киритиш, ҳуқуқий таъсир чоралари қўлланилади. Пробацияга оид барча масалалар пробацияга оид ахборот тизими орқали амалга оширилади.»[1].

Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда мажбурий даволанишга юбориш Ўзбекистон Республикасининг «Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида» 2020 йил 27 октябрдаги ЎРҚ–644-сон Қонунга асосан, *«наркологик касалликларга чалинган шахсларга нисбатан суднинг қарори асосида мажбурий даволаш учун мўлжалланган муассасаларда кўрсатиладиган наркологик ёрдам тури орқали амалга ошириладиган профилактика чораси ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 56*[2]*-моддасида гиёҳвандлик*

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Пробация тўғрисида” 2024 йил 7 августдаги ЎРҚ–938-сон Қонун // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, 56[4]-моддасида гиёҳвандлик воситаларини, уларнинг аналогларини ёки психотроп моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, Жиноят кодексининг 251[1]-моддасида гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш, 273-моддасида телекоммуникация тармоқларидан, шунингдек Интернет жаҳон ахборот тармоғидан фойдаланиб гиёвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда тайёрлаш, олиш, сақлаш, ташиш ёки жўнатиш, шунингдек уларни кўп бўлмаган миқдорда қонунга хилоф равишда ўтказиш учун жиноий жавобгарлик белгиланган бўлиб, айнан ушбу киберҳуқуқбузарликларни амалга ошириш учун ҳам мажбурий даволанишга юбориш ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш муҳимдир. Таъкидлаш керакки, қонунга кўра, Наркологик касалликлар профилактикаси психоактив моддаларнинг тарқалишига ва нотиббий равишда истеъмол қилинишига, шу жумладан алкоголни суиистеъмол қилишга имкон берувчи сабаблар ҳамда шарт-шароитларни аниқлаш ва бартараф этишга, уларнинг шахсий, ижтимоий ва тиббий салбий оқибатларининг олдини олишга қаратилган ижтимоий, маърифий ҳамда тиббий-психологик тадбирлар мажмуидан иборатдир. Наркологик касалликлар профилактикаси бирламчи, иккиламчи ва учламчи профилактикани ўз ичига олади. Наркологик касалликларнинг бирламчи профилактикаси психоактив моддаларни истеъмол қилишга ўрганиб қолишига сабаб бўладиган омилларни бартараф этиш ёки шахснинг ушбу омиллар таъсирига бардошлилигини ошириш орқали мазкур моддаларни биринчи марта нотиббий равишда истеъмол қилишга уринишининг олдини олишга қаратилган тиббий, педагогик, психологик ва ижтимоий чора-тадбирлар тизимидир. Наркологик касалликларнинг иккиламчи профилактикаси психоактив моддаларни истеъмол қилишини бу моддаларга нисбатан қарамлик шакллангунига қадар тугатишга қаратилган тиббий, педагогик, психологик, психотерапевтик ва ижтимоий чора-тадбирлар тизимидир. Наркологик касалликларнинг учламчи профилактикаси наркологик касаллик авж олишининг ҳамда унинг ижтимоий ва тиббий салбий оқибатлари юзага келишининг олдини олишга қаратилган тиббий, психологик, психотерапевтик ва ижтимоий чора-тадбирлар тизимидир.»[1].

Киберҳуқуқбузарликларни содир этган шахсларга нисбатан «**маъмурий назорат»** *суд томонидан ўта хавфли рецидивист деб топилган, оғир ёки ўта оғир*

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида” 2020 йил 27 октябрдаги ЎРҚ–644-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

жиноятлар содир этганлик учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган, ҳар қандай қасддан қилинган жиноятлар учун икки ёки ундан ортиқ марта озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган ёки Ўз.Рес. ЖКга биноан оғир ёки ўта оғир жиноят ҳисобланадиган қилмишларни содир этганлик учун бошқа давлат ҳудудида озодликдан маҳрум қилиш тарзидаги жазони ўтаган вояга етган шахсларга нисбатан суд томонидан маъмурий назорат ўрнатилади. Маъмурий назорат судланганлиги олиб ташланган ёки судланганлик ҳолати тугалланган шахсларга нисбатан ўрнатилиши мумкин эмас. Назорат остидаги шахсларга нисбатан суднинг содир этилган қилмишнинг хусусияти ҳисобга олинган ҳолдаги қарори асосида яшаш жойидан сутканинг белгиланган вақтида ташқарида бўлишини тақиқлаш, муайян жойларда бўлишини тақиқлаш, суд томонидан белгиланган ҳудуд доирасидан ички ишлар органларининг рухсатисиз чиқишини тақиқлаш, рўйхатдан ўтиш учун ҳар ойда бир мартадан тўрт мартагача ички ишлар органига (ички ишлар органининг таянч пунктига) келиш, алкоголли ичимликларни истеъмол қилишни тақиқлаш каби маъмурий чекловлар белгиланиши мумкин. Ушбу маъмурий чекловлар назорат остидаги шахснинг турмуш тарзига, оилавий аҳволига, шунингдек унинг шахсини тавсифловчи бошқа ҳолатларга қараб тўлиқ ҳажмда ёки алоҳида-алоҳида тарзда белгиланади. Маъмурий чекловларнинг рўйхати узил-кесил бўлиб, унга қўшимчалар киритилиши ёки у кенгайтириб шарҳланиши мумкин эмас. Қўлланиладиган маъмурий чекловлар суд томонидан ички ишлар органининг тақдимномасига ёки назорат остидаги шахснинг ёхуд унинг вакилининг аризасига, шунингдек меҳнат жамоасининг, жамоат бирлашмасининг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг илтимосномасига биноан назорат остидаги шахснинг турмуш тарзи ва хулқ-атвори ҳақидаги маълумотлар инобатга олинган ҳолда қисман бекор қилиниши мумкин.

Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги асослантирилган тақдимнома судга юборилади.

Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги тақдимномада маъмурий назоратни ўрнатиш зарурати, ўрнатиладиган маъмурий чекловлар юзасидан таклифлар ва ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатилиши мумкин бўлган шахснинг ўзи танлаган яшаш жойи ҳақидаги маълумотлар кўрсатилади. Агар жазони ижро этиш муассасасидан озод этилаётган шахснинг маълум сабабларга кўра аниқ турар жойи бўлмаса, жазони ижро этиш муассасаси маъмурияти унга яшаш жойи билан таъминлаш, доимий яшаш ёки вақтинча турган жойи бўйича рўйхатга олишга ҳамда ишга жойлашишга ёрдам беришни сўраб, шунингдек ногиронлиги бўлган шахсларни ёки оғир касалликларга чалинган шахсларни даволаш масалаларини олдиндан ҳал қилиш тўғрисида тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органларига, ички ишлар органларига ва соғлиқни сақлаш муассасаларига илтимоснома юборади. Маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги тақдимнома олинган пайтдан эътиборан ўн кундан кечиктирмай жиноят ишлари бўйича туман (шаҳар) судининг судьяси томонидан суд мажлисида ички ишлар органи вакилининг мажбурий иштирокида ва ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги тақдимнома кўриб чиқилаётган шахс иштирокида якка тартибда кўриб

чиқилади. Агар ўзига нисбатан маъмурий назорат ўрнатиш зарурлиги тўғрисидаги тақдимнома кўриб чиқиладиган, суд мажлиси ўтказиладиган вақт ва жой ҳақида хабардор қилинган шахс узрсиз сабабларга кўра суд мажлисига келмаса, шунингдек суд мажлисини бошқа кунга қолдириш тўғрисида илтимоснома тақдим этилмаган бўлса, тақдимнома суд томонидан ушбу шахснинг иштирокисиз кўриб чиқилиши мумкин. Суднинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорида маъмурий назоратни ўрнатиш учун асос, унинг муддати ва назорат остидаги шахсга нисбатан ўрнатиладиган маъмурий чекловлар кўрсатилади. Агар маъмурий назорат жазони ижро этиш муассасасидан озод этиш чоғида белгиланган бўлса, суднинг маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисидаги қарорида назорат остидаги шахс танлаган яшаш жойига етиб келадиган муддат ҳам кўрсатилади. Жазони ижро этиш муассасасидан озод этилаётган шахснинг аниқ яшаш жойи маълум бўлмаган тақдирда, суд унинг озодликдан маҳрум қилиш жазоси қўлланишидан олдин яшаган охирги яшаш жойи бўйича маъмурий назорат ўрнатиш тўғрисида қарор қабул қилади. Назорат остидаги шахснинг яшаш жойи бўлмаган тақдирда, суд маҳаллий давлат ҳокимияти органларига назорат остидаги шахсни турар жой билан таъминлаш чораларини кўриш мажбуриятини юклаш тўғрисида қарор чиқаради. Маъмурий назорат олти ойдан бир йилгача муддатга ўрнатилади. Маъмурий назорат муддати маъмурий назоратни ўрнатиш тўғрисида суд томонидан қарор чиқарилган пайтдан эътиборан, маъмурий назорат жазони ижро этиш муассасаларидан шахсни озод этиш чоғида ўрнатилган ҳолларда эса, назорат остидаги шахс танлаган яшаш жойига етиб келган пайтдан эътиборан ҳисобланади.»[1].

Киберҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси киберҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи орган ёки муассасанинг муайян шахснинг киберҳуқуқбузарликдан жабрланувчига айланиши хавфини камайтиришга қаратилган профилактика чора-тадбирларини қўллашга доир фаолиятдир. Кибербуллинг ёки кибержиноят қурбони бўлган жабрланувчи суд қароридан норози бўлиб, кибержиноятчидан ўч олиш учун кенг кўламли кибержиноят содир этиши мумкин. Шу сабабли ҳам киберҳуқуқбузарликларнинг виктимологик профилактикаси жуда муҳим саналади.

4-боб бўйича хулосалар

4-боб якуни бўйича 19-иловага мувофиқ хулоса қилинади.

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида” 2019 йил 2 апрелдаги ЎРҚ–532-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ХУЛОСА

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларни ҳуқуқий тартибга солишни комплекс тадқиқ этиш давомида миллий, халқаро, хорижий тажриба таҳлил қилиниб, олимларнинг доктринал қарашлари кўриб чиқилиб, қуйидаги концептуал хулосалар қилинди ва тегишли қонунчилик ҳужжатларини янада такомиллаштириш юзасидан илмий-амалий таклиф ҳамда тавсиялар ишлаб чиқилди:

I. Илмий-назарий хулосалар

1) тадқиқот натижасида монографиянинг 20-иловасида назарда тутилган «*жамоат*», «*жамият*», «*жамоат хавфсизлиги*», «*жамият хавфсизлиги*», «*жиноят*», «*кибержиноят*», «*кибермуҳит*», «*кибермакон*», «*кибертаҳдид*», «*киберхавфсизлик ҳодисаси*», «*киберхавфсизлик объекти*», «*киберхавфсизлик субъекти*», «*жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятлар*», «*жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар*» тушунчаларининг таърифлари ишлаб чиқилди;

2) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар вертикалига кўра, умумий, турдош, махсус ва бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятларга бўлинади.

3) бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятлар бевосита асосий, қўшимча ва факультатив объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятларга бўлинади ва уларнинг таҳлили монография иловаларида назарда тутилган. Мазкур гуруҳларга кирувчи кибержиноятларнинг сони яна давом этиши мумкин, Жиноят кодексининг 4-моддаси талабига асосан, бошқа қилмишлар қачонки миллий жиноят қонунчилигимизда жиноят деб эътироф этилсагина у расмий жиноят сифатида қабул қилинади, шу сабабли ҳозирги шароитдан келиб чиқиб, ушбу моддалар назарда тутилмоқда.

4) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг зарурий белгиларига қўриқланадиган ижтимоий муносабат, ижтимоий хавфли қилмиш, жавобгарлик ёши, ақли расолик, айб, кибермуҳит, шу жумладан, кибермакон, ахборот, алоқа, шу жумладан, радиочастота, телекоммуникация, почта алоқаси, ахборот-коммуникация технологиялари киради;

5) кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда амалга оширилиши кутилаётган шахс, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид солувчи шарт-шароитлар ва омиллар ёки уларнинг мажмуи **кибертаҳдид** бўлса, **киберҳужум** ушбу таҳдиднинг амалга оширилишига оид харакат саналади;

6) **ахборот-коммуникация технологиялари** – ахборотни яратиш, узатиш, ишлаш ва бошқариш билан боғлиқ технологиялар[1] бўлиб, у ахборот технологиялари ва телекоммуникация технологияларидан иборатдир. Рақамли,

[1] Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги 102-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

булутли, био, ноно, кибер, сунъий интеллект, блокчейн ва ахборот ёки (ва) алоқа мавжуд бўлган бошқа технологиялар ушбу технологияларнинг таркибий қисми саналади;

7) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг қуроллари ва воситаларига монографиянинг 22-иловасидаги ахборот-коммуникация технологияси инфратузилмалари киради. Таъкидлаш керакки, техник воситалар деганда ҳар қандай электр, электрон ва радиоэлектрон маҳсулотлар, шунингдек, электр ва (ёки) электрон компонентларни ўз ичига олган ҳар қандай маҳсулот тушунилади[1]. Жиноят ишлари бўйича миллий суд амалиётида ҳозирда юқорида саналган гуруҳга кирувчи телекоммуникация қурилмалари ва ускуналари, шу жумладан, компьютер, флешка, ноутбук, телефон, планшет, ижтимоий тармоқ, мессенжер, кабел, аппарат-дастурий восита, роутер (Wi-Fi қурилмаси), телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, фойдаланувчи рақами, домен номи, SMS, маълумотлар узатиш тармоғи, eSIM, GSM-шлюз, IMEI коди, IP-адрес, IP-шлюз, SIM/RUIM-карта, SMS-шлюз, зарарли вируслар, ҳаволалар, майнинг, крипто-активлар, рақамли активлар, мобил иловалар, турли хил форматдаги иловалар, веб-сайт, веб-сайт саҳифаси, ижтимоий тармоқ ёки мессенжердаги гуруҳлар, каналлар, чатлар, ахборот тизими, ахборот, электрон рақамли имзо, логин, парол, SIP-технологияси, тўлов воситалари, махсус идентификация талаб қилувчи техник воситалар, компьютер техникаси, воситаси, тизими, алоқа воситаси, қурилмаси, ускунаси ва бошқа ахборот технологиялари кўпроқ учраётганлиги аниқланди.

8) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларда киберхавфсизлик объекти Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонунида назарда тутилгани каби фақатгина ахборот тизимлари мажмуи, шу жумладан муҳим ахборот инфратузилмаси объектларидан иборат эмас, балки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг жиноят қуроллари ва воситалари ҳамда улар орқали бошқа инфратузилмалар зарар етказилиши мумкин, шу сабабли ушбу Қонунда «*киберхавфсизлик объекти*» тушунчасининг таърифини қайта кўриб чиқиш зарур;

9) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар субъектив томондан доимо қасддан содир этилади ва қасд эгри ёки тўғри қасд шаклида бўлиши мумкин;

10) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жавобгарлик ёши амалдаги Жиноят кодексининг 4-моддаси талабига асосан, Жиноят кодексининг 17-моддасида белгиланган тартибда 14, 16 ёки 18 ёш бўлиши мумкин;

11) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар объекти мураккаб объект бўлиб, жамоат хавфсизлигига бўлаётган кибертаҳдид ва хавф-хатарларга қараб, ўзгариб боради ва ушбу объектларга монография 23-

[1] Вазирлар Маҳкамасининг “Техник воситаларнинг электромагнит мослиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 21 ноябрдаги 389-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

иловасидаги киберхавфсизлик объектлари киради. Бунда, қасд жамоат хавфсизлигига бевосита ёки билвосита қаратилганига қараб, асосий, қўшимча ва факультатив бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятлар ўзаро фарқ қилади. Бироқ, барчасида кибертаҳдид ёки киберҳужум жамоат хавфсизлигига таҳдид солиши мумкин.

12) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар объектив томондан Жиноят кодексининг 4-моддаси талабига асосан, қачонки жиноят кодексига киритилганидан кейин Жиноят кодексининг махсус қисми моддаси диспозициясида назарда тутилган тартибда содир этилади. Ушбу турдаги кибержиноятлар объектив томондан турлича усулларда содир этилиши мумкин ва унинг чегарасини фақатгина амалдаги Жиноят кодексимизда назарда тутилган жиноятларгина бу турдаги кибержиноят деб аташ хато ҳисобланади.

13) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясига асосан, Жиноят кодексида қўлланиладиган атама ва тушунчаларни уларнинг мазмунига аниқ таъриф бериш ва ягона шаклда қўллаш орқали такомиллаштириш ва технологик тараққиёт, жумладан кибержиноят билан боғлиқ жиноят турларининг кенгайганлигини ҳисобга олган ҳолда ахборот технологиялари соҳасида жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш белгиланган. Жиноят кодексининг олтинчи бўлими «*Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар*», деб номланган ҳолда, унинг таркибий қисмида «*XVII боб. Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар*» ва «*XX боб. Жамоат тартибига қарши жиноятлар»*дан ташқари «*XVIII боб. Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар*», «*XIX боб. Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар*», «*XX[1] боб. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар*» киритилган. Бироқ мазкур учта бобдаги жиноятларнинг асосий бевосита объекти жамоат хавфсизлиги эмас, балки бошқа ижтимоий муносабатлар эканлигини ҳисобга олсак, бу турдаги кибержиноятлар ҳақида аниқроқ ва тўғри тушунчага эга бўлиш ҳамда юқорида «*жамият*» ва «*жамоат*», «*жамият хавфсизлиги*», «*жамоат хавфсизлиги*» тушунчаларининг ўзаро фарқи кўрсатиб берилганлиги ҳамда доимий равишда киберхавфсизликни таъминлаш мақсадида Жиноят кодексининг олтинчи бўлимининг номини қайта кўриб чиқиш зарур бўлади. Шунга кўра, таклиф сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг олтинчи бўлимини қуйидагича баён этиш таклиф қилинади:

«Олтинчи бўлим. Жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятлар».

14) Жиноят кодексининг олтинчи бўлимида таклиф сифатида Жиноят кодексининг XVII бобидаги «*Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар*», XVIII бобидаги «*Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар*», XIX бобидаги «*Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар*», XX

бобидаги «*Жамоат тартибига қарши жиноятлар*»ни улар аввало жамоат, балки жамият хавфсизлига таҳдид солувчи жиноятларнинг асосий, қўшимча, факультатив бевосита объекти жамият хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар эканлигидан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқиш ва XX[1] бобидаги «*Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар*» бир вақтнинг ўзида асосий бевосита объекти ахборот технологиялари соҳаси эканлигидан келиб чиқиб, ахборот технологиялари ўз навбатида фақатгина жамоат ёки жамият хавфсизлигига оид тушунча эмас, балки **шахс ва давлатга боғлиқ бўлган тушунча эканлигидан келиб чиқиб**, алоҳида олтинчи кичик бўлим сифатида қуйидагича шакллантирилиши таклиф қилинади:

«**Олтинчи кичик бўлим. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид жиноятлар**»;

15) кибержиноят фақатгина техник воситаларнинг бошқа бир техник воситаларга зарар келтириши ёки уларга ноқонуний кириб олиш орқали ахборотни эгаллаш, ўзлаштириш ва яроқсиз ҳолатга келтириш орқали содир этиладиган қилмиш эмас, балки у шахс, жамият ва давлат манфаатларига ахборот орқали ҳам таҳдид қиладиган жиноят саналади;

16) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар юридик, техник, психологик, сиёсий, ижтимоий, иқтисодий ва бошқа йўналишлар бўйича комплекс аҳамиятга эга бўлган мураккаб жиноят саналади;

17) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар доимо оғирлаштирувчи зарурий белгиларга эга бўлади;

18) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун Жиноят кодексида аниқ жиноий жавобгарликни белгилаб қўйиш зарур;

19) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг энг катта қисмини «**кибербуллинг**», «**даркнет**» ва **ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид кибержиноятлар** ташкил қилади;

20) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар вужудга келишига жабрланувчиларнинг эҳтиётсизлиги, моддий, номоддий, маънавий, руҳий, жисмоний томондан зарур бўлган турли хил мотивлар сабаб бўлмоқда, масалан, ўч олиш, ўзининг кимлигини бошқаларга кўрсатиб қўйиш, моддий наф кўриш, руҳий зарба бериш орқали масхара қилиш ва бошқалар бўлиши мумкин;

21) кибержиноятлар халқаро трансчегаравий жиноят саналади;

22) халқаро майдонда содир бўлаётган кибержиноятлар бўйича юридик шахсларнинг жиноий жавобгарлигини белгилаш мақсадга мувофиқ;

23) кибержиноятлар дунёдаги энг кўп содир бўладиган ва энг кўп зарар келтирувчи жиноятларга айланиб боради;

24) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жавобгарликни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг алоҳида моддасида, бобида ёки бўлимда ифодалаш имкони мавжуд эмас;

25) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар ўзаро фарқ қилади ҳамда Жиноят кодексининг олтинчи бўлими ва ундаги жамоат хавфсизлиги ва жамоат

тартибига қарши жиноятлар бобларини жамият хавфсизлиги ва тартибига қарши жиноятлар деб ўзгартириш даркор;

26) халқаро майдонда нафақат жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар, балки барча кибержиноятлар учун ҳам дунё давлатлари бир-бирига ўхшаш ёки бир хил жиноий жавобгарликни белгилаши, суд-тергов амалиётини бирхиллаштириши зарур;

27) анъанавий усулларда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар билан етарлича курашиб бўлмайди ва нафақат жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар, балки ахборот-коммуникация технологиялари билан содир этилаётган барча кибержиноятлар бўйича технологик ечимлар ишлаб чиқилиши даркор;

28) рақамли технологиялар бўйича лойиҳалар самарадорлиги, кўрсатиладиган рақамли хизмат ва сервислар техник фаолиятининг сифати ҳамда барқарорлиги устидан ўрнатилган рақамли назоратни жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар вужудга келишининг олдини олиш, уларга қарши курашиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш, рақамли далилларни олиш, кибержиноятчиларни фош этиш йўналишида ривожлантириш даркор;

29) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларга қарши курашишнинг энг самарали усули бу сунъий интеллект, «ақлли тизимлар»га асосланган рақамли назоратни ўрнатишдир;

30) **рақамли назорат** – бу соҳа, тармоқ ва йўналиш ҳамда улар орқали амалга оширилаётган барча хизмат ва сервисларни рақамли технологиялардан фойдаланиб назорат қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мониторинг олиб бориш жараёни;

31) рақамли назорат орқали реал вақт режимида маълумотлар йиғилади, таҳлил қилинади ва назорат қилинган объект ёки тизимлар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланади, таҳлил қилинади ва самарали киберхавфсизлик таъминланади.

32) рақамли назорат телекоммуникация инфратузилмалари, телекоммуникация тармоқлари, ахборотлаштириш инфратузилмалари, почта алоқаси инфратузилмалари, ахборот тизимлари, ахборот технологиялари, аэрокосмик технологиялар, рақамли технологиялар, сунъий интеллект технологияларни ўзаро интеграция қилиш орқали амалга оширилади;

33) рақамли назорат инфратузилманинг имкониятларига боғлиқ бўлади. Шу сабабли республикамиздаги барча инфратузилмалар устидан рақамли назорат ўрнатилиши бўйича техник чора-тадбирлар амалга оширилиб, улар тезроқ якунланиши ва кейин ривожлантирилиши даркор;

34) ахборот тизими, ахборот технологиялари, телекоммуникация ёки интернет тармоғида ёки ундан фойдаланиб ва бошқа усулларда жиноят содир этганликка оид Жиноят кодексига киритилаётган ҳар хил ўзгартириш ва қўшимчаларга оид турлича амалиётдан воз кечиб, бир хил ҳуқуқий ва техник жиҳатдан амалиёт тўғри бўлиши учун уларнинг ўрнига «*ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб*» сўзларини алмаштириш мақсадга мувофиқ.

Зеро, кибержиноятлар Жиноят кодексимизда назарда тутилган ҳолатлардан ташқари бошқа усуллар билан ҳам содир этилиши мумкин, шу сабабли уларни бир хил баён этиш учун мазкур таклифни амалиётга киритиш жоиздир.

II. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар:

Илмий назарий хулосалар асосида қуйидаги қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш зарур:

1. Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонунининг 3-моддасидаги «**кибермакон**», «**киберхавфсизлик ҳодисаси**», «**кибертаҳдид**», «**киберхавфсизлик объекти**», «**киберхавфсизлик субъекти**» тушунчалари **юқорида биз томонимиздан таъкидланган тушунчаларнинг таърифи билан алмаштирилиши** ҳамда **ушбу Қонунга қўшимча равишда «кибержиноят» ва «кибермуҳит» тушунчаларини** киритиш таклиф қилинади.

Шунингдек, «кибержиноят» ва «жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар» учун жиноий жавобгарликни белгилашнинг ижтимоий заруриятидан келиб чиқиб, бу тушунчаларнинг таърифини биз томонимиздан таърифлангани каби Жиноят кодексининг VIII бўлими ёки янги таҳрирда қабул қилинадиган Жиноят кодексида акс эттириш мақсадга мувофиқ.

2. Ахборот кодекси, Ахборот-коммуникация технологиялари кодекси, «Онлайн-платформалар ва веб-сайт фойдаланувиларининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Муҳим инфратузилмалар тўғрисида»ги, «Кибербуллинг тўғрисида»ги, «Киберагрессия тўғрисида»ги ёки «Кибербуллингга қарши курашиш тўғрисида»ги, «Сунъий интеллект тўғрисида»ги, «Жамоат хавфсизлиги тўғрисида»ги «Жамият хавфсизлиги тўғрисида»ги Қонун қабул қилиниши мақсадга мувофиқ.

3. Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун муносиб жавобгарликни белгилаш мақсадида мавжуд ресурс ва илғор хорижий тажриба асосида Жиноят кодексига монографиянинг 21-иловасига мувофиқ ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш даркор;

4. Қуйидаги 8 та халқаро ҳужжатга босқичма-босқич махсус шартлар билан қўшилиш орқали киберхавфсизлик бўйича мавжуд 12 та халқаро ҳужжат билан ягона ҳуқуқий, техник ва ташкилий амалиётни шакллантириш ва улардаги нормаларни миллий қонунчиликка имплементация қилиш зарур:

1) БМТ Бош Ассамблеясининг 2024 йил 24 декабрдаги 79/243-сон резолюцияси билан тасдиқланган Кибержиноятчиликка қарши конвенцияси;

2) Европа Кенгашининг «Кибержиноятчилик тўғрисида» 2001 йил 23 ноябрдаги Конвенция (Будапешт конвенцияси) ва унинг 2 та қўшимча баённомалари;

3) БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2017 йил 13 февралдаги 2341-сон резолюцияси;

4) 17 та араб давлатларининг киберхавфсизликка қарши курашиш бўйича ҳамкорлик кенгаши;

5) БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 17 декабрда 74-сессиясида тасдиқланган «Ахборот-коммуникация технологияларидан жиноий мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш тўғрисида»ги 73/187-сонли қарори;

6) Ғарбий Африка давлатлари иқтисодий ҳамжамиятининг кибержиноятчиликка қарши кураш бўйича 2011 йилдаги директиваси;

7) Киберхавфсизлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича 2014 йилги Африка Иттифоқи Конвенцияси;

8) Араб давлатлари Лигаси томонидан қабул қилинган Араб давлатлари Лигасининг «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенцияси.

5. Ташкилий, техник, ҳуқуқий томондан вужудга келган кибержиноятларни аниқлаш, кибержиноятчиларни фош этиш, уларни ушлаш, экстрадиция қилиш, кибержиноятлар учун жазо муқаррарлигини таъминлаш, кибержиноятларнинг оқибатларини бартараф этиш орқали киберхавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро ва миллий майдонда ягона амалиёт вужудга келганидан кейин Ўзбекистон Республикаси ўзининг дунё давлатлари томонидан қабул қиланидиган БМТнинг «Киберхавфсизлик тўғрисида»ги Конвенциясини ишлаб чиқиш ва уни БМТ қабул қилиши учун зарур тартиб-таомилларни амалга ошириши мақсадга мувофиқ.

6. Киберсуғурта тизими йўлга қўйилиб, бунга оид қонунчилик тўлиқ амалиётга жорий қилиниши шарт;

7. Киберинқирозларни сунъий равишда вужудга келтириш, унга қарши курашиш ва оқибатларини бартараф этиш бўйича ягона ва якдил тизим йўлга қўйилиши шарт;

8. Кибермудофаа тизими йўлга қўйилиб, бунга оид қонунчилик тўлиқ амалиётга жорий қилиниши шарт;

9. Идораларнинг ўхшаш ва такрорий вазифалари ва функцияларини хатловдан ўтказиб, уларни бирхиллаштириш ва тизимлаштириш даркор;

10. Киберҳуқуқбузарликлар бўйича келиб чиққан зарарни ҳисоблаш методикасини тасдиқлаш керак;

11. Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизлик концепцияси, Ўзбекистон Республикасининг қисқа, ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган миллий киберхавфсизлик стратегияси, уларни амалга ошириш режаси (йўл-харита)ни қабул қилиш зарур;

12. Ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар ва жиноят ишлари юзасидан англо-саксон қонунчилигини тадбиқ этиш, романа-герман қонунчилигига қараганда кўпроқ самара беради, шу сабабли ушбу ишларда бу оилага оид қонунчиликни қўллаш мақсадга мувофиқ;

13. Шахсга доир маълумотлар базаси ва булутли технологияларга оид мажбурий махсус юридик ва техник талабларни белгилаш керак;

14. Шахс, жамият давлатга доир маълумотлар базасидан ташқари уларга доир рақамли маълумотларнинг муҳофазасини ҳам таъминлаш зарур;

15. Кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда рақамли назоратни ўрнатиш тартиб-таомилларини, шу жумладан, давлат органлари ва ташкилотларининг, шунингдек, хусусий сектор вакилларининг аниқ вазифа ва мажбуриятлари белгиланиши даркор;

16. Киберинқирозларга нисбатан бардошлилик индекслари ва мезонлари ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ этилиши зарур;

17. Рақамли назоратдаги инфратузилмаларга нисбатан киберҳужумлар қачон, қаерда ва ким томонидан амалга оширилаётганлигини билиш, кибержиноятчиларни фош этиш учун қурилмаларнинг MAC адрессига оид тартибот белгиланиши ва монография иловасига мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарори қабул қилиниб, ижрога қаратилиши даркор;

18. Киберхавфсизлик субъектлари томонидан қонунчилик бўйича олган мажбуриятларини бажармаслиги бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексида алоҳида жавобгарлик чораси белгиланиши шарт;

19. Болаларнинг шахсий аккаунт ва профилини очиш ҳуқуқи вужудга келишининг аниқ ёши, ота-оналар, қонуний вакилларнинг ўз эҳтиётсизлиги оқибатида жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етмаган болалари томонидан содир этилаётган кибержиноятлар учун уларга аниқ маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаш керак.

20. Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонунида «сунъий интеллект», «сунъий интеллект технологиялари», «ахборот технологияси» тушунчасининг ўрнига «ахборот-коммуникация технологиялари», «ахборот тизими» тушунчасининг ўрнига «ахборот-коммуникация тизими» тушунчасининг таърифини бериш ҳамда уларнинг имкониятларидан келиб чиқиб, ушбу Қонунга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш зарур.

III. Кибержиноятчилик соҳасида қонунчилик ҳужжатларини қўллаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар:

Кибержиноятчилик соҳасида қонунчилик ҳужжатларини қўллаш амалиётини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсиялар қуйидагилардир:

1. Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларини такомиллаштириш билан боғлиқ бўлган таклиф ва тавсияларда назарда тутилган Жиноят кодексига киритилган ўзгартиш ва қўшимчалардан иборат мазкур моддалардан ташқари бошқа моддалардаги қилмишлар ҳам ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги жиноятлар ёки кибержиноятлар бўлиши мумкин, бироқ мавжуд ижтимоий муносабатларнинг ривожи ва ижтимоий зарурияти туфайли уларнинг ахборот-коммуникация технологиялари ёки тизими ёҳуд телекоммуникация тармоғи ва воситаси орқали содир этилиши ҳолатини оғирлаштирувчи белгиси сифатида қабул қилиш ва ЖКнинг 56-моддасига киритилаётган қўшимчадан унумли фойдаланиш мақсадга мувофиқ.

2. Кибержиноятлар, шу жумладан, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар бўйича суд амалиёти турлича бўлмоқда ва уни бирхиллаштириш зарур ва бунинг учун ушбу йўналишда алоҳида махсус Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарорини қабул қилиш даркор.

3. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми ахборот-коммуникация технологиялари соҳаси ва кибержиноятларга оид қарорида Ўзбекистон Республикасининг «Ахборотлаштириш тўғрисида»ги Қонунида ва Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2020 йил 30 июндаги 208-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3275, 2020 йил 30 июнь) билан тасдиқланган Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидаларида оператор, провайдер, шунингдек, фойдаланувчининг ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик бўйича алоҳида мажбурияти борлигини ва ушбу мажбуриятнинг бузиши оқибатида бу турдаги жиноятлар вужудга келишига судлар эътиборни қаратиши кераклиги бўйича алоҳида тушунтириш бериши зарур ва шу орқали мавжуд амалиётдаги бўшлиқ мавжуд қонунчилик билан тўғри йўналтирилган ҳолда, тўлдирилиши мумкин.

4. Алоқа, ахборотлаштириш, электрон ҳукумат, электрон рақамли имзо, сунъий интеллект, рақамли технологиялар, рақамлаштириш, телекоммуникация ва бошқа соҳаларга оид назорат тадбирларини ўтказиш тартибини белгилаш керак.

5. Республика рақамли технологиялар экспертиза марказини ташкил этиш ва унинг бўйсинувини назорат қилувчи органга ўтказиш орқали ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўтказилаётган экспертиза турларини амалга оширувчи ягона давлат экспертиза муассасасини белгилаш зарур;

6. Киберхуружлар бўйича тезкор хабар бериш, жавоблар олиш ва қайта алоқа мавжуд бўлган 24/7 режимда ишловчи ишонч телефони, алоқа марказлари фаолиятини йўлга қўйиш керак;

7. Мажбурий интерация қилинадиган ахборот тизимларига қўйилган талабларни белгилаш ва шундан фойдаланиб, зарур барча ахборот тизимларини тўлиқ интеграция қилиш, интеграциялашув жараёни якунлангунига мавжуд ахборот тизимларининг янги верцияларини ишга тушириш, қўшимча модул ва функцияларни қўшишдан ташқари янги ахборот тизимларини яратиш ва жорий қилишга мараторий эълон қилиш керак, шундан кейин ягона рақамли платформа орқали киберхавфсизликни таъминлаш бўйича зарур чоралар кўриш даркор;

8. Киберхавфсизлик соҳасида кадрларни бошланғич, ўрта, ўрта-махсус ва олий таълимда мажбурий ўқитилишини ва узлуксиз амалга оширилишини таъминлаш;

9. «Киберхавфсизлик», «Киберхавфсизлик асослари», «Киберҳуқуқ» каби фанлар ва киберхавфсизликка оид ўқув дастурлари ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;

10. Кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда рақамли назоратни ўрнатиш учун «Рақамли назорат» комплекс ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш ва унга барча давлат органлари ва ташкилотлари, мулкчилик шаклидан

қатъий назар барча киберхавфсизлик субъектларининг ахборот тизимлари уланиши, уларнинг махфийлик сиёсатига риоя этган ҳолда улар устидан рақамли назоратни амалга ошириш;

11. Ўзбекистон Республикасида 24/7 режимда ишловчи халқаро ва миллий кибермайдонда бўлаётган кибурхуружлар бўйича халқаро ҳамкорлик, мурожаатлар билан ишлаш тизимини йўлга қўйиш;

12. ДХХ, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Марказий банк, Мудофаа вазирлиги, Ўзкомназорат ва бошқа идоралар фаолиятини қайта кўриб чиқиб, киберхавфсизлик соҳасини назорат қилувчи, мувофиқлаштирувчи органни белгилаш;

13. Ўзбекистон Республикасидаги барча ахборот инфратузилмаларини хатловдан ўтказиш ва муҳим ахборот инфратузилмаларининг реестрини шакллантириш, уларнинг реестрини мунтазам юритиб борилишини таъминлаш;

14. Юридик ва техник фанлар бўйича ягона киберхавфсизлик бўйича мутахассис етиштирувчи олий таълим ташкилотини ташкил этиш;

15. Рақамли назорат **«Жамоат хавфсизлигининг рақамли мониторинги» комплекс ахборот тизими** орқали алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникация соҳаси устидан тўлиқ давлат назоратини амалга оширувчи алоҳида махсус мувофиқлаштирувчи ташкилот ва бошқа масъул ташкилотлар томонидан ахборот-коммуникация инфратузилмаси тоифаланган ҳолда, амалга оширилиши мақсадга мувофиқ;

16. Рақамли назоратни амалга ошириш тартиб-таомиллари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилиши, аниқ қонунчилик ҳужжатлари билан мажбурий қоидалар белгиланиши, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўлиқ ва тўғри ўрнатилиши даркор;

17. Республикадаги барча ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, телекоммуникация тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмлари ўзаро интеграция қилиниб, рақамли назорат ўрнатилганидан кейин **«Жамоат хавфсизлигининг рақамли мониторинги» комплекс ахборот тизими**га сунъий интеллект технологияларини қўллаш орқали жиноятчилик ва криминоген вазиятдан келиб чиқиб, келгусида қачон ва каерда жиноятлар содир этилиши мумкинлиги бўйича башорат қилиш, прогноз қилиш тизими йўлга қўйилиши даркор ва у орқали мавжуд ресурсларни қачон ва қаерга олиб бориш ва шу орқали кибержиноятчиликни фош этишнинг самарали техник ечими ва тизимини йўлга қўйиш мумкин.

18. Телекоммуникация тармоқлари орқали фойдаланувчига у томонидан ахборот хавфсизлиги ёки киберхавфсизлик талаблари бузилганлиги аниқланганида автоматик сунъий интеллект ва ваколатли органлар сифатида ДХХ, ички ишлар, миллий гвардия ва прокуратура органлари, Ўзкомназорат, Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази, Ўзбекистон Республикаси телекоммуникация тармоқларини бошқариш маркази томонидан фойдаланувчига бепул смс-хабарнома юбориб, унда унинг ҳуқуқбузарлиги ва уни тўхтатиши зарурлиги бўйича эслатма тақдим этиш тартиби ва амалиёти жорий қилиниши даркор.

19. Сунъий интеллект ёки ваколатли органлар томонидан юборилган смс-хабарномани олган бўлса-да, ўз қилмишини давом эттирган шахсларга нисбатан оғирроқ жазо қўллаш ва ўз қилмишини давом эттиришдан ихтиёрий қайтган шахсларни жавобгарликдан озод этишнинг аниқ механизми ва амалиёти шакллантирилиши зарур.

20. Сунъий интеллект ёки ваколатли органлар томонидан юборилган смс-хабарнома ва уни ҳақиқатан ҳам ҳуқуқбузар олганлигини далил сифатида қабул қилиш тартиби ва амалиёти йўлга қўйилиши шарт.

21. Киберхавфсизликни таъминлаш рейтинги йўлга қўйилиши даркор.

22. Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича IT-аудит йўлга қўйилиши даркор.

23. Халқаро жиноят ҳуқуқида кибержиноятларга оид ягона намунадаги терминология танланиши ҳамда модел қонунлар қабул қилиниши даркор.

24. Молия ва банк соҳасида рақамли операцияларнинг барқарорлигини таъминлаш тартиби белгиланиши ва уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ёки ваколатли орган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжати билан амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

25. Ахборот-коммуникация тизимлари ва веб-сайтларнинг рақамли изларнинг сақланиши йўлга қўйилиб, унинг ҳисобини юритиш тартибини белгилаш зарур.

26. Жамоат хавфсизлиги ва киберхавфсизлик тўлиқ ва етерлича таъминланиши учун ахборот-коммуникация тизимларининг барчасини тўлиқ интеграция қилиш мақсадга мувофиқ эмас, балки уларни тоифалаш орқали ўзаро интеграциясини ва унинг рақамли назоратини амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

27. Ўзбекистон Республикаси Ҳуқуқни муҳофаза қилиш академияси, Ички ишлар вазирлиги академияси, Жамоат хавфсизлиги университети, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети, Cyber University, Тошкент давлат юридик университети, Тошкент шаҳридаги Амити университети, Тошкент шаҳридаги Инха университети, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломати университети, Ўзбекистон Республикаси одил судлов академияси ва бошқа олий таълим муассасалари ва илмий-тадқиқот ташкилотларининг кибержиноятларга қарши курашиш бўйича суриштирув, тергов, прокуратура, тезкор-қидирув органлари ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасидаги фаолияти тизимли эмас ва уларнинг ўқув дастурларини ҳақиқий амалиёт ва амалий мутахассис тайёрлашга мослаштириш керак.

28. Ички ишлар вазирлиги, ДХХ, Бош прокурарура, суд ходимларининг айрим штат бирликлари кибержиноятларга ихтисослашган тезкор қидирув органи, суриштирувчи, терговчи, прокуратура, судья ва унинг ёрдамчиларига ўтказилиши орқали мавжуд штат бирликларидан унумли фойдаланиш керак.

29. Сунъий интеллект технологиялари орқали жиноят, фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини назорат тартибида қайта кўриб чиқишини йўлга қўйиш керак, бунинг учун

1991 йилдан ҳозирги кунга қадар ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар тўлиқ қайта кўриб чиқилиб, одиллик ва қонунийлик принциплари амалда таъминланиши зарур;

30. Медиамаконда миллий ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “Деструктив ахборот” билан ишлаш механизми ва тартиби йўлга қўйилиши даркор;

31. Рақамли изларни сақлаш, уни логлаш ва ҳисобини юритиш тартиб-таомиллари белгиланиши даркор;

32. Рақамли далилларни олиш, сақлаш, фойдаланиш, ишлов бериш ва тақдим этиш тартиби белгиланиши керак;

33. Сунъий интеллектнинг жиноят, фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш тартиби қонунчиликка киритилиши даркор;

34. Сунъий интеллект орқали тергов ва суд баённомаларини юритиш йўлга қўйилиши, қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, суриштирув, тергов ва суд органларидаги штат бирликлари мақбуллаштирилиши зарур;

35. Кибержиноятларга нисбатан жиноят қонунчилигида назарда тутилган санкциялар одиллик принципи жиҳатидан тўлиқ қайта кўриб чиқилиши керак;

36. Кибержиноятларга нисбатан жиноят қонунчилигида назарда тутилган санкциялар мутаносиблик принципига мувофиқлаштирилиши даркор;

37. Сунъий интеллектнинг жиноят, фуқаролик, маъмурий, иқтисодий ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ишларини назорат тартибида қайта кўриб чиқиш тартиби белгиланиб, 1991 йилдан ҳозирги кунга қадар ишлар қайта кўриб чиқилганидан кейин тўлиқ хизмат текшируви ўтказилиши қонун бузилишига йўл қўйган суриштирувчи, терговчи, прокурор ва судьяларга нисбатан инсон ҳуқуқларини таъминлаш нуқтаи назардан жиноят иши қўзғатилиши ва айбдорларга нисбатан жазо муқарраплиги ҳамда жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари айниқса, шахс, жамият ва давлат манфаатлари таъминланиши шарт;

38. Тезкор қидирув органлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ива судлар фаолиятида ахборот ва киберхавфсизликни таъминлаш тартиб-таомиллари белгиланиши шарт;

39. Киберизқуварлик, соддалаштирилган тартибда киберэкспертлик фаолияти йўлга қўйилиши даркор;

40. Далилларнинг ишончлилиги, олинган манбанинг ҳаққонийлиги ва далилларнинг қонунчиликда белгиланган талабларга мувофиқлиги бўйича суд-кибер экспертиза тури йўлга қўйилиши ва унга оид қонунчилик ишлаб чиқилиши даркор;

41. Кибержиноятларга қарши курашиш тўғрисидаги қисқа муддатга мўлжалланган дастурлар тасдиқланиб, амалиётга тадбиқ этилиши керак;

42. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят ишларида медиация йўлга қўйилиши ва бундан келиб чиқиб, қонунчиликка ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиши керак;

43. Таълим ташкилотларини кибержиноятларга қарши курашиш бўйича етарлича ресурсга эга бўлиши, киберполигонлар орқали ҳақиқий мутахассис тайёрлаш йўлга қўйилиши ва эскича усуллардан тўлиқ воз кечиш керак;

44. Давлат хизматчилари криптовалюта билан шуғулланишлари тақиқланиши ва уларнинг рақамли назорати йўлга қўйилиши ҳамда бу бўйича жавобгарлик белгиланиши керак;

45. Рақамлаштириш тизимли амалга оширилиши ва назорати йўлга қўйиш бўйича қонунчиликдаги “ҳуқуқий бўшлиқлар” тўлдирилиши керак;

46. Мактабгача, мактаб, олий таълим ва ундан кейинги таълим тизимида сунъий интеллект, киберхавфсизлик, кибержиноят ҳуқуқи, киберэкспертиза ҳақидаги фанлар йўлга қўйилиб, ўқувчиларнинг ривожланишига қараб, фанлар ўқитилиши йўлга қўйилиши даркор;

47. Ўзбекистон Республикасида сунъий интеллектларни чеклаш ва уларнинг фаолиятини тартибга солиб қўйиш тўғрисидаги қонунчиликдаги “ҳуқуқий бўшлиқлар” тўлдирилиши керак;

48. Сунъий интеллект ва ақлли тизимлар орқали моделлаштириш йўли билан жиноий ҳодисаларни тиклаш тартиб-таомиллари ишлаб чиқилиб, мамурий ҳуқуқбузарлик ва жиноят ишларида унинг мажбурий тартиб-таомиллари белгилаб қўйилиши керак;

49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуалқабулхонаси орқали йўлланган ҳар қандай мурожаат, шу жумладан, жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги масалалар бўйича мурожаатларни “Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари тўғрисида”ги Қонун ва у асосида қабул қилинган қонунчилик асосида ҳал этиш тартиб-таомиллари ишлаб чиқилиши керак.

50. Кибержиноятларни тергов қилиш методологияси ишлаб чиқилиши ва тасдиқланиши керак;

51. Жиноят қонунчилигида жиноят ва қилмиш ўртасидаги фарқларни белгилаш концепцияси ишлаб чиқилиб, у асосида жиноят қонунчилиги бўйича жиноят деб белгиланган, бироқ аҳамиятига кўра, жиноят деб эътироф этиб бўлмайдиган қилмишлар ва уни кўриб чиқишдан келиб чиқиб, мавжуд қонунчиликка тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш керак.

52. Кибержиноятларни экспертиза қилиш тартиб-таомиллари белгиланиши шарт;

53. Жиноят ва маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги ишларни шаффоф тартибда кўриб чиқишнинг соддалаштирилган тартиб-таомиллари йўлга қўйилиши даркор.

Мазкур хулосаларимиз жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларга қарши курашиш бўйича ягона назарий, илмий, амалий, ҳуқуқий, техник, ташкилий томондан ягона амалиёт вужудга келишига, қонунчилик ҳужжатлари такомиллашишига, шахс, жамият ва давлат манфаатлари, шу жумладан, жамоат хавфсизлиги ва киберхавфсизлик таъминланишига, бу борадаги ислоҳотлар янги босқичга кўтарилишига хизмат қилади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ва методологик аҳамиятга молик нашрлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
2. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
4. Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
5. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Электрон ҳисоблаш машиналари учун яратилган дастурлар ва маълумотлар базаларининг ҳуқуқий ҳимояси тўғрисида” 1994 йил 6 майдаги 1060-XII-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Радиочастота спектри тўғрисида” 1998 йил 25 декабрдаги 725-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
9. Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида” 2010 йил 29 сентябрдаги ЎРҚ–263-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
11. Ўзбекистон Республикасининг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисида” 2011 йил 16 декабрдаги ЎРҚ–309-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
12. Ўзбекистон Республикасининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида” 2014 йил 14 майдаги ЎРҚ–371-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.
13. Ўзбекистон Республикасининг “Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида” 2017 йил 8 сентябрдаги ЎРҚ–444-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

14. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати тўғрисида” 2018 йил 5 апрелдаги ЎРҚ–471-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

15. Ўзбекистон Республикасининг “Жамоатчилик назорати тўғрисида” 2018 йил 12 апрелдаги ЎРҚ–474-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

16. Ўзбекистон Республикасининг “Шахсга доир маълумотлар тўғрисида” 2019 йил 2 июлдаги ЎРҚ–547-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

17. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида” 2019 йил 1 ноябрдаги ЎРҚ–578-сон Қонун // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

18. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси тўғрисида” 2020 йил 18 ноябрдаги ЎРҚ–647-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

19. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2021 йил 30 мартдаги ЎРҚ–679-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

20. Ўзбекистон Республикасининг «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида» 2021 йил 20 апрелдаги ЎРҚ–682-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

21. Ўзбекистон Республикасининг “Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида” 2021 йил 5 июлдаги ЎРҚ–699-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

22. Ўзбекистон Республикасининг “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида” 2021 йил 14 июлдаги ЎРҚ–701-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

23. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизлик тўғрисида” 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

24. Ўзбекистон Республикасининг “Почта алоқаси тўғрисида” 2022 йил 9 июндаги ЎРҚ–777-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

25. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2022 йил 19 октябрдаги ЎРҚ–794-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

26. Ўзбекистон Республикасининг “Хотин-қизлар ва болалар ҳуқуқлари, эркинликлари ҳамда қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими янада такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2023

йил 11 апрелдаги ЎРҚ–829-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

27. Ўзбекистон Республикасининг “Пробация тўғрисида” 2024 йил 7 августдаги ЎРҚ–938-сон Қонун // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

28. Ўзбекистон Республикасининг “Наркологик касалликлар профилактикаси ва уларни даволаш тўғрисида” 2020 йил 27 октябрдаги ЎРҚ–644-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

29. Ўзбекистон Республикасининг “Жазони ижро этиш муассасаларидан озод қилинган айрим тоифадаги шахслар устидан маъмурий назорат тўғрисида” 2019 йил 2 апрелдаги ЎРҚ–532-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

30. Ўзбекистон Республикасининг “Киберхавфсизликни таъминлаш соҳасидаги қонунчилик такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2024 йил 20 сентябрдаги ЎРҚ–964-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

31. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига рақамли далиллар билан ишлаш тизимини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” 2024 йил 21 ноябрдаги ЎРҚ–1003-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

32. Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

33. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноий-ҳуқуқий статистика тизимини тубдан такомиллаштириш ва жиноятларни тизимли таҳлил қилиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 31 октябрдаги ПФ–5566-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

34. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикаси ахборот тизимлари ва ресурсларини ҳимоя қилиш давлат тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 15 июндаги ПФ–6007-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

35. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 мартдаги ПФ–6196-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

36. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат

хавфсизлиги концепцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

37. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги Ўзбекистон маъмурий ислоҳотларини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2022 йил 21 декабрдаги ПФ–269-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

38. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Янги таҳрирдаги Ўзбекистон Республикаси Конституциясини амалга ошириш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 8 майдаги ПФ–67-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

39. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислоҳотлар доирасида рақамли технологиялар соҳасида давлат бошқарувини самарали ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 майдаги ПФ–76-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

40. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони билан тасдиқланган “Ўзбекистон — 2030” стратегияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

41. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 15 январдаги ПФ–10-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

42. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат бошқаруви тизимида самарадорлик, проактивлик ва натижадорликни ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 14 июлдаги ПФ–111-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

43. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 мартдаги ПҚ–2833-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

44. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 27 июлдаги ПҚ–3150-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

45. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

46. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида рақамли иқтисодиётни ва крипто-активлар айланмаси соҳасини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 3 июлдаги ПҚ–3832-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик

маълумотлари миллий базаси.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2018 йил 24 декабрдаги ПҚ–4075-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

47. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПҚ–167-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

48. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 31 майдаги ПҚ–167-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш бўйича умумий талаблар // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

49. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ–4452-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

50. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ва коммуникацияларининг жорий этилишини назорат қилиш, уларни ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2019 йил 14 сентябрдаги ПҚ–4452-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

51. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида киберхавфсизликни таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 15 июндаги ПҚ–4751-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

52. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли хизматлар қамрови ва сифатини ошириш ҳамда соҳа, тармоқ ва ҳудудларни рақамли трансформация қилиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2023 йил 24 майдаги ПҚ–162-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

53. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари киберхавфсизлигини таъминлаш тизимини такомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2023 йил 31 майдаги ПҚ–167-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

54. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли маҳсулотлар (хизматлар) истеъмолчилари ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва рақамли технологиялар воситасида содир этиладиган ҳуқуқбузарликларга қарши курашишни кучайтириш чоралари тўғрисида” 2023 йил 30 ноябрдаги ПҚ–381-

сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

55. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли криминалистика соҳасида илмий-тадқиқот фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 21 июндаги ПҚ–229-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

56. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасида криптология соҳасида таълим ва илм-фанни ривожлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2024 йил 15 августдаги ПҚ–293-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

57. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида” 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ–358-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

58. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида” 2025 йил
30 апрелдаги ПҚ–153-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

59. Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 26 мартдаги 137-сон қарори билан тасдиқланган “Ўзбекистон Республикаси ахборот ресурсларини тайёрлаш ва уларни маълумотларни узатиш тармоқларида, шу жумладан, Интернетда тарқатиш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

60. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ахборот ресурсларини муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 8 июлдаги ПҚ–1572-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2011 йил 7 ноябрдаги 296-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

61. Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги 102-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

62. Вазирлар Маҳкамасининг “Техник воситаларнинг электромагнит мослиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 21 ноябрдаги 389-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

63. Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”

2018 йил 1 майдаги 318-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

64. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори билан тасдиқланган Веб-сайт, веб-сайт ва (ёки) мессенжер саҳифаси эгаси, шунингдек блогерга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотни олиб ташлаш тўғрисида хабарнома юбориш тартиби // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

65. Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 17 сентябрдаги 778-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фойдаланилаётган, сотиш ёки шахсий фойдаланиш учун олиб кириладиган ва ишлаб чиқариладиган мобил қурилмаларни рўйхатга олиш тартиби тўғрисида»ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

66. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 декабрдаги 794-сон қарори билан тасдиқланган “Ақлли қишлоқ хўжалиги” технологияларини ривожлантириш стратегияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

67. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 31 декабрдаги 829-сон қарори билан тасдиқланган “Коррупцияга оид ҳуқуқбузарлик ҳақида хабар берган ёки коррупцияга қарши курашишга бошқа тарзда кўмаклашган шахсларни рағбатлантириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

68. Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 декабрдаги 794-сон қарори билан тасдиқланган “Ақлли қишлоқ хўжалиги” технологияларини ривожлантириш стратегияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

69. Вазирлар Маҳкамасининг “112” ягона диспетчерлик хизмати фаолиятини ташкил этиш тўғрисида” 2024 йил 29 майдаги 304-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

70. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Телекоммуникацияларни тартибга солиш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2025 йил 29 августдаги 550-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

71. Вазирлар Маҳкамасининг «Телекоммуникация бозорини босқичма-босқич либераллаштириш ҳамда рақобат бозорини шакллантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 18 сентябрдаги 592-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

72. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2020 йил 30 июндаги 208-мҳ-сон буйруғи (рўйхат рақами 3275, 2020 йил 30 июнь) билан тасдиқланган Телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

73. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2022 йил 14 июлдаги 32-сон буйруғи (рўйхат рақами 3380, 2022 йил 15 август) билан тасдиқланган Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги

хизматлар провайдерлари фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

74. Ўзбекистон Республикаси Истиқболли лойиҳалар миллий агентлиги директорининг 2023 йил 20 сентябрдаги 68-сон буйруғи билан тасдиқланган “Майнинг фаолиятини амалга ошириш учун рухсатнома бериш тартиби тўғрисида”ги низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

75. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг 2024 йил 24 октябрдаги 118-сон буйруғи (11.11.2024 й., рўйхат рақами 3570) билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини тоифалаш ва уларнинг ягона реестрини шакллантириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

76. Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати раисининг “Ўзбекистон Республикаси киберхавфсизлик ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларининг киберхавфсизлигини таъминлаш даражасини баҳолаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2023 йил 4 сентябрдаги 91-сон (22.09.2023 й., рўй.: 3458), “Ўзбекистон Республикаси муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини тоифалаш ва уларнинг ягона реестрини шакллантириш тартиби тўғрисидаги вақтинчалик низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 24 октябрдаги 118-сон (11.11.2024 й., рўй.: 3570), “Киберхавфсизлик талабларига мувофиқлик юзасидан экспертизадан ўтказиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 15 октябрдаги 113-сон (14.11.2024 й., рўй.: 3573), “Ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлаш учун қўлланиладиган аппарат, аппарат-дастурий ҳамда дастурий воситаларни сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида” 2024 йил 15 октябрдаги 114-сон (14.11.2024 й., рўй.: 3574) буйруқлари // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

77. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг «Фирибгарликка оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида» 2023 йил 23 июндаги 17-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

78. Уголовный кодекс Республики Таджикистан от 21 мая 1998 года № 574 // “Ахбори Маджлиси оли Республики Таджикистан” 1998 г., № 9, ст. 68-70.

79. Уголовный кодекс Туркменистана от 12 июня 1997 года № 222-I // Ведомости Милли Генгеша Туркменистана, 2022 г., № 2, ст. 11; Ведомости Меджлиса Туркменистана, 2023 г., № 3, ст. 73.

80. Уголовный Кодекс Кыргызской Республики от 28 октября 2021 года № 127 // газета “Эркин-Тоо” от 28 сентября 2021 года № 100.

81. Уголовный кодекс Республики Казахстан от 3 июля 2014 года // Ведомости Парламента Республики Казахстан, 2014 г., № 13-I, 13-II, ст. 83; № 21, ст. 122; 2015 г., № 16, ст. 79.

12.	кибербуллинг бошқа жиноятларни содир этишга ёки шарт-шароит яратиб беришга ёхуд бошқа жиноят учун жабрланувчини айбдор сифатида кўрсатилишига сабаб бўлиши мумкин;
13.	кибержиноят давомли ва узоқ муддат ёки бир неча қилмиш сифатида содир этилади, хатто кибербуллинг 24 соат давом этиши мумкин, бу болаларнинг ижтимоий тармоқлар ва электрон оммавий ахборот воситаларига доимий алоқаси туфайли бўлиши мумкин;

[1] https://t.me/cyber_102/6064.

т/р	Кибербуллингнинг хусусиятлари
14.	кибербуллинг жиноятида жабрланувчи вояга етмаган, ожиз аҳволдаги шахс бўлади;
15.	кибербуллинг оқибатида жабрланувчи ижтимоий тармоқларга муккасидан кетган аҳволга тушиб қолади ёки унга умуман кирмайдиган ҳолатга келиб қолади;
16.	кибербуллинг оқибатида жабрланувчи қўрқоқ, эҳтиёткор, вахимачи, шубҳали ҳолатга тушиб қолади[1];
17.	ҳар қандай Интернет фойдаланувчиси кибербуллинг жабрланувчиси бўлиши мумкин ва у кибербуллингдан тўлиқ ҳимояланмаган, киберҳужум ҳар ким дуч келиши мумкин бўлган жиддий таҳдиддир[2];
18.	кибербуллинг анонимлик ёки ошкора ҳолатда содир этилиши мумкин;
19.	кибербуллинг руҳият бузилиши, назоратсизлик, психологик травма ва босим, жисмоний чарчоқ, касаллик, физологик ўзгаришларни келтириб чиқаради;
20.	кибербуллинг жинояти иштирокчилари тажавузкор, жабрланувчи ва кузатувчилар бўлади;
21.	кибербуллинг жиноятида гувоҳ ўзи кўрган ёки ҳис қилган ҳолат жиноят эканлигини етарлича англамайди, етарлича жабрланувчини ҳимоя қила олмайди;
22.	кибербуллинг доимо жамоат хавфсизлигига ёки жамоат тартиботига таҳдид солади;
23.	кибербуллингда тажавузкор виртуал кўринишда харакат қилади, унинг шахси виртуаллик ортида яширинган бўлади;
24.	кибербуллинг жиноятларида кузатувчиларни ёки фойдаланувчиларни тажавузкор ўзига жалб этишга харакат қилади;
25.	кибербуллингда қўлланувчи сўзлар ва хабарлар лингвистик томондан туб моҳиятини мутахассис ёки эксперт жалб этиш орқали аниқлаш заруриятини вужудга келтиради;
26.	кибербуллингда жабрланувчи асосан ёш бола ёки вояга етмаган шахс ёхуд ожиз аҳволдаги ёинки тармоқдан фойдаланиш қоидаларини етарлича билмайдиган шахслар бўлади;
27.	фақатгина кибербуллинг жинояти ўзининг оқибати бўйича узоқ, давомли тарзда содир этилиши туфайли шахснинг соғлиғи ва ҳаётига бир вақтнинг ўзида салбий таъсир кўрсатадиган ягона жиноятдир;
28.	кибербуллинг жиноятини тўлиқ фош қилиш учунгина техник, юридик, иқтисодий, сиёсий, диний, маънавият, психологик йўналишдаги мутахассислар бир вақтнинг ўзида керак бўлиши мумкин;

[1] https://sotkaonline.ru/blog/lifehacks/%D1%87%D1%82%D0%BE-%D1%82%D0%B0%D0%BA%D0%BE%D0%B5-%D0%BA%D0%B8%D0%B1%D0%B5%D1%80%D0%B1%D1%83%D0%BB%D0%BB%D0%B8%D0%BD%D0%B3/.

[2] А. Боровикова. Кибербуллинг: цифровая тень современного мира. – Т.: “Правда Востока” газетаси. https://yuz.uz/ru/news/kiberbulling-tsifrovaya-ten-sovremennogo-mira.

т/р	Кибербуллингнинг хусусиятлари
29.	энг ёш жиноят субъекти кибербуллингга оид бўлади. Ҳа энг кичик ёши ҳам, энг кексаси ҳам кибербуллинг жиноятларида бўлиши мумкин;
30.	энг катта оғир оқибатларга олиб келувчи, кенг кўламда содир этилувчи жиноят кибербуллинг жиноятларидир;
31.	кибербуллинг оқибати жабрланувчини психологик, травматик, физиологик, иқтисодий, мулкий, номулкий, жисмоний жиҳатдан оғир аҳволга солиб қўйиши, шахснинг соғлиғига жуда катта зарар етказиши, бир вақтнинг ўзида бошқа жиноятлар содир этилишига тўлиқ шарт-шароит яратиб бериши ёки сабаб бўлиши мумкин;
32.	кибербуллинг психологик жиноят ҳамдир;
33.	кибербуллинг бир ёки бир неча шахсга ёҳуд оммага бир неча шахс ёки бир шахс томонидан амалга оширилган кибертаҳдиддир[1];
34.	кибербуллингни содир этган шахслар доираси жабрланувчига нисбатан жисмоний томондан кучли ёки кучсиз шахслар бўлиши мумкин, у бир вақтнинг ўзида кучли ёки бир вақтнинг ўзида кучсиз бўлиши мумкин эмас, ҳеч бўлмаса психологик томондан кибержиноятчи кибержабрланувчига нисбатан кучли бўлади;
35.	кибербуллинг рақамли (электрон) далиллардан иборат бўлади;
36.	баъзи ҳолатларда кибержиноятчи кибербуллинг содир этганлигини ёки этаётганлигини билмайди ёҳуд билиш имкониятига ҳам эга бўлмайди;
37.	кибербуллинг узоқ муддатли ва тизимли ҳолда соир этилади ҳамда инсонга азоб-уқубат олиб келади;
38.	кибербуллингда ҳар қандай сабаб кибержиноятчига ўз жиноятини содир этиши учун сабаб бўлиши мумкин, хатто у бирор нарса билан ажралиб туриш учун ҳам шу ишни амалга ошириши мумкин;
39.	жабрланувчи кўпинча турли сабабларга кўра, шу жумладан қарама-қарши ҳис-туйғулар таъсири остида, уятчан, шокка чидай олмайдиган ҳолатда бўлса ҳам безорилик фактини яширади;
40.	киберҳужум жабрланувчининг жисман қаерда жойлашганидан қатъи назар, содир этилиши мумкин. Киберҳужумдан яширинишнинг иложи йўқ, у жабрланувчига ҳамма жойда ҳамроҳ бўлади. Киберҳужум бир умр из қолдириши мумкин[2].

[1] https://www.lasteabi.ee/ru/stati/kiberbulling-0.
[2] https://www.lasteabi.ee/ru/stati/kiberbulling-0.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш истиқболлари
мавзусидаги монографияга
6-ИЛОВА

1-боб бўйича хулосалар

т/р	Хулосалар
41.	тадқиқот натижаси бўйича қуйидаги тушунчаларнинг таърифлари монографиянинг муҳим қисмини ташкил қилади: **жамоат** – арабча «*жам*» сўзидан олинган ва у «*жамият*» сўзига қараганда торроқ маънога эга бўлиб, тарихий тараққиётнинг муайян босқичида, аниқ бир ҳудудда, мақсад ва ўй фикрлари ўзаро ўхшаш ёки бир хил бўлган жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки давлатдан иборат субъектлар ихтиёрийлик ва тенглик тамойиллари асосида аниқ бир мақсад сари бирлашиши натижасида вақтинчалик тузилган ижтимоий тузилма. **жамият** – арабча «*жам*» сўзидан олинган ва у «*жамоат*» сўзига қараганда кенгроқ маънога эга бўлиб, ҳудудий жойлашувидан қатъи назар, фикрлар хилма-хиллиги асосида тарихан шаклланган, аниқ ва бир хил мақсадга эга бўлмаган, доимий асосда фаолият юритувчи ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тизимларни ва (ёки) катта миқёсдаги одамлар гуруҳи — яъни миллат, халқ, давлатни қамраб олувчи, давлат томонидан тан олинган, муайян тоифа, синф, йўналиш, соҳа, тузум, ҳокимият ёки таълимот атрофида бирлашган инсонлар гуруҳидан иборат ижтимоий тузилма. **жамоат хавфсизлиги –** тарихий тараққиётнинг муайян босқичида, аниқ бир ҳудудда, мақсад ва ўй фикрлари ўзаро ўхшаш ёки бир хил бўлган жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки давлатдан иборат субъектлар ихтиёрийлик ва тенглик тамойиллари асосида аниқ бир мақсад сари бирлашиши натижасида вақтинчалик тузилган ижтимоий тузилманинг ички ва ташқи хавфдан ҳимояланганлик ҳолати; **жамият хавфсизлиги –** ҳудудий жойлашувидан қатъи назар, фикрлар хилма-хиллиги асосида тарихан шаклланган, аниқ ва бир хил мақсадга эга бўлмаган, доимий асосда фаолият юритувчи ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тизимларни ва (ёки) катта миқёсдаги одамлар гуруҳи — яъни миллат, халқ, давлатни қамраб олувчи, давлат томонидан тан олинган, муайян тоифа, синф, йўналиш, соҳа, тузум, ҳокимият ёки таълимот атрофида бирлашган инсонлар гуруҳидан иборат ижтимоий тузилманинг ички ва ташқи хавфдан ҳимояланганлик ҳолати саналади; Бунда, жамоат хавфсизлигига бўлаётган таҳдид индивидуал, жамоавий ва миллий (институционал) хавф даражаси билан миллий хавфсизлик билан ўзаро боғлиқ бўлади ва жамоат иштирокчилари жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат саналади ва улар аралаш

	ёки бир турдаги субъектлардан иборат шаклда тузилган бўлиши мумкин. **жиноят** – Жиноят кодекси билан тақиқланган ва жазо қўллаш таҳдиди бўлган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик); **кибержиноят** – юнон тилидаги «*кибер*», яъни луғавий маъноси «*бошқариш*», «*ҳайдовчи*» ва ўзбек тилидаги «*жиноят*» сўзи йиғиндисидан иборат бўлган Жиноят кодекси билан тақиқланган, ахборот-коммуникация технологиялари орқали кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланиб содир этиладиган ва бунинг учун Жиноят кодексида жазо қўллаш таҳдиди бўлган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик); **кибермуҳит** – ахборот-коммуникация технологиялари орқали ахборот-коммуникация тизими, шу жумладан, ахборот тизими ҳамда алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект, био-, ноно-, кибертехнологиялар инфратузилмаси ва бошқа техник воситаларда ёки улар орасида яратилган кибермакон, шарт-шароитлар, ҳодисалар ва ҳолатларни ўз ичига олувчи ҳамда виртуал олам ҳақида ахборот берувчи муҳит; **кибермакон** – ахборот-коммуникация технологиялари орқали ахборот-коммуникация тизими, шу жумладан, ахборот тизими ҳамда алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект, био-, ноно-, кибертехнологиялар инфратузилмаси ва бошқа техник воситаларда ёки улар орасида яратилган кибермуҳитдаги аниқ ўрин, жой, нуқта ва ҳудуд; **кибертаҳдид** – кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланиб ахборот-коммуникация технологиялари орқали шахс, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид солувчи шарт-шароитлар ва омиллар мажмуи; **киберхавфсизлик ҳодисаси** — кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланиб ахборот-коммуникация технологиялари орқали ахборот-коммуникация технологияларидан иборат бўлган инфратузилмаларнинг, шу жумладан, алоқа, телекоммуникация, ахборотлаштириш, сунъий интеллект, био-, ноно-, кибертехнологиялардан иборат бўлган воситалар, ахборот-коммуникация тизими ёки уларга боғлиқ бўлган қурилма, ускуна, иншоот ва бошқа техник воситаларнинг қонунга хилоф ёки (ва) рухсатсиз эгаллаб олиниши, уларга ноқонуний ташқи таъсир кўрсатилиши, шикаст етказиш, бузиш, узиш ёки тўхтаб қолиши ёҳуд тўхтаб туришига сабаб болувчи, улардаги ахборотни эгаллаб олиш, ноқонуний ишлов бериш, фойдаланиш, эгасизлантириш, ўзгартириш, йўқ қилиш, узиш, кўчириш, тўхтатиш, бузиш, блокировка қилиш, йиғиш, тизимлаштириш, эгалик қилиш, тасарруф этиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар қилиш орқали ушбу ахборотнинг очиқлиги,

яхлитлиги, шу жумладан, бутлиги ва ундан эркин фойдаланилишининг бузилишига олиб келувчи ҳодиса;

киберхавфсизлик объекти – ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, ахборот, рақамли, сунъий интеллект, телекоммуникация, био-, ноно-, кибертехнологиялар, шу билан бирга, уларга боғлиқ бўлган воситалар, қурилмалар, ускуналар ва бошқа техник воситалар, ахборот-коммуникация тизими, шу жумладан, ахборот тизими ёки улардаги ахборотнинг кибертаҳдид ва киберхавфсизлик ҳодисасидан ҳимоя қилиниши ҳамда киберхавфсизлиги таъминланувчи улардаги мавжуд ресурслар, инфратузилмалар, тизимлар, муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари бўлган киберҳимояга олинган ёки олинмаганлигидан қатъий назар киберҳимоя қилиниши зарур бўлган объект;

киберхавфсизлик субъекти – киберхавфсизлик объектига эга бўлган давлат ҳамда унинг органи ва ташкилоти, жисмоний ва юридик шахс, шу жумладан, тадбиркорлик субъекти;

киберҳужум — кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, ахборот, рақамли, сунъий интеллект, телекоммуникация, био-, ноно-, кибертехнологиялар, шу билан бирга, уларга боғлиқ бўлган воситалар, қурилмалар, ускуналар ва бошқа техник воситалар, ахборот-коммуникация тизими, шу жумладан, ахборот тизими ёки улардаги ахборотдан фойдаланган ҳолда қасддан амалга ошириладиган, киберхавфсизликка таҳдид соладиган ҳаракат;

жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятлар – тарихий тараққиётнинг муайян босқичида, аниқ бир ҳудудда, мақсад ва ўй фикрлари ўзаро ўхшаш ёки бир хил бўлган жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки давлатдан иборат субъектлар ихтиёрийлик ва тенглик тамойиллари асосида аниқ бир мақсад сари бирлашиши натижасида вақтинчалик тузилган ижтимоий тузилманинг ички ва ташқи хавфдан ҳимояланганлик ҳолатига таҳдид солувчи Жиноят кодекси билан тақиқланган ва жазо қўллаш таҳдиди бўлган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)лар;

жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар – тарихий тараққиётнинг муайян босқичида, аниқ бир ҳудудда, мақсад ва ўй фикрлари ўзаро ўхшаш ёки бир хил бўлган жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки давлатдан иборат субъектлар ихтиёрийлик ва тенглик тамойиллари асосида аниқ бир мақсад сари бирлашиши натижасида вақтинчалик тузилган ижтимоий тузилманинг ички ва ташқи хавфдан ҳимояланганлик ҳолатига кибертаҳдид солувчи ёки киберхавфсизлик ҳодисаси вужудга келтирувчи Жиноят кодекси билан тақиқланган, ахборот-коммуникация технологиялари орқали кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланиб содир этиладиган ва

	бунинг учун Жиноят кодексида жазо қўллаш таҳдиди бўлган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)лар; Кибержиноят орқали айбдор жабрланувчининг ахборот-коммуникация тизими ёки телекоммуникация инфратузилмасига эгалик қилиши ёки уни бошқариш ёҳуд ўзга йўллар орқали таъсир кўрсатиши мумкин, шу сабабли ҳам бу сўзнинг луғавий маъноси унинг том маънодаги мазмун-моҳиятига боғлиқ саналади.
42.	Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясига асосан, Жиноят кодексида қўлланиладиган атама ва тушунчаларни уларнинг мазмунига аниқ таъриф бериш ва ягона шаклда қўллаш орқали такомиллаштириш белгиланган. Бироқ, амалдаги Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонунида «кибермакон» тушунчаси жуда тор ва нотўғри қайд этилган бўлиб, Қонунда унга ахборот технологиялари ёрдамида яратилган виртуал муҳит, дея таъриф берилган. Кибермуҳит кибермаконга қараганда кенгроқ мазмун-моҳиятга эга ва кибермуҳит ичида кибермакон вужудга келади. Шу билан бирга, ахборот технологияларидан ташқари, сунъий интеллект, биотехнологиялар, нанотехнологиялар, кибертехнологиялар, телекоммуникация инфратузилмалари ҳамда бошқа техник воситалар ёрдамида ҳам техник жиҳатдан кибермуҳитни шакллантириш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 20-моддасига асосан, инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари **қонунларнинг**, давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг **моҳияти ва мазмунини белгилайди.** Жиноят кодексининг 4-моддасига асосан, **содир этилган қилмишнинг жиноийлиги**, жазога сазоворлиги ва бошқа ҳуқуқий оқибатлари **фақат Жиноят кодекси билан белгиланади.** Маълумки, кибержиноят ва жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар тушунчаси амалдаги қонунчилигимизда ҳам, Жиноят кодексимизда ҳам назарда тутилмаган. Жиноят кодексининг 4-моддаси талабига асосан, улар қачонки Жиноят кодексининг VIII бўлими ёки Жиноят кодексига киритилар экан улар расмий маънога эга бўлади. Шу сабабли ахборот технологиялари техник томондан сунъий интеллект, био-, ноно-, кибертехнологиялар, телекоммуникация инфратузилмалари ва бошқа техник воситаларни ўзида қамраб ололмаслиги ва соҳага оид тушунчаларни тўғри қўллаш нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонунининг 3-моддасидаги

	«**кибермакон**», «**киберхавфсизлик ҳодисаси**», «**кибертаҳдид**», «**киберхавфсизлик объекти**», «**киберхавфсизлик субъекти**» тушунчалари **<u>юқорида биз томонимиздан таъкидланган тушунчаларнинг таърифи билан алмаштирилиши</u>** ҳамда **<u>ушбу Қонунга қўшимча равишда «кибержиноят» ва «кибермуҳит» тушунчаларини</u>** киритиш таклиф қилинади. Шунингдек, «кибержиноят» ва «жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар» учун жиноий жавобгарликни белгилашнинг ижтимоий заруриятидан келиб чиқиб, бу тушунчаларнинг таърифини биз томонимиздан таърифлангани каби Жиноят кодексининг VIII бўлими ёки янги таҳрирда қабул қилинадиган Жиноят кодексида акс эттириш мақсадга мувофиқ.
43.	Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар кибержиноятлар вертикалига кўра қуйидагича таснифланади: **умумий объекти жамоат хавфсизлиги бўлган кибержиноятлар;** ***Маълумот учун****, Жиноят кодексининг 2-моддасида Жиноят кодексининг вазифалари шахсни, унинг ҳуқуқ ва эркинликларини, жамият ва давлат манфаатларини, мулкни, табиий муҳитни, тинчликни, инсоният хавфсизлигини жиноий тажовузлардан қўриқлаш, шунингдек жиноятларнинг олдини олиш, фуқароларни республика Конституцияси ва қонунларига риоя қилиш руҳида тарбиялашдан иборатлиги белгиланган. Шунга кўра, Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги жамоат хавфсизлиги билан боғлиқ барча кибержиноятлар ушбу турга киради.* **турдош объекти жамоат хавфсизлиги бўлган кибержиноятлар;** ***Маълумот учун****, Жиноят кодексининг олтинчи бўлимидаги кибержиноятлар ушбу гуруҳга киради.* **махсус объекти жамоат хавфсизлиги бўлган кибержиноятлар;** ***Маълумот учун****, Жиноят кодексининг XVII бобидаги кибержиноятлар ушбу турга мансуб.* **бевосита объекти жамоат хавфсизлиги бўлган кибержиноятлар.** ***Маълумот учун****, Жиноят кодексининг Махсус қисмидаги жамоат хавфсизлиги билан бевосита, қўшимча ва факультатив жиҳатдан боғлиқ барча моддалардаги кибержиноялар ушбу угурҳга мансуб бўлади ва ушбу гуруҳга қуйидаги 3 турга бўлиниб, бу кибержиноятларнинг юридик таҳлили 1-4-иловаларда қайд этилган:* 1) **асосий бевосита объекти жамоат хавфсизлиги бўлган кибержиноятлар**; ***Маълумот учун****, Жиноят кодексининг XVII бобида назарда тутилган 242-244[1]-, 244[3]-244[6], 247-255[2]-моддаларида назарда тутилган жиноятларнинг кибермуҳитда, шу жумладан кибермаконда ахборот-коммуникация технологиялари ёки унинг воситалари орқали содир этилишига оид қилмишлар ушбу турга киради.*

	2) **қўшимча бевосита объекти жамоат хавфсизлиги бўлган кибержиноятлар;** ***Маълумот учун****, Жиноят кодексининг 278[1]-278[9]-моддаларида назарда тутилган қилмишлар бу турга мансуб.* 3) **факультатив бевосита объекти жамоат хавфсизлиги бўлган кибержиноятлар**. ***Маълумот учун****, ушбу турга Жиноят кодексининг 97, 103-103[1], 104-105, 109, 110, 112, 115[1], 119, 125, 126[1], 127, 127[1], 129-130[1], 131, 133-133[2], 135-136, 139-141[3], 143, 145-147, 149-151, 153-154, 155, 155[2], 156-162, 165, 167-169, 171, 173, 176-178, 185[1], 186, 186[3], 188[1], 189, 191-192, 192[9]-192[11], 196, 197, 205-207, 209-215, 216[1], 217, 220, 227[1]-228, 229, 230[1], 263, 267, 271, 273-274, 277-278, 296-297, 301-моддаларида назарда тутилган қилмишларнинг кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ахборот-коммуникация технологиялари ва воситалари орқали содир этилишига оид жиноятлар мансуб.* Шунга кўра, 1-4-иловага мувофиқ кибержиноятларнинг тавсифини беришда уларнинг Ўз.Рес. ЖКдаги ҳолати ҳам қайд этилган. Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларни таснифлаш ва квалификация қилишда бу тоифадаги жиноятлар ҳар доим ҳам битта шахсга қаратилмаган ҳолда бўлиши, қаратилган тақдирда ҳам бу шахс орқали жамият манфаатлари зарар кўриши мумкинлигини кибержиноятчи олдиндан билишини, бу тоифадаги кибержиноятларнинг асосий мақсади фойда олишни эмас, балки безорилик характерини амалга ошириш ёки ўзини кўрсатиб қўйишга ҳам оид бўлиши мумкинлигини унутмаслигимиз керак. Мисол учун, ЖКнинг 247-моддасида назарда тутилган ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, ўқотар қуролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаш, яъни тармоқ орқали масофадан бошқарувни қўлга киритиб, бу қуроллардан учинчи шахс сифатида ўзаро низолашаётган тарафлардан бирига кўмаклашиш ёки ўч олиш мақсадида ҳам содир этилиши мумкин ва бунда жиноятчининг асосий мақсадида бу қуролларни эгаллаш эмас, балки бу қуроллардан фойдаланиб бошқа субъектларга таҳдид қилишга қаратилган бўлади ва шу сабабли ҳам бу тоифадаги жиноятларни квалификация қилишда мақсад ва мотив масаласига аниқлик киритиш керак.
44.	жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг зарурий белгилари, яъни ўзининг аҳамиятига кўра, жиноят таркибининг маълум бир элементида сўзсиз иштирок этадиган белгилари[1] қуйидагилардир: **қўриқланадиган ижтимоий муносабат**, масалан, ахборот-коммуникация технологияларининг муҳофазаси, жамоат хавфсизлиги,

[1] Очилов Х.Р., Хайдаров Ш.Д., Шамсидинов З.З. “Жиноят ҳуқуқи” (Умумий қисм). Ўқув қўлланма. – Т.: ТДЮУ нашриёти. 2021 й., 25-б.

шахснинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва манфаатлари, шахс, жамият ва давлат ҳимояси ва х.к. бўлиши мумкин;

ижтимоий хавфли қилмиш, яъни жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи қилмишлар;

ёш, яъни жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноят учун жавобгарликни келтириб чиқарувчи ёш чегараси;

ақли расолик, яъни кибержиноятлар ақли расо шахс томонидан содир этилгандагина ушбу ҳолатда жавобгарлик вужудга келади;

айб, яъни ҳар доим ушбу жиноятлар қасддан содир этилади;

ушбу жиноятлар ҳар доим **кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда** ёки у билан аралашган ҳолатда содир этилади, масалан, киберўғрилик ахборот тизими, шу жумладан, тўлов тизимига яширинча ахборот-коммуникация технологиялари орқали виртуал муҳит ёрдамида кирилади. Ушбу муҳит эса, жиноятнинг тамомланишига бевосита боғлиқ эмас, бироқ ҳар қандай кибержиноят кибермуҳитнинг ўзида ёки аралашган кўринишда содир этилиши мумкин. Мисол учун, киберўғрилик, киберфирибгарлик жиноятлари тўлов тизимига рухсатсиз кириш йўли билан содир этилар экан ушбу тизимдаги пул маблағи қўлга киритилган вақтдан бошлаб ушбу кибержиноят тамомланади, бунда кибержиноят оқибатлари вужудга келиши муҳим эмас, энг муҳими ноқонуний мулкдорлик ҳуқуқи вужудга келса бўлди, киберсуицид жинояти эса, руҳий зўравонлик орқали содир этилгани билан шахс ўзини ўзи ўлдирган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган бўлсагина ушбу жиноят тамомланади;

кибержиноятлар **ахборот-коммуникация технологияларидан** фойдаланиб содир этилади.

Ахборот-коммуникация технологиялари ахборотни яратиш, узатиш, ишлаш ва бошқариш билан боғлиқ технологиялар[1] бўлиб, уларнинг қуйидаги турлари мавжуд:

1. ахборот технологиялари;
2. телекоммуникация технологиялари.

Ахборот технологиялари ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар саналади[2]. Ушбу технологиялар ахборотни тақдим этиш шаклига кўра, электрон ва рақамли технологияларга бўлинади. **Электрон технологияларга** ахборот тизими, маълумотлар базаси, маълумотлар банки, ахборот ресурсидаги электрон маълумотларни ишлаб чиқишдан тортиб то фойдаланиш,

[1] Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги 102-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

ўзгартириш, йўқ қилиш, чеклаш (блоклаш), эгасизлантиришгача бўлган барча жараёнларга оид технологиялар ушбу технологияга киради.

Рақамли технологиялар эса, маълум бир кетма-кетлик ва частоталарда кодли импульсларни ёзиш учун қўлланиладиган электрон ҳисоблаш машиналаридан фойдаланиладиган технологиялар[1]дир.

Унга Интернет, мобил алоқа, компьютер ва смартфон технологиялари, блокчейн, яъни марказлашмаган ахборот сақлаш ва ишончли транзакциялар технологияси бўлган криптовалюта (Bitcoin, Ethereum), smart-контрактлар, дафтарлар (distributed ledgers), сунъий интеллект, яъни инсоннинг билим ва кўникмаларига тақлид қилиш имконини берувчи (шу жумладан, мустақил равишда ўрганиш ва ечимларни излаш) ҳамда аниқ вазифаларни бажаришда инсон ақлий фаолияти натижалари билан таққосланадиган натижаларни олиш имконини берадиган технологик ечимлар мажмуи бўлган, ақлли маълумот таҳлили ва қарор қабул қилиш имконини берувчи машинали ўрганиш (Machine Learning), яъни намуналарни ўрганиш ва таҳлил қилиш ёрдамида хулоса чиқарувчи алгоритмларни ўрганувчи соҳа бўлиб, маълумотлардаги ўзаро боғлиқликларни аниқлаш ҳамда ўрганишда жараёнларни тадқиқ қилиш (нейрон тармоқлар ва статистика) ва бошқа усуллардан фойдаланиш, табиий тилни қайта ишлаш (NLP), нейрон тармоқ, яъни машинавий ўқитиш усулларидан бири бўлиб, биологик организмнинг нейрон боғламаларини ташкил этиш ва уларнинг ишлаш тамойилига асосланган математик модел, аппарат-дастурий таъминот ва чуқур ўрганиш платформаси (Deep Learning), яъни сунъий нейрон тармоқларини чуқур ўрганиш учун мўлжалланган дастурий ва аппарат воситалари мажмуини ташкил этувчи сунъий интеллект технологияси, яъни сунъий интеллектдан фойдаланишга асосланган технологиялар, шу жумладан, интеллектуал видеотаҳлил, нутқни таниб олиш ва синтезлаш, қабул қилинган қарорларни интеллектуал қўллаб-қувватлашнинг истиқболли усуллари[2], булутли ҳисоблаш, ижтимоий тармоқлар, рақамли медиа, электрон ҳукумат тизимлари, смарт тизимлар (Smart City, Smart Home), IoT (буюмлар интернети), когнитив технологиялар, рақамли дублёрлар (digital twins), симуляция ва таълим мақсадларида қўлланилади, виртуал муҳитлар (VR headset, 3D modelling), AR дастурлар (масалан, Google Lens), ахборот технологиялари асосида ишловчи рақамли сервислар бўлган электрон ҳукумат (e-Government), электрон таълим (e-Learning), электрон тижорат (e-Commerce), интерактив алоқа ва маълумот алмашув учун электрон почта, мессенжерлар, видеоконференциялар (Zoom, Meet),

[1] Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 декабрдаги 794-сон қарори билан тасдиқланган “Ақлли қишлоқ хўжалиги” технологияларини ривожлантириш стратегияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 14 октябрдаги ПҚ–358-сон қарори билан тасдиқланган Сунъий интеллект технологияларини 2030 йилга қадар ривожлантириш стратегияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

чат-ботлар, виртуал ёрдамчилар, маълумотлар базалари (SQL, NoSQL), криптография ва шифрлаш алгоритмлари, Облако технологиялари (Google Cloud, AWS), big Data технологиялари ва маълумот омборлари, фаервол, антивирус, IDS/IPS, биометрик аутентификация, MFA киради.

Шунга кўра, фикримизча, техник томондан ахборот технологияси орқали кибермуҳитда ёки кибермаконда ёки ундан фойдаланиб Жиноят кодексининг 97, 103-103[1], 104-105, 109, 110, 112, 115[1], 119, 125, 126[1], 127, 127[1], 129-130[1], 131, 133-133[2], 135-136, 139-141[3], 143, 145-147, 149-151, 153-154, 155, 155[2], 156-162, 165, 167-169, 171, 173, 176-178, 185[1], 186, 186[3], 188[1], 189, 191-192, 192[9]-192[11], 196, 197, 205-207, 209-215, 216[1], 217, 220, 227[1]-228, 229, 230[1], 242-244[1]-, 244[3]-244[6], 247-255[2], 263, 267, 271, 273-274, 277-278[9]-296-297, 301-моддаларида назарда тутилган қилмишлар амалга оширилиши мумкин.

Телекоммуникация технологиялари алоқа, шу жумладан, телекоммуникация, унинг тармоғи, воситаси, қурилмаси, спутник ва оптик толали алоқа, симли ва симсиз алоқа, IP-телефония, VoIP (Zoom, Skype), интернет, дастурий таъминот, шу жумладан, операцион тизимлар (Windows, Linux), офис ва ишлаб чиқариш дастурлари, веб ва мобил иловалар, аппарат таъминоти технологиялари, шу жумладан, компьютерлар (ПК, ноутбук, серверлар), мобил қурилмалар (смартфон, планшет), тармоқ ускуналари (роутер, модем, коммутаторлар) ва бошқаларни қамраб олади.

Телекоммуникация технологияларисиз ахборот технологиялари мавжуд бўлмайди ва ушбу технологиялар ахборот технологияларининг асосини ва ишлашини ташкил этади. Телекоммуникация технологияларининг вазифаси ҳам мустақил, ҳам ахборот технологияларига хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган технология саналади. Телекоммуникация технологиялари ва инфратузилмаси телекоммуникациялар ускуналари, телекоммуникациялар иншоотлари, кабель линиялари ҳамда уларни бошқариш имконини берувчи тизимлар[1] саналиб, улар актив ва пассив инфратузилмаларга бўлинади. Актив телекоммуникациялар инфратузилмасига телекоммуникациялар ускуналари бўлган телекоммуникацияларни амалга ошириш учун мўлжалланган техник ускуналар ва уларга ўрнатилган дастурий таъминот, пассив телекоммуникациялар инфратузилмасига телекоммуникациялар иншоотлари бўлган телекоммуникацияларнинг амалга оширилишини таъминловчи бинолар, мосламалар, таянчлар, мачталар, тарқатиш қутилари, шкафлар ва бошқалар[2] киради. Телекоммуникация инфратузилмасисиз кибержиноят содир этиш имконсиз бўлиб, барча

[1] Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

	кибержиноятларда ҳеч бўлмаса битта телекоммуникация инфратузилмаси иштирок этади. Шу сабабли булар орқали фикримизча, техник томондан Жиноят кодексининг 97, 103-103[1], 104-105, 109, 110, 112, 115[1], 119, 125, 126[1], 127, 127[1], 129-130[1], 131, 133-133[2], 135-136, 139-141[3], 143, 145-147, 149-151, 153-154, 155, 155[2], 156-162, 165, 167-169, 171, 173, 176-178, 185[1], 186, 186[3], 188[1], 189, 191-192, 192[9]-192[11], 196, 197, 205-207, 209-215, 216[1], 217, 220, 227[1]-228, 229, 230[1], 242-244[1]-, 244[3]-244[6], 247-255[2], 263, 267, 271, 273-274, 277-278[9]-296-297, 301-моддаларида назарда тутилган қилмишлар кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланган ҳолда, содир этилиши мумкин.
45.	кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда амалга оширилиши кутилаётган шахс, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид солувчи шарт-шароитлар ва омиллар ёки уларнинг мажмуи **кибертаҳдид** бўлса, **киберҳужум** ушбу таҳдиднинг амалга оширилишига оид харакат саналади.
46.	жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар предмети, қуроллари ёки воситалари ахборот-коммуникация тизими, ахборот тизими, ахборот ресурси, шу жумладан, веб-сайт, веб-хавола, веб-илова, веб-сайт саҳифаси ва бошқалар, аппарат-дастурий масҳулот, аппарат-дастурий восита, дастур, аппарат, дастурий аппарат, дастурий аппарат мажмуми, дастурий восита, дастурий маҳсулот, сунъий интеллект технологияси, сунъий интеллект[1], нейрон технологияси, нейрон тармоқ, чуқур ўрганиш платформаси, рақамли платформа, телекоммуникация воситаси, телекоммуникация иншооти, телекоммуникация тармоғи, телекоммуникация ускунаси, телекоммуникация қурилмаси, телекоммуникация технологиялари, ахборот технологиялари, биотехнология, кибертехнология, аэрокосмик технология, электрон технология, электрон рақамли имзо, ахборот, мессенжер, булутли технология, блокчейн, сервер, компьютер техникаси, компьютер воситаси, компьютер ускунаси, компьютер тизими, мобил илова, мобил қурилма ва бошқа техик воситалар, шунингдек, улар орқали вужудга келган инфратузилма, ахборотлар, тизимлар, қурилмалар, ускуналар, воситалар бўлиши мумкин. Таъкидлаш керакки, техник воситалар деганда ҳар қандай электр, электрон ва радиоэлектрон маҳсулотлар, шунингдек, электр ва (ёки) электрон компонентларни ўз ичига олган ҳар қандай маҳсулот тушунилади[2].
47.	Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонунига асосан «киберхавфсизлик

[1] https://t.me/cyber_102/8164/

[2] Вазирлар Маҳкамасининг “Техник воситаларнинг электромагнит мослиги тўғрисидаги умумий техник регламентни тасдиқлаш ҳақида” 2016 йил 21 ноябрдаги 389-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

	объекти» деганда ахборотнинг киберҳимоя қилинишини ҳамда миллий ахборот тизимлари ва ресурсларининг киберхавфсизлигини таъминлашга доир фаолиятда фойдаланиладиган ахборот тизимлари мажмуи, шу жумладан муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари[1] ҳисобланади ва бу билан қонун чиқарувчи **«киберхавфсизлик объекти»**га ахборот тизимлари ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларини киритган. Бироқ, амалиёт шуни кўрсатмоқдаки, бугунги кунда содир этилаётган кибержиноятлар фақатгина ахборот тизимлари ва муҳим ахборот инфратузилмаси объектларига нисбатан содир этилмаяпти, балки юқорида назарда тутилган жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар предмети, қуроллари ёки воситалари билан ҳам кибержиноятлар содир этилмоқда. Мисол учун, Telegramнинг расмий веб-сайтида Telegram мобил қурилмалар ва компьютер учун мўлжалланган булутли мессенжер саналиши[2] ҳақида тушунтириш берилган. Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори билан тасдиқланган Веб-сайт, веб-сайт ва (ёки) мессенжер саҳифаси эгаси, шунингдек блогерга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотни олиб ташлаш тўғрисида хабарнома юбориш тартибига асосан, **мессенжер** фойдаланувчиларнинг онлайн режимда Интернет жаҳон ахборот тармоғи орқали матн, аудио, аудиовизуал ва бошқа хабарлар ва материаллар, бошқа маълумотлар орқали дарҳол алмашиш, тарқатиш ва узатиш, шунингдек улар ўртасидаги масофадан мулоқот учун мўлжалланган дастур, мобил илова ёки веб-хизмат[3], саналади. Демак, у ахборот тизими ҳам, муҳим ахборот инфратузилмаси ҳам ҳисобланмайди. Шунга кўра, қонун чиқарувчи «**киберхавфсизлик объекти**» тушунчасини қўллашда фикримизча, хатоликка йўл қўйган ва *«кибержиноятчилик»* тушунчасига таъриф беришда унинг *«ахборотни эгаллаш, уни ўзгартириш, йўқ қилиш ёки ахборот тизимлари ва ресурсларини ишдан чиқариш мақсадида кибермаконда дастурий таъминот ва техник воситалардан фойдаланилган ҳолда амалга ошириладиган жиноятлар йиғиндиси» эканлиги ва* ушбу жиноятчиликнинг *«дастурий таъминот»* ва *«техник воситалар»* орқали содир этилишини таъкидлаб, уларнинг ўзи ҳам кибержиноятчилик қурбони бўлиши мумкинлигини инобатга олмаган.

[1] Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] https://telegram.org/?setln=ru.

[3] Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 5 сентябрдаги 707-сон қарори билан тасдиқланган Веб-сайт, веб-сайт ва (ёки) мессенжер саҳифаси эгаси, шунингдек блогерга Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги билан тарқатилиши тақиқланган ахборотни олиб ташлаш тўғрисида хабарнома юбориш тартиби // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

	Шу сабабли тадқиқотнинг 1-боби бўйича дастлабки хулосамиз бўйича «**киберхавфсизлик объекти**» тушунчасига таъриф бериш ва уни Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонунининг 3-моддасидаги «**киберхавфсизлик объекти**» тушунчасининг таърифи билан алмаштириш таклиф қилинади.
48.	жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар барча ҳолатларда **субъектив томондан** қасддан содир этилади;
49.	жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг **субъекти** ҳар бир давлатнинг жиноят қонунчилиги билан белгиланган ёшга тўлган ақли расо шахсдир, объектив томондан ҳар бир давлатларнинг жиноят қонунчилигида назарда тутилган кибержиноятнинг қай тариқа содир этилиши англашилади;
50.	жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг **объекти** асосий, қўшимча ва факультатив бевосита объектига кўра фарқ қилади. Бунда, асосий бевосита объекти жамоат хавфсизлиги бўлса, қўшимча бевосита объект ахборот-коммуникация технологияларининг муҳофаза қилинадиган соҳаси ва жамоат хавфсизлиги саналади, факультатив бевосита объект эса, шахснинг ҳаёти, соғлиғи, конституциявий ҳуқуқлари ва эркинлиги, ахлоқи, озодлиги, шаъни ва қадр-қиммати, ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари органларининг фаолият тартиби, ҳарбий хизматни ўташ тартиби, шахс, жамият, шу жумладан, оила, ёшлар, хўжалик юритувчи субъектлар ва давлатнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари манфаатлари, тинчлик ва инсониятнинг хавфсизлиги, муҳофаза қилинадиган иқтисодиёт соҳаси ва асослари, мулк дахлсизлиги, хўжалик фаолияти, экология соҳаси, шу билан бирга ахборот-коммуникация технологияларининг муҳофаза қилинадиган соҳаси ва жамоат хавфсизлиги саналади.
51.	Жиноят кодексининг олтинчи бўлими «*Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар*», деб номланган ҳолда, унинг таркибий қисмида «*XVII боб. Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар*» ва «*XX боб. Жамоат тартибига қарши жиноятлар»*дан ташқари «*XVIII боб. Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар*», «*XIX боб. Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар*», «*XX[1] боб. Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар*» киритилганлигини инобатга олсак, бироқ мазкур учта бобдаги жиноятларнинг асосий бевосита объекти жамоат хавфсизлиги эмас, балки бошқа ижтимоий муносабатлар эканлигини ҳисобга олсак, бу турдаги кибержиноятлар ҳақида аниқроқ ва тўғри тушунчага эга бўлиш ҳамда юқорида «жамият» ва «жамоат», «жамият хавфсизлиги», «жамоат хавфсизлиги» тушунчаларининг ўзаро фарқи кўрсатиб берилганлиги ҳамда доимий равишда киберхавфсизликни

	таъминлаш мақсадида Жиноят кодексининг олтинчи бўлимининг номини қайта кўриб чиқиш зарур бўлади. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясига асосан, Жиноят кодексида қўлланиладиган атама ва тушунчаларни уларнинг мазмунига аниқ таъриф бериш ва ягона шаклда қўллаш орқали такомиллаштириш ва технологик тараққиёт, жумладан кибержиноят билан боғлиқ жиноят турларининг кенгайганлигини ҳисобга олган ҳолда ахборот технологиялари соҳасида жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш белгиланган. Шунга кўра, таклиф сифатида Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг олтинчи бўлимини қуйидагича баён этиш таклиф қилинади: **«Олтинчи бўлим. Жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятлар».**
52.	Жиноят кодексининг олтинчи бўлимида таклиф сифатида Жиноят кодексининг XVII бобидаги «*Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар*», XVIII бобидаги «*Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар*», XIX бобидаги «*Гиёвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунга хилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятлар*», XX бобидаги «*Жамоат тартибига қарши жиноятлар*»ни улар аввало жамоат, балки жамият хавфсизлига таҳдид солувчи жиноятларнинг асосий, қўшимча, факультатив бевосита объекти жамият хавфсизлигини таъминловчи ижтимоий муносабатлар эканлигидан келиб чиқиб, қайта кўриб чиқиш ва XX[1] бобидаги «*Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар*» бир вақтнинг ўзида асосий бевосита объекти ахборот технологиялари соҳаси эканлигидан келиб чиқиб, ахборот технологиялари ўз навбатида фақатгина жамоат ёки жамият хавфсизлигига оид тушунча эмас, балки **шахс ва давлатга боғлиқ бўлган тушунча эканлигидан келиб чиқиб**, алоҳида олтинчи кичик бўлим сифатида қуйидагича шакллантирилиши таклиф қилинади: «**Олтинчи кичик бўлим. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид жиноятлар**».
53.	кибержиноят деганда кўпчилик техник воситаларнинг бошқа бир техник воситаларга зарар келтириши ёки уларга ноқонуний кириб олиш орқали ахборотни эгаллаш, ўзлаштириш ва яроқсиз ҳолатга келтириш, шунингдек, ўғирлаш ва хакозоларни тушунишади. Бироқ, Президент Ш. Мирзиёев томонидан таъкидланган «киберкоррупция»[1] жиноий даромадларни легаллаштириш, пора олиш, пора бериш, пора олиш-

[1] https://president.uz/uz/lists/view/7924.

	беришда воситачилик қилиш ва бошқа коррупция билан боғлиқ ахборот-коммуникация технологиялари орқали содир этиладиган жиноятлар қайси турдаги жиноят саналади ёки зарарли дастурлар, шу жумладан, вирус орқали содир этилаётган қилмишни кибержиноят деб атасак, у ҳолда **вирус ҳам ахборот, ҳам дастур саналишини инобатга олсак ўз навбатида бу турдаги жиноятлар фақатгина техник характерга эга эмаслигини билишимиз мумкин.** Шунингдек, халқаро майдонда киберэкстремизм, кибертерроризм, кибержосуслик, кибергеноцид, киберқотиллик, киберсуицид, киберпорнография, кибертазйиқ, киберзўравонлик, кибершафқатсизлик, киберқўрқитиш, кибербуллинг, кибертуҳмат, киберҳақорат каби тушунчалар ҳам қўлланилиб, уларнинг мазмуни хорижий давлатларнинг қонунчилигида турлича кўрсатилган. Бироқ, бу қилмишларнинг аксарияти қаратилган объект шахс ва унинг шаъни, қадр-қиммати, шу билан бирга, жамият ва давлат манфаатлари бўлиши мумкин. Демак, ушбу вазиятда, икки хил қараш орқали кибержиноятларнинг қамровини тор доирада тушуниш фикримизча нотўғри бўлади. Ўзбекистон Республикасининг «Киберхавфсизлик тўғрисида» 2022 йил 15 апрелдаги ЎРҚ–764-сон Қонунга асосан, кибертаҳдид — кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид солувчи шарт-шароитлар ва омиллар мажмуи дейилган. Ушбу кибертаҳдид киберхавфсизликка қаратилган бўлади ва мазкур Қонунга асосан, киберхавфсизлик кибермаконда шахс, жамият ва давлат манфаатларининг ташқи ва ички таҳдидлардан ҳимояланганлик ҳолати тушунилади. Демак, қонун чиқарувчи кибержиноят деганда фақатгина техник воситанинг бошқа техник воситага нисбатан киберҳужумини назарда тутмаган, балки унинг қўлланилиш доираси анча кенгдир.
54.	жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар ва бошқа кибержиноятларнинг энг муҳим жиҳатлари қуйидагилардир: ушбу кибержиноятлар субъектив томондан доимо қасддан содир этилади; мазкур жиноятлар доимо кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ҳам кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда, ҳам одатдаги шароитда аралаш кўринишда содир этилади; жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар фақатгина бир технологик восита, дастур, дастурий аппарат, аппарат-дастурий воситанинг бошқа бир шундай турдаги воситаларга ва қурилмаларга нисбатан эмас, балки бу қурилмалар орқали шахс, жамият ва давлат манфаатлари кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ўзгача усулда ҳам кибертаҳдид остида содир этилиши мумкин; жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар шахс, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи, шаъни ва қадр-қиммати, ахлоқи, конституциявий ҳуқуқ ва манфаатларини путур етказиш мақсадида ҳам содир этилади;

	жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар объекти жамоат хавфсизлигини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносатлар, шу билан бирга, тегишли усулда содир этилган кибержиноят таҳдид солувчи муҳофаза қилинган ижтимоий муносабатлар ва ахборот-коммуникация технологияларининг муҳофазасига қаратилган ижтимоий муносабатлар ҳисобланади; жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар психологик томондан ҳам содир этилиши мумкин; жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар юридик, техник, ижтимоий-иқтисодий, конституциявий, сиёсий ва психологик томонидан комплекс аҳамиятга эга бўлган қилмишдир; объектив томондан бевосита кибержиноят кўринишда, телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиш усули билан ёки ахборот тизими, ахборот технологияларидан фойдаланиш ёки шундай тизимга кириш йўли билан ҳам содир этилиши мумкин, умумий қилиб айтганда ушбу турдаги жиноятлар ахборот-коммуникация технологияларига ҳам, улар орқали бошқа муносабатларга нисбатан ҳам содир этилиши мумкин; жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар доимо оғирлаштирувчи зарурий белгиларга эга бўлади.
55.	**жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жиноий жавобгарликнинг ижтимоий зарурияти** қуйидагилар саналади: 1) содир этилаётган «*латент*» кибержиноятлар учун жазо муқарралигини таъминлаш учун Жиноят кодексининг 4-моддаси талабига асосан, бу турдаги жиноятлар учун аниқ жавобгарликни белгилаш зарур бўлади; 2) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи ҳуқуқбузарликларнинг аниқ чек-чегарасини билиш ва уни тўғри юритиш учун уларни киберхавфсизлик ҳодисаси, кибермаъмурий ҳуқуқбузарлик ва кибержиноятларга бўлиш орқали жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларни гуруҳлаштириш ва бунинг учун аниқ жавобгарликни белгилаш зарур; 3) жавобгарликнинг белгиланиб қўйилиши орқали ҳеч бўлмаганда профилактик томондан жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар содир этилишидан шахслар тийилиши ёки ихтиёрий қайтиш ҳолатлари кўпайиши мумкин; 4) жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар ҳақида етарлича тўлиқ ва тўғри тушунчага эга бўлиши учун соҳада қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниши, улар тизимлаштирилиши ҳамда улар ижрочилар ва жамоатчилик бу ҳақда хабардор қилиниши зарур ва бунинг учун аниқ жавобгарликни назарда тутувчи қонунчилик ҳужжатлари қабул қилиниши даркор;

	5) кенг кўламли зарарнинг олдини олиш учун жиноий-ҳуқуқий томондан қонунчиликда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини белгилаш керак ва шу орқали уларнинг ижросини тўла-тўкис бажариш мумкин; 6) киберхавф-хатарларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш ва оқибатларини бартараф этиш, энг муҳими яратилган имкониятлар йўқ бўлиб кетмаслиги ҳамда Ўзбекистоннинг рақамлаштириш ва киберхавфсизлик соҳасида халқаро майдонда ўз ўрнини сақлаб қолиш ва уни юқори пағонага олиб чиқиш учун қонунчилигимизда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жавобгарликни белгилаб қўйиш зарур; 7) қонунчилик ҳужжатларини қабул қилиш, қайта кўриб чиқиш, тизимлаштириш ва норма ижодкорлиги соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотларнинг кейинги ривожини таъминлаш учун рақамли назоратни тўлиқ ўрнатган ҳолда, жамоат хавфизлигини кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда таъминлаш муҳим аҳамият касб этмоқда ва шу сабабли яратилаётган ислоҳотларнинг кейинги ривожи тўла-тўкис бўлиши учун қонунчиликни тизимлаштириш ва жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун етарли бўлган жавобгарликни белгилаш орқали кибержиноятларнинг хавф-хатарларини камайтириш мақсадга мувофиқ; 8) шахс, жамият ва давлат томонидан яратилган мавжуд инфратузилма вужудга келишига кетган вақт ва сарф-харажатни бесамар кетказмаслик учун ҳам жамоат хавфсизлигини таъминлаш учун етарли бўлган жавобгарликни белгилаш белгилаш зарур; 9) расмий равишда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг аниқ статистикаси юритилиши учун ҳам бу турдаги кибержиноятлар учун алоҳида жиноий жавобгарлик бўлиши даркор; 10) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармони билан тасдиқланган «Ўзбекистон — 2030» стратегиясининг 96-позициясида назарда тутилган вазифаларни самарали таъминлаш учун ҳам жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун алоҳида жавобгарликни белгилаб қўйиш даркор; 11) ёшларга оид давлат сиёсати тўлиқ ва самарали таъминланиши учун жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун алоҳида жавобгарликни белгилаб қўйиш шарт; 12) содир этилган кибержиноятнинг жиноийлигини белгилаш ҳамда айбдор жавобгарликдан қочиб қутилиб кетмаслиги учун Жиноят кодексимизни қайта кўриб чиқишимиз ва кибержиноятлар учун жавобгарликни аниқ, тўғри ва тўлиқ белгилаш зарур; 13) «Киберхавфсизлик маркази» ДУК томонидан аниқланаётган киберхавфсизлик ҳодисалари бўйича миллий жиноят қонунчилигимизда алоҳида махсус жавобгарлик турларини белгилаш

	орқали шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш чораларини тўғри ва тўлиқ кўриш мақсадга мувофиқ; 14) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепциясига асосан, технологик тараққиёт, жумладан кибержиноят билан боғлиқ жиноят турларининг кенгайганлигини ҳисобга олган ҳолда ахборот технологиялари соҳасида жавобгарликни назарда тутувчи нормаларни қайта кўриб чиқиш топширилган[1]. Айнан мазкур топшириқни тўлиқ ва самарали бажариш учун кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда содир этилаётган жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг аниқ тури ва хусусиятига аниқлик киритиб, жиноят қонунчилигимизда аниқ жавобгарликни белгилаш зарур бўлади; 15) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2024 йил 15 январдаги ПФ–10-сон Фармони билан Ўзбекистон Республикасининг «Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида»ги, «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонунларида ва Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги концепциясида белгиланган вазифалар ижросини ташкил этиш, шунингдек, жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш бўйича фаолиятни сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш ҳамда жиноятларнинг омилларини ўз вақтида бартараф этиш орқали уларни барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини ошириш мақсадида Вазирлар Маҳкамасининг Ўзбекистон Республикаси Криминология тадқиқот институти ташкил этилиб, унинг асосий вазифалари белгиланган[2]. Айнан унинг асосий вазифалари самарали ва тўла-тўкис амалга оширилиши учун жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг аниқ чек-чегараларини белгилаш зарурияти мавжуд бўлиб, унинг амалга оширилиши оқибатида Институтга қўйилган вазифаларни тўғри ва тўлиқ амалга ошириш имкониятларини яратиш мумкин бўлади; 16) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 14 майдаги ПҚ–3723-сон қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш концепцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасини илмий тадқиқ қилиш фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2024 йил 15 январдаги ПФ–10-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

	соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида» 2021 йил 26 мартдаги ПФ–6196-сон Фармони билан ички ишлар ва бошқа давлат органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш борасидаги фаолиятини самарали мувофиқлаштириш орқали мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлаш юзасидан белгиланган Ички ишлар органлари фаолиятини ташкил этишнинг мутлақо янги механизмлари[1] ўзи тўлиқ оқлаши учун уларга айнан қайси тоифадаги жиноятлар жамоат хавфсизлигига тааллуқли эканлигини аниқ чегаралаб бериш ва бунинг учун эса, қонунчиликда аниқ жиноий ва бошқа ҳуқуқий таъсир чораларини белгилаш зарур бўлади; 17) Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси билан жамоат хавфсизлигини таъминлаш соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари белгиланган бўлиб[2], ушбу йўналишларнинг ижроси тўлиқ бажарилиши учун жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятлар, шу жумладан, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун ҳам аниқ жавобгарликни белгилаб қўйиш зарур бўлади; 18) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ахборот технологиялари ёрдамида содир этиладиган жиноятларга қарши курашиш фаолиятини янада кучайтиришга қаратилган чора-тадбирлар тўғрисида» 2025 йил 30 апрелдаги ПҚ–153-сон қарори билан масъул давлат органлари, ташкилотлар, банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотларининг ҳар бирига кибержиноятларнинг олдини олиш ҳамда аҳолининг кибермаданиятини юксалтиришга қаратилган барча зарур чораларни кўриш бўйича қатъий жавобгарлик юклатилди, банклар, тўлов тизими операторлари ва тўлов ташкилотлари учун ўз кундалик фаолиятини ташкил этишда мижозларининг манфаати ва молиявий хавфсизлигини таъминлаш устувор вазифа сифатида белгиланди. Шунга кўра, ушбу масъулиятли вазифа тўлиқ ва самарали, тизимли ва кенг қамровли амалга оширилиши учун жиноят қонунчилигимизда нафақат кибержиноятлар учун, балки жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун ҳам аниқ жиноий жавобгарликни белгилаб қўйиш зарур бўлади. 19) кибержиноятлар халқаро трансчегаравий жиноятлар саналади, уларга оид жавобгарликни белгилаш учун халқаро ҳужжатлар ва дунё давлатларининг жиноят ва жиноят-процессуал қонунчилиги ҳамда

[1] Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида” 2021 йил 26 мартдаги ПФ–6196-сон Фармони // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[2] Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги ПФ–27-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

	бошқа нормативлари билан ўзаро муносабатга кириши заруриятини вужудга келтирмоқда. Дунё давлатларида, хусусан, Германия, АҚШ, Миср, Саудия Арабистони, Сингапур, Хитой, Япония, Грузия, Қозоғистон, Албания, Конго, Канада, Мексика, Испания, Португалия, Греция, Қирғизистон, Россия, Ж. Корея, Индонезия, Малайзия, Австарлия, Кипр, Буюк Британия, Франция ва бошқа давлатларда кибержиноятлар учун аллақачон етарлича жиноий жавобгарлик белгиланган, хатто жиноят қонунчилигад алоҳида бўлим ва бобларда махсус моддалар мавжуд. Бундан ташқари, халқаро ҳужжатларда, шу жумладан, БМТнинг кибержиноятчиликка қарши Конвенцияси, БМТ Бош Ассамблеясининг резолюциялари, Европа Кенгашининг кибержиноятчиликка оид конвенцияси, Европа Иттифоқининг жалб этиш ва жавобгарлик Дастури, ШҲТнинг Ахборот хавфсизлиги тўғрисидаги келишуви, Халқаро даражадаги киберхавфсизлик соҳасидаги стандартлар ва техник ҳужжатлар ҳамда бошқа халқаро ҳужжатлар, икки ва кўп томонлама шартнома ва келишувларда кибержиноятлар учун алоҳида жиноий жавобгарлик миллий қонунчиликда назарда тутилиши белгиланган. Шунга кўра, жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларга оид хорижий ва халқаро муносабатларда Ўзбекистоннинг мустаҳкам ўрнини белгилаш ва ўзаро халқаро ҳамкорликни янада ривожлантириш орқали шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг бузилган ҳуқуқ ва манфаатларини тиклаш учун зарур даражада ҳаракат қилиш учун ҳам халқаро ва илғор хорижий тажриба асосида жиноят қонунчилигимизда жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун аниқ жавобгарликни белгилаб қўйиш зарур бўлади. 20) Жиноят кодексида назарда тутилган кибержиноятлар ва киберхавфсизликка оид «компьютер техникаси», «компьютер тизими» каби тушунчалар жуда эскирган тушунчалар бўлиб, Жиноят кодексининг 167-моддасининг учинчи қисми «г»-банди ва 278^3-моддасида назарда тутилган қилмишларни ушбу воситалар орқали содир этиш ҳолатлар бугунги кунда ахборот-коммуникация технологиялари ривожи сабабли анча илгарилиб кетган ва улар бугунги кунда бошқа усуллар билан ҳам содир этилмоқда. Шу сабабли жиноят учун жазо муқаррарлигини таъминлаш учун ҳам жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жиноий жавобгарлик тушунчаси ва унга оид қилмишларни, шу билан бирга, бошқа кибержиноятлар учун ҳам жавобгарликни бугунги кун талабларига мувофиқлаштириш зарур бўлади. 21) Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 2-моддасига асосан, давлат халқ иродасини ифода этиб, унинг манфаатларига хизмат қилади ҳамда давлат органлари ва мансабдор шахслар жамият ва

	фуқаролар олдида масъулдирлар[1]. Айнан мана шу масъулият тўлиқ таъминланиши натижасида жамоат хавфсизлиги таъминланиши мумкин ва бунинг учун эса, жамиятда қонун устуворлиги, жиноят учун жазо муқаррарлиги таъминланиши даркор. Шу сабабдан ҳам жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жиноий жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш учун ушбу соҳада алоҳида жавобгарликни белгилаш муҳим аҳамиятга эгадир. 22) Жиноят кодексининг 59-моддаси талаби ва XX[1]-бобидаги жиноятлар учун белгиланган жазо енгиллиги сабабли Жиноят кодексининг 7-моддасидаги инсонпарварлик принципини таъминлаш орқали адолатли жазо қўлланилиши учун бу турдаги қилмишлар учун адолатли жиноий жавобгарликни белгилаш зарурдир. 23) сунъий интеллект технологияларига бўлган талаб ортиши ва ушбу соҳа ривожланиши билан бирга улар туфайли шахсга доир маълумотлар, давлат, хизмат, касб, оила ва шахсий сирлар, шунингдек, махфий ахборотнинг хавфсизлигига путур етиши билан боғлиқ салбий ҳолатлар вужудга келишининг олдини олиш ва бу бўйича аниқ жавобгарлик белгилаш заруриятини ҳаётнинг ўзи тақозо этмоқда. 24) жабрланувчиларнинг ўзлари шахсий ва оилавий сирларини, махфий ахборот ва шахсга доир маълумотларини ижтимоий тармоқлар ва мессенжерларда эълон қилиши ва очиқлаши туфайли жамоат хавфсизлигига путур етувчи маълумотлар тарқалмоқда ва бундан эса, кибержиноятчилар уддабуронлик билан фойдаланишмоқда. Шу сабабли бу борада аниқ жавобгарликни белгилаш орқали шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлаш бугунги давр талабидир. 25) Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида» 2023 йил 11 сентябрдаги ПФ–158-сон Фармонида белгилаб қўйилган 96-мақсадни таъминлаш мақсадида жамоат хавфсизлигини таҳдид солувчи кибержиноятлар учун алоҳида жавобгарликни белгилаш мақсадга мувофиқ.

[1] Ўзбекистон Республикаси Конституцияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги
монографияга
7-ИЛОВА

Асосий бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий ТАҲЛИЛИ

т/р	жиноят номи	жиноят объекти	жиноят объектив томони	жиноят субъекти	жиноят субъектив томони	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
1.	Кибержиноий уюшма ташкил этиш	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар	Кибержиноий уюшма ташкил этиш, яъни ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб, кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда ёки у орқали кибержиноятларни амалга ошириш учун жиноий уюшма ёхуд унинг бўлинмаларини тузиш ёки унга раҳбарлик қилиш, шунингдек, уларнинг мавжуд бўлиши ва ишлаб туришини таъминлашга қаратилган фаолият ёки уюшган қуролли гуруҳ тузиш, шунингдек унга раҳбарлик қилиш ёки унда иштирок этиш	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	242-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)
2.	жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб легаллаштириш	жамоат хавфсизлиги, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар	Жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб легаллаштириш, яъни жиноий фаолиятдан олинган даромадларни ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб мулк (пул маблағлари ёки	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	243-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)

т/р	жиноят номи	жиноят объекти	жиноят объектив томони	жиноят субъекти	жиноят субъектив томони	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
			бошқа мол-мулк) жиноий фаолият натижасида топилган бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, худди шунингдек бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбаини, турган жойини, тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳуқуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яшириш ёхуд сир сақлаш			
3.	кибероммавий тартибсизликлар	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар	ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб оммавий тартибсизликларга ва фуқароларга нисбатан зўравонлик қилишга омма олдида даъват қилиш	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	244-модда иккинчи қисм (бевосита жавобгарлик мавжуд)
4.	жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид соладиган материалларни телекоммуникация ёки интернет тармоғи ёхуд ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этиш	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар	Диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб тайёрлаш ёки уларни тарқатиш мақсадида сақлаш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан,	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	244^1-модда учинчи қисм “г”-банди (бевосита жавобгарлик мавжуд)

т/р	жиноят номи	жиноят объекти	жиноят объектив томони	жиноят субъекти	жиноят субъектив томони	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
			телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб тайёрлаш, сақлаш ёки диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган маълумотлар ва материалларни ҳар қандай шаклда ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб тарқатиш, худди шунингдек фуқаролар тотувлигини бузиш, туҳматона, вазиятни беқарорлаштирувчи уйдирмалар тарқатиш ҳамда жамиятда қарор топган хулқ-атвор қоидаларига ва жамоат хавфсизлигига қарши қаратилган бошқа қилмишларни содир этиш мақсадида ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизими орқали диндан фойдаланиш, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш			
5.	диний мазмундаги материалларни қонунга хилоф	жамоат хавфсизлиги, ахборот,	Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда ахборот-	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	244^3-модда

т/р	жиноят номи	жиноят объекти	жиноят объектив томони	жиноят субъекти	жиноят субъектив томони	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
	равишда телекоммуникация ёки ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб тарқатиш	ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар	коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб тарқатиш			(бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)
6.	учувчисиз учадиган аппаратларни ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар	учувчисиз учадиган аппаратларни ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб қонунга хилоф равишда олиб кириш, ўтказиш, олиш, сақлаш ёки улардан фойдаланиш	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	244[4]-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)
7.	ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар	Карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликларнинг пайдо бўлиши ҳамда тарқалиши шароитида карантинли ва инсон учун хавфли бўлган бошқа юқумли касалликлар тарқалиши ҳақида ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тарқатиш	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	244[5]-модда иккинчи қисм (бевосита жавобгарлик мавжуд)
8.	ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация	Шахснинг қадр-қиммати камситилишига ёки унинг обрўсизлантирилишига олиб келадиган ёлғон ахборотни ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект,	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	244[6]-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд)

т/р	жиноят номи	жиноят объекти	жиноят объектив томони	жиноят субъекти	жиноят субъектив томони	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
	фойдаланиб ёлғон ахборот тарқатиш	технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар	ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб тарқатиш; Жамоат тартибига ёки хавфсизлигига таҳдид солувчи ёлғон ахборотни ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб тарқатиш			
9.	ўқотар куролни, ўқ-дориларни, ўқотар куролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб қонунга хилоф равишда эгаллаш	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар	Ўқотар куролни, ўқ-дориларни, ўқотар куролнинг асосий қисмларини, портловчи моддаларни, портлатиш воситаларини ёки портлатиш қурилмаларини киберўғрилик, киберфирибгарлик, киберрастрата, кибертовламачилик йўли билан эгаллаш	14 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	247-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)
10.	ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб ўқотар куролнинг, ўқ-дориларнинг, ўқотар курол асосий қисмларининг, портловчи моддаларнинг, портлатиш воситаларининг ёки портлатиш қурилмаларининг қонунга хилоф муомаласи	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар	Тегишли лицензияларсиз ёки рухсатномаларсиз ўқотар куролни, ўқ-дориларни, ўқотар куролнинг асосий қисмларини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб олиш, жўнатиш	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	248-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)
11.	Учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш ва	жамоат хавфсизлиги, ахборот,	Учувчисиз учадиган аппаратларни сақлаш, улардан фойдаланиш ёки уларни бошқа	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	248^1-модда

т/р	жиноят номи	жиноят объекти	жиноят объектив томони	жиноят субъекти	жиноят субъектив томони	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
	улардан фойдаланиш тартибини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб бузиш	ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар	шахсларга бериш тартибини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб бузиш, шунингдек улардан бошқа мақсадларда фойдаланиш			(бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)
12.	Портлаш хавфи бўлган моддалар ёки пиротехника буюмларидан фойдаланиш қоидаларини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб бузиш	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи	Портловчи, тез алангаланувчи, ўювчи моддаларни ёхуд пиротехника буюмларини сақлаш, ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш, жўнатиш қоидаларини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб бузиш	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	250-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)
13.	ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб пиротехника буюмларининг қонунга хилоф муомаласини амалга ошириш	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи	Пиротехника буюмларини қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб ташиш, жўнатиш, улардан фойдаланиш, худди шунингдек уларни қонунга хилоф равишда Ўзбекистон Республикасига олиб кириш (Ўзбекистон Республикасидан олиб чиқиш) ёки ўтказиш	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	250^1-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)
14.	кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда киберўғрилик ёки киберфирибгарлик йўли билан эгаллаш	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва	Кучли таъсир қилувчи ёки заҳарли моддаларни киберўғрилик ёки киберфирибгарлик йўли билан қонунга хилоф равишда эгаллаш	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	251-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)

т/р	жиноят номи	жиноят объекти	жиноят объектив томони	жиноят субъекти	жиноят субъектив томони	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
		ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар				
15.	Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб тайёрлаш, тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш ёки бундай моддаларни ёхуд заҳарли моддаларни қонунга хилоф равишда муомалага киритиш	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар	Гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари ёки психотроп моддалар ҳисобланмайдиган кучли таъсир қилувчи моддаларни тарғиб қилувчи маҳсулотни ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб тарқатиш, реклама қилиш, намойиш этиш	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	251[1]-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)
16.	Радиоактив материалларни ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб қонунга хилоф равишда эгаллаш	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар	Радиоактив материалларни ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб қонунга хилоф равишда эгаллаш, шу жумладан киберталончилик, киберўғрилик, киберўзлаштириш ёки киберрастрата қилиш йўли билан ёхуд телекоммуникация ёки интернет тармоғидан фойдаланиб алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан эгаллаш, худди шунингдек радиоактив материалларни қонунга хилоф равишда эгаллаш учун ахборот-коммуникация	14 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	252-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)

т/р	жиноят номи	жиноят объекти	жиноят объектив томони	жиноят субъекти	жиноят субъектив томони	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
			технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб молиялаштириш, бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағ-воситаларни, ресурсларни бериш ёхуд йиғиш, бошқа хизматлар кўрсатиш			
17.	Радиоактив материаллардан фойдаланиш қоидаларини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб бузиш	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи	Радиоактив материалларни сақлаш, ҳисобга олиш, улардан фойдаланиш, уларни ташиш, жўнатиш ва улар билан муомалада бўлишнинг бошқа қоидаларини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб бузиш	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	253-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)
18.	радиоактив материаллардан ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизими орқали қонунга хилоф равишда фойдаланиш	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи	Радиоактив материалларга ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб қонунга хилоф равишда эга бўлиш, уларни сақлаш, улардан фойдаланиш, уларни бировга ўтказиш, кўринишини ўзгартириш, сочиб юбориш ёки бузиш	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	254-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)
19.	Ядро қурилмаларидан фойдаланиш қоидаларини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация	Ядро энергияси билан боғлиқ объектлардан фойдаланиш қоидаларини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект,	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	255-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)

т/р	жиноят номи	жиноят объекти	жиноят объектив томони	жиноят субъекти	жиноят субъектив томони	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
	интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб бузиш	технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи	ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб бузиш			
20.	бактериологик, кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари турларини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи	Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномалари билан тақиқланган бактериологик (биологик), кимёвий ва бошқа хил ялпи қирғин қуроллари турларини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб олиш, бировга ўтказиш, сақлаш, қонунга хилоф равишда эгаллаш ва улар билан бошқа ҳаракатларни содир этиш	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	255^1-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)
21.	Нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб яроқсиз ҳолатга келтириш	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи	Нефть қувурларини, газ қувурларини, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларини, шунингдек технологик жиҳатдан улар билан боғлиқ бўлган объектларни, иншоотларни, алоқа, автоматика, сигнализация воситаларини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб қасддан бузиш, уларга шикаст етказиш ёки бошқа усул билан уларни фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш, агар ушбу ҳаракатлар уларнинг нормал ишлаши бузилишига олиб келса ёки олиб келиши мумкин бўлса	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	255^2-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)
22.	Тадқиқот фаолиятини амалга оширишда хавфсизлик	жамоат хавфсизлиги,	Илмий тадқиқот ёки синов тажриба фаолиятини амалга ошириш вақтида	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	256-модда

т/р	жиноят номи	жиноят объекти	жиноят объектив томони	жиноят субъекти	жиноят субъектив томони	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
	қоидаларини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб бузиш	ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи	хавфсизлик қоидаларини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб бузиш			(бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)
23.	Тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб бузиш	жамоат хавфсизлиги, ахборот, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект ва ахборот-коммуникация технологияларининг бошқа соҳаларини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар, шахснинг ҳаёти ва соғлиғи	Тоғ-кон, қурилиш ёки портлатиш ишлари хавфсизлиги қоидаларини ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, телекоммуникация тармоғи, интернет тармоғи, сунъий интеллект, ахборот-коммуникация тизимидан фойдаланиб бузиш	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	258-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд эмас)

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги монографияга
8-ИЛОВА

Кибербуллинг жиноятларининг айрим турлари ва уларнинг таснифи

т/р	Кибербуллинг номи (тури)	Кибербуллинг жиноятининг тавсифи
1.	**Киберхейтинг**	ўзи ёки ўзга шахс(лар)нинг ногиронлиги, тили, дини, миллати, ижтимоий келиб чиқиши ва бошқа ижтимоий белгиларидан келиб чиқиб ўзини ёки ўзга(лар)ни ҳимоялаш ниқоби остида шахсга ёки бир гуруҳ шахсларга нисбатан бошқа шахсларнинг нафратини уйғотиш орқали зўравонлик ёки камситиш[1] мақсадида кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда жабрланувчи қаттиқ танқид қилиш, асоссиз ва маъносиз сўзлар билан таҳдид қилиш, шарҳлар бериш, фикр қолдириш, изоҳ бериш орқали бошқаларнинг жабрланувчига нисбатан эътиборини қаратишга қаратилган кибертаҳдиддир, хатто сохта фойдаланувчилар борлигини ҳам билмаган ҳолда, жабрланувчи бутун дунё ёмон кўради, деган таассурот остида қолади
2.	**Кибертроллинг**	луғавий маъноси инглиз тилидан олинган бўлиб, қошиқ билан балиқ овлаш деган маънони англатиб, бу қилмиш жабрланувчини ғазаблантириш мақсадида уни масхара қилиш учун шошилинч ҳаракатларни амалга ошириш[2], *мисол учун*, ҳар хил ҳийла-найранглар ишлатиб, ўзларини бошқа одамдек кўрсатиб, жабрланувчини кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда очиқ суҳбатга олиб келиб, кейин ҳар хил масхаромуз харакатлар ва гаплар билан, аудио, видео, фотоматериаллар, шарҳлар, сўзлар, изоҳлар билан жабрланувчини масхаралаб[3], уни муросасиз ҳолатга солиб қўйиш орқали содир этилади
3.	**Кибермоббинг**	кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда миш-миш тарқатишга қаратилган шахсни обрўсизлантириш ва қадрсизлантиришга оид кибержиноятдир, бу тушунчани дастлаб

[1] В. Каменева, И. Морозова, Н. Рабкина. Хейтинг как вид киберагресси. Стереотипный образ хейтера в языковом сознании российский студентов // Вопросы психолингвистики. 2022. №2 (52). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/heyting-kak-vid-kiberagressii-stereotipnyy-obraz-heytera-v-yazykovom-soznanii-rossiyskih-studentov (дата обращения: 04.10.2024).

[2] https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%A2%D1%80%D0%BE%D0%BB%D0%BB%D0%B8%D0%BD%D0%B3.

[3] Ю. Агуреева. Кто такие «Интернет-тролли»? // Знак: проблемное поле медиаобразования. 2017. №1 (23). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/kto-takie-internet-trolli (дата обращения: 04.10.2024).

т/р	Кибербуллинг номи (тури)	Кибербуллинг жиноятининг тавсифи
		австриялик зоолог ва зоопсихолог К. Лоренц ўзининг “Агрессия тўғрисида”ги китобида ишлатган бўлиб, кейинчалик бу тушунча иш жойидаги психолог террор сифатида қўлланилиб келинган[1]. Кибермоббинг ёлғон ахборотни тарқатиш жинояти[2] бўлиб, бу Жиноят кодексининг 244[6]-моддасида назарда тутилган[3].
4.	**Киберсекстинг (sexting)**	телекоммуникация ва Интернет тармоғидан фойдаланиб бошқа шахсларнинг жинсий эҳтиёж (интим)га бўлган қизиқишини ошириш мақсадида шахсий фото ва видеоматериалларни тармоққа юбориш ёки ундан фойдаланиб жабрланувчига нонуний таъсир ўтказишдир ёки шахс танасининг ва (ёки) жинсий аъзоларининг яланғоч ҳолдаги фото- ва (ёки) видеотасвирини ўз ичига олган ахборотни унинг розилигисиз тарқатиш, шу жумладан оммавий ахборот воситаларида, телекоммуникация тармоқларида ёки Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ёхуд бундай ахборотни тарқатиш билан қўрқитишдир.
5.	**Киберҳеппислепинг**	кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда исталган бир шахснинг фото ва видеоматериалларини тармоққа жойлаштириш орқали ўзга шахсларнинг ушбу ахборотга нисбатан масхарамуз харакатларини уюштиришга қаратилган кибертаҳдиддир.
6.	**Киберкетфишинг**	кибербуллинг ичида энг оғир кибержиноят бўлиб, ушбу жиноятда кибертажавузкор жабрланувчининг шахсий профилини сохталаштиради[4] ёки уни клонлаш йўли билан ёхуд жабрланувчи номидан шахсий сохта профил яратиш[5] орқали ижтимоий тармоқларда жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларига дахл қилади. Сохта профилни эса, ҳақиқий профилдаги ва жабрланувчига тегишли ўзга манбалар орқали бойитиб боради, бугунги кунда бу орқали тажавузкорлар жабрланувчига бевосита таҳдид қилмаган ҳолда, унинг номидан бойишнинг,

[1] https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%9A%D0%B8%D0%B1%D0%B5%D1%80%D0%BC%D0%BE%D0%B1%D0%B1%D0%B8%D0%BD%D0%B3.

[2] О. Игошина, А. Янгляева. Кибермоббинг как информационная технология на процесс социализации мелодежи // Огарёв-Online. 2022. №5 (174). URL: https://cyberleninka.ru/article/n/kibermobbing-kak-informatsionnaya-tehnologiya-vozdeystviya-na-protsess-sotsializatsii-molodezhi (дата обращения: 04.10.2024).

[3] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

[4] https://www.malwarebytes.com/ru/cybersecurity/basics/catfishing.

[5] http://popkovapsiholog.myskimou7.edusite.ru/p98aa1.html.

т/р	Кибербуллинг номи (тури)	Кибербуллинг жиноятининг тавсифи
		обуначилар йиғишнинг энг оқилона усулини амалга оширишмоқда ва бу орқали фирибгарлик жиноятини яширинча содир этишмоқда[1].
7.	**Киберфейкинг**	киберкетфишинг каби фирибгарлик йўли билан кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда содир этиладиган, асосий мақсади жабрланувчининг шахсий профили ёки аккаунтига ўхшаш профил ёки аккаунтни яратади ва унда жабрланувчининг яқинлари ва танишларини бу сохта аккаунт ёки профил жабрланувчиники эканлигига ишонтиради[2], сўнг жабрланувчи номидан салбий харакатлар қилади, унинг номидан ҳақоратомуз сўзлар юборилишини таъминлайди.
8.	**Киберфрейпинг**	жабрланувчининг шахсга доир маълумотлари ва шахсий маълумотларини ноқонуний қўлга киритиб, унинг номидан ҳар қандай жабрланувчи фойдаланувидаги тармоққа, профил, аккаунтга кирган ҳолда, унинг номидан ҳар қандай харакатларни амалга оширишга қаратилган[3] кибербуллинг жиноятининг киберкетфишингдан ҳам оғир оқибатларга олиб келувчи жабрланувчининг тақдири ва ҳаётини тўғридан-тўғри таҳдид солувчи кибержиноятдир.
9.	**Кибersталкинг**	телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб жабрланувчини таъқиб қилиш, унга тегишли шахсий, оилавий сирларни билиб олиб, сўнг унинг розилигисиз жабрланувчига оид маълумотларни телекоммуникация ёки Интернет тармоғи орқали ошкор этиш йўли билан таҳдид қилишга қаратилган ёки ошкор қилиш орқали жабрланувчига зарар келтиришга қаратилган[4] кибербуллингдир.
10.	**Кибергриферинг (Кибергриферство)**	видеоўйинларда жабрланувчига халақит бериш ёки уни чалғитиш ёхуд унга таҳдид қилиш мақсадида[5] унинг шахсига оид маълумотларни ошкор қилилшга қаратилган кибербуллингдир.

[1] Р. Айсина. Психологическая безопасность взрослых интернет-пользователей: анализ современных исследований. Вестник Омского университета. Серия «Психология». 2019. № 1. С. 28–38.

[2] https://externat.foxford.ru/polezno-znat/kiberbulling-detej-i-podrostkov.

[3] Г. Тиркашева. Кибербуллинг среди детей: понятие, совраменные формы и защитные механизмы // Oriental Renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences. 2022. №5. – С.87.

[4] Кобец П.Н., Краснова К.А. Об общественной опасности кибersталкинга и необходимости его предупреждения // Вестник Восточно-Сибирского института МВД России. 2018. №3 (86). – С.78.

[5] А. Бочавер, К. Хломов. Кибербуллинг: травля в пространстве современных технологий // Психология. Журнал ВШЭ. 2014. №3. – с.182.

т/р	Кибербуллинг номи (тури)	Кибербуллинг жиноятининг тавсифи
11.	**Кибердиссинг**	жабрланувчи ҳақидаги туҳматона маълумотларни телекоммуникация ёки Интернет тармоғига жойлаштириш орқали тарқатиш ёки ошкор қилишга қаратилган ва шахснинг шаъни ва қадр-қимматини йўқотишга, туширишга, обрўсизлантиришга[1] қаратилган жиноятдир.
12.	**Кибераутинг**	вояга етмаган шахсларга оид содир бўлган ҳолатларни ёки маълумотларни самимий баён этаётгандек аслида бўртириб ошкор қилиш орқали унга кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда содир этиладиган кибертаҳдиддир. Бу вояга етмаган боланинг жинсий (интим) ҳаёти, топаётган даромади, харажатлари, унинг жинси, жинсининг ўзгарганлиги ёки ўзгариши, жинсий ҳаётга нисбатан қарашлари бўлиши мумкин ва кибержиноятчи ўз жиноятини ушбу маълумотларни ошкор этиш билан таҳдид ҳам қилиши мумкин[2]. Кибераутингнинг бошқа кибербуллинглардан фарқи шундаки бу турдаги кибержиноятларда жабрланувчининг шахсий фикри ва ғоялари бошқаларга бузиб кўрсатилади ва шу орқали у бошқалар кўз ўнгида салбий оброзга айланиб қолади[3].
13.	**Кибербойкот**	бир сўз билан айтганда жамиятдан шахсни узиб қўйишдир, мисол учун синфдошлар биргаликда жабрланувчини маълум бир ўйинларда, суҳбатларга ва харакатларга қасддан қўшмай қўйишади, оқибатда у жамиятдан узилиб қолади ва ўзини ёлғиз ҳис этади ва шу орқали психолик травмага дуч келади[4].
14.	**Кибертаъқиб** (Домогательство, Преследование)	кибержиноятчи кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда жабрланувчини тўлиқ таъқиб қилади, шу орқали жабрланувчида қўрқув ва ҳадикни қасддан вужудга келтиради, ўзига бўлган ишончни секинлик билан сусайтириб боради, беқарор руҳий бузилиш ҳолатига олиб келади[5], жабрланувчининг онгида вахима вужудга келишига сабаб бўлади.

[1] П. Кобец. Противодействие угрозам кибersталкинга - важнейшей проблеме, исследуемой в рамках совершенствования аспектов информационной безопасности регионов в условиях глобализации информационного пространства // Вестник Прикамского социального института. 2017. №1 (76). – С.29.

[2] Пыжова Н.В. Кибербуллинг или небезопасный Интернет.– С.3. https://mmcryb.edu.yar.ru/dokumenti_2021/pizhova_n_v__kiberbulling_ili_nebezopasniy_internet__vistuplenie_.pdf.

[3] https://reputation.moscow/pravila-perepechatki/.

[4] https://reputation.moscow/pravila-perepechatki/.

[5] https://reputation.moscow/pravila-perepechatki/.

т/р	Кибербуллинг номи (тури)	Кибербуллинг жиноятининг тавсифи
15.	**Киберфлейминг**	Интернетдаги ҳиссий алмашинув бўлиб[1], бунда кибержиноятчи жабрланувчини оғзаки ҳақорат қилади, ҳар хил ўйинлар бажартиради, “қонли батил” деб номланган номақбул ўйинларни ўйнашга қизиқтириб, шу орқали жабрланувчини дастлаб ўзига қарам ёки тобе қилдириб, кейин уни ҳар томонлама хўрлайди, шу орқали унинг номини қадрсизлантиради, шаъни ва қадр-қимматини тўкади, ушбу вазиятда жабрланувчи кибержиноятчига нисбатан етарлича муносабат билдира олмайдиган даражага ҳам тушиб қолиши мумкин.
16.	**Аноним таҳдидлар**	илгари аноним қораловчилар таҳдидли хатларни почта қутисига ташлаган бўлса, энди ҳақоратли ёзувлар электрон почтага, ижтимоий тармоқлардаги шахсий хабарларга ва ҳоказоларга юборилади[2]. Бундай хатларни жўнатувчилар, қоида тариқасида, жабрланувчидан бирор нарсага эришишни ёки шунчаки жиноятчини безовта қилишни хоҳлашади.
17.	**Кибероствракизм**	кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда жабрланувчи фойдаланишига ҳар томонлама тўсқинлик қилиш, унинг онлайн мурожаатларига жавоб бермаслик, унинг борлиги ва мурожаатларига муносабат билдирмаслик, кибермухитдан, шу жумладан, кибермакондан уни бегоналантириш, қора рўйхатга қўшиш[3] орқали унинг фикр беришига ва муносабат билдиришига йўл қўймаслик орқали уни ҳар томонмала ёлғизлатиб ташлашга қаратилган кибербуллингдир. Бу икки томонлама содир этилиши мумкин, яъни ижтимоий тармоқ модераторлари томонидан ёки унинг фойдаланувчилари томонидан биргаликда ёки алоҳида-алоҳида тарзда амалга оширилиши мумкин.
18.	**Кибералдов**	жабрланувчини алдаб, унинг ишончига кириб, унга оид шахсий, оилавий сир ва маълумотлар ҳамда махфий ахборотни қўлга киритиб, жабрланувчининг розилигисиз қасддан уларни кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда

[1] http://popkovapsiholog.myskimou7.edusite.ru/p98aa1.html.
[2] http://popkovapsiholog.myskimou7.edusite.ru/p98aa1.html.
[3] https://mihppk.ru/index.php?option=com_content&view=article&id=823&Itemid=343.

т/р	Кибербуллинг номи (тури)	Кибербуллинг жиноятининг тавсифи
		телекомуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб ошкор қилади, тарқатади[1].
19.	**Кибергрумминг**	кибершонтажликдир, яъни телекоммуникация тармоғи ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб, жабрланувчига ёки унинг яқин кишиларига руҳий зўрлик ишлатиш, психологик босим қилиш орқали мулкига шикаст етказиш ёки уни нобуд қилиш ёхуд жабрланувчининг ахборот ресурсини йўқ қилиш, ўзгартириш, эгаллаб олиш ёки тўсиб қўйиш ёки жабрланувчи учун сир сақланиши лозим бўлган маълумотларни ошкор қилиш, уни шарманда қиладиган уйдирмалар тарқатиш билан қўрқитиб ўзгадан номулкий йўсиндаги ҳаракатлар содир этишни талаб қилиш жиноятидир.
20.	**Кибersталкеринг**	жабрланувчига шахсига оид маълумотларни жабрланувчининг розилигисиз йиғиш жиноятидир[2].
21.	**Кибермасхаралаш**	дунёда энг кўп тарқалган ва энг содда усулда содир этиладиган, тармоқда жабрланувчига халақит бериш ёки унинг устидан кулиш учун унга ҳар хил гиф, мем ва бошқа хабарлар юбориш, уни тармоқда ҳар хил ҳолатга устидан кулиш, уни масхара қилиш орқали амалга оширилади, жабрланувчининг нуқтини қисқа кесиб олган ҳолда ёки жабрланувчининг шахсига оид фото ва видеоматериалларни тармоққа жойлаштириш орқали уни уялтиришга харакат қилиш орқали содир этиладиган кибербуллингдир.
22.	**Кибердоксинг**	жабрланувчига шахсий ҳаётига оид маълумотларни жабрланувчининг розилигисиз Интернет тармоғига жойлаштириш жиноятидир[3].
23.	**Ўзини ўзи ўлдириш даражасига етказиш**	шахсни қўрқитиш, унга раҳмсиз муомала қилиш ёки унинг шаъни ва қадр-қимматини кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб муттасил равишда камситиш натижасида уни ўзини ўзи ўлдириш даражасига ёки ўзини ўзи ўлдиришига суиқасд қилиш

[1] https://stop-ugroza.ru/life/10-form-kiberbullinga-ot-kids-kaspersky-ru/.

[2] https://sotkaonline.ru/blog/lifehacks/%D1%87%D1%82%D0%BE-%D1%82%D0%B0%D0%BA%D0%BE%D0%B5-%D0%BA%D0%B8%D0%B1%D0%B5%D1%80%D0%B1%D1%83%D0%BB%D0%BB%D0%B8%D0%BD%D0%B3/.

[3] https://sotkaonline.ru/blog/lifehacks/%D1%87%D1%82%D0%BE-%D1%82%D0%B0%D0%BA%D0%BE%D0%B5-%D0%BA%D0%B8%D0%B1%D0%B5%D1%80%D0%B1%D1%83%D0%BB%D0%BB%D0%B8%D0%BD%D0%B3/.

т/р	Кибербуллинг номи (тури)	Кибербуллинг жиноятининг тавсифи
		даражасига етказиш орқали амалга оширилади. Бунинг учун жиноят кодексимизнинг 103-моддасининг иккинчи қисми “г”-бандида жиноий жавобгарлик белгиланган[1].
24.	**Ўзини ўзи ўлдиришга ундаш**	кибермуҳитда телекоммуникация ёки Интернет тармоғидан фойдаланиб кўндириш, алдаш ёки бошқа йўл билан ўзга шахсда ўзини ўзи ўлдириш ҳиссини уйғотиш орқали шахс ўзини ўзи ўлдирадиган ёки ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қиладиган энг оғир кибербуллинг жиноятларидан биридир. Бунинг учун жиноят кодексимизнинг 103[1]-моддасининг иккинчи қисми “в”-бандида жиноий жавобгарлик белгиланган[2].

[1] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.
[2] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги монографияга
9-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида энг оммабоп бўлган кибербуллинг амалга ошириладиган ижтимоий тармоқда фаолият кўрсатувчи мобил иловалар

Т-р	Мобил илова номи	Фойдаланувчи сони	Мобил илова номи	Фойдаланувчи сони
1.	Telegram	1 млрд.дан ортиқ	Threads	100 млн.дан ортиқ
2.	VK	10 млн.дан ортиқ	Telegram X	100 млн.дан ортиқ
3.	ShareChat	500 млн.дан ортиқ	Tango	100 млн.дан ортиқ
4.	Facebook	5 млрд.дан ортиқ	X	1 млрд.дан ортиқ
5.	Linky Al	5 млн.дан ортиқ	Bigolive	500 млн.дан ортиқ
6.	Facebook Lite	1 млрд.дан ортиқ	MeetMe	100 млн.дан ортиқ
7.	Tik Tok	1 млрд.дан ортиқ	Hinge Dting app	10 млн.дан ортиқ
8.	Instagram	5 млрд.дан ортиқ	Tinder	100 млн.дан ортиқ
9.	Bumble	50 млн.дан ортиқ	Badoo	100 млн.дан ортиқ
10.	WeChat	100 млн.дан ортиқ	Boo	10 млн.дан ортиқ
11.	Анонимные знакомства и чат	5 млн.дан ортиқ	Знакомства на Фотостране	10 млн.дан ортиқ
12.	Goodnight	5 млн.дан ортиқ	Знакомства и обращение	50 млн.дан ортиқ
13.	Cofee Meets Bagel Dating App	5 млн.дан ортиқ	CUPI CHAT	5 млн.дан ортиқ
14.	Zoosk	10 млн.дан ортиқ	Eris	10 млн.дан ортиқ
15.	Maybe you	10 млн.дан ортиқ	Мята	5 млн.дан ортиқ
16.	Mingle2	10 млн.дан ортиқ	2Steps	10 млн.дан ортиқ
17.	Only Spark	5 млн.дан ортиқ	Chat&Date	10 млн.дан ортиқ
18.	Мамба	10 млн.дан ортиқ	InterntionalCupid	5 млн.дан ортиқ
19.	Likerro	10 млн.дан ортиқ	Glambu	5 млн.дан ортиқ
20.	Чат знакомств Galaxy	10 млн.дан ортиқ	RandoChat	10 млн.дан ортиқ
21.	Hily Dating app: Meet&Date	10 млн.дан ортиқ	buzzArab Arab&Muslim Dating	5 млн.дан ортиқ
22.	CSL	10 млн.дан ортиқ	Finally App	5 млн.дан ортиқ
23.	Dating.com	10 млн.дан ортиқ	Soidfa	5 млн.дан ортиқ
24.	Tabor	10 млн.дан ортиқ	Afrolntroductions	5 млн.дан ортиқ
25.	Muslima	5 млн.дан ортиқ	LovePlanet	10 млн.дан ортиқ
26.	Знакомства и обращение	10 млн.дан ортиқ	Анонимный чат рулетка	5 млн.дан ортиқ
27.	ROMEO	5 млн.дан ортиқ	WooPlus	5 млн.дан ортиқ
28.	DateMyAge Maature&Senior Date	5 млн.дан ортиқ	Muzz	5 млн.дан ортиқ
29.	БЛУМ	10 млн.дан ортиқ	Happn	100 млн.дан ортиқ
30.	Знакомства и чат	50 млн.дан ортиқ	Загрузчик видео HD-Vidow	10 млн.дан ортиқ
31.	Знакомства и общение	10 млн.дан ортиқ	Likee Lite	100 млн.дан ортиқ
32.	Мамба	10 млн.дан ортиқ	imo	1 млрд.дан ортиқ
33.	WhatsApp	1 млрд.дан ортиқ	Plus Messenjer	50 млн.дан ортиқ
34.	PUBG	500 млн.дан ортиқ	Alien Creeps TD	10 млн.дан ортиқ
35.	Lord	500 млн.дан ортиқ	Trench Assault	10 млн.дан ортиқ
36.	Clash	500 млн.дан ортиқ	Rise of Kingdoms	50 млн.дан ортиқ
37.	State.io	50 млн.дан ортиқ	SIEGE	5 млн.дан ортиқ
38.	Art of War	10 млн.дан ортиқ	War Commander	10 млн.дан ортиқ
39.	Supremacy 1914	10 млн.дан ортиқ	Stich War	100 млн.дан ортиқ
40.	Plants vs. Zombies	500 млн.дан ортиқ	Башня обороны король	10 млн.дан ортиқ
41.	Zoombie War	10 млн.дан ортиқ	Linedln	1 млрд.дан ортиқ
42.	Vidogram	10 млн.дан ортиқ	Rakuten Viber	1 млрд.дан ортиқ
43.	Snapchat	1 млрд.дан ортиқ	Zangi Messenjer	10 млн.дан ортиқ
44.	Threema	5 млн.дан ортиқ	Duo Call	10 млн.дан ортиқ

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги
монографияга
10-ИЛОВА

Қўшимча бевосита объекти «жамоат хавфсизлиги» бўлган кибержиноятларнинг ёки рақамли технологиялар соҳасига қарши қаратилган кибержиноятларнинг жиноий-ҳуқуқий таҳлили

т/р	жиноят номи	жиноят объекти	жиноят объектив томони	жиноят субъекти	жиноят субъектив томони	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
1.	Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш	ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, ахборотлаштириш, сунъий интеллект соҳасини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар ва жамоат хавфсизлиги	Ахборотлаштириш қоидаларини бузиш, яъни белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш ҳамда ахборот тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилиши	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	278^1-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд)
2.	Компьютер ахборотидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш	ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, ахборотлаштириш, сунъий интеллект, телекоммуникация, почта алоқаси, радиочастота соҳасини муҳофаза қилувчи ижтимоий муносабатлар ва жамоат хавфсизлиги	Компьютер ахборотидан, яъни ахборот-ҳисоблаш тизимлари, тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши ёхуд унинг қўлга киритилишига, электрон ҳисоблаш машиналари, электрон ҳисоблаш машиналари тизими ёки уларнинг тармоқлари ишининг бузилиши	16 ёшли ақли расо шахс	Қасддан	278^2-модда (бевосита жавобгарлик мавжуд)

т/р	жиноят номи	жиноят объекти	жиноят объектив томони	жиноят субъекти	жиноят субъектив томони	Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси
15.	Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизлик концепциясидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатга мўлжалланган миллий киберхавфсизлик стратегиясини тасдиқлаш;
16.	Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатга мўлжалланган миллий киберхавфсизлик стратегиясини амалга ошириш режаси (йўл-харита)ни тасдиқлаш;

17.	киберхавфсизлик соҳасида кадрларни бошланғич, ўрта, ўрта-махсус ва олий таълимда мажбурий ўқитилишини ва узлуксиз амалга оширилишини таъминлаш;
18.	«Киберхавфсизлик», «Киберхавфсизлик асослари», «Киберҳуқуқ» каби фанлар ва киберхавфсизликка оид ўқув дастурлари ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;
19.	кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда рақамли назоратни ўрнатиш учун «Рақамли назорат» комплекс ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш ва унга барча давлат органлари ва ташкилотлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча киберхавфсизлик субъектларининг ахборот тизимлари уланиши, уларнинг махфийлик сиёсатига риоя этган ҳолда улар устидан рақамли назоратни амалга ошириш;
20.	шахсга доир маълумотлар базаси ва булутли технологияларга оид мажбурий махсус талабларни белгилаш;
21.	Ўзбекистон Республикасида 24/7 режимда ишловчи халқаро ва миллий кибермайдонда бўлаётган кибурхуружлар бўйича халқаро ҳамкорлик, мурожаатлар билан ишлаш тизимини йўлга қўйиш;
22.	ДХХ, Миллий гвардия, Ички ишлар вазирлиги, Рақамли технологиялар вазирлиги, Марказий банк, Мудофаа вазирлиги, Ўзкомназорат ва бошқа идоралар фаолиятини қайта кўриб чиқиб, киберхавфсизлик соҳасини назорат қилувчи, мувофиқлаштирувчи органни белгилаш;
23.	Ўзбекистон Республикасидаги барча ахборот инфратузилмаларини хатловдан ўтказиш ва муҳим ахборот инфратузилмаларининг реестрини шакллантириш, уларнинг реестрини мунтазам юритиб борилишини таъминлаш;
24.	кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда рақамли назоратни ўрнатиш тартиб-таомилларини белгилаш;
25.	ахборот соҳаси ва киберҳуқуқбузарлик соҳасини ўзаро яқинлаштириш орқали ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, Ахборот-коммуникация технологиялари кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;
26.	алоқа, ахборотлаштириш, электрон ҳукумат, электрон рақамли имзо, сунъий интеллект, рақамли технологиялар, рақамлаштириш, телекоммуникация ва бошқа соҳаларга оид назорат тадбирларини ўтказиш тартибини белгилаш;
27.	Республика рақамли технологиялар экспертиза марказини ташкил этиш ва унинг бўйсинувини назорат қилувчи органга ўтказиш орқали ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида ўтказилаётган экспертиза турларини амалга оширувчи ягона давлат экспертиза муассасасини белгилаш;

28.	юридик ва техник фанлар бўйича ягона киберхавфсизлик бўйича мутахассис етиштирувчи олий таълим ташкилотини ташкил этиш;
29.	кибержиноятлар дунёдаги энг кўп содир бўладиган ва энг кўп зарар келтирувчи жиноятларга айланиб боради;
30.	жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жавобгарликни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг алоҳида моддасида, бобида ёки бўлиимда ифодалаш имкони мавжуд эмас;
31.	жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар ва жамият хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар ўзаро фарқ қилади ҳамда Жиноят кодексининг олтинчи бўлими ва ундаги жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар бобларини жамият хавфсизлиги ва тартибига қарши жиноятлар деб ўзгартириш даркор;
32.	Ўзбекистон Республикасининг “Жамият хавфсизлиги ва тартиби тўғрисида”ги ва “Жамоат хавфсизлиги ва тартиби тўғрисида”ги қонунларини қабул қилиш даркор.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги монографияга
16-ИЛОВА

“ЛОЙИҲА

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган фойдаланувчи қурилмасининг ҳисобини юритишнинг маъмурий регламентини тасдиқлаш тўғрисида

Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган фойдаланувчи қурилмасининг ҳисобини юритиш орқали шахс, жамият ва давлат манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган фойдаланувчи қурилмасининг ҳисобини юритишнинг маъмурий регламенти иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Белгилансинки:

Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган фойдаланувчи қурилмаларининг физик манзилларини ўзгартириш ёки ёлғон ва нотўғри маълумотлар билан рўйхатдан ўтказиш тақиқланади;

ушбу қарор билан тасдиқланган маъмурий регламентга мувофиқ сервис Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали автоматик кўрсатилади.

3. Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси Рақамли технологиялар вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда:

ушбу қарор билан тасдиқланган Регламентга мувофиқ сервисни кўрсатиш ЯИДХП орқали жорий этилишини таъминласин;

ЯИДХПда сервис кўрсатилишининг ҳар бир босқичида мурожаатлар кўриб чиқилишини кузатиб бориш имкониятини яратсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси рақамли технологиялар вазири Ш. Х. Шерматов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири **А. Арипов**

Вазирлар Маҳкамасининг
2025 йил “___”_____-сон қарорига
ИЛОВА

Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган фойдаланувчи қурилмасининг ҳисобини юритишнинг
МАЪМУРИЙ РЕГЛАМЕНТИ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Маъмурий регламент (кейинги ўринларда — Регламент) Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган фойдаланувчи қурилмасининг ҳисобини юритиш (кейинги ўринларда — сервис) тартибини белгилайди.

Сервис Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали “3 қадам” тамойили асосида Регламентга 1-иловада келтирилган схемага мувофиқ кўрсатилади.

2. Сервис белгиланган тартибда ЯИДХП орқали Ўзбекистон Республикаси Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар бўйича назорат инспекцияси (кейинги ўринларда — Инспекция) томонидан кўрсатилади.

3. Регламентда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

ариза берувчи – Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган қурилмани ишлаб чиқарувчи, сотувчи ёки мулкдори бўлган фойдаланувчи;

Интернет жаҳон ахборот тармоғи – ягона адрес ва номлар маконидан фойдаланиладиган, шлюзлар ёрдамида бирлаштирилган, ягона TCP/ИП протоколига мувофиқ ишлайдиган кўплаб тармоқлардан иборат глобал халқаро тармоқ;

физик манзил (MAC манзил) – Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган қурилмани идентификациялаш имконини берувчи манзил.

4. Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган қурилмаларни ариза берувчи ушбу Регламентга мувофиқ рўйхатдан ўтказмасдан фойдаланиши, сервис учун ёлғон ёки нотўғри маълумотларни бериши, қурилманинг физик манзилини ўзгартириши ва ўзгартирилган қурилмалардан фойдаланиши тақиқланади.

2-боб. Давлат хизматини кўрсатиш тартиби

4. Ариза берувчи сервисдан фойдаланишнинг биринчи қадамида ЯИДХПда рўйхатдан ўтади ҳамда ушбу Регламентга 2-иловада келтирилган шаклга мувофиқ электрон шаклда сўровнома тўлдиради.

Зарур маълумотлар сўровномага киритилгандан сўнг ариза берувчи маълумотларнинг тўғрилигини текширади ва имзоларни идентификация қилишнинг тегишли воситалари билан тасдиқлайди.

5. Ариза берувчи сўровномадаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун жавобгардир. Ёлғон ёки нотўғри маълумотларни сўровномада кўрсатиш тақиқланади.

6. Ариза берувчи сервиснинг иккинчи қадамида базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 фоизи миқдорида сервис учун тўлов тўлайди ва тўлов амалга оширилганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.

Тўланган сумма қуйидаги тартибда тақсимланади:

11,75 фоизи — “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассасасининг Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳузуридаги Ғазначилик хизмати

қўмитасидаги шахсий ҳисобварағига (шу жумладан, 0,5 фоизи йиғим тўланганлиги Ягона биллинг тизими орқали тасдиқланганлиги учун);

қолган маблағлар — инспекция ҳисобварағига ўтказилади.

Ариза берувчи сервисдан фойдаланишдан бош тортганда, тўланган тўлов суммаси қайтарилмайди.

7. Сўровномада нотўғри маълумотлар кўрсатилган ёки тўлов тўланмаган тақдирда сервисни кўрсатиш рад этилади.

Сервисни кўрсатишни ушбу банднинг биринчи хатбошидан бошқа асослар бўйича рад этиш тақиқланади.

6. Тўлов тасдиқланганидан сўнг сервиснинг учинчи қадамида 3-иловага мувофиқ шаклда Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган фойдаланувчи қурилмасининг физик манзили тасдиқланганлиги бўйича ЯИДХПда ҚР-код (матрик штрихли код) билан тасдиқланган ҳолда, автоматик паспорти расмийлаштирилади ва ариза берувчининг шахсий кабинетига юборилади.

7. Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган фойдаланувчи қурилмасининг физик манзили паспорти чекланмаган муддатга берилади.

3-боб. Якуний қоидалар.

8. Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган қурилмаларни ариза берувчи ушбу Регламентга мувофиқ рўйхатдан ўтказмасдан фойдаланиши, сервис учун ёлғон ёки нотўғри маълумотларни бериши, қурилманинг физик манзилини ўзгартириши, ўзгартирилган қурилмалардан фойдаланиши, Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган фойдаланувчи қурилмасининг физик манзили паспортини сохталаштириш қонунчиликда назарда тутилган жавобгарликка сабаб бўлади.

9. Инспекция томонидан кўрсатилаётган ҳар бир сервис реестри автоматик юритилади ҳамда ушбу регламентнинг назорати амалга оширилади.

10. Мазкур Регламент талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонунчилик ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган фойдаланувчи қурилмасининг ҳисобини юритишнинг маъмурий регламентига
1-ИЛОВА

Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган фойдаланувчи қурилмасининг ҳисобини юритиш сервисини кўрсатиш

СХЕМАСИ

Босқичлар	Субъектлар	Тадбирлар	Бажариш муддатлари
1-босқич	Ариза берувчи	Сервисдан фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари портали (кейинги ўринларда — ЯИДХП) орқали электрон шаклда сўровнома тўлдиради ва сўровноманинг тўғрилигини тасдиқлайди.	Ўз хоҳишига кўра, реал вақт режимида
2-босқич	Ариза берувчи	Сервис учун тўлов тўлайди ва тўлов амалга оширилганлиги ахборот-коммуникация тизимлари орқали тасдиқланади.	реал вақт режимида
3-босқич	ЯИДХП	Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган фойдаланувчи қурилмасининг физик манзили тасдиқланганлиги бўйича ЯИДХПда ҚР-код (матрик штрихли код) билан тасдиқланган ҳолда, автоматик паспорти расмийлаштирилади ва ариза берувчининг шахсий кабинетига юборилади.	реал вақт режимида

Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига
эга бўлган фойдаланувчи қурилмасининг ҳисобини
юритишнинг маъмурий регламентига
2-ИЛОВА

Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган фойдаланувчи қурилмасининг ҳисобини юритиш сервисини кўрсатиш бўйича

СЎРОВНОМА

И. Жисмоний шахс тўғрисида маълумот	
1. Ф.И.О.	
2. Туғилган жойи ва санаси	
3. Биометрик паспорти (идентификацияловчи ID-картаси) серияси ва рақами	
4. ЖШШИР	
5. Доимий яшаш жойи ёки вақтинча рўйхатда турган жойи манзили	
6. Телефон рақами	
7. Қурилма номи ва модели (русуми):	
8. Қурилманинг физик (MAC) манзили	
9. Қурилмани ишлаб чиқарувчи	
ИИ. Юридик шахслар шахс тўғрисида маълумот	
1. Юридик шахс номи ва ташкилий ҳуқуқий шакли	
2. Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома рақами ва санаси	
3. СТИР	
4. Юридик шахс раҳбари Ф.И.О.	
5. Туғилган жойи ва санаси	
6. Биометрик паспорти (идентификацияловчи ID-картаси) серияси ва рақами	
8. ЖШШИР	
9. Юридик шахс жойлашган манзили	
10. Телефон рақами	
11. Қурилма номи ва модели (русуми):	
12. Қурилманинг физик (MAC) манзили	
13. Қурилмани ишлаб чиқарувчи	

Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига
эга бўлган фойдаланувчи қурилмасининг ҳисобини
юритишнинг маъмурий регламентига
3-ИЛОВА

Интернет жаҳон ахборот тармоғига уланиш имкониятига эга бўлган фойдаланувчи қурилмаси паспорти

I. Жисмоний шахс тўғрисида маълумот	
1. Ф.И.О.	
2. Туғилган жойи ва санаси	
3. Биометрик паспорти (идентификацияловчи ID-картаси) серияси ва рақами	
4. ЖШШИР	
5. Доимий яшаш жойи ёки вақтинча рўйхатда турган жойи манзили	
6. Телефон рақами	
7. Қурилма номи ва модели (русуми):	
8. Қурилманинг физик (MAC) манзили	
9. Қурилмани ишлаб чиқарувчи	
II. Юридик шахслар шахс тўғрисида маълумот	
1. Юридик шахс номи ва ташкилий ҳуқуқий шакли	
2. Юридик шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги ҳақидаги гувоҳнома рақами ва санаси	
3. СТИР	
4. Юридик шахс раҳбари Ф.И.О.	
5. Туғилган жойи ва санаси	
6. Биометрик паспорти (идентификацияловчи ID-картаси) серияси ва рақами	
8. ЖШШИР	
9. Юридик шахс жойлашган манзили	
10. Телефон рақами	
11. Қурилма номи ва модели (русуми):	
12. Қурилманинг физик (MAC) манзили	
13. Қурилмани ишлаб чиқарувчи	

Ўзбекистон Республикаси
Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар
бўйича назорат инспекцияси

QD-КОД

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги монографияга
17-ИЛОВА

“ЛОЙИҲА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2025 йил “ ” ___даги ПҚ–___-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикасида рақамли назоратни амалга оширишни тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом “Алоқа назорати” ахборот тизими ва “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимининг ишлаши, улар орқали келиб тушаётган мурожаатларни кўриб чиқиш ва қонун бузилишлари учун жавобгарликни қўллаш тартиби, “Алоқа назорати”, “Рақамли харита”, “Рақамли самарадорлик” ахборот тизимлари ва “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими субъектларининг ҳуқуқий ҳолатини белгилайди.

2. Ушбу Низом талаблари ташкилий ҳуқуқий шаклидан қатъий назар давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний ва юридик шахсларга (кейинги ўринларда Тизим маъмури деб юритилади) татбиқ этилади ва мажбурий ҳисобланади.

3. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

администратор – Тизим маъмури мансабдор шахси, шу жумладан ходими ёки жисмоний шахс;

“Алоқа назорати” ахборот тизими – соҳага оид мурожаатларни, хат-хабарларни, хулосаларни расмий мурожаат сифатида кўриб чиқишга ихтисослашган ахборот тизими;

алоқа сифати экспертизаси – телекоммуникация оператори ёки провайдерининг кўрсатилаётган телекоммуникация хизматлари сифатини ва маълумотлар узатиш тезлигини аниқлаб берувчи экспертиза тури;

ахборот тизими (кейинги ўринларда **тизим** деб юритилади) – ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ҳамда ундан фойдаланиш имконини берадиган, ташкилий жиҳатдан тартибга солинган жами ахборот ресурслари, шу жумладан, электрон шаклдаги ахборот, маълумотлар банки, маълумотлар базаси, очиқ шаклда жойлаштириладиган ёхуд эълон қилинадиган аудио-, видео-, график ва матнли, рақамли ахборот, ахборот технологиялари ва бошқа техник воситалар;

Давлат инспекцияси – Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Рақамли технологиялар ва коммуникациялар бўйича давлат назорати инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари;

домен номи – ахборот ресурсига ёки ахборот тизимига берилган, уларни Интернет жаҳон ахборот тармоғида идентификациялаш учун хизмат қиладиган ноёб ном;

домен номлари тизими – Интернет жаҳон ахборот тармоғида домен номларини бериш, рўйхатдан ўтказиш ва улардан фойдаланиш тартиби;

домени Маъмури – “УЗ” доменининг асосий Реестрини бошқариш ва “УЗ” доменини ривожлантиришнинг асосий йўналишларини белгилашга давлат томонидан ваколат берилган ташкилот;

Домен номининг Маъмури – домен номини ўз номига рўйхатдан ўтказган юридик ёки жисмоний шахс;

миллий почта тизими – Давлат органлари ва ташкилотлари томонидан йўлланувчи хат-хабарларни етказиб бериш, етказилганлигини тасдиқлаш, маълумотларни сақлаш ва ҳисобга олишнинг ягона миллий тизими;

мурожаат этувчи – Давлат инспекциясига мурожаат этаётган ҳамда “Алоқа назорати” ахборот тизимида мурожаати рўйхатга олинган жисмоний ва юридик шахслар, давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий ижро этувчи органлар, хўжалик юритувчи субъектлар;

назорат синови – тизимда ва ундан ёки тармоқдан фойдаланиб амалга ошириладиган рақамли хизматларнинг иш фаолиятини реал вақт режимида мониторинг қилиш жараёнини ифодаловчи синов;

рақамли ҳуқуқбузарлик – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда ва бошқа қонунчилик ҳужжатларига мувофиқ соҳада, тизим ёки (ва) тармоқда ёки улардан фойдаланиб содир этилган ҳуқуқбузарликлар ёки шундай ҳуқуқбузарлик содир этилишига йўл қўйиб берилган ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) амалга оширилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик;

Рўйхатдан ўтказувчи – домен номларини рўйхатдан ўтказиш бўйича домен Маъмури билан тузилган шартномага асосан хизматлар кўрсатадиган ва домен номи тўғрисидаги зарур ахборотни асосий Реестрга киритилишини таъминлайдиган юридик шахс;

Рақамли технологиялар ва техник воситалар экспертизаси – тизим, маълумотлар базаси, тармоқ, дастурий маҳсулот, аппарат, аппарат-дастурий восита, дастурий восита, алоқа воситаси ва бошқа техник воситаларга оид экспертиза;

рақамли назорат – “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига уланган тизим, тармоқнинг техник иш ҳолати, фаолияти ва ишлашини реал вақт режимида кузатиб бориш жараёни, шунингдек, рақамли ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш, уларга қарши курашиш ҳамда чора кўриш, экспертизадан ўтказиш орқали соҳада амалга оширилаётган назоратни рақамли кўринишда амалга оширишга оид назорат шакли;

“Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими – алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект, рақамли ва аэрокосмик технологиялар ва хизматлар, сервислар кўрсатиш соҳасини, Ўзбекистон Республикасининг рақамлаштириш трансформациясини, тизим, тармоқнинг узилиш, тўхталиш ва иш фаолиятига оид хатоликларни ва қонун бузилишларини автоматик аниқлаш, рақамли мурожаатлар ва ҳуқуқбузарликни кўриб чиқишга, жавобгарликни қўллашга, рақамли технологиялар соҳасидаги экспертизаларни ҳал этишга қаратилган ихтисослашган комплекс идоралараро ахборот тизими;

рақамли хизматлар – рақамли технологиялардан фойдаланилган ҳолда электрон шаклда кўрсатиладиган хизмат ва сервислар;

рейтинг баҳолаш – рейтинг кўрсаткичлари ва мезонлари ёрдамида ахборот тизими ҳолатини энг юқори натижадан энг қуйи натижагача саралланган рўйхатдаги ўрнини белгилаш;

Рақамли технологиялар ва коммуникациялар соҳаси (кейинги ўринларда **соҳа** деб юритилади) – алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий

интеллект, рақамли ва аэрокосмик технологиялар соҳасини ҳамда ушбу соҳалардаги бозор, шунингдек, ахборот-коммуникация технологиялари, рақамлаштириш, “Рақамли ҳукумат”, рақамли иқтисодиёт, ахборот хавфсизлиги, радиочастота спектридан фойдаланиш, электрон рақамли имзо, электрон ҳужжат айланиши соҳалари, тизим, маълумотлар базаси, тармоқ, дастурий маҳсулот, аппарат, аппарат-дастурий восита, дастурий восита, алоқа воситалари ва бошқа техник воситалар, рақамли хизматлар фаолияти ва уларнинг фаолиятига оид ёки улардан фойдаланиб амалга ошириладиган муносабатлар бўйича махсус соҳа;

сервис – Давлат инспекцияси томонидан “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида амалга ошириладиган сервислар;

ташкилот – рақамли ҳуқуқбузарликни кўриб чиқишни тааллуқлилиги бўйича Давлат инспекциясига юборишга мажбур бўлган давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, юридик шахслар ва хўжалик юритувчи субъектлар;

телекоммуникация тармоғи (кейинги ўринларда **тармоқ** деб юритилади) – алоқа линиялари ёки алоқа каналлари орқали ўзаро боғланган, телекоммуникацияларни амалга оширадиган ускуналар мажмуи бўлиб, унга кўра, маҳаллий, шаҳарлараро ёки халқаро телекоммуникациялар тармоғи, кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоғи, кўчма радиотелефон (радиотелефон, транкли) тармоғи, республика ҳудудида йўлдош алоқа тармоғи, кўчма радиотелефон (уяли) алоқа тармоғи, маълумотлар узатиш тармоғи, телерадиоэшиттиришларни тарқатиш (трансляция қилиш) тармоғи, шунингдек, Интернет тармоғи киради;

тўхталиш – тизим ёки тармоққа хизмат кўрсатувчи қурилмаларда техник хатолик юзага келиши ёки бошқа сабабларга кўра ишламай қолиш ҳолати;

узилиш – тизим ёки тармоқнинг дастурий қисмида юзага келган хатоликлар сабабли унинг вақтинча ишламай қолиш ҳолати;

ваколатли орган – қонунчилик ҳужжати билан тегишли соҳада ваколат берилган давлат органи сифатида эътироф этилган орган ёки коллегиал орган.

4. “Алоқа назорати” ахборот тизими орқали келиб тушган ёки унга киритилган ташкилот, ваколатли органларнинг хат-хабарлари, мурожаат этувчиларнинг мурожаатлари ҳамда “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими орқали аниқланган қонун бузилишлар, шунингдек, “Алоқа назорати” ахборот тизимига киритилган мониторинг, текшириш, ўрганиш назорат тадбирлари, кўрик давомида аниқланган рақамли ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, алоқа сифати экспертизаси ҳамда рақамли технологиялар ва техник воситалар экспертизасига оид ҳужжатлар (кейинги ўринларда назорат ҳужжатлари деб юритилади) расмий мурожаат сифатида Давлат инспекцияси томонидан кўриб чиқилади.

5. Давлат инспекцияси соҳада, шу жумладан, тармоқ ёки тизимда ёҳуд ундан фойдаланиб содир этиладиган ёки шундай ҳуқуқбузарлик содир этилишига йўл қўйиб берилган ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқувчи ва жазо қўлловчи ҳамда тармоқ ёки тизимни экспертизадан ўтказувчи, алоқа сифати экспертизаси ҳамда рақамли технологиялар ва техник воситалар экспертизаси бўйича хулоса берувчи ваколатли давлат органи ҳисобланади.

“Алоқа назорати”, “Рақамли самарадорлик” ва “Рақамли харита” ахборот тизимлари ҳамда “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими эгаси Давлат инспекцияси ҳамда оператори “Рақамли технологиялар республика экспертиза маркази” ДМ ҳисобланади.

2-боб. “Алоқа назорати” ахборот тизими орқали мурожаатлар билан ишлаш тартиби

6. “Алоқа назорати” ахборот тизими орқали келиб тушган ёки унга киритилган қуйидаги назорат ҳужжатлари ёки рақамли ҳуқуқбузарликлар расмий мурожаат сифатида ташкилий-ҳуқуқий шаклидан қатъий назар давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва суд томонидан Давлат инспекциясига юборилиши шарт, шунингдек, ушбу мурожаат ва хат-хабарлар Давлат инспекцияси томонидан қуйидагилардан бири бўлганда кўриб чиқилади:

мурожаат этувчиларнинг мурожаатлари;

Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги тақдимномаси ёки хулосасига кўра, Ўзбекистон Республикаси қонунчилик ҳужжатлари талабларини бузган ахборот соҳаси субъектларига нисбатан белгиланган тартибда чоралар кўрилишига оид хулосалар;

“Рақамли технологиялар республика экспертиза маркази” ДМ ёки ваколатли органлар томонидан ўзлари ваколатли бўлган йўналишларда аниқланган ҳуқуқбузарлик бўйича юборган хулосалари ёки мурожаатлари;

Давлат инспекциясининг мониторинг, текшириш ва ўрганиш давомида аниқлаган қонун бузилиши ҳолатларига оид ҳужжатлари.

7. Ушбу Низомнинг 6-бандида назарда тутилган мурожаатлар “Алоқа назорати” ахборот тизимига қуйидаги тартибда киритилади:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг виртуал қабулхонаси, “1144”, “1199” ишонч телефон рақамлари, “Алоқа назорати” ахборот тизими мобил иловаси, “edo.ijro.uz” тизими орқали келиб тушган мурожаатлар автоматик тарзда кўринади;

қолган мурожаатлар Давлат инспекциясининг мурожаатларни кўриб чиқишга масъул бўлинмаси томонидан рўйхатга олинади ва киритилади.

8. “Алоқа назорати” ахборот тизимига киритилган ушбу Низомнинг 6-банди учинчи-тўртинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳужжатларга доир веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурси, шу жумладан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдаги қилмишларни тармоқда содир этилганига оид ҳуқуқбузарлик бўйича мурожаат Давлат инспекцияси томонидан қуйидаги тартибда кўриб чиқилади:

уч иш куни ичида “whois” хизмати ёрдамида фойдаланиш мумкин бўлган домен номи тўғрисидаги ахборот орқали ҳуқуқбузар шахси аниқланади;

“whois” хизмати ёрдамида фойдаланиш мумкин бўлган домен номи тўғрисидаги ахборотда ҳуқуқбузар шахси ҳақида тўлиқ маълумотни олиш имкони бўлмаса, ваколатли орган ёки “Рақамли технологиялар республика экспертиза маркази” ДМ томонидан берилган хулоса асосида уч иш кун ичида Рўйхатдан ўтказувчига кўрсатма берилади;

Рўйхатдан ўтказувчи кўрсатма асосида Домен номининг Маъмури ҳақида қуйидаги маълумотларни уч кун ичида Давлат инспекциясига “whois” хизмати ёрдамида фойдаланиш мумкин бўлган домен номи тўғрисидаги сўралган ахборотни тўлиқ тақдим этади.

9. “Алоқа назорати” ахборот тизимига киритилган ушбу Низомнинг 6-банди иккинчи ва бешинчи хатбошисида назарда тутилган ҳужжатларга доир веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурси, шу жумладан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдаги қилмишларни тармоқда содир этилган ҳуқуқбузарлик бўйича мурожаат Давлат инспекцияси томонидан қуйидаги тартибда кўриб чиқилади:

Давлат инспекциясининг масъул бўлинмаси уч иш куни ичида веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурси, тармоққа оид идентификацияловчи маълумотларни аниқ кўрсатган ҳолда техник ҳолат юзасидан техник хулоса беради;

Давлат инспекцияси томонидан веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёхуд бошқа ахборот ресурси ёинки тармоқдаги ахборотга оид масала бўйича ваколатли орган ёки “Рақамли технологиялар республика экспертиза маркази” ДМга бир иш куни ичида ижро этилиши мажбурий сўров юборилади;

“Рақамли технологиялар республика экспертиза маркази” ДМ ёк ваколатли орган ёки Давлат инспекциясининг ижро этилиши мажбурий сўровида белгилаган тартиб ва муддатларда хулоса беради;

уч иш куни ичида “whois” хизмати ёрдамида фойдаланиш мумкин бўлган домен номи тўғрисидаги ахборот орқали ҳуқуқбузар шахси аниқланади;

“whois” хизмати ёрдамида фойдаланиш мумкин бўлган домен номи тўғрисидаги ахборотда ҳуқуқбузар ҳақида тўлиқ маълумотни олиш имкони бўлмаса, “Рақамли технологиялар республика экспертиза маркази” ДМ ёки ваколатли орган томонидан берилган хулоса асосида уч иш кун ичида Рўйхатдан ўтказувчига кўрсатма берилади;

Рўйхатдан ўтказувчи кўрсатма асосида Домен номининг Маъмури ҳақида қуйидаги маълумотларни уч кун ичида Давлат инспекциясига “whois” хизмати ёрдамида фойдаланиш мумкин бўлган домен номи тўғрисидаги сўралган ахборотни тўлиқ тақдим этади.

10. Веб-сайтнинг ва (ёки) веб-сайт саҳифасининг ёки бошқа ахборот ресурсига ёхуд тармоқда содир этилган ҳуқуқбузарликлар бўйича “whois” хизмати ёрдамида фойдаланиш мумкин бўлган домен номи тўғрисидаги ахборотда кўрсатилган юридик шахснинг раҳбари ёки жисмоний шахс жавобгарликка тортилади.

11. “Алоқа назорати” ахборот тизимига киритилган ушбу Низомнинг 6-банди учинчи-тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳужжатларга доир тармоқдан фойдаланиб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдаги ҳуқуқбузарлик содир этилишига йўл қўйганини кўрсатувчи мурожаат Давлат инспекцияси томонидан 3 иш куни ичида Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланиб ҳуқуқбузар шахси аниқланади ва ваколатли орган томонидан берилган хулоса асосида қонунбузилиши ҳолатини бартараф этиш юзасидан кўрсатма берилади.

12. “Алоқа назорати” ахборот тизимига киритилган ушбу Низомнинг 6-банди иккинчи ва бешинчи хатбошисида назарда тутилган ҳужжатларга доир тармоқдан фойдаланиб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдаги ҳуқуқбузарлик содир этилишига йўл қўйганлигини кўрсатувчи мурожаат Давлат инспекцияси томонидан қуйидагича кўриб чиқилади:

Давлат инспекциясининг масъул бўлинмаси уч иш куни ичида телекоммуникация тармоғига оид идентификацияловчи маълумотларни аниқ кўрсатган ҳолда техник ҳолат юзасидан техник хулоса беради ва аниқланган ҳолат бўйича “Рақамли технологиялар республика экспертиза маркази” ДМ ёки ваколатли органга ижро этилиши мажбурий сўров юборади;

“Рақамли технологиялар республика экспертиза маркази” ДМ ёки ваколатли орган Давлат инспекциясининг ижро этилиши мажбурий сўровида белгилаган тартиб ва муддатларда хулоса беради;

Давлат инспекцияси томонидан уч иш куни ичида Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланиб ҳуқуқбузар шахси аниқланади ва “Рақамли технологиялар республика экспертиза маркази” ДМ ёки ваколатли орган томонидан

берилган хулоса асосида қонунбузилиши ҳолатини бартараф этиш юзасидан кўрсатма берилади.

13. Тармоқда қонунчилик ҳужжатлари билан жавобгарликни назарда тутувчи ахборотни тарқатганликка оид шундай ҳуқуқбузарлик содир этилишига йўл қўйганлик ҳолати юзасидан юридик шахснинг раҳбари жавобгарликка тортилади.

14. “Алоқа назорати” ахборот тизимига киритилган ушбу Низомнинг 6-банди учинчи-тўртинчи хатбошисида назарда тутилган ҳужжатларга доир тармоқдан фойдаланиб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдаги ҳуқуқбузарлик содир этилгани бўйича мурожаат Давлат инспекцияси томонидан уч иш куни ичида Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланиб ҳуқуқбузар шахси аниқланади ва “Рақамли технологиялар республика экспертиза маркази” ДМ ёки ваколатли орган томонидан берилган хулоса асосида қонунбузилиши ҳолатини бартараф этиш юзасидан кўрсатма беради.

15. “Алоқа назорати” ахборот тизимига киритилган ушбу Низомнинг 6-банди иккинчи ва бешинчи хатбошисида назарда тутилган ҳужжатларга доир тармоқдан фойдаланиб Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексдаги ҳуқуқбузарлик содир этилгани бўйича мурожаат Давлат инспекцияси томонидан қуйидаги тартибда кўриб чиқилади:

Давлат инспекциясининг масъул бўлинмаси уч иш куни ичида тармоққа оид идентификацияловчи маълумотларни аниқ кўрсатган ҳолда техник ҳолат юзасидан техник хулоса беради ва аниқланган ҳолат бўйича “Рақамли технологиялар республика экспертиза маркази” ДМ ёки ваколатли органга ижро этилиши мажбурий сўров юборилади;

“Рақамли технологиялар республика экспертиза маркази” ДМ ёки ваколатли орган Давлат инспекциясининг ижро этилиши мажбурий сўровида белгилаган тартиб ва муддатларда хулоса беради;

Давлат инспекцияси томонидан уч иш куни ичида Ягона интерактив давлат хизматлари порталидан фойдаланиб ҳуқуқбузар шахси аниқланади ва “Рақамли технологиялар республика экспертиза маркази” ДМ ёки ваколатли орган томонидан берилган хулоса асосида қонунбузилиши ҳолатини бартараф этиш юзасидан кўрсатма берилади.

16. Тармоқдан фойдаланиб қонунчилик ҳужжатлари билан жавобгарликни назарда тутувчи ахборотни тарқатганлик ёки сўзлашув маданиятига риоя қилмаган ёҳуд тармоқдан фойдаланиш тартибига (жамоат тартиботига) риоя қилмаган ёинки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган ҳуқуқбузарликни содир этган ёки маълумотларни тарқатиш, реклама қилиш, эълон бериш, намойиш қилиш, контентда қонунчилик билан жавобгарликни назарда тутувчи харакатларни содир этиш ва бошқа ҳуқуқбузарликка оид ҳолатларни амалга оширган фойдаланувчи бўлган жисмоний шахс, шу жумладан, ҳисоб рақам (пластик рақам) эгаси жавобгарликка тортилади.

17. Тармоқ ёки тизим узилиши, тўхталиши, тармоқ лойиҳаланиши, қурилиши, фойдаланилиши ҳамда улардан фойдаланиб хизматлар кўрсатилишига, шу жумладан, алоқа хизматининг сифат кўрсатгичлари, кўрсатилаётган почта алоқаси, телекоммуникация ва рақамли давлат хизматлари бўйича тўловлар амалга оширилишига оид ушбу Низомнинг 6-бандига оид мурожаат келиб тушган кунида Давлат инспекциясининг мурожаатлар бўлинмаси томонидан қуйидаги харакатлар амалга оширилади:

мурожаат келиб тушган куни тааллуқлилиги бўйича почта алоқаси ва телекоммуникация оператори ёки провайдери, рақамли давлат хизматини кўрсатувчи ташкилот ва тўлов тизимларини амалга оширувчи тадбиркорлик субъектларига қоидабузарликни 10 соат ичида бартараф этиш ҳамда “Алоқа назорати” ахборот тизимига маълумот киритиш учун;

10 соат ичида бартараф этилмаган ёки “Алоқа назорат” ахборот тизимига маълумот киритмаган ёҳуд ишончсиз, ҳақиқатга тўғри келмайдиган, шубҳали далиллар мажбурий илова қиладиган маълумот киритилганида ёки бевосита соҳага ёҳуд рақамли ҳуқуқбузарликка оид мурожааатлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини юритиш учун Давлат инспекциясининг марказий ва ҳудудий бўлинмаларига юборади;

экспертизага оид мурожаатлар “Рақамли технологиялар республика экспертиза маркази” ДМга ҳамда Давлат инспекциясининг масъул бўлинмасига юборади;

ушбу бандниng иккинчи-учинчи хатбошиларидаги мурожаатлардан бошқа мурожаатлар қонунчилик ва Давлат инспекциясининг ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

18. Қуйидагилар почта алоқаси ёки телекоммуникация хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш деб ҳисобланади, бундан ушбу низомнинг 19-бандида назарда тутилган ҳоллар мустасно:

10 соат ичида қоидабузарлик бартараф этилиб, ҳаққоний тўлиқ ва тўғри далилларни ўз ичига олган маълумотлар “Алоқа назорати” ахборот тизимига киритилмаган тақдирда;

почта алоқаси ёки телекоммуникация хизматларини кўрсатиш қоидалари бажарилмаган ёки бузилган тақдирда;

ушбу низом талаблари бузилган тақдирда;

қонунчилик ҳужатлари талаблари бузилган тақдирда.

19. Почта алоқаси операторлари ва провайдерлари учун мажбурий бўлган ушбу банднинг учинчи хатбошисидаги почта ёки куръерлик жўнатмаларининг назорат муддатлари бузилганлиги ёки алоқа сифатига оид ўлчаш натижалари бўйича телекоммуникация хизматининг сифат кўрсатгичларига оид экспертиза хулосаси бўйича аниқланган қонун бузилиши алоқа хизматининг сифат ва нормалари бузиш деб ҳисобланади, бунда оператор ёки провайдернинг раҳбари жавобгарликка тортилади.

Алоқа сифатини ўлчаш, экспертизадан ўтказиш ҳамда ҳуқуқбузарлик ишини юритиш 4-иловага мувофиқ амалга оширилади.

Амалдаги қонунчилик билан бориш қийин бўлган ва тоғли ҳудудлар таркибига киритилган аҳоли пунктларига почта ёки куръерлик жўнатмалари у қабул қилинган кундан бошлаб узоғи билан 3 кун ичида, қолган ҳудудларга эса, 2 кун ичида мажбурий етказиб берилиши лозим, бундан қонунда назарда тутилган муддатлар мустасно.

20. Соҳага оид техник жиҳатдан тартибга солувчи ҳужжатлар талабларининг бузилиши техник регламентларга ёки стандартларнинг мажбурий талабларига риоя этмаслик ҳисобланади ва хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбари ёки айбдор жисмоний шахс жавобгарликка тортилади.

21. Ягона интерактив давлат хизматлари порталида, шунингдек, ахборот ресурслари орқали кўрсатилаётган электрон (рақамли) давлат хизматлари ва сервисларини кўрсатишга оид қонунчилик ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатлар талабларининг бузилиши рақамли (электрон) давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчиликни бузиш деб ҳисобланади ва ташкилот раҳбари жавобгарликка тортилади.

22. Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган телекоммуникацияларнинг техник воситалари, шу жумладан фойдаланувчи қурилмалари қонунчиликка ва техник жиҳатдан тартибга солиш соҳасидаги норматив ҳужжатларга мувофиқлиги юзасидан сертификатлаштирилиши лозим. Телекоммуникациялар тармоқларидаги мобиль қурилмаларнинг халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказилиши керак. Ўзбекистон Республикасида телекоммуникациялар тармоқларида фойдаланиладиган телекоммуникацияларнинг техник воситалари, шу жумладан фойдаланувчи қурилмаларини сертификатлатлаштириш ушбу техник восита ёки қурилмага уланган ҳолда, телекоммуникация хизматини кўрсатаётган тегишли оператор ёки провайдер томонидан амалга оширилади.

Соҳага оид метрология, сертификатлаштириш ва мувофиқликни баҳолаш қоидаларини бузиш ҳолати бўйича юридик шахс раҳбари ва телекоммуникациялар тармоқларидаги мобиль қурилмаларнинг халқаро ўзига хос идентификация кодлари рўйхатдан ўтказмаслик бўйича хўжалик юритувчи субъект раҳбари ва жисмоний шахс жавобгарликка тортилади.

23. Тармоқда ёки ундан фойдаланиб ҳуқуқбузарлик содир этган ёхуд шундай ҳуқуқбузарлик содир этилишига йўл қўйиб берган ёинки техник воситалар орқали тармоқда ноқонуний харакатларни амалга оширган шахс (лар) телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф ёки рухсатсиз фойдаланиш ҳолати юзасидан маъмурий жавобгарликка тортилади.

24. Соҳада техник ва технологик жараёнлар, воситалар ва қурилмаларнинг тўхташи, тўхталиши, авария юзага келиши, шунингдек, тармоқлардан қонунга хилоф равишда ёки рухсатсиз фойдаланишга йўл қўйиб берган, тармоқларда лозим даражада ҳимояланиш, ахборот хавфсизлигини таъминланмаслик ҳолатлари юзасидан тармоқ ёки тизим эгаси бўлган субъект, шу жумладан, юридик шахс раҳбари жавобгарликка тортилади.

25. Қувватидан қатъий назар радиоузаткич шаҳобчасини рухсатсиз ўрнатиш ва (ёки) ундан фойдаланиш, абонентлик қурилмасини қурилмасини рўйхатдан ўтказмай ёки рухсатсиз тармоққа улаш ҳолатлари бўйича қонун бузилишига йўл қўйган субъект ёки Wi-fi хизмати ташкилотчисининг қонунчилик бўйича олган мажбуриятларининг бажармаслиги юзасидан Wi-fi хизмати ташкилотчиси бўлган юридик шахс раҳбари ёки жисмоний шахс жавобгарликка тортилади.

26. Радиоэлектрон воситалар ва юқори частотали қурилмалардан фойдаланиш тартиби бўйича рухсатнома олмаган, бошқа субъектларнинг қонуний фаолиятига халақит бераётган шахс, ноқонуний радиоэлектрон воситаларни сотиш, айирбошлаш, мобил қурилманинг халқаро ўзига хос идентификация кодини ёки абонент қурилмасининг идентификациялаш модулини қонунга хилоф равишда ўзгартириш ҳолатлари бўйича мазкур ҳуқуқбузарликни амалга оширган субъект жавобгарликка тортилади.

27. Алоқа линиялари, иншоотлари ва тармоқларини муҳофаза қилиш қоидаларини бузиш ҳолати бўйича мазкур қилмишни амалга оширган қурилишни ташаббус кўрсатган юридик шахс раҳбари, ҳуқуқбузарлик ишида юридик шахс бўлмаган тақдирда қурилишни ташаббус кўрсатган жисмоний шахс ёки шундай ҳуқуқбузарлик вужудга келишига шарт-шароит яратиб берган ташкилот, шу жумладан, юридик шахс раҳбари жавобгарликка тортилади.

28. Ахборот тизими ёки компьютер тизимидан фойдаланиш қоидаларини бузиш ҳолатлари бўйича мазкур қилмишни содир этган шахс ва шундай қилмишлар вужудга келишига йўл қўйиб берган шахс жавобгарликка тортилади.

29. Ахборот тизими ёки алоқа линиясини ишга туширишга оид қонунчилик, шу жумладан, ўзбошимчалик билан ахборот тизимини амалиётга жорий этиш, ҳисобдан чиқариш, фойдаланувга қабул қилиш, алоқа линиялари ва тармоқни лойиҳалаш, қуриш, фойдаланиш, хизматлар кўрсатиш ҳолатлари юзасидан ўзбошимчаликни амалга оширган ташкилот, шу жумладан, юридик шахс раҳбари жавобгарликка тортилади.

30. Ушбу Низомнинг 6-29-бандларида назарда тутилган ҳолатлар бўйича 1-иловага мувофиқ регламентда белгиланган тартибда мурожаат кўриб чиқилади:

Экспертизага оид мурожаатлардан бошқа ушбу Низомда назарда тутилган мурожаатлар бўйича Давлат инспекцияси ходими мурожаат ўзига келиб тушган куни ушбу Низомда бошқа алоҳида муддат ва тартиб белгиланган бўлмаса, ҳуқуқбузарнинг шахси ва ҳуқуқбузарлик иши учун ҳуқуқбузарлик таркиби етарли бўлса, ҳуқуқбузарга нисбатан 1-иловага мувофиқ регламентда белгиланган тартибда маъмурий жазо қўллаш, ҳуқуқбузарлик ишини юбориш ёки тугатиш қарорларидан бирини қабул қилади;

Ҳуқуқбузарлик иши кўздан кечиришни талаб этса, 1-иловага мувофиқ регламентда белгиланган тартибда кўздан кечиришни амалга ошириб, кўздан кечириш амалга оширилган куни кўздан кечириш баённомасини шакллантиради ва ҳуқуқбузарлик ашёси бўлса, уни вақтинчалик олиб қўяди ҳамда ашёни вақтинчалик сақлаш масаласини белгиланган тартибда ҳал этади;

зарур бўлса, фото, видео, аудио, рақамли (электрон) далилларни тўплайди, мутахассис фикри ёки (ва) экспертиза хулосасини олади.

Мурожаат ўзига келиб тушган кундан бошлаб кўпи билан 3 кун ичида алоқа сифати ўлчовини амалга оширади, алоқа линияси, ахборот тизими узилиши, тўхталиши, тармоқдаги ҳолатлар бўйича кўздан кечириш баённомасини расмийлаштиради, фото ва видео далилларни тўплайди, экспертиза ўтказиш зарурияти бўлган ҳолларда мутахассис жалб қилади, экспертиза тайинлайди.

31. Рақамли назорат тизмида рақамли ҳуқуқбузарликка оид ишлар соддалаштирилган ёки оддий тартибда кўриб чиқилади. Соддалаштирилган тартибда ҳуқуқбузарлик иши ҳуқуқбузарнинг иштирокисиз кўриб чиқилади.

32. Оддий тартибда ҳуқуқбузарлик иши қуйидагича кўриб чиқилади:

шикоят (протест) келтирган ҳамда маъмурий жавобгарлик иштирокчилари, шу жумладан, фойдаланувчига чақирув қоғози “Рақамли назорат” ахборот тизими орқали юборилади;

тегишли ташкилот, шу жумладан, оператор ва провайдер кўтарилган масала бўйича масъул мансабдор шахси ўзининг мансаб йўриқномаси, ишга қабул қилиш ҳақидаги буйруқ нусхаси ва шахсини тасдиқловчи ҳужжатни, шунингдек фуқаролар ўзининг шахсини тасдиқловчи ҳужжатни Давлат инспекцияси мансабдор шахсига у чақирган куни тақдим этади;

Давлат инспекцияси ўзига зарур ҳужжатларни ёки маълумотларни ижро этилиши мажбурий сўровлари асосида ёки “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими орқали олиши мумкин.

33. Давлат инспекцияси ўзига зарур ҳужжатларни тақдим этишни сўраб юборган ижро этилиши мажбурий сўрови ташкилий ҳуқуқий шаклидан қатъий назар давлат органлари ва ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний ва юридик

шахслар учун мажбурийдир ҳамда улар Давлат инспекцияси сўровида белгилаган тартиб ва муддатда зарур ҳужжатларни, маълумотларни, материалларни тақдим этиши, тизим ва тармоққа монеликсиз киришига шарт-шароит яратиши шарт.

34. Ушбу Низомга мувофиқ Давлат инспекциясининг сўровларини мажбурий ижро этмаслик, зарур ҳужжатларни ва маълумотларни, материалларни тақдим этмаслик, Давлат инспекцияси ходимлари хизмат вазифаларига монелик қилиш ҳокимият вакилининг қонуний талабларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш ҳисобланади ва ушбу ҳолатда маъмурий жавобгарликка сўров юборилган ёки хизмат вазифаларига тўсқинлик қилган мансабдор шахс ёки бошқа шахслар жавобгарликка тортилади.

35. Давлат инспекциясининг чақирув қоғозларига мувофиқ шахсларнинг келмаслиги унга нисбатан ҳуқуқбузарлик иши кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди.

36. Маъмурий ёки молиявий ҳуқуқбузарлик аниқланган тақдирда маъмурий ва молиявий жазо Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий инспекцияси бошлиғи ёки унинг ўринбосари томонидан қўлланилади ва ҳуқуқбузарга нисбатан қонунчиликда жаримани ихтиёрий тўлашга оид имтиёзлар белгиланган тартибда тақдим этилади.

37. Маъмурий ва молиявий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор жисмоний шахс бўлган ҳуқуқбузарга “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими орқали унинг Ягона интерактив давлат хизматлари порталидаги шахсий кабинети, Давлат инспекцияси веб-сайти, “е-жарима” веб-сайтига юборилади ҳамда Давлат инспекцияси веб-сайтининг хаволасига ўтишни назарда тутувчи смс-хабарномани “Электрон ҳукумат” доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматлари тўғрисида электрон хабардор қилиш тизими орқали юбориш орқали ҳуқуқбузар хабардор этилади, агарда бунинг имкони бўлмаса, миллий почта тизими орқали ҳуқуқбузарга қарор юборилади.

Қарор қоида тариқасида давлат органлари, ташкилотлари, хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа юридик шахслар раҳбарига нисбатан қўлланилган бўлса, ушбу ташкилотнинг юридик манзилига, жисмоний шахсларга эса, унинг мавжуд тизимда аниқланган яшаш жойига юборилади.

38. “Электрон ҳукумат” доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматлари тўғрисида электрон хабардор қилиш тизими орқали юборилган смс-хабарга хавола қилинган ҳужжат ҳуқуқбузарнинг Давлат инспекциясидаги мавжуд абонент рақамига юборилади ва смс-хабарнинг юборилганлик ҳамда смснинг етиб борганлик факти ҳуқуқбузарнинг ўзига оид масала бўйича ҳуқуқбузарлик ишидан хабардор эканлигини англатади.

39. “Электрон ҳукумат” доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматлари тўғрисида электрон хабардор қилиш тизими орқали юборилган смс-хабар ҳуқуқбузарга етиб бормаганлиги ҳақида тизимда хабар келиб тушса, қабул қилинган қарор ёки ҳужжат миллий почта тизими орқали юборилади.

40. Чет эл фуқаролари, фуқаролиги бўлмаган шахслар ёки молиявий жарималар, шунингдек, смс-хабар юборилмаган бўлса ёки юборилган хабарни жўнатишнинг техник имконияти бўлмаса, ҳуқуқбузарга тегишли ҳужжатлар миллий почта тизими орқали юборилади.

3-боб. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимининг ишлаш тартиби

41. Ўзбекистон Республикасидаги тизимлар “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига уланади ва 24/7 режимда рақамли назорат олиб борилади.

Тизимнинг “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига уланиши бўйича масъулият тегишли тизимнинг эгалиги ёки фойдаланувида бўлган Тизим маъмури ҳамда унинг раҳбари ва администратори зиммасида бўлади.

42. Тизимни амалиётга жорий этиш Давлат инспекциясининг ижобий хулосаси бўлганда йўл қўйилади.

Ўзбошимчалик билан тизимни амалиётга жорий этиш ўзбошимчалик ҳолати бўйича ҳуқуқбузарга нисбатан чора кўришга ҳамда тизимни мажбурий тўхтатиб қўйилишига асос бўлади.

43. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида тизимларнинг сифат кўрсатгичлари баҳоланади.

44. Мавжуд тизимлар “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига 2025-йилнинг якунига қадар уланади ҳамда қолган тизимлар Давлат инспекциясининг ижобий хулосаси берилганидан кейин икки ой муддатда уланади.

45. Давлат инспекциясининг ижобий хулосаси бўлгандагина тизимлардаги ахборот юридик кучга эга бўлади, Давлат инспекциясиниинг ижобий хулосаси бўлмаган тизимдаги ахборот ҳеч қандай ҳуқуқий оқибатларга олиб келмайди ҳамда бирон бир ҳуқуқий муносабатларни тартибга солмайди.

46. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига уланиш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

тизимга Давлат инспекцияси хулосаси берган ёки хулоса бермаганлигидан қатъий назар мавжуд тизим эгаси (оператори) бўлган Тизим маъмури Давлат инспекциясига ёзма мурожаат этади;

Давлат инспекцияси 10 кун ичида тизим эгаси (оператори) бўлган Тизим маъмурига “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида алоҳида шахсий кабинет очиб беради ва шахсий кабинет очиб берилганлигини ҳамда уни тўлдириш лозимлигини маълум қилади;

Давлат инспекцияси жавобини олгач Тизим маъмури ҳамда унинг раҳбари ва администратори 5 кун ичида очиб берилган шахсий кабинетга ўзларининг ишга қабул қилинганлиги (лавозимга тайинланганлиги) тўғрисидаги буйруқни бириктиради ҳамда шахсий кабинетда мавжуд тизим ҳақидаги қуйидаги маълумотларни тўлдириб, Давлат инспекциясини ёзма равишда хабардор этади, қайта ташкил этилган ёки тугатилаётган Тизим маъмури тегишли ҳужжат қабул қилинганидан бошлаб 3 иш куни ичида тизимдаги мавжуд маълумотларга тегишли тузатишларни киритиши шарт:

тизим номи, тармоқдаги хаволаси;

администратор(лар)нинг ФИШ, лавозими, туғилган йили ва жойи, ЖШШИР, электрон (почта) ва яшаш манзили, ишга қабул қилинганлиги ҳақидаги буйруқ реквизитлари, мобил телефон рақам(лар)и;

ташкилот, шу жумладан, Тизим маъмури номи, Тизим маъмури раҳбарининг ФИШ, туғилган йили ва жойи, ЖШШИР, ташкилот электрон (почта) ва яшаш манзили, мобил телефон рақам(лар)и.

47. Низомнинг 46-бандида назарда тутилган маълумотлар муддатида ва тўғри киритилиши, ҳаққонийлиги бўйича жавобгарлик шахсий кабинет очиб берилган ташкилот, шу жумладан, Тизим маъмури ва унинг раҳбари ҳамда администратор(лар)ининг зиммасидадир.

48. Мазкур Низомнинг 38-бандида назарда тутилган маълумотлар киритилган Давлат инспекциясига берилган хабар асосида “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига уланган тизимлар фаолияти рақамли назорат ҳолатига ўтади ва баҳолаш автоматик бошланади.

49. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига уланган тизимлар фаолияти автоматик тарзда ушбу Низомда назарда тутилган қонун бузилишлари кўрсатилган ҳолда, ҳар бир қонун бузилишига 10 баллдан олиб ташлаган ҳолда, Тизим маъмурларининг тизимидаги узилиш ёки тўхталишни инобатга олиб, автоматик баҳоланади.

Баҳолаш ушбу Низомдаги ҳар бир мезон бўйича амалга оширилади.

50. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида шахсий кабинетнинг юритилиши, тизимнинг ахборот хавфсизлиги, логин ва паролларнинг махфийлиги, тизимнинг барқарорлиги, улардаги маълумотларнинг ҳаққонийлиги, тизим хавфсизлиги учун масъулият ташкилот, шу жумладан, Тизим маъмури ҳамда унинг раҳбари ва администратор(лар)и зиммасида бўлади.

“Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига Тизим маъмурининг раҳбари ва администратор(лар)и ўзларининг Ягона идентификация тизими орқали киради, ташкилотларнинг талабига мувофиқ электрон рақамли имзо орқали киришга ҳам қўшимча техник имконият яратиб берилиши мумкин.

51. Тизим маъмури, шунингдек, унинг раҳбари ва администратори ўзларининг тизимидаги узилиш ёки тўхталишлар бўйича “Рақамли назорат” ахборот тизими орқали хабар қилинганидан сўнг, иш вақти давомида икки соат ичида узилиш ёки тўхталишларни бартараф қилиши шарт.

52. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига уланган тизимдаги узилиш ёки тўхталиш ҳақида “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими орқали автоматик хабар берилади ва хабар Тизим маъмурининг раҳбари ва администраторининг шахсий кабинетида назарда тутилган электрон почта манзиллари ёки (ва) мобил телефон рақамига юборилади.

53. Ушбу Низомнинг 51-бандида назарда тутилган муддатда ахборот тизимидаги узилиш ёки тўхталиш бартараф этилмаган тақдирда Давлат инспекцияси томонидан кўрсатма ва чақирув қоғози қонун бузилишига йўл қўйган Тизим маъмурининг раҳбари ва администраторининг шахсий кабинети, электрон почта манзили ёки мобил телефон рақамига юборилади.

54. Чақирув қоғози ва кўрсатмани юбориш имкони бўлмаганда “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимидан тўлақонли фойдаланиш бўйича қонун бузилиши ҳолатларини бартараф этиш ва Тизим маъмури администраторига интизомий жазо қўллаш бўйича кўрсатма билан бирга йўл қўйилган қонун бузилишларини бартараф этиш ҳақидаги кўрсатма ва чақирув қоғози миллий почта тизими орқали Тизим маъмурига жўнатилади.

55. Рақамли (электрон) давлат хизматларини амалга оширувчи идоралар ахборот тизимларидаги узилиш ёки тўхталиш ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган бошқа қонун бузилиши ҳолатлари бўйича Тизим маъмури раҳбари ёки администоратор давлат хизматлари кўрсатиш соҳасидаги қонунчиликни бузиш ва ҳокимият вакили, шу жумладан Давлат инспекциясининг қонуний талаблари ва кўрсатмаларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш ҳолати бўйича жавобгарликка тортилади.

Миллий почта тизими ва ушбу банднинг биринчи хатбошисида назарда тутилмаган Тизим маъмурига тегишли бўлган тизимдаги узилиш ёки тўхталиш ҳамда ушбу Низомда назарда тутилган бошқа қонун бузилиши ҳолатлари бўйича Тизим маъмури раҳбари ёки администоратор хизмат кўрсатиш қоидаларини бузиш ва ҳокимият вакили, шу жумладан Давлат инспекциясининг қонуний талаблари ва

кўрсатмаларини бажармаслик ёки хизмат вазифаларини бажаришига тўсқинлик қилиш ҳолати бўйича жавобгарликка тортилади.

56. Ўзбекистон Республикасидаги барча тизимлар Тизим маъмури томонидан камида 72 соат олдин ўзларининг эгалиги ёки фойдаланувида бўлган ахборот тизимидаги техник профилактик тадбирлар ҳақида Давлат инспекцияси ва Ўзбекистон Республикасининг барча аҳолисини расман огоҳлантириши шарт.

57. Тизим маъмури ўзининг тизимидаги узилиш ёки тўхталиш ҳолатлари бўйича “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимидан хабар юборилганидан бошлаб 2 соат ичида камчиликларни бартараф этиши шарт ва бунинг учун жавобгарлик Тизим маъмури, унинг раҳбари ҳамда администратор(лар)и зиммасида бўлади.

58. Тизим маъмури ўзининг эгалиги ёки фойдаланувидаги тизимида узилиш ёки тўхталиш даврида ҳаракат қилиш (бартараф этиш) схемасини ҳамда юкланишлар (жумладан, мавсумий) ва фойдаланувчилар сони ортиб боришини инобатга олган ҳолда такомиллаштириш режаларини ишлаб чиқиши ва амалга ошириши зарур.

59. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими орқали тизимларнинг SSL/TLS сертификати муддати тугашига 10 кун қолганда Тизим маъмури хабардор қилинади ва ушбу хабар асосида Тизим маъмури ўзининг эгалиги ёки фойдаланувидаги ахборот тизимларининг SSL/TLS сертификати муддати тугагунга қадар SSL/TLS сертификати муддатини узайтириши шарт.

60. Тизим маъмури ҳамда унинг раҳбари ва администратори “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими орқали хабар қилинганидан сўнг, 5 иш куни давомида қуйидагилар бўйича аниқланган қоидабузарликни бартараф этиши лозим:

қонунчилик ҳужжатлари талаблари бузилганлиги;

техник жиҳатдан тартибга солувчи норматив ҳужжатлар талаблари бузилганлиги;

назорат синовида аниқланган қоидабузарликлар ва камчиликлар;

тизимдан рўйхатдан ўтиш жараёнлари ахборот хавфсизлиги талабларига риоя этилмаган ҳолда ташкил этилганлиги;

тизимнинг маълумотлари сақланадиган серверлари (хостинг) Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқарида жойлаштирилганлиги;

шахсий кабинетни тўғри ва тўлақонли тўлдирилмаганлиги;

хизмат кўрсатиш қоидалари бузилаётганлиги;

мазкур Низомнинг 56-57- ва 59-бандида назарда тутилган қонун бузилиши;

ушбу Низомда белгиланган муддатларда бажарилиши зарур бўлган қоидалар бузилганлиги.

61. Тизим маъмурининг ушбу Низомга мувофиқ рақамли назорат ўрнатилиши шарт бўлган тизимини яшириши, ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотлар бериши ва тегишли маълумотларни тақдим этмаслиги, шунингдек, тизимини интеграциялашга тўсқинлик қилиши тақиқланади ва бу қонун бузилиши ҳисобланади.

62. Тизим маъмури ўзининг тизимини яшириши, тизим ҳақида ҳақиқатга тўғри келмайдиган маълумотларни тақдим этиши, “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига интеграция қилмаган ҳолда фойдаланиши оқибатида мазкур тизим билан боғлиқ бўлган барча харакатлари телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш ҳисобланади ва ушбу тизимдаги барча ахборот ва улар орқали амалга оширилган хизматлар, ҳужжатлар, битимлар ва бошқа харакатлар ўз-ўзидан ҳақиқий эмас деб саналади.

63. Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги “Рақамли ҳукумат лойиҳаларини бошқариш маркази” давлат муассаси ва “Киберхавфсизлик маркази”

ДУК томонидан давлат органлари ва ташкилотларининг ахборот тизимлари тўғрисидаги маълумотлар Рақамли ҳукуматнинг ахборот тизимлари ва ресурлари ягона реестри (кейинги ўринларда – Ягона реестр)нинг ИД рақамлари асосида Давлат инспекциясига тақдим этилиши шарт.

“Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида ҳуқуқбузар ҳақидаги 1-иловага мувофиқ маълумотлар Ягона интерактив давлат хизматлари портали ҳамда давлат органлари ва ташкилотларининг тизимлари ва ресурслари орқали автоматик идоралараро электрон (рақамли) ҳамкорлик йўли билан олинади.

64. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига уланган тизимдан фойдаланиш самарадорлиги, мақсадлилиги ва жорий этиш даражасини баҳолаш ҳар бир тизим учун алоҳида амалга оширилади ҳамда Тизим маъмурлари кесимида давлат ва хусусий сектор иштирокчилари алоҳида-алоҳида “Рақамли самарадорлик” ахборот тизимида умумлаштирилади.

65. Баҳолаш натижаларига мувофиқ ахборот тизимидан фойдаланиш самарадорлиги, мақсадлилиги ва жорий этиш даражаси рейтинг балли бўйича:

86 баллдан 100 баллгача баҳоланган ахборот тизими — самарали;

71 баллдан 85 баллгача баҳоланган ахборот тизими — самарадорлиги ўртача;

56 баллдан 70 баллгача баҳоланган ахборот тизими — самарадорлиги паст;

55 баллдан паст баҳоланган ахборот тизими – самарасиз деб топилади.

Самарадорлиги паст ва самарасиз деб топилган ахборот тизимини рейтингини ошириш ва камчиликларни бартараф этиш бўйича Тизим маъмурига Давлат инспекциясининг мажбурий кўрсатмалари тақдим этилади.

66. Қуйидаги ҳолатларда тизимни баҳолаш натижаларидан қатъий назар самарасиз деб топилади:

тизим бир чорак давомида 48 соатдан ортиқ иш фаолиятида бўлмаган тақдирда (техник ва профилактика ишлари бундан мустасно);

назорат синовлари натижасида тизимдан фойдаланувчиларни рўйхатдан ўтиш жараёни ва рақамли хизматлар кўрсатилишида аниқланган камчиликлар бартараф этилмаганлик ҳолатларида;

Давлат инспекциясининг самарадорлиги паст ёки самарасиз деб топилган ахборот тизимининг рейтингини ошириш ва камчиликларни бартараф этиш бўйича мажбурий кўрсатмалари бажарилмаган тақдирда.

Тизим маъмури ўзининг тизими бир чорак давомида 48 соатдан ортиқ иш фаолиятида бўлмаган тақдирда мажбурий равишда ўзининг тизими самарасиз деб топилган кундан бошлаб 10 иш куни ичида уни Давлат инспекциясининг алоҳида сервиси (ИТ-аудит)дан фойдаланган ҳолда, ҳисобдан чиқариши ва ундаги маълумотларнинг кейинги тақдирини ҳал қилиши шарт.

67. Тизимдан фойдаланиш самарадорлиги, мақсадлилиги ва жорий этиш даражасини баҳолаш натижалари Тизим маъмурларининг “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимидаги шахсий кабинети, Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ва Давлат инспекцияси расмий саҳифаларида эълон қилинади.

68. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи барча ахборот тизимлари, шу жумладан, “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига уланадиган ахборот тизимига хизмат кўрсатаётган сервер қурилмалари жисман Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлаштирилган бўлиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг шахсга доир маълумотлари Тизим маъмури томонидан ўзининг ахборот тизимида ишлов берилаётганида, шу жумладан, фойдаланилаётганида, йиғилаётганида ва белгиланган мақсаддан чиқиб кетмаган

ҳолда ишлов берилаётганида Тизим маъмури ҳамда унинг раҳбари ва администратор шахсга доир қонунчиликка риоя қилишлари шарт.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида фаолият кўрсатувчи барча ахборот тизимлари, шу жумладан, “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига уланадиган ахборот тизимидаги шахсга доир қонунчилик устидан давлат назорати Давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади ҳамда қонун бузилиши ҳолатлари аниқланган тақдирда ваколатли орган хулосаси ёки экспертиза хулосаси асосида Тизим маъмурининг раҳбари ёки администратор жавобгарликка тортилади.

69. Тизим маъмурининг ушбу Низом талабларига зид равишда ўз тизимидан фойдаланиши Рақамли технологиялар вазирлиги томонидан тегишли тизимнинг фаолиятини тармоқда чеклашига, ваколатли органнинг хўжалик юритувчи субъектни фаолиятини тўхтатишига, Давлат инспекциясининг кўрсатмаси юборилишига ва айбдорга нисбатан чора кўришига сабаб бўлади.

70. Ушбу Низомнинг 2-бобида назарда тутилган маъмурий ёки молиявий ҳуқуқбузарлик ишини юритиш ҳамда сўров, тақдимнома, кўрсатма, чақирув қоғозлари юбориш “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими орқали амалга оширилади.

“Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимидан фойдаланиб чақирув қоғозларининг абонентга юборилганлиги факти ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқбузарлик иши ва унга оид ҳолатлардан хабардорлигини билдиради.

71. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими орқали аниқланган ҳамда унда тўпланган далиллар юридик кучга эга бўлган расмий далил саналади.

72. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими орқали аниқланган ҳамда тўпланган далиллардан Тизим маъмури тизимининг узилиши ёки тўхталишидан манфаатдор бўлган жисмоний ва юридик шахслар, шунингдек, суд ҳамда давлат органлари ва ташкилотлари тўлов асосида Давлат инспекциясига мурожаат қилган ҳолда расмий далилни сўрашлари ва маълум бир ижтимоий муносабатларда фойдаланишлари мумкин.

3-боб. “Алоқа назорати”, “Рақамли харита”, “Рақамли самарадорлик” ахборот тизимлари ва “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими ни техник қўллаб-қувватлаш

73. “Алоқа назорати”, “Рақамли харита”, “Рақамли самарадорлик” ахборот тизимлари ва “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимини техник қўллаб-қувватлаш “Рақамли технологиялар республика экспертиза маркази” ДМ томонидан беғараз амалга оширилади.

74. “Алоқа назорати” ахборот тизими ва “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимининг тўлақонли ва узлуксиз ишлаши, унинг бошқа ахборот тизимлари билан ўзаро интеграцияси ва олинаётган ахборотнинг яхлит ва тўлиқ ҳажмда олиниши, ахборот хавфсизлиги таъминланиши, кўрсатилган манзил бўйича смс-хабарнома ва бошқа ҳужжатларнинг “Электрон ҳукумат” доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматлари тўғрисида электрон хабардор қилиш тизими ва миллий почта тизими орқали ўз вақтида ва лозим даражада юборилиши бўйича “Рақамли технологиялар Республика экспертиза маркази” ДМ масъул ҳисобланади.

75. “Алоқа назорати” ахборот тизими ва “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимини техник қўллаб-қувватлаш ҳамда “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими орқали юбориладиган смс-хабарноманинг “Электрон ҳукумат” доирасида аҳоли ва тадбиркорлик субъектларига кўрсатиладиган давлат хизматлари тўғрисида электрон хабардор қилиш тизимидан фойдаланган ҳолда юборилиши учун молиявий

харажатлар Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

76. “Алоқа назорати” ахборот тизими ва унинг мобил иловаси ҳамда “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимининг мобил иловаси “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимининг алоҳида таркибий қисми сифатида ишлайди.

77. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими Ягона интерактив давлат хизматлари порталига уланади ва унинг техник имконияти орқали зарур ахборотларни идоралараро ҳамкорлик йўли билан олиб, ҳуқуқбузарлик ишини юритади.

4-боб. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими орқали маъмурий ва молиявий ишларни юритиш тартиби

78. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида маъмурий ва молиявий ҳуқуқбузарлик ишларини юритишга ихтисослашган ҳамда ундаги ушбу ахборотлар бир йил муддатгача сақланади ҳамда бир йилдан сўнг автоматик ўчирилади, бундан ҳуқуқбузарликлар статистикаси ҳамда маъмурий ва молиявий ҳуқуқбузарликлар бўйича қўлланилган жазо қўллаш ҳақидаги қарорлар мустасно.

79. Ҳуқуқбузарнинг судланганлиги ҳақидаги маълумотлар Маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисида ягона электрон иш юритув тизими орқали олинади ҳамда маъмурий ҳуқуқбузарликка оид ишлар ушбу Низом ва унга илова қилинган 1-иловага мувофиқ регламентга мувофиқ кўриб чиқилади.

80. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида молиявий ҳуқуқбузарликлар ушбу Низом ва унга илова қилинган 1-иловага мувофиқ регламент, амалдаги қонунчилик ҳужжатлари ҳамда Давлат инспекциясининг локал ҳужжатларида белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

81. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими орқали молиявий ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича жарималарни ихтиёрий тўлашнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилади.

“Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими орқали қўлланилган, шунингдек, алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект, рақамли ва аэрокосмик технологиялар, шунингдек, соҳадаги қонун бузилиши, шу жумладан, тармоқдан фойдаланиб содир этиладиган ёки содир этилишига йўл қўйилган молиявий ва маъмурий ҳуқуқбузарликлар бўйича республика ҳудудида қўлланилган жарималар дастлаб тўлиқ Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг махсус ҳисоб рақамига эллик фоиз қисми ушлаб қолинган ҳолда, қолган қисми давлат бюджетига йўналтирилади.

82. Маъмурий ёки молиявий жарима қўлланилганида қарорнинг ижроси Рақамли технологияларни ривожлантириш жамғармасининг махсус ҳисоб рақами кўрсатилган ҳолда ҳуқуқбузарга юборилиши шарт. Ихтиёрий муддатда тўланмаган жарима ушбу Низомнинг 81-бандида назарда тутилган тартибда мажбурий тартибда ундирувга қаратилади.

“Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими орқали жарималарнинг мажбурий тартибда ундирилиши мажбурий ижро бюросининг ахборот тизимлари билан уланиши орқали амалга оширилади.

5-боб. Якуний қоидалар

83. Ушбу Низомга мувофиқ Давлат инспекциясининг қонуний талаблари, шу жумладан, хабарнома, кўрсатма, тақдимнома, чақирув қоғози ва сўровларини бажармаслик лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор этишнинг талаб ва шартларини бузиш ёки Давлат инспекциясининг қонуний талабларини бажармаслик ёҳуд Давлат инспекцияси ходимларининг хизмат вазифаларига тўсқинлик қилиш деб ҳисобланади.

84. Тизим маъмурлари Ўзбекистон Республикасида рақамлаштириш трансформациясини назорат қилиш орқали рақамлаштиришни тўғри ва тўлақонли амалга ошириш инсон манфаатлари учун эканлигини ҳис этган ҳолда, Давлат инспекциясига ўзларининг ваколатлари доирасида кўмаклашадилар, тизим ёки тармоғидан монеликсиз фойдаланишга имконият яратадилар, тизимини интеграция қилишга ва ресурсларининг тақдим этилишида амалий ёрдам берадилар.

85. Ўзбекистон Республикасида тармоқнинг тўлақонли назорати, улардан фойдаланиб содир этилган қонун бузилишлари бўйича жавобгарликлар, мониторинг, текшириш, ўрганиш Давлат инспекцияси томонидан амалга оширилади, жиноят аломатлари аниқланган тақдирда ваколатли органларга юборилади.

86. “Алоқа назорати” ахборот тизими ва унинг мобил иловаси ҳамда “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимидаги ҳуқуқбузарликлар учун жазо Давлат инспекцияси томонидан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва амалдаги қонунчиликда белгиланган тадбиркорлик субъектлари, енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни инобатга олмаган ҳолда, фақатгина судланганлигига аниқлик киритган ҳолда автоматик қўлланилади.

Уларнинг устидан келтирилган шикоятда ҳуқуқбузарнинг унга нисбатан қўлланилган ҳуқуқбузарликни у содир этмаганлиги ва бошқа аниқ ҳуқуқбузар содир этганлигига оид фактик ҳолатлар ҳамда уни исботловчи далиллар бўлган тақдирда Давлат инспекцияси томонидан ушбу ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланилган жарима қўллаш тўғрисидаги қарор бекор қилиниб, айбдор шахсга нисбатан жазо қўлланилади.

87. Рўйхатдан ўтказувчи Домен номи Маъмурини Ягона идентификация тизими орқали “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида Домен номи Маъмурини аниқлашнинг техник имконияти яратилганидан кейингина рўйхатдан ўтказиши мумкин.

88. Телекоммуникациялар операторлари ва провайдерлари абонент Ягона идентификация тизими орқали рўйхатдан ўтиб, “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида абонентни аниқлашнинг техник имконияти яратилганидан кейингина телекоммуникация хизматларидан фойдаланишга имконият яратиб бериши мумкин.

89. Ушбу Низомнинг 87-88-бандларида назарда тутилган талабларнинг бузилиши лицензия талаблари ва шартларининг қўпол равишда бузилиши ҳисобланади.

90. 2-иловага мувофиқ маъмурий ва молиявий ҳуқуқбузарликлар ҳам Давлат инспекцияси томонидан кўриб чиқилади.

91. Ушбу Низом мақсадлари учун Давлат инспекцияси томонидан ўтказиладиган текширишларга тадбиркорлик субъектларини текширишга оид талаблар татбиқ этилмайди.

92. Ушбу Низомда назарда тутилмаган қоидалар амалдаги қонунчиликка мувофиқ ҳал этилади.

93. Давлат инспекциясининг “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида юритиладиган “Алоқа назорати”, “Рақамли самарадорлик” ва “Рақамли харита” ахборот тизимлари, “Рақамли технологиялар бўйича республика экспертиза маркази” ДМ ва “Алоқа сифати” лабораторияси томонидан кўрсатиладиган сервис ва хизматлар Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикасида рақамли назоратни
амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга
1-ИЛОВА

Рақамли технологиялар ва коммуникациялар соҳаси бўйича ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш регламенти

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу регламент Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган рақамли технологиялар ва коммуникациялар соҳаси бўйича назарда тутилган ҳуқуқбузарликларни “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими орқали кўриб чиқиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу регламент ташкилий ҳуқуқий шаклидан қатъий назар давлат органлари ва ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари, хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний ва юридик шахсларга татбиқ этилади ва мажбурий ҳисобланади ҳамда рақамли технологиялар ва коммуникациялар соҳаси бўйича ҳуқуқбузарликлар ушбу регламентга асосланиб кўриб чиқилади.

3. Ушбу регламентда қуйидаги тушунчалар қўлланилади ҳамда ушбу тушунчалар жазо қўллашда инобатга олиниши зарур:

Рақамли технологиялар ва коммуникациялар соҳаси бўйича ҳуқуқбузарликлар (кейинги ўринларда **рақамли ҳуқуқбузарлик** деб юритилади) – Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда назарда тутилган алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект, рақамли ва аэрокосмик технологиялар соҳаси ҳамда ушбу соҳага кирувчи технологиялардан фойдаланиб содир этилган қонун бузилишлар, шунингдек, телекоммуникация ва Интернет тармоғида ҳамда ундан фойдаланиб содир этилган ҳуқуқбузарликлар, шунингдек, шундай ҳуқуқбузарликлар содир этилишига йўл қўйиб берилган қонун бузилишлари;

Давлат инспекцияси – Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон Республикаси Рақамли технологиялар ва коммуникациялар бўйича давлат назорати инспекцияси.

4. Рақамли ҳуқуқбузарликлар Давлат инспекцияси томонидан ушбу регламентга мувофиқ кўриб чиқилади.

5. Давлат инспекцияси номидан ҳуқуқбузарликларга оид маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома Давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари ходимлари (кейинги ўринда ходим деб юритилади), маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқиш ҳақидаги баённома ва маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни Давлат инспекцияси ва унинг ҳудудий инспекциялари бошлиқлари (кейинги ўринда бошлиқ деб юритилади) номидан расмийлаштирилади.

6. Рақамли ҳуқуқбузарликлар “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида кўриб чиқилади.

“Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига ходимлар ва бошлиқлар ўзларига ажратилган логин ва пароллар ёрдамида киришади.

“Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига ходимлар ва бошлиқлар ўзларига ажратилган логин шахсий рақамли жетон билан белгиланади.

“Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали ҳам кириш имконияти яратилади.

7. Рақамли ҳуқуқбузарликларга оид далиллар ходимлар ва бошлиқлар томонидан “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимидан фойдаланиб идоралараро рақамли ҳамкорлик йўли орқали ёки бошқа техник усуллар орқали олинади, йиғилади ва қайта ишлов берилади.

2-боб. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш тартиби

8. Рақамли ҳуқуқбузарликлар қуйидаги икки хил шаклда кўриб чиқилади:

соддалаштирилган тартибда;

оддий тартибда.

9. Рақамли ҳуқуқбузарликлар дастлаб соддалаштирилган тартибда ҳуқуқбузарнинг иштирокисиз кўриб чиқилади ва жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган қонунчиликдаги тартиби қўлланилади.

10. Рақамли ҳуқуқбузарликлар бўйича соддалаштирилган тартибда қабул қилинган қарорга нисбатан ҳуқуқбузар унга жарима солиш тўғрисидаги қарор Ягона интерактив давлат хизматлари портали ёки миллий почта тизими орқали юборилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида ҳуқуқбузарлик содир этилганликка фактик эътирозга оид шикоят келтириб, ушбу шикоятдаги ҳолатларни тасдиқловчи далиллар тақдим этилган тақдирда ҳуқуқбузарлик иши оддий тартибда кўриб чиқилади, бироқ ҳуқуқбузарга нисбатан жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган қонунчиликдаги тартиби қўлланилмайди.

11. Соддалаштирилган тартибда ҳуқуқбузарлик иши бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома ва маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқиш тўғрисидаги баённома юритилмайди ва ҳуқуқбузарга нисбатан бевосита 1- ёки 2- ёхуд 3-иловага мувофиқ шаклда автоматик қарор қабул қилинади ва қарор автоматик рақамланади.

12. Соддалаштирилган тартибда ҳуқуқбузарлик иши кўрилмасдан оддий тартибда ҳуқуқбузарлик иши кўриб чиқилмайди.

13. Оддий тартибда ҳуқуқбузарлик иши кўриб чиқилганида ҳуқуқбузарнинг шикояти ёки прокурорнинг протестидан келиб чиққан ҳолда, смс-хабаронома ёки миллий почта тизими орқали ҳуқуқбузар ёки прокурор шикоят (протест)ни кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинади.

14. Ҳуқуқбузар шикояти бўлмаган ҳолда, прокурор протести кўриб чиқишга йўл қўйилмайди.

15. Ҳуқуқбузар шикояти ва прокурор протести мавжуд бўлганида иккала томон ҳам ҳуқуқбузарлик иши кўриб чиқиш вақти ва жойи ҳақида смс-хабарнома ёки миллий почта тизими орқали хабардор этилади.

16. Оддий тартибда шикоят ва (ёки) протест кўриб чиқилаётганида ҳуқуқбузар ва (ёки) прокурорнинг смс-хабарнома ёки миллий почта тизими орқали хабардор этилган ҳолда, у (лар)нинг иштирок этмаслиги ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқилишига тўсқинлик қилмайди.

17. Оддий тартибда ҳуқуқбузарлик иши кўриб чиқилаётганида маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқиш тўғрисидаги баённома юритилади, бироқ маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги баённома юритилмайди.

18. Соддалаштирилган ёки оддий тартибда кўриб чиқилаётганида рақамли ҳуқуқбузарликлар бўйича далиллар ижро этилиши мажбурий сўров юбориш, рақамли идоралараро ҳамкорлик, маъмурий ҳуқуқбузарлик иши иштирокчилар тақдими, рақамли ҳуқуқбузарликни фош этиш, аниқлаш ва чора кўришга қаратилган бошқа техник усуллар орқали шакллантирилади.

19. Ижро этилиши мажбурий сўров мулкчилик шаклидан қатъий назар давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи органлар ва хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний ва юридик шахслар томонидан мажбурий саналади ва унда назарда тутилган муддат ва тартибда зарур материаллар, ҳужжатлар, хулосалар ва бошқа далиллар Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий бўлинмаларига тақдим этилиши шарт.

20. Рақамли идоралараро ҳамкорлик қилиш орқали далиллар зарур бўлса, мулкчилик шаклидан қатъий назар давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий ижро этувчи органлар ва хўжалик юритувчи субъектлар, жисмоний ва юридик шахслар ўзларининг ахборот тизимлари, ресурслари ва маълумотлар базаларида Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий бўлинмалари учун зарур техник имконият яратиб, сўралган ахборот олинишига кўмаклашиши лозим.

21. Ушбу Низом ва Ўзбекистон Республикасида рақамли назоратни амалга ошириш тартиби тўғрисидаги низомга мувофиқ 5-иловадаги шаклдаги чақирув қоғозига асосан, чақирувга биноан ҳуқуқбузар келган ёки келмаганлигидан қатъий назар “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида ҳуқуқбузарликни кўриб чиқишга оид материаллар рақамли идоралараро ҳамкорлик ёки ҳуқуқбузарликни фош этишга оид бошқа йўллар билан жойида планшет ва компьютер ёрдамида шакллантирилади.

22. Ҳуқуқбузар ҳақидаги қуйидаги маълумотлар қўлда ёки автоматик идоралараро рақамли ҳамкорлик йўли орқали тўлдирилади:

1) Ҳуқуқбузар ФИШ;
2) Туғилган йили;
3) Туғилган жойи;
4) Яшаш манзили;
5) Паспорт серияси ва рақами ёки ID карта:
6) Электрон почта манзили;
7) IT-виза рақами;
8) ЖШШИР;
9) СТИР;
10) Пластик рақами;
11) Юридик шахс номи;
12) бренд номи;
13) Домен номи ёки Интернетдаги хавола;
14) Кадастр рақами;
15) Телефон рақами;
16) Автомошина рақами;
17) Суғурта полиси рақами;
18) почта манзили;
19) Юридик манзили;
20) Судланганлиги;
21) Лавозими.

23. Ҳуқуқбузарнинг шахси FACE ID, бармоқ изи ёки бошқа техник усуллар билан ҳам аниқланиши мумкин.

24. Ҳуқуқбузарлик ишида камида ҳуқуқбузарнинг ФИШ ва яшаш манзилини кўрсатувчи маълумотлар бўлгандагина ҳуқуқбузарга нисбатан жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш мумкин.

25. Фото, аудио ва видеоматериаллар суратга олиш йўли билан планшет орқали ёки Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс иштирокчиларининг тақдимига асосан

ёҳуд ўз ташаббусига асосан “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига жойлаштириш йўли билан олинади ҳамда яратилган хаволалар QD-код билан тасдиқланади.

26. Кўздан кечириш баённомасида қуйидагилар кўрсатилади:

кўздан кечириш амалга оширилган кун, соат;

кўздан кечириш жараёнида тармоқда, линияда, тизимда, ресурсда, маълумотлар базасидаги ҳамда уларнинг фаолиятига оид ҳолатлар ҳақида аниқ хулоса қилувчи ҳолатлар;

қурилма, техник восита, тармоқ, тизим, иншоот ва объект ҳолати;

кўздан кечриш баённомаси билан ашёни олиб қўйишга оид масала.

27. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ишига оид эксперт хулосаси, техник хулоса, мутахассис фикри, кўздан кечириш баённомаси, фото, аудио, видео, рақамли (электрон)далиллар ва бошқа далиллар ҳар бири “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига жойлаштириш йўли билан алоҳида-алоҳида QD-код билан тасдиқланади.

28. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига мутахассислик фикри, экспертиза хулосаси, кўздан кечириш баённомаси ва бошқа қоғоз шаклдаги материаллар .пдф форматда бириктирилади.

29. Фото, видео, аудио далиллар “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида .jpeg, .mp4, .mp3 шаклида сақланади.

30. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида жойлашган ҳар бир далил алоҳида хаволаларга бириктирилади.

31. Соддалаштирилган ёки оддий тартибда маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс иштирокчилари ҳам ўзларининг далилларини ходимга тақдим этиши мумкин.

32. Автоматик қарорлар Давлат инспекциясининг бошлиғи ёки унинг ҳудудий инспекциялари бошлиқлари номидан ходимлар ёки бошлиқлар томонидан расмийлаштирилади, маъмурий ҳуқуқбузарлик ишини кўриб чиқиш тўғрисидаги баённома юритилади.

33. Қарор тўлиқ шакллантирилгач ҳуқуқий экспертизага юборилади ва Давлат назоратини юридик таъминлаш бошқармаси томонидан ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланилган қарор унинг фикрича тўғри бўлса, ички ишончига амал қилган ҳолда, қарорни тасдиқлайди ва автоматик қарор қуйидагиларда кўринади:

“Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида ходимлар, бошлиқ ва ушбу ахборот тизимидаги шахсий кабинети очилган тегишли ҳуқуқбузарлик ҳолати бўйича ҳуқуқбузарга;

Ягона интерактив давлат хизматлари порталига ҳуқуқбузарнинг шахсий кабинетига, ҳуқуқбузарнинг е-жарима.уз веб-сайтидаги шахсий кабинетига ёки миллий почта тизими орқали ҳуқуқбузарга автоматик юборилади.

Ҳуқуқбузарлик расмийлаштирилаётган жойда маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни чоп этиш имконияти мавжуд бўлган тақдирда, қарор қоғозда чоп этилиб, ҳуқуқбузарга тақдим этилади.

34. Маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича қарорнинг тўғри қабул қилинганлиги бўйича масъулият уни қабул қилган мансабдор шахс зиммасида бўлади.

35. Экспертиза ўтказиш жараёнида қарорга қўшилмаса қарор лойиҳаси Давлат назоратини юридик таъминлаш бошқармаси томонидан қарорда назарда тутилган камчиликлар кўрсатилган ҳолда, қайтарилади.

36. Соддалаштирилган тартибда ишни кўриб чиқиш бўйича шикоят ёки протест муддатини узайтиришга йўл қўйилмайди.

37. Соддалаштирилган тартибда ишни кўриб чиқиш бўйича шикоят ёки протест 15 кун ичида кўриб чиқилиши лозим.

38. Соддалаштирилган тартибда қабул қилинган қарор ҳуқуқбузарлик ишини тугатишга асос бўлган ҳолатларни кўрсатувчи далиллар бўлгандагина ёки ҳуқуқбузарликни бошқа жисмоний шахс содир этганлиги аниқланиб, фактик маълумотлар ушбу жисмоний шахс бўлган ҳуқуқбузарнинг ушбу ҳуқуқбузарликни у содир этмаганлигини тасдиқласагина бекор қилиниши мумкин.

Юридик шахсларнинг жавобгарлиги бўйича юридик шахснинг раҳбари жавобгарликка тортилади.

39. Оддий тартибда иш Давлат инспекцияси бошлиғи ва унинг ҳудудий инспекцияси бошлиғи томонидан ушбу регламентда белгиланган умумий қоидаларга амал қилинган ҳолда, кўриб чиқилади ва қарор қабул қилингач дарҳол кучга киради ҳамда қарор ижрога қаратилади.

40. Оддий тартибда иш натижаси бўйича Давлат инспекцияси бошлиғи ва унинг ҳудудий инспекцияси бошлиғи қуйидаги қарорлардан бирини қабул қилади:

6-иловага мувофиқ шаклда, шикоят (протест)ни қаноатлантириш ва соддалаштирилган тартибда қабул қилинган қарорни бекор қилиш тўғрисида;

7-иловага мувофиқ шаклда, соддалаштирилган тартибда қабул қилинган қарорни ўз кучида қолдириш ва шикоят (протест)ни қаноатлантиришдан рад этиш тўғрисида;

8-иловага мувофиқ шаклда, соддалаштирилган тартибда қабул қилинган қарорни бекор қилиш ва қайта суриштирув ўтказиш тўғрисида;

9-иловага мувофиқ шаклда соддалаштирилган тартибда қабул қилинган қарорни бекор қилиш ва ишни ваколатли органга юбориш тўғрисида.

41. Соддалаштирилган тартибда маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор у қабул қилинганидан бошлаб 30 календар кун ўтгач қарор устидан шикоят келтирилмаган бўлса, қарор ижрога қаратилади.

42. Ҳуқуқбузар маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни олганидан сўнг ҳуқуқбузарлик содир этилган жойнинг ўзида ёки бошқа жойда электрон тўлов тизимлари, мобил иловалар ёки банк кассалари орқали жаримани тўлаши ёки етказилган зарар учун тўловни амалга ошириши мумкин.

Ҳуқуқбузар унга маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор топширилган кундан бошлаб ўн беш кун ичида жарима миқдорининг эллик фоизини ёки ўттиз кун ичида жарима миқдорининг етмиш фоизини ихтиёрий равишда тўлаган тақдирда, у жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинади ва бу “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида акс эттирилади.

43. Ҳуқуқбузарга тайинланган маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорни ижро этиш бўйича тўловлар, шунингдек, белгиланган тартибда бекор қилинган қарор бўйича тўланган тўловларни фуқароларга реал вақт режимида қайтариш “Электрон ҳукумат”нинг ягона биллинг тизими орқали амалга оширилади ҳамда бу ҳақидаги маълумотлар дарҳол ушбу тизим орқали “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига ҳисобга олиш учун юборилади.

Тўловлар ҳақидаги маълумотларнинг тўғрилиги ва тўлиқлиги, шунингдек, ўз вақтида “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига юборилиши учун “Электрон ҳукумат”нинг ягона биллинг тизимининг масъул ходими жавобгар ҳисобланади.

44. Ҳуқуқбузар жарима тўловларини тўлаганидан сўнг тўлов амалга оширилганлиги ҳақидаги маълумотлар замонавий ахборот-коммуникация технологияларини қўллаган ҳолда ҳуқуқбузарнинг e-jarima.uz веб-сайтидаги шахсий

кабинетига, Ягона интерактив давлат хизматлари порталига, смс хабарнома орқали унинг телефонига ёки почта миллий тизими орқали яшаш ёки юридик шахс, шу жумладан бошқа ташкилотларнинг раҳбарига оид жавобгарлик бўйича юридик шахс, шу жумладан бошқа ташкилотларнинг юридик манзилига юборилади.

Ҳуқуқбузар қарорнинг ижро қилинганлиги ҳақидаги тўлов варақаси (квитанция)ни e-жарима.uz веб-сайти ёки Ягона интерактив давлат хизматлари портали орқали олиши мумкин.

45. Оддий тартибда кўриб чиқилган ишлар бўйича маъмурий ҳуқуқбузарлик иши иштирокчилари ёки прокурор Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят ва Тошкент шаҳар судига Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда кассация шикояти ёки протести келтиришлари мумкин.

Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий инспекциялари орқали тақдим қилинган шикоят ёки протест “edo.ijro.uz” электрон ҳужжат айланиш тизими ёки почта миллий тизими орқали судга юборилади.

46. Жабрланувчилар соддалаштирилган тартибда қарор қабул қилингач 30 календар кун, оддий тартибда қарор қабул қилингач дарҳол қонунчиликда белгиланган муддатларни инобатга олган ҳолда, фуқаролик-ҳуқуқий тартибда зарар ундириш масаласида судга мурожаат этишлари мумкин.

47. Агар иш бўйича ашёвий далиллар олинган бўлса, у ҳолда олинган ашёвий далиллар ҳуқуқбузарлик иши кўриб чиқилганидан кейин шундай ашё ва ҳужжатларни олиб қўйган Давлат инспекциясининг 4-иловага мувофиқ қарори шаклида белгиланган тартибда ҳал этилади.

48. Судларнинг электрон тизимига тушган ҳуқуқбузарлик ишларига оид электрон шаклдаги ҳужжатлар автоматлаштирилган тартибда электрон тизим орқали рўйхатдан ўтказилади.

49. Суд қарори билан Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий инспекцияси қарори бекор қилинса ва ҳуқуқбузарлик таркиби бўлса, ушбу регламентга мувофиқ қайта суриштирув ўтказилади.

50. Ҳуқуқбузар жаримани МЖТК ва ушбу регламентда белгиланган муддат ичида тўламаган тақдирда, маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларининг мажбурий ижросини амалга ошириш мақсадида ижро ҳужжатлари Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий инспекцияси бошлиғи томонидан “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими ёки суд томонидан “E-маъмурий иш” тизими орқали Мажбурий ижро бюроси органларига тақдим этилади, бунда жаримани ихтиёрий тўлаш имконияти тўғрисида ҳуқуқбузарни хабардор қилган ҳолда унга маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорнинг топширилганлиги ёки юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжат ижро ҳужжатига мажбурий тартибда илова қилинади, бундан суднинг оддий тартибда ишни кўриб чиқиш ҳақидаги қарор устидан кўраётган шикоят ёки протест бўйича оддий тартибда қарор ижросини бир ой муддатга кечиктирган ёки тўхтатиб турган ҳоллар бундан мустасно.

51. Мажбурий ижро бюроси органларининг электрон тизимига тушган ижро ҳужжатлари тақдим этилган санада автоматик равишда электрон рўйхатдан ўтказилади ҳамда шу вақтнинг ўзида, Мажбурий ижро бюроси органлари томонидан ижро иши юритишни қўзғатиш, тамомлаш ёки тугатиш тўғрисидаги қарорлар улар чиқарилган кундан эътиборан бир иш куни ичида “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига бу ҳақида маълумот киритилади.

52. Мажбурий ижро бюроси органларининг ижро иши юритишни қўзғатиш тўғрисидаги қарорлари “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимига киритилган

вақтдан бошлаб ваколатли орган ҳисоб рақамига жариманинг тўланишига тақиқ қўйилади.

3-боб. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида Давлат инспекцияси ҳужжатларини яратиш ва уларни юбориш тартиби

53. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида Давлат инспекцияси ҳужжатлари қуйидагича яратилади:

ходим ёки бошлиқ ўзининг шахсий кабинетига логин ва парол билан киради;

“Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида 1-10-иловаларга мувофиқ ҳужжатлар шакли мавжуд бўлади ва улардан бирини танлайди.

54. Яратилган ҳужжат уни асословчи QD-код билан тасдиқланади ва ҳар бир QD-код битта далилни ўз ичига қамраб олади.

55. Тасдиқланган ҳужжат Ягона интерактив давлат хизматлари порталида хабарнома шаклида ёки почта миллий тизими орқали қоғоз шаклида маъмурий жавобгарлик иштирокчисига юборилади.

4-боб. Якуний қоидалар

56. Ҳуқуқбузар, жабрланувчи, гувоҳ, холисга тегишли бўлган шахсга доир маълумотларнинг (фамилияси, исми, отасининг исми ва туғилган санаси) планшет ёки компьютер орқали маъмурий ёки молиявий жазо қўллаш тўғрисидаги қарорга тўғри киритилишига Давлат инспекцияси ёки унинг ҳудудий инспекциясининг ходими масъул ҳисобланади.

Агар ҳуқуқбузар, жабрланувчи, гувоҳ, холис Ўзбекистон Республикаси фуқароси бўлмаса ёки идентификация тизимлари ёрдамида уларнинг шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаса, уларнинг ёнида маълумотлар базасига киритилмаган чет эл паспорти ёки шахсини тасдиқловчи бошқа ҳужжатлар мавжуд бўлган тақдирда, ваколатли органнинг масъул ходими ушбу ҳужжатларга асосан шахсга доир маълумотларни электрон тизимга қўлда киритади ҳамда унинг тўғри киритилишига шахсан жавоб беради.

57. “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизимида “Е-маъмурий иш” тизими орқали электрон шаклда маъмурий иш расмийлаштирилаётганда ҳуқуқбузарнинг муқаддам маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ҳақидаги маълумот “Рақамли назорат” комплекс ахборот тизими томонидан аниқланиб, автоматик равишда талабнома “Е-маъмурий иш” тизимидан олинган ҳолда, шакллантирилади.

Агар ҳуқуқбузар Ўзбекистон Республикасининг фуқароси бўлмаса ёки идентификация тизимлари ёрдамида унинг шахсини аниқлашнинг имкони бўлмаса, ушбу шахсларнинг маъмурий жавобгарликка тортилганлиги тегишли талабномани тўлдириш асосида ушбу тизим орқали текширилади, маъмурий ишларга тааллуқли бўлмаган ҳамда жиноят ишлари бўйича шахсларнинг маъмурий жавобгарликка тортилганлиги ҳақидаги маълумотларни текшириш ҳолатлари бундан мустасно.

58. Талабнома текширилаётган ҳар бир шахс учун алоҳида амалдаги қонунчиликка мувофиқ расмийлаштирилади.

59. Масъул ходимларга бириктирилган планшетлар доимий равишда соз, батарея қуввати тўлдирилган ва дастурий-техник таъминоти ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

60. Масъул ходимлар ўзларига бириктирилган планшетларнинг бут сақланиши ва ушбу планшетдан фойдаланган ҳолда тузилаётган маъмурий баённома ва маъмурий жазо қўллаш тўғрисидаги қарор учун шахсан жавобгар ҳисобланади. Планшетлар йўқолган, учинчи шахсларга берилган, қасддан нобуд қилинган, унга ўрнатилган

дастур ва иловалар қасддан яроқсиз ҳолга келтирилган тақдирда, зарар бириктирилган масъул ходим ҳисобидан қопланади.

61. Масъул ходимлар ўзларига бириктирилган планшетларни иш вақти тугаганидан сўнг иш жойидаги хизмат сейфида сақлайди ёки ваколатли орган раҳбари белгилаган жойга (масъул ходимга) топширади.

62. Планшетлар бириктирилган ваколатли орган мансабдор шахси ёки бошқа ходимлар хизмат вазифаларидан бўшатилганда ёхуд бошқа сабабларга кўра планшетдан фойдаланиш зарурати мавжуд бўлмаган ҳолларда планшет ваколатли органларнинг тегишли моддий-техника таъминоти учун масъул ходимига топширилади.

63. Электрон шаклдаги маъмурий ишлар бўйича маълумотлар архиви (иш ҳужжатларининг электрон шакли) Давлат инспекциясининг ёки у белгилаган серверларида сақланади.

Рақамли технологиялар ва коммуникациялар
соҳаси бўйича ҳуқуқбузарликларни
кўриб чиқиш регламентига
1-ИЛОВА

Рақамли ҳуқуқбузарлик бўйича жазо қўллаш тўғрисидаги қарор
(соддалаштирилган тартибда)
№Ж–

(қарор чиқарилган вақт) (қарор чиқарилган жой)

	Ҳуқуқбузар ФИШ:_____ Яшаш манзили: _____
Давлат инспекцияси мансабдор шахси ФИШ, лавозими ва имзоси	**Қарор рақами:** _____

Ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумот:
ҳуқуқбузарнинг фамилияси, исми, отасининг исми:

Ҳуқуқбузарнинг шахси автоматик ёки техник усуллар орқали аниқланади:

Жисмоний шахснинг шахсига оид маълумот	**Юридик шахс ҳақидаги маълумот**	**Бошқа техник усуллар орқали олинадиган маълумотлар**
Туғилган йили:	Номи	FACE ID:
Туғилган жойи:	Жойлашган жойи	Кадастр рақами
Яшаш манзили	Бренд номи	Лавозими
Паспорт серияси ва рақами:	СТИР	Суғурта полиси рақами
ID карта:	Электрон почта	Автомошина рақами
ЖШШИР	Телефон рақами	Домен номи
СТИР		Телефон рақами
Бармоқ изи		Электрон почта манзили
		IT-виза рақами
		Пластик рақами
		Судланганлиги

Қарорни асословчи далиллар:

Экспертиза хулосаси:		Текшириш далолатномаси	
Мутахассис фикри		Ўрганиш маълумотномаси	
Кўздан кечириш баённомаси		Аудиодалил	
Техник хулоса		Видеодалил	
Фото далил		Бошқа далиллар	

Қуйидаги нормани бузганлигингиз сабабли сизга нисбатан маъмурий жазо қўлланилди:

Ҳуқуқбузарнинг қонунчилик ҳужжати ёки техник жиҳатдан тартибга солувчи ҳужжатни бузган нормаси (Асос):

Номи ва реквизитлари, қисми, банди, хатбошиси ва бошқалар кўрсатилади:

_____

_____

_____

_____

Ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланилган МЖтК моддаси:

Модда рақами ва номи:

_____

1-қисм: Жазо миқдори: (автоматик)
2-қисм: Жазо миқдори: (автоматик)
2-қисм: Жазо миқдори: (автоматик)
3-қисм: Жазо миқдори: (автоматик)
4-қисм: Жазо миқдори: (автоматик)
5-қисм: Жазо миқдори: (автоматик)
6-қисм: Жазо миқдори: (автоматик)

Изоҳ: МЖтК моддаси биттаси танланади:

Ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқ ва бурчлари

Сиз соддалаштирилган тартибда қўлланилган ушбу қарордан норози бўлсангиз ҳуқуқбузарлик ишини оддий тартибда кўриб чиқиш юзасидан шикоят қилишга, оддий тартибда ишни кўриш вақтида иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосингизни баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилингизда сўзлашишга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан уни қабул қилган органга шикоят беришга ҳақлисиз.

ушбу қарор топширилган кундан бошлаб **ўн беш кун** ичида жарима миқдорининг **эллик фоизини** ёки **ўттиз кун** ичида жарима миқдорининг **етмиш фоизини** ихтиёрий равишда тўлаган тақдирингизда, жариманинг қолган қисмини тўлашдан озод қилинасиз, бундан ушбу қарор устидан шикоят келтирган ҳолатларингиз мустасно.

Оддий тартибда иш кўрилса, сизга нисбатан қўлланилган жарима бўйича қонунчиликда белгиланган жарима солиш тўғрисидаги қарорни ижро этишнинг соддалаштирилган тартиби қўлланилмаслигини маълум қиламиз.

Рақамли технологиялар ва коммуникациялар
соҳаси бўйича ҳуқуқбузарликларни
кўриб чиқиш регламентига
2-ИЛОВА

Рақамли ҳуқуқбузарлик бўйича ҳуқуқбузарлик ишини тугатиш тўғрисидаги қарор
(соддалаштирилган тартибда)
№Т–

(қарор чиқарилган вақт) (қарор чиқарилган жой)

	Ҳуқуқбузар ФИШ:_____
	Яшаш манзили: _____
Давлат инспекцияси мансабдор шахси ФИШ, лавозими ва имзоси	**Қарор рақами:** _____

Ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумот:
ҳуқуқбузарнинг фамилияси, исми, отасининг исми:

Ҳуқуқбузарнинг шахси автоматик ёки техник усуллар орқали аниқланади:

Жисмоний шахснинг шахсига оид маълумот	**Юридик шахс ҳақидаги маълумот**	**Бошқа техник усуллар орқали олинадиган маълумотлар**
Туғилган йили:	Номи	FACE ID:
Туғилган жойи:	Жойлашган жойи	Кадастр рақами
Яшаш манзили	Бренд номи	Лавозими
Паспорт серияси ва рақами:	СТИР	Суғурта полиси рақами
ID карта:	Электрон почта	Автомошина рақами
ЖШШИР	Телефон рақами	Домен номи
СТИР		Телефон рақами
Бармоқ изи		Электрон почта манзили
		IT-виза рақами
		Пластик рақами
		Судланганлиги

Қарорни асословчи далиллар:

Экспертиза хулосаси:		Текшириш далолатномаси	
Мутахассис фикри		Ўрганиш маълумотномаси	
Кўздан кечириш баённомаси		Аудиодалил	
Техник хулоса		Видеодалил	
Фото далил		Бошқа далиллар	

Сизга нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича қуйидагилар аниқланди:

Ҳуқуқбузарнинг қонунчилик ҳужжати ёки техник жиҳатдан тартибга солувчи ҳужжатни бузган нормаси (Асос):

Номи ва реквизитлари, қисми, банди, хатбошиси ва бошқалар кўрсатилади ҳамда тугатиш асоси қайд этилади:

_____
_____
_____

Ҳуқуқбузарга нисбатан юритилган МЖтК моддаси:

Модда рақами ва номи:

_____

1-қисм:	Жазо миқдори: (автоматик)
2-қисм:	Жазо миқдори: (автоматик)
2-қисм:	Жазо миқдори: (автоматик)
3-қисм:	Жазо миқдори: (автоматик)
4-қисм:	Жазо миқдори: (автоматик)
5-қисм:	Жазо миқдори: (автоматик)
6-қисм:	Жазо миқдори: (автоматик)

Изоҳ: МЖтК моддаси биттаси танланади:

Ҳуқуқбузарга нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик иши МЖтКнинг 271-моддасига асосан тугатилсин:

1-банд	8-банд	Қўшимча банд
2-банд	9-банд	
3-банд	10-банд	**Бандлар автоматик тўлдирилади**
4-банд	11-банд	
5-банд	12-банд	
6-банд	13-банд	
7-банд	14-банд	

Ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқ ва бурчлари

Сиз соддалаштирилган тартибда қўлланилган ушбу қарордан норози бўлсангиз ҳуқуқбузарлик ишини оддий тартибда кўриб чиқиш юзасидан шикоят қилишга, оддий тартибда ишни кўриш вақтида иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосингизни баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилингизда сўзлашишга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан уни қабул қилган органга шикоят беришга ҳақлисиз.

Рақамли технологиялар ва коммуникациялар
соҳаси бўйича ҳуқуқбузарликларни кўриб
чиқиш регламентига
3-ИЛОВА

Рақамли ҳуқуқбузарлик бўйича материалларт ёки ишни ваколатли органга (судга) юбориш тўғрисидаги қарор (соддалаштирилган тартибда)
№Ю–

(қарор чиқарилган вақт) (қарор чиқарилган жой)

	Ҳуқуқбузар ФИШ:_____
	Яшаш манзили: _____
Давлат инспекцияси мансабдор шахси ФИШ, лавозими ва имзоси	**Қарор рақами:** _____

Ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумот:
ҳуқуқбузарнинг фамилияси, исми, отасининг исми:

Ҳуқуқбузарнинг шахси автоматик ёки техник усуллар орқали аниқланади:

Жисмоний шахснинг шахсига оид маълумот	**Юридик шахс ҳақидаги маълумот**	**Бошқа техник усуллар орқали олинадиган маълумотлар**
Туғилган йили:	Номи	FACE ID:
Туғилган жойи:	Жойлашган жойи	Кадастр рақами
Яшаш манзили	Бренд номи	Лавозими
Паспорт серияси ва рақами:	СТИР	Суғурта полиси рақами
ID карта:	Электрон почта	Автомошина рақами
ЖШШИР	Телефон рақами	Домен номи
СТИР		Телефон рақами
Бармоқ изи		Электрон почта манзили
		IT-виза рақами
		Пластик рақами
		Судланганлиги

Қарорни асословчи далиллар:

Экспертиза хулосаси:		Текшириш далолатномаси	
Мутахассис фикри		Ўрганиш маълумотномаси	
Кўздан кечириш баённомаси		Аудиодалил	
Техник хулоса		Видеодалил	
Фото далил		Бошқа далиллар	

Сизга нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича қуйидагилар аниқланди:

Ҳуқуқбузарнинг қонунчилик ҳужжати ёки техник жиҳатдан тартибга солувчи ҳужжатни бузган нормаси (Асос):	Номи ва реквизитлари, қисми, банди, хатбошиси ва бошқалар кўрсатилади ҳамда тугатиш асоси қайд этилади: _____ _____ _____
Ҳуқуқбузарга нисбатан юритилган МЖтК моддаси:	Модда рақами ва номи: _____
1-қисм:	Жазо миқдори: (автоматик)
2-қисм:	Жазо миқдори: (автоматик)
2-қисм:	Жазо миқдори: (автоматик)
3-қисм:	Жазо миқдори: (автоматик)
4-қисм:	Жазо миқдори: (автоматик)
5-қисм:	Жазо миқдори: (автоматик)
6-қисм:	Жазо миқдори: (автоматик)

Изоҳ: МЖтК моддаси биттаси танланади:

Ҳуқуқбузарга нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик иши (материал) қуйидагига асосан _____ га юборилсин:

Ҳуқуқбузарлик иши ёки материални ваколатли органга юбориш учун ҳуқуқий асос	Қонунчилик нормаси ва унинг реквизитлари: _____ _____ _____ _____

Ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқ ва бурчлари

Сиз соддалаштирилган тартибда қўлланилган ушбу қарордан норози бўлсангиз ҳуқуқбузарлик ишини оддий тартибда кўриб чиқиш юзасидан шикоят қилишга, оддий тартибда ишни кўриш вақтида иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосингизни баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилингизда сўзлашишга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан уни қабул қилган органга шикоят беришга ҳақлисиз.

Рақамли технологиялар ва коммуникациялар
соҳаси бўйича ҳуқуқбузарликларни
кўриб чиқиш регламентига
4-ИЛОВА

Рақамли ҳуқуқбузарлик бўйича ашё тақдирини ҳал қилиш тўғрисидаги қарор
(соддалаштирилган тартибда)
№А–

(қарор чиқарилган вақт) (қарор чиқарилган жой)

	Ҳуқуқбузар ФИШ:_____ Яшаш манзили: _____
Давлат инспекцияси мансабдор шахси ФИШ, лавозими ва имзоси	**Қарор рақами:** _____

Ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумот:
ҳуқуқбузарнинг фамилияси, исми, отасининг исми:

Ҳуқуқбузарнинг шахси автоматик ёки техник усуллар орқали аниқланади:

Жисмоний шахснинг шахсига оид маълумот	**Юридик шахс ҳақидаги маълумот**	**Бошқа техник усуллар орқали олинадиган маълумотлар**
Туғилган йили:	Номи	FACE ID:
Туғилган жойи:	Жойлашган жойи	Кадастр рақами
Яшаш манзили	Бренд номи	Лавозими
Паспорт серияси ва рақами:	СТИР	Суғурта полиси рақами
ID карта:	Электрон почта	Автомошина рақами
ЖШШИР	Телефон рақами	Домен номи
СТИР		Телефон рақами
Бармоқ изи		Электрон почта манзили
		IT-виза рақами
		Пластик рақами
		Судланганлиги

Қарорни асословчи далиллар:

Экспертиза хулосаси:		Текшириш далолатномаси	
Мутахассис фикри		Ўрганиш маълумотномаси	
Кўздан кечириш баённомаси		Аудиодалил	
Техник хулоса		Видеодалил	
Фото далил		Бошқа далиллар	

Сизга нисбатан юритилган маъмурий ҳуқуқбузарлик иши бўйича қуйидагилар аниқланди:

Ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланилган жазо ёки ишни Қачон, қаерда ва қандай қарор қабул қилинган ва ашё қайси ҳужжат билан қаерга олинган:
_____

тугатиш ҳақидаги қарор ревизитлари: _____

Ҳуқуқбузарлик ашёси қуйидагича ҳал қилинсин:

Ҳуқуқбузар ашёсини ҳал қилиш: Қонунчилик ҳужжати нормаси ва ҳуқуқбузар ашёсининг тақдири ҳал қилиш

_____

_____

Ҳуқуқбузарнинг ҳуқуқ ва бурчлари

Сиз соддалаштирилган тартибда қўлланилган ушбу қарордан норози бўлсангиз ҳуқуқбузарлик ишини оддий тартибда кўриб чиқиш юзасидан шикоят қилишга, оддий тартибда ишни кўриш вақтида иш материаллари билан танишиб чиқишга, изоҳлар беришга, далиллар келтиришга, ўз илтимосингизни баён этишга, ишни кўриб чиқиш вақтида адвокатнинг юридик ёрдамидан фойдаланишга, ўз она тилингизда сўзлашишга ва таржимоннинг хизматларидан фойдаланишга, иш юзасидан чиқарилган қарор устидан уни қабул қилган органга шикоят беришга ҳақлисиз.

Рақамли технологиялар ва коммуникациялар соҳаси бўйича ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш регламентига
5-ИЛОВА

ЧАҚИРУВ ҚОҒОЗИ

	ФИШ:_____ Яшаш манзили: _____
Давлат инспекцияси мансабдор шахси ФИШ, лавозими ва имзоси	**Ҳуқуқбузарлик иши рақами** _____

Ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумот:
ҳуқуқбузарнинг фамилияси, исми, отасининг исми:

Ҳуқуқбузарлик ишида ким сифатида чақирилмоқда: _____

Ҳуқуқбузарлик иши бўйича юритилаётган маъмурий ҳуқуқбузарлик моддаси ва унинг қисми МЖтКнинг Моддаси: _____ қисми: _____

Ҳуқуқбузарлик иши кўриб чиқилиши вақти 2 0

Ҳуқуқбузарлик иши кўриб чиқилиши жойи

Боғланиш учун телефон рақами: + 9 9 8

Рақамли технологиялар ва коммуникациялар
соҳаси бўйича ҳуқуқбузарликларни
кўриб чиқиш регламентига
6-ИЛОВА

Шикоят (протест)ни қаноатлантириш
ва соддалаштирилган тартибда қабул қилинган қарорни бекор қилиш тўғрисида
№Ю–

(қарор чиқарилган вақт) (қарор чиқарилган жой)

	Ҳуқуқбузар ФИШ:_____ Яшаш манзили: _____
Давлат инспекцияси мансабдор шахси ФИШ, лавозими ва имзоси	**Қарор рақами:** _____

Ҳуқуқбузарнинг шахсига оид маълумот:
ҳуқуқбузарнинг фамилияси, исми, отасининг исми:

Ҳуқуқбузарнинг шахси автоматик ёки техник усуллар орқали аниқланади:

Жисмоний шахснинг шахсига оид маълумот	**Юридик шахс ҳақидаги маълумот**	**Бошқа техник усуллар орқали олинадиган маълумотлар**
Туғилган йили:	Номи	FACE ID:
Туғилган жойи:	Жойлашган жойи	Кадастр рақами
Яшаш манзили	Бренд номи	Лавозими
Паспорт серияси ва рақами:	СТИР	Суғурта полиси рақами
ID карта:	Электрон почта	Автомошина рақами
ЖШШИР	Телефон рақами	Домен номи
СТИР		Телефон рақами
Бармоқ изи		Электрон почта манзили
		IT-виза рақами
		Пластик рақами
		Судланганлиги

Қарорни асословчи далиллар:

Экспертиза хулосаси:		Текшириш далолатномаси	
Мутахассис фикри		Ўрганиш маълумотномаси	
35.	рақамли назорат доирасида давлат органлари ва ташкилотларида рақамли технологиялар соҳасидаги лойиҳаларнинг мақсадлилиги, жорий этиш даражаси, фойдаланиш ҳолати, рақамли хизматлар ва сервислар ишидаги узилиш, тўхталиш ва техник-авариялар, алоқа марказлари (ишонч телефонлари, Call-марказлар, диспетчерлик алоқа) хизматларининг боғланиш ва самарали техник фаолият кўрсатиш каби сифат кўрсаткичлари баҳоланиши мумкин.
36.	рақамли назорат рақамли хизматлар ва сервислар устидан назоратни амалга ошириш усули бўлиб, рақамли хизматлар ва сервисларга телекоммуникация инфратузилмалари, телекоммуникация тармоқлари, ахборотлаштириш инфратузилмалари, почта алоқаси инфратузилмалари, ахборот тизимлари, ахборот технологиялари, аэрокосмик технологиялар, рақамли технологиялар, сунъий интеллект технологиялари киради.
37.	киберҳужум рақамлаштириш амалга оширилган барча ҳудуд, соҳа ва тармоқларга таъсир кўратиши мумкин ва бунга қарши курашишнинг энг самарали усули бу рақамли назоратдир;
38.	**рақамли назорат** (Digital Monitoring) – бу иқтисодиёт соҳалари ва тармоқларини ҳамда ушбу соҳа ва тармоқ орқали амалга оширилаётган барча хизмат ва сервисларни рақамли технологиялардан фойдаланиб назорат қилиш, хавфсизлигини таъминлаш мақсадида мониторинг олиб бориш жараёни;
39.	рақамли назорат орқали реал вақт режимида маълумотлар йиғилади, таҳлил қилинади ва назорат қилинган объект ёки тизимлар билан боғлиқ ҳолатлар аниқланади, таҳлил қилинади ва самарали киберхавфсизлик таъминланади.

40.	рақамли назорат телекоммуникация инфратузилмалари, телекоммуникация тармоқлари, ахборотлаштириш инфратузилмалари, почта алоқаси инфратузилмалари, ахборот тизимлари, ахборот технологиялари, аэрокосмик технологиялар, рақамли технологиялар, сунъий интеллект технологияларни ўзаро интеграция қилиш орқали амалга оширилади;
41.	рақамли назорат инфратузилманинг имкониятларига боғлиқ бўлади. Шу сабабли республикамиздаги барча инфратузилмалар устидан рақамли назорат ўрнатилиши бўйича техник чора-тадбирлар амалга оширилиб, улар тезроқ якунланиши ва кейин ривожлантирилиши даркор;
42.	рақамли назорат **«Рақамли назорат» комплекс ахборот тизими** орқали алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникация соҳаси устидан давлат назоратини амалга оширувчи инспекция томонидан амалга оширилиши мақсадга мувофиқ;
43.	рақамли назоратни амалга ошириш тартиб-таомиллари ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилиши, аниқ қонунчилик ҳужжатлари билан мажбурий қоидалар белгиланиши, давлат ва хусусий сектор ўртасидаги ўзаро ҳамкорлик тўлиқ ва тўғри ўрнатилиши даркор;
44.	рақамли назоратдаги инфратузилмаларга нисбатан киберҳужумлар қаерда ва ким томонидан амалга оширилаётганлигини билиш, кибержиноятчиларни фош этиш учун **қурилмаларнинг MAC адресси**га оид тартибот белгиланиши ва иловага мувофиқ Вазирлар Маҳкамасининг алоҳида қарори қабул қилиниб, ижрога қаратилиши даркор;
45.	рақамли назоратни амалга оширишда давлат органлари ва ташкилотларининг, шунингдек, хусусий сектор вакилларининг аниқ вазифа ва мажбуриятлари белгиланиши даркор;
46.	киберхавфсизлик субъектлари томонидан қонунчилик бўйича олган мажбуриятларини бажармаслиги бўйича Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексида алоҳида жавобгарлик чораси белгиланиши шарт;
47.	республикадаги барча ахборот тизимлари, маълумотлар базалари ва банклари, телекоммуникация тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмлари ўзаро интеграция қилиниб, рақамли назорат ўрнатилганидан кейин **«Рақамли назорат» комплекс ахборот тизими**га сунъий интеллект технологияларини қўллаш орқали жиноятчилик ва криминоген вазиятдан келиб чиқиб, келгусида қачон ва каерда жиноятлар содир этилиши мумкинлиги бўйича башорат қилиш, прогноз қилиш тизими йўлга қўйилиши даркор ва у орқали мавжуд ресурсларни қачон ва қаерга олиб бориш ва шу орқали кибержиноятчиликни фош этишнинг самарали техник ечими ва тизимини йўлга қўйиш мумкин;
48.	телекоммуникация тармоқлари орқали фойдаланувчига у томонидан ахборот хавфсизлиги ёки киберхавфсизлик талаблари бузилганлиги аниқланганида автоматик сунъий интеллект ва ваколатли органлар сифатида ДХХ, ички ишлар, миллий гвардия ва прокуратура органлари, Ўзкомназорат, АОКА, Оммавий коммуникациялар масалалари бўйича маркази, Ўзбекистон

	Республикаси телекоммуникация тармоқларини бошқариш маркази томонидан фойдаланувчига бепул смс-хабарнома юбориб, унда унинг ҳуқуқбузарлиги ва уни тўхтатиши зарурлиги бўйича эслатма тақдим этиш тартиби ва амалиёти жорий қилиниши даркор;
49.	сунъий интеллект ёки ваколатли органлар томонидан юборилган смс-хабарномани олган бўлса-да, ўз қилмишини давом эттирган шахсларга нисбатан оғирроқ жазо қўллаш ва ўз қилмишини давом эттиришдан ихтиёрий қайтган шахсларни жавобгарликдан озод этишнинг аниқ механизми ва амалиёти шакллантирилиши зарур;
50.	сунъий интеллект ёки ваколатли органлар томонидан юборилган смс-хабарнома ва уни ҳақиқатан ҳам ҳуқуқбузар олганлигини далил сифатида қабул қилиш тартиби ва амалиёти йўлга қўйилиши шарт;
51.	киберхавфсизликни таъминлаш рейтинги йўлга қўйилиши даркор;
52.	киберхавфсизликни таъминлаш бўйича IT-аудит йўлга қўйилиши даркор;
53.	киберинқирозларга нисбатан бардошлилик индекслари ва мезонлари ишлаб чиқилиши ва амалиётга татбиқ этилиши зарар;
54.	Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизлигини таъминлаш концепцияси, миллий стратегияси, банк, тўлов ташкилотлари, тўлов агентлиги ва тўлов субагентларида киберфирибгарлик, киберўғрилик ва бошқа кибержиноятларнинг олдини олиш бўйича ягона республика платформасининг иши билан «Киберхавфсизлик маркази» ДУКнинг ўзфаро фаолиятини мувофиқлаштириш, тезкорлик билан маъмурий ва жиноий жавобгарликка оид масалаларни ҳал қилишга оид ягона техник ва ҳуқуқий тизимни яратиш шарт;
55.	болаларнинг шахсий аккаунт ва профилини очиш ҳуқуқи вужудга келишининг аниқ ёшини белгилаш зарур;
56.	ота-оналар, қонуний вакилларнинг ўз эҳтиётсизлиги оқибатида жиноий жавобгарликка тортиш ёшига етмаган болалари томонидан содир этилаётган кибержиноятлар учун уларга аниқ маъмурий ва жиноий жавобгарлик белгилаш керак;
57.	молия ва банк соҳасида рақамли операцияларнинг барқарорлигини таъминлаш тартиби белгиланиши ва уни Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори ёки ваколатли орган идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжати билан амалга ошириш мақсадга мувофиқ. Айнан шу орқали бугунги кунда содир этилаётган деярли кибержиноятларнинг 98 фоиз қисми ҳисобланган киберфирибгарлик, киберўғрилик жиноятларининг тури, содир этиш усули ва тартибини прогнозлаш, киберхавфсизлик субъектларининг ўзаро хабардор этиш, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, бизнес-ҳаракатларни қўллаб-қувватловчи тармоқ ва ахборот тизимларининг хавфсизлиги вужудга келиши мумкин;
58.	ахборот-коммуникация тизимлари ва веб-сайтларнинг рақамли изларнинг сақланиши йўлга қўйилиб, унинг ҳисобини юритиш тартибини белгилаш зарур. Айнан бу усул орқали кибержиноят қачон, ким томонидан, қайси қурилма ёрдамида, нима мақсадда ва қайси усул орқали содир этилганлигини

	аниқлаш имкониятини техник томонидан қисман таъминлаш имкони мавжуд бўлади.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги монографияга
20-ИЛОВА

Тадқиқот натижасида ишлаб чиқилган тушунчаларнинг таърифлари

т/р	Тушунча номи	Тушунча таърифи
1.	**жамоат**	арабча «*жам*» сўзидан олинган ва у «*жамият*» сўзига қараганда торроқ маънога эга бўлиб, тарихий тараққиётнинг муайян босқичида, аниқ бир ҳудудда, мақсад ва ўй фикрлари ўзаро ўхшаш ёки бир хил бўлган жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки давлатдан иборат субъектлар ихтиёрийлик ва тенглик тамойиллари асосида аниқ бир мақсад сари бирлашиши натижасида вақтинчалик тузилган ижтимоий тузилма;
2.	**жамият**	арабча «*жам*» сўзидан олинган ва у «*жамоат*» сўзига қараганда кенгроқ маънога эга бўлиб, ҳудудий жойлашувидан қатъи назар, фикрлар хилма-хиллиги асосида тарихан шаклланган, аниқ ва бир хил мақсадга эга бўлмаган, доимий асосда фаолият юритувчи ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тизимларни ва (ёки) катта миқёсдаги одамлар гуруҳи — яъни миллат, халқ, давлатни қамраб олувчи, давлат томонидан тан олинган, муайян тоифа, синф, йўналиш, соҳа, тузум, ҳокимият ёки таълимот атрофида бирлашган инсонлар гуруҳидан иборат ижтимоий тузилма;
3.	**жамоат хавфсизлиги**	тарихий тараққиётнинг муайян босқичида, аниқ бир ҳудудда, мақсад ва ўй фикрлари ўзаро ўхшаш ёки бир хил бўлган жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки давлатдан иборат субъектлар ихтиёрийлик ва тенглик тамойиллари асосида аниқ бир мақсад сари бирлашиши натижасида вақтинчалик тузилган ижтимоий тузилманинг ички ва ташқи хавфдан ҳимояланганлик ҳолати;
4.	**жамият хавфсизлиги**	ҳудудий жойлашувидан қатъи назар, фикрлар хилма-хиллиги асосида тарихан шаклланган, аниқ ва бир хил мақсадга эга бўлмаган, доимий асосда фаолият юритувчи ижтимоий, иқтисодий, сиёсий тизимларни ва (ёки) катта миқёсдаги одамлар гуруҳи — яъни миллат, халқ, давлатни қамраб олувчи,

т/р	Тушунча номи	Тушунча таърифи
		давлат томонидан тан олинган, муайян тоифа, синф, йўналиш, соҳа, тузум, ҳокимият ёки таълимот атрофида бирлашган инсонлар гуруҳидан иборат ижтимоий тузилманинг ички ва ташқи хавфдан ҳимояланганлик ҳолати саналади; Бунда, жамоат хавфсизлигига бўлаётган таҳдид индивидуал, жамоавий ва миллий (институционал) хавф даражаси билан миллий хавфсизлик билан ўзаро боғлиқ бўлади ва жамоат иштирокчилари жисмоний ва юридик шахслар ҳамда давлат саналади ва улар аралаш ёки бир турдаги субъектлардан иборат шаклда тузилган бўлиши мумкин;
5.	**жиноят**	Жиноят кодекси билан тақиқланган ва жазо қўллаш таҳдиди бўлган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);
6.	**кибержиноят**	юнон тилидаги «*кибер*», яъни луғавий маъноси «*бошқариш*», «*ҳайдовчи*» ва ўзбек тилидаги «*жиноят*» сўзи йиғиндисидан иборат бўлган Жиноят кодекси билан тақиқланган, ахборот-коммуникация технологиялари орқали кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланиб содир этиладиган ва бунинг учун Жиноят кодексида жазо қўллаш таҳдиди бўлган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик);
7.	**кибермуҳит**	ахборот-коммуникация технологиялари орқали ахборот-коммуникация тизими, шу жумладан, ахборот тизими ҳамда алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект, био-, ноно-, кибертехнологиялар инфратузилмаси ва бошқа техник воситаларда ёки улар орасида яратилган кибермакон, шарт-шароитлар, ҳодисалар ва ҳолатларни ўз ичига олувчи ҳамда виртуал олам ҳақида ахборот берувчи муҳит;
8.	**кибермакон**	ахборот-коммуникация технологиялари орқали ахборот-коммуникация тизими, шу жумладан, ахборот тизими ҳамда алоқа, ахборотлаштириш, телекоммуникация, сунъий интеллект, био-, ноно-, кибертехнологиялар инфратузилмаси ва бошқа техник воситаларда ёки улар орасида яратилган кибермуҳитдаги аниқ ўрин, жой, нуқта ва ҳудуд;
9.	**кибертаҳдид**	кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланиб ахборот-коммуникация

т/р	Тушунча номи	Тушунча таърифи
		технологиялари орқали шахс, жамият ва давлат манфаатларига таҳдид солувчи шарт-шароитлар ва омиллар мажмуи;
10.	**киберхавфсизлик ҳодисаси**	кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланиб ахборот-коммуникация технологиялари орқали ахборот-коммуникация технологияларидан иборат бўлган инфратузилмаларнинг, шу жумладан, алоқа, телекоммуникация, ахборотлаштириш, сунъий интеллект, био-, ноно-, кибертехнологиялардан иборат бўлган воситалар, ахборот-коммуникация тизими ёки уларга боғлиқ бўлган қурилма, ускуна, иншоот ва бошқа техник воситаларнинг қонунга хилоф ёки (ва) рухсатсиз эгаллаб олиниши, уларга ноқонуний ташқи таъсир кўрсатилиши, шикаст етказиш, бузиш, узиш ёки тўхтаб қолиши ёҳуд тўхтаб туришига сабаб болувчи, улардаги ахборотни эгаллаб олиш, ноқонуний ишлов бериш, фойдаланиш, эгасизлантириш, ўзгартириш, йўқ қилиш, узиш, кўчириш, тўхтатиш, бузиш, блокировка қилиш, йиғиш, тизимлаштириш, эгалик қилиш, тасарруф этиш ва бошқа ноқонуний ҳаракатлар қилиш орқали ушбу ахборотнинг очиқлиги, яхлитлиги, шу жумладан, бутлиги ва ундан эркин фойдаланилишининг бузилишига олиб келувчи ҳодиса;
11.	**киберхавфсизлик объекти**	ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, ахборот, рақамли, сунъий интеллект, телекоммуникация, био-, ноно-, кибертехнологиялар, шу билан бирга, уларга боғлиқ бўлган воситалар, қурилмалар, ускуналар ва бошқа техник воситалар, ахборот-коммуникация тизими, шу жумладан, ахборот тизими ёки улардаги ахборотнинг кибертаҳдид ва киберхавфсизлик ҳодисасидан ҳимоя қилиниши ҳамда киберхавфсизлиги таъминланувчи улардаги мавжуд ресурслар, инфратузилмалар, тизимлар, муҳим ахборот инфратузилмаси объектлари бўлган киберҳимояга олинган ёки олинмаганлигидан қатъий назар киберҳимоя қилиниши зарур бўлган объект;
12.	**киберхавфсизлик субъекти**	киберхавфсизлик объектига эга бўлган давлат ҳамда унинг органи ва ташкилоти, жисмоний ва

т/р	Тушунча номи	Тушунча таърифи
		юридик шахс, шу жумладан, тадбиркорлик субъекти;
13.	**киберҳужум**	кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ахборот-коммуникация технологиялари, шу жумладан, ахборот, рақамли, сунъий интеллект, телекоммуникация, био-, ноно-, кибертехнологиялар, шу билан бирга, уларга боғлиқ бўлган воситалар, қурилмалар, ускуналар ва бошқа техник воситалар, ахборот-коммуникация тизими, шу жумладан, ахборот тизими ёки улардаги ахборотдан фойдаланган ҳолда қасддан амалга ошириладиган, киберхавфсизликка таҳдид соладиган ҳаракат;
14.	**жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи жиноятлар**	тарихий тараққиётнинг муайян босқичида, аниқ бир ҳудудда, мақсад ва ўй фикрлари ўзаро ўхшаш ёки бир хил бўлган жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки давлатдан иборат субъектлар ихтиёрийлик ва тенглик тамойиллари асосида аниқ бир мақсад сари бирлашиши натижасида вақтинчалик тузилган ижтимоий тузилманинг ички ва ташқи хавфдан ҳимояланганлик ҳолатига таҳдид солувчи Жиноят кодекси билан тақиқланган ва жазо қўллаш таҳдиди бўлган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)лар;
15.	**жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар**	тарихий тараққиётнинг муайян босқичида, аниқ бир ҳудудда, мақсад ва ўй фикрлари ўзаро ўхшаш ёки бир хил бўлган жисмоний шахслар, юридик шахслар ёки давлатдан иборат субъектлар ихтиёрийлик ва тенглик тамойиллари асосида аниқ бир мақсад сари бирлашиши натижасида вақтинчалик тузилган ижтимоий тузилманинг ички ва ташқи хавфдан ҳимояланганлик ҳолатига кибертаҳдид солувчи ёки киберхавфсизлик ҳодисаси вужудга келтирувчи Жиноят кодекси билан тақиқланган, ахборот-коммуникация технологиялари орқали кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланиб содир этиладиган ва бунинг учун Жиноят кодексида жазо қўллаш таҳдиди бўлган айбли ижтимоий хавфли қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик)лар; Кибержиноят орқали айбдор жабрланувчининг ахборот-коммуникация тизими ёки телекоммуникация инфратузилмасига эгалик қилиши ёки уни бошқариш ёхуд ўзга йўллар орқали

т/р	Тушунча номи	Тушунча таърифи
		таъсир кўрсатиши мумкин, шу сабабли ҳам бу сўзнинг луғавий маъноси унинг том маънодаги мазмун-моҳиятига боғлиқ саналади.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги
монографияга
21-ИЛОВА

ЛОЙИҲА

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлиги таъминланиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан «____» йил «__» «_____»да қабул қилинган
Сенат томонидан «____» йил «__» «_____»да маъқулланган

Ўзбекистон Республикасида ахборот-коммуникация технологиялари ва рақамлаштириш соҳасида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда, давлат иқтисодиёти ва аҳолининг яшаш шароити яхшиланмоқда, рақамлаштириш жадаллаштирилмоқда, тўлов тизимлари такомиллашмоқда.

Рақамлаштиришнинг жадал ривожланиши, соҳада янгидан янги қулайликлар яратилиши, ижтимоий муносабатларнинг босқичма-босқич рақамлаштирилиши ва шахс, жамият ҳамда давлат манфаатлари таъминланиши бўйича олиб борилаётган ислоҳотларга дунёда ахборот маконида бўлаётган киберҳужумлар ўзининг салбий таъсирини кўрсатмоқда, давлат иқтисодиётига зарар кўрмоқда, шахс, жамият ва давлат манфаатлари таҳлика остида қолмоқда, жамоат хавфсизлигига путур етмоқда, бу ҳолат кенг жамоатчиликка салбий таъсир кўрсатмоқда.

Шу сабабли жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш бугунги кунда энг долзарб вазифалардан бирига айланиб бормоқда.

Мазкур Қонун билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига жамоат хавфсизлигини мустаҳкамлаш ва кибертаҳдидларга қарши курашишни кучайтириш мақсадида кибержиноятлар учун алоҳида жавобгарлик турлари белгиланиб, мавжуд жиноий-ҳуқуқий нормаларга тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилмоқда.

Ушбу Қонун жамоат хавфсизлиги ва киберхавфсизликни таъминлашга, жамоатчиликни безовта қилаётган ахборот маконидаги ҳужумлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш орқали унинг осойишталигига эришишга, шахс, жамият ва давлат манфаатларини кибермуҳитда етарлича

таъминлашга ҳамда уларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2012-XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 1, 3-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165-модда; 2002 йил, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 314-модда, № 12, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 12, 656-модда; 2007 йил, № 4, 158, 166-моддалар, № 6, 248-модда, № 9, 416, 422-моддалар, № 12, 607-модда; 2008 йил, № 4, 187, 188, 189-моддалар, № 7, 352-модда, № 9, 485, 487, 488-моддалар, № 12, 640, 641-моддалар; 2009 йил, № 1, 1-модда, № 4, 128-модда, № 9, 329, 334, 335, 337-моддалар, № 12, 470-модда; 2010 йил, № 5, 176, 179-моддалар, № 9, 341-модда, № 12, 471, 477-моддалар; 2011 йил, № 1, 1-модда; 2012 йил, № 4, 108-модда, № 9/1, 242-модда, № 12, 336-модда; 2013 йил, № 4, 98-модда, № 10, 263-модда; 2014 йил, № 1, 2-модда, № 5, 130-модда, № 9, 244-модда, № 12, 343-модда; 2015 йил, № 6, 228-модда, № 8, 310, 312-моддалар, № 12, 452-модда; 2016 йил, № 4, 125-модда, № 9, 276-модда, № 12, 383, 385-моддалар; 2017 йил, № 3, 47-модда, № 6, 300-модда, № 9, 506, 510-моддалар; 2018 йил, № 1, 4-модда, № 4, 218, 224-моддалар, № 7, 430-модда, № 10, 679-модда; 2019 йил, № 1, 3, 5-моддалар, № 3, 161-модда, № 5, 259, 267, 268-моддалар, № 7, 386-модда, № 8, 471-модда, № 9, 592-модда, № 11, 787-модда, № 12, 880-модда; 2020 йил, № 1, 4-модда, № 3, 204-модда, № 7, 449-модда, № 10, 593-модда, № 11, 651-модда, № 12, 691-модда; 2021 йил, № 1, 5, 14-моддалар, № 2, 142, 144-моддалар, № 3, 217-модда, 4-сонга илова, № 8, 800, 803-моддалар, № 10, 966, 968, 973-моддалар, № 12, 1193-модда; 2022 йил, № 2, 81-модда, № 3, 215, 216-моддалар, № 4, 337-модда, № 5, 464, 466-моддалар, № 6, 575-модда, № 10, 981-модда; 2023 йил, № 3, 185, 187, 188-моддалар, № 4, 265-модда, № 5, 319-модда, № 10, 798-модда, № 11, 921-модда; 2024 йил, № 1, 8-модда, № 2, 111-модда, № 3, 245-модда, № 8, 818-модда, № 9, 954, 964-моддалар, № 10, 1070, 1071, 1073, 1077, 1079, 1083-моддалар, № 11, 1186-модда, № 12, 1280, 1287-моддалар; 2025 йил, № 2, 196-модда, № 3, 376, 377-моддалар) қуйидаги ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин:

«1) 56-модда биринчи қисми қуйидаги мазмундаги «п» банд билан тўлдирилсин:

«п) жиноят ахборот-коммуникация тизими ёки технологиялари ёҳуд телекоммуникация тармоғи ёки воситасидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

2) 97-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «т» банд билан тўлдирилсин:

«т) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

3) 104-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «м» банд билан тўлдирилсин:

«м) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

4) 105-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «н» банд билан тўлдирилсин:

«н) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

5) 109-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

6) 110-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

7) 112-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

8) 119-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «е» банд билан тўлдирилсин:

«е) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

9) 121-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўша ҳаракат оғир оқибатларга олиб келса ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

10) 126^1-модда:

бешинчи қисм қуйидаги мазмундаги «й» банд билан тўлдирилсин:

«й) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

еттинчи қисм қуйидаги мазмундаги «з» банд билан тўлдирилсин:

«з) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

11) 127-модданинг учинчи қисми қуйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

12) 127^1-модданинг учинчи қисми қуйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

13) 129-модданинг учинчи қисми қуйидаги мазмундаги «з» банд билан тўлдирилсин:

«з) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

14) 131-модданинг тўртинчи қисми қуйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

15) 133-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «д» банд билан тўлдирилсин:

«д) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

16) 133^1-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

17) 141-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўша ҳаракатлар зўрлик ишлатиб ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

18) 141^1-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

19) 141^2-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «е» банд билан тўлдирилсин:

«е) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

20) 149-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўша ҳаракатлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

21) 150-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўша ҳаракатлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

22) 151-модда қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Муҳим ахборот инфратузилмаларини қонунга хилоф равишда эгаллаб олишни режалаштириш, эгаллаб олишга ҳаракат қилиш, эгаллаб олиш, –»;

23) 155-модданинг учинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» ва «г» бандлар билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –;

г) муҳим ахборот инфратузилмаларига нисбатан содир этилган бўлса»;

24) 155^1-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) муҳим ахборот инфратузилмалари зарарланиши ёки эгаллаб олинишига сабаб бўлса, –»;

25) 155[3]-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

26) 156-модданинг учинчи қисми қуйидаги мазмундаги «е» банд билан тўлдирилсин:

«е) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

27) 159-модданинг учинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

28) 160-моддада:

қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўша ҳаракатлар:

а) муҳим ахборот инфратузилмаси ёки ундаги ахборотга нисбатан содир этилган бўлса;

б) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –

ўн беш йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.;

иккинчи-учинчи қисм тегишинча учинчи-тўртинчи қисм деб ҳисоблансин.»;

29) 162-модда иккинчи қисми диспозицияси қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўша ҳаракатлар:

а) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса;

б) оғир оқибатлар келиб чиқишига сабаб бўлса, —»;

30) 165-моддада:

иккинчи қисм қуйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

учинчи қисм қуйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) муҳим ахборот инфратузилмаси ёки ундаги ахборотга нисбатан содир этилган бўлса, –»;

31) 167-модда учинчи қисми «г» банди қуйидаги мазмунда баён этилсин:

«г) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

32) 168-модданинг учинчи қисми «г» банди чиқариб ташлансин;

33) қуйидаги мазмундаги 168[1]-модда билан тўлдирилсин:

«**168[1]-модда. Киберфирибгарлик**

Киберфирибгарлик, яъни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини ёки ўзганинг мулкига бўлган ҳуқуқни қўлга киритиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Киберфирибгарлик:

а) анча миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Киберфирибгарлик:

а) кўп миқдорда;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) муҳим ахборот инфратузилмасидаги мулкий қийматга эга бўлган ахборотга нисбатан содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг тўрт юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима ёки саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Киберфирибгарлик:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда жарима жазоси қўлланилиши мумкин.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни икки ҳисса қопланган тақдирда жарима жазосининг энг кам миқдори қўлланилиши мумкин.»;

34) 169-моддада:

учинчи қисми «б» банди чиқариб ташлансин;

«в» ва «г» бандлар тегишинча «б» ва «в» бандлар деб ҳисоблансин;

35) қуйидаги мазмундаги 169^1-модда билан тўлдирилсин:

«**169^1-модда. Киберўғрилик**

Киберўғрилик, яъни ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўзганинг мол-мулкини яширин равишда талон-торож қилиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Киберўғрилик:

а) қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) ахборот-коммуникация тизимига кириб ёки ундан фойдаланиб;

б) анча миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

д) умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш йўли билан;

е) умумий фойдаланишдаги электр, иссиқлик, газ ёки водопровод тармоқларига электр энергияси, газ ёки сув таъминоти ташкилотларининг мансабдор шахслари ёки ходимлари томонидан олдиндан тил бириктириб, тижорат мақсадларида ўзбошимчалик билан уланиш ёхуд электр энергиясини, табиий газни, совуқ ёки иссиқ сувни ҳисобга олиш асбобларига, шу жумладан уларнинг пломбаларига қасддан шикаст етказиш ёхуд ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида уларга ташқаридан аралашиш йўли билан содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима ёки беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Киберўғрилик:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) ахборотни модификациялаш ёки қонунга хилоф равишда расмий ҳужжат тайёрлаш йўли билан;

в) кўп миқдорда;

г) нефть қувурларида, газ қувурларида, нефть ва газ маҳсулотлари қувурларида содир этилган бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Киберўғрилик:

а) жуда кўп миқдорда;

в) қонунга хилоф (рухсатсиз) муҳим ахборот инфратузилмасига кирган ҳолда;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

ўн йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда жарима жазоси қўлланилиши мумкин.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни икки ҳисса қопланган тақдирда жарима жазосининг энг кам миқдори қўлланилиши мумкин.»;

36) 170-модда иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —»;

37) 171-моддада:

иккинчи қисм қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —»;

учинчи қисм қуйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) муҳим ахборот инфратузилмаси ёки ундаги ахборотдан фойдаланиб содир этилган бўлса, —»;

38) 173-моддада:

иккинчи қисм қуйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —»;

39) учинчи қисм қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) муҳим ахборот инфратузилмаси ёки ундаги ахборотга нисбатан содир этилган бўлса, —»;

40) 176-модда иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —»;

41) қуйидаги мазмундаги 177^1-модда билан тўлдирилсин:

«**177^1-модда. Валюта қимматликларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш**

Валюта қимматликларини ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб қонунга хилоф равишда олиш ёки ўтказиш, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар анча миқдорда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан беш юз бараваригача миқдорда жарима уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

саккиз йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда жарима жазоси қўлланилиши мумкин.

Етказилган моддий зарарнинг ўрни икки ҳисса қопланган тақдирда жарима жазосининг энг кам миқдори қўлланилиши мумкин.

Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди.»;

42) 185^1-модда учинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

43) 186^{1}-модда тўртинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

44) 186^{3}-модда иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «ж» банд билан тўлдирилсин:

«ж) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

45) 192^{9}-моддасида:

учинчи қисм қуйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

тўртинчи қисм қуйидаги мазмундаги «д» банд билан тўлдирилсин:

«д) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

46) 192^{10}-модда қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўша ҳаракатлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан беш йилгача беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.»;

47) 192^{11}-модда иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

48) 196-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —»;

49) 197-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ер, ер ости бойликларидан фойдаланиш шартларини ёки уларни муҳофаза қилиш талабларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса,—»;

50) 201-модданинг иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўша қилмишлар одам ўлишига сабаб бўлса ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —»;

51) 203-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Сув ёки сув ҳавзаларидан фойдаланиш шартларини бузиш оғир оқибатларга сабаб бўлса ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса,—»;

52) 204-моддада:

биринчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларнинг режимини бузиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёки бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса ёинки

ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса,—»;

иккинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд ёки объектларни қасддан нобуд қилиш ёки уларга шикаст етказиш кўп миқдорда зарар етказилиши ёхуд бошқача оғир оқибатларга сабаб бўлса ёинки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса,—»;

53) 205-модда иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб содир этилган бўлса, –»;

54) 206-модда иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб содир этилган бўлса, –»;

55) 209-модда иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ёки қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация тизимига кириб содир этилган бўлса, –»;

56) 210-моддада:

иккинчи қисм қуйидаги мазмундаги «д» банд билан тўлдирилсин:

«д) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

учинчи қисм қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) пора олиш ҳаракати муҳим ахборот инфратузилмаси ёки ундаги ахборотга боғлиқ бўлса, –»;

қуйидаги таҳрирдаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Пора олиш ҳаракати туфайли етказилган зарар икки ҳисса тўланиб, жиноят фош этилишига кўмаклашган тақдирда унга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланилади.»;

57) 211-моддада:

иккинчи қисм қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

учинчи қисм қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) пора бериш ҳаракати муҳим ахборот инфратузилмаси ёки ундаги ахборотга боғлиқ бўлса, –»;

қуйидаги таҳрирдаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Пора бериш ҳаракати туфайли етказилган зарар икки ҳисса тўланиб, жиноят фош этилишига кўмаклашган тақдирда айбдорга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланилади.»;

58) 212-моддада:

иккинчи қисм қуйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

учинчи қисм қуйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) пора олиш-беришда воситачилик қилиш ҳаракати муҳим ахборот инфратузилмаси ёки ундаги ахборотга боғлиқ бўлса, –»;

қуйидаги таҳрирдаги бешинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Пора олиш-беришда воситачилик қилиш ҳаракати туфайли етказилган зарар икки ҳисса тўланиб, жиноят фош этилишига кўмаклашган тақдирда айбдорга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланилади.»;

59) 213-моддада:

учинчи қисм қуйидаги мазмундаги «г» банд билан тўлдирилсин:

«г) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

қуйидаги таҳрирдаги олтинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Давлат органининг, давлат иштирокидаги ташкилотнинг ёки фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органининг хизматчисини пора эвазига оғдириб олиш ҳаракати туфайли етказилган зарар икки ҳисса тўланиб, жиноят фош этилишига кўмаклашган тақдирда айбдорга озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо қўлланилади.»;

60) 214-модданинг учинчи қисми қуйидаги мазмундаги «д» банд билан тўлдирилсин:

«д) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

61) 214^1-модданинг учинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

62) 214^2-модданинг учинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

63) 215-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўша ҳаракат ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.»;

64) 216^1-модда иккинчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўша ҳаракатлар вояга етмаган шахсга нисбатан ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —»;

65) 216^2-модда қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларидаги ҳаракат ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.»;

66) 217-модда қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб йиғилишлар, митинглар, кўча юришлари ёки намойишлар уюштириш, ўтказишга ундаш, –

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч юз олтмиш соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.»;

67) 218-модда қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўша ҳаракатлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.»;

68) 230^1-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

69) Олтинчи бўлим номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**Жамият хавфсизлиги ва жамият тартибига қарши жиноятлар**»;

70) XVII боб номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**Жамият хавфсизлигига қарши жиноятлар**»;

71) 242-модда қуйидаги мазмундаги учинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ушбу модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –:

ўн беш йилдан йигирма беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.»;

72) 243-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Ўша ҳаракатлар ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –:

ўн йилдан йигирма йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.»;

73) 244-моддасининг тўртинчи қисмидаги «бошқа нарсаларни ишлатиб» деган сўзлар «бошқа нарсаларни ишлатиб ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб» деган сўзларга алмаштирилсин;

74) 244^2-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

75) 244^3-модда қуйидаги мазмундаги иккинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Диний мазмундаги материалларни тарқатиш мақсадида қонунга хилоф равишда ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб тайёрлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, тарқатиш ёки телекоммуникация тармоғи ёки ахборот-коммуникация тизимида сақлаш, –:

уч йил беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси билан жазоланади.»;

76) 247-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «е» банд билан тўлдирилсин:

«е) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

77) 248-моддада:

иккинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўша ҳаракатлар такроран ёки хавфли рецидивист томонидан ёки ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, —»;

учинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Ўқотар қуролни, ўқ-дориларни, портловчи моддаларни ёки портлаш қурилмаларини ўтказиш ёки шундай мақсадда телекоммуникация тармоғида реклама қилиш, —»;

78) 249-модданинг биринчи қисмидаги «бузиш» деган сўз «бузиш ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган ёки» деган сўзларга алмаштирилсин;

79) 250-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

80) 250^1-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «е» банд билан тўлдирилсин:

«е) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

81) 251-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «е» банд билан тўлдирилсин:

«е) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

82) 252-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «е» банд билан тўлдирилсин:

«е) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

83) 253-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

84) 254-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

85) 255-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

86) 255^1-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

87) 255^2-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «е» банд билан тўлдирилсин:

«е) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

88) 256-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

89) 257-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

90) 263-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Темир йўл, денгиз, дарё ёки ҳаво транспорти воситалари, алоқа линияси, улардаги иншоотлар, сигнализация қурилмалари, алоқа ёки бошқа транспорт ускуналарини қасддан бузиш, уларга шикаст етказиш ёхуд уларни бошқа усулда фойдаланиш учун яроқсиз ҳолатга келтириш ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса ёки баданга ўртача оғир ёки оғир шикаст етказилишига сабаб бўлса,–»;

91) 264-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

92) 267-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «д» банд билан тўлдирилсин:

«д) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

93) 271-модданинг иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «з» банд билан тўлдирилсин:

«з) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

94) XX боб номи қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**Жамият тартибига қарши жиноятлар**»;

95) 277-модданинг биринчи қисми қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Безорилик, яъни жамиятда юриш-туриш қоидаларини қасддан менсимаслик, телекоммуникация тармоғи ёки бутунжаҳон интернет тармоғидадан фойдаланишда одоб-ахлоқ қоидалари ва ахборот хавфсизлиги талабларига риоя қилмаслик, уриш-дўппослаш, баданга енгил шикаст етказиш ёки ўзганинг мулкига шикаст етказиш ёхуд нобуд қилиш анча зарар етказиш билан боғлиқ ҳолда содир этилса, —»;

96) 278-моддада:

иккинчи қисми қуйидаги мазмундаги «в» банд билан тўлдирилсин:

«в) ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб содир этилган бўлса, –»;

учинчи қисм қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қимор ва таваккалчиликка асосланган бошқа ўйинларни ташкил этиш ёки ўтказиш мақсадида телекоммуниция хизматларини кўрсатишни реклама қилиш, хизматлар кўрсатиш, шундай хизматлар кўрсатилиши бўйича телекоммуникация тармоғида ахборот тарқатиш, —»;

97) XX[1] боб чиқариб ташлансин;

98) қуйидаги таҳрирда олтинчи кичик бўлим қўшилсин:

«**Олтинчи кичик бўлим. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги жиноятлар**

XX[1] боб. Ахборот-коммуникация технологияларига қарши қаратилган жиноятлар

278[1]-модда. Ахборот-коммуникация тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун техник воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб сақлаш, тайёрлаш, ўтказиш, эгаллаб олиш ва тарқатиш

Ахборот-коммуникация тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун техник воситаларни ўтказиш мақсадини кўзлаб сақлаш, тайёрлаш, ўтказиш, эгаллаб олиш ва тарқатиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг икки юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

278[2]-модда. Крипто-активлар айланмаси соҳасидаги қонунчиликни бузиш

Крипто-активларни қонунга хилоф равишда олиш, ўтказиш ёки айирбошлаш, белгиланган тартибда лицензия олмасдан крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари фаолиятини амалга ошириш ёхуд крипто-активлар айланмаси соҳасидаги хизматлар провайдерлари томонидан аноним крипто-активлар билан операцияларни амалга ошириш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди.

278[3]-модда. Майнинг фаолиятини қонунга хилоф равишда амалга ошириш

Аноним крипто-активлар майнинги билан шуғулланиш ёки белгиланган тартибни бузган ҳолда майнинг фаолиятини амалга ошириш шундай ҳаракатлар учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд бир йилгача озодликни чеклаш ёки бир йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Яширин майнингни амалга ошириш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

б) жуда кўп миқдорда;

в) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳаракатлар:

а) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса, —

уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Тайёргарлик кўрилаётган ёки содир этилаётган жиноят ҳақида ўз ихтиёри билан арз қилган ва уни очишга фаол ёрдам берган шахс жавобгарликка тортилмайди.

XX[2] боб. Кибержиноятлар

278[4]-модда. Алоқа ва ахборотлаштиришга оид қонунчиликни бузиш

Алоқа ва ахборотлаштиришга оид қонунчиликни бузиш, яъни белгиланган ҳимоя чораларини кўрмаган ҳолда ахборот-коммуникация тизимлари, маълумотлар базалари ва банкларини, ахборотга ишлов бериш ҳамда уни узатиш тизимларини яратиш, жорий этиш ва улардан фойдаланиш, телекоммуникация тармоғи ва ахборот-коммуникация тизимларидан рухсат билан фойдаланиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

278[5]-модда. Ахборотдан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш

Ахборотидан, яъни ахборот-коммуникация тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмларидаги ахборотлардан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, агар ушбу ҳаракат ахборотнинг йўқ қилиб юборилиши, тўсиб қўйилиши, модификациялаштирилиши, ундан нусха кўчирилиши, муайян ҳуқуқ бериш ёки мажбуриятлардан озод қилувчи расмий ҳужжатлар яратиш ёхуд унинг қўлга киритилишига, ахборот-коммуникация тизимлари, телекоммуникация тармоқлари ва уларнинг таркибий қисмлари ишининг бузилишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш ёхуд бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари билан жазоланади.

Ўша ҳаракат:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

д) муҳим ахборот инфратузилмасидаги ахборотга нисбатан содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

278[6]-модда. Ахборотни модификациялаштириш

Ахборотни модификациялаштириш, яъни ахборот-коммуникация тизими, телекоммуникация тармоғида сақланаётган ахборотни қонунга хилоф равишда ўзгартириш, унга шикаст етказиш, уни ўчириш, унга ишлов бериш, била туриб унга ёлғон ахборотни киритиш фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) муҳим ахборот инфратузилмасидаги ахборотга нисбатан содир этилган бўлса, —

бир йилдан икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

278[7]-модда. Киберсаботаж

Киберсаботаж, яъни ўзганинг ахборот-коммуникация тизимини бузиш ёки унга уланган телекоммуникация воситаси ёки унинг таркибий қисмини қасддан ишдан чиқариш, —

уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан тўрт юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) муҳим ахборот инфратузилмаси сақланаётган ахборот-коммуникация тизими ёки унга уланган телекоммуникация воситаси ёки унинг таркибий қисмига нисбатан содир этилган бўлса, —

икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

278[8]-модда. Зарар келтирувчи дастурларни яратиш, ишлатиш ёки тарқатиш

Ахборот-коммуникация тизими, телекоммуникация тармоғи ёки воситасида сақланаётган ёки узатилаётган ахборотни рухсатсиз йўқ қилиб юбориш, тўсиб қўйиш, модификациялаштириш, ундан нусха кўчириш ёки уни қўлга киритиш мақсадини кўзлаб компьютер дастурларини яратиш ёки мавжуд дастурларга ўзгартиришлар киритиш, худди шунингдек махсус вирус дастурларини ишлаб чиқиш, улардан қасддан фойдаланиш ёки уларни қасддан тарқатиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ўша ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда зарар етказган ҳолда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

д) муҳим ахборот инфратузилмасига нисбатан содир этилган бўлса, —

икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

278[9]-модда. Телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш

Ўрнатилган ҳимоя тизимларини четлаб ўтган ҳолда телекоммуникация тармоғидан фойдаланиш ва халқаро трафикни ўтказиш мақсадида телекоммуникация тармоғидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш, шунингдек мазкур мақсадлар учун мўлжалланган махсус дастурий ёки аппарат воситаларини қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) сақлаш ва уларнинг фаолият кўрсатиши учун шароитлар яратиш —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз бараваридан уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Телекоммуникация тармоғидан тарқатиш йўл қўйилмаслиги белгиланган жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи қонунга хилоф равишда ахборотни тарқатиш, тарқатишга йўл қўйиш, фуқароларнинг ҳуқуқларига ёки қонун билан қўриқланадиган манфаатларига ёхуд давлат ёки жамоат манфаатларига кўп миқдорда зарар ёхуд жиддий зиён етказилишига сабаб бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг эллик бараваридан юз бараваригача миқдорда жарима ёки бир йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг биринчи ва икки қисмидаги ҳаракатлар:

а) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

б) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан;

в) хизмат мавқеидан фойдаланиб;

г) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этилган;

д) оғир оқибатларга сабаб бўлган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.».

2-модда. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор ташкилотлар ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

3-модда. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:

ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштирсин;

республика ижро этувчи ҳокимият органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

4-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг
Президенти **Ш. Мирзиёев**

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги
монографияга
22-ИЛОВА

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар қуроллари ва воситалари ҳамда ахборот-коммуникация технологияси инфратузилмаси*

Тизим	Тармоқ	қурилма	ускуна	Восита	Технология	Қўшимча ресурслар
Ахборот тизими	Телекоммуникация тармоғи	Роутер	Телекоммуникация ускунаси	Телекоммуникация воситаси	Ахборот-коммуникация технологияси	алоқа
Тўлов тизими	Интернет тармоғи	Компьютер қурилмаси	Ҳисоблаш ускунаси	Телекоммуникация иншооти	Ахборот технологияси	Телекоммуникация
Компьютер тизими	Симли тармоқ	Ноутбук	Компьютер ускунаси	Электрон тўлов воситаси	Телекоммуникация технологияси	Радиочастота
Бошқарув тизимлари	Симсиз тармоқ	Смартфон	Технологик ускуналар	Техник восита	Рақамли технология	Ахборот
Хавфсизлик тизимлари	Локал тармоқ	Планшет	Лабаратория ускуналари	Радиоэлектрон восита	Сунъий интеллект	Ахборот ресурслари
Маълумотлар базаси тизими	Глобал тармоқ	Сервер	Радар	Компьютер воситаси	Робототехника	Алоқа линияси
Автоматлаштирилган тизимлар	Виртуал тармоқ	Принтер	Дрон	Дастурий восита	Нонотехнология	
Хабар алмашиш тизимлари	Сенсор тармоқ	Маршрутизатор	Ҳарбий ускуналар	Тасдиқлаш воситалари	Биотехнология	
Операцион тизимлар	P2P тармоқ	IoT қурилмалар	Электрон ускуналар	Таҳлил ва мониторинг воситалари	Нейрон технологияси	
Реал вақт тизимлари	Метро тармоқ	Телефон	Совитиш тизими	Мулоқот воситалари	кибертехнология	

Тизим	Тармоқ	қурилма	ускуна	Восита	Технология	Қўшимча ресурслар
Эксперт тизимлар	Cloud тармоқлари	Коммутатор	Компьютерда бошқариладиган дастгоҳ	Ишлаб чиқиш воситалари	Блокчейн технологияси	
Файл тизимлари	SDN (Software Defined Network)	Модем	Дастурланувчи логик контроллер	Тест воситалари	Булутли технология	
Маълумотлар базаси	Satellite ва Undersea Cable тармоқлари	Сенсор	Маълумотлар маркази ускуналари	График воситалари	Машина ўрганиш технологияси	
Маълумотлар банки	NFV тармоқлари	Актуатор	Узлуксиз электр таъминоти қурилмаси	Моделлаштириш воситалари	криптография ва шифрлаш алгоритмлари	
Платформалар	LAN, WAN, MAN, PAN, CAN, WLAN, VPN тармоқ	Кириш қурилмалари		DevOps воситалари	Интернет технологияси	
Қарор қабул қилиш тизими	Даркнет	Сақлаш қурилмалари		Дастур	Киберхавфсизлик технологияси	
Геоахборот тизими	Дарквеб	Чиқиш қурилмалари		Аппарат-дастурий восита	VR/AR технологиялари	
Электрон ҳукумат тизимлари	Тор тармоғи	Keyboard		Дастурий-аппарат	Квант технологиялари	
Маълумотларни бошқариш тизими	Сақлаш тармоғи	Сичқонча		Почта алоқаси воситалари	3D-принтинг	
Таълим тизимлари	Кампус ёки Контроллер тармоғи	Монитор		Мобил илова	Робототехника	
Диспетчерлик тизимлари	Шаҳар тармоғи	Прожектор		Электрон почта	Метаматн олами	

Тизим	Тармоқ	қурилма	ускуна	Восита	Технология	Қўшимча ресурслар
Алоқа маркази тизимлари	Кенг ҳудудли тармоқ	Спикер		Мослама	Рақамли эгизак (дублёр) технологияси	
Гибрид тизимлар	Шахсий тармоқ	Юқори частотали қурилма		Таянч	Яшил технология	
Раҳбарият ахборот тизими	Контент етказиш тармоғи	Периферия қурилмалари		Тарқатиш қутиси	Чуқур ўрганиш технологияси	
Саноат бошқаруви тизими	Почта алоқаси тармоғи	Квант ҳисоблаш қурилмалари		Шкаф	Агротехнология	
Сув ресурслари бошқаруви тизими	Мобил алоқа тармоғи	Робот қурилмалар		Аппарат	Геотехнология	
Веб-сайт	Нейрон тармоғи	Акселерометр		GSM, IP-шлюз, SMS-шлюз	2G, 3G, 4G, 5G, 6G ... технологияси	
Веб-сайт саҳифаси	Ижтимоий тармоқ	Смарт қурилмалар		SIM/RUIM-карта	Геолокация технологияси	
Веб-ҳавола	Wi-Fi тармоқ	таксафон		Тўлов картаси		
Веб-илова		Телекоммуникация қурилмаси		Аппарат-дастурий маҳсулот	Аэрокосмик технология	
чуқур ўрганиш платформаси		Мобил қурилма		Дастурий маҳсулот	Электрон технология	
рақамли платформа		Флешка		дастурий аппарат мажмуи	SIP-технологияси	
Ахборот тизимлари мажмуи		Электрон соат		FACE-ID, ONE-ID, Mobile-ID, биометрик, юз, овоз, таъна ҳарорати, ҳаракат, кўз, таъна аъзолари идентификация	Bitcoin, Ethereum, блокчейн, smart-контрактлар, distributed ledgers	

Тизим	Тармоқ	қурилма	ускуна	Восита	Технология	Қўшимча ресурслар
Комплекс ахборот тизими		UPS		мессенжер	Машинали ўрганиш (Machine Learning)	
Идентификация тизими, FACE, Mobile-ID, биометрик, юз, овоз, таъна ҳарорати, ҳаракат, кўз, таъна аъзолари идентификация тизими		GPS-приёмник		Логин, парол, тасдиқлаш воситалари	NLP	
аутентификация тизими		Фотоаппарат		QR-код орқали тасдиқлаш, SMS-верификация	когнитив технологиялар	
Кузатув, шу жумладан, видеокузатув тизимлари		Видеокамера		Блокчейн асосидаги аутентификация	интеллектуал видеотаҳлил, нутқни таниб олиш ва синтезлаш, интеллектуал қарорларни қўллаб-қувватлаш технологияси	
Навигация тизими				Хавфсизлик девори (Firewall)	MFA (Multi-Factor Authentication – Кўп факторли аутентификация) технологияси	

Тизим	Тармоқ	қурилма	ускуна	Восита	Технология	Қўшимча ресурслар
Маълумотлар базалари				Электрон идентификация картаси		
Маълумотлар банки				Дастурий таъминот		
Виртуал серверлар (VPS/VDS)				видеоконференция лар		
Маълумотлар маркази (Data Center)				Чат-бот		
Ахборот-коммуникация тизими				IoT (буюмлар интернети)		
Криптовалюта ва блокчейн				Фаервол		
Сунъий интеллект				антивирус		
Smart ва IoT тизимлари				IDS/IPS		
Маълумотлар ва таҳлил тизими						
Хавфсизлик тизимлари						
IDS (Intrusion Detection System – Ҳужумни аниқлаш тизими) ва IPS (Intrusion Prevention System – Ҳужумни олдини олиш тизими)						
смарт тизимлар						
бошқа ресурслар	бошқа ресурслар	бошқа ресурслар	бошқа ресурслар	бошқа ресурслар	бошқа ресурслар	бошқа ресурслар
***Жамоат хавфсизлигига оид ахборот-коммуникация технологияси инфратузилмаси**						

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги монографияга
23-ИЛОВА

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг – киберхавфсизлик объекти

т/р	Киберхавфсизлик объекти номи
1.	Шахс, унинг ҳаёти, соғлиғи, шаъни-қадр-қиммати, озодлиги, конституциявий ҳуқуқ ва эркинлиги, қонуний манфаатлари, шахсий, шахсга доир маълумотлар дахлсизлиги, жинсий эркинлиги, ахлоқи, келажаги
2.	Жамият ва унинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинлиги
3.	Давлат ва унинг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинлиги
4.	Ахборот-коммуникация технологияси инфратузилмаси*
5.	Ўсимлик дунёси
6.	Ҳайвонот дунёси
7.	Сув ресурслари
8.	Энергетика ресурслари
9.	Қишлоқ хўжалиги ресурслари
10.	киберхавфсизлик
11.	Тоғ-кон ресурслари
12.	Нефт-газ ресурслари
13.	Озиқ-овқат таъминоти
14.	Молия-банк тизими ва унинг ресурслари
15.	Давлат бошқаруви
16.	Ахборот ва унинг хавфсизлиги
17.	Оила, ёшлар, ахлоқ
18.	Тинчлик ва хавфсизлик
19.	Давлат иқтисодиёти
20.	Хўжалик юритувчи субъектлар ва тадбиркорлик фаолияти субъектларининг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинлиги
21.	Мулк, турар жой дахлсизлиги
22.	Дахлсизлик
23.	Хўжалик фаолияти
24.	Атроф-муҳит, экология
25.	Махсус, иқтисодий зоналар ёки бошқа имтиёзли тузилмаларнинг қонуний манфаатлари
26.	Фуқаролик жамияти институтларининг қонуний манфаатлари, ҳуқуқ ва эркинлиги
27.	Муҳим инфратузилмалар
28.	Муҳим ахборот инфратузилмалари
29.	Одил судлов

30.	Очиқлик ва шаффофлик
31.	Транспорт ҳаракати хавфсизлиги
32.	Гиёвандлик воситалари, ядровий, биологик, ўқотар, кучли таъсир этувчи, заҳарли ёки психотроп моддалар қонуний муомаласи
33.	Ҳарбий хизмат, мудофаа хавфсизлиги
34.	Жамият тартиб-таомиллари муҳофазаси
35.	Одоб-ахлоқ қоидалари, тармоқдан фойдаланиш этикаси
36.	Тиббиёт ва фармацевтика ресурслари
37.	Таълим ресурслари
38.	Илм-фан
39.	ихтиролар, саноат намуналари, товар белгилари, муаллифлик ва турдош ҳуқуқлар, фан, адабиёт, санъат асарлари ва интеллектуал фаолиятнинг бошқа натижалари, интеллектуал мулк объектлари ва уларнинг дахлсизлиги
40.	Товар, иш, хизмат ва унинг натижалари
41.	Мулкий ва шахсий номулкий ҳуқуқлар
42.	Онг, маданият
43.	Жамоат хавфсизлиги

Изоҳ: Ахборот-коммуникация технологияси инфразулмаси алоқа, ахборотлаштириш, шу жумладан, телекоммуникация, радио, телевидение, почта алоқаси, радиочастота, сунъий интеллект, ахборот, рақамли, аэрокосмик, био-, ноно-, кибертехнология ва бошқа ахборот ёки (ва) алоқа мавжуд бўлган технологик инфратузилмалардан иборатдир.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш истиқболлари
мавзусидаги монографияга
24-ИЛОВА

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятларнинг зарурий белгилари

т/р	Киберхавфсизлик объекти номи
	Умумий белгилар
1.	**қўриқланадиган ижтимоий муносабат**, масалан, «*ахборот-коммуникация технологиялари соҳасининг муҳофазаси», «жамоат хавфсизлиги, киберхавфсизлик», «шахснинг ҳаёти, соғлиғи, ҳуқуқ ва манфаатлари», «шахс, жамият ва давлат ҳимояси»* ва бошқалар бўлиши мумкин;
2.	**ижтимоий хавфли қилмиш**, яъни жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи қилмишлар;
3.	**ёш**, яъни жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноят учун жавобгарликни келтириб чиқарувчи ёш чегараси;
4.	**ақли расолик**, яъни кибержиноятлар ақли расо шахс томонидан содир этилгандагина ушбу ҳолатда жавобгарлик вужудга келади;
5.	**айб**, яъни ҳар доим ушбу жиноятлар қасддан содир этилади.
	Махсус белгилар
1.	қилмиш ҳар доим **кибермуҳит, шу жумладан, кибермаконда** ёки у билан аралашган ҳолатда содир этилади; Масалан, киберўғрилик ахборот тизими, шу жумладан, тўлов тизимига яширинча ахборот-коммуникация технологиялари орқали виртуал муҳит ёрдамида кирилади. Ушбу муҳит эса, жиноятнинг тамомланишига бевосита боғлиқ эмас, бироқ ҳар қандай кибержиноят кибермуҳитнинг ўзида ёки аралашган кўринишда содир этилиши мумкин. Киберўғрилик, киберфирибгарлик жиноятлари тўлов тизимига рухсатсиз кириш йўли билан содир этилар экан ушбу тизимдаги пул маблағи қўлга киритилган вақтдан бошлаб ушбу кибержиноят тамомланади, бунда кибержиноят оқибатлари вужудга келиши муҳим эмас, энг муҳими ноқонуний мулкдорлик ҳуқуқи вужудга келса бўлди, киберсуицид жинояти эса, руҳий зўравонлик орқали содир этилгани билан шахс «ўзини ўзи ўлдирган» ёки «ўзини ўзи ўлдиришга суиқасд қилган»[531] бўлсагина ушбу жиноят тамомланади;
2.	кибержиноятлар **ахборот-коммуникация технологияларидан** фойдаланиб содир этилади; Ахборот-коммуникация технологиялари ахборотни яратиш, узатиш, ишлаш ва бошқариш билан боғлиқ технологиялар[532] бўлиб, уларнинг рўйхати монография 22-иловасида

[531] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[532] Вазирлар Маҳкамасининг 2014 йил 23 апрелдаги 102-сон қарори билан тасдиқланган “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари фаолиятида ахборот-коммуникация технологияларини жорий

	назарда тутилган ҳамда уларнинг умумий иккита қуйидаги турлари мавжуд: 1) ахборот технологиялари; 2) телекоммуникация технологиялари. Ноно ва биотехнологиялар ҳам ушбу технологияларга яқин тушунча бўлиб, улар ахборот-коммуникация технологиялари билан мулоқот қилиб, ҳамкорликда фаолият кўрсатади, бироқ улар ахборот-коммуникация технологиялари қаторига бевосита кирмайди. Қонунчиликка кўра, «**ахборот технологиялари** ахборотни тўплаш, сақлаш, излаш, унга ишлов бериш ва уни тарқатиш учун фойдаланиладиган жами услублар, қурилмалар, усуллар ва жараёнлар» саналади[533]. Ушбу технологиялар ахборотни тақдим этиш шаклига кўра, электрон ва рақамли технологиялар[534]га бўлинади. **Телекоммуникация технологиялари** эса, алоқа, шу жумладан, телекоммуникация, унинг тармоғи, воситаси, қурилмаси, алоқа линиясига оид технологиядир.
3.	алоқа ва (ёки) ахборот, шу жумладан, телекоммуникация, радиочастота, почта алоқаси. Бунда, «**телекоммуникациялар** – ахборотнинг белгилар, матнлар, тасвирлар, товушлар, видео тарзидаги ёки бошқа турдаги сигналларини ўтказгичли, радио, оптик ёки бошқа электромагнит тизимлардан фойдаланган ҳолда узатиш, қабул қилиш ва уларга ишлов бериш»[535], «**ахборот** – манбалари ва тақдим этилиш шаклидан қатъи назар шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, ҳодисалар ва жараёнлар тўғрисидаги маълумотлар»[536], «**радиочастоталар (радиотўлқинлар)** – белгилар, сигналларни, ёзма матнни, тасвирлар ва товушларни узатиш ёки қабул қилиш мақсадида фазода сунъий тўлқин ўтказгичсиз тарқатиладиган, шартли равишда уч минг гигагерцдан камроқ қилиб қабул қилинган частотали электромагнит тўлқинлар»[537], «почта алоқаси – почта алоқаси воситалари ва объектларининг ягона ишлаб чиқариш-технология мажмуидан иборат бўлган, почта алоқаси хизматлари кўрсатилишини таъминлайдиган алоқа тури»[538]дир. Шунга кўра, ёдда тутиш зарурки, кибермуҳитда виртуал оламдаги хатти-ҳаракатлар товуш, белги, рақам, сигнал, ҳарф, маълумот, овоз, матн, сўз, компьютер ахбороти ёки бошқа кўринишда содир этилганидан қатъий назар улар

этиш ва ривожлантиришнинг ҳолатини ўрганишни амалга ошириш тартиби тўғрисида”ги Низом // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[533] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборотлаштириш тўғрисида” 2003 йил 11 декабрдаги 560-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[534] Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 17 декабрдаги 794-сон қарори билан тасдиқланган “Ақлли қишлоқ хўжалиги” технологияларини ривожлантириш стратегияси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[535] Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[536] Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида” 2002 йил 12 декабрдаги 439-II-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[537] Ўзбекистон Республикасининг «Радиочастота спектри тўғрисида» 1998 йил 25 декабрдаги 725-I-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[538] Ўзбекистон Республикасининг “Почта алоқаси тўғрисида” 2022 йил 9 июндаги ЎРҚ–777-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

	маълум бир масала бўйича ахборот ёки маълумотни ўзида акс эттиради. Ушбу товуш, белги, рақам, сигнал, ҳарф, маълумот, овоз, матн, сўз, компьютер ахбороти ёки бошқа кўринишдаги маълумотни аниқлаш орқалигина электрон (рақамли) маълумот ёки далилларни тушуниш ва англаш мумкин. Демак, **телекоммуникация технологияларисиз ахборот технологиялари мавжуд бўлмайди ва ушбу технологиялар ахборот технологияларининг асосини ва ишлашини ташкил этади**. Телекоммуникация технологияларининг вазифаси ҳам мустақил, ҳам ахборот технологияларига хизмат кўрсатишга ихтисослаштирилган технология саналади. Қонунчиликка кўра, «*телекоммуникация технологиялари ва инфратузилмаси телекоммуникациялар ускуналари, телекоммуникациялар иншоотлари, кабель линиялари ҳамда уларни бошқариш имконини берувчи тизимлар саналиб, улар актив ва пассив инфратузилмаларга бўлинади. Актив телекоммуникациялар инфратузилмасига телекоммуникациялар ускуналари бўлган телекоммуникацияларни амалга ошириш учун мўлжалланган техник ускуналар ва уларга ўрнатилган дастурий таъминот, пассив телекоммуникациялар инфратузилмасига телекоммуникациялар иншоотлари бўлган телекоммуникацияларнинг амалга оширилишини таъминловчи бинолар, мосламалар, таянчлар, мачталар, тарқатиш қутилари, шкафлар ва бошқалар киради»*[539]. Телекоммуникация инфратузилмасисиз кибержиноят содир этиш имконсиз бўлиб, барча кибержиноятларда ҳеч бўлмаса битта телекоммуникация инфратузилмаси иштирок этади. Шу сабабли булар орқали фикримизча, техник томондан Ўз.Рес. ЖК.нинг 97, 103-103[1], 104-105, 109, 110, 112, 115[1], 119, 121, 125, 126[1], 127, 127[1], 129-130[1], 131, 133[1], 135-136, 139-141[3], 143, 145-147, 149-151, 153-154, 155, 156-162, 165, 167-173, 176-178, 185-186[3], 188[1], 189, 191-192[1], 192[3]-192[4], 192[6], 192[9]-192[12], 193, 196, 200-206, 209-215, 216[1], 217, 220, 227[1]-230[2], 232[1], 233, 239, 260-260[1], 263-265, 267, 271, 273-274, 277-278, 296-297, 301-моддаларида назарда тутилган қилмишлар кибермуҳитда, шу жумладан, кибермаконда ёки ундан фойдаланган ҳолда, содир этилиши мумкин.

[539] Ўзбекистон Республикасининг “Телекоммуникациялар тўғрисида” 2024 йил 27 декабрдаги ЎРҚ–1015-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги монографияга
25-ИЛОВА

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи квадробика ҳақида қисқача маълумот

Субмаданият, тренд ёки норасмий спорт бўлган квадробика кейинги йилларда жуда ҳам тез оммалашмоқда, аслида квадробер – ҳайвонларнинг одат ва ҳаракатларига тақлид қилувчи болалар, асосан, ўсмирлардир. Улар маълум ҳайвон, масалан, кучук, мушук, маймун кабиларни акс эттирувчи аксессуар ва кийимлар билан, дум, қулоқ, панжали қўлқоп ва ниқоблар тақиб, одамлар орасида ўша ҳайвоннинг ҳаракатлари билан намоён бўлади. Ўзини тўлиқ ўша ҳайвон сифатида кўрсатадиган бу болалар оёқ-қўлида худди 4 оёқли ҳайвон каби сакраб, югуради. Баъзан эса суйкалиб, унинг товушини ҳам чиқариши мумкин. Дастлаб квадробика япон атлети Кенъити Ито томонидан кашф этилган спорт тури (квадро, яъни тўрт ва аэробика) бўлган. Спортчи машғулот вақтида жуда тез югурган. Унинг ҳаракатлари ташқаридан хунук кўриниб, одамлар уни маймунга ўхшатиб, мазах қилади. Кейинроқ Кенъити Ито ҳайвонларни, хусусан, Гусар маймунларини кузата бошлаган. Баъзи маълумотларга кўра, у ҳайвонларнинг ҳаракат ва одатларини ўрганиш учун ўрмонда яшаб, овчи қурбонига айланишига ҳам бир бахя қолган. Орттирилган тажрибалар натижасида, спортчи ўзининг 4 оёқ-қўлда югуриш усулини ишлаб чиқиб, Гиннес рекордлари китобидан жой олган. Шу тариқа спорт шаклида пайдо бўлган квадробика бугун келажак авлодни инсонийлик хислатларидан узоқлаштириб, жамиятни халокат ёқасига яқинлаштирмоқда. Мутахассислар фикрига кўра, ҳайвонларга тақлид қилиш ғарбий субмаданият остида оммалашмоқда. Квадроберлар бошқа мамлакатларда турли фестиваль ва тадбирларда чиқиш қилган бўлса, бугунги ўсмирлар ўзининг мулоқот доирасини шу усулда шакллантириб, шу тариқа дўст орттиришга уриниши ҳавотирли туюлади. Яна бир тахмин – унинг ортида болалардан фарқли ўлароқ, нима қилаётганини жуда яхши англаётган катталар турган бўлиши ҳам мумкин. Ушбу фикрга асос сифатида мутахассислар квадроберлар учун махсус озуқа, кийим, маска ва бошқа аксессуарлар аллақачон савдо расталаридан ўрин олганини келтиради. Дарҳақиқат, исталган маркетплейнинг қидирув бўлимига калит сўзларни киритиб, субмаданиятга оид маҳсулотларни осон сотиб олиш мумкинлигига гувоҳ бўлишингиз мумкин. Умуман олганда, квадробикани бирданига оммалашуви жиддий хавотирларга етарлича асос бўла олади. Кўча-кўйда, оммавий манзилларда ҳайвон тусидаги ўсмирларнинг ғайритабиий ҳаракатлари квадробика ҳақида эшитмаган исталган кишини чўчитиб, унга руҳий зарба бериши, қўрқиб кетган кишининг эса квадроберга беҳосдан жисмоний зарар етказиб қўйиш эҳтимоли ҳам йўқ эмас. Ажабланарлиси, дунё бўйлаб ортиб бораётнан ушбу ҳолатни ўта нормал қабул қилиб, унга нисбатан бағрикенгликка чақираётганлар ҳам учраб турибди. Квадробикани безарар хобби деб

баҳолаётганларнинг аксарияти болаларни телефонга «*қадалиб*», интернетда вақт ўтказишдан кўра шу тариқа жисмоний фаоллик билан машғул бўлишини маъқуллайди. Атрофдагиларга эса «*қўйинг, болалигини қилсин*» дея муносабат билдиради. Жамиятда ҳар томонлама турлилик бўлиши табиий, албатта. Бироқ бола ўзини омма олдида ҳайвон кўринишида талқин қилишига нима сабаб бўлгани, оила аъзоларининг унга муносабати, қандай рози бўлганию, унинг руҳиятида нималар содир бўлганини ўйлашнинг ўзи кишини хавотирга солади. Квадроберлар билан боғлиқ турли видеоларнинг инстаграм, тик-ток каби ижтимоий тармоқларда борган сари кенг тарқалаётгани, мутахассисларнинг ушбу «*хобби*» юқумли эканини таъкидлаши бўлса, «Болани интернетдан узоқлаштиришнинг яхши йўли» деган фикрнинг асоссиз эканини кўрсатади. Ҳақиқатан ҳам, ўсмирлик даврида ҳали «ўзини» топиб улгурмаган болаларда атрофдагилардан, айниқса, ижтимоий тармоқлардан намуна олишга мойиллик юқори бўлади. Шунинг боис, руҳшунослар боланинг эркинлигини айниқса, ўсмирлик давригача бўлган муддатда назоратда тутиб, вақтини фойдали машғулотларга йўналтириш зарурлигини таъкидлайди. Квадробика 2019 йил АҚШда оммалашди. 2024 йил баҳор ойларида эса россиялик ўсмирлар ҳайвонларга хос дум-қулоқлар билан ўтлар устида 4 оёқда кезиб, ўтган-кетганларга сакраб, товуш чиқариш ҳолатлари кўпайди. The Voice аёллар журналининг ёзишича, россиялик ўсмирлар квадробика ҳақида Likee, TikTok ва YouTube тармоқларидан ўрганган. Ведомости газетаси Россиядаги квадроберларнинг тахминий ҳисобини аниқлаш учун VKontakte ижтимоий тармоғидаги квадроберлар жамияти гуруҳлари ҳамда очиқ телеграм-каналлардаги кузатувчилар сонини ўрганган. Жорий йилнинг сентябрь ойи якунига кўра 3000 кишидан иборат (VKontakte'да) ушбу жамият аъзолари у ерда расм, видеолар билан бирга ўзлари ҳақида маълумотлар юбориб, фаол тарзда дўст қидиради. Ушбу тематикада юритиладиган телеграм-канал кузатувчилари эса мос даврда 19 857 кишини ташкил этган. Шу сабабли Россия квадробикага оид қонун ишлаб чиққан. Квадробиканинг хавфлилик даражаси ҳақида россиялик мутахассислар шундай дейди:

«Агар замонавий болалар квадробикага спорт-ўйин сифатида ёндашса, бу хавфли эмас. Спортда яхши натижа кўрсатиш учун ҳайвонлар каби ҳаракатланишни ўрганиш – яхши амалиёт. Улардан эластик ҳаракатларни, тўғри сакрашни ўрганиб, яхши натижалар кўрсатиш мумкин. Бошқа жиҳатдан, боланинг мияси 8-14 ёшлар оралиғида жуда пластик бўлиб, унда янги нейрон алоқалар осон ривожланади. Бу янги билимларни ўрганиб, ўзлаштириш учун ажойиб давр саналади. Муаммолар эса бола машғулот чегарасини кесиб ўтганида бошланади: у ҳайвоннинг ўзига ва атрофдагиларга ҳам жисмоний зарар етказиши мумкин бўлган тажовузкор ҳаракатларини ҳам ўзлаштира бошлайди. Бунда аниқ кардинал фарқ бўлади: бирида ҳайвон образини яратиш, иккинчисида эса ўзини ҳайвон деб билиш.»[540].

[540] https://oyina.uz/kiril/article/3107.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги монографияга
26-ИЛОВА

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибербуллингнинг бугунги кунда амалиётда кўп учрайдиган усуллари

т/р	Кибербуллингни амалга ошириш усуллари
1.	тажавузкор жабрланувчига ҳақоратли ёки таҳдидли сўзлар ёки хабарларни юборади, видео, фото материалларни юборади ёки тармоқда тарқатади;
2.	шахснинг шахсиятини эслатувчи масхаралар қилади;
3.	шахсни тармоқдан лозим даражада фойдаланишига халақит беради, уни бойкот қилади, камситади ёки камситувчи онлайн шарҳлар қолдиради;
4.	тажавузкор тармоқда нохуш миш-мишларни тарқатади, шахсни интернет ёки телекоммуникация тармоғида муҳокама қилади;
5.	шахснинг шахсий, оилавий, шахсга доир маълумотларини йиғади, ошкор қилади, тарқатади;
6.	шахснинг аккаунтига ўхшаш аккаунт ёки профилаллар яратади ва унинг номидан салбий харакатларни амалга оширади, унинг номидан фойдаланиб фирибгарлик, ноқонуний қилмишлар қилади;
7.	шахсни тармоқда таъқиб қилади ёки таҳдид қилади[541].

[541] https://www.cism-ms.ru/poleznye-materialy/kiberbulling-sredi-podrostkov-osnovnye-priznaki-i-rekomendatsii-dlya-roditeley/.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги монографияга
27-ИЛОВА

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи «даркнет» ҳақида қисқача маълумот

«Аслида даркнет интернетнинг тақиқланган, ноқонуний ва жинояткорона тарафи бўлиб, **биз ишлатадиган интернет жами интернетнинг 4 фоиздан 10 фоизгача бўлган қисмини эгаллайди»**[542]. Таъкидлаш керакки, «даркнетда товар, иш ва хизматларга бўлган талаб учун кенг имкониятлар яратилган, мавжуд иш, хизмат ва товарларнинг нархи эса, одатдаги шундай турдаги иш, хизмат ва товарларнинг нархидан анча арзонроқдир, ушбу майдонда шахслар турли хил киберҳужумларни ўрганиши ва улардан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши мумкин. Аслида, даркнет фойдаланувчиларининг аксарияти шахсий ҳаёт, анонимлик ёки интернетда янги нарсаларни қидирадиган оддий одамлар бўлиб, улар қоронғу тармоқнинг анонимлиги туфайли бу тармоққа киришга иштиёқманд бўлишади ҳамда улар сохта ҳужжатлар, ўғирланган тўлов (пластик) карталар, ноқонуний ва контрабанда товарлар, хакерларни қидириш ва кўпинча гиёҳванд моддалар ва ўқотар қуролларни реклама қилиш ҳамда уларни сотиб олиш учун бу тармоққа мурожаат қилишади. Бу тармоқда ҳамма нарса сирли равишда амалга ошади. Шу сабабдан ҳам Даркнет «яширин тармоқ», «қоронғу интернет», «зулматдаги тармоқ», «соядаги тармоқ», «қора Web», деган маъноларни англатади. Мазкур тармоқ интернетдаги яширин тармоқ бўлиб, фақат ностандарт протоколлар ва портлар ёрдамида ишончли фойдаланувчилар ўртасида амалга ошириш учун ишлатилади. Даркнет фойдаланувчилари очиқ бўлмаган IP манзиллар орқали ўзаро мулоқот қилишади. Ўзаро мулоқот эса, I2P (Invisible Internet Project)[543] ва АҚШ ҳарбийлари томонидан молиялаштириладиган Tor (The Onion Router) технологиясига асосланган. Бу тармоқлар орқали ҳар сафар тармоққа кирилганида кириш тармоқ тугунига уланган бўлади. Кириш тугунлари тасодифий танланган мамлакатнинг Tor ва I2P сервери ҳисобланади. Бу тугун фойдаланувчининг кимлигини билади, лекин қаерга «*кетаётганлигини*» билмайди. Уланиш кириш тугунидан ўтади ва тасодифий танланган давлатдан Tor ва I2P орқали бемалол ҳоҳлаган манзил томон кетиш мумкин бўлади. Қисқа қилиб айтганда Tor ва I2P бу фойдаланувчилар тармоққа уланганидан кейин уларни айнан қайси манзилга сўров юбориб ва «нима ишлар» қилишаётганини билдирмайдиган технологиядир[544]. Даркнетга кириш вазифасини бажарувчи калит бўлган Tor технологиясини Windows, Mac, Android va Linux компанияларидаги унинг расмий веб-сайтидан юклаб олиб, VPN канали ва унинг inkognito режимидан фойдаланган ҳолда даркнетга ташриф буюриш мумкин. Умуман олган, ушбу

[542] https://www.instagram.com/reel/Cg_tyX0OtCY/?igshid=MDJmNzVkMjY%3D.
[543] https://uz.eyewated.com/darknet-qora-bozor-va-sanctuary/.
[544] https://www.pyblog.uz/post/darknet-nima-darknet-haqida-oddiy-sozlar-bilan.

тушунча 1970 йилларда пайдо бўлган бўлиб, кейинчалик Интернетга айланган **ARPANET** дан ажратилган тармоқларга нисбатан хавфсизлик мақсадларида фойдаланилган. Мазкур атама 2002 йилда П. Биддл, П. Энгланд, М. Пеинаду, Б. Уилман томонидан «**The Darknet and the Future of Content Distribution**» **нашрида чоп этган мақоласи туфайли кенг тарқлаб кетган** бўлиб, улар муаллифлик ҳуқуқларининг бузилишида ҳамда рақамли ҳуқуқларнинг ҳимоясини таъминлашда салбий маънода «Darknet» тушунчасидан фойдаланишган бўлиб[545], уларнинг фикрича, даркнетдан махфийликни таъминлаш ва сиёсий репрессиядан ҳимоя қилиш, ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар, муаллифлик ҳуқуқи билан ҳимояланган файлларни тарқатиш, терроризм ва киберразведка[546] каби мақсадларда фойдаланиш мумкин.

Мазкур жиноятлар учун жавобгарлик муқаррарлигини таъминлаш мақсадида Ўз.Рес. ЖК.нинг 149-моддасида «*муаллифнинг шахсий номулкий ҳуқуқларини бузиш*», 149[1]-моддасида «*муаллифлик ҳуқуқини ва турдош ҳуқуқларни бузиш*», 149[2]-моддасида «*ўзганинг товар белгисидан, хизмат кўрсатиш белгисидан, географик кўрсаткичидан, товар келиб чиққан жой номидан ёки адаштириб юбориш даражасида улар билан ўхшаш бўлган белгилардан шу турдаги товарларга (хизматларга) нисбатан қонунга хилоф равишда фойдаланиш ёхуд ўзганинг фирма номидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш*», 149[3]-моддасида «*ихтирога, фойдали моделга, саноат намунасига, интеграл микросхема топологиясига ва селекция ютуғига бўлган ҳуқуқларни бузиш*», 155-моддасида «*терроризм*», 160-моддасида «*жосуслик*», 157-моддасида «*давлатга хоинлик қилиш»,* 159-моддасида «*Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш*», 162-моддасида «*давлат сирларини ошкор қилиш*», 278[1]-278[7]-моддаларида «*ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятлар*» учун жиноий жавобгарлик белгиланган[547].

Жойи келганда таъкидлаб ўтиш керакки, *«даркнет тушунчаси турли номлар билан аталади, мисол учун у «**Deep Web**» номи билан ҳам аталиб, ушбу тушунчани биринчи бўлиб 2001 йилда М.К. Бергман «**The deep web: Surfacing hidden value**» асарида ишлатган бўлиб, у мазкур интернетдаги маълумотларнинг одатдаги интернетдаги маълумотларга қараганда 1000-2000 баравар кўплигини таъкидлаб, бирон ташкилотга тегишли бўлган махсус маълумот базаларидаги маълумотлар, тўлов вазифасини бажарувчи махсус сайтлар, фақатгина махсус кириш йўли бўлган махсус сайтлар, фақатгина ушбу сайтнинг қидирув тизимидан фойдаланиб тегишли саҳифаларга кириш мумкин бўлган махсус сайтлар ҳамда электрон почта ва*

[545] M. Hatta. Deep Web, Dark Web, Dark Net: A Taxonomy of “Hidden” Internet. Annals of Business Administrative Science 19 (2020) 277–292. https://doi.org/10.7880/abas.0200908a. Received: September 8, 2020; accepted: October 16, 2020. Published in advance on J-STAGE: December 5, 2020.

[546] https://ru.wikipedia.org/wiki/%D0%94%D0%B0%D1%80%D0%BA%D0%BD%D0%B5%D1%82.

[547] Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Google каби қидирув тизимлари таҳрирлай олмайдиган бошқа веб-сайтлар[548] *«**Deep Web**»га киради деб ҳисоблаган. Биз ушбу фикрларга қисман қўшиламиз, аммо унинг даркнет билан битта тушунча эканлиги бўйича бир қатор ўзга фикрларимиз мавжуд, жумладан, даркнет «**Deep Web**»га қараганда мукаммалроқ, унда фақатгина М. Бергман таъкидлаб ўтган махсус веб-сайтлар эмас, бошқа саҳифалар ҳам бор. Бошқача айтганда, даркнет бу интернет орқали қурилган тармоқ бўлса, «**Deep Web**» ёки «**Darkweb**» эса, даркнет тармоғидаги веб-сайтларни англатади*[549]*. Умуман олганда, бу қоронғу веб-дастурлардан биридир. Ушбу дастур орқали кибержиноятчилар ўзларининг жинояткорона қилмишларини амалга ошириши, бўлажак киберҳужумга тайёргарлик кўришлари, ўзларига тарафдорлар топиш имкониятига эга бўлишлари, хатто молиявий қўллаб-қувватловчи магнатларга эга бўлишлари мумкин. Бу дастур орқали экстремист ва террористлар ўзларининг талаб ва истакларини ваколатли органларга етказиши, ўзларини намойиш қилишлари мумкин. Яна бир нарса, даркнетда одатдаги IP манзиллар бўлмайди ва ундаги IP манзиллар тез-тез ўзгариши натижасида у орқали маълумот берилган субъектларнинг қаердан маълумот юборганлигини аниқлаш жуда мушкул. Айнан шу сабабдан ҳам кибержиноятчилар ўзларининг қилмишларини бу дастурдан унумли фойдаланган ҳолда, амалга оширишга харакат қилишмоқда, бу қимор ўйинлари амалга ошадиган энг катта виртуал казино ҳамдир. Даркнет фойдаланувчилари ҳақиқий ҳаётда аслида учрашишган субъектлар бўлиб, улар Ф2Ф ёки П2П деб номланувчи даркнет тармоғи орқали ўзаро мулоқот қилишади, тармоққа махсус пароллар ёки рақамли имзолар орқали киришади ва шу орқали аудентификациядан ўтишади. П2П қоплама тармоғи фойдаланувчилар ўртасидаги мавжуд ишонч муносабатлари асосида қурилган бўлади. Даркнетнинг алоҳида ўзига хос хусусияти шундаки унинг биттагина фойдаланувчиси бу тармоқни ўзича тушуна олмайди, у бошқа ўзига ўхшаган фойдаланувчилар орқали тармоқ қандай ишлашини тушуниши мумкин ва қолган фойдаланувчилар эса, кибержиноятларнинг амалга оширилиши бўйича бевосита боғлиқ бўлган шахс бўлади. **Мисол учун**, биржа савдоларида унинг ташаббускорлари даркнет фойдаланувчиларига маълумот тақдим қилади ва ушбу маълумот асосида кейинчалик ёки дарҳол катта маблағга эга бўлиш имкониятини қўлга киритади, маблағга эга бўлингач, кўрилган фойда улушларга тақсимланади ва ушбу улушдан даркнет фойдаланувчилари баҳраманд бўлишади. Интернет соҳасида даркнетга қарама-қарши OpenNet деган тушунча ҳам мавжуд бўлиб, унда ташқи кузатувчи каталог сервери мавжудлиги туфайли бутун тармоқни у тушунади ҳамда даркнет фойдаланувчиларини умумий назорат қилиб бориш имкониятига эга бўлади. Даркнет фойдаланувчилари эса, даркнетдан тўлиқ фойдаланмоқчи ва бойликка эга бўлишмоқчи бўлишсалар, бу назоратчига ҳар томонлама наф келтириш учун ишлашга мажбур бўлишади. Бугунги кунда «Overlay network» тушунчаси ҳам кенг қўлланиладиган тушунча бўлиб, у тармоқ устига қурилган тармоқ*

[548] M. Bergman. (2001). White paper: The deep web: Surfacing hidden value. Journal of Electronic Publishing, 7(1). doi: 10.3998/3336451.0007.104.

[549] https://telegra.ph/Dark-web-yoki-Dark-net-ga-qanday-ulanish-mumkin-09-12.

*ҳисобланади ва у одатда Интернет орқали қурилган компьютер тармоғи маъносини англатади ҳамда бошқа қурилмалар IP манзил орқали ўзининг йўналишини белгиласа, бу қурилма IP манзилнинг вазифасини бажаради ва унга IP манзил шарт эмас. Барча ҳолатда ҳам даркнет фойдаланувчилари «**Deep Web**» ҳамда «**Overlay network**» фойдаланишлари мумкин. Даркнетнинг яна бир ўзига хос хусусиятларидан бири шуки, унинг фойдаланувчилари бир-бирлари билан тўғридан тўғри тармоқлараро мулоқот қилади. Бир-бири билан узвий боғлиқ бўлмаган тармоқлар ўртасидаги алоқалар ёки исталган тармоққа оид боғланишлар даркнет ҳисобланмайди.*

*Шу ўринда таъкидлаб ўтишимиз керакки, ҳозирги кунга қадар бу тоифадаги даркнет орқали содир этиладиган жиноятлар **Республикамизда расман қайд этилмаган ҳамда суднинг хукми қабул қилинмаган.***

Бироқ, бу дегани даркнетга эътиборсизлик билан қараш мумкин дегани эмас. Унинг бошқарув пулти ваколатли органларда бўлса-да, мазкур ваколатли органларда ишловчи масъул ходимларга бевосита ёки билвосита таъсир ўтказиш ёҳуд ўзга усуллар орқали даркнетдан фойдаланиш йўли билан бир қатор жиноятларни содир этиш мумкин ва бу масалада Ўзбекистон ҳали хануз хавф остида қолмоқда. Айниқса, бугунги кунда ахборот-коммуникация технологияларига бўлган эътибор Президент бошчилига бўлаётганлиги, мамлакатимизда бу соҳада кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилаётганлиги, IT-виза орқали чет эллик мутахассисларнинг Республикамизга келиш имкониятлари янада соддалашганлиги, Ўзбекистондаги солиқ ислоҳотлари ва бу борадаги имтиёзлардан унумли фойдаланиш йўли билан инвестиция киритиш шарти орқали бир қатор қора кучлар даркнет орқали жиноятлар содир этмаслигини ҳеч ким кафолатлай олмайди. Мазкур ҳолат биздан янада огоҳликни талаб қилади. Ахборот-коммуникация технологиялари соҳасини қаттиқ назорат қилган билан бу соҳани тўлиқ назоратда ушлаб туриш имконсиз, амалга оширилаётган ислоҳотлар бўйича назоратни сусайтириш эса, мамлакат иқтисодиётига жуда катта кулфатларни, кибержиноятларнинг содир этилиши учун кенг шарт-шароит ва имкониятларни келтириб чиқариши мумкин. Иккала ҳолатда ҳам назоратни йўқотмаган ҳолда, ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида экспорт ва импорт ҳажмини ошириш орқали бу соҳани янада жадаллаштириш йўли билан содир этилиши мумкин бўлган кибержиноятларнинг олдини олиш чораларини кўриш мақсадга мувофиқ. Сўз ўрнида айтиш керакки, даркнет ҳам кибержиноят содир этиладиган кибермухит, шу жумладан, кибермакон ва кибержиноятлар содир этилишига имкон берувчи киберолам дир. Бошқача айтганда, даркнет бу қорабозордир. Бу бозорда ҳамма нарсани, хатто, контрабанда маҳсулотлари, қурол-яроқ, порнография, экстремистик-террористик харакатлар, вируслар, хакерлик учун зарур бўлган техник воситалар, фуқаролик муомаласида чекланган товарлар ҳамма ҳаммасини топиш имконияти мавжуд. Айтиш керакки, даркнетни фақатгина салбий маънода ишлатиш ҳам нотўғри бўлади, чунки бу оламда сўз ва фикр эркинлигига унинг эгалари тўла-тўкис мустақил бўлади, ҳурфикрликка эришади, бу ерда сензура умуман йўқ. Барча фойдаланувчилар учун тўла-тўкис демократия ва ҳурфикрлик каби тамойиллар сўзсиз амалга ошадиган олам бу

даркнет ҳисобланади. Балким, шу сабабдан ҳам бўлса керак, кўпчилик даркнетга киришга қизиқишади, аммо Республикамизда ундан фойдаланиш чегараланган. Тўғри, баъзи техник қурилмалар орқали бу тармоқдан фойдаланиш имконияти мавжуд, бироқ ушбу технологияларнинг компьютер тизимидан, шунингдек телекоммуникация тармоқларидан қонунга хилоф равишда (рухсатсиз) фойдаланиш учун тайёрланиши, ўтказилиши ва тарқатилиши учун Ўз.Рес. ЖК.нинг 278[3]-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланганлигини унутмаслигимиз зарур.

Кўпчилик одамлар интернет деганда Google ва у орқали топиладиган саҳифаларни тушунишади, бунинг хато фикр бўлиб, Google бу катта Интернет деб аталмиш океандаги кичик бир кема, океанда эса, турли хил мавжудотлар, яъни ўзининг функционал вазифасига кўра фарқланиб турувчи ахборот тармоқлари, тизимлари ва хк. жуда кўп. Бу тармоқлар ичида даркнетдан фойдаланиш 1970 йиллардаги ёки 2000 йиллардаги даражага қараганда анча кўпайганлигини, унинг фойдаланувчилари сони ошиб, 2025 йилнинг бошидан март охиригача кунига 2-3 миллион фойдаланувчи Tor тармоғига уланганлиги»[550], 2025 йили май ҳолатига кўра, Tor тармоғини кунига 2 миллиондан ортиқ фойдаланувчи ишлатганлиги, 2023 йил апрел ҳолатида Dark webнинг очиқ статистикасига кўра, кунига 2.7 миллион фойдаланувчи қайд этилганлигини[551], бу кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда жиноий қилмишларни амалга ошириш учун тайёргарлик кўриш энг яхши жой эканлигини унутмаган ҳолда, мамлакатимизда ишлаб чиқилаётган технологияларни фақатгина иқтисодий томондан шахсларга фойда келтиришга ихтисослаштирмасдан, ахборот хавфсизлиги талаблари янада кучайтирилган дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқишга ҳам алоҳида эътибор қаратмоғимиз даркор.

«Ўзбекистон Республикаси нафақат даркнетга оид муносабатларни белгилаб олиш, балки Интернетдан фойдаланиш тартиби ёки фойдаланиш қоидаларини белгилаш бўйича халқаро конвенцияни қабул қилиш ташаббусини кўтариши, трансмиллий чегараларда ягона ҳужжат асосида ягона жиноий-ҳуқуқий амалиётни шакллантиришни йўлга қўйиш орқали чегарадош давлатларнинг жиноят қонунчилигини ўзаро бирхиллаштириш орқали шахсларнинг у қайси давлат фуқароси бўлишидан қатъий назар жазо бир хил ва муқаррар эканлигини белгилаш тенденциясини йўлга қўйиш учун харакат қилиши мақсадга мувофиқ бўларди, деб ҳисоблаймиз. Ишлаб чиқиладиган халқаро конвенцияда, интернетнинг барча қисмларидан фойдаланиш тартиби ўз ичига олади, яъни барча учун очиқ бўлган интернетдан бўлажак конвенцияга аъзо давлатларнинг фуқаролари қай тариқа фойдаланиши, маълумотлар алмашиши қай тариқа йўлга қўйилиши, интернетнинг қолган қисмига оид муносабатлар қай тариқа тартибга солиниши, интернетдан давлат хизматчисидан тортиб,

---

[550] А.Анорбоев. “Даркнет” ва унинг мазмун-моҳияти. Jinoyatchilikka qarshi kurashning jinoiy-huquqiy va kriminologik muammolari. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. 2023-yil 16-oktabr. I qism . Toshkent: O‘zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2023. – 491 bet.

[551] https://www.globalsecuritymag.com/The-dark-web-has-a-alarming-2-7-million-daily-users-as-of-April-2023.html?utm_source.

оддий фуқарогача фойдаланиш тартибини белгилаб қўйилади. Бу эса, нафақат Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари, балки бошқа хорижий давлат фуқароларининг ўзи турган ҳудуддаги давлатнинг жиноят қонунчилигини билиш ҳамда уни ҳурмат қилиш орқали бўлиши мумкин бўлган жиноий хавфларнинг олдини олишга хизмат қиларди. Ҳозирги кунда мазкур қилмишнинг жиноят эканлигини билмасдим деган қоида ҳамда қонунни билмаслик жавобагрликдан озод қилмайди, деган тушунчалар жуда кўп қўлланилади, баъзи ҳолларда айнан шахсларнинг қонунни билмаслиги ёки уни нотўғри талқин қилишлари натижасида тушунмовчиликлар, низолар, жиноий қилмишлар содир этилмоқда. Мазкур халқаро конвенциянинг қабул қилиниши эса, Конвенцияга аъзо давлат фуқароларининг ҳуқуқий онги ва маданиятини оширибгина қолмасдан, ўзи томонидан ижобий ёки салбий бўлишидан қатъий назар барча қилмишларни ушбу Конвенция талаблари асосида амалга оширишга бўлган кўникма шаклланишига ёрдам берган бўларди. Огоҳлик битта-иккита шахс доирасида эмас, балки бутун бир давлат, бутун бир жамият миқёсида бўлган бўларди. Очиқ контентдаги ғарб маданиятининг шарқ маданиятига салбий таъсири камаярди. Кўпчиликни қийнаб турган масалалар давлатлараро миқёсда ҳал этилган бўларди. Энг яхшиси эса, даркнет ва шу каби интернетдан фойдаланиш талаблари мазкур ҳужжатда аниқ белгилаб қўйилиши, ундан фойдаланиш иштирокчилари ўртасида тушунмовчиликларнинг олди олинишига, кибержиноятчилар ўз қилмиши учун адолатли ва қонуний жазоланишига ҳамда ҳуқуқ ваманфаатлари бузилган субъектларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тикланиши учун имконият яратиларди, "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги Қонун[552] *халқаро ва трансмиллий норматив ҳужжатларга мувофиқлаштириларди.»*[553].

Таъкидлаш керакки, барча кибержиноятларни, шу жумладан, даркнетдаги кибержиноятларни ҳам IP-манзил ва MAC-манзил орқали тўлиқ аниқлаш мумкин. MAC-манзил медия киришни бошқариш манзили бўлиб, тармоққа уланган ҳар бир қурилмага тайинланган 12 хонали ўн олтилик рақамдир. Асосан, қурилмани ишлаб чиқаришда ноёб идентификатор сифатида кўрсатилган MAC-манзил кўпинча қурилманинг тармоқ интерфейси картасида топилади. Қурилманинг жойлашувини аниқлашга уринаётганда ёки тармоқ қурилмасида диагностика ўтказишда MAC-манзил талаб қилинади. Қурилмадаги ҳар бир тармоқ интерфейсига ноёб MAC-манзил тайинланган, шунинг учун қурилмада бир нечта MAC-манзиллар бўлиши мумкин. Мисол учун, агар ноутбукда Ethernet кабели порти ва ўрнатилган Wi-Fi қурилмаси бўлса, тизим конфигурациясида иккита MAC-манзил кўрсатилади. MAC-манзил кўпинча қурилмани филтрлаш учун тармоқ роутерини созлашда ёки тармоқ муаммоларини бартараф этишда талаб қилинади. Қурилмага кирганида, фойдаланувчи одатда MAC-манзилни тизим созламалари, умумий маъумот ёки тармоқ созламалари ва қурилма

[552] Ўзбекистон Республикасининг "Киберхавфсизлик тўғрисида"ги Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

[553] А.Анорбоев. "Даркнет" ва унинг мазмун-моҳияти. Jinoyatchilikka qarshi kurashning jinoiy-huquqiy va kriminologik muammolari. Xalqaro ilmiy-amaliy konferensiya materiallari. 2023-yil 16-oktabr. I qism . Toshkent: O'zbekiston Respublikasi Jamoat xavfsizligi universiteti, 2023. – 170-176 bet.

ҳолатидан топиши мумкин. Одатда, MAC-манзил босилган ёрлиқда қурилманинг пастки қисмига ёпиштирилган бўлади. Баъзан ишлаб чиқарувчилар MAC-манзилни жисмоний манзил, аппарат идентификатори, симсиз идентификатор ёки Wi-Fi манзили каби бошқа номлар билан аниқлайдилар.

MAC-мазилнинг 3 та тури мавжуд:

1) **Unicast MAC-манзил**. Unicast манзили маҳаллий тармоқдаги маълум бир NIC (тармоқ интерфейси картасида)га бириктирилган бўлади. Шунинг учун бу манзил фақатгина ягона жўнатувчи қурилмадан ягона манзилга хабар юбориш учун ишлатилади.

2) **Multicast MAC-манзил**. Манба қурилмаси multicast ёрдамида маълумотлар тўпламини бир нечта қурилмаларга узатиши мумкин. Multicast гуруҳи IP-манзили multicast гуруҳига тегишли қурилмаларга таянган бўлади.

3) **MAC-манзилни трансляция қилиш**. Ушбу мазил берилган тармоқдаги ҳар бир қурилмани ифодалайди. Чиқариш домени, манба қурилмаси учун чиқиш манзилини манба манзили сифатида ишлатиб, тармоқдаги ҳар бир қурилмагача маълумот юбориш имкониятини бериш учун мажбуд бўлади. Мақсад – маълумот юборувчиси манба манзили сифатида чиқиш манзилини ишлатиб, тармоқдаги ҳар бир қурилмага маълумот юбориш имкониятини яратиш.

MAC-манзил ва IP-манзил ўзаро фарқ қилади. MAC-манзил ҳам IP-манзил ҳам бир хил мақсадга хизмат қилади, яъни тармодаги қурилмани аниқлаш. MAC-манзил бир хил маҳаллий тармоқдаги қурилманинг жисмоний манзилини аниқласа-да, IP-манзил қурилмани глобал миқёсда ёки унинг интернет манзили орқали аниқлайди[554]. Қисқача тушунтирганда инсонинг паспорти унинг шахсини тасдиқловчи ҳужжат бўлганидек, MAC-манзил фойдаланувчи қурилмаси, яъни қўлимиздаги компьютеримиз, телефонимизнинг гувоҳномасидир. MAC-манзил шахснинг туғилган жойи бўлса, IP-манзил унинг вақтинчалик манзилидир[555].

[554] https://uzbekdevs.uz/wiki/mac-adress.
[555] https://learn.csclub.uz/tarmoq-xavfsizligi/mac-manzil-nima.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги монографияга
28-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси халқаро рейтингларда юқори ўринга чиқиши учун кўрсатилган камчиликлар рўйхати

т/р	Камчиликлар рўйхати
1.	киберхавфсизлик сиёсатини мувофиқлаштириш тартиби белгиланмаган;
2.	Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизлик стратегияси ишлаб чиқилиб, тасдиқланмаган;
3.	Ўзбекистон Республикасининг киберхавфсизлик стратегиясини амалга ошириш режаси (йўл-харита) расмий ва очиқ ҳолатда мавжуд эмас;
4.	кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда содир этилган киберхуружлар вақтида халқаро ҳуқуқ нормаларининг қўлланилиши, инсон ҳуқуқларига риоя қилинишига оид Ўзбекистоннинг расмий позицияси ва кафолати мавжуд эмас, киберхавфсизлик бўйича халқаро конвенциялардан бирига аъзо эмас ёки ўзи бу бўйича ташаббус кўрсатмаган;
5.	Ўзбекистон Республикасининг халқаро майдонда киберхавфсизликни таъминлашга қўшган ҳиссаси мавжуд эмас;
6.	бошланғич, ўрта ва ўрта-махсус таълимда киберхавфсизлик компетенциялари ўргатилмайди ва бу бўйича узлуксиз таълим мавжуд эмас;
7.	киберхавфсизлик бўйича мутахассислар уюшмаси мавжуд эмас (нодавлат-нотижорат ташкилоти);
8.	киберхавфсизлик бўйича тадқиқот, ишланма ва дарсликларнинг етарли эмаслиги ҳамда техник ва юридик йўналишдаги мақолалардаги жиддий тафавутларнинг мавжудлиги ҳамда ўзаро тушунарли тилда баён этилмаган;
9.	киберхавфсизликка оид ишонч хизматлари мавжуд эмас, мисол учун, ишонч телефони, уни қабул қилувчи Call-марказ ва уни тезкор кўриб чиқувчи идоралар;
10.	ишонч хизматлари фаолиятини назорат қилувчи орган мавжуд эмас;
11.	булутли технологиялар учун киберхавфсизлик талаблари белгиланмаган;
12.	киберхавфсизлик таъминлашнинг аниқ ва тезкор механизмини белгилаб берувчи тизим мавжуд эмас, ким, қачон ва қаерга қандай қилиб жавоб беради, шу орқали муаммо ҳал қилинади, деган аниқ механизм мавжуд эмас, давлат идораларининг вазифа ва функциялари аниқ белгиланмаган;
13.	Ўзбекистон Республикасига ёки миллий хавфсизликка кибертаҳдид амалга оширилганида киберхавфсизлик марказларининг жавобгарлиги аниқ белгиланмаган;

14.	киберхавфсизлик бўйича хабардорликни оширишни мувофиқлаштириш тизими мавжуд эмас, яъни барча давлат органлари ва ташкилотлари ўзларича ҳуқуқий тарғибот ва ўзлари томонидан амалга оширилган ишларни жамоатчиликка етказишмоқда, бироқ уларнинг фаолияти мувофиқлаштирилмаган, аниқ давлат органи бириктирилмаган;
15.	киберхавфсизлик таъминлашнинг аниқ ва тезкор механизмини белгилаб берувчи тизим мавжуд эмас, ким, қачон ва қаерга қандай қилиб жавоб беради, шу орқали муаммо ҳал қилинади, деган аниқ механизм мавжуд эмас, давлат идораларининг вазифа ва функциялари аниқ белгиланмаган;
16.	киберхавфсизлик бўйича халқаро ҳамкорликни амалга ошириш учун ягона алоқа нуқтаси белгиланмаган;
17.	халқаро киберинқироз машқларини бажариш жараёнларида иштирок этилмаган;
18.	киберинқирозни бошқариш режаси ишлаб чиқилмаган;
19.	миллий киберинқирозни бошқариш машқлари ишлаб чиқилмаган;
20.	Европа Кенгашининг кибержиноятчилик тўғрисидаги конвенциясини ратификация қилмаган ёки қўшилмаган;
21.	ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар кибержиноятларнинг олдини олиш ва уларни тергов қилиш бўйича махсус функция ва ваколатларга эга эмас;
22.	халқаро кибержиноятлар учун 24/7 алоқа нуқтаси мавжуд эмас;
23.	ҳарбий кибермудофаа қобилияти мавжуд эмас;
24.	ҳарбий кибермудофаа машқлари бажарилмаяпти;
25.	ҳарбий кибердоктрина қабул қилинмаган.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги монографияга
29-ИЛОВА

Кибержиноятларга алоқадор бўлган энг муҳим халқаро ҳужжатлар рўйхати

1) БМТ Бош Ассамблеясининг 2024 йил 24 декабрдаги 79/243-сон резолюцияси билан тасдиқланган Кибержиноятчиликка қарши конвенцияси[556];

2) Европа Кенгашининг «Кибержиноятчилик тўғрисида» 2001 йил 23 ноябрдаги Конвенция (Будапешт конвенцияси) ва унинг 2 та қўшимча баённомалари[557];

3) БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 2017 йил 13 февралдаги 2341-сон резолюцияси[558];

4) 17 та араб давлатларининг киберхавфсизликка қарши курашиш бўйича ҳамкорлик кенгаши[559];

5) БМТ Бош Ассамблеясининг 2018 йил 17 декабрда 74-сессиясида тасдиқланган «Ахборот-коммуникация технологияларидан жиноий мақсадларда фойдаланишга қарши курашиш тўғрисида»ги 73/187-сонли қарори;

6) «Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш тўғрисида» 2001 йил 15 июндаги Шанхай Конвенцияси[560];

7) ШҲТга аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида 2009 йил 16 июнда Екатеринбургда имзоланган халқаро ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битим[561];

8) Ғарбий Африка давлатлари иқтисодий ҳамжамиятининг кибержиноятчиликка қарши кураш бўйича 2011 йилдаги директиваси[562];

9) Киберхавфсизлик ва шахсий маълумотларни ҳимоя қилиш бўйича 2014 йилги Африка Иттифоқи Конвенцияси[563]

10) МДҲга аъзо давлатлар томонидан 2001 йилда имзоланган «Компютер ахбороти соҳасидаги жиноятларга қарши курашда ҳамкорлик тўғрисида»ги битим[564];

11) Араб давлатлари Лигаси томонидан қабул қилинган Араб давлатлари Лигасининг «Ахборот технологиялари соҳасидаги жиноятларга қарши кураш тўғрисида»ги Конвенцияси[565];

12) ШҲТ томонидан 2010 йилда қабул қилинган «Халқаро ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисида»ги битим[566].

---

[556] https://www.unodc.org/unodc/en/cybercrime/convention/home.html.
[557] https://rm.coe.int/1680081580.
[558] https://documents.un.org/doc/undoc/gen/n17/038/61/pdf/n1703861.pdf.
[559] Валиахметова Г.Н., Цуканов Л.В. Вестник РУДН. Серия: Международные отношения. 2022. Т. 22, № 2. С. 303—319.
[560] https://lex.uz/docs/2066680.
[561] https://lex.uz/docs/2068478.
[562] https://www.tit.comm.ecowas.int/wp-content/uploads/2015/11/SIGNED_Cybercrime_En.pdf.
[563] https://au.int/sites/default/files/treaties/29560-treaty-0048_-_african_union_convention_on_cyber_security_and_personal_data_protection_e.pdf.
[564] https://www.unodc.org/e4j/ru/cybercrime/module-3/key-issues/international-and-regional-instruments.html.
[565] https://itlaw.fandom.com/wiki/Arab_Convention_on_Combating_Information_Technology_Offences.
[566] https://cis-legislation.com/document.fwx?rgn=28340.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги монографияга
30-ИЛОВА

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти фаолиятига оид жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи кибержиноятлар бўйича муҳим ҳужжатлари ҳақида қисқача маълумот

1. «Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш тўғрисида» 2001 йил 15 июндаги Шанхай Конвенцияси[567] ўз навбатида қуйидаги конвенцияларга ҳам аъзоликни талаб қилади, жумладан:

1) 1970 йил 16 декабрда қабул қилинган, Ҳаво кемаларини ноқонуний қўлга олиш билан курашиш тўғрисидаги конвенция;

2) 1971 йил 23 сентябрда Монреалда қабул қилинган, Фуқаролик авиацияси хавфсизлигига қарши қаратилган ноқонуний актлар билан курашиш тўғрисида конвенция;

3) 1973 йил 14 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясида қабул қилинган, Халқаро ҳимоядан фойдаланадиган шахсларга қарши жиноятларнинг олдини олиш ва жазолаш тўғрисидаги конвенция;

4) 1979 йил 17 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясида қабул қилинган, Гаровга олиш билан курашиш тўғрисидаги халқаро конвенция;

5) 1980 йил 3 мартда Венада қабул қилинган, Ядро қуролининг физик ҳимояси тўғрисидаги конвенция;

6) 1988 йил 24 февралда Монреалда қабул қилинган, Фуқаролик авиацияси хавфсизлигига қарши қаратилган ноқонуний актлар билан курашиш тўғрисида конвенцияни тўлдирувчи, халқаро фуқаролик авиациясига хизмат кўрсатадиган аэропортларда ноқонуний актлар билан курашиш тўғрисидаги баённома;

7) 1988 йил 10 мартда Римда қабул қилинган, Денгиз кема қатновлари хавфсизлигига қарши қаратилган ноқонуний актлар билан курашиш тўғрисидаги конвенция;

8) 1988 йил 10 мартда Римда қабул қилинган, Континентал шелфларда жойлашган стационар платформаларнинг хавфсизлигига қарши қаратилган ноқонуний актлар билан курашиш тўғрисида баённома;

9) 1997 йил 15 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясида қабул қилинган, Бомбали терроризм билан курашиш тўғрисида халқаро конвенция;

10) 1999 йил 9 декабрда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Бош Ассамблеясида қабул қилинган, Терроризмни молиялаштириш билан курашиш тўғрисида халқаро конвенция[568].

[567] https://lex.uz/docs/2066680.
[568] https://lex.uz/docs/2066680.

Ушбу Конвенцияга Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси, Тожикистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси аъзо бўлиб, мазкур Конвенцияда терроризм, сепаратизм, экстремизм тушунчалари назарда тутилган ва унга кўра:

«*1) «**терроризм**»:*

а) мазкур Конвенцияга иловада кўрсатилган юқоридаги 10 та шартномалардан бирида жиноят сифатида тан олинган ҳамда ушбу шартномада белгиланган ҳар қандай қилмиш;

б) ҳар қандай фуқаро ёки қуролли можаро вазиятида ҳарбий ҳаракатларда фаол иштирок этмаёган исталган бошқа шахсни ўлдиришга ёки унга оғир тан жароҳати етказиш, шунингдек моддий объектга, ташкилотга қандайдир катта зарар келтиришга қаратилган, шундай қилмишларни режалаштириш, уни содир этишга кўмак бериш, ушбу қилмиш кучининг ҳарактери ёки контекстидан мақсад аҳолини қўрқитиш, жамоат хавфсизлигини бузиш ёки ҳокимият органини бирор ҳаракатни содир этишга ундаш ёки тўхтатиш ва Томонларнинг миллий қонунчилигига мувофиқ жиноий тартибда тақиб қилинадиган ҳар қандай бошқа қилмиш;

*2) «**сепаратизм**» – давлатнинг ҳудудий яхлитлигини бузишга, шу жумладан унинг ҳудудидан бир қисмини ажратиб олишга ёки давлатни дезинтеграциялаш қаратилган, зўравонлик йўли билан содир этиладиган, шунингдек бундай қилмишни режалаштириш ва тайёрлаш, уни содир этишга кўмаклашиши, унга ундаш ва Томонлар миллий қонунчилигига мувофиқ жиноий тартибда тақиб қилинадиган бирор бир қилмиш;*

*3) «**экстремизм**» – ҳокимиятни зўрлик билан эгаллаш ёки ушлаб туриш, давлатнинг кўнституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартириш, шунингдек жамоат хавфсизлигига зўрлик билан тажовуз қилиш, шу жумладан ноқонуний қуролли тузилмалар мақсадида юқорида кўрсатилган ташкилот ёки уларда иштирок этиш ҳамда Томонлар миллий қонунчилигига мувофиқ жиноий тартибда тақиб қилинадиган бирор бир қилмиш.*

Томонларнинг марказий ваколатли органлари мазкур Конвенцияга мувофиқ маълумотлар алмашиниш, оператив-қидирув тадбирларини ўтказиш тўғрисидаги талабномаларни бажариш, терроризм, сепаратизм ва экстремизмнинг олдини олиш, аниқлаш ва тўсқинлик қилиш учун келишилган чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва қабул қилиш ва уларни амалга ошириш натижалари тўғрисида ўзаро хабар бериш, терроризм, сепаратизм ва экстремизмда кўрсатилган, бошқа Томонларга қарши қаратилган қилмишларни ўз давлат ҳудудида олдини олиш, аниқлаш ва тўсқинлик қилиш бўйича чоралар қабул қилиш, терроризм, сепаратизм ва экстремизмда кўрсатилган қилмишларни содир этиш учун ҳар қандай шахс ва (ёки) ташкилотларни молиялаштириш, қурол-яроғ ва ўқ-дориларни етказиб бериш, бошқа турдаги кўмак беришни олдини олиш, аниқлаш ва тўсқинлик қилиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш, терроризм, сепаратизм ва экстремизмда кўрсатилган қилмишларни содир этишга шахсларни тайёрлаш бўйича фаолиятни олдини олиш, аниқлаш, тўсқинлик қилиш, тақиқлаш ва тугатиш бўйича чора-тадбирлар қабул қилиш, уларни қўллаш амалиёти тўғрисида меъёрий ҳуқуқий

ҳужжат ва материаллар билан алмашиниш, терроризм, сепаратизм ва экстремизмда кўрсатилган қилмишларни олдини олиш, аниқлаш ва тўсқинлик қилиш бўйича иш тажрибаси билан алмашиниш, турли шаклларда ўз мутахассисларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, бошқа шаклдаги ҳамкорлик тўғрисида Томонларнинг ўзаро келишувига кўра битимларга эришиш, шунингдек зарурат туғилганда терроризм, сепаратизм ва экстремизмга тўсқинлик қилиш бўйича амалий ёрдам кўрсатиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш каби йўналишларда ҳамкорликни амалга оширади ва бир бирига кўмак беради. Бундай келишувлар мазкур Конвенциянинг ажралмас қисмини ташкил этадиган тегишли баённомалар билан расмийлаштирилади.»[569].

2. Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар ҳукуматлари ўртасида 2009 йил 16 июнда Екатеринбургда имзоланган халқаро ахборот хавфсизлиги соҳасидаги ҳамкорлик тўғрисидаги битимда халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги асосий таҳдидлар сифатида «*ахборот урушига тайёрланиш ва олиб бориш», «информацион қуролни ишлаб чиқиш ва қўллаш», «ахборотга оид терроризм», «ахборотга оид жиноятчилик», «ахборот маконида бошқа давлатларнинг манфаатлари ва хавфсизлигига зид равишда устунлик мавқедан фойдаланиш», «бошқа давлатларнинг ўртасида ижтимоий-сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маънавий, маданий, ахлоқий жабҳаларига зиён етказувчи маълумотларни тарқатиш», «табиий ва (ёки) техноген характерга эга глобал ва миллий информацион инфраструктураларнинг барқарор ишлаши, хавфсизлигига таҳдидлар*» кўрсатилган[570]. Халқаро информацион хавфсизлик соҳасидаги таҳдидларнинг асосий турлари, уларнинг манбалари ва белгилари рўйхати мазкур Конвенцияга илова қилинган бўлиб, улар қуйидагилардир:

«1. Ахборот қуролини ишлаб чиқиш ва қўллаш, информацион урушга тайёрланиш ва олиб бориш.

Ушбу таҳдиднинг манбаи халқаро информацион хавфсизлик соҳасига улкан таҳдид ва янги қуролланиш пойгасига олиб келувчи давлатнинг нозик муҳим тузилмалари учун бевосита таҳдид туғдирувчи информацион қуролни яратиш ва ривожлантириш. Информацион урушга тайёрланиш ва олиб бориш, шунингдек транспортда юк ташиш, коммуникация ва хавода бошқариш, ракеталарга қарши ва мудофаанинг бошқа турдаги объектлари тизимига таъсир ўтказиш оқибатида давлатнинг агрессор олдида мудофаа қобилиятини йўқотади ва ўзини ҳимоялаш қонуний ҳуқуқидан фойдалана олмайди; информацион инфраструктура объектларининг ишлаш фаолияти бузулиши оқибатида давлатларда қарор қабул қилиш ва бошқариш тизими фалажланади; нозик муҳим тузилма структураларига деструктив таъсирлар информацион қуролни қўллаш белгилари ҳисобланади.

2. Ахборотга оид терроризм.

[569] “Терроризм, сепаратизм ва экстремизмга қарши курашиш тўғрсида”ги Шанхай Конвенцияси // https://lex.uz/docs/2066680.
[570] https://lex.uz/docs/2068478.

Ахборот ресурсларга нисбатан ёки унинг воситасида қонунга зид харакатларни амалга оширувчи террористик фаолиятга алоқадор террористик ташкилотлар ва шахслар ушбу таҳдид манбаи ҳисобланади. Террористик фаолиятни амалга ошириш ва ўзларининг сафларига янги тарафдорларни жалб қилиш учун террористик ташкилотлар томонидан ахборот тармоқларидан фойдаланиш; жамоат тартибини бузишга олиб келувчи ахборот ресурсларига деструктив таъсир ўтказиш; оммавий ахборот узатиш каналларини назорат қилиш ёки блоклаш; жамиятда терроризмни тарғиб қилиш, қўрқув ва саросима муҳитини яратиш учун Интернет тармоқлари ёки бошқа ахборот тармоқларидан фойдаланиш, шунингдек ахборот ресурсларига бошқа салбий таъсирлар ўтказиш унинг белгилари ҳисобланади.

3. Ахборотга оид жиноятчилик.

Ахборот ресурсларидан ғайриқонуний фойдаланиш ёки рухсатсиз шундай ресурсларга жиноий мақсадларда аралашишини амалга оширувчи шахслар ёки ташклотлар ушбу таҳдид манбаси ҳисобланади. Маълумотнинг бутунлиги, очиқлиги ва махфийлигини бузиш учун ахборот тизимларига суқилиб кириш; компьютер вируслари ва бошқа зарарли дастурларни қасдан тайёрлаш ва тарқатиш; DOS-ҳужумларни (хизмат кўрсатишни рад қилиш) ва бошқа салбий таъсирлар ўтказишни амалга ошириш; ахборот ресурсларига зарар етказиш; ахборот соҳасида фуқароларнинг қонуний ҳуқуқ ва эркинликларини, шу жумладан интеллектуал мулк ва шахсий ҳаёт даҳлсизлигини, бузиш; фирибгарлик, ўғирлик, тамагирлик, контрабанда, наркотилар билан ноқонуний савдо қилиш, болалар порнографияси ва бошқаларни тарқатиш каби жиноятларни содир этиш учун ахборот ресурслари ва методларидан фойдаланиш унинг белгилари ҳисобланади.

4. Ахборот маконида бошқа давлатлар манфаатлари ва хавфсизлигига зид равишда устунлик мавкеидан фойдаланиш.

Турли давлатларда ахборот технологияларини ривожлантиришда нотекислик ва ривожланган ва ривожланаётган мамлакатлар ўртасидаги «рақамли тафовут»нинг ошишига оид мавжуд мойиллик ушбу таҳдиднинг манбаси ҳисобланади. Ахборот технологияларини ривожлантиришда устуворликка эга баъзи давлатлар бошқа малакатларнинг ривожланишини ва ахборот технологияларидан фойдаланишини қасдан чеклайди, бу эса етарлича ахборот имкониятларига эга бўлмаган давлатлар учун жиддий хавфни юзага келтиради. Дастурий таъминотни ишлаб чиқариш ва ахборот инфратузилмаларини жиҳозлашни монополиялаштириш, давлатларнинг ривожланишига тўсқинлик қилиш ва ушбу мамлакатларнинг бошқа яхшироқ ривожланган давлатлардан тобелигини ошириш учун, халқаро ахборот-технология ҳамкорлигида давлатларнинг иштирокини чеклаш; ушбу мамлакатларнинг ахборот ресурслари ва (ёки) жуда муҳим тузилмаларини назорат қилиш ва уларга таъсир ўтказиш учун, бошқа давлатларга маълумот етказиш мақсадида дастурий таъминотга ва ускуналарга яширин имкониятлар ва функциялар ўрнатиш; давлатларнинг манфаатлари ва хавфсизлигига зид

равишда ахборот технологиялари бозорини ва маҳсулотларини назорат қилиш ва монополиялаштириш унинг белгилари ҳисобланади.

5. Бошқа давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тизимларига, маънавий, ахлоқий ва маданий соҳасига зарар етказувчи маълумотни тарқатиш.

Бошқа давлатларнинг ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий тизимларига, маънавий, ахлоқий ва маданий соҳасига зарар етказувчи маълумотни тарқатиш учун ахборот инфратузилмасидан фойдаланувчи давлатлар, ташкилотлар, бир гуруҳ шахслар ёки айрим шахслар ушбу таҳдиднинг манбаси ҳисобланади. Электрон (радио ва телевидение) ва бошқа оммавий ахборот воситалари, Интернет тармоғида ва бошқа ахборот алмашиниш тармоқларида сиёсий тизим, жамият тузилиши, ташқи ва ички сиёсати, давлатдаги муҳим сиёсий ва ижтимоий жараёнлар, унинг аҳолисининг маънавий, ахлоқий ва маданий қадриятлари тўғрисида нотўғри тасаввур уйғотиш, терроризм, сепаратизм ва экстремизм ғояларини тарғиб қилиш, миллатлараро, ирқлараро ва конфессияларараро душманликни қўзғатиш каби маълумотларнинг пайдо бўлиши ва кўпайтирилиши унинг белгилари ҳисобланади.

6. Табиий ва (ёки) техноген хусусиятга эга бўлган глобао ва миллий ахборот инфратузилмаларининг хавфсизлиги, барқарор ишлашига таҳдидлар.

Табиий офатлар ва бошқа табиий ҳодисалар, шунингдек кутилмаганда ёки давлатнинг ахборот ресурсларига кенг миқёсда вайронкор таъсир ўтказишга қодир узоқ жараён натижасида юзага келадиган техноген хусусиятга эга катастрофалар ушбу таҳдидларнинг манбалари ҳисобланади. Ахборот инфратузилмаси объектларининг ишлашини бузиш ва бунинг натижасида давлат ва жамият хавфсизлигига тўғридан-тўғри даҳлдор бўлган жуда муҳим тузилмалар, давлат бошқарув ва қарорлар қабул қилиш тизимларининг барқарорлигини йўққа чиқариш уларнинг белгилари ҳисобланади. Бундан ташқари, ушбу Конвенцияда халқаро ахборот хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги асосий тушунчалар сифатида қуйидагилар кўрсатилган:

***«ахборот хавфсизлиги** – ахборот маконида шахс, жамият, давлат ва уларнинг манфаатларини таҳдидлар, деструктив ва бошқа салбий таъсирлардан ҳимояланганлик ҳолати;*

***ахборот уруши** – ахборот тизимлари, жараёнлари ва ресурслари, жуда муҳим ва бошқа тузилмаларига зарар етказиш, сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий тизимларни бузиш, жамият ва давлатни беқарорлаштириш учун аҳолига оммавий психологик ишлов бериш, шунингдек давлатни қарши курашувчи томон манфаатларига оид қарорлар қабул қилишга мажбурлаш мақсадида ахборот маконида иккита ёки ундан ортиқ давлатлар ўртасидаги қарши кураш;*

***ахборот инфраструктураси** – информацияни сақлаш, фойдаланиш, узатиш, ўзгартириш, ташкил этиш ва техник воситалар йиғиндиси;*

***ахборот қуроли** – информацион уруш олиб бориш мақсадида қўлланиладиган информацион технология, восита ва усуллар;*

ахборотга оид жиноятчилик *— ахборот ресурслардан фойдаланиш ва (ёки) информацион маконда уларга қонунга қарши мақсадларда таъсир кўрсатиш;*

ахборот макони *— ахборот инфратузилиши ва маълумотга, шу жумладан индивидуал ва жамоат онгига таъсир кўрсатувчи маълумотни шакллантириш, яратиш, қайта ишлаш, узатиш, фойдаланиш, сақлаш билан боғлиқ фаолият соҳаси;*

ахборот ресурслари *– ахборот инфратузилмаси, шунингдек маълумотнинг ўзи ва унинг оқими;*

информацион терроризм *– информацион макондаги информацион ресурслардан террористик мақсадларда фойдаланиш ва (ёки) уларга таъсир ўтказиш;*

жуда муҳим тузилмалар *– таъсир ўтказиш натижасида, тўғридан-тўғри миллий хавфсизлик, шунингдек шахс, жамият ва давлат хавфсизлигига даҳлдор бўлган оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган давлат объектлари, тизимлари ва институтлари;*

халқаро ахборот хавфсизлиги *– ахборот маконида дунёдаги барқарорликнинг бузилишини ҳамда давлатлар ва жахон ҳамжамияти хавфсизлигига таҳдидлар яратилишига имкон бермайдиган халқаро муносабатлар ҳолати;*

информацион ресурслардан ноқонуний фойдаланиш *– информацион ресурслардан Томонларнинг давлат қонунчилиги ёхуд халқаро ҳуқуқ нормалари ёки тегишли ҳуқуқларсиз, ўрнатилган қоидаларни бузган ҳолда фойдаланиш;*

ахборот ресурсларига рухсатсиз аралашиш *– маълумотларни шакллантириш, яратиш, ишлов бериш, ўзгартириш, узатиш, фойдаланиш, сақлаш жараёнларига ғайриқонуний таъсир ўтказиш;*

информацион хавфсизлик таҳдиди *– информацион маконда шахслар, жамият, давлат ва унинг манфаатлари учун хавф туғдирувчи факторлар.*»[571].

[571] Ўзбекистон Республикасининг “Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг терроризмга қарши конвенциясини (Екатеринбург, 2009 йил 16 июнь) ратификация қилиш тўғрисида” 2011 йил 16 декабрдаги ЎРҚ–309-сон Қонуни // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги монографияга
31-ИЛОВА

Киберпрофилактикани амалга ошириш зарур бўлган қонунчилик билан белгиланган махфий ахборот РЎЙХАТИ*

1) Жисмоний шахсларнинг шахсий маълумотлари тўғрисидаги ахборотлар.

2) Жисмоний шахснинг шахсий ҳаёти тўғрисидаги ахборотлар, худди шунингдек унинг шахсий ҳаёти сирини очувчи ахборотлар, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

3) Ахборот манбаи ёки тахаллус билан имзо чеккан муаллиф тўғрисидаги ахборотлар, қонунчиликда белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

4) Ёзишмалар, телефондаги сўзлашувлар, қонунчиликка мувофиқ ахборот олиш чекланган телекоммуникациялар тармоқлари орқали узатиладиган почта, телеграф хабарлари ва бошқа хабарлар сири тўғрисидаги ахборотлар.

5) Қонунчиликка мувофиқ ахборот олиш чекланган тергов ва суд юритуви сири ҳисобланган маълумотлар.

6) Қонунчиликка мувофиқ ахборот эгаси ахборот олишни чеклаган хизматга доир маълумотлар.

7) Қонунчиликка мувофиқ ахборот олиш чекланган тижорат сири ҳисобланган маълумотлар.

8) Қонунчиликка мувофиқ ахборот олиш чекланган банк сири, шахсни суғурталаш ва васият сири.

9) Қонунчиликка мувофиқ ахборот олиш чекланган (врачлик сири, нотариал ҳаракатлар, адвокатлик сири ва бошқалар) касб фаолияти билан боғлиқ маълумотлар.

10) Ихтиро, фойдали модель ёки саноат намунасининг моҳияти тўғрисидаги маълумотлар, улар ҳақидаги маълумотлар расмий тарзда эълон қилингунга қадар[572].

Изоҳ: ушбу ахборот бевосита киберпрофилактика амалга оширилиши юзасидан белгиланмаган бўлса-да, кибержиноятларнинг зарурий белгиси нуқтаи назаридан булар бўйича киберпрофилактика амалга оширилиши даркор.

[572] Вазирлар Маҳкамасининг “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Миллий ахборот ресурсларини муҳофаза қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” 2011 йил 8 июлдаги ПҚ–1572-сон қарорини амалга ошириш чора-тадбирлари ҳақида” 2011 йил 7 ноябрдаги 296-сон қарори // lex.uz – Ўзбекистон Республикаси Қонунчилик маълумотлари миллий базаси.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги монографияга
32-ИЛОВА

Халқаро рейтингларда Ўзбекистон Республикаси юқори пағоналарга кўтарилиши учун амалга оширилиши зарур бўлган бугунги кундаги зарур вазифалар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатга мўлжалланган миллий киберхавфсизлик стратегиясини тасдиқлаш;
2. Ўзбекистон Республикасининг ўрта муддатга мўлжалланган миллий киберхавфсизлик стратегиясини амалга ошириш режаси (йўл-харита)ни тасдиқлаб, унда қуйидаги вазифаларни ҳам амалга ошириш:
3. Киберхавфсизлик соҳасида кадрларни бошланғич, ўрта, ўрта-махсус ва олий таълимда мажбурий ўқитилишини ва узлуксиз амалга оширилишини таъминлаш;
4. «Киберхавфсизлик», «Киберхавфсизлик асослари», «Киберҳуқуқ» каби фанлар ва киберхавфсизликка оид ўқув дастурлари ва қўлланмаларни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш;
5. Кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда рақамли назоратни ўрнатиш учун «Рақамли назорат» комплекс ахборот тизимини тўлиқ ишга тушириш ва унга барча давлат органлари ва ташкилотлари, мулкчилик шаклидан қатъий назар барча киберхавфсизлик субъектларининг ахборот тизимлари уланиши, уларнинг махфийлик сиёсатига риоя этган ҳолда улар устидан рақамли назоратни амалга ошириш;
6. Шахсга доир маълумотлар базаси ва булутли технологияларга оид мажбурий махсус талабларни белгилаш;
7. Ўзбекистон Республикасининг халқаро кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда ўрни ва ролини ошириш, нуфузини кўтариш мақсадида БМТ нинг «Кибержиноятчиликка қарши курашиш тўғрисида»ги конвенциясига қўшимча шартлар билан қўшилиш, шу билан бирга, БМТ Киберхавфсизликни таъминлаш бўйича халқаро конвенцияни қабул қилиш ва унга барча давлатларни аъзо бўлишга чақириш бўйича ташкилий ва ҳуқуқий чора-тадбирларни амалга ошириш бўйича зарур топшириқларни вазирлик ва идораларга бериш;
8. Ўзбекистон Республикасида 24/7 режимда ишловчи халқаро ва миллий кибермайдонда бўлаётган кибурхуружлар бўйича халқаро ҳамкорлик, мурожаатлар билан ишлаш тизимини йўлга қўйиш;
9. Давлат хавфсизлик хизмати, Миллий гвардия, Рақамли технологиялар вазирлиги, Марказий банк, Мудофаа вазирлиги, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияси ва бошқа идоралар фаолиятини қайта кўриб чиқиб, киберхавфсизлик соҳасини назорат қилувчи, мувофиқлаштирувчи органни белгилаш;

10. Ўзбекистон Республикасидаги барча ахборот инфратузилмаларини хатловдан ўтказиш ва муҳим ахборот инфратузилмаларининг реестрини шакллантириш, уларнинг реестрини мунтазам юритиб борилишини таъминлаш;

11. Кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда рақамли назоратни ўрнатиш тартиб-таомилларини белгилаш;

12. Ахборот соҳаси ва киберҳуқуқбузарлик соҳасини ўзаро яқинлаштириш орқали ахборот-коммуникация технологиялари соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларини қайта кўриб чиқиб, Ахборот-коммуникация технологиялари кодексини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

13. Алоқа, ахборотлаштириш, электрон ҳукумат, электрон рақамли имзо, сунъий интеллект, рақамли технологиялар, рақамлаштириш, телекоммуникация ва бошқа соҳаларга оид назорат тадбирларини ўтказиш тартибини белгилаш;

14. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексини ахборот-коммуникация технологиялари бўйича амалга оширилаётган ислоҳотлардан келиб чиқиб, ушбу кодексларни бугунги кун талабларига мувофиқлаштириш, улардаги моддаларнинг ўзаро боғлиқлигини кўрсатиш, алоқа линиялари, телекоммуникация тармоғи, телекоммуникация инфратузилмаси, ахборот тизимларини ишлаб чиқиш, қабул қилиш, лойиҳалаш, фойдаланиш, улардан фойдаланиб хизматлар кўрсатиш бўйича қонунчиликни бузганлик юзасидан жавобгарликни белгилаш;

15. Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи киберҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликларни кучайтириш, янги кибержиноятлар учун жавобгарликларни амалдаги қонунчиликка киритиш;

16. Киберхуружлар бўйича тезкор хабар бериш, жавоблар олиш ва қайта алоқа мавжуд бўлган 24/7 режимда ишловчи ишонч телефони, алоқа марказлари фаолиятини йўлга қўйиш;

17. Киберхавфсизлик соҳасини назорат қилувчи органга «Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш маркази» ДУК, «Электромагнит мослашув маркази» ДУК, «Киберхавфсизлик маркази» ДУК ва «Оммавий коммуникациялар соҳасида мониторинг маркази» ДУК бирлаштириб, агентлик ташкил этган ҳолда, учта ташкилотнинг идоравий бўйсинувини ўтказиш;

18. Назорат қилувчи органга суриштирув, тезкор-қидирув, тергов ўтказиш бўйича ваколатлар бериш, амалдаги қонунчиликни қайта кўриб чиқиш;

19. Республика рақамли технологиялар экспертиза марказини ташкил этиш ва унинг бўйсинувини назорат қилувчи органга ўтказиш;

20. Юридик ва техник фанлар бўйича ягона киберхавфсизлик бўйича мутахассис етиштирувчи олий таълим ташкилотини ташкил этиш;

21. Киберхавфсизлик соҳасида очиқ ва ўзаро тизимлилик асосига қурилган ҳуқуқий тарғибот бўйича ягона ҳуқуқий ва технологик амалиётни йўлга қўйиш;

22. Киберхавфларни бошқариш маркази, киберхавф-хатарларни суғурта қилиш тизими, онлайн пул айланмаси учун суғурта ташкилотининг жавобгарлиги, киберхавфсизлик мутахассисларининг уюшмаси ташкил этиш;

23. Давлат бюджетида алоҳида қаторда киберхавфсизликни таъминлашни молиялаштиришни назарда тутиш;

24. Киберхавфсизлик бўйича амалга оширилган ишларнинг очиқлиги ва бундан жамоатчиликни хабардор қилишнинг замонавий усулларини йўлга қўйиш;

25. Кибермудофаа доктиринасини ишлаб чиқиш ва қабул қилиш;

26. Олдиндан давлат органи ёки бошқа ташкилотни хабардор этган ҳолда, очиқ кибертажрибаларни амалга ошириш орқали киберхавфсизликни такомиллаштириш бўйича замонавий усулларни амалиётга татбиқ қилиш;

27. Киберхавфсизликка оид халқаро ҳужжатларга қўшилиш ёки ратификация қилиш бўйича ташкилий ишларни амалга ошириш.

28. Сунъий интеллект ва нейрон технологиясидан фойдаланиш амалиётини кенгайтириш ва бу бўйича имтиёз ва преференциялар бериш, ушбу соҳани назорат қилиш ва жавобгарликни таъминлаш бўйича институцианал ишларни амалга ошириш;

29. Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс ва Жиноят кодексида ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик талабларини бузганлик учун жавобгарлик белгилаш;

30. Ахборот ва киберхавфсизлик мониторинг тизимини унинг халқаро рейтинг ва индекслар билан ишлаш нуқтаи назаридан қайта кўриб чиқиб, ишончли ва аниқ маълумотларга асосланган, миллий ва халқаро рейтингни юритиш имкониятини яратиш;

31. Киберинқирозларни бошқариш маркази фаолиятини йўлга қўйиш;

32. Киберинфирозларга қарши курашиш ва ундан чиқиш концепциясини қабул қилиш ва уни амалиётга татбиқ этиш;

33. Халқаро тўлов ташкилотлари операторларини хатловдан ўтказиш ва улар билан яқин шерикчилик ва ҳамкорлик битимларини тузиш орқали халқаро тўловлар операциялари ҳақида маълумот олишнинг тезкор усулларини амалиётга татбиқ этиш;

34. Халқаро биржа платформалари билан шерикчилик ва ҳамкорлик алоқаларини йўлга қўйиш;

35. Соҳада техник жиҳатдан тартибга солишга оид норматив ҳужжатлар базасини шакллантириш ва янги стандарт ва техник регламентларни қабул қилиш;

36. Киберҳуқуқбузарликлар бўйича келиб чиққан зарарни ҳисоблаш методикасини тасдиқлаш.

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги монографияга
33-ИЛОВА

Тадқиқотнинг Наманган вилояти мисолида ўрганилганлиги бўйича қисқача маълумотнома

Ўрганиш натижасида 2025 йил 5 ойи давомида ахборот технологиялари соҳасида содир этилган жиноятлар сони ушбу вилоятда **1532** тани ташкил этиши, 2024 йилнинг шу даврдаги 5 ойида эса, уларнинг сони **89** та бўлганлиги аниқланди. Ушбу турдаги жиноятларнинг **1486** таси ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш, шу жумладан, **804** та киберўғирлик, **682** та киберфирибгарлик жинояти ҳисобланади. Қолган жиноятлардан **29** та жиноят Жиноят кодексининг 244^1-моддаси, **5** та жиноят Жиноят кодексининг 140-моддаси, **1** та жиноят Жиноят кодексининг 139-моддаси, **1** та жиноят Жиноят кодексининг 167-моддаси, **7** та жиноят Жиноят кодексининг 278^8-моддаси, **1** та жиноят Жиноят кодексининг 278^4-моддасида назарда тутилган жиноят эканлиги аниқланди. Ушбу жиноятларнинг содир этилиш усули ўрганилганида, улар **625** та қилмиш сохта, зарарли хаволалар юбориш орқали банк карталари ёки аккаунтни эгаллаб олиш, **235** та қилмиш сохта тредерлик фаолиятига қизиқтириш ва уларга пул жалб қилиш, **179** та қилмиш телевон қўнғироқлари орқали алдов йўлларини амалга ошириш, **166** та қилмиш товар, хизматлар учун олдиндан тўловларни амалга ошириш, **64** та қилмиш сохта крипто биржаларга қизиқтириш ва жабрланувчиларни пулга жалб қилиш, **48** та фирибгарлик мақсадида хайрия ёки ижтимоий ёрдам сўраш, **25** та қилмиш бошқалар томонидан шахс номига онлайн кредит расмийлаштириш, **44** та қилмиш турли ҳил алдов йўллари, **65** та қилмиш содир этилиш усули номаълум ҳолатда содир этилган бўлса, шулардан жами **1532** та жиноятдан **961** та жиноят ёки жами жиноятларнинг **62,7 фоиз қисми фош этилмай қолаётганлиги аниқланди**. Ушбу жиноятлар ҳудудлар кесимида ўрганилганида **134** та қилмиш Наманган шаҳрида, **117** та қилмиш Чуст тумани, **82** та қилмиш Чортоқ туманида, **80** та қилмиш Наманган туманида, **78** та қилмиш Уйчи туманида, **75** та қилмиш Поп туманида, **68** та қилмиш Давлатобод туманида, **62** та қилмиш Учқўрғон туманида, **50** та қилмиш Норин туманида, **49** та қилмиш Янги Наманган туманида, **46** та қилмиш Косносой туманида, **44** та қилмиш Тўрақўрғон туманида, **39** та қилмиш Мингбулоқ туманида, **37** та қилмиш Янгиқўрғон туманида рўйхатга олинган. Наманган вилояти ИИБнинг 2025 йил 8 янардаги 6-сонли фармойиши билан шаҳар ва туман ички ишлар органларида ТҚХ ЖҚБдан бир нафардан тезкор ходимлар бириктирилиб, ахборот технологиялари ёрдамида содир этилаётган жиноятларнинг олдини олиш бўйича чоралар кўрилаётганлиги, бироқ етарлича бу самара бермаётганлиги аниқланди. Хусусан, жами **1532** та жиноятдан бор йўғи тезкор ходимлар томонидан **148 тагина жиноят фош қилинган холос.** Айбдорлар томонидан 1532 та жиноят ортидан жабрланувчиларга жами **1 млрд. 550 млн. сўм миқдорида зарар етказилган.**

Мисол учун, 2003 йилда туғилган фуқаро М.М. «*Uzum*» иловаси орқали фуқароларнинг пулларини кўпайтиришини ваъда қилиб, 10 дан ортиқ фуқароларнинг банк пластик карталаридан ноқонуний равишда **432 млн.га яқин пул маблағларини** ўзлаштириб олганлиги, хатто М.М. 6 нафардан кишидан иборат жиноий гуруҳ ташкил этиб, алоҳида алоқа марказида фаолият юритганлиги аниқланди. Бундан ташқари, ҳуқуқий тарғиботлар ҳам ўз фойдасини етарлича бермаяпти, хусусан, Наманган вилоятида фаолият кўрсатаётган ижтимоий тармоқ ва мессенжерлар орқали 750 та кибержиноятлар бўйича огоҳлантирув мазмундаги видеороликлар намойиш этилган, 4200 дан ортиқ тарқатма материаллар жамоат жойларида тарқатилган, 21 та профилактик мазмундаги янги видеороликлар тарқатилмоқда. Бироқ, бу соҳада жиноятчилик камайиши ўрнига ахборот технологиялари соҳасида содир этилган жиноятлар сони **5,8 баробар ортган.**

Жамоат хавфсизлигига таҳдид солувчи
кибержиноятларга қарши курашиш
истиқболлари мавзусидаги монографияга
34-ИЛОВА

Киберташвиқотларни тўғри амалга ошириш учун амалиётда фойдаланиш мумкин бўлган қисқача тушунтиришларга оид мисоллар

1) телефоннинг созламалар қисмига ўтиб, хусусий хостингдан фойдаланиш ва қолган ахборотларни чеклаш керак[573];

2) chrome броузери ёки бошқа броузерларда махфийлик ва хавфсизлик созламасига ўтиб, ҳимояни энг юқори қисмига ўтиш керак бўлади[574], бунинг оқибатида Google Chromeда хавфли сайтлар чекланади[575];

3) оператор ва провайдерларнинг хизматларидан фойдаланишида боланинг бир ойлик таърифларини имкон қадар видеолар учун кетадиган трафикни инобатга олиш керак, сабаби кибербуллинг одатда видеохабарлар орқали малга оширилади ёки бу самарали бўлгани учун одатда бундан кибержиноятчи самарали фойдаланади;

4) боланинг фойдаланувидаги телефон унинг ёшига муносиб бўлиши керак;

5) мобил иловалардан фойдаланган ҳолда, боланинг интернет ёки телекоммуникация тармоғидан қандай фойдаланаётганлигини масофавий кўриб туриш имконияти бор;

6) броузерларнинг тарихини текшириш орқали назорат қилиш ва номақбул сайтлардан фойдаланилган ҳолат бўлса, бу бўйича таъсир чорасини кўриш мумкин;

7) барча телефонларнинг созламаларида Google созламаси мавжуд ва у орқали оилавий гуруҳ ва оилавий назорат созламаси мавжуд ҳамда у орқали масофавий назоратни ўрнатиш мумкин;

8) барча телефонларнинг созламаларида Google созламаси мавжуд ва у орқали рекламани бошқариш маркази орқали рекламалар келишини чеклаш зарур;

9) барча телефонларнинг созламаларида Google созламаси мавжуд ва у орқали Google дан фойдаланиш жойини ёқиб қўйиш ва уни назорат қилиб туриш мақсадга мувофиқ;

10) ижтимоий тармоқлардаги баъзи мобил иловалар ёки улардаги баъзи каналлар, гуруҳларни чеклаш керак;

11) тармоққа ёки мобил иловаларга ёҳуд ахборот тизимига шахсий маълумотларни жойлаштирмаслик керак;

12) мультфилм ва бошқа ҳар хил ўйин қаҳрамонлари ёки харакатларнинг туб замирида нима борлигига аҳамият бериш керак, болаларнинг онгини заҳарловчи ахборот бўлса, уни чеклаш керак бўлади;

---

[573] https://www.youtube.com/watch?v=hnTgZ6rvRmk.
[574] chrome://settings/security.
[575] https://www.youtube.com/watch?v=fMzW8AxRM1U.

13) тармоқда нотаниш шахслар билан мулоқот қилмаслигини назоратга олиш керак;

14) Касперский лабораториясининг йиллик сўровига кўра, болаларнинг 70% бегоналардан “дўстлар” учун аризаларни қабул қилади, 30% дан ортиғи улар билан онлайн учрашган. Демак, тармоқда дўстликни қабул қилиш қоидаларини болаларга тушунтириш керак, кибертаҳдид вақтида кибержиноятчи болаларга нисбатан меҳрибон бўлиб туюлиши мумкин, ишончга кириши мумкин;

15) кибермухитда, шу жумладан, кибермаконда бошқалар билан салбий муносабатга киришмаслик, салбий гапларни гапирмаслик керак;

16) болаларга рақамли одоб-ахлоқ қоидаларини тушунтириш керак ва тармоқдан тўғри фойдаланиш кўникмасини шакллантириш зарур;

17) агрессия ва таҳдидларга эътибор бермаслик керак;

18) ҳар хил номдаги .apk форматидаги ва бошқа номаълум ҳужжатлар бўлса, иловалар бўлса, уни очиш керак эмас;

19) кибербуллинг содир этилганида тўлиқ рақамли (электрон) далиллар, шу жумладан, видео, аудио, скриншот, вергул, турли хил мем ва лайк, сўзлар ва хаволаларни сақлаб қолиш, телекоммуникация провайдерларига ҳолат ҳақида хабар бериш[576], ички ишлар органлари, Ахборотлаштириш ва телекоммуникациялар соҳасида назорат инспекцияга хабар бериш каби харакатларни амалга ошириш керак.

[576] https://kids.kaspersky.ru/article/kiberbulling_kak_ne_dopustit_problem_iz-za_travli_v_internete.

АНОРБОЕВ А.У.

ЖАМОАТ ХАВФСИЗЛИГИГА ТАҲДИД СОЛУВЧИ КИБЕРЖИНОЯТЛАРГА ҚАРШИ КУРАШИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Монография